

63.5 (2Y3)

397821.512.133

ЖС13

ИСО ЖАББОРОВ

66.14

Ўзбек халқи  
этнографияси

2021898

Тарих — ҲАҚ ТҲАМ  
кутубхонаси

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1994

Этнография кўп қиррали ижтимоий фан бўлиб, унинг тадқиқот объекти халқ ва элатдир. Бу фан уларнинг этник хусусиятларини ўрганади.

Ушбу китобда ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихи, жойланиши, маданий-маиший алоқалари, анъанавий машғулотлари, ижтимоий ва оилавий турмуши каби муаммолар ёритилган. Шунингдек, ҳозирги даврдаги мураккаб этник жараёнлар, халқ ва элатларнинг маиший ва маданий ҳаётида пайдо бўлаётган айрим ўзгаришлар, умумий ва хусусий белгиларнинг анъанавий турмуш унсурлари билан боғлиқлиги каби масалалар ўз ифодасини топган.

Китобдан олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳамда этнография билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: *К. Ш. Шониёзов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор*


Тақризчилар: *А. М. Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Т. Қ. Хўжайов, тарих фанлари доктори, профессор*

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг дарсликларни қайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.

63. 5  
Ж 13

Жабборов-Исо.

Ўзбек халқи этнографияси [Масъул муҳаррир: К. Ш. Шониёзов] — Т.: Уқитувчи, 1994. — 320 б.



63.5

№ 390—94  
Алишер Навоий номли  
Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат кутубхонаси  
Тираж 4000  
Карт. тиражи 8000

Ж 0505000000—125  
353 (04)—94 34—94.

© «Уқитувчи» нашриёти, 1994.

**Тарих — чет тили  
кутубхонаси**

## ЭТНОГРАФИЯ ФАНИ: МОҲИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ

(муқаддима ўрнида)

7  
2  
1

✓ Жаҳонда жуда кўп катта-кичик, турли-туман халқ ва элатлар яшайди. Инсоният этиик жиҳатдан шунча бой ва хилма-хилдирки, ҳозиргача Ер куррасида қанча халқ ва элатлар яшаётганлиги фанда аниқ эмас. Шундай бўлса-да, олимларнинг тахминий ҳисобларига қараганда, жаҳонда икки мингдан ортиқ элатлар мавжуд бўлиб, улар бир неча мингдан то миллиардгача етадиган миллий бирликлардан иборат. Улар қанча ва қандай ижтимоий даражада бўлмасин, ўз тараққиётида умумий қонуният ва қадриятлар асосида ривожланидилар. Одатда бундай омиллар дейилганда фанда умумий тил ва ҳудуд, ягона хўжалик ҳаёти, маиший турмуш ва маданият, миллий ҳис-туйғулар ва характер кабилар кўрсатилади. Айрим кишилар ҳатто диний эътиқоди асосида халқ ва элатларни ажратадилар.

✓ Албатта, ҳар бир халқ ёки элат ўзининг муайян диний тасаввурларини махсус фалсафа ва назарияларга таяниб ягона ва доно, фақат ўзига хос ҳаққоний ва биринчи деб кўрсатишга интилади. Тарихдан маълумки, баъзи шахслар сохта ғайриилмий таълимотлар орқали ўз халқи ва динини энг олий ва юксак даражада таърифлаб, миллий иизо ва фожиали воқеаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб келган. Афсуски, бундай воқеалар бизнинг юксак маданиятли замонамизда ҳам рўй бермоқда.

Бундай тасаввурларнинг пуч ва асоссиз эканлигини тажрибада исботлаб беришга интилган айрим шахслар ҳам бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда буюк аждодларимиздан катта давлат арбоби ва улуғ шоир Бобурнинг набираси, XVI асрда яшаган, ажойиб ҳукмдорлардан бири деб танилган Акбаршоҳ ғайриинсоний бўлса-да, ғалати бир тажриба ўтказган. Жавоҳарлал

Неру «Жаҳон тарихига бир назар» номли катта асарида шундай бир ривоятни келтиради: «Ҳинд халқининг фаровонлиги учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаган, унинг таърифича, «ҳинд миллатчилигининг отаси» деб танилган улуғ подшо Акбаршоҳ ҳар хил дин ва ирқдаги кишилар билан диний ва бошқа турли мавзуларда жиддий баҳс, суҳбатлар ўтказиб келган. Бу баҳслар, одатда,— деб ёзади Неру,— Акбарни мусулмончиликдан қайтариб ўз динига киритишга интилган ғайридин вакиллари ҳисобланган энг зўр улаомларнинг мағлубияти билан тугаган ва улар ўз мақсадига эриша олмаганлар.

Ислом динига садоқатли Акбаршоҳ ҳиндуизм дини вакилига уйланиб сиёсий фаолиятида нафақат миллатлараро дўстлик ва биродарлик тарафдори бўлибгина қолмай, балки виждон эркинлиги ғоясини ҳар томонлама ёқлаб келган. Мазкур сиёсатнинг тўғри эканлигини тажрибада исботлаш мақсадида бу мустабид ҳар хил халқ ва динга мансуб кишиларнинг энди туғилган 12 та фарзандини тортиб олиб, уларга қараб турувчи гунг энагалар билан бирга баланд деворли қасрга қамаб қўйишни буюради. Шу тариқа маҳбуслар ташқи дунёдан мутлақо ажратилган (ҳолда 12 йил давомида қаср ичида яшайдилар. Болалар 12 ёшга тўлгач, шоҳ ҳузурига турли ирқдаги ва диндаги машхур олим ва улаомлар тўпланишади. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг деярли ҳаммаси диний ҳақиқат ва миллий характер туғма, инсон айниқса муайян динга мансуб она тилида гапирадиган бўлиб туғилади, деган фикрни ўртага ташлаганлар. Акбаршоҳ бу фикрга қарши чиқиб, инсон камолотида дин ёки ирқ эмас, даставвал таълим-тарбия ва муайян муҳит ҳал қилувчи омил эканлигини айтади ва гунглар тарбиясида бўлган маҳбус болаларни келтиришни буюради. 12 йил мобайнида жамиятдан мутлақо ажратиб қўйилган турли ирқ ва диндаги одамларнинг фарзандлари на бир тилни, на бир динни билгаилар. Улар қандайдир ноаниқ товушлар чиқариб, ўз фикрини имо-ишоралар билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

Мазкур шафқатсиз тажриба элат ва халқлар ўртасидаги тафовут тил ва дин каби омиллар билан боғлиқ эмаслигини кўрсатиб берса-да, аммо ўзаро узвий алоқадор тарихий бирлик хусусиятлари ҳам муҳим этник

<sup>1</sup> Қаранг: *Джавахарлал Неру*. Взгляд на всемирную историю. М., 1977, 2-жилд, 62—67-бетлар.

белгиларга қараб фарқланади. Бундай ўзига хос миллий (этник) хусусиятларни тадқиқ қилувчи фан соҳаси «этнография» деб номланади. Бу сўз асли юнонча сўз бўлиб, унинг маъноси «демос», яъни «халқ» ва «графия» — ёзиш, таърифлаш деб таржима қилинади. Демак, бу фанни «халқни таърифлаш» ёки «халқшунослик» деб изоҳлаш мумкин.

Баъзи мамлакатларда шу маънода «этнология» атмаси билан бир қаторда «маданий антропология» ва «халқшунослик» номлари ҳам учрайди. Айрим чет эл олимлари этнографияни таърифловчи фан, этнологияни эса назарий фан, деб изоҳлашга уринадилар. Жаҳон фанида салмоқли ўрин олган рус этнографияси ҳам яқинда этнология номига алмаштирилди. Шунинг учун ҳозиргача этнография фанининг яқдиллик билан қабул қилинган таърифи йўқ. Шундай бўлса-да, шубҳасиз, халқларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро тафовути ёки умумийлиги ва ўхшашлигини жиддий тадқиқ қилишда этнография фанининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Ҳар бир халқ ёки элат даставвал тарихий-маданий бирлиги билан ажралиб, ўзига хос хусусиятларини сақлаб келган. Маълумки, айрим этнослар у ёки бу эҳтиёжларини қондиришдаги фаолияти ва услуги билан кўзга ташланади. Масалан, узоқ тарихий давр давомида ерга тўшаб ёки курсида ўтириши, таомни қўлда ёки қошиқ (вилка) билан истеъмол қилиши, ҳар хил ичимликлар ва озиқ-овқат турлари билан, кийим-кечаги ва уй-рўзгор буюмлари, ўзаро мулоқотдаги хусусиятлари (саломлашиш усуллари ва меҳмон кутиш), бола тарбияси, урф-одат ва маросимлари каби жуда кўп миллий-маданий хусусиятлари билан нафақат айрим этнослар, ҳатто баъзи этник гуруҳлар ҳам ажралиб турадилар.

Ҳар бир этнос ўз навбатида айрим қабила ва уруғлар, қавм-қариндош ва жамоа, ижтимоий гуруҳлар ва табақалардан ташкил топган. Олимлар мазкур тарихий бирликларни яратишда ва уларни ўзаро қўшиб, жиқлаштиришда асосий омиллардан энг муҳими миллий тил деб ҳисоблайдилар. Чунки муайян этник бирликларнинг бир-бирлари билан эркин муносабатда бўлиши, муомала қилиши, ҳис-туйғуларини изҳор этиши ва тушуниши, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатишда тил бош омил ҳисобланади. Чунки тил туфайли нафақат тарихий бирлик, балки умумий ижтимоий-иқтисодий,

айниқса, маданий ва маънавий бирлик ўрнатилади. Кўпчилик халқ ва элатларга ном ҳам уларнинг тилига қараб берилган:

Маълумки, халқлар муайян ҳудудда шаклланади ва ривожланади. Албатта, улар бир ҳудуддан иккинчисига кўчиши, уларнинг жойлашган ери кенгайиши ё камайиши, айрим гуруҳлар ёки шахслар ажралиб кетиши мумкин. Аммо умумий тарихий бирликка ва тилга эга бўлган элатлар доимо ўзаро яқин ҳудудда жойлашиб яшаганлар. Турли сабабларга кўра узоқ тарихий даврда шаклланиб келган этнослар она ерини ташлаб жуда узоқ юртларга кўчибгина қолмай, айрим қисмлари ёки гуруҳлари бутун Ер юзига тарқалиб бошқа халқ ва элатлар орасида мусофирликда яшашга ҳам мажбур бўлганлар. Кўп асрлик тарихий тараққиёт давомида айрим халқлар ҳатто бир жойдан иккинчисига кўчиб, турар жойларини бир неча марта ўзгартириб ҳам турганлар. Масалан, венгрлар кейинги минг йил ичида уч-тўрт марта ҳудудини ўзгартирганлар. Турклар ўз давлатини ташкил қилгандан кейин (VI аср) бир неча аср давомида катта-катта гуруҳларга ажралиб, кўплаб юртларга тарқаб кетганлар. Араблар эса аввалига кичкина Араб ярим оролининг бир бурчагида яшаб, қисқа муддат ичида кенг ҳудудга тарқалди ва ислом маданий дунёсининг шаклланишида катта хизмат қилди. Шунинг учун ҳам жаҳонда бир тилдаги, аммо ҳар хил номдаги халқлар кўп учрайди. Масалан, инглиз, араб, турк, эроний тилларда гапирадиган турли халқ ва элатлар бутун жаҳонга тарқалган.

Баъзи тадқиқотчилар маиший турмуши ва маданиятига қараб муайян элат ва халқларни ажратадилар. Ваҳоланки, бир хил турмуш тарзига эга бўлган бир неча этнослар ҳам бўлиши мумкин. Бундай элатлар Урта Осиёда ёки Волга бўйида, Сибирда ёки Шимолий Америкада учрайди. Аксинча, тиллари ҳар хил, хўжалик-маданий турмуши ўхшаш халқ ва элатлар ҳам бир ҳудудда жойлашган бўлиши мумкин. Овчилик, буғучилик билан шуғулланувчи, суғорма деҳқончилик билан тирикчилик қилувчи турли тил ва ирқдаги элатларни биз Африкада, Осиё ҳамда Америкада учратамиз.

Фанда баъзан табиий-географик шароитга ёки қитъаларга қараб ҳам халқларни ажратганлар. Масалан, ҳозиргача тилимизда оврўпалик, осиелик, ҳабашистонлик, сибирлик ёки туркманистонлик деган иборалар мавжуд.

Айрим пайтларда географик давлат-маъмурий чегаралар билан этник чегаралар тўғри келмайди. Баъзи қитъаларда, айниқса, Африка, Жанубий Америка ва Осиёда маҳаллий аҳоли орасида бошқа халқ (этнос) нинг қисми (субэтнос, этнографик гуруҳ), бир неча элатлар бирикмаси (метаэтник бирлик) ёки бошқа хил, масалан, сиёсий, ирқий, диний ва ҳоказо бирликлар мавжуд бўлиб, уларни аниқ таърифлаш анча қийин. Мазкур мураккаб этник ва миллий муаммолар жиддий муносабатлар ва ҳатто тўқнашувларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни тўғри тушуниш учун миллат, халқ ва элатларнинг этник хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиши (этногенези) ва этник тарихини билиш зарур.

✓ Жаҳонда ҳеч бир миллий бирлик ёки этник жараён соф бир хилда намоён бўлмайди, чунки ҳозиргача битта ҳам аралашмаган соф миллат ёки халқ йўқ ва бўлмаган. Баъзан миллий ва этник бирликлар диний ва ирқий тусда ҳам намоён бўлади.

↳ Жаҳондаги элат ва халқларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жуда ҳам узоқ тарихий даврни қамраб олади. Кўпчилик этнослар қулдорлик давридан бошлаб илк феодализм тузумигача мураккаб этник жараёнлар натижасида юзага келган. Уларнинг этногенези ижтимоий-иқтисодий тарих билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади.

Этнография кўп қиррали ижтимоий фан бўлиб, унинг тадқиқот объекти халқ ва элатдир. Бу фан уларнинг хусусиятлари, ўзаро ўхшашлиги ва тафовутлари, келиб чиқиши ва жойланиши, маданий-маиший алоқалари, ижтимоий ва оилавий турмуши каби муаммоларини ўрганади. Ҳар бир этнос айрим шахслар, ёш ва қари, нораства ва ўспирин, жувон ва йигит, эркак ва аёллардан ташкил топади. Ҳеч бир инсон бир-бирига табиати ва характери, хулқ-атвори ва ҳис-туйғулари билан тўлиқ ўхшашликка эга бўлмаганидек, этнослар ҳам бир-бирига тўла ўхшамайди. Аммо табиий-географик муҳит ва ижтимоий-иқтисодий шароит таъсири остида тарихий умумийликка эга бўлган хўжалик-маданий ва тарихий-этнографик типлар юзага келган. Шунинг учун этнография фанининг долзарб умумий муаммоларини: ҳозирги этносларнинг келиб чиқиши, этник тарихи ва шаклланиши, жойланиши ва этник тузилиши, анъанавий машғулотлари, маданий-тарихий муносабатлари, моддий

ва маънавий маданияти, ижтимоий ва оилавий-маиший турмуши хусусиятларини тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарур. Этнографиянинг диққат марказида ҳозирги даврдаги мураккаб этник жараёнлар, халқ ва элатларнинг маиший ва маданий ҳаётида пайдо бўлаётган барча янгилик (инновация) лар, турмуш тарзидаги айрим ўзгаришлар, умумий ва хусусий белгиларининг анъанавий турмуш унсурлари билан боғлиқлиги каби муҳим муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, кейинги йилларда этнос дейилганда фақатгина ижтимоий-тарихий муҳит билангина чекланилмаяпти. Айрим олимларнинг теърак-атрофдаги табиий-географик шароит билан боғлиқ экологик назарияни (этнограф Л. Н. Гумилев) кўтариб чиққанлиги ижобий ҳолатдир. Оқибатда табиий шароитга мослашган ҳолда анъанавий табиий имкониятлардан оқилона фойдаланиш янги бир соҳа — этноэкологиянинг пайдо бўлишига олиб келди.

Этнография мустақил фан соҳаси сифатида география фани заминида ўтган аср ўрталарида юзага келган эди. У ўзига хос тадқиқий услуб асосида умуминсоният ва айрим халқларнинг тарихи ва турмуш тарзидаги муҳим муаммоларни ҳал қиладиган дунёқарашли ижтимоий фан. Этнография жаҳондаги барча халқларни, катта-кичиклиги, ирқи, ижтимоий тузуми, қолоқ ёки ривожланган бўлишидан қатъи назар, тенг ва баббаравар ўрганадиган илм соҳасидир.

Тарихий этнография йўқолиб кетган халқ ва элатлар, узоқ ўтмишдаги этник жараёнлар, маиший турмуш ва маънавий маданият қолдиқлари ҳамда хусусиятларини тадқиқ қилади. Масалан, ўрта осийлик этносларнинг қадимги аجدодлари — саклар, массагетлар, сўғдликлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, марғиёналиклар этнографик жиҳатдан энг кам ўрганилган. Ёзувсиз халқларнинг қадимий тарихини тиклашда этнографик тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Этнография фани, бошқа фанлар сингари, ўзига хос махсус тадқиқий услуб ва атамаларга эга. Унинг услуби муайян дунёқараш ва назариялар (методология) билан боғлиқ бўлиб, ўз тадқиқотларини айрим фан соҳалари билан алоқадор ҳолда амалга оширади. Айниқса у антропология, археология, лингвистика, социоло-



гия, санъатшунослик каби фанлар ютуқларидан кенг фойдаланади.

Маълумки, «халқ» тушунчаси бир неча маънога эга. Баъзан оддий тилда бир тўп кишиларни ёки авомни халқ десак, баъзан бир неча элат ва миллатлардан ташкил топган давлат ёки мамлакат аҳолисини ҳам халқ деб атаймиз. Ўзбек классик адабиётида «халқ» сўзи икки маънода: яратиш, борлиқ ёки одамлар деб таърифланади. Шунинг учун кейинги йилларда этнографияда муайян тарихий бирликни англатадиган халқ маъносига «этнос» атамаси ишлатилмоқда. Этнослар муайян тарихий даврнинг маҳсулоти сифатида айрим шахс ёки кишиларнинг истаги билан эмас, балки объектив тарихий зарурият натижасида намоён бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам этносларнинг жойланишини, уларнинг шу жойнинг туб аҳолиси (автохтон ёки абориген) эканлигини ёки бошқа ердан кўчиши (миграция) натижасида келганлигини аниқлашда этнографлар палеоантропологик маълумотлардан фойдаланадилар. Уларнинг қайси ирққа оид эканлигини аниқлашда антропология фани ёрдам беради. Этнография «соф» ирқларни эмас, балки тарих тақозаси билан ўзаро яқинлашган ирқий бирликларни, яъни антропологик типларни ўрганади.

Этник жараёнини тадқиқ қилишда турли тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, оғзаки ижод намуналаридан кенг фойдаланилади. Этносларнинг келиб чиқиши ва этник қиёфасини аниқлашда тилшунослик (лингвистик) маълумотлари ҳам ёрдам беради. Уларнинг моддий маданият тарихи ва хусусиятларини археология фани билан ҳамкорликда аниқлаш мумкин. Аҳолининг жойланиши, ўсиши, теварак-атрофнинг таъсири, миграцияси каби масалаларни ўрганишда этник география ва демография фанлари ютуқларидан фойдаланилади. Этносларнинг маънавий маданияти санъатшунослик, мусиқашунослик, диншунослик, фольклор ва адабиёт билан ҳамкорликда ўрганилади.

Мазкур фанларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли кейинги йилларда қўшалок илмий соҳалар ҳам юзага келди. Масалан, этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда этник антропология, палеоэтнография, этнолингвистика каби янги соҳалар самарали иш олиб бормоқда. Ҳозирги даврдаги этник жараёнларни теран ва кенг миқёсда тадқиқ қилишда кейинги йиллар-

да ўтказилаётган социологик тадқиқотлар натижасида янги соҳалар — этносоциология, этнопсихологиянинг юзага келиши муҳим аҳамиятга эга. Айрим элатлар табиий-географик шароитга қараб ёввойи ўсимликларни экиб ўстириш ёки ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш, урчитиш каби ўзига хос турмуш хусусиятларига эга. Бундай хўжалик хусусиятларини аниқлашда махсус фанлар билан ҳамкорликда этноботаника ва этнозоология каби соҳалар ҳам пайдо бўлган.

Халқларни ўрганишда этнография фани ниҳоятда кенг ва хилма-хил манбалардан ва услублардан фойдаланади. Этносларнинг кўп қиррали, ранг-баранг ҳаётини ўрганишда уларнинг ҳар кунги турмуш тарзини бевосита кузатиш асосида жойларнинг ўзида тўпланган материаллар бош манба ҳисобланади. Бир жойда узоқ давр яшаб, кузатиш йўли билан ўтказилган тадқиқотлар энг самарали эканлигини машҳур этнографлар (Л. Морган, Н. Н. Миклухо-Маклай, В. Г. Богораз) алоҳида қайд қилганлар. Бундай тадқиқотлар стационар услуб деб номланган бўлиб, бизнинг ҳозирги шароитимизда мазкур услубдан кам фойдаланилади. Қисқа муддатда ўтказиладиган услуб ва айрим мавсумларда тадқиқ қилиш дала ишлари (экспедиция) ҳозир кенг тарқалган.

Дала ишларида асосан ахборотчидан суҳбат йўли билан ёзма ёки магнитофон орқали маълумотлар тўплаш, муайян маиший-маданий турмуш ҳодисалари, оила-никоҳ муносабатлари ва маросимлари, халқ сайиллари ва ўйинларини кузатиш, уларда бевосита иштирок қилиш ва уларни жиддий ўрганиш (ёзиш, чизиш, расмга олиш) каби услублар қўлланилади. Маънавий маданиятни тадқиқ қилишда (айниқса айрим урф-одат ва маросимлар, халқ ўйинлари, ибодат ва миллий рақсларни) замонавий техника (фото, видео ва киноаппаратуралар) воситаларидан кенг фойдаланилади. Дала ишлари пайтида этнографлар элатларнинг моддий маданиятини жиддий ўрганибгина қолмай, уларнинг энг ноёб намуналарини музей экспонатлари сифатида йиғиб оладилар. Этносоциологик тадқиқотлар эса асосан махсус анкеталар тарқатиш йўли билан ўтказилади ва улар кейинчалик ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилади.

Этнографияда «маданият» дейилганда асосан инсон қўли ва ақл-идроки билан яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар тушунилади. Асли рус тилидаги

«культура» лотинча сўз бўлиб «ишлаб чиқариш», «ясаш», «яратиш» деган маъноларни англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида маданият сўзининг этимологик моҳияти ечилмасдан умумий тарзда «жамиятнинг ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи» деб таърифланган. Этнографик жиҳатдан моддий маданиятга хўжалик ва транспорт воситалари, турар жой ва ҳовлилар, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, кийим-кечак ва безаклар, таом ва идиш-товоқлар, бадий буюмлар ва ҳоказолар кирди. Маънавий маданият дейилганда этносларнинг миллий ҳис-туйғулари ва табиати, урф-одат ва маросимлари, халқ ўйинлари ва сайиллари, рақс ва куйлари, оғзаки ижоди, диний тасаввурлари ва ҳоказолар тушунилади.

Этнографияда умумий тушунча ва атамалардан ташқари махсус атамалар ҳам мавжуд. Масалан, ижтимоий тузум ва муносабатларни аниқлаш ва таърифлаш мақсадида «уруғ», «қабилла», «элат» каби сўзлар билан бир қаторда уруғ жамоаси, қишлоқ ёки қўшничилик жамоаси, қабилла иттифоқи ва кенгаши каби атамалар муҳим аҳамиятга эга. Оила-никоҳ муносабатлари ва уруғ-қабиллачилик тартиб-қоидаларини ўрганишда махсус атама—«экзогамия» (юнонча «экзо»— ташқи, «гамос»— никоҳ) сўзи катта роль ўйнайди. Қабилла ичида қуда-андачиликни ман этишни билдирадиган «эндогамия» («эндон»— ички, «гамос»— никоҳ) эса ўз уруғи ёки қабилласи ичидаги никоҳ тартибларини ифода-лайди. Қадимий никоҳ шаклларида «полигамия» (кўп никоҳлик), «левират» (лотинча «левир»— ака-укаларнинг бева янгаларига уйланиши) ёки «сорорат» (хотинининг синглиси ёки опасига уйланиш) одатлари ҳозирча айрим халқларда сақланиб келган тартибларни ифода-лайди.

Этнографларнинг хўжалик фаолияти ва машғулотли, айниқса чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, ба-ликчилик ва овчиликка оид атамалари жуда кўп. Масалан, деҳқончилик ерга ишлов бериш усулига қараб бир неча хилга бўлинади (ўрмон ёки бутазорларни чопиб, ўт ёқиб куйдиргандан кейин кулига уруғ сепиш, мотиға (кетмонча) билан ишлов бериш, баҳори экин ва суғор-ма деҳқончилик қабилар). Чорвачилик ҳам ҳар хил тармоқларга бўлинган (йилқиччилик, туячилик, буғучи-лик ва ҳоказо). Ҳунармандчиликнинг тармоқлари жуда кўп бўлиб, турли этносларга ҳос махсус атамалар қўл-

ланилади. Ҳозиргача ўз номларига эга турар жойлар ва манзилгоҳлар, чайлалар ва ертўлалар, чодир ва қора уй (ўтов) лар, гувола, хом ғишт, пахса, ёғоч ёки тошдан қурилган, текис ёки гумбазсимон томли оддий уйлардан тортиб то замонавий кўп қаватли шаҳар иморатлари, қўшқу биёбонларгача учратиш мумкин. Ўзига хос атамалар уй-рўзғор буюмлари жиҳозларида, миллий хусусиятни ифодаловчи кийим-кечак ва безакларда, хилма-хил табиий муҳит ва турмуш тарзи билан боғлиқ таомлар ва ичимликларда ҳам намоён бўлади. Маънавий-маданий тушунчаларга оид диний эътиқод, урф-одат ва маросимларнинг номлари ҳам кўпинча этник хусусиятларни белгилашга ёрдам беради.

Давримизнинг кўп қиррали мураккаб этник жараёнини, миллатлар ва элатлар орасидаги муносабатларни, никоҳ-оила ва маиший турмуш муаммоларини, болалар тарбияси, одоб-ахлоқ масалаларини тадқиқ қилиш этнографларнинг диққат марказида турибди. Ҳозирча энг кам ўрганилган, аммо муҳим аҳамиятга эга бўлган халқ ижобий тажрибалари (халқ табobati, этнопедагогика масалалари, анъанавий ҳунармандчилик ва хўжалик услублари, тижорат ва савдо-сотиқ каби-лар) биринчи даражали муаммолардан. Асрлар оша синовдан ўтган умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштириб миллий тусга кирган ҳамкорлик, биродарлик, маҳаллачилик, ҳашар каби анъанавий халқ одатларини яна ҳам ривожлантириш этнография фани олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тарихий-этнографик тадқиқотлар айрим халқлар, элатларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг инсоният тарихида тутган мавқеи ва ўрнини аниқлашга ёрдам беради. Тарихийлик қиёсий услуб ва материалистик дунёқарашга асосланган этник жараёнларни тўғри тушунишнинг бирдан-бир объектив омилдир. Шунинг учун этнография фанининг моҳияти ва жамиятда тутган ўрнини аниқлашда унинг тарихига назар ташлаш зарур бўлади. Шу жумладан ўзбек этнографиясининг тарихини билиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир фан дастлаб фактик билимларни тўплашдан бошланади, кейин уларни тартибга солиб, чуқур ўрганиб моҳиятига тушуниб, тегишли назарий хулосалар чиқаради. Этнографик билимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг пайдо бўлиши, зарур маълумотлар тўпланиши, далил (факт) лар англаб олинishi

бир вақтда содир бўлади. Буни Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи этнографияси тарихида аниқ сезиш мумкин. Тарихий тақдири бир, хўжалик-маданий жиҳатдан умумий, маиший турмуши ва ижтимоий тараққиёти анча яқин Урта Осиё минтақаси динамик жараён, яъни вақт жиҳатдан ўзгарувчан характерга эга. Тарихий-этнографик ва этник тузилиши қанча барқарор бўлмасин мазкур этнослар вақт ҳукми билан доимо ривожланиб, ўзгариб турган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари минтақаси узоқ ва мураккаб машаққатли тарихий жараённинг маҳсули бўлибгина қолмай, улар маънавий маданият ва ҳиссиёт туйғулари билан ҳам ниҳоятда чирмашиб кетган ўзига хос этносларнинг ватанидир. Бу халқларнинг хусусиятлари ва умумий белгиларини аниқлаш учун даставвал этник тарихнинг айрим саҳифаларини варақлаш зарур.

Узоқ ўтмишда, 3—4 минг йиллар муқаддам Марказий Осиёнинг саховатли тупроғидан ғарбдан шарққа томон қадимий ҳинд-европа тилларида гапирадиган турли қабилалар Олтой ва Мўғулистон томон кўчиб ўтган. Эрамиздан аввалги I минг йилликнинг охиридан бошлаб шарқдан ғарбга томон Буюк дашт орқали катта кўчиш жараёни рўй беради. Дастлаб туркий тилда гапирадиган қадимий ҳуни қабилавий бирликлар то эрамизнинг I минг йиллигининг ўрталаригача кўчиб ўтган ва улар этник жиҳатдан сезиларли из қолдирган. Туркий элатларнинг беш-олти аср давом этган кўчишида айрим мўғул қабилаларининг миграцияси ҳам рўй берган. Уша вақтларнинг ўзида Урта Осиёда боят, қайи, бояндар каби мўғул қабилаларининг мавжудлиги диққатга сазовордир. VII асрга келиб Урта Осиёни босиб олган араблар этник жараёнга таъсир қилмаса-да, ислом дини ҳукмронлигини ўрнатган. Мўғул истилоси бутун минтақада ўз таъсирини ўтказиб нисбатан ирқий тузилишга бир оз ўзгаришлар киритган эди.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Урта Осиё ва Қозоғистонга келган хуннлар, турклар, араблар ва мўғуллар илгаридан ўзлаштирилган ерлар ва қадимий маданият яратган элатлар ўлкасига келиб маҳаллий этнослар билан аралашиб кетганлар. Шуниси қизиқки, қадимий туб элатларни юнонлар скифлар, эронликлар саклар деб тилга оладилар, баъзилар массагетлар деб номлайдилар. Уларнинг Ғарбий Европа билан, яъни ҳинд-ев-

ропаликлар билан боғлиқ эканликларини исботлаш учун ҳозирги Болгария ва Руминияда яшовчи қадимий кетларга ўхшашлигини кўрсатадилар. Қадимий тарих мутахассисларининг фикрича, ҳақиқатдан ҳам сакларнинг қавму қариндошлари Болқонда ва Шимолий Қора денгизнинг бепоён даштларида яшаган қадимий праскифлар шажараси билан боғлиқ. Маълумки, антик замонда Эрон подшоларининг катта қўшинлари мазкур даштда яшовчи кўчманчи қабилаларнинг зарбасига учраб кўп қирилган. Македониялик Искандар ўз қудратли лашкарларини Марказий Осиёга кетма-кет юбориб, даставвал жиддий қаршиликларга дашт қабилалари томонидан учраган ва кўплаб лашкарларидан маҳрум бўлган. Ўз кучини кўрсатиш ва ҳукмдорлигини ўрнатиш учун жаҳонгир Урта Осиё марказида бир неча юнон номидаги шаҳарларни қурган. Шулардан бири ҳозиргача харобалари сақланган Хўжанд шаҳридир. Шарқда бунёд этилган Искандария шаҳри дашт қабилаларидан сақланиш учун қўрғон бўлган. Оқибатда юнонлар кўчманчилар билан ёнма-ён яшаб, савдо қилиб, аста-секин араллашиб, эллин ва маҳаллий маданиятлар негизида янги маданият белгилари пайдо бўлган ва бизгача сақланган.

Узоқ давр давомида Марказий Осиёга кўчиб келган элатлар сак-массагет заминида ўзига хос жимжимадор маданий белгиларни қолдирган. Бу ерда I минг йилликнинг ўрталарида кетма-кет кўчиб кела бошлаган хуннлар, хионитлар, оқ хуннлар, эфталитлар, пачанаклар ва бошқа турк элатларининг кўплаб келиши маҳаллий халқларни туркийлаштириб юборган. Аммо абориген (туб) аҳоли орасида ҳам апасиак, аугасийлар деб номланган қадимий турк элати ҳам бўлган. Бу элат рус солномаларида кўп тилга олинган печенег (пачанак) лар деган фикр мавжуд. Айрим тадқиқотчилар тахминича, аугасийларни кейинчалик «ўғуз» номи билан машҳур турк элати деса бўлади.

X асрда Жанубий Сибирь томондан Урта Осиёга тил жиҳатдан пачанак ва ўғузларга яқин қипчоқлар бостириб кириб, талон-торож қилган. Пачанакларнинг бир қисми шимоли-ғарбий томонга, ўғузларнинг анча қисми жануби-ғарбий томонга кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. Оқибатда ҳозирги Туркманистонга тарқалган ўғузлар туркман халқи билан, иккинчи қисми Озарбайжонни босиб олиб, озорлар билан қўшилиб кетган, яна бир

гуруҳ ўғузлар ғарб ва жанубга, яъни Туркия ва Эрон томон ўтиб маҳаллий элатлар билан аралашиб кетган.

Шуни қайд қилиш лозимки, ҳозирги туркманларнинг этник тузилишида монголоид ирқи белгиларининг мавжудлиги, уларнинг тилида баъзи қадимий эроний ва қипчоқ тиллари айрим элементларининг сақланиши муҳим аҳамиятга эга. Туркман қабилаларининг ўзаро яқинлашиши фақат кейинги вақтларда рўй бера бошлади. Илгари бу қабилалар сунъий равишда Эрон мустабидлари, Хива ва Бухоро хонлари томонидан бўлиниб тарқоқ ҳолда яшаб келганлар.

Қадимий она Сўғд тупроғида яшаб келган, ҳар хил элат ва қабилалар билан аралашиб кетган ўзбек халқи ҳам Урта Осиёнинг бошқа элатлари билан туб қон-қариндош. Айниқса ўзбеклар билан қозоқларнинг деярли барча туркий аجدодлари умумий, аммо ҳар бир халқнинг қонида бошқа элат қони мавжуд. Масалан, антропологларнинг таърифича, қозоқларнинг ирқий тузилишида мўғул истилосидан етти аср муқаддам монголоид белгилари пайдо бўлган, яъни мўғуллик таъсири илгарироқ бошланган, шунинг учун ҳам уларда монголоид белгилари кўпроқ. Тарихда биринчи қозоқ давлати Чу дарёси воҳасида пайдо бўлганда унинг ўзбек-қозоқ давлати деб айтилиши диққатга сазовордир.

Қирғизларнинг ҳам асли қадимий сақлар эгаллаган Тянь-Шань тоғ бағри ва этагидаги европеоид аҳоли билан аралашиб ўз она туркий тилларини бу ерга кўчиб келишдан олдин шакллантирганлигини тадқиқотчилар қайд қиладилар. Уларнинг шевалари, ўзаро тарқоқ (тоғли ва водийларда жойлашган) аҳоли бўлишига қарамай, унча фарқ қилмаслиги бунга далил. Антропологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрамиздан аввалги I минг йилликларда ҳозирги қирғизларнинг қадимги аجدодлари европеоид ирқида бўлган, кейинчалик келгинди монголоид қабилалар таъсирида ўзгарган.

Умумий этник илдири бир бўлган тожик халқи баланд тоғлари туфайли, ғарбий, шимолий ва шарқий қўшниларидек, тил ва ирқ жиҳатидан туркийлашмаган ва европеоид белгиларини сақлаб қолган. Албатта, бу ерга қисман турклар ҳам, мўғуллар ҳам, бир вақтлар Искандар ва араблар ҳам келиб ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Кейинчалик Чингизхон ва Темур ҳам, XVI асрда Урта Осиёга бостириб кирган шайбонийлар ҳам Самарқанд ва Бухорони қўлга киритган ва тожикларнинг

ерларини ўзларига бўйсундирган. Аммо келгинди-кўчманчилар табиий-географик шароит ноқулай бўлганлиги туфайли унча узоқ турмаганлар. Шу сабабдан тожиклар ғарбий эроний тилларга кирган, ўз она тилларини сақлаб, ирқий жиҳатдан ҳам анча соф европеоидлигича қолган.

Демак, бутун Урта Осиё ва Қозоғистон муайян тарихий-этнографик минтақани ташкил қилган. Уларнинг қадимий аجدодлари бир, этник замини умумий. Бунинг асосини нафақат умумий табиий-географик шароит, ҳатто анъанавий хўжалик-маданий типлари, кийим-кечаги, моддий ва маънавий маданияти, ҳатто динларнинг бирлиги ва ҳоказо ҳозиргача сақланиб келган жуда кўп умумий унсурлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам мазкур минтақадаги республикалар мустақилликка эришиб истиқлол йўлига ўтгач, уларнинг Марказий Осиё республикалари деб номланиши тасодиғи ҳодиса эмас.

Табиийки, эндиликда тарихий тақдир бир, этник ва маданий илдизи умумий, келажак ижтимоий-иқтисодий ривожини узвий боғланган мазкур республикалар аҳолиси этнографиясини жиддий ўрганиш энг муҳим долзарб вазифалардан десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай масъулиятли олижаноб вазифани дастлаб ўзбек халқи этнографиясидан бошлаб беришга муаллиф журъат қилди. Бу ишни қон-қариндош қўшни халқлар ҳам бошлар деган умиддамиз.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси ниҳоятда кенг ва катта ҳудудни эгаллаб олган Урта Осиё-Қозоғистон тарихий-этнографик минтақасига киради. Ўзбек эли жойлашган ҳозирги ҳудуд 447,4 минг кв. км. га яқин, аҳолиси 22 миллиондан ортиқроқ. 1989 йилги аҳоли рўйхатига биноан республикада 19,8 миллиондан ортиқ киши яшаган, улардан 71,3 фоизи ўзбеклар, қолганлари юзга яқин катта-кичик элатларнинг вакиллари. Жумладан, кўп сонли халқлардан руслар (1,652 минг), тожиклар (931 минг), қozoқлар (808 минг), татарлар (188 минг), корейлар (182 минг), қирғизлар (174 минг), украинлар (154 минг), туркманлар (122 минг) ва бошқалар истиқомат қилади. Бу ерда энг қадимий зич аҳоли яшайдиган тоғ адирлари ва водийлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё кабилар) жойлашган. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан 12 та




## Тарих — чет тили кутубхонаси

вилоят, Амударё қуйи оқимида ва Орол соҳилида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Утган аср ўрталаригача мазкур ҳудудда Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари ҳукмронлик қилиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия зўравонлик билан Урта Осиёни босиб олгандан кейин ўлкада Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинади. Бу ҳолат албатта чоризм ҳокимияти амал қилаётган мустамлакачилик сиёсатининг оқибати ҳисобланади. Асли умуминсоний қадриятлар байроғи остида мазкур ҳолатдан «Октябрь инқилоби» туфайли озод бўлган ўзбеклар узоқ вақт ўтмай совет мустамлакачилик сиёсати гирдобига тортилди. Яхлит Туркистон ва унда яшовчи миллат ва элатлар сунъий равишда қайтадан бўлиниб «мустақил» республикалар юзага келди. Албатта, объектив ижтимоий тараққиёт, сиёсий ҳокимиятни халқ қўлига олиб берган «инқилоб» маҳаллий этносларнинг ривож учун дастлабки ўн йилликларда муайян шароит яратиб берганлигини инкор қилиб бўлмайди. Оқибатда Урта Осиёда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқларнинг миллий бирлиги учун ижтимоий-сиёсий вазият шакллана бошлаган эди.

Аммо 30-йилларда амалга оширила бошлаган совет янги мустамлакачилик (неоколониализм) сиёсати маҳаллий миллатларнинг равнақига катта путур етказди. Даставвал энди уйғониб келаётган халқларнинг асл фарзандларини, айниқса, давлат, фан ва маданият соҳасида етишиб келаётган буюк истеъдодларни қатағон қилиш, кўпчилигини қириб, бутун этносни миясиз «манқурт»га айлантириш сиёсатини амалга оширишга киришилган эди. Умуминсоний қадриятлар шиори остида бошланган мазкур мустамлакачилик сиёсати узоқ ўтмишда юксак маданият яратган халқимизнинг табиий қобилияти, буюк истеъдоди ва куч-ғайратини ҳар томонлама намоён қилишга йўл қўймади. Аксинча, унинг асрлар давомида шаклланиб келаётган ажойиб анъаналарини «интернационализм» назарияси асосида аста-секин эмира бошлади, миллий қадриятларни тиклаш йўлида ўзини фидо қилишга тайёр бўлган «алпомишлар»ни қатағон қилди, қамоққа олди. Бундай ваҳшиёна сиёсатнинг сирини очилгач собиқ Иттифоқ раҳбарлари «қайта қуриш, демократия, ошкоралик» каби баландпарвоз сўзли янги ғояларни «кашф» этдилар. Бу ишда на мафкуравий, на маънавий, на ғоявий воситага эга



бўлмасдан, олижаноб инсоний мақсадларни рўёбга чиқаришда доимо йўлчи юлдуз бўлиб нур сочиб келган илм-маърифат хор қилинди. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт, осойишталик ва тинчлик фақат кенг халқ оммаси сиёсий-маданий савиясининг юқори даражадалиги билан бевосита боғлиқ.

Афсуски, парчаланиб кетган Иттифоқнинг деярли ҳамма ерида иқтисодий ва маънавий қашшоқлик, ёвузлик ва тўқнашувлар, зўравонлик ва қон тўжишлар, кутилмаган зиддиятлар, миллий низолар барча элатларни гаранг қилиб қўймоқда. Шиддатли ижтимоий оқимнинг қудратли тўлқинида инсоннинг, бутун бир элат ва халқнинг сабр-тоқати ва иродаси, кучи ва ақл-идроки синовдан ўтмоқда. Бундай зўр жараённинг кўпигида даҳшатли ахлатлар ҳам қалқиб чиқиб, ёвуз ниятли шахслар ўз ҳукмини ўтказишга, тарихий ютуқларни тўла инкор қилиб, хурофий ўрта аср даври тартибларини ўрнатишга интилоқдалар. Ачинарли томони шуки, сиёсатда ҳам, ҳатто илм-маърифатда ҳам теран ўйланилмаган юзаки ғояларга таяниб амалий фаолиятда ё ўнг, ё сўлга чекиниб, ўзимиз ўзимизни қоралаб тарихни сохталаштира бошладик. Арзон обрў ахтариб ўзининг ёвуз ниятларига етиш мақсадида баландпарвоз шиорлар билан чиқаётган айрим шахслар объективликни рад этиб, қўлга киритган тарихий ютуқларимизни инкор қилиб бузиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Наҳотки энди, баъзи билимдонлар фикрича, етмиш беш йил давомида ҳеч қандай ижобий ютуқларга эга бўлмадик? Кечаги кунимизни унутиб, фақат сиёсий хатоларни рўкач қилиб қанча қурбонлар билан халқимиз қўлга киритган ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий ҳаётимиздаги ютуқларни ўчириб ташласак?

Ҳозиргача аёвсиз қора бўёқлар билан қораланаётган мафқуранинг асл мазмуни эзгу ниятларга қаратилганлиги, миллионлаб кишиларнинг эътиқодига, иймонига айланиб, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятга муҳим омил бўлганлигини ҳеч ким тўла инкор қила олмайди. Шубҳасиз, мазкур мафқура айрим ёвуз шахслар учун ўзларининг паст ниятларини амалга оширишда бир байроқ, балки ниқоб ҳам бўлди. Мазкур ниқобни ўз вақтида фош қила олмаган, ҳақ сўзга ишонадиган халқимизнинг айби нимада? Бу мафқура ҳам кўр-кўрона итотатгўйликка чорлаб келган янги диний эътиқодга айланиб, уни янги ақидалар даражасига кўтарди. Деярли

бир аср давомида чалғитиб келган шахслар учун минглаб қурбонлар берган қалби пок халқимиз айбдорми? Шунинг учун тарихий қисқа муддат ичида янги бир жамият яратиб, муайян ютуқларга эришган халқимизнинг ҳақиқий тараққиётини объектив баён этиш, унинг этник қиёфасини, асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини ҳаққоний тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, ўзбек халқининг ҳам бошқа халқлар сингари барча қийинчиликларни, оғир кунларни бошдан кечирибгина қолмай, совет даврида умумий маиший-маданий ютуқларга эришиб, умуминсоний қадриятлар асосида замонавий цивилизация даражасига кўтарилиб ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий анъаналарни яратганлигини инкор қилиб бўлмайди. Бундай умумийлик нақадар муҳим бўлганлигини ва унинг бузилиши қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини ҳозирги кунимиз ёрқин ифодалаб бермоқда. Ҳеч бир жамият бошқа юрт-элатларсиз, қўшни жамиятларсиз яшай олмайди. Шунинг учун ҳар бир халқ ўзини қанча мустақил ҳисоблаб, эркинликка эришмасин, барибир, унинг ривожини ва келажагини умуминсоният тараққиёти, яъни қўшни-қўшни элатлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбек халқининг этник қиёфаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятлари даставвал маҳаллий табиий-географик ва экологик шароитга боғлиқ бўлиб келган. Бутун Урта Осиё, юқорида қайд қилинганидек, ўзига хос тарихий-этнографик ва хўжалик-маданий типлар яратган минтақа. Унда яшовчи халқларнинг келиб чиқиши ва тарихий тақдири ҳам умумий характерга эга. Тарихда умумий этник илдизга эга бўлган, муайян ҳудудда жойлашган, аммо турли тил, маданий-хўжалик типдаги ҳар хил элатлар доимо ўзаро яқин муносабатларда бўлиб, аралашиб келган ва узоқ мураккаб тарихий жараёни бошдан кечирган.

Ўзбекистон Республикаси шимол ва шимоли-ғарб томондан Қозоғистон, шарқдан Қирғизистон ва Тожикистон, жануб ва жануби-ғарб томондан Туркменистон ва қисман Афғонистон билан чегарадош. Аҳолисининг миллий тузилишини асосан ўзбеклар ташкил этади. Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида деярли бутунлай ўзбеклар яшайди. Бошқа вилоятлар кўп миллатли аҳоли бўлса-да, кўпчиликни ўзбеклар ташкил қилади, қолгани асосан маҳаллий ўрта осийлик элатлар, келгинди

руслар, украинлар, татарлар, корейслар ва ҳоказо.

Барча аҳоли умумий хўжалик-маданий типларга эга. Минтақанинг табиий-географик шароити уларнинг нафақат хўжалик фаолиятини, балки миллий хусусиятларини ҳам қисман белгилаб берган. Республиканинг шимоли-ғарбий қисмида аста-секин йўқолиб бораётган Орол денгизи жойлашиб, унга етиша олмай ҳаётбахш сувларини сахийлик билан тарқатиб келаётган Амударё ва Сирдарё оқиб ўтмоқда. Анча қисмини баланд тоғли, адир ва тоғ этагидаги ерлар эгаллайди. Тоғлардан бошланган катта-кичик дарё ва сойлар воҳаларга тарқалади, қуму саҳроларга шимилиб кетади. Улканнинг иқлими Урта Осиё текисликлари ва тоғ тизмалари бирлиги, сув ресурслари ва серунум тупроғи, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг умумийлиги билан тавсифланади. Республика табиатининг ўзига хослиги унинг субтропик белгилари билан мўътадил иқлим бирикмасида.

Ўзбекистоннинг табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб келган. Асримиз бошларида ўзбек диёрида анъанавий мазкур шароитга мослашган уч хил хўжалик типлари маълум бўлган: воҳаларда яшовчи ўтроқ деҳқончилик хўжалиги, дашт ва ярим даштларда қисман кўчиб юрган аҳолининг чорва хўжалиги, воҳаларга яқин ва дарё қуйи оқимида жойлашган чорва-деҳқончилик хўжалиги. Хўжалик-маданий типларнинг чегараси этник ҳудудга тўғри келмайди. Аммо тарихий жиҳатдан этник маданий бирлик узоқ давр ичида хўжаликка мос равишда шаклланиб келган.

Миллий руҳият, ижтимоий онг, ойлавий ва маънавий ҳаётнинг ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган даражада ривожланиши, шубҳасиз, халқнинг эркинлиги, унинг давлат тузилиши билан бевосита боғлиқ. Замонавий илм-маърифат ва маданиятнинг юқори поғоналарига кўтарилган ўзбек халқи ўзининг мустақилликка эришган кунидан бошлаб янги истиқлол йўлида дадил қадам ташлаши унинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг ҳар томонлама равнақ топишида катта замин бўлади.

Халқимиз келажаги ва унинг тараққиёт йўли ўтмиш билан узвий боғлиқдир. Эндиликда инсон ҳуқуқлари,

миллий ғурур ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг ва турмуш тарзининг тарихий тажрибасига таяниш, демократик (халқчил) қонунийликни ҳурматлаш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда. Шунинг учун ўзбек халқининг ўтмиши ва тарихий тажрибаси, унинг этник қиёфаси, хўжалик-маданий хусусиятлари, моддий ва маънавий, ижтимоий ва оилавий ҳаётини илмий жиҳатдан аниқ билмагунча ҳозирги тараққиёт йўли, кейинги йўналишини белгилаб бериш мумкин эмас. Демак, миллий истиқлолга эришган, ўз йўлини топишга, ўз тақдир истиқболини аниқлашга энди киришаётган республикамыз ривожини ўз элининг мураккаб тарихини, этник хусусиятларини аниқ билишни, уни чуқур таърифлашни тақозо қилади.

## ЎЗБЕК ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Дастлабки этнографик маълумотлар ибтидоий жамият ташкил топгандан кейин қабилалар ўртасида алоқалар ўрнатилиши натижасида аста-секин тўплана бошлаган. Уша даврдаёқ айрим қўшни қабила, элат ва халқларнинг маиший турмуши, этник хусусиятларини ўрганиш, уларни аниқ ва тўғри тушуниш амалий эҳтиёжларни қондириш тақозоси билан вужудга келган. Узоқ ўтмишда Шарқ мамлакатларида қўни-қўшнилари билан самарали савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатиш, шунингдек, уларга қарши муваффақиятли урушлар олиб бориш ёки жиддий дипломатик алоқалар ўрнатиш учун даставвал этнографик маълумотларга эга бўлиш зарур эди.

Ўзбекларнинг энг қадимий аجدодлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Шарқ мустабидлари, айниқса, қадимги Эрон, Бобил, Оссурия ҳукмдорлари ўзларини улуғлаш мақсадида тошга биттирган зафарномаларида босиб олинган ва бўйсундирилган элат ва халқларни тилга олганлар. Шулар ичида ўрта осиеликларнинг қадимий аجدодлари тўғрисида ҳам айрим маълумотлар мавжуд.

Илк ёзма манбалардан қадимги Юнонистон ва Рим муаллифларининг асарларида Орол бўйи ва Оке (Амударё) ҳамда Яксарт (Сирдарё), Мовароуннаҳр ва Бақт-

рида яшаган қабилла ва элатлар тилга олинадил. Масалан, антик давр муаллифларидан милетлик Гекатей, Страбон, Геродот, Арриан, Птоломей ва Ктесий, сицилиялик Диодор, Помпей Трог, Тацитлар ўз асарларида сак-массагет қабилалари, хоразмликлар, бақтрияликлар, парфиялик ва сўғдийлар тўғрисида айрим маълумотлар келтирганлар.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий аجدодлари ва уларнинг турар жойлари, урф-одат ва маросимлари тўғрисида ноёб маълумотларни бизгача етиб келган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авеста»дан ҳам олиш мумкин. Эрамиздан аввалги II—I асрлардан бошлаб араб истилосигача Ўрта Осиё халқларига тегишли баъзи ахборотларни Эрон мустабидлари солномаларида, Хитой сайёҳларининг ёзувларида учратамиз. Жумладан, қадимги Фарғона ва Хоразм аҳолиси тўғрисида эрамиздан аввалги II асрда бу ерга келган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цзяннинг маълумотлари диққатга сазовордир.

Араб ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейинги даврларда илк ўрта аср (IX—XII асрлар) муаллифларидан машҳур географ ва сайёҳлар ибн Хурдодбеҳ, ал-Балхий, ал-Истахрий, ибн Ҳавқал, Масъудий, Еқутлар ўз саёҳатномаларида замондош элатлар тўғрисида нисбатан бой маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Масалан, Хуросонда яшаган атоқли географ олим Абу Зайд Балхий 60 га яқин асар ёзган. Унинг асарларидаги хариталардан бири Бухородаги сомонийлар кутубхонасида сақланган. Муаллиф маҳаллий элатлар тўғрисида маълумотлар беради. Эронлик географ ва сайёҳ ал-Истахрий Балхий билан Самарқандда учрашиб, унинг асарларини ўрганиб янги маълумотлар билан тўлдирган. Ироқлик сайёҳ ибн Ҳавқал эса Ўрта денгиз мамлакатларига доир маълумотларни киритган. Шундай қилиб, Балхий, Истахрий, ибн Ҳавқал асарларида Шарқдаги дастлабки илмий маълумотлар тўпланган ва уларга илова қилинган, дунё ва айрим вилоятлар ҳамда элатлар кўрсатилган хариталар юзага келган. Аммо маълум бўлишича, мазкур хариталарнинг баъзилари илгари ўрта осиелик Мусо ал-Хоразмий, Жайҳоний ва бошқалар қўли билан чизилган. X асрда Балхий ва унинг мухлислари бутун Шарқ харитографиясининг самараларини жам қилиб, яхлит бир асар шаклига солишган. Уларнинг асарларида ер юзи 20 та «иқлим»га бўлинган. Шартли равишда

«иқлим» деб аталган вилоятлар шарқдан ғарбга қараб таърифланган, ҳар биридаги шаҳарлар, йўллар, етиштириладиган мевалар, маҳсулотлар ҳамда бошқа этник ажойиботлар таърифи берилган. Атоқли олим Ёқуб ўзининг географик луғатида Балхий таърифига асосланиб Тошкент тўғрисида бундай деб ёзади: «Шош ёз фаслида бамисоли жаннат. Кишини иссиқ таъсиридан қалқондек сақлайди». Бухорони эса Балхий бундай тасвирлайди: «Қўрғондан ташқариси серманзараликда Бухородан чиройлироқ шаҳарни кўрмадим... осмон гумбази билан кўкламзорлар оралиғида кўринган қасрлар осмондаги юлдузларга ўхшайди, экинзорлар сатҳи тептекис. Бухороликларнинг экинзорлари бепоён ва унга тенг келадиган жой Хуросонда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам топилмайди».

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари — ажойиб энциклопедист олим Муҳаммад ал-Хоразмий, файласуф ва мусиқашунос Абу Наср Форобий, улуғ энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний ва буюк табиб Абу Али ибн Сино, географ ва тарихчи ал-Фарғоний, Абу Саъд Абдул Карим, ибн Муҳаммад Саъмоний кабиларнинг асарларида ўзбеклар ва бошқа ўрта осийлик халқларнинг бевосита аждодлари, уларнинг маиший турмуши ва маданиятининг айрим томонлари таърифланган. Шу маънода тарихий ва этнографик жиҳатдан ниҳоятда муҳим манбалардан бири «Дада-Кўркут» қиссаси ҳам диққатга сазовордир.

Европада қулдорлик жамиятидан феодализмга ўтиш арафасида Шарқ ренессанси рўй беради. Айнқса, Ўрта Осиёда фан ва маданият ниҳоятда юксак даражага кўтарилиб илмнинг барча соҳалари ривожланади. Асли дастлабки илмий этнографик маълумотлар ҳам Шарқнинг Уйғониш даврида пайдо бўла бошлайди. Атоқли олим С. П. Толстовнинг таърифича, «Сўнгги Афригий» даврида Хоразм Араб халифалигига, киргач хоразмлик олимлар дарҳол шуҳрат қозонганлар ва «араб фани» деб аталган фаннинг яратувчилари орасида энг илғор ўринни эгаллаганлар. Булар ичида зўр намояндалардан бири кўзга кўринган машҳур сиймо Муҳаммад ал-Хоразмий эканлиги шубҳасиз. Унинг исми билан ҳозирги илмий-техник тараққиётнинг негизини ташкил қилувчи математиканинг алгоритм ва бошқа жуда кўп илмий соҳалари боғлиқ. Унинг арифметика ва алгебраси кўп тилларга таржима қилинган, «Алжабр ва муқо-

бала» номли асаридан «алгебра» атамаси келиб чиққан. Хоразмийнинг география, тарих ва этнография соҳасидаги хизматлари ҳам бениҳоя катта. У географ сифатида Бағдод халифаси Хазарияга юборган элчилар қаторига кирган, деган маълумотлар мавжуд. С. П. Толстов ёзганидек, «Шарқий Европа географияси ва этнографиясига доир дастлабки маълумотларга айна Хоразмийнинг ўзи асос солган. Кейинчалик бу маълумотлар географик асарларнинг биридан-бирига ўтиб, энг аниқ ва ўзгармас маълумот бўлиб қолди».

Хоразмда туғилиб, Бағдодда таълим олиб, машҳур Маъмун академияси «Байт ал-ҳикма» («Донишмандлар уйи») да энг йирик намояндалардан бири бўлиб танилган. 70 та олимга халифа дунё атласини тузишни топшириб, унга Муҳаммад ал-Хоразмийни бошлиқ қилиб тайинлаган. Тахминан 840 йили бу топшириқ бажарилиб «жаҳон хариталари» ёки «Маъмун дунё харитаси» номи билан машҳур бўлган. Мазкур биринчи жаҳон атласи муносабати билан унга изоҳнома тарзида ал-Хоразмий ўзининг «Сурат ал-фарз» («Ернинг сурати ёки «география») номли ажойиб асарини яратган. Унда бир неча ўнлаб ноёб хариталар ва уларга берилган изоҳлар келтирилган. Китобда 537 та энг муҳим жойнинг номи, шаҳарлар, тоғлар ва дарёлар, денгиз ва ороллар бирма-бир ва алоҳида ёзилган. Муаллиф баъзи номларга изоҳ берган ва қўшни жойларни ҳам тасвирлаган.

Хоразмийнинг географик мероси тўғрисида италиялик арабшунос К. Наллино 1895 йилда ёзган катта мақоласида унга юксак баҳо бериб «Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қобил эмас эди», деб ёзади. Италия Фанлар Академияси Хоразмийнинг «Сурат ал-фарз» асарини ўз даврининг жуда қимматли қўлланмаси бўлганлигини ва унинг география тараққиётига ижобий таъсир этганини тасдиқлаган. Бу китоб бир неча аср давомида қайта-қайта кўчирилиб, таржима қилиниб, тўлдирилиб, қисман ўзгартирилиб, янгича таҳрирда турли сарлавҳалар ва ҳатто имзолар билан маълум бўлиб келган. Масалан, X асрнинг биринчи ярмида проқлик Сухроб номли бир шахс «Сурат ал-фарз»ни таҳрир қилиб «Етти иқлим китоби» номи билан чоп этган. Аслида у бу асарга фақат сўз боши қўшган. Хоразмийдан



икки аср кейин яшаган Беруний ҳам уни эҳтиром билан тилга олади.

Дастлабки илмий этнографик маълумотлар, айниқса, ажойиб энциклопедист мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний асарларида ёрқин ифодасини тоиған. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Урта Осиё ва Хуросон география тарихини аслида «Берунийнинг географик мактаби» деб аташ мумкин. Этнография фани ҳам асли география билан ёнма-ён шаклланиб келганлигини инобатга олсак, Урта ва Жанубий Осиё этнографиясини ҳам Беруний мактабидан бошласак хато бўлмайди. Маълумки, бу улуғ олимнинг асарлари бутун жаҳонга танилган ва берунийшунослик деб аталиши ҳам бежиз эмас. Унинг деярли ҳамма асарларида Урта Осиё, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон шаҳарлари тилга олиниб, уларнинг тарихи, этник қиёфаси, аҳолиси ва табиий-географик шароити каби ноёб маълумотлар бизга етиб келган. Масалан, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» номли китобидаги географик жадвалда кўрсатилган 603 жойнинг 85 таси Урта Осиё ва Хуросонга тегишли бўлиб, уларнинг кўпчилигига қисқача изоҳлар берилган.

Муаллифнинг этнотопонимияга оид маълумотлари бебаҳо, Амударё ва Қорақумнинг қадимий географияси ва этнотопонимиясини биринчи бўлиб текширган ва илмий жиҳатдан тўғри изоҳлаб берган Берунийнинг «Амударё тарихи» деб аталган мақоласида бажанак (рус солномаларида печенег) лар Оролнинг шимоли-ғарбий томонида жойлашганлиги, ғузлар ери Шимолий Қизилқум ва Сирдарёнинг ўрта водийсида эканлиги, Журжония Жайхун (Амударё) нинг ғарбида жойлашганлиги, Хоразм шаҳарларидан Қот эса Жайхуннинг шарқий қирғоғидаги Хоразмнинг иккинчи шаҳри ва энг қадимийларидан эканлиги таъкидланади. Мазкур жойда Тошкент бундай таърифланган: «Бинкент — Шош шаҳарларидан бири, туркийча Тошкент. Бу — юнон муаллифларининг Бурж ал-Ҳижра қалъасидир». Бухоро ёнидаги Бойкенд (уни Пойкенд ҳам дейишган) шаҳри Бадзарубойн, Қашқадарёдаги Кеш (Китоб-Шаҳрисабз) форсча Маъжамат деб юритилгани хабар қилинади. Сирдарёнинг энг қадимий номи Хасарт эканлиги тўғрисида гапириб, олим бундай изоҳ беради: «Субкент — Хасарт дарёси бўйидаги шаҳар. Бу дарё Туркистонда, Шош водийсида энг машҳур дарёлардандир... Қарият

ал-Ҳадиса — Хасарт дарёси қуйилиши ёнида, Хоразм кўли ёнида, ғузлар вилоятдадир». Демак, Беруний таърифича, илгари юнон асарларида тилга олинган Яксарт сўзи Сирдарёнинг юнонча номи эмас, балки асли ўғузлар яшаган дарё номи Хасарт (ёки Касарт) сўзининг юнонча бузилишидир.

Берунийнинг илмий меросида Урта Осиё билан қўшни, айниқса, Жанубий Осиёда яшаган элат ва халқлар тўғрисидаги тарихий-этнографик маълумотлар жаҳон халқларининг этник хусусиятларини ва турмуш тарзини ўрганишда энг ноёб манба ҳисобланади. Афсуски, тарихий этнография фанида мазкур маълумотлар етарли ўрганилмаган.

Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларнинг қадимий аجدодлари тўғрисидаги қимматли этнографик маълумотларни яна бир ноёб манба — номаълум муаллиф ёзиб қолдирган X асрга оид «Худуд ал-олам» номли асарда ҳам кўришимиз мумкин. Унда Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон, Тажикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон ерлари ва аҳолиси анча мукамал тасвирланган. Китобда ер юзидаги вилоятлар ва подшоликлар, уларда яшовчи қавмлар, подшоҳларнинг урф-одатлари, расм-русмлари, мазкур вилоятлардан четга чиқариладиган нарсалар, жаҳондаги шаҳарлар, улардаги аҳвол, ноз-неъматлари ва одамлари, ободончилиги ва вайроналиги, ҳар бир шаҳарнинг табиий-географик шароити таърифланган. Китобнинг Узоқ ва Урта Шарқ мамлакатлари, турк қабилалари, қарлуқлар тўғрисида ёзилган жойларидаги этнотопонимик ва этносоциологик маълумотлар диққатга сазовордир. Масалан, Сўғд тўғрисида гапирилганда, у шарқий эллар орасида энг обод жой, унда оқар сувлари бор, дарахтлари кўп, иқлими баҳаво, одамлари меҳмондўст ва хушмуомала; Бухоро — азим шаҳар, Мовароуннаҳрнинг энг обод шаҳри, унда Малики Машриқнинг (Шарқ хокими) қароргоҳи бор, воҳа суғорилган бўлиб, меваси ва оқар суви кўп, бу ерда яхши ипак гиламлар тўқилади, дейлади.

Фарғона Туркистоннинг дарвозаси, у улуғ, обод ва жуда кўркам вилоят, тоғларида мис, симоб, дори, тош ва бошқа қимматбаҳо тошлар мавжуд, деб таърифланган. Шош ҳам катта ва обод, кўркам жой, қимматбаҳо дарахт ўстирилади ҳамда ундан машҳур камон (камони шоший) ва найзалар ишланади, дейилган. Шу тарзда

60 та қишлоқдан иборат Сўғ, Зомин, Жиззах, Кеш, Термиз, Қубо (Қува), Исфижоб (Сайрам), Кот каби шаҳар ва вилоятлар таърифланган. Умуман, Мовароуннаҳрни муаллиф шарқ томонда Тибет билан чегарадош, жанубида Хуросон районлари, ғарбда ғуз ва халлух (қарлуқ) лар, шимолида ҳам халлухлар яшайдиган кенг, обод ва жуда кўркам ўлка деб таърифлайди. Унинг таърифича, Мовароуннаҳр Туркистоннинг дарвозаси ва савдогарлар жойи, аҳолиси жанговар ва яхши мерган, тоғларида олтин конлари ҳамда турли гавҳар тошлар, шунингдек, мис ва новшадил мавжуд вилоят. Айниқса Самарқанд шаҳри батафсил таърифланиб, буюк, обод ва неъматли бисёр, деб юксак баҳоланган. Бу ерга дунёнинг ҳамма мамлакатларидан савдогарлар келади, бозорларининг тимларида қўрғошин найчалардан сув оқади, бу ерда қоғоз ишланади ва бутун дунёга чиқарилади, каноп, арқон ҳам ишланади, деган таърифлар мазкур асарда кўп келтирилади.

Туркий халқлар, шу жумладан ўзбеклар этнографияси ва этник тарихини ўрганишда ўрта асрлар муаллифларидан Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатиттурк» номли асари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу асарда айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий тузумига оид қисқача таърифи, этнотопонимикаси ва айрим қабила ҳамда уруғларнинг жойланиши тўғрисида ноёб маълумотлар келтирилган. Энг муҳими китобда ўзбекларнинг қадимий аجدодларидан чигил, яғмо, қарлуқ, қипчоқ, тухси ва бошқа қабилаларнинг ижтимоий ва оилавий турмуши, турли урф-одат ва маросимлари, диний эътиқодлари ва тасавурлари каби айрим этнографик хусусиятларни аниқлашга ёрдам берадиган изоҳлар мавжуд. Маҳмуд Кошғарий Жайхундан то қуйи Чин (Хитой) гача бўлган қабилаларнинг ҳаммасини чигил, деб аташнинг хато эканлигини, бу ерда жуда кўп қабилалар борлигини алоҳида кўрсатиб берган.

Маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, этнотопонимияси, диний эътиқодлари ва этник қиёфаси, айрим этнослар (элат ва қабилалар) га оид этнографик материаллар ноёб, ажойиб асар Наршахийнинг «Бухоро тарихи»га ҳам мансуб. Маълумки, Урта асрларда Чингизхон ва унинг меросхўрлари ниҳоятда кенг ҳудудга тарқалган империяни яратган эдилар. Бундай қудратли давлатнинг қисқа муддат ичида пайдо бўлиши ва унинг

куч-қуввати нимада эканлигини билиш Европа муста-  
бидлари ва Рим папаси учун бир муаммо бўлиб қолди.  
Шунинг учун улар мазкур давлат билан сиёсий, савдо  
ва дипломатик муносабатларни ўрнатишга интилиб ўз  
элчиларини юборадилар. Дастлаб фаол ҳаракат қилган  
Рим папаси Иннокентий IV 1245 йили Мўғулистонга  
монах Пано Карпини бошчилигида элчиларни жўна-  
тади. Ундан кейин шу йўл билан фламандлик монах  
Виллем Рубрук саёҳат қилган ва ўз таассуротларини  
ёзиб қолдирган. Машҳур сайёҳ Марко Поло ҳам Рим  
папаси топшириғи билан бир неча йил Хитойга ва қўш-  
ни мамлакатларга бориб (у йўлакай Урта Осиёда ҳам  
бўлган) муҳим этнографик аҳамиятга эга саёҳатнома  
яратган эди. Уша даврда яшаган маҳаллий муаллиф-  
лардан тарихчи Рашидиддин (1247—1318) ўзининг ажо-  
йиб солномасида ўзбеклар таркибига кирган айрим  
турк ва мўғул қабилалари тўғрисида муҳим тарихий-  
этнографик маълумотларни бизга етказган. Унинг Урта  
Осиё, Эрон ва қўшни мамлакатлар тарихи ва этногра-  
фияси ҳақидаги «Жоме ут-таворих» номли китоби жуда  
қимматли манба бўлганлиги туфайли кўп олимлар уни  
шарҳлаган, таҳрир қилиб қисқартирган. Шундай олим-  
лардан бири Оҳангарон бўйидаги Банокат шаҳридан  
чиққан тарихчи ва географ Фахриддин Абу Сулаймон  
Банокатий томонидан асар қайта ёзилиб тарқалган.

Қудратли империя ташкил қилган Амир Темур ва  
унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда Урта Осиё,  
шу жумладан, Ўзбекистон йирик маданият марказига  
айланади ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқала-  
ри ҳар томонлама кучаяди. Уша даврда яшаган ва  
сарой тарихчиси бўлиб темурийларга хизмат қилган  
Ҳофиз Абрў йирик тарихий-географик асар ёзган.  
Унинг «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар қаймоғи») ном-  
ли китобида Мовароуннаҳрга оид баъзи этнографик  
маълумотлар келтирилган. Муаллиф ўлканинг жойлаш-  
ган ерини таърифлаб, айрим шаҳар ва туманлар тўғри-  
сида ҳикоя қилади. Масалан, асарда Самарқанднинг  
қисқача тарихидан сўнг шаҳарнинг ва шаҳар атрофла-  
рининг, шаҳардаги қалъалар, саройлар, мачитлар, боғ-  
лар, қишлоқларнинг таърифи берилган.

Бухоро ҳақида гапирилганда, аҳолининг машғулоти  
ва турмуши тасвирланади. Муаллифнинг ёзишича, «Бу-  
хоро меваси ҳамма мевалардан яхши ва шириндир, ху-  
сусан Бухоро олхўриси бутун ер юзига чиқарилади, у

ерда қайнатиш қийми асалдан фарқ қилиб бўлмайди. Тамоми даштда мол бисёр, ўтинни аксар боғлардан йиғишади, ташқаридан ҳам келтиришади. Ва яна Бухоронинг хосиятларидан дейдиларки, одамларидек ғариб дўст кишилар ҳеч мавзеда йўқдир.

Олим Кеш (Шаҳрисабз) ни таърифлаб, унинг яқинида тоғ бор, унда харсанг тош бўлиб, тиниқ ва баъзан рангдор, ундан ҳар хил буюмлар тарошланади, дейди. Ҳар хил мевалар кўп, улар чегарадан ташқари чиқарилади. Кеш — Мовароуннаҳрнинг иссиқ жойидир, гоҳ-гоҳ бу шаҳарда қурғоқчилик ва вабо бўлади. Шаҳарда ва унинг атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, работлар ва ҳовузлар қурилган. Кешга яқин жойлашган Нахшаб (Насаф) да баъзан боғлар, қудуқлардан сув олинади, тегирмонларни чорва қўшиб айлантирадилар, деб таърифланади мазкур асарда. Унда келтирилган суратлар ичида энг муҳими дунё харитасидир. Ҳофиз Абрў асарининг бир нусхаси Тошкентда, иккинчи нусхаси Британия музейида сақланади.

Айрим олимларнинг айтишича, Ҳофиз Абрўнинг бош асари ҳисобланган дунё харитаси бутун Шарқ олимлари фахрланса арзийдиган машҳур Беруний ва Нажиб Бакрон картография аъёналарини давом эттириб уларни жаҳонга танитган. 1419 йилда Хуросон ҳокимлари Хитойга элчилар юборган, улар ичида географ олим ҳожи Гиёсиддин наққош ҳам бўлган. Элчилар қайтишда Андижон, Самарқанд, Амударё орқали Ҳиротга жўнаган. Гиёсиддин уч йил давом этган сафар вақтида хотира дафтари ёзиб борган ва уни сафардан қайтгач Шоҳруҳга топширган. Бу дафтарни дастлаб Ҳофиз Абрў ўқиб ўз асарига киритган. Унда муаллиф мамлакатлар тўғрисида, уларнинг халқи ва урф-одатлари тўғрисида кўпгина маълумотлар берган. Мазкур хотира дафтар Ғарбий Европа тилларига ва турк тилига бир неча бор таржима қилинган.

Бу даврга оид баъзи қизиқарли этнографик лавҳаларни испан элчиси рицарь Гонзалес де Клавихонинг асарида, рус солномаларида, маҳаллий муаллифлардан Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Хусаин Қубравий, Али Қушчи ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин. Темурийлар давлатининг емирилиши, Мовароуннаҳр ва қўшни мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳар томонлама тасвирланган Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ажойиб автобио-

график асари алоҳида диққатга сазовордир. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг замондоши, йирик давлат арбоби Бобур кўп ўлкаларни босиб олиб, ўз бошидан кечирган саргузаштларини ёзиб қолдирган. Унинг «Бобурнома» номли асарида Ўрта Осиёга оид айрим муҳим тарихий-этнографик маълумотлар ҳам келтирилган. Муаллиф Мовароуннаҳрда ва қўшни мамлакатларда яшаган элатларнинг этник таркиби ва тарихи, урф-одат ва маросимлари, маданияти ва маишати тўғрисида хабар беради. Бобур маълумотларининг аниқлигини Хондамир, Маҳмуд Ҳайдар, Муҳаммад Солиҳ, Биноий каби таниқли тарихчилар ҳам тасдиқлайди. Унинг Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Косон, Марғилон тўғрисидаги таърифи муҳим этнографик аҳамиятга эга. Айниқса унинг ёшлик даври билан боғлиқ Туркистон таасуротлари ҳаяжонли. Бобур ўз ўлкасининг географияси ва этнографиясини яхши билганлигидан Фарғона ва Самарқандни моҳирлик билан тасвирлаган.

Бобурнинг тўнғич қизи Гулбаданбегим отасининг илмий меросини давом эттириб, ўзининг истеъдоди, билимдонлиги ва гидроклилиги туфайли «Хумоюннома» номли тарихий-биографик асарини яратган. Тадқиқотчилар фикрича, мазкур асарни «Бобурнома»нинг давоми деса бўлади. Унда 140 та жойнинг номи зикр этилган, Тошкент ва Андижондан то Қошғар ва Ҳинд океани бўйларигача қандай шаҳарлар, вилоятлар борлиги айтилган.

XVI аср бошларида яратилган қимматли тарихий-этнографик асарлардан бири маҳаллий аҳолининг ҳўжалик фаолиятига оид «Деҳқончилик илмида экин экиш қўлланмаси» ҳам диққатга сазовордир. Бу ажойиб рисолада тупроқ ва унинг хоссалари билан бирга донли экинлар, токчилик, гулчилик, сабзавот, дарахт ўтқазिश усуллари, асаларичилик, сув тақсимлаш каби агротехника масалалари батафсил ёритилган.

Уша аср охирларида яшаб ижод этган атоқли шоир, тарихчи ва ўлкашунос Ҳофиз Таниш Бухорий ёзиб қолдирган машҳур «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») да бошқа асарларда учрамайдиган турли тарихий-этнографик материаллар келтирилган. Муаллиф асарни ёзишда ўрта осийлик олимлардан Наршахий, Ҳофиз Абрў, Муҳаммад Ҳайдар асарларига асосланган. Китобда «Мовароуннаҳрнинг қиёси ва у дилкушо мамлакат вилоятлари ва шаҳарларининг таърифи баёни» алоҳида берилган. Муаллифнинг ёзишича, Мовароуннаҳр-

даги «хоҳ шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ текислик, хоҳ ўтлоқ бўлсин ободонликда, унга тенг (мамлакат) йўқ. Ҳавоси — ҳаволарнинг энг соғломи, суви — сувларнинг энг ширини ва энг енгили, суви — унинг барча тоғ атрофида баб-баравар шириндир; тупроғи — тупроқларнинг энг хушрўйи. (Катта) шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хўжанд. Халқи илмлик, жувонмард ва шижоатлидир».

XVI аср бошларида Урта Осиёга келган кўчманчи ўзбекларнинг этник таркиби, жойлашган ҳудуди, турмуши ва урф-одатлари ҳақида Маъсуд ибн Қўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» ва Абулхайр Файзулла Рузбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» номли асарларида қимматли маълумотлар сақланган. Шубҳасиз, ислом маданияти ва фани, адабиёти ва шеърлятида катта ўрин олган Умар Ҳайём, Носир Хисравлардан кейин ярқираб чиққан буюк донишмандлардан Хўжа Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Ясавий, туркий адабиёт султони Алишер Навоий кабилар ҳам этнографик лавҳалар мавжуд асарлар яратганлар. Урта Осиё халқларининг этник тарихини ўрганишда Мунис, Огаҳий ва Баёний асарлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврга оид этнографик жиҳатдан ниҳоятда муҳим асар Хива хони, катта олим Абулғози яратган «Шажарайи турк» ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотган эмас.

XVI—XVII асрларда Бухора, Хива ва Қўқон хонликлари пайдо бўлгандан кейин марказлашган Россия давлати билан мунтазам равишда савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатила бошлайди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиёдан Россияга саккиз марта элчилар юборилган бўлса, XVII асрда Хива хонлигидан 12 марта, Бухородан эса 13 марта элчилар жўнатишган. Бунга жавобан Россия давлати ҳам ўз элчиларини ўзбек хонликларига юборди ва уларга дипломатик вазифалардан ташқари, мазкур ўлкалар тўғрисида ҳар хил маълумотлар тўплаш ҳам топширилади. Рус элчиларининг тўплаган маълумотлари ҳозиргача илмий жиҳатдан ўз қимматини йўқотмади.

Бу соҳадаги ташаббусни дастлаб 1558 йилда Хитойдан Урта Осиё орқали савдо йўлини аниқлаш мақсадида Москвага келган Англия савдо компаниясининг вакили Антоний Женкинсон бошлаб берган эди. У Москва ҳукумати ёрдамида Астрахань ва Каспий денгизи орқа-

ли Манғишлоқ ярим оролига чиқиб, у ердан савдо карвони билан Хива ва Бухорога боради. Қишни ўша ерда ўтказиб, 1558 йилда Бухоро ва Хивадан қўшиб юборилган элчилар билан Москвага қайтиб келади. Женкинсон ўз мақсадига эришмаса-да, Россия ва ўзбек хонликлари ўртасида мунтазам муносабатларнинг ўрнатилишига сабабчи бўлди ҳамда борган ўлкалари тўғрисида айрим маълумотлар тўплади.

Мазкур муносабатлар айниқса XVIII асрда кучайган эди. Буюк Пётр императорлик қилган даврдан бошлаб Россия иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, хом ашё манбаи ва саноат маҳсулоти сотадиган янги бозорларга муҳтож бўлиб қолади. Натижада қўшни мамлакатларга, шу жумладан Ўрта Осиёга ҳам ҳар хил дипломатик ва савдо вакиллари юборила бошлайди, махсус экспедициялар ташкил қилинади. Пётр I Ўрта Осиёни ўз таъсири остига олиш ва бу бой ўлка билан савдо муносабатларини кўчайтириш мақсадида иккита экспедиция тузади. Экспедициянинг биттасига князь Александр Бекович-Черкасскийни, иккинчисига Иван Бухгольцни бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу экспедициялар мағлубиятга учраган бўлса-да, Пётр умрининг охиригача Ўрта Осиё хонликларининг ҳаёти ва шу ўлкага йўл очиш имконияти тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга бўлиш мақсадидан воз кечмади. Унинг буйруғи билан 1718 йилда Каспий денгизини текшириш учун янги экспедиция ташкил қилинади. Бу ва ундан олдинги экспедицияларнинг тўплаган материаллари асосида 1720 йили Каспий денгизининг биринчи харитаси тузилган эди. Келаси йили Бухорога элчи бўлиб келган Флорио Беневени Хивага ҳам бориб, 1725 йилда Россияга қайтган ва бу мамлакатлар тўғрисида қимматли географик, тарихий ҳамда этнографик маълумотлар олиб келган.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ўша даврда ва ундан кейин ташкил қилинган экспедициялар ҳамда элчиларнинг бошлиғи қилиб кенг билимга эга, маданиятли кишилар тайинланган. Албатта, улар даставвал чор ҳокимиятининг сиёсий мақсадларини амалга оширишга, айниқса узоқдан кўрилган мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилишга интиланганлар. Аммо экспедиция аъзолари орасида илмга берилган айрим шахслар ўзларининг фаолиятида ҳарбий, дипломатик ва иқтисодий масалалар билан чекланибгина қолмай, борган мамлакат-



ларида яшовчи халқларнинг тарихи ва этнографияси билан ҳам қизиққанлар.

Кўҳна Хоразм аҳолисининг XVIII аср ўрталаридаги турмуши тўғрисидаги қизиқарли этнографик маълумотларни 1740—1743 йилларда Дмитрий Гладишев ва Иван Муравин бошчилигидаги Орол денгизи ва Хива экспедицияси ҳамда 1753 йилда Самара савдогари Данил Рукавкиннинг Хивага қилган саёҳати даврида тўпланган материаллардан олиш мумкин. 1774 йили Оренбург чўлларида қозоқлар томонидан асир олинган унтер офицер Филипп Ефремов Бухорога олиб бориб сотилади. У анча вақт асирликда бўлиб, маҳаллий аҳоли ҳаётини бевосита кузатади ва аҳолининг тарихи, турмушини ўрганади. Ефремов асирликдан қочиб, 1782 йилда Қўқон, Марғилон, Қашқар, Ёркент, Тибет, Ҳиндистон ва Англия орқали Россияга қайтиб келади ва ўз кўрган-билганларини ёзиб қолдиради. XVIII аср охирларида Хива хонлиги тўғрисидаги тарихий ва этнографик маълумотлар хоннинг таклифи билан Хоразмга келган кўз доктори майор Бланкеннагелнинг ёзиб қолдирган хотираларида ҳам мавжуд.

Ўзбек халқи этнографиясига оид илмий аҳамиятга эга материаллар тўплаш даври асли XIX асрдан бошланади. Бу даврда иқтисодий жиҳатдан анча кучайган Россия ўз саноати маҳсулоти учун янги бозор ва хом ашё манбаини ахтариб, шарққа — Урта Осиёга томон дадил қадамлар билан интила бошлайди ва ўз ҳудудини Сибирь томон кенгайтириб, Урта Осиё билан чегарадош бўлади. Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун Урта Осиё тўғрисида илмий жиҳатдан асосланган маълумотларга эга бўлиш мақсадида бу ерга маҳсус тайёрланган билимли кишиларни юборади. Кўпгина йирик экспедицияларнинг асосий базаси бўлган Оренбург шаҳри бу соҳада катта роль ўйнайди. Оренбургнинг илмий марказга айланишига унинг биринчи губернатори географ Н. К. Кириллов сабабчи бўлади. XIX асрнинг биринчи ярмида Н. Н. Муравьёв, А. Ф. Негри, Н. В. Хаников, Г. И. Данилевский ва бошқалар ўтказган ишлар Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар этнографиясини ўрганишдаги муҳим илмий қадамлар эди.

1819—1820 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Муравьёв ўз таассуротларини ёзиб асар қилиб чиқаради. Бу асарнинг баъзи бобларида бевосита ўз-

бекларнинг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маърифати, кийим-кечаги, уй-рўзгорлари, уруғ-аймоғига оид соф этнографик маълумотлар келтирилган. Уинг айтишича, Бухоро томондан келган ўзбеклар асосан тўрт тоифадан — қиёт-қўнғирот, уйғур-найман, қангли-қипчоқ ва нўкис-манғитдан иборат. Ҳар битта тоифа мустақил ҳоким—иноҳга эга, аммо уларнинг энг каттаси қиёт-қўнғирот иноҳидир. Н. Муравъёв берган маълумотларга қараганда, Хива хонлигидаги қўзилавий ўзбеклар кўчманчи бўлганлар. Уларнинг кўпчилиги қора уйда яшаган, аммо бой уруғдошлари ўтроқ сартлар сингари катта паҳса уйларга эга бўлган.

1820 йили Бухорога жўнатилган А. Ф. Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Э. А. Эверсман, Х. Пандер, П. Яковлев, Будрин, полковник Г. Мейендорфларнинг китоб ва хотиралари ниҳоятда бой тарихий-этнографик маълумотларга эга. Г. Мейендорфнинг турли тилларда нашр қилинган «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши, аҳолиси ва машғулоти, қишлоқ хўжалиги, суғориш тизими, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилган. Муаллиф ўзининг шахсий мушоҳадаси, кишилардан эшитган ва сўраб тўплаган материаллари билан чекланиб қолмай, ҳар хил тарихий манба ва адабиётлардан ҳам фойдаланган. Бу даврда Урта Осиё халқлари тўғрисида тўпланган билимларни умумлаштирган дастлабки илмий асарлар ҳам пайдо бўлади. Булардан биринчиси 1832 йилда А. И. Левшин тўмонидан нашр этилган «Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей» номли китобдир.

Чет эл муаллифларидан бири, форс тилини яхши билган инглиз саёҳатчиси Александр Борнс Ост-Ҳинд компаниясининг махфий тошшириғи билан 1831—1832 йилларда Бухорога келиб, муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва этнографик материалларни тўплайди. Борнс ёзиб қолдирган саёҳатномада кўчманчи ўзбеклар ҳақида ниҳоятда қизиқарли этнографик маълумотлар мавжуд.

1840—1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Урта Осиё халқлари этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганишда ака-ука Николай ва Яков Ханиковлар хизматини ало-

ҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Яков Хаников ўзининг 1851 йилда нашр қилинган «Орол денгизи ва Хива хонлиги харитасига изоҳнома» номли асарида ва бошқа кўпгина мақолаларида географик маълумотлар билан бир қаторда муҳим этнографик маълумотларни ҳам келтирган. Унинг ишларига замондошлари П. П. Семёнов, И. В. Мушкетов сингари атоқли олимлар юксак баҳо берганлар.

Шарқшунос ва географ олим Николай Хаников, Оренбургда махсус топшириқлар чиновниги бўлиб ишлаган вақтида (1841—1842) муҳандис Бутенев миссияси билан Бухорода бўлади ва XIX аср ўрталаридаги Бухоро хонлигини мукамал тасвирловчи асарлар яратади. В. В. Бартольднинг таърифича, Н. Ханиковнинг бу асари ундан кейин Бухоро хонлигига келиб, анча яхши шароитда ишлаган рус тадқиқотчиларининг яратган асарлари орасида ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Чунки бу асарда хонликда яшовчи аҳолининг антропологик таркиби ҳамда иқтисодий аҳволига батафсил тавеифнома берилган. Муаллиф иловада 92 та ўзбек уруғининг рўйхатини келтириб, улардан 28 таси Бухоро хонлигида яшаганлиги, уларнинг турар жойлари, кийим-кечаги, озиқ-овқати тўғрисида хабар беради. Асарда аҳолининг хўжалик фаолияти, маънавий ҳаёти ва урф-одатлари, ижтимоий турмуши каби муҳим тарихий-этнографик маълумотлар кўп ўринни эгаллайди.

Н. В. Хаников асарида Бухоро элатининг хилма-хил эканлиги ва хонликнинг ўзоқ тарихи давомида маҳаллий аҳоли билан ҳар хил қабила ва халқларнинг аралашуви ҳақида фикр юритилади. У антропологик тузилиш ва уруғ-қабилавий номларга асосланиб, кўчманчи ўзбеклар ва қишчоқларнинг яқинлиги тўғрисида гапиради. Н. В. Ханиковнинг бошқа кўпгина ишларида ҳам қимматбаҳо этнографик маълумотлар учрайди.

Ўрта Осиё халқлари этнографиясини ўрганишда Оренбург шаҳрининг роли катта. Бу ерда бир қанча машҳур шарқшунос олимларнинг ишлаганлиги, шунингдек шаҳарнинг 30—50-йилларда сиёсий маҳбуслар сургун қилинадиган жойга айланиши натижасида илғор ғоядаги зиёлиларнинг тўпланиши бу жойдаги илм-фанга маълум даражада таъсир қилди. Уша йилларда атоқли шарқшунос олим В. В. Григорьев ҳам Оренбургда яшаган ва бир қанча асарлар яратган. У Россияда биринчи бўлиб Шарқ халқлари тарихи курсини ўқита

бошлайди. Унинг 20 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқларига, жумладан уруғ-қабилә тартибларини сақлаб қолган ўзбекларга тегишли асарлар ҳам мавжуд.

1858 йилда полковник Н. П. Игнатъев бошчилигида Хива ва Бухорога юборилган йирик дипломатик миссия ҳам анча самарали ишлар олиб борган эди. Миссия қатнашчиларидан Н. Г. Залесов, М. Н. Галкин, Е. Я. Килевейн, А. И. Бутаков, П. И. Лерхларнинг ёзиб қолдирган саёҳатнома ва мақолаларида қимматбаҳо этнографик материаллар келтирилади. Улар ичида М. Н. Галкиннинг «Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю» (СП б, 1868 й.) номли асари, Н. Г. Залесовнинг «Военный сборник» (1858, IV, V, 1860, XII ва ҳ. к.) да нашр қилинган хатлари ва Е. Я. Килевейннинг «Этнографический сборник» (вып. V, 1862) да босилиб чиққан Хива хонлиги тўғрисидаги катта мақоласи диққатга сазовордир.

Турк тилларини яхши эгаллаган таниқли венгр шарқшунос олими Арминий Вамбери 1863 йили дарвеш либосини кийиб, савдо карвони билан Хива, Бухоро, Самарқанд ва бошқа Ўрта Шарқ шаҳарларига саёҳат қилади. Бу сайёҳ олимнинг Ўрта Осиё ҳақида ёзган асарларида маҳаллий аҳоли, шу жумладан ўзбек халқи этнографиясига оид қизиқарли маълумотлар келтирилган. У ўзбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб «ўзбек» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритади. А. Вамбери 32 та ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечаги, таоми, ўйин ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида ҳикоя қилади. Баъзан айрим бўрттириш ва хатоларга йўл қўйган бу муаллиф кўп шарқшунос олимлар, шу жумладан В. В. Бартольд томонидан анча танқид қилинган.

XVII—XVIII аср охирларигача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда ҳам баъзи муҳим этнографик лавҳалар келтирилган. Юқорида тилга олинган истеъдодли тарихчи, шоир ва мусиқашунос Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Абулғози ибн Араб Муҳаммадхон Хоразмийнинг бир неча бор чет тилларга таржима қилинган «Шажарайи тарокима», машҳур ўзбек тарихчилари Шермуҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларнинг асарларида тарихий-этнографик маълумот-

лар борлиги муҳим аҳамиятга эга. Маҳмуд ибн Амир Валининг тадқиқий изланишлари «Баҳр ал-асрор» номли китобида ўз ифодасини топган. Унда Урта Осиё ва Афғонистоннинг табиий-иқтисодий географиясига, топонимия ва этнографиясига тегишли аниқ маълумотлар келтирилган. Саид Муҳаммад Тоҳирнинг 1645—1650 йилларда ёзилган «Ажойиб ат-табақат» номли асаридан Урта Осиё ва Хуросон аҳолисининг этнографияси ва этнотопонимиясига оид маълумотлар мавжуд.

Географик жиҳатдан яқин, табиий ва иқтисодий жиҳатдан бой, стратегик жиҳатдан қулай ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Урта Осиё ерлари рус буржуазияси ва йирик ер эгалари манфаатини кўзда тутган чоризм ҳукуматининг диққатини ўзига жалб қилади. Россия билан Урта Осиё ўртасидаги кўп асрлик савдо ва дипломатик муносабатлар, Сибирь линияси ва Оренбург губернясининг ташкил топиши бу икки ўлкани иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштириб, босқинчилик сиёсатига ўтган чор ҳукуматининг талончилик ниятларини амалга оширишга шарт-шароит яратган эди. Натижада ўтган асрнинг 60—80-йилларида чоризм Бухоро ва Хива хонликларининг анча қисмини, Қўқон хонлигини тўлиқ босиб олиб, Россия империясига қўшиб олади.

Ўзбекларни илмий-этнографик жиҳатдан ўрганиш ҳам аслида мана шу даврдан бошланади. Уша пайтгача жаҳон фани ўзбекларни фақат сайёҳ ва элчиларнинг (айрим тасодифан келиб-кетган илмий шахсларни эътиборга олмаганда) мукаммал бўлмаган маълумотлари орқалигина билар эди. Айрим саёҳатчиларнинг тўплаган этнографик маълумотлари эса ноаниқ бўлиб, кўпгина фактлар бузиб кўрсатилган. Чоризм ҳукумати ва унга хизмат қиладиган рус фани ўлкани тўла бўйсундириш ниятида ўзбек ва бошқа Урта Осиё халқларининг тарихи ва этнографиясини ўрганишга муҳтож бўлиб қолди. Бу ҳолат бутун Урта Осиё ҳудудида ҳар томонлама илмий-тадқиқий ишларни ўтказишга йўл очиб берди.

Урта Осиёдаги халқлар тарихи ва этнографиясини ўрганишда икки оқим мавжуд эди. Улардан бири улус давлатчилиги интилишларига асосланган буржуа-дворян маданияти манфаатларига, иккинчиси эса демократик маданият манфаатларига хизмат қилар эди. Биринчи оқимга катта амалдорлар, генераллар, юқори мартабали шахслар ва чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини

ифода этувчи бошқа кишилар, иккинчи оқимга эса илгор тафаккур эгалари — ўқитувчилар, докторлар, муҳандислар, агрономлар, оддий амалдор ва хизматчилар кирар эди.

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш билан шуғулланган Н. П. Остроумов, Н. С. Ликошин сингари тадқиқотчилар ўз асарларида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини тарғиб қилдилар. Айниқса, юқори маъмурий мансабларда турган Н. П. Остроумов мустамлакачилик сиёсатини очиқдан-очиқ ҳимоя қилиб келди. Унинг ўт-роқ ўзбеклар ҳақидаги асосий этнографик асари ҳам худди шу мақсадга — маҳаллий аҳолини руслаштиришга қаратилган эди. «Живая старина» журналининг 1910 йилдаги сонларидан бирида бу асарга берилган баҳо жуда характерлидир. Унда «Этнографик жиҳатдан асарнинг асосий қисмига текшириш объекти қилиб халқ оммаси эмас, балки руҳоний ва савдогарлар олинган, муаллиф ўз асарида тавсиф этган масалаларни этнограф сифатида эмас, балки давлат арбоби сифатида ёритган», — дейилади.

Бироқ, шунинг ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, бу тоифадаги тадқиқотчиларнинг асарларида маҳаллий аҳолининг турмуши, маданий ҳаётига доир фактларга асосланган бир қанча диққатга сазовор материаллар ҳам мавжуддир. Октябрь тўнтаришидан илгариги кўпчилик тадқиқотчиларнинг асарлари рус фанига беғараз хизмат қилиш руҳи билан суғорилган эди. Улардан баъзилари кейинчалик совет даврида кўзга кўринган йирик олимлар бўлиб танилдилар (А. А. Семёнов, Н. Ч. Маллицкий, М. С. Андреев ва бошқалар).

Ўрта Осиёнинг босиб олинishi арафасида Оренбургдан чоризм ҳукумати ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ихтиёрига «Туркистон ва қўшни Ўрта Осиё хонликлари тўғрисида ҳамма зарур илмий ва бошқа маълумотларни тўплаш» мақсадида истеъдодли кишилар жўнатилади. Бу масала билан шуғулланиш учун ҳарбий ва ички ишлар вазирликлари қошида Ўрта Осиёни ўрганиш ва бошқариш учун қонунлар тузиш мақсадида махсус комиссия ташкил қилинган эди. Мазкур комиссиянинг 1865—1866 йилларда Туркистон генерал-губернатори қарамоғига ишга жўнатилган вакили, шарқшунос П. И. Пашино саёҳатномасида Ўрта Осиё халқлари этнографиясига оид баъзи маълумотлар келтирилган.

Ўрта Осиёни босиб олиш давридаги ўн йиллик ичида

Ўлкани ўрганиш хусусиятларидан бири ҳар хил мута-  
хассисларни ўз ичига олган комплекс экспедицияларни  
ташқил қилишдан иборат эди. Бунга 1873 йилда Хива  
юришлари муносабати билан ўтказилган экспедициялар  
мисол бўла олади. Илмий ишлар ўтказиш учун тузил-  
ган махсус дастур экспедициялар олдига қўйилган ва-  
зифаларнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Бу  
ҳужжатни тузишда Гельмерсон, Штубендорф, Майков,  
Ленц, Рыкачев, Венюков, Васильев, Григорьев ва Лерх  
каби тадқиқотчилар қатнашганлар. Дастур жамиятнинг  
умумий мажлисида тасдиқланган ва нашр қилиниб,  
Хива юришлари қатнашчилари орасида кенг тарқалган.  
У олти бўлимдан иборат бўлиб, дастлабки бўлимлари-  
да хонликнинг тузилиши ва тарихий-географик тадқи-  
қотларга оид саволлар келтирилган. Дастурнинг тўртин-  
чи бўлимида «ушбу хонликларда туғилган Мир Алишер  
Навоий, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний»  
(улар асарларининг рўйхати ҳам келтирилган) қўлёз-  
малари, тангалар ва алоҳида расмий ҳужжатларни тўп-  
лаш лозимлиги тайинланган. «Этнография соҳасидаги  
мушоҳадалар» номли бўлимда Хива хонлигида яшовчи  
халқларнинг уйлари, уй жиҳозлари ва кийимлари, ан-  
тропологик тузилиши, қабиаларнинг сони ҳамда турар  
жойлари, ҳар хил афсоналарга оид саволлар қўйилган.  
Сўнгги бўлимга кирган «Хива хонлиги аҳолисининг иқ-  
тисодий ва маданий аҳволи тўғрисидаги мушоҳадалар»  
ҳам этнографик ва тарихий жиҳатдан ниҳоятда муҳим  
аҳамиятга эга. Мазкур бўлимда «бир неча оилавий хў-  
жаликларнинг (бой, ўрта, камбағал) иқтисодий ҳисоби  
ва даромад манбаи» каби саволларнинг келтирилиши  
дастурнинг ўша даврда тарқалган халқчиллик назария-  
си таъсиридан узоқ бўлганлигини кўрсатиб, унинг ил-  
мий аҳамиятини оширади. Дастур охирида кўрсатилган  
саволлар юзасидан маълумот тўплаш билан бир қатор-  
да расм олиш ва режалар тузиш лозимлиги ҳам қайд  
қилинган.

Ўрта Осиё юришлари даврида В. В. Радлов, А. П.  
Федченко, А. Л. Кун, М. А. Миддендорф каби тадқиқот-  
чилар самарали меҳнат қилдилар. Атоқли лингвист  
ва фольклорист Василий Васильевич Радлов Ўрта  
Осиё халқларининг тили ва этнографияси ҳақида анча  
қимматбаҳо материаллар тўплаган эди. У 1868 йилда  
Зарафшон водийси бўйлаб саёҳат қилиб, ўзининг шах-  
сий кузатишлари ва қисман маҳаллий аҳолининг ҳикоя

қилиб берган маълумотлари асосида Урта Зарафшон водийсига доир қизиқ-қизиқ очерклар ёзди. Бу асарларда ўзбек, тожик, қорақалпоқ, туркман ва бошқа халқлар тўғрисида тарихий ва этнографик маълумотлар берилган. Очеркларда сунъий суғоришни уюштириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Муаллиф шаҳар ва қишлоқларнинг номлари, аҳолининг типлари, кийим ва таомлари, хотин-қизларнинг аҳволини, ички ҳаётни, рақсларни ҳамда ўзбекларнинг уруғ тоифаларини тасвирлайди.

Йирик тадқиқотчилардан Алексей Павлович Федченко ҳам ўзбек этнографиясини анча бойитди. У Москва университетига ўқиб юрган давридаёқ илмий тўғрақларда фаол иштирок этиб, табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг котиби бўлиб ишлайди. Университетни тугатгач, икки йил (1864—1866) давомида ўша ерда табиатшуносликдан дарс беради. Ўз билимини ошириш мақсадида чет элларга саёҳат қилади. А. П. Федченконинг сафарларида рафиқаси, истеъдодли тадқиқотчи ва рассом Ольга Александровна Федченко доимий йўлдоши эди. Алексей Павлович ва Ольга Александровна Федченколар 1868—1872 йиллар ичида Туркистон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилиб, Зарафшон водийси ва Қўқон хонлигида ҳам муҳим илмий кузатишлар ўтказдилар. Бу сафарлар натижасида тўпланган ниҳоятда бой ва ранг-баранг маълумотлар уларнинг асарларида ўз аксини топди ва мужассамлашди.

Зарафшон экспедицияси вақтида кенг тадқиқотлар ўтказилиб, ҳар хил этнографик коллекциялар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва асбоблари тўпланган, ажойиб расмлар альбоми тузилган (О. А. Федченко ишлари асосида) ва тожик ҳамда ўзбек халқларининг турар жойи тўғрисида дастлабки маълумотлар берилган эди. Қўқон хонлиги тўғрисидаги мукамал география, тарих, этнография ва иқтисодиётга оид маълумотлар А. П. Федченконинг саёҳатномаларида ва унинг махсус «Қўқон хонлигида» деган асарига мавжуд. Қўқон экспедицияси даврида О. А. Федченко ҳар хил расмлар чизиб, эрининг нашр қилинган асарларини безаган.

Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларни этнографик жиҳатдан ўрганиш йўлида 1872 йилда Москвада очилган политехника кўرғазмасига қўйилган Урта Осиёлик халқларнинг кийим-кечаклари, ҳунармандчи-



лик маҳсулотлари ва асбоблари зўр қизиқиш туғдирди. Буюк танқидчи В. В. Стасов кўрғазманинг Туркистон бўлимига юксак баҳо бериб, унда кўрсатилган предметлар — гилам, кумуш безаклар, жуда кўп металл ва сополдан ясалган буюмлар, газлама, қурол-аслаҳа ва сон-саноқсиз маиший буюмлар «ўзининг ранг-баранглиги билан кишига бадий лаззат бахш этади», деб ёзган эди. Уша бўлимда кўрсатилган коллекцияларнинг таърифи нашр қилинган махсус каталогда берилган. Кўрғазма муносабати билан тайёрланган Туркистон фото альбоми айниқса зўр аҳамиятга эгадир. 1200 дан ортиқ расмни ўз ичига олган бу альбом фан жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди. Альбомнинг асосий ғояси Туркистон ва ундаги ҳаётни тарих, антропология, этнография ва санъат жиҳатдан тасвирлаб беришдан иборат эди. Альбом фақат бир неча нусхадангина тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси ҳозир Навоий номли ўзбек Давлат кутубхонасида сақланмоқда ва XIX асрдаги Урта Осиё халқларининг тарихи ва этнографиясини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бу альбомнинг ҳунармандчиликка бағишланган қисмига қўшимча ҳисобланган М. И. Бродовскийнинг «Туркистон ўлкасида техника ишлаб чиқиши» (СПб, 1875) номли асарида ўзбекларнинг хўжалик фаолиятига доир қимматли маълумотлар келтирилган.

Кўрғазмага мўлжаллаб нашр қилинган «Русский Туркестан» номли тўпламда ўзбекларга тегишли қизиқарли мақолалар бор. Айниқса, А. Д. Гребенкиннинг этнографик очерки алоҳида ажралиб туради. Муаллиф очеркда ўз кузатишлари асосида тўпланган материалларга таяниб, Зарафшон воҳасида яшовчи бир қанча ўзбек қабилаларининг (минг, найман, манғит, тўёқли, жалоир, қирқ, юз ва ҳ. к.) келиб чиқиши ва тузилиши, тили ва антропологик тавсифномаси, хўжалик фаолияти ва турмуш йўсини ҳамда бошқа этнографик томонларини таърифлаб берган.

Тўпламнинг кўп қисмини Урта Осиё ҳунармандчилигига оид материаллар эгаллаган. Чунончи, А. Кушакевичнинг кулолчилик, И. Краузенинг бўёқчилик, ёғ ва вино ишлаб чиқариш, Парамоновнинг кўнчилик ва дегрезлик ҳақидаги мақолалари маҳаллий аҳолининг хўжалик тарихини ўрганишда диққатга арзийдиган манба бўла олади.

Мазкур тўпламда иштирок қилган ва кейинчалик

бир қанча илмий ишлар яратган А. Н. Хорошхин ҳам ўзбек этнографиясига ўз ҳиссасини қўшди. Нижнеуральск линиясида ёшлик даврини ўтказиб, қозоқ ва қалмиқ тилларини тўлиқ эгаллаган А. Н. Хорошхин офицер сифатида Бухоро (1868 йил) ва Хива (1873 йил) юришларида иштирок қилади. У ўз асарларини шахсий таассуротлари, маҳаллий аҳоли турмушини бевосита кузатиши ва ерли кишилардан олган маълумотлари асосида ёзган. Унинг «Зарафшон водийси» номли иши ва бир қанча тарихий-этнографик этюдларида ўзбек қабила ва уруғ-аймоқларига тегишли ҳар хил этнографик материаллар мавжуд.

Кўргазма муносабати билан тайёрланган фото-альбомни истейдодли шарқшунос ва этнограф А. Л. Кун тузган эди. У бундан ташқари бир қанча муҳим этнографик асарлар ҳам яратган. В. В. Стасов бу тадқиқотчи ҳақида гапириб, «фанга ва бадий билимларга жуда муҳим ҳисса қўшди», деган эди. А. Л. Кун 1865 йилда Петербург университетини шарқ тиллари номзоди унвони билан тугатиб, 1868 йили машҳур шарқшунос В. В. Григорьевнинг тавсияси билан этнографик ва статистик тадқиқотлар ўтказиш, Россия илмий жамиятлари учун материал ва коллекциялар тўплаш мақсадида Туркистон генерал-губернаторининг ихтиёрига жўнатилди. У 1870 йилда Искандаркўл экспедицияси ҳамда Хива ва Қўқон юришларида иштирок қилган. Қўқон юришларидан кейин А. Л. Кун Туркистон ўлкасидаги мактаблар бўйича бош инспектор этиб тайинланади ва бу мансабда 1882 йилгача ишлайди. У кўп ерларга саёҳат қилди ва ўз зиммасига юкланган асоий-вазифани бажариш билан бирга маҳаллий аҳоли ҳақида, айниқса Хива хонлиги аҳолиси ҳақида ҳар хил этнографик маълумотлар тўплайди. А. Л. Кун ёзиб қолдирган илмий мақолалар ҳозиргача ўз қийматини йўқотмади. Унинг хонликлардан тўплаган давлат ҳужжатлари ва ноёб қўлёзмалари вақфлар ва мусулмон схоластикаси таълимига бағишланган, Урта Осиё тарихий ёдгорликларига оид ва бошқа мақолалари ўзбек халқи этнографияси ва тарихини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Узининг самарали меҳнати учун А. Л. Кун Шарқ тиллари институтининг мухбир аъзоси қилиб сайланган эди.

Хива юришлари қатнашчиси, полковник А. В. Каульбарс асарида хонликда яшовчи ўзбек ва бошқа халқ-

ларнинг турмуши, хўжалик фаолияти, диний эътиқодлари тўғрисида этнографик маълумотлар мавжуд. 1874 йилда Рус география жамияти томонидан ўтказилган Амударё экспедициясининг этнография ва статистика бўлимида иштирок қилган полковник Л. Н. Соболевнинг кўп мақолаларида, рассом Н. Н. Карзиннинг расм ва очеркларида ҳам этнографик маълумотлар бор.

Ўша йили Бухоро хонлигида Н. Маев бошчилигида ўтказилган экспедиция ҳам маълум ютуқларга эришди. Унинг Бухоро хонлигига қилган саёҳати натижасида ёзган асари ва бошқа кўпгина мақолаларида муҳим этнографик маълумотлар бор. Н. А. Маевнинг 1875 ва 1878 йилларда ўтказилган Ҳисор экспедицияси натижасида ёзилган бир қанча очеркларида Сурхон водийси ва Шеробод беклигида яшовчи ўзбекларнинг қўнғирот, марка, кичи, юз, лоқай, дурман, қатағон каби уруғ-аймоқ ва қабилалари тўғрисида, маҳаллий аҳолининг географик жойланиши, хўжалик турмушига оид бир қанча маълумотлар мавжуд.

Академик Миддендорф ўзининг Шимолий ва Шарқий Сибирга қилган сафаридан кейин 1877 йили Фарғона водийсига қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётини ўрганиш мақсадида илмий сафарга келади. Унинг ўз замондошлари томонидан юксак баҳога муяссар бўлган «Фарғона водийси тўғрисидаги очерклари»да бу бой ўлка фақат географик ва иқтисодий томондан таърифланибгина қолмай, маҳаллий Фарғона аҳолисининг антропология ва этнографиясига оид муҳим маълумотлар ҳам келтирилган. У ўзининг рус географик адабиётининг чин беағи бўлган бу ажойиб очеркларида, машҳур саёҳатчи П. П. Семёнов-Тяньшанский таърифи билан айтганда, ўзбек, тожик ва қирғизларнинг анча мукамал этнографик тавсифномасини беради.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини Ўрта Осиёда кечирган машҳур этнограф ва фольклорист бошқирд А. А. Диваев Оренбургдаги Неплюевский кадет корпусини тамомлагач, 1876 йилдан бошлаб Тошкентдаги ҳарбий бошқармада ишлади ва кейинчалик ўлкани ўрганиш соҳасида кўп билимлардан хабардор бўлган атоқли олим бўлиб етишди. А. А. Диваев маҳаллий халқ тилларини жуда яхши билганидан Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг этнографияси, фольклори ва лингвистикасига доир жуда кўп ва баён этилиши жиҳатидан хилма-хил бўлган асарлар яратди.

1879 йили Самара экспедицияси таркибида расом ва археолог сифатида иштирок қилган Н. Е. Симаков ниҳоятда қизиқарли материаллар тўилаган эди. Бу материаллар унинг «Урта Осиёнинг санъати» номли альбомида ўз аксини топди. Мазкур асар, В. В. Стасов ибораси билан айтганда, «Қадимги Урта Осиё санъатининг форс, араб, византия ва бошқа санъатларга қандай таъсир қилганлиги ҳақидаги» масалани ҳал қилишда дастлабки қадам эди.

Айрим этнографик лавҳаларни 1873 ва 1900 (иккинчи нашри) йилларда нашрдан чиққан Россиянинг Қашқардаги собиқ консули, замондошларининг таърифича, «Урта Осиёни яхши биладиган» Н. Ф. Петровскийнинг пиллачилик тўғрисидаги китобида ҳам учратиш мумкин. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Бухоро амирлигига борган ҳарбий чиновниклардан М. А. Барыгин, Н. Маев, А. Сиесарев ва бошқаларнинг асарларида ўзбекларнинг турар жойлари, қишлоқ ва уйлари, хўжалиги тўғрисида баъзи маълумотлар келтирилган.

В. П. Наливкин маҳаллий аҳолининг этнографиясини ўрганувчи олимлар орасида кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. В. В. Бартольднинг таърифича, В. П. Наливкин «Руслар орасида сартларнинг тили, турмушини энг яхши билган олимдир». У рафиқаси билан биргаликда 1896 йили Қозон шаҳрида «Фарғонадаги ўтроқ маҳаллий аҳоли хотин-қизларининг турмуши ҳақида очерк» деган ажойиб этнографик асар нашр этди. В. П. Наливкин маҳаллий тилларни ўрганишга доир **бир қанча дарсликлар ва баъзи бир этнографик маълумотлар келтирилган «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи»** китобининг муаллифидир. Бу китоб кейинчалик француз тилига таржима қилинди.

Толмас саёҳатчи М. С. Андреев Урта Осиёнинг энг йирик этнограф олимларидан бири. У ўқитувчилар семинариясини тамомлагач, Тошкентдаги йирик мадрасалардан бирида ҳам таълим олади. Андреев мадрасага ўзбек миллий кийимида қатнайди. Шундай қилиб, у барча маҳаллий тилларни ўрганиб олади. М. С. Андреев ўзбек, тожик ва Урта Осиёдаги бошқа халқларнинг этнографияси ва тили ҳақида бир қатор қимматли илмий асарлар нашр этди. У Россия география жамиятининг топшириғига мувофиқ, 1915—1916 йилларда Туркистоннинг этнографик харитаси устида ишлайди. Шу

муносабат билан бир неча марта ўлка бўйлаб саёҳат қилади ва илмий ишининг хулосаларини хилма-хил мақолаларида ёритиб боради.

Этнографик материалларни кенг оммага етказиш ва уларни сақлаб қолишда илмий журналлар, статистик комитетларнинг тўпламлари ҳамда «Туркестанские ведомости» газетасининг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Мазкур даврий нашрларда А. Л. Кун, А. А. Диваев, А. П. Остроумов, Н. С. Ликошин, Н. Габбин, А. Н. Кушакевич, В. К. Развадовский, А. А. Семёнов, Н. А. Кирпичников, А. Д. Калмиков, Ф. Поспелов ва бошқаларнинг асарлари тез-тез босилиб турган.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг тарих ва этнографиясини ўрганишда XIX асрда атоқли рус олимларининг ташаббуси билан ташкил топган илмий жамиятларнинг роли ниҳоятда каттадир. Улар фақат илмий муаммоларни ҳал қилибгина қолмай, балки чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшганлар. Илмий жамиятлар рўйхатининг ўзиёқ — Рус география жамиятининг Туркистон бўлими, Тиббиёт антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Хомутов тўғараги, Ўрта Осиё олимлар жамияти, Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими, Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими, Туркистон табиатшунослари ва врачлари жамияти, Туркистон тиббиёт жамияти ҳамда Фарғона ва Самарқанд врачлари жамиятлари — бу муассасалар кўламининг нақадар кенг эканлигини кўрсатиб турибди.

Туркистон зиёдиларининг энг яхши вакиллари ўз сафларида жипелаштирган бу жамиятларнинг аъзолари (улар ичида этнографлар ва шарқшунослар кўп эди) яратган асарлар кўпинча Россиянинг илғор олимлари томонидан юксақ баҳо олган. Жамият аъзоларининг русча-ўзбекча луғатлар тузиш, мактаблар учун маҳаллий тилларда ўқув қўлланмалари тайёрлаш, ўзбек, тожик ва қозоқлар томонидан рус тилини ва рус кишилари томонидан маҳаллий тилларни ўрганиш учун кечки курслар ташкил этиш, Тошкентда кутубхона ва Шарқ институти очилишига эришиш ва бошқа масалалардаги дастлабки уринишлари жамиятларнинг фоят прогрессив фаолиятдан далолат беради.

Уша даврдаги вазият илмий жамиятлар ва айрим тадқиқотчиларнинг фаолияти учун жуда ҳам ноқулай эди. Россиядаги ижтимоий-сиёсий тузум ўзбеклар ва Урта Осиёдаги бошқа халқлар тарихи ва этнографиясини мунтазам ва чуқур ўрганишни тўғри уюштиришга имкон бермас эди. Улар асосан ўз ихтиёридаги жуда оз ва тасодифий йўл билан тўпланган маблағлар билангина иш олиб борар эдилар. Чунки чор маъмурлари, ҳатто илмий ташкилотлар ишини ҳам мустамлакачилик идора усулининг тор доирадаги манфаатлари билан чегаралаб қўйган эди. Масалан, Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими номига Туркистон ҳарбий округи қўмондони ёрдамчисининг ёзган мактубида: «Жамият Шарқни Шарқ учун ва фан учун эмас, балки халқларни Россияга қўшиш — руслаштириш учун ўрганиши керак», — деб қайд қилинган эди. Шунинг учун ҳам илмий жамиятларнинг бир қанчаси Туркистон мустамлака маъмурияти томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга мажбур эди.

Шарқшунослик жамияти Туркистон бўлимида Урта Осиё халқлари ўтмиши ва ўша даврдаги турмушини илмий жиҳатдан ўрганиш иши ҳам кўнинча рус буржуазиясининг мустамлакачилик манфаатига бўйсундирилган. Жамият ўлка учун олий шарқшунослик таълими зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтариб чиққанда генерал-губернаторнинг оғир қўли унинг ишини бўғиб қўйди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида ўзбекларни ва Урта Осиёнинг бошқа халқларини этнографик жиҳатдан ўрганишда фанга анча ҳисса қўшилган эди. Мустамлакачилик сиёсатига амал қилиб келган буржуа фанининг тор доирадаги таълимоти ва чекланган имкониятларига қарамай, ўша даврдаёқ Туркистон ўлкасидаги элатларнинг тарихи ва этнографиясига оид бой маълумотлар ва материаллар кейинги тадқиқотлар учун муҳим бир замин бўлган эди.

1917 йилдан кейин тадқиқотчилар, шу жумладан этнографлар орасида табақаланиш бошланди, яъни айримлар янги тузум тарафдори бўлса, бошқалар советларга қарши томонга ўтиб кетдилар. Аммо илғор рус ва чет эл олимларининг фанга фидойи қисми изланишларини давом қилдириб, ёш этнографларни етиштиришда ўз ҳиссасини қўшдилар. Масалан, этнограф ва шарқшунослардан Н. Г. Маллицкий, М. С. Андреев, А. А. Се-

мёнов, А. А. Диваев кабилар 1920 йилда Туркистонда биринчи ташкил топган Урта Осиё Давлат университетида қолиб, ўз илмий ишларини давом эттирган эдилар.

Туркистон университетида ўзбек этнографияси бўйича махсус курс киритилиб, этнография фанининг оташин ташвиқотчиси Н. С. Ликошин тузган бу курс дастури диққатга сазовордир. Уша йилиёқ М. С. Андреев раҳбарлигида ташкил қилинган Шарқ институти ўқиш дастурида ҳам Урта Осиё халқлари этнографияси фахрли ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, институт қошида илмий тўгараклар тузилиб, маҳаллий халқларнинг этнографияси ва фольклорини ўрганишга катта эътибор берилган.

Кейинчалик Урта Осиё Давлат Университетининг махсус факультетига айланган Шарқ институти ўқиш дастурида этнография предметига алоҳида эътибор берилганлиги туфайли уни тугатганлар ичидан йирик этнограф олимлар етишиб чиқди. Кейинги йилларда этнографик тадқиқотларнинг кенг кўламда амалга оширилиши кўп миллатли Урта Осиё ўлкаларида мураккаб миллий муаммоларни ечиш, янги жамият қуриш каби муҳим амалий вазифаларни ҳал қилиш зарурияти билан боқлиқ эди. Айниқса 1924 йили минтақада ўтказилган миллий бўлинишда тарихий-этнографик ишлар натижасида тўпланган материаллар қўл келди. Уша йилларда этнографик хариталар тузиш мақсадида тадқиқотлар ўтказилиб, Урта Осиёни районлаштириш мақсадида ёзилган тўпламлар ва этнографик хариталар катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ишларда маҳаллий тилларни яхши биладиган таниқли географ, тарихчи, этнограф олимлардан М. С. Андреев, А. А. Диваев, В. Н. Кун, Н. П. Маллицкий, А. А. Семёнов, Е. Д. Поливанов, Л. В. Ошанинлар фаол қатнашдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, этнографик тадқиқотларни ўтказишда ёш Туркистон республикасининг фан ва маориф ташкилотлари анча жонкуярлик кўрсатдилар. 1921 йилда маҳаллий ҳокимият томонидан йирик этнограф олимлардан ташкил топган «Туркистон туб аҳолисининг маиший турмушини ўрганиш илмий комиссияси» ўзбек этнографияси ривожига муҳим бир босқич бўлди. Уша вақтда иккита экспедиция ташкил қилинди: А. А. Диваев раҳбарлигидаги Сирдарё ва М. С. Андреев бошчилигидаги Самарқанд экспедициялари.

Улар маҳаллий этнослар ва этик гуруҳлар (ўзбеклар, туркманлар, араблар, лўлилар) тўғрисида бой этнографик маълумотларни тўпладилар. Айниқса тадқиқий дастурга киритилган масалалардан аҳолининг жамоатчилиги анъаналари, диний эътиқодлари, урф-одат ва маросимлари, анъанавий хўжалиги ва маданий турмуши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу дастур асосида ноёб этнографик материаллар анча йиғилган эди.

Бу ишларда академик В. В. Бартольднинг роли ниҳоятда катта бўлди. Унинг ташаббуси билан Урта Осиё этнографик харитасини тузиш мақсадида жуда кенг ва ҳар хил манбалар жалб қилинди. У 1920 йилдаёқ «Туркистон этнографик харитасини Бухоро ва Хива республикаларини қўшиб тузиш зарур», деган ғояни кўтариб чиққан эди. Бу катта олим раҳбарлигида Фанлар Академияси қошида Россия ва қўшни мамлакатлар аҳолиси қабилавий тузилишини ўрганиш комиссияси самарали ишлар олиб борди.

Асримизнинг 20-йилларида ўзбек этногенези ва уруф-қабилавий тузилиши, ижтимоий ва оилавий турмуши, хўжалиги ва бошқа масалаларга бағишланган бир неча этнографик асарлар пайдо бўлган эди. Энг илк нашрлардан проф. Е. Д. Поливанов ва ёш этнограф Л. П. Потаповларнинг ишлари диққатга сазовордир. Г. Гольцер деҳқончилик хўжалиги тўғрисида китобча чиқарди, ҳунармандчилик ва унинг ташкилотларига бағишланган асарларни Ф. Гаврилов, М. С. Андреев, А. Н. Самойлович яратдилар. Бир гуруҳ тадқиқотчилар (Я. Кумаченко, С. М. Дудин, А. Л. Троицкая, А. К. Боровков, И. М. Русак ва ҳ. к.) ўзбекларнинг амалий санъати, урф-одат ва маросимлари, халқ театри ва ўйинлари тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказиб, асарлар чоп этдилар. Уларнинг кўпчилиги музей ходимлари билан биргаликда ҳар хил этнографик буюмларни тўплашда фаоллик кўрсатдилар. Улар билан биргаликда маҳаллий ёш тадқиқотчилардан Ш. Н. Иноғомов, М. А. Бекжонова, Г. Мирғиёсов, М. Юсупов кабилар ҳам зўр хизмат қилдилар. Уша йиллари ўзининг кўп қиррали самарали илмий фаолиятини бошлаган таниқли фольклорист олим Х. Т. Зарифтов ўзбек фанининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Ўзбек этнографиясини 30-йилларда юқори босқичга кўтаришда фаоллик кўрсатган олим С. П. Толстов эди. У 1929—1936 йиллар давомида собиқ СССР халқ-



лари музейида илмий ходим, кейин Бутуниттифоқ фанлар Академияси Моддий-маданият институти Москва бўлими (ҳозир Археология институти) нинг мудири, кўп йиллар давомида Москва Давлат университетининг профессори, этнография кафедраси бошлиғи бўлиб ишлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ва бошқа чет эл академияларининг фахрий аъзоси С. П. Толстов бутун онгли умрини Урта Осиё халқларининг тарихий ва этник жараёнларини, узоқ ўтмиши ва этнографиясини ўрганишга бағишлаган буюк шахсдир. Кўп қиррали, теран ва кенг билимдон олим тарих, шарқшунослик, археология, палеонтология, этнография ва этносоциология каби фан соҳаларида самарали меҳнат қилиб, 400 га яқин илмий асарлар яратди. Бу асарларда ўзбек этнографиясига оид, айниқса ўзбекларнинг келиб чиқиши, моддий ва маънавий маданияти, дин тарихи, ижтимоий ва оилавий турмуши масалаларига бағишланган сермазмун тадқиқотлар фахрли ўринни эгаллайди.

С. П. Толстов ташаббуси билан 1937 йилда ташкил топган Хоразм археология-этнография комплекс доимий экспедицияси ниҳоятда зўр илмий кашфиётларни қўлга киритди. Экспедиция кўтарган муаммолар нафақат Хоразм, балки бутун Урта Осиё ва қўшни мамлакатлар аҳолиси тарихи, археологияси ва этнографиясига оид бўлиб, жаҳон маданиятини бойитишда ва илгари суришда намуна бўлди. Сергей Павловичнинг фикр-ўйлари ва мулоҳазалари этнографик муаммолар билан бевосита боғлиқ эди. У ўйлаган ва амалга оширилган Хоразм экспедициясининг тадқиқий йўналишлари, бир томондан, этнографларга ретроспективлик (яъни ўтмишга қаратилган) мураккаб этногенез масалаларини ҳал қилишга, хўжалик, ижтимоий тузум, моддий-маънавий маданият тарихи, ҳозирги ўрта осиеликларнинг маиший турмуши ва маънавий маданиятини ўрганиш имконини яратиб берди. Иккинчи томондан, этнографик тадқиқотлар орқали археологлар ва тарихчилар учун муҳим ҳисобланган ижтимоий ташкилот ва оила шаклларини тарихий таъмирлаш, қадимий миллий меъморчилик анъаналарини, исломгача бўлган диний қарашлар ва урф-одатларни ҳозиргача сақланиб келган эски тасаввурлар орқали таҳлил қилиш, мусиқа маданияти ва амалий санъат куртакларини аниқлаш каби муаммоларни ҳал қилиш имкони туғилди.

Шуниси муҳимки, С. П. Толстов иштироки ва ташаб-

буси билан тарихий-этнографик тадқиқотлар ўтказиш учун бир неча махсус этнографик отрядлар ташкил қилинган эди. Асосан урушдан кейин пайдо бўлган бу отрядлар Хоразм воҳасидаги ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларни ўрганишга жиддий киришган ва кўп йиллик тадқиқотлар натижалари бир неча илмий тўнламларда мужассамлашган. Айниқса, Хоразм экспедициясининг иккита ўзбек отряди (шимолий отрядга К. Л. Задихина, жанубий отрядга М. В. Сазонова раҳбарлик қилган) ҳамда диний тасаввурларни ўрганиш учун иш олиб борган Г. П. Снесарев жуда самарали тадқиқотлар ўтказиб бир неча ажойиб этнографик асарлар яратганлар.

Хоразм экспедицияси бошлиғи С. П. Толстов яратган илмий-назарий асарлар этнография фанининг йўналишига, ечилмаган чигал муаммоларни ҳал қилишга катта ёрдам берди. Ниҳоятда кенг илмий диапазонга эга бўлган бу донишманд олим айниқса умумназарий масалалардан этногенез, ибтидоий жамият тузуми, маданият ва дин тарихи, қадимги ва ўрта аср даврлари хронологияси, ижтимоий муносабатлар каби мураккаб муаммолар теварагида ўзининг дадил мулоҳазалари билан фан тараққиётига муҳим туртки бўлган эди. Унинг ўзбек этногенези ва ислом тарихига оид тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Бир неча музейлар ташкил қилган экспедициялар ҳам этнографик маълумотлар ва буюмлар тўплашда зўр хизмат қилди. 1936—1937, 1940—1941 йилларда М. С. Андреев бошчилигида ўтказилган тадқиқотлар нафақат фанни, балки республика музейларини ноёб экзепонатлар билан бойитган эди.

50-йиллардан бошлаб этнографлар диққатини ҳозирги замон этник муаммолари жалб қила бошлайди. Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан 1950 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Фанлар Адакемияси Тарих ва археология институти экспедицияси биринчи марта ўзбекларнинг ҳозирги маиший турмуши ва маданиятини ўргана бошлаган эди. Бир неча йил давомида амалга оширилган бу ишнинг якуни «Ойқирон қишлоғи ўтмишда ва ҳозир» номли илмий асарда ўз ифодасини топди.

Уша даврдан ўзбеклар ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши (этногенези) масаласига жиддий эътибор берилди бошланди. Бу муҳим муаммога бағишланган маърузаларда таниқли олимлар А. Ю. Яку-

бовский, С. П. Толстов, А. А. Семёнов, А. Н. Бернштам, Л. В. Ошанин, К. В. Тревер, Я. Ф. Фуломов, Р. Н. Набиев ва бошқалар ўз фикрлари билан фаол иштирок қилдилар. Ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг этногенези ва этник тарихини ўрганишга жиддий киришган Б. В. Андрианов, Я. Р. Винников, Т. А. Жданко, С. К. Қамолов, Р. Қўсбергенов, Ш. И. Иноғомов, Б. А. Аҳмедов, Р. Г. Муқминова, Б. Х. Қармишева, К. Шониёзов, Т. К. Хўжайовлар бир неча муҳим асарлар нашр қилдилар. Мазкур мураккаб муаммони ҳал қилишда ўзига хос якунловчи анжуман сифатида 1983 йилда Москвада чақирилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этногенези ва этник тарихи муаммолари» мавзуйдаги илмий конференция фанда янги бир босқич бўлди.

Кейинги ўн йилликларда ўзбекларнинг хўжалик фаолияти, моддий маданияти, оилавий ва маънавий турмушига оид масалаларга эътибор бир оз кучайди. Масалан, деҳқончилик, ҳунармандчилик, халқ меъморчилиги ва санъатига бағишланган бир неча илмий асарлар пайдо бўлди (Е. М. Пешчерева, О. А. Сухарева, Н. А. Қисляков, И. М. Жабборов, М. К. Раҳимов, А. Йўлдошев, П. М. Зоҳидов, Р. А. Абдурасулова, Б. Б. Веймарн, В. Л. Воронина, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш мумкин).

Оила ва оилавий турмуш муаммолари маҳаллий этнографларнинг диққатини ўзига жалб қилди ва кейинги йилларда бу борада бир неча илмий тадқиқотлар чоп этилган эди. Миллий анъаналар, урф-одат ва маросимлар, халқ театри ва ўйинлари, диний эътиқод ва маънавий маданият масалаларини тадқиқ қилишда ҳам маҳаллий олимлар анча ютуқларга эришдилар. Натижада ўнлаб катта-кичик илмий асарлар ва тўпламлар чоп этилди, илмий анжуманлар ўтказилди.

Тадқиқотчиларнинг кўп йиллик самарали ишлари натижаларини ўзида жамлаган тўпламлар ва монографик асарлар этнограф олимларнинг ютуғидир. Бир гуруҳ этнографлар иштирокида тайёрланган кўп жилдли «Жаҳон халқлари» тўпламига кирган «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари» номли икки жилдли капитал асар бунга далил бўла олади. Мазкур нашр жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланган. Унинг кичикроқ намунаси сифатида чиққан «Умумий этнографик очерклар» ва С. А. Токаревнинг «СССР халқ-

лари этногарафияси» номли асарларда ҳам Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбекларга анча ўрин ажратилган. Яқинда жумҳуриятимизнинг бир гуруҳ етук этнографлари «Ўзбеклар (тарихий-этнографик тадқиқот)» номли катта илмий асарни тугатиб, нашрга топширдилар.

Афсуски, ҳозирги иқтисодий тушкунлик давом этаётган бир пайтда илмий тадқиқотлар ва изланишлар ҳам чекланиб, этнография фани муаммолари ҳам анча мураккаблашди. Шундай бир оғир вазиятда истиқлолга эришган бизнинг жамият ўз фанига, жумладан тарих ва этнографиясига ғамхўрлик қилиб, унга эътиборни кучайтирмоғи лозим. Чунки ҳозирги замонда ижтимоий тараққиёт, фаровонлик, халқимизнинг маънавий равнақи ва келажаги илм-маърифат, фан ва техникага бевоқифа боғлиқдир.

## ЎЗБЕКЛАР ШАЖАРАСИ ВА АВЛОД-АҶДОДЛАР МУАММОСИ

Жаҳонда ўзини соф, аралашмаган деб даъво қиладиган бирор элат ёки халқ йўқ. Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр давомида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланиб келган. Тарихдан маълумки, асрлар давомида давлатлар ташкил топиши билан катта-кичик урушлар бўлиб қудратли ҳокимлар ожизларни босиб олиб ўзига бўйсундирганлар, элатларнинг эса аста-секин объектив ва субъектив омиллар орқали бирининг бирига сингиб кетишига сабаб бўлган. Бундай ҳолатни жуда ҳам бой, хилма-хил фожиали ва ижобий воқеаларни кўрган, турли истилочилар томонидан босиб олиниб, ғайри элат ва давлатларнинг таъсирига ўтган, аммо ўзининг кўп асрлик тарихи давомида миллий хусусиятларини сақлаб келган ўзбеклар ҳам бошдан кечирган.

Афсуски, тарихий маълумотлардан беҳабар ёки тор доирадаги манбаларга таянган айрим муаллифлар ўзбек, тожик ва бошқа Урта Осиё халқларини фақат ўз қобигида пайдо бўлган деган ғайриилмий фикрларни тарғиб қилиб; миллатчилик туйғуларига таъсир қилмоқдалар. Минтақада мустақил давлатлар юзага келган

мураккаб бир вақтда мазкур сохта фикрлар ҳалол, қалби пок халқ оммасини чалғитиб, фожиали воқеаларнинг тугилишига сабаб бўлаётганлигини тарих тажрибаси кўрсатади. Бундай ҳолатдан фақат ғаразғўй кишилар ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун фойдаланиб, улар яна ҳам оғирроқ ва фожиали ҳолатга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан муқаддас асар Библиядаги «Ибтидо» ёки Мусонинг 1- китобида келтирилган, Шарқда қадимдан кенг тарқалган «Бобул минораси» номли бир ривоят диққатга сазовор. Унда шундай ҳикоя қилинади: Ўз парвардигорига садоқатли Нуҳ пайғамбар ўғилларининг фарзандлари кўп бўлган. Дунёда улар жуда кўпайиб итоатдан чиққан инсон авлодини худо ҳукми билан тўфон юбориб улар маҳв қилинган. Аммо парвардигор орзусини адо этган Нуҳ авлоди тўфондан сақланиб қолган. Лекин йиллар ўтиши билан кишилар яна гуноҳга бота бошлаган. Ўша вақтларда ер юзида битта тил ва битта лаҳжа мавжуд бўлган. Қуёнларнинг бирида инсонлар бир ерга тўпланиб бир-бирларига: «Келинлар, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етадиган минора бино қилайлик ва ўзимиз учун ном пайдо қилайлик» дейдилар. Ўзларини машҳур қилиш мақсадида мағрурлик фикри билан қурилишга берилиб кетдилар. Лекин бу нарса Худога маъқул бўлмади. Худо дебди: «Мана, бир қавмдирлар, уларнинг ҳаммасининг тили бир. Ана, улар бу ишни бошлабдурлар ва энди улар қилмоқчи бўлган ишларини қилишдан воз кечмайдилар. Келинг тушайлик ва у ерда уларнинг тилини аралаштирайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмасинлар». Едингда тутгинки, бир вақтлар Худо: «Инсонни яратамиз...», деган. Худо нима учун «яратамиз» дейди? Чунки Худо уч сифатда бирлашгандир: Ота Худо, Ўғил худо ва Муқаддас руҳ Худо. Шу сабабдан Мусонинг биринчи китобида Худо инсоннинг яратилиши ҳақида гапирганда кўпликда «яратамиз» деган. Худо инсонларнинг тилини аралаштирди ва улар бир-бирларини тушуна олмадилар ва қурилишни ҳам давом эттириб билмадилар. Шунинг учун ўша ердан бутун ер юзига тарқатиб юборди.

Мазкур муқаддас ривоятда худо номидан ғурурлик ва манманлик гуноҳ, ундай кишилар жазоланиши зарур, деган хулоса билан бирга, ҳатто парвардигорнинг қудрати билан кишилар аралаш-қуралаш, турли тилда

гапирадиган элатлардан иборат эканлиги эътироф қилинган.

Тарих, тилшунослик, этнография фанларининг жаҳон миқёсида қўлга киритган илмий жиҳатдан муҳим фикр-мулоҳазаларини менсимай, тор миллатчилик доирасидан чиқа олмай мулоҳаза қилиш нафақат фанда, сиёсатда ҳам энг катта зарарли хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва бошқа Урта Осиё элат ва халқларининг этногенези, яъни келиб чиқиши муаммоларини фақат жаҳон фани ютуқларига таянган ҳолда (уларни европалик ёки осийлик демасдан) тўғри, объектив ҳал қилиш зарур. Жаҳон туркологиясининг кўп йиллик илмий изланишлари, шарқшунослик, археологик ва тарихий-этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Урта Осиё халқлари, бошқа кўп этнослар сингари анча чигал ва мураккаб этник жараёни бошдан кечирганлар.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ниҳоятда мураккаб ва жуда узоқ тарихга эга. Бу жараён энг қадимий ва илк ўрта аср даврида турли элат ва халқларнинг бутун Марказий ва Урта Осиё, Қозоғистоннинг кенг ҳудудида кўчиши ва аралashi натижасида муайян давлат бирикмалари доирасида рўй берган. Минтақада бир неча минг йиллар давомида чегаралари ўзгариб турган муайян тарихий-маданий бирикмалар юзага келган. Тадқиқотчиларнинг таърифига биноан бу бирикмалар қуйидагича: 1) ярим ўтроқ овчи-балиқчи элатлар; 2) дарё қуйи оқимида ва водийларда ярим ўтроқ чорвадеҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли; 3) суғорма ва баҳори ерлардаги омоч деҳқончилиги билан чорвачилик хўжаликлари; 4) қуруқ иқлимли дашт ва ярим даштларда қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжалик маданияти вакиллари.

Кейинги бир неча ўн йилликларда ўтказилган тадқиқотларга қараганда, Урта Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган ибтидоий аҳолининг антропологик жиҳатдан европеоид ирқининг жанубий ёки Урта Ер денгизи пуштига яқин эканлиги исботланган. Шу маънода айрим тадқиқотчилар ўзбекларни тожиклар билан бирга бир-бирига яқин помир-фарғона ирқини алоҳида ажратиб жанубий европеоид ирқининг ўзига хос пушти эканлигини қайд қиладилар. Бунга далил сифатида Жанубий Ўзбекистонда кашф этилган

Урта Осиёдаги энг қадимий мустье даврига оид палеолит боланинг Тешиктошда топилган суяк қолдиқлари кўрсатилган. Мазкур ирққа ўхшаш типларнинг Урта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида топилиши диққатга сазовордир.

Сурхондарё ва Фарғона водийсининг турли жойларидан топилган турли қурол ва буюмлар, маданий қатламлар бу ерда яшаган аҳоли тешиктошликлар сингари овчилик ва теримчилик билан шуғулланиб, оловдан кенг фойдаланганликлари тўғрисида хулоса қилишга имкон беради./

Демак, Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон археологик ва палеантропологик тадқиқотларга қараганда, тарихий-маданий ва этник жиҳатдан инсоният тарихий тараққиётининг энг илк даврларидан бошлаб Юлд Осиё билан боғлиқ бўлган. Балки палеолит давридан бошлаб Урта Осиёга аҳоли Олд Осиёдан кўчиб кела бошлаган ва кейинчалик овчи ва теримчи қабилаларнинг кўчиш жараёни давом қилиб турган. Бунга Мачай горидан топилган мезолит (эраמידан аввалги VII—VI минг йилликлар) даврига оид одам суяги қолдиқлари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади. Бу макондаги маданий қатламларга ўхшаш топилмалар Тошкент воҳасида, Туркистонда, Жанубий Қозоғистон ва Олд Осиё мамлакатларидаги мезолит обидаларидан топилган буюмларга ўхшайди. Палеантропологик тадқиқотлар мазкур маконларда яшаган аҳоли европеоид ирқига мансуб эканлигини тасдиқлаган. Топилмалар Урта Осиё аҳолисининг энг қадимий даврлардан қўшни элатлар, айниқса жанубий ва ғарбий қабилалар билан алоқада бўлганлигини исботлайди. Кейинги ўн йилликларда Марказий, Жанубий ва Шарқий Фарғонада кашф этилган мезолит маконлари, айниқса Марказий Фарғона мезолити алоҳида аҳамиятга эга./

Археологик тадқиқотларга қараганда, Урта Осиёда яшаган халқларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган. Даставвал шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу ерда ибтидоий жамият ташкил топган неолит давридаёқ мазкур хўжаликлар бир жойда пайдо бўлиб, кейин бутун минтақага тарқалган. Айниқса жуда кўп топилган неолит маконлари (Хоразмдаги Қалтаминор, Зарафшондаги Чинкелди, Марказий Фарғонада ва Устюрда,

Жайтун ва бошқа ерларда) турли қабилаларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Шуниси муҳимки, масалан, машҳур калтаминорликлар ўз маданияти билан чекланган ҳолда ҳаёт кечирмай, атрофдаги узоқ-яқин қабилалар билан доимо ўзаро алоқада бўлиб турганлар. Улар шимолда қадимий уралликлар, жанубда жайтунликлар ва улар орқали Каспийбўйи ва Эрон қабилалари билан алоқа боғлаганлар.

Демак, маҳаллий этнослар энг қадимги ибтидоий даврлардан бошлаб ўзаро алоқада бўлган уруғ-қабилаларнинг умумий хўжалик-маданий хусусиятлари туфайли аста-секин бутун минтақада тарқалиб, илдиз ота бошлаган. Бундан 45 йил муқаддам атоқли шарқшунос олим С. П. Толстов Орол бўйини Урта Осиёдаги этногенетик жараённинг энг муҳим тугуни деб таърифлаган эди. Чунки бу ерда жанубий юксак ўтроқ деҳқончилик маданияти билан шимолдаги Орол-Каспий бўйи даштларидаги чорвадор қабилалар маданиятларининг ўзаро чатишуви рўй берган.

Бу даврда суғорма деҳқончилик ва чорвачилик тажрибаси Каспий бўйи қадимий неолитик маконлардан аста-секин шарқ ва шимоли-шарқ томон Урта Осиёнинг дарё бўйи текисликлари ва тоғ этаклари зонасига кўчиб, бронза даврига келиб ўтроқ деҳқончилик-чорвачилик хўжалик-маданий типлари шакллана бошлаган эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур жараён ҳинд-эрон тиллари ва этносларининг шаклланиши билан бир вақтда рўй берган. Унинг кейинги ривожини бир неча ёсқичлардан иборат бўлиб, оқибатда шимолий (скиф-сармат) гуруҳларнинг жанубий гуруҳлардан ажралиб кетиши аниқ сезилади. Кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий-миграцион фаоллиги қадимги даврдаги этник жараёни анча тезлаштирган.

Эр. авв. IV—III минг йилликларга оид Калтаминор маданияти, айниқса Хоразмдаги Жонбосқалъа—4 макони, Қорақалпоғистондаги Қават—7 харобалари қазилмалари ва бошқа обидалар кенг ҳудудда овчилик-балиқчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи элатлар яшаганлигини кўрсатади. Уша вақтда Амударё суви Ўзбой орқали Каспий денгизига қуйилган. Жанубий Орол бўйи, Амударёнинг жанубий ўзани, Оқдарё ва Ўзбой сувларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган аҳоли неолит ва энеолит маконларини яратганлар. Уларнинг хўжалигида чорвачилик муҳим соҳага айлана бошлаган. Қалтами-



норликларнинг юқори деҳқончилик маданиятига эга бўлган жанубий элатлар билан алоқалари уларни Эрондаги илк палеолит маданияти доирасига элтади. Бу ерда қандайдир янги этник элементларнинг пайдо бўлиши, улар орқали шимолий элатлар жанубийликлар билан алоқа қилиб Қалтаминор қабилаларининг таъсири ўтганлигидан дарак беради. Натижада ўзига хос маданий-тарихий областлар юзага кела бошлаган. Қалтаминор маданияти маҳаллий ва жанубий мезолит маданиятлари билан узвий боғлиқ ҳолда изсиз йўқолиб кетмаган. Мазкур маданият ўзидан кейин пайдо бўлган Тозабоғёб ва бошқа маданиятларнинг шаклланишига зарур шарт-шароитлар яратган. Бундай жараён Суёроғон маданияти обидалари, Замонбобо — I ва Бухородаги Лавлахон кўли ҳамда Бешбулоқ қудуғи маконлари (эрамиздан аввалги III—II минг йилликлар) мисолида ёрқин кўринади.

Урта Осиёнинг жанубида, шу жумладан Фарғонада энеолит ва бронза (II минг йиллик бошларида) сунъий суғориш деҳқончилиги, тош қуроллар билан бирга илк металл қуролларнинг ишлатилиши, хом ғиштдан қурилган уйларнинг, чархда ясалган безакли сопол идишларнинг пайдо бўлиши маҳаллий қабилаларнинг жойлашиши ва уларнинг алоқалари қандай бўлганлигидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Амударё қуйи оқида пайдо бўлган Тозабоғёб маданияти Жанубий Уралбўйи давлатларида шаклланиб, Хоразмга Шимоли-Шарқ Оролбўйи орқали келган, деб фараз қилинади (Анқажалъа — 5 ва Қаватқалъа — 3). Тозабоғёб маданиятининг тарқалган даври Хоразмда энг қадимги ирригациянинг пайдо бўлишига тўғри келган. Хронологик маълумотларга қараганда, бу давр воҳода янги ҳинду-веддоид антропологик типнинг пайдо бўлиши билан белгиланади. Балки бу ҳодиса жанубдан суёроғонлик қабилаларнинг кўчиб келиши билан боғлиқдир.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Хоразмга Тозабоғёб маданиятига оид қабилаларнинг келиши дастлабки ҳинд-европа ва ҳинд-эронлик қабилаларнинг шимоли-ғарбдан катта кўчиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Кейинги вақтларда ўтказилган қазилмалар ҳам Урта Осиёнинг жанубий минтақаларида Тозабоғёб маданиятининг таъсири кучайганлигидан, дашт қабилаларининг Урта Осиёга йирик

кўчишларидан дарак беради. Бундай қабилаларнинг жануб, жануби-ғарб ва жануби-шарқ томон кучли ҳаракати эр. авв. II минг йиллик охири—I минг йиллик бошларида рўй берганлиги тарихдан маълум. Бу ҳаракатда Суёргон маданиятига эга қабилалар ҳам иштирок қилган. Археологик материаллар мазкур чорва қабилаларининг (эрамиздан аввалги XI—IX асрларда) Узбой, Атрек, Тежен, Мурғоб, Амударё, Сирдарё каби дарёлар бўйлаб кўчиб ўтганлигини тасдиқлайди.

Уша даврдаёқ тоғ этаклари ва водийларда аҳоли янги ерларни ўзлаштириб анча такомиллашган сунъий суғориш усуллари татбиқ қила бошлаган. Бунга мисол қилиб «бўёқли сопол» маданиятига оид Фарғонадаги Чуст типидаги маконлар, Қайроққум дашт бронза ҳамда Водил қабристон маданиятларини кўрсатиш мумкин. Дашт қабилаларининг турмуш тарзи ва тарихини ўрганишда эрамиздан аввалги IX—VIII асрга оид Хоразмнинг Амиробод маданияти (Якка-Пўрсон—2 каби катта қишлоқ) диққатга сазовор. Бу ердаги элатлар 20 та ярим ертўлада истиқомат қилиб, суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва жез қуруллар яшаш билан шуғулланганлар.

Палеантропологик маълумотларга қараганда, палеолит даврида Олд Осиёдан шимоли-ғарб томон, яъни Урта Осиёга очилган кўчиш йўли кейинги неолит ва жез (бронза) даврига келиб янада кучаяди. Янги даврда мазкур тарихий-маданий ва этник алоқалар янада кучайганлигини археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди. Айниқса жез даврига оид топилган кўп сонли қабрлар ўша вақтда яшаган аҳолининг антропологик тузилишини аниқлашга ёрдам беради. Антрополог олим Т. Қ. Хўжайовнинг таърифича, Ўзбекистонга шимоли-ғарбий томондан Европанинг юқори палеолит, мезолит ва неолит аҳолиси вакиллари кела бошлаган, жанубдан эса жанубий европеоид типлар келиб, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил қилган. Унинг тахминича, ўша даврдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланишида ўзига хос европеоид компонентлар асос бўлган. Мазкур фикрни археологик кашфиётлар ҳам тасдиқлайди. Чунинчи, Ўзбекистоннинг жанубий қисмига Европадаги андронов маданияти элементларининг кириб келиши бунга далилдир.

Темирнинг кашф этилиши бутун минтақада ишлаб чиқаришнинг ривожланишига зўр тurtки бўлди. Оқи-

батда кенг ҳудудда, жумладан Ўзбекистонда ҳам аҳоли ўсди. Бу даврда ирқий жиҳатдан анча ўзгаришлар рўй берди. Даставвал антропологик жиҳатдан монголоид элементлари кучаяди ва европеоид яхлитлиги ўзгара бошлайди. Аммо монголоид белгилар ҳамма ерда бир хил бўлмасдан, фақат айрим районларда кўпроқ жамланган. Мазкур типлар асосан кенг тарқалган Сибирь ва Марказий Осиё кўчманчи элатлари билан алоқадор бўлиб, бунга Оролбўйи ва қадимги Бухоро воҳаси районлари ҳам киради. Шундай қилиб, эрамиздан аввалги I минг йилликка келиб морфологик жиҳатдан монголоид элементлар таъсири ўтган ва ҳозирги ўзбек ирқий типларининг шаклланишига асос бўлган гуруҳлар юзага келган. Илк темир давридан кейинги маданиятга ўтиш даври — эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан янги эрага ўтишгача бутун Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам мураккаб этноантропологик жиҳатдан жиддий аралаш-қуралаш жараён рўй берган. Археологик обидалардан Далварзинтепа, Айрнтом, Эски Термиз ва бошқа ерларда ўтказилган тадқиқотлар мазкур фикрни тасдиқлайди.

Эрамиздан аввалги I минг йилликда Ўрта Осиёда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши, йирик суғориш ва мудофаа иншоотларининг қурилиши даставвал текин қўл меҳнатисиз мумкин эмас эди. Қўшни Эрон, айниқса Мидия давлати (эр. ав. VII—VI асрлар), Аҳамонийлар империяси (эр. ав. VI—V асрлар) ташкил топишидан олдинроқ Ўрта Осиёда иккита қулдорлик давлати — Бақтрия ва Хоразм пайдо бўлганлиги тўғрисида форс ва юнон ёзма манбалари хабар беради. Мазкур манбалар ва тош қабрларга битилган расмларда (Персепол саройи), зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста»да, Рим, юнон ва Хитой муаллифларининг асарларида ҳозирги ўрта осиеликларнинг қадимий аجدодлари сак-массагетлар, юэчжи, кангуй (канғар), усун ва бошқа элатлар тилга олинади. Шуларнинг ичида энг катта элат саклар жуда кенг ҳудудни — Тянь-Шань ва Помир этақларидан Каспий денгизи соҳилларигача бўлган ерларни эгаллаган, уларнинг энг зич жойлашган ери Сирдарё ҳавзаси бўлган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, қадимий Бақтрия ва Хоразмда яшаган ҳозирги тожик, ўзбек ва қисман туркманларнинг аجدодлари асосан эроний тиллар-

нинг шарқий шохобчаси ва қисман туркийлашган сак ёки скиф тилларида гапиришганлар. Умуман массагет қабилалари конфедерация (бирирма) сига қуйидаги элатлар кирган: қадимги Сирдарё ҳавзасида, Амударёнинг шарқий ўзани буйида ва Қорақумда яшовчи апасиаклар; Сирдарё ўрта оқимида жойлашган дахатўхарлар; тахминан Зарафон қуйи қисми ва Амударёнинг ўрта оқимида яшаган дербиклар; Нурота тоғларида ўрнашган сакараваклар; Сирдарёнинг ўрта оқимидан Тяньшангача чўзилган усунлар ҳам антик даврларда хоразмийларга кирган. Юнон ва Рим манбаларининг македониялик Искандарнинг юришларидан кейин берган хабарларига қараганда мазкур қабила (элат) ларнинг саклар деб умумий номланиши тасодифан бўлмай, уларнинг тил жиҳатдан бир этник жараён билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Уша манбалар бу даврда воҳаларда яшовчи халқлар билан даштдаги чорва қабилалари ўртасида этник ва маданий жиҳатдан унча фарқ бўлмаганлигини кўрсатади. Масалан, Страбон хоразмийларни сак-массагетлар туркумига кирази, қадимда сўғдийлар ва бақтрияликлар турмуш тарзи ва хулқ-атвори билан ўзаро фарқланмайди, дейди. Топилган расмларга қараганда хоразмийлар, бақтрияликлар ва сўғдийларнинг ўз кийим-кечаклари, бош кийимлари, қурол-аслаҳалари билан саклардан ҳеч фарқи йўқ. Воҳадаги элатлар саклар билан деярли бир тилда гапиришганлар. Этник жиҳатдан деҳқончилик воҳаларида жойлашган элатлардан Амударёнинг юқори ҳавзасидаги хоразмийлар, Гурган қуйи оқимидаги гирканлар, Копеттоғ этакларидаги умумий номдаги парфянлар, Мурғоб ҳавзасидаги марғиёнлар, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларидаги сўғдийлар, фарғоналиклар (қадимги париканлар) ва бақтрияликлар тарихий манбаларда тилга олинади. Юқори Амударёнинг икки соҳилидаги барча элатлар эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарида, археологик кашфиётларга қараганда, юксак маданият-ли ирригация ва қурилиш иншоотларини, ҳунармандчилик ва ҳарбий санъат сирларини эгаллаган, зўр маънавий қадриятларни яратган этнослар ҳатто қўшни давлатларга ўз таъсирини ўтказган.

Хўжалик-маданий жиҳатдан ҳам кўчманчи қабилаларнинг ҳаракати жанубий ўтроқ деҳқон аҳоли билан шимолий чорвадор аҳоли орасидаги муносабатларни ва ўзаро таъсирини анча кучайтирган эди. Аммо бу тоғлиқ,

тоғ этаги ва текисликдаги элатларнинг хўжалик фаолиятида ўзига хос хусусиятларни юзага келтириб этник жараёнга ҳам таъсир қилган. «Авеста» матнлари (Гата ва Яшта) да икки хил хўжалик-маданий укладлар— ўтроқ деҳқон-чорва воҳаси (Бақтрия, Сўғд, Хоразм ва ҳ. к.) ҳамда Ўрта Осиё дарёлари қуйи оқими ва ҳавзаларида жойлашган ярим кўчманчи ва кўчманчи чорва қабилалар орасидаги кураш таърифи тасодифан эмас. Бу муқаддас китобда Марғиёна (Марв воҳасида), Парфия (Копетдоғ шимолида), Хоразм ва Бақтрия (Амударёнинг юқори ва ўрта қисмида), Сўғдиёна каби вилоятлар тилга олинади. Бу ерлардаги аҳоли ўтроқ деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланган. Асли бундай жараён Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятнинг емирилиши, синфий табақаланиш, давлат ҳокимиятининг пайдо бўлиш вақтига тўғри келган ва у билан боғлиқ бўлган. Уша даврда давлат тузумининг ўрнатилиши ҳарбий юришлар ва босиб олишлар, этник кўчишлар ва аралашуш ҳодисалари билан намоён бўлади. Юқорида тилга олинган ўрта осиеликларнинг аجدодлари шундай жараёнда шимолдан, шимоли-ғарбдан ва жанубдан кўчиб келиб маҳаллий туб элатлар билан аралашуш натижасида шакллана бошлаган ва ўз давлатларини ташкил қилган. Аммо эрамиздан аввалги V асрларгача йирик давлат бирикмалари бўлмаган.

Антик даврга келиб минтақада суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй беради. Натижада Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби дастлабки давлатлар ва йирик шаҳарлар пайдо бўлади. Бу давлатларнинг аҳолиси асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Суғорма деҳқончилик Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳавзаларда, Фарғона ва Зарафшон водийларида анча ривожланган.

Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғли районларида илк антик замонда ҳам кўчманчи қабилалар яшаган. Айрим тадқиқотчилар бу қабилаларни «Авеста»да тилга олинган, кенг ҳудудда кўчиб юрган сак қабилалари билан бир хил деб ҳисоблайдилар. Қадимий юнон ва Эрон манбаларида Қаспий денгизи шарқидан Шимолий Хитой, Ҳиндистон ва Жанубий Сибиргача жойлашган сак, скиф, массагет элат ва қабилалари нафақат кўчманчи, балки қисман ўтроқ ҳамда овчилик-балиқчилик билан шуғулланувчи Оролбўйи ва Қуйи Сирдарёдаги қабилалар

ларни ҳам ўз ичига олганлиги таъкидланади. Эрамизнинг бошларида ҳам сак қабилалари скиф оламининг бир қисми ҳисобланиб, ўзининг антропологик тузилиши, тили ва маданияти билан Шарқий Европа, Сибирь ва Қозоғистон дашти, Каспий денгизи жануби-шарқида кўчиб юрган скифларга жуда яқин турган. Маълумки, сўғдий ва қадимги хоразм тиллари Эрон тил туркумининг шарқий шохобчасига тегишли. Аммо хўжалик-маданӣ жиҳатдан улар ўзаро бир оз фарқ қилган.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқлар асли жез (бронза) даврида келгинди шимоли-ғарбий ва жанубий қабилаларнинг маҳаллий элатлар билан аралашмасидан шаклланган. Тахминан эрамиздан аввалги I минг йиллик охирларига келиб Қанғҳа давлатлари чегарасида кўп қабилалар жипслашиб ўтроқ ҳолатга ўта бошлаган, кўчманчи қисмлари эса йирик қабила иттифоқларига бириккан. Шу асосда тил жиҳатдан ҳам ўзгаришлар рўй беради. Уша даврда шимолдан келиб жойлашган туркий тилдаги қабилалар (усун, хунну ва хошта) Сирдарё бўйи сўғдийларини туркийлаштириб оқибатда турк аҳолиси кўпаяди. Сирдарёнинг ўрта қисмида ҳам маҳаллий аҳоли билан қўшилишдан туркий тилдаги қангли этноси юзага келади. Натижада Сирдарёбўйи аҳолисининг кўп қисми мигрант (кўчиб келган) лар билан турк тилида гапиришган.

Эрамизнинг II асрида Сирдарёнинг сўл қирғоғи — Сўғднинг дашт ерларида хуннлар жойлашган. Уларнинг кейинги асрда ҳозирги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари яйловларини эгаллаб, ҳатто қўшни Эронга ҳам юришлар қилиб турганлиги тарихдан маълум. Мазкур хуннлар таркибида туркий қипчоқ, уйғур, тюрғашт каби қабилалар бўлиб, баъзи манбаларда улар хионитлар деб тилга олинган. Мовароуннаҳрга кейин келиб жойлашган яна бир катта туркий компонент — кидаритлардир.

Минтақада рўй берган мазкур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, миграция ва кўчишлар ўрта осиеликларнинг ирқий тузилишида ҳам муайян ўзгаришларга олиб келган. Этник гуруҳларнинг айримларида монголоид белгилари сезиларли равишда намоён бўла бошлайди. Айниқса шимолий дашт қисмида европеоид ирқлари орасида айрим монголоид белгиларнинг пайдо бўлиши

ва кейинчалик уларнинг водийларга кўчиши, юқорида қайд қилинганидек, ўзига хос антропологик типларни юзага келтирган (Олой, Зарафшон қўйи оқими ва Орол бўйлари). Эрамиздан аввалги II аср ўрталарида, ёзма манбаларнинг хабар беришича, «катта юэжжи»лар ҳаракати билан боғлиқ йирик кўчманчи гуруҳларнинг шарқдан кўчиб келиб ўтроқ ҳолга ўтиши рўй беради. Археологик материаллар ҳам шимол ва шарқдан аста-секин сак ва сармат қабилаларининг тўлқини тарқала бошлаганлигидан хабар беради (Хонтепа, Доринтепа, Қизилқир). Улар жануби-ғарбий томон Красноводск ярим оролигача ва жанубда Қизилқум ва Марказий Сўғд орқали қадимги Бухоро воҳаси ва Шимолий Бақтриягача тарқалган. Шу билан бирга жанубдан деҳқончилик аҳолисининг бир қисми марказий ва шимолий районларнинг ичига кира бошлайди.

Шундай қилиб, Урта Осиё ўтроқ аҳолиси, шимоли-шарқий томонда Тянь-Шань ва Олой қабилаларининг, шарқда — сак-сармат кўчма гуруҳларининг, жанубда — деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган этник гуруҳларнинг чатишмасидан ўзига хос этномаданият бирикмалари юзага келади. Оқибатда маҳаллий аҳолининг антик даврдаги этник қиёфаси ва антропологик тузилишида қурама типлар пайдо бўлади. Шунинг ҳам қайд қилиш лозимки, минтақага муҳим этник қатлам бўлиб қирган саклар, Тянь-Шань ва бошқа тоғ районларида яшайдиган аҳоли чорвачилик билан, Фарғона ва Сирдарёбўйи саклари деҳқончилик билан шуғулланиб келганлар. Археологик қазилмалардан топилган қурол-аслаҳа, турли буюмлар, ҳунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари, мудофаа ва суғориш иншоотлари ва бошқа бой материаллар мазкур қабила ва элатларнинг юксак маданият яратган этнослар эканлигидан далолат беради. Улар Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларнинг ҳам шаклланишида энг қадимий этник қатлам сифатида қатнашган қабилалардан ҳисобланади.

Эрамиздан олдинги II—I асрларда Урта Осиёнинг шимолий қисмидаги даштларга Мўғулистондан ғарбга қараб гуннларнинг йирик тўлқини кўчиб ўтади. Уларнинг бир қисми ўтроқлашиб қолади ва маҳаллий сак-массагет қабилалари ва бошқа элатлар билан аралашиб Урта Осиё халқлари этногенезида катта роль ўйнаган. Бунга сак қабристонларидан топилган палеантропологик материаллар далил бўла олади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрамизнинг I—II асрларида Сирдарёнинг ўрта қисмида, шимолида яшовчи аҳолининг асосий қисми туркийлашган. Бу ерда маҳаллий эроний (сўғд) тилда гапирадиган элатлар билан туркий қабилалар аралашмасидан қангли деб аталган турк тилидаги этнослар пайдо бўлган. Аммо аҳолиси этник жиҳатдан бир хил бўлмаган Фарғона водийсида аҳолини туркийлаштириш эрамизнинг I асрларида бу ерга усун ва гунн қабилаларининг кўчиб келиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимол.

Ўрта Осиёнинг эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб дастлаб аҳамонийлар империясига кириши, кейин македониялик Искандарга бўйсундирилиши маҳаллий элатларни узоқ ўлкалар билан алоқаларни кучайтиришга олиб келди. Тарихий маълумотларга қараганда, ўрта осиеликларнинг вакиллари Эрон подшолари Доро ва Ксеркснинг Юнонистонга қарши юришларида иштирок қилганлар. Сакларнинг анча қисми эронликларнинг ҳарбий кемаларида хизматда бўлганлар. Ўрта Осиёдан чиққан кишилар, чунончи, хоразмликларни ҳатто Жанубий Мисрда ҳам учратиш мумкин эди. Аксинча, ўша даврда ташқаридан келтирилган қуллар ҳар хил этносларнинг вакиллари билан бўлган. Кўҳна харобалардан топилган буюмлар, қурилиш ва фортификация (мудофаа) иншоотлари, ҳунармандчилик айрим турларининг маҳаллий усталаргина эмас, балки жанубий қўшни ўлкалардан асирга тушган қуллар қўли билан қилинганлиги ёдгорликлардан кўриниб турибди. Масалан, Хоразм ва унинг теварагидаги қудратли апасиақларнинг қалъа ва қасрларида ишлаган усталар чет элдан келтирилган бўлеа-да, улар қурилиш ва ҳунармандчиликни ўз хўжайинларининг талабига биноан хоразмликларнинг меъморчилик ва касб санъатига тақлид қилиб ишлаганлар.

Археологларнинг фикрича, мазкур этник жараёнда жуда кенг ҳудудга ўз таъсирини ўтказган Хоразм алоҳида ўринни эгаллайди. Уларнинг айтишича, эрамиздан аввалги II минг йилликда Хоразмнинг бронза даври маданияти, афтидан Копетдоғ этакларида топилиб текширилган илк деҳқончилик маданияти билан Шарқий Европадаги дашт бронза маданиятини бир-бирига боғловчи ҳалқа бўлиб хизмат қилади. Айрим тадқиқотчилар (С. П. Толстов, А. Н. Бернштам ва А. В. Збруева)нинг таъкидлашича, Хоразм бронзаси Тянь-Шань этак-



ларидан Кама дарёси бўйлаб то Дон дарёсигача чўзилган ниҳоятда кенг ҳудудда топилган деҳқончилик ва чорвачиликка кўчган бепоеън дашт маданияти билан жуда яқин бўлган.

Уша даврларга оид бўлган Хоразмнинг Суёргон номли маданиятининг ўзига хослиги ярим интенсив деҳқончилик билан пода ҳайдаб, чорвачилик қилиш шароитида юз берган янги хўжалик ўзгаришлари туфайли содир бўлганлиги аниқ сезилади. Бу ердаги маконларнинг бирида ўтказилган тадқиқотлар илк деҳқончиликка ўтган ибтидоий хоразмликлар тошқин гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бўлиб тургани учун тез-тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрганини кўрсатади. Ваҳоланки, Шарқий Фарғона ва Жанубий Туркменистондаги доимий ўтроқ қишлоқлардагидек маконлар бу ерда учрамайди. Аммо кечки Суёргон ва Тозабоғёб маданий анъаналарининг чатишмасида Сибирдаги Қорасун маданияти айрим элементларининг аралашуви диққатга сазовор. Маълумки, Қорасун маданиятининг маркази Минусин ўлкаси ва Олтойда бўлиб, унинг Хитой шимолий чеккасининг бронза давридаги маданияти билан яқин алоқада эканлигини машҳур археолог С. В. Киселев исботлаб берган.

Шу тариқа бронза даврида, С. П. Толстовнинг тасдиқлашича, Амударёнинг ҳозирги ўзани шаклланиши арафасида Хоразмда шимолий, жанубий ва шарқий этник-маданий элементларнинг чатишиш жараёни рўй беради. Шу асосда маҳаллий элатлар билан қўшни кўчманчи қабилалар ва келгинди этнослар билан Амударё воҳасидаги буюк суғориш иншоотлари ва улуғвор қалъаларни яратган халқ мазкур қурама этник элементлар негизида вужудга келган.

Бу даврда Хоразм воҳаси, Зарафшон ва Фарғона водийларида яшовчи элатларнинг хўжалиги сунъий суғоришга, ўтроқ деҳқончиликка асосланган бўлса, уларни ўраб олган чексиз дашту биёбонда чорвачилик ҳам тобора тараққий қила бошлайди. Иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган воҳа (водий) ва дашт ўртасида ижтимоий меҳнатнинг бўлиниши содир бўлади. Бу ҳолат ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги поғонага кўтарилиши натижасида ҳунармандчиликда ҳам меҳнат тақсимотини вужудга келтирган эди. Деҳқончиликнинг ривожини, дабдабали шаҳар-қалъаларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тузумнинг ўзгаришига олиб келган. Шубҳасиз, доимо ўзгариб турадиган дарё ўзан-

ларидан чиққан майда ариқлар ўрнида пайдо бўлган ниҳоятда энли, узунлиги юзлаб километрга чўзилган магистрал каналлар ва сув омборлари, илгариги майда чайлалар ўрнини ва бир неча гектар ерни эгаллаган ҳамда баланд деворлар билан ўралган қалъа ва қасрлар қулларнинг мажбурий хизмати ва уларни ишлатадиган қулдорлик давлатлари бўлмаганда амалга ошмас эди. Ҳатто дашт аҳолиси орасида ҳам подаларнинг жуда тез кўпайиши, яйлов ва ўтларнинг анча кенгайиши, кўчманчи бой аристократия хўжалигида фойдаланиш учун текин иш кучига муҳтожликнинг пайдо бўлиши патриархал типдаги қулдорлик тузуми элементлари кенг тарқалганлигидан дарак беради. Шуниси муҳимки, айниқса турли элатларни ўзига бўйсундирган ва кенг ҳудудни эгаллаган Хоразмда қурилиш усули ва фортификациянинг умумийлигидан ташқари, бир шаклдаги уч қиррали камон ўқлар, катта тош ёрғучоқлар, чархда ишланган аъло сифатли, кўпинча қизил рангга бўялган ва лак берилган сопол идишлар ҳамда бошқа буюмлар сақланиб келади. Шубҳасиз, бу маданий бирлик негизда ҳам ижтимоий-иқтисодий тузум бирлиги ётади.

Нафақат археологик тадқиқотлар, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста» ва қадимги муаллифларнинг кўпчилиги ҳам мазкур фикрни қувватлайди. Масалан, «Авеста»да Ўрта Осиёда илк қулдорлик давридаги ижтимоий тузумни таърифловчи ва маҳаллий элатлар тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган. Унда таърифланган жамоада чорва моллари жуда кўп бўлиб, ўтроқ чорвадор ва деҳқончилик хўжаликларидан иборат бўлган, чорва моллари кўп бўлган ҳарбий аристократия бошқалардан ажралиб туради. Бу муқаддас китобда қудратли Қанғҳа давлати ҳам тилга олинади. Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цзянь Ўрта Осиёда йирик Кангюй (Қанғҳа) давлати мавжудлиги ҳақида ҳикоя қилади. Машҳур ҳинд достони «Маҳобҳорат»да бу ўлкада яшаган саклар тилга олинган. Қурама тоғ этагида жойлашган кангарлар, Сирдаёнинг юқори оқими ва Фарғона саклари ва бошқа қабилавий бирикмалар Қанғҳа давлатига қарам бўлган. Хитой манбаларининг хабар беришича, эрамиздан аввалги II—I асрларда Қанғҳага Шаҳрисабз-Китоб воҳаси (Сусе), Сўрдиёна, Хоразм, Тошкент воҳаси ва Чирчиқ водийси (Юни), Зарафшоннинг ўрта оқими (Фуму), Бухоро воҳаси (Ги) ўтади. Унинг шарқий чегараси Фарғона жанубда Пар-

фия ва Бактрия билан чатишган. Хитой солномаларига қараганда, Қанғха ҳукмронлиги Орол ва Азов денгизлари оралиғидаги аланлар мамлакатига, Орол бўйи ўрмон қабилаларигача етган ва улар мўйна билан солиқ тўлагандар. Уша даврдан бошлаб маҳаллий аҳоли орасида туркий қабилаларнинг кўчиши натижасида аста-секин турк тиллари тарқала бошлайди.

Македониялик Искандар эрамиздан аввалги 329 йилда Урта Осиёда пайдо бўлганда Кир ва Доро мустабид давлатига қарам ҳисобланган маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми эроний тил гуруҳининг турли лаҳжаларида гапирганлиги тўғрисида жуда кўп манбалар, айниқса антик давр муаллифлари қайд қилади. Аммо ниҳоятда кенг ҳудудда жойлашган кўчманчи ва ярим кўчманчи элатларнинг анча қисми туркий тилда гапирганлиги туфайли улар маҳаллий халқлар билан жуда яқин алоқада бўлиб туб аҳолини туркийлаштириш жараёни кучая боради. Уларнинг ўтроқ ҳолатга ўта бошлагани ҳам тарихда аниқланган. Айниқса икки эра оралиғидаги давр ичида ўрта осиеликларнинг бой маданий мероси заминида ўзига хос этник жараёни юзага келтирган Кушон ва Хоразм давлатлари анча гуллаб-яшнаган. Бу давлатларда жуда ҳам кўп ва хилма-хил обидалар пайдо бўлган. Кўп элатли Хоразм Искандар истилосидан кейин ҳам, аҳамонийлар империяси давридагидек, ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Кўкча денгиз маданиятига оид Чирикработ қўрғонларининг бирдан тозилган скиф (апасиак) жангчисининг темирдан ясалган совути Искандар юришлари даврига оид энг қадимги шу хилдаги қурол-аслаҳалардан ҳисобланади.

Қора денгиз шимолидаги қадимги мақбараларнинг бирдан тозилган совут қолдиқлари ва шунга ўхшаш ҳарбий аслаҳалар, жангчилар расми солинган тангалар Урта Осиёнинг жанубида ва Ҳиндистоннинг шимолида мавжуд бўлиб, Чирикработ совутига нисбатан анча кейинги даврга оиддир. Бундай совутларни тактик жиҳатдан анча кучли бўлган кўп мингли массагет жангчилари қийиб юрган. Хитой манбаларида «катта юэчжи» деб аталган массагетларда оғир қурол-аслаҳа билан қуролланган отлиқ қўшинлар қўшни мамлакатларга хавф туғдириб турганлиги ёзилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, даставвал Хоразмда пайдо бўлган бундай отлиқ қўшинлар билан жанг қилиш тактикаси сармат-аланлар орқали Шарқий Европа, ундан Римга, шарқда

эса хунларга ўтган. Эрамиздан аввалги I асрда парфияликларнинг Марв темирчилари қўли билан ясалган совут кийган отлиқ қўшин билан римликларга қарши Карр яқинида жангда қатнашганликларини юнон муаллифлари хабар қилади. Баланд, бақувват, чидамли отларнинг асл зоти ўша даврларда массагетлар ўлкасидан Мўғулистон, Хитой ва Жанубий Сибирга ҳам тарқала бошлаган.

Эрамиздан аввалги II асрда Митридат I даврида Парфиянинг ҳудуди ниҳоятда кенгайиб Мидия, Форс, Бобил ва Марғиёна ўлкаларини ўз ичига олган. Уша даврда улуғ ҳокимиятга айланган бу мустақил давлатнинг маркази Ўрта Осиёдан ғарбга кўчиб, унинг тарихи Рим империяси билан орадаги ерларни бўйсундириш учун туганмас курашда ўтган.

Кейинги икки аср давомида Қанғҳа ҳудудида кўпгина янги шаҳар ва қалъалар пайдо бўлади, турли касб-ҳунар соҳалари ва савдо-сотиқ ўсади, пул тизими юзага келади. Бепоён Қизилқум ва Қорақум уюмлари орасида қад кўтариб турган ўнлаб қалъаларнинг басавлат харобалари, узоқ-узоқларга чўзилган кўҳна каналларнинг излари, боғу роғ ва серунум далаларнинг полиз қолдиқлари ҳозиргача кишини ҳайратда қолдиради. Айниқса Амударё ва Сирдарё қуйи ўзанлари бўйлаб биринкетин қад кўтарган шўнакли баланд деворлар билан ўралган баҳайбат қалъа ва қасрлар ҳақиқатан ҳам бу давлатнинг анча ривожланганлигидан далолат беради. Бу шаҳар ва қишлоқларни қазиб текшириш натижасида зўр кашфиётлар қўлга киритилди. Шулардан энг муҳимлари қумтошдан, лойдан ва ганчдан ясалган ҳар хил ҳайкаллар, ранг-баранг нақш парчалари, от, туя, қўй ва бошқа ҳайвонлар ҳамда қушлар тасвирланган расмлар, ўсимлик шаклидаги, мазмундор нақшли катта идишлар, одам ва маймунлар ясалган сопол ҳайкаллар ва бошқа санъат намуналари маҳаллий элатларнинг турмуш тарзини ўрганишга ёрдам беради. Қангюй маданияти билан боғлиқ эрамиздан аввалги IV—III асрларга оид арамей типигаги ёзувнинг топилиши жуда катта кашфиёт бўлган эди. Зардуштийлик дафн маросими билан боғлиқ бўлган сопол ёки ганчдан ясалган қути (оссуарийлар) нинг кенг ҳудудда кўп сонда учраши турли элат ва халқларнинг бошини қўшиб турган муайян диний эътиқод мавжудлигидан дарак беради.

Эрамизнинг I—IV асрларида Ўрта Осиё кенг ҳудуд-

ни эгаллаган қудратли Кушон давлатига киради. Кушонлар дастлаб Қобул воҳасини ва Қашмир вилоятини, кейин гунн қабилалари — юришларидан анча бўшаган Қангюйнинг жанубий қисмини ва Ҳиндистоннинг Бена-ресини босиб оладилар. Кушон империяси Канишка ҳукмронлик қилган даврда (78—123 йиллар) ўзининг энг гуллаган «Шак даври» номи билан Ҳиндистон та-рихига кирган. Истеъдодли саркарда ва давлат арбоби Канишка ўз империяси чегарасини Жанубий Туркма-нистон ва Ҳиндистон томон кенгайтириб, пойтахтни Пе-шоворга кўчиради. У Хитой билан урушлар олиб бора-ди, Рим билан муваффақиятли дипломатик алоқалар ўрнатади. Эрамизнинг 99 йилида Кушон элчиларининг Римга келиши ва Кушон давлати ҳудудида кўплаб Рим тангаларининг топилиши бунга далил бўла олади. Ку-шон тангалари Кама бўйларида ҳам учрайди. III аср-дан бошлаб империя чуқур инқирозга учрайди, унинг айрим қисмлари, жумладан Фарғона ва Хоразм ажралиб, мустақилликка эришади, ўз тангаларини чи-қара бошлайди. Оқибатда буюк империя емирилиб, Эрон подшолиги сосонийлар сулоласи томонидан қис-ман босиб олинади. Турли дин, ирқ ва тилдаги элатлар бўйсундирилган ва бирлаштирилган Кушон империяси даврида мураккаб этник жараён рўй беради, ўзаро хў-жалик-маданий муносабатлар иқтисодий барқарорлиги таъминланади.

Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Урта Осиёда кушонлар даврида хўжалик жиҳатдан анча юк-салиш бўлиб, ирригация иншоотлари ривожланади (Хо-размда Гавҳар ва Чарманёб, Бухорода Гав-Китфор, Сўғдда Дарғом магистрал каналлари), кулолчилик рав-нақ топади, тош ёрғучоқлар ўрнига тегирмонлар пайдо бўлади, танга зарб қилиш ва пул муносабатлари кучаяди. Шаҳар ҳаёти юқори даражага кўтарилади, маса-лан, Марв шаҳри 350 га, Самарқанд 100 га ерни эгал-лаган. Аmmo қишлоқ аҳолиси айрим ҳовли уйларда му-дофаа иншоотларисиз истиқомат қилган.

Кушон давлатининг гуллаган давридан бошлаб деяр-ли ўн аср давомида Урта Осиёда рўй берган тарихий, этник жараённи қадимги сўғд, хоразмий, сак, бақтрия, парфия тилларидаги арамей алфавити асосида пайдо бўлган ёзма манбалар орқали биламиз. Масалан, бир неча шева-ларга бўлинган сўғд тилида қадимги Зараф-шон ва Қашқадарё водийлари, Усрушань (Самарқанд

билан Хўжанд оралиғидаги вилоят), қисман Фарғона водийси ҳамда Чоч (ҳозирги Тошкент) аҳолиси гапирган. Айниқса эрамизнинг IV--IX асрларида сўғд тили жуда ҳам кенг ҳудудга тарқалган ва унинг Самарқанд шеvasи сўғд ёзувларининг негизини ташкил қилиб, бир неча асрлар давомида Ўрта ва Марказий Осиёда энг муҳим адабий, фан, дин ва халқаро савдо тили деб қабул қилинган.

Сўғд тилидан олдинроқ арамей типидagi ўзига хос алфавитга эга бўлган хоразм тили ёзувлари (асли парфия ёзувига яқин) пайдо бўлади. Қўйқирилганқалъа ва Тупроққалъа харобаларидан топилган намуналар ва бошқа манбалар бу тилнинг ҳам кенг ҳудудга тарқалганлиғидан ҳамда бир неча шевалардан иборат эканлиғидан хабар беради. Хоразм тилининг фонетик, грамматик тузилиши ва лексикасига қараганда у айниқса шарқий эроний тиллар орасида ажралиб ўзига хос бўлиб, сўғд ва осетин, сак, афғон, помир тиллари оралиғида юзага келган ва мустақил тил деб танилган. Қадимги сўғд ва Хоразм тиллари XI—XII асрларгача сақланиб туркий тиллар томонидан сиқиб чиқарилган ва қисман янги тилга сингиб кетган. Баъзи манбаларга қараганда, хоразмликлар XIII асрда икки тилда гапирганлар. Сўғд аҳолиси туркийлаштирилгандан кейин ҳам, Маҳмуд Кошғарийнинг таърифича, XI асрнинг иккинчи ярмида Боласоғун ва бошқа шаҳарликлар турк ва сўғд тилларида гапира билганлар.

Атоқли туркшунос олим Н. А. Баскаковнинг таърифича, минтақадаги туркий тилларнинг шаклланиши қуйидаги асосий даврларга бўлинади: I—хуннлар даври (эрамизнинг V асригача); йирик уруғ-қабилавий туркий бирликларнинг дастлаб жануб ва шимолда, кейин шарқ ва ғарбда пайдо бўлиши билан тавсифланади; II—қадимги турк даври (VI—IX асрлар); уруғ-қабилаларнинг иттифоқларининг булғорлар, қипчоқлар, ўғузлар, қорлуқлар, қирғиз-қипчоқларга бўлиниб кетиши билан тавсифланади; III—ўрта турк даври (IX—XV асрлар), бу давр иккига бўлинади (мўғулларгача (IX—XII асрлар) ва мўғуллардан кейинги (XIII—XV асрлар) даврлар ҳамда қорахонийлар, хоразмийлар ва кейинроқ Олтин Ўрда давлати ҳамда Салжуқийлар иттифоқининг ташкил топиши билан белгиланади. Бунинг оқибатида бир неча уруғ-қабилавий бирликлар (ўғузлардан ажралган ўғуз-туркманлар, ўғуз-салжуқийлар ва ўғуз-булғорлар,

қипчоқлардан эса қипчоқ-булғорлар, қипчоқ-половецлар, қипчоқ-нўғойлар ва ҳоказолар) юзага келади.

Туркий элатларнинг Урта Осиёга ва қўшни ўлкаларга энг кўп келган вақти V—VIII асрлар бўлиб, бу даврда минтақанинг туб аҳолиси саклар, хоразмийлар, парфияликлар, сўғдийлар, тохарлар ва бошқа элатлардан иборат бўлган ва уларнинг тилларининг тамомила шаклланишига зўр таъсир ўтказган. Шуниси муҳимки, эрамизнинг бошларида Урта Шарққа энг катта тўлқин бўлиб тарқалган хуннларни атоқли олимлардан Н. А. Аристов, Г. Е. Грум-Гржимайло, В. В. Бартольд, К. А. Иностранцев, Н. И. Артамонов, А. Н. Гумилев ва бошқалар туркий тилдаги элатлар, туркларни эса асли хуннларнинг авлоди деб ҳисоблайдилар.

Айрим тадқиқотчилар таърифича, X—XI асрларда Урта Осиёда тўртта уруғ-қабилла иттифоқидан иборат давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўнлаб этносларни бириктирган. Қарлуқлар, ўғузлар, қипчоқлар, қирғизлар шулар жумласидандир. Мазкур заминда аста-секин муайян ҳудуд, тил ва этник бирлик шаклланиб, ҳозирги туркий халқлар—ўзбеклар, уйғурлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар ва қирғизлар келиб чиққан. Урта турк даврида, Н. А. Баскаковнинг фикрича, Урта Осиё туркий тилларининг ривожига (IX—XV асрлар) Қорахонийлар давлати қабул қилган уйғур-қарлуқ адабий тили катта таъсир қилган. Дастлаб бу тил сўғдий алифбеси, кейин араб ёзуви асосида ривожланиб унинг икки варианты шаклланади: Мовароуннаҳрда шарқий-қорахонийлар ва Хоразмда ғарбий-хоразмий адабий турк тили.

XIV—XV асрларда Урта Осиёга, жумладан Фарғона водийси ва ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий районларига ҳамда Мовароуннаҳрга мўғул қабилаларининг (жалоир, барлос, қовчин, арлат, алчин, минг, манғит, найман ва ҳоказо) кўчиб келиши кучайган. Уларнинг кўпчилиги туркийлашган бўлиб, айримлари ҳатто турк тилини ўзининг она тили деб ҳисоблаганлар. XV асрда мўғул қабилалари ўзларини чигатой деб номлаганлар ва аста-секин ўтроқ деҳқончилик хўжалигига ўта бошлаганлар.

Учта ўзбек хонликларининг (XVI—XVII асрлар) пайдо бўлиши, туркий халқларнинг кейинги тараққиёти мазкур феодал бирикмаларнинг теварагида жиپлашган элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий

ривожи билан бевосита боғлиқ бўлиб ўзига хос адабий тилни юзага келтирган: уйғур-қарлуқ шеvasи асосидаги чигатой тили ва қипчоқ-ўғуз шеvasи асосидаги Хоразм (ёки жўчи) туркий адабий тили. Уша даврда Чигатой тили заминида ўғуз лаҳжаси асосида салжуқий тили дастлаб Хоразмда, кейинроқ Кичик Осиёга тарқалган. Ҳозирги ўзбек тилида учта лаҳжа—қарлуқ-чигил, қипчоқ ва ўғуз бўлиб, улар ҳам айрим шеваларга бўлинади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича «турк» сўзининг этимологияси диний эътиқод билан боғлиқ. Академик В. В. Бартольд «турк» сўзи этнографик эмас, балки сиёсий атама деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, турк атамасини туру — қонун, одат сўзи билан қиёс қилиш мумкин ва у «қонун асосида бирлашган халқлар» деган маънони билдиради. Академик Н. Я. Марр «турк»ни ижтимоий атама билан боғлаб, уни юқори табақали «тар-хон» сўзига ўхшатади ва ҳатто «худо» маъносига яқин деган фикрни айтади. Ленон, В. Томсон, Ю. Немет каби туркшунос олимлар «турк» сўзини «қудрат», «куч» деб таржима қилганлар. Ҳозиргача айрим муаллифлар машҳур «Шоҳнома»даги Турон сўзини Тур исми билан сунъий боғлаб, ундан «турк» сўзи келиб чиққанлигини асоссиз равишда баён қиладилар.

Баъзи тадқиқотчилар «турк» атамаси «умумлаштирилган қабилалар иттифоқининг номи», деган фикрни айтганлар. Бу иттифоқнинг кенг ҳудудда жойлашган қабилалар бирикмасини англатадиган «тур (тўр) тўс» сўзига «к» ҳарфи қўшилиб умумий тотем номи билан боғлиқлиги тўғрисидаги фикр ҳам мавжуд. Кўп тилларда «тўр», «юқори», «баланд», «чўққи», «учи» ёки «тоғ» маъноларини англатади ва осмондаги ёки юқоридаги олий мавжудот образига ўхшатилади. Шу маънода бу атама «ҳўкиз» сўзига яқинлаштирилиб илоҳий образ, ибтидоий тотем сифатида ҳам таърифланган.

Турк атамаси тўғрисидаги қуйидаги муҳим маҳаллий манба диққатга сазовордир. Атоқли тарихчи Абулғози ўзининг «Шажарайи турк» номли ажойиб асарида бундай ҳикоя қилади: «Туркларнинг энг қадимий илдизи Таврот ва Қуръон образларидан Нуҳ пайғамбар авлоди ҳисобланиб, унинг ўғли Ефас отасининг ҳукми билан Жуди (Арарат) товидан кетиб Атил (Итил, яъни Волга) ва Ёйиқ сувининг ёқасига келиб жойлашган. У анда икки юз эллик йил турган. Ефаснинг авлоди би-



сёр бўлиб, ундан саккиз ўғил қолган: Турк, Хазар, Сақлаб, Рус, Минг, Чин, Қамари, Тарих. Ота ўлиmidан олдин улуғ ўғли Туркни ўрнида қолдириб, ўзга ўғлонларига Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, анинг сўзидан чиқманг, Туркка Ефас ўғлони деб лақаб қўйдилар... Туркнинг тўрт ўғли бор эди. Аввал Тўтак, иккинчи Чигил, учинчи Барсачар ва тўртинчи Имлоқ. Туркнинг танлаб хушлаб олган ерларини бу кун Иссиғкўл дерлар. Унинг ўғилларидан Тўтак оқил ва давлатли яхши подшоҳ эрди. Турк ичинда кўп расмларни ул пайдо қилган. Ошга туз солмоқни ул чиқарди. Икки юз қирқ йил умриндин ўтгандан сўнг ўғли Аблачахонни ўз ўрнида ўлтуртуриб, кейин Деббоқуйхонни, унинг ўғли Қуюкхонни тахтга кўтариб неча йиллар одил ҳукмронлик этган. Кейинги авлод Аблачахоннинг эгизак туғган икки ўғли Татар ва Мўғул орасида элни бўлиб бердилар. Бу иккиси бир-бири бирлан ёмонлик қилмай, яхшилик бирлан давлат суруб умр ўтказдилар... Мўғул бирлан Татар булғондин, то Бойду замониғача ҳеч ораларинда низо йўқ эрди».

Абулғози таърифича, Мўғулхон кўп йиллар подшоҳ бўлган. Бу замон бутун эл Ар тоғи ва Қар тоғига ёз фаслида яйловга кўчган. Қиш бўлганда Қорақумда ва Сир сувининг ёқасида қишлаган. Қорахон замонида эл андоқ нодир бўлиб эрдиларким, ичларинда бир мусулмон қолмай эрди. Подшоҳнинг улуғ хотинидан кўркали ойдин ва кундин ортиқ бир ўғил бўлди. Ул чоқда Мўғулнинг расми андак эрди ким, то ўғлон бир ёшга етмагунча анга от қўймаслар эрди. Уғлон бир ёшга етгач Қорахон элга совун солиб, улуғ тўй қилди. Тўй куни ўғлонни маърака ичига келтириб беклардан подшо сўради: «Бизнинг ўғлимиз бир ёшга етди. Энди мунга не от қўярсиз?» Беклар жавоб бермасдан бурун ўғлон айтди: «Менинг отим Уғуз турур». Тўйга келган улуғ ва кичик барча ўғлоннинг бу сўзига танг қолдилар. Токи айтдилар, бу ўғлоннинг ўзи отини айтатур, мундин яхши от бўлурми, деб отини Уғуз қўйдилар<sup>1</sup>.

Урта осиеликларнинг аждодлари энг қадимий даврлардан нафақат тили ва ёзуви билан, балки диний эътиқодлари билан ҳам ўзаро яқин бўлганлар. Уларни

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдулғози*. Шажарайи турк. Тошкент. «Чўлпон», 1992. 15—18-бетлар.

муайян диний тасаввурлар бириктириб турган. Ибтидоий динларда, юқорида қайд қилинганидек, тотемистик тасаввурларнинг этноним ва этнотопонимларда сақланиб ҳозирги ўрта осиеликларнинг этник тузилишида умумийликни ифодаловчи далиллар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, эчкининг этноним сифатида қабилалар номида такасерка, бўрининг қурт, мўжак каби тотем ҳисобланган ҳайвонларнинг номлари Ўрта Осие ва Қозоғистон халқларининг этник тузилишида учраши, уларнинг нафақат диний эътиқодлари, балки келиб чиқиши умумий илдизга эга эканлигидан далолат беради. Илк диний шакллардан анимистик ва сеҳргарлик тасаввурлар, шаманизм ва фетишизм қолдиқлари минтақада ҳозиргача учрайди. Бу ҳолат ўрта осиеликларнинг этник илдизигина эмас, балки маънавияти ва руҳияти ҳам бир заминда эканлигини тасдиқлайди.

Бутун Ўрта Осиеда синфий жамиятлар пайдо бўлгандан кейин турли диний ақидалар, топинишлар юзага келади. Шулардан энг кенг тарқалган ва давлат дини даражасига кўтарилгани зардуштийлик (унинг асосчиси Заратуштра) барча элатлар орасида ҳурматлиси ҳисобланган. Бу динни баъзан эзгу худо Ахурамазда номи билан маздаизм ёки унинг асосчиси юнонча Зороастр исми билан зороастризм деб атайдилар. Эзгулик худоси билан бирга зардуштийликда унга рақиб ҳисобланган Анхра-Майню (Ариман) худоси мавжуд бўлиб, бу икки парвардигор орасидаги зиддият ва кураш асли эзгулик ва ёвузлик орасидаги қарама-қаршиликни, унинг рамзи сифатида кўчманчи қабилалар ва ўтrock аҳоли орасидаги рақобатни ифодалайди. Барча этнослар орасида кенг тарқалган табиатнинг туғилиб тирилишини ифодаловчи ўсимликлар худоси Сиёвуш, ҳосилдорлик маъбудаси Анахита ва Қуёш худоси Митра турли элатларни мафкуравий жиҳатдан яқинлаштириб ҳамда бириктириб турган. Ўрта Осиенинг жанубий вилоятларида буддага сиғинганлар, айрим элатлар юнон худолари (Зевс, Посейдон, Аполлон, Артемида, Геракл, Дионис) га ибодат қилганлар. Аммо бу маъбудалар ташқи кўринишда маҳаллий худолар образида намоён бўлган.

Икки ярим минг йил муқаддам яратилган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста»даги афсонавий образлар (аждарҳо, дев, яъжуж-маъжуж ва ҳоказо), никоҳ ва бошқа маросим ва урф-одат элементлари, анимистик тасаввурлар, одоб-икром ва умуминсоний қадриятлар-

нинг жуда кўп фазилатлари ҳозиргача Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбекларнинг миллий одатлари ва характери сифатида сақланиб келиши бизнинг ҳаётимизда диннинг нақадар муҳим эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, халқ ижоди намуналари ҳам узоқ аждодларимиз орасида жуда кенг ҳудудга тарқалган. Энг қадимий аждодларимиз — сак-массагет-скиф-сармат олами билан боғлиқ фольклор асарлари мазмунан ва айрим образлари билан ўзбек, туркман, қozoқ, қорақалпоқ ва бошқа турк халқларининг оғзаки ижодида («Қирқ қиз», «Дада-Кўрукт» қиссаси, «Алпомиш», «Гўрўғли» цикли, Насриддин, Алдар кўса, норт ва бошқа дostonу эртакларда) тасвирланган. Улардаги айрим образ ва воқеаларнинг Орол ва Каспийбўйи, Дашти қипчоқ, Қорақум, Олд Осиё ҳамда Шимолий Кавказнинг воҳалари ва бепоён дашти-биёбонларида яшаган турли элатларнинг ривоятлари ва дostonлари билан боғлиқлиги тасодифан эмас.

Демак, ўзбек, туркман, қozoқ, қорақалпоқ ва бошқа ўрта осийлик халқларнинг келиб чиқиши ва этник тарихига минтақадаги қадимий мураккаб этник жараённи аниқ тасаввур қилмагунча объектив баҳо бериш ниҳоятда қийин. Бизнинг турли ирқ ва диндаги ҳар хил элатларнинг қурамасидан ташкил топган аждодларимиз энг қадимий даврлардан ёзувли юксак маданият яратганлар. Улар минг йиллаб ўзаро яқин иқтисодий, маданий ва маиший алоқада бўлиб асосан аҳил яшаб келганлар.

Ўзбек элатининг шаклланиши эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб бутун антик давр давомида этник илдизи, хўжалик-маданий ва турмуш тарзи бир заминдаги ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган маҳаллий европеоид аҳоли билан, аста-секин шарқдан монголоид ирқий элементларнинг тарқалиши натижасида юзага келган этник жараён билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу ҳудуд эрамизнинг V асрдан бошлаб хунлар билан сак-массагетлар аралашмасидан ташкил топган Эфталитлар давлатига кирган. Бу давлат сиёсий жиҳатдан кўпгина халқ ва элатларни, турли ижтимоий-иқтисодий тузум, дин ва ибодатларни бириктирган. Кейинги асрда Фарбий турк ҳoқонлиги ҳукмронлиги Амударё соҳилларигача етиб Мовароуннаҳр ва Фарғона водийсига шимоли-шарқдан турк қабилалари янги oқимининг кўплаб жадал кўчиб кели-

шига сабаб бўлган. Муҳаммад Наршахийнинг хабар беришича, ўша даврларда Зарафшон водийсига Туркистон ўлкасидан жуда кўп одамлар кўчиб келиб, серунум ва серсув ўрмонли ерларни эгаллаганлар, улар дастлаб ўтов ва чодирларда яшаганлар, кейинчалик келгинди кўчманчилар ўтроқ ҳолда ҳовлилар қуриб истиқомат қила бошлаганлар.

Тарихий ҳужжатларга қараганда, Урта Осиёнинг ғарбий ва жанубий районларида туркий аҳолининг жиддий кўпайиши Қорахонийлар ва Салжуқийлар давлатларининг (X—XI асрлар) ҳукмронлиги билан боғлиқ эди. Ундан олдинроқ туркий тиллар Фарғона ва Чоч вилоятларида, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида маҳаллий тилларни сиқиб чиқарган ва ҳукмрон бўла бошлаган. Хоразм воҳасида мўғул истилосидан кейин XIII—XIV асрларга келиб қадимги Хоразм тили мутлақо йўқолиб, туркий тилининг ўғуз шеvasи сингади, аммо маҳаллий аҳолини туркийлаштириш жараёни қадимий юксак маданиятли элатлар этник тузилишига таъсир қилмаган.

Шундай қилиб, араб истилоси арафасида (VI—VIII асрларда) турк хоқонлари билан феодаллашиб бораётган Урта Осиё зодагонлари орасида иттифоқ тузилиб, йирик туркий сиёсий бирлик негизида турли элементларнинг қўшилиб кетиш жараёни анча кучаяди. Уша даврда умумий тил ва шеваларда гапирадиган барча элатлар ва қабилалар аста-секин яқинлашиб (бирикиб), ўзбек ва бошқа Урта Осиё туркий халқлар этногенезига пойдевор қўйган эдилар. Айниқса бу жараён Фарғона, Сўғд, Чоч ва Хоразм, қисман Бухоро аҳолиси орасида жиддий суръатлар билан рўй берган. Яна бир ижобий омиллардан бири бу ерга ислом динининг келиши ва унинг ақидалари маҳаллий элат ва халқларни мусулмончилик мафкураси асосида ўзаро яқинлаштириш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим туртки бўлди.

Мовароуннаҳрда шимолдан келиб ўрнашиб, мустақил давлат яратган ўзбекларнинг кейинги этник қатлами—ислом динига ўтган чигатойлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлаган. Унда туркий элатлар ва қабилалар кўпчиликни ташкил қилган. Келгиндилар ичидан ҳам туркий ва туркийлашган мўғул қабилаларидан жалоир, барлос, қовчин, ўрлат ва ҳоказолар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига жойлашиб, умуман чигатойлар

деб номланган. Ўзбек адабий тилини кейинчалик А. Навоий ривожлантириб, уни дастлаб «чиғатой тили», деб атагани ҳам бежиз эмас. Келгинди элатлар маҳаллий ўтроқ аҳоли билан қўшилиб, XIV—XV асрларда бутун Урта Осиёда қудратли куч сифатида катта роль ўйнаганлар. Уша даврдан бошлаб, Мовароуннахрнинг туркий аҳолиси «чиғатойлар» деб аталган. Бизнинг давримизгача етиб келган чиғатой турклари этнографик гуруҳларидан ўз этник хусусиятларини сақлаб қолган турклар, қарлуқлар, барлослар, калтатойлар, мусобозори, мўғуллар ҳозир ҳам учрайди.

Энг кейинги йирик кўчув XV аср охирлари ва XVI аср бошларида рўй беради. Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан анча бўшашган Урта Осиёда маҳаллий ҳоким ва подшолар орасидаги тахт талашишлар, халқ оммасининг оғир аҳволга тушиб ҳаракатга келиши қўшни кўчманчи ўзбекларга қўл келган эди. Темурийлар сулоласининг охирги ҳокимлари, жумладан Фарғона ҳокими Бобур ва Ҳирот ҳокими Ҳусайн Бойқаролар Дашти қипчоқдан келган қудратли Шайбонийхон бошчилигидаги кўп сонли қўшинлар олдида ожизлик қилиб чекинадилар. Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳаси ва бошқа районларда Шайбонийхон билан келган «ўзбек» номли туркий тилдаги қабилалар ҳам ўрнаша бошлайди ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади. Улар янги заминдор (феодал) ларни барпо этиб, кўп ерларни зўрлаб мусодара қилиб олганлар, бир қисмини лашкарга тарқатиб темурийлар тўплаган бойликларни қўлга киритганлар. Шундай қилиб, юқори ҳарбий табақалар олий сиёсий ҳокимиятни ўрнатганлар. Уша даврда ўзбек тилида адабий ва тарихий асарлар кенг тарқалади («Шайбонийнома», «Нусратнома», «Абдулланнома», «Алпомиш» кабилар).

«Ўзбек» атамаси илмий жиҳатдан ҳали тўлиқ аниқланмаган. Дастлаб бу сўзни араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XII аср охирлари) асарларида учратамиз. Кейин Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг ҳарбий навкарларидан бири ҳам «ўзбек» исми билан тилга олинади. Атоқли тарихчи Ҳамдуллоҳ Қазвиний (XV аср) Олтин Урда хони Ўзбекнинг лашкарларини «ўзбеклар» деб номлайди, тегишли ўлкани эса «Мамлакати ўзбек» деб атайди. Низомиддин Шомий ва Шарофуддин Али Яздийлар ўзбекларни Олтин Урда номи

билан боғлиқ деган фикрни билдирадидлар. Бошқа манбаларга қараганда, XV аср охири—XVI аср бошларида Абулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон қараморидаги барча қабила ва элатлар бирикмасига умуман «ўзбеклар» деб ном берилган. Абулғозининг «Шажарайи турк»ида ёзилганидек, Оқ ўрда подшоси Тўқтағу-хон ўлгандан сўнг ўн уч ёшли Ўзбекхон тахтга келган. У ота-бобосининг дастури билан токи элни забт этиб, ҳар кимни мартабасига лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берди. Барча халқ уч соҳиби давлатнинг сабабиндин шарафи ислом мушарраф бўлдилар. Андин сўнг, Абулғози таърифича, барча Жўчи элини ўзбек эли дедилар.

Кўпгина манба ва ривоятларда ўзбекларнинг генеалогияси (шажараси) ҳақида гапирилиб, ўзбек халқи 92 уруғ (қабила) дан ташкил топган дейилади. Асли бу рақам ҳақиқатга тўғри келмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг келиб чиқиши каби уларнинг этник тузилиши ҳам ниҳоятда мураккаб ва кўп асрлик тарихий тараққиёт натижасида бир неча марта ўзгариб кетган. Айниқса турк-мўғул элат ва қабилалари ўртасидаги ҳокимият ва ер-мулк учун туганмас ўзаро курашлар, катта қабилалар томонидан майда уруғ-қабилаларнинг бўйсундирилиб, баъзан йирик элатларга сингиб кетиши, буюк кўчишлар ва қабилавий бирикмаларнинг пайдо бўлиши каби этник жараёнлар айрим элатлар номларининг ҳам ўзгариб кетишига сабаб бўлган.

Манғит ва қозоқ қабилавий бирикмалари ва Шайбонийлар давлатининг инқирозида кейинги турк-мўғул қабилалар таркибида бир номдаги турли қабилалар: қипчоқлар, манғитлар, қанғлилар, қўнғиротлар, найманлар каби йирик элатларнинг умумий номи «ўзбеклар» деб юритилган. Бу тўғрида Рўзбеҳон Исфажоний «Меҳмономаи Бухоро»да ёзиб, барча шайбонийлар ва ҳатто қозоқ ва манғитларни умумий бир ном билан «ўзбек халқи» деб номлайди. Демак, турли хилдаги уруғ-қабилавий туркумлардан ташкил топган этник гуруҳлардан манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дўрмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшчи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, байри, арғин, буркут, барлос, жалоир, қарлуқ, нукус, уйшин, ўтарчи, қатағон, кулан, арлат, қушоёқли, буйрук каби этнонимлар ўзбек ва бошқа Урта Осиё туркий

элатларининг халқ сифатида шаклланишида муҳим компонент ҳисобланади.

XV—XVI асрлар Урта Осиё муаллифларининг асарларида ўша даврдаги қозоқларнинг ўзбеклар ёки ўзбек-қозоқ деб номланиши ҳам диққатга сазовордир. Мазкур этнонимларнинг кўпчилиги ҳозиргача айниқса Жанубий Ўзбекистонда сақланиб келган. Аммо уларнинг ўзбек этногенезидаги иштироки бир хил бўлмаган. Бу уруғ-қабилавий бирикмалар ва элатларнинг маиший турмуши, урф-одат ва маросимлари, жойланиши ва ижтимоий-сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотлар ўрта аср муаллифлари Маҳмуд Кошғарий, Хондамир, Ҳофизи Таниш Бухорий, Маҳмуд ибн Вали, Наршахий, Абулғози ва бошқаларнинг асарларида келтирилган. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларига қараганда XVI аср бошларида Фарғона водийсига кўчиб келган туркий қабилаларнинг кўпчилиги ўтроқ бўлиб жойлашган. Кейинги асрда илгарироқ келган Дашти қипчоқ ўзбекларининг ўтроқ турмуш тарзига ўтганлиги тўғрисида Маҳмуд ибн Вали ўз асарларида хабар беради. Дашти қипчоқ ўзбекларининг XVII асрда Фарғонадаги маҳаллий ўтроқ туркий аҳоли билан аралашиб кетганлигини кейинги тадқиқотчилар ҳам қайд қилганлар.

Ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари айниқса этно-топонимларда, яъни қишлоқлар ва маҳаллалар ҳамда географик номларда ёрқин ифодасини топган. Кўп муаллифлар уруғ-қабилаларнинг катта шаҳарларда ҳамда муайян минтақада жойлашганликларини айтиб ўтади. Масалан, А. Д. Гребенкин, В. Л. Вяткин, В. В. Бартольд, А. К. Писарчик, Б. Кармишева, К. Шониёзовлар айрим қабилавий атамалар берилган ўзбек қишлоқ ва маҳаллаларини тилга оладилар. Фарғона водийсидаги энг қадимий шаҳарлардан Марғилон ва Андижонда юзлаб маҳаллалар бўлиб, уларнинг анча қисми этнонимлар билан боғлиқ бўлган.

Янги давр (XIV—XIX асрлар) давомида ўзбекларнинг этник шаклланиши давом қилиб, ўзларининг уруғ-қабилавий номларини то бизнинг асримиз бошларигача қисман сақлаб келганлар. Улар нафақат этник жиҳатдан, балки турмуш тарзи ва ижтимоий тузуми билан ҳам ўзаро бир оз фарқ қилганлар. Айрим ўзбек қабилалари ўтроқ деҳқончиликка тўла ўтмаган кўчманчилик ҳўжалиги ва турмуш аъъаналарини сақлаб ярим ўтроқ

ҳолатда яшаганлар. Улар тилларидаги (шевасидаги) фарқ жиҳатдан анча ажралиб турганлар.

Аммо Туркистон ўлкаси ва ўзбек хонликлари рус мустамлакаси туфайли жаҳон капиталистик муносабатлари гирдобига тортила бошлагач аста-секин миллий уйғониш куртак ота бошлайди. Миллий буржуазия пайдо бўлади, улар ўзларининг мафкурачилари (жадидлар) орқали миллий гуруҳ ва ҳис-туйғулар, анъанавий турмуш тарзи ва маданият равнақи учун жиддий кураш бошлайдилар. Чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати мазкур жараёнга ғов бўлиб, ўзбек элининг жаҳон миқёсидаги ижтимоий-маданий тараққиёт йўлига чиқишини чеклаб қўяди. Бутун Урта Осиёнинг чоризм даврида сунъий равишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлинганлиги ҳам маҳаллий элатларнинг, шу жумладан ўзбекларнинг миллий бирлигига жиддий тўсиқ бўлади.

XX аср бошларига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 2,8 млн. га яқин ўзбеклар яшаган, улардан тахминан 82 фоизи қишлоқларда, 18 фоизи шаҳарларда жойлашган. Шунинг ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, ўзбекларнинг анча қисми қўшни мамлакатларда яшаб, этник хусусиятларини сақлаб қолганлар. Аммо ўша даврда ҳали ҳамма ўзбек элатлари бир меъёردа ривожланмасдан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жойлашган муҳитига қараб ўзаро фарқланган.

Тадқиқотчилар асримиз арафасида ўзбек халқи таркибида учта йирнк этник гуруҳ (субэтнос) мавжуд бўлганлигини қайд қиладилар. Улардан биринчиси энг қадимий даврлардан ўтроқ ҳолатда шаҳар ва қишлоқларда яшаб, Урта Осиёга эрамининг I минг йиллиги охиридан бошлаб узоқ давр давомида кўчиб келиб аста-секин ўтроқлашган туркий элатлар билан аралашиб кетган аҳолидир. Уларга ўша даврларда «сарт» деб ном берилган бўлиб, асосан Фарғона, Тошкент, Хоразм, қисман Зарафшон воҳаларида, умуман озми-кўпми деярли ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳамма ерида жойлашган. Аммо уларнинг энг кўпи Фарғона водийсида бўлиб, асримизнинг бошларида у ерда тахминан бутун аҳолининг 52,7 фоизи жойлашган.

Иккинчи субэтнос Шайбоний ўзбеклар қелишидан олдин қадимий туркий элатлар билан турк-мўғул қабилаларининг аралашмасидан келиб чиққан. Улар XX аср бошларигача уруғ-қабилавий анъаналарини сақлаб



сартларга қўшилмай яримўтроқ турмуш тарзида яшаб келганлар ва этнографик адабиётда «турклар» деган ном билан маълум (Б. Х. Қармишева, К. Ш. Шониёзов). Туб аҳоли ҳисобланган бу турклар асосан Фарғона водийсида, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида, Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган.

Ўзбекларнинг учинчи йirik этник гуруҳи XV—XVI асрларда Мовароуннаҳрга кўчиб келган Дашти қипчоқ ўзбекларининг авлодларидир. Улар ярим кўчманчилик турмуш анъаналарини сақлаб келган, чорвачилик ҳамда деҳқончилик хўжалигини бирга олиб борган субэтносдан иборат. Мазкур гуруҳнинг ўзига хослиги ирқий тузилишида монголоид белгиларнинг анча сезиларли эканлиги, тилида «жўқчилар» шеvasи кучли ва ўз номи «ўзбек» деб номлашидадир. Бу гуруҳ турли қабилалардан иборат: қўнғирот, манғит, қипчоқ, найман, кенагас, сарой, хитой, минг, юз, қирқ, қатағон ва ҳоказо. Мазкур қабил ва элатлар Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Шерободдарё, Бойсун дарёлари ҳавзасида, Нурота ва Қурама тоғ этакларида, Хоразм ва Фарғона воҳаларида жойлашган. Шулардан энг кўп сонли қисми 20-йилларда Бухоро амирлигида (130 мингдан кўпроқ манғитлар, 35 мингдан ортиқ кенагаслар, қўнғиротлар эса 86 мингга яқин), Туркистон ўлкасининг Самарқанд вилоятида (52 минг қипчоқлар), Фарғона водийсида (42,5 мингга яқин қипчоқлар), Тошкент ва Сирдарё вилоятларида (50 мингга яқин қурама) яшаган.

Мазкур субэтнослар XIX аср охири — XX аср бошларида ўзига хос маиший турмуш, урф-одат ва тилдаги хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилса-да, ягона ўзбек элати эканлигини исботловчи белгиларни сақлаб ўзларини «ўзбек» деб номлаганлар. Узоқ давр давомида сарт, турк ва Дашти қипчоқ ўзбек авлодларидан иборат субэтнослар ярим кўчманчи-чорва хўжаликлар, ўтроқ сартлар билан яқинлашиб, қўшилиб кетиш жараёни орқали намоён бўлган. Турли этник қатламларнинг бирлашув жараёни айниқса Фарғона водийсида, қисман Самарқанд вилояти ва Тошкент уезида жиддий тус олган ва фаол ўтган. Бунга бу ерларда капиталистик муносабатларнинг кучайиши муҳим омил бўлган. Аммо Хива хонлигида ярим кўчманчи ўзбекларнинг ўтроқ ҳолатга ўтиши XIX аср ўрталаригача, Бухоро амирлигида эса аср охирларигача давом қилиб келган.

Этнографик ва статистик маълумотларга қараганда

асримизнинг 20-йилларигача Ўзбекистондаги Дашти қипчоқ ўзбеклари авлодининг таркибида анча кўп уруғ-қабилаларнинг номлари сақланиб келган. Масалан, ўша даврда Бухорода 40 дан ортиқ ўзбек қабилаларининг номлари, Хоразмда 20 га яқин номлари сақланган. Улар ҳатто биқик ҳолда яшаб, никоҳ муносабатлари фақат қабила гуруҳлари ичида (эндогам никоҳ) ўтказилган, бундай ҳол айниқса Бухоро амирлигидаги манғит ва қўнғирот қабилаларида бўлган. Айрим қабилавий бирикмалар ўзларини аслзода беклар деб ҳисоблаб, бошқалардан ажралиб алоҳида яшаганлар. А. Д. Гребенкиннинг ёзишича, Самарқанд манғитлари бир жойда тўпланган ҳолда яшаб, фақат ўз уруғи ичида қиз бериб қиз олган. Бухорода, Самарқанд вилоятининг айрим жойларида, деб хабар беради И. Магидович, қипчоқ, найман каби майда қабилавий гуруҳлар орасида «ўзбек» деган атама деярли ишлатилмайди, улар ҳатто ўз-ара рақобатда.

Аммо Фарғона водийсида, Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида туркий тилда гапирадиган барча элатларнинг бирлашув жараёни анча интенсив равишда ўтган. Чунки бу ердаги турк қабилаларининг кўпчилиги, Бобур ёзганидек, Дашти қипчоқ ўзбекларининг келишидан олдин ўтроқ ҳолатда яшаганлар. Октябрь тўнтаришидан кейинги ўн йилликларда уруғ-қабилачиликни унутган турклар ва сартлар Фарғона водийсида этник хусусиятларини сақлаб қолганлар. Дашти қипчоқ ўзбекларидан юзлар, қипчоқлар, қурамалар бир оз ўзига хослигини сақлаган. Лекин минг, қўнғирот, қирқ, қатағон, сарой каби қабилаларнинг вакиллари маҳаллий сартлар билан аралашиб кетганлар. Зарафшон водийсида жойлашган ўзбеклар ҳам қабилачилик (20 га яқин уруғлар) анъаналарини йўқотиб, миллий бирликка қўшилган.

Октябрь тўнтаришидан кейин Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзбек халқининг кейинги ривожига анча «қулай» шароитлар яратиб берди. Шошинич ва тўла ўрганилмаган ҳолда ҳали миллий муаммолар охиригача ҳал қилинмаган, маҳаллий халқларнинг миллий шаклланиш жараёни пишиб етилмаган бир вазиятда ўтказилган 1924 йилги миллий чегараланиш натижасида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Ўзбек миллатининг ривожига айниқса 30-ва урушдан кейинги йиллардаги турли сиё-

сий найранглар ва қотилликлар ҳам катта путур етказди. Бу даврда ўзининг меҳнатсеварлиги ва истеъдоди билан кўтарилиб келаётган ўзбек миллатининг энг зўр фарзандлари, ажойиб ишбилармонлари, ўз фикрини дадил ифодалайдиган сиёсий арбоблар ва моҳир зиёлиларнинг кўпчилиги туҳмат ва ифволар билан ҳибсга олиниб, қириб ташланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ўзининг давлати, тили ва истиқлол сиёсатига эга бўлиши ҳозирги мураккаб, оғир аҳвол нақадар жиддий бўлмасин, унинг истиқболи порлоқ эканлигининг гаровидир. Чунки республикамизнинг табиий бойлиги, халқимизнинг буюк истеъдоди ва меҳнатсеварлиги, тоғни талқон қиладиган мард ўғлонлари давлатимиз келажагининг буюклигидан далолат беради.

## АНЪАНАВИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ ВА ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

Инсоният пайдо бўлгандан бери узоқ тарихий давр мобайнида турли табиий-географик шароитга мослашиб яшаб келмоқда. Одамлар азалдан музли Арктикада ва жазирама иссиқли тропик чангалзорларда, Тибет ва Помирнинг баланд тоғлиқларида, тундра ва тайга ўрмонларида, Осиё, Австралия ва Африканинг бепоён дашту биёбонларида истиқомат қилмоқдалар. Улар иссиқ-совуқ демасдан, сийраклашган ҳаво шароитида ва йиртқич ҳайвонлар хавфидан қўрқмасдан тирикчилик қилиб келмоқдалар. Одамлар даставвал муайян табиий шароитга мослаб ўзларининг пешана тери, меҳнати ва ақл-идроки туфайли ўзига хос хўжалик-маданий типларни яратишга мажбур бўлганлар.

Ибтидоий даврда одамзод табиатда мавжуд тайёр маҳсулотларни турли усул ва йўллар билан топиб (йигиб-териб, ов қилиб) истеъмол қилиб келган. Масалан, Осиё қитъасида қадимдан ёввойи буғдой, Марказий Американинг кўлларида ёввойи шоли ўсган, Африкада турли емишли илдишлар ва мевали дарахтлар инсон яшаши учун зарур маҳсулотларни тайёр ҳолда етказиб берган. Аммо давр ўтиши билан одамзоднинг кўпайиши натижасида табиий шароит инсон тирикчилиги учун камчилик қила бошлаган. Аста-секин одамлар ўз

меҳнати ва истеъдоди билан зарур маҳсулотларни сунъий равишда хонакилаштириб етказа бошлаган. Шу маънода «одамни меҳнат яратди», деган машҳур ибора ҳозиргача илмий тадқиқотларда асосий ўринни эгаллайди.

Қадимий Шарқ, айниқса юсак маданият яратган кўҳна Осиёда яшовчи халқлар орасидаги жуда кўп афсона ва ривоятлар одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани бунёдкор Худо образлари бўлиб, уларнинг одамни яратиб, унга турли касб-ҳунар ўргатиб тирикчилик йўлларини кўрсатиб берганликлари таъкидланади. Бундай бунёдкор (демиург) парвардигорлар тўғрисидаги мифология даставвал Осиёда, кейин Африка, Австралия ва Океанияда пайдо бўлиб, ҳозиргача етиб келган. Уларнинг ўзига хос айрим томонларини эътиборга олмаганда барчасининг асосий мазмуни тирикчилик учун яратилган одам образи билан боғлиқлигидадир.

Мазкур афсоналарни ўзида мужассамлаштирган жаҳон динларига кирган ривоятлар диққатга сазовордир. Улардан бизгача етиб келиб ақидавийлашган христиан ва ислом динларининг муқаддас китобларида жонли тасвирланган варианти кўпчилик диндор кишиларни ҳозиргача ишонтириб келмоқда. Шунинг учун Таврот ва Инжилдан (унинг «Ибтидо» китобидан олинган қисмларини) дастлабки одамларнинг яратилиши тўғрисидаги илоҳий ҳикояни қисқача келтиришга журъат қилдик: «Худо деди: Биз ўз суратимизда ва ўзимизга ўхшаш одам яратамиз; ва улар денгиз балиқлари устидан ва осмон паррандалари устидан, чорва устидан, бутун ер устидан, ерда судралувчи ҳайвонлар устидан ҳукмронлик қилсинлар. Ва Худо одамларини ўз суратида яратди. Уни Худо эрқак ва аёл қилиб яратди. Худо уларни муборак қилиб, деди: самарали бўлинг ва кўпайинг, ва ерни тўлғазинглар ва уни тасарруф қилинглар, ва денгиз балиқлари устидан, осмон паррандалари устидан ва ер юзида бутун судралувчи ҳайвонлар устидан ҳукмрон бўлинглар. Ва Худо деди: мана, Мен сизларга ер юзида бор бўлган уруғ берадиган ўтнинг ҳаммасини ва унда меваси бўлган уруғ берадиган дарахтни бердим, Сизларга овқат учун бўлади. Ва тирик жони бўлган ернинг ҳамма ваҳший ҳайвонларига ва осмондаги ҳамма паррандаларга ва ҳар бир ер юзида судралувчи емиш учун ҳамма кўм-кўк ўтни бердим. Ва

шундай бўлди. Ва Худо ниманики яратган бўлса, ҳаммасини кўрди ва мана — жуда яхши. Ва оқшом бўлди ва субҳ бўлди: олтинчи кун».

Шундай қилиб ривоятларга биноан Парвардигор олти кун меҳнат қилиб бутун коиноту оламни ва охирги куни одамни яратган. Эркакнинг оти Одам, аёлнинг оти эса Ҳавва эди. Худо уларни чиройли ва хушбахт қилиб яратди. Улар ўз йарвардигорини жуда ҳам севардилар. Худо ҳам уларни севарди. У ўзи яратган барча ишларни уларнинг ихтиёрига берди. Парвардигор Одам ва Ҳаввани муборак қилиб, уларни Эден деб аталган жаннатга ўрнатди. Уларга топширдик, бу боғни обод этиб, уни кўриқласинлар.

Одам ва Ҳавва доимо ўз Парвардигори билан муомалада эдилар. Уларнинг эътибори ва назари Худога қаратилганлиги туфайли улар доимо шод ва хушбахт бўлганлар. Аммо Одам ва Ҳавва энди бундай бахтдан маҳрум этилди. Чунки улар Худонинг амрига қулоқ солмасдан, унинг айтганига риоя қилмаяптилар. Худо уларга ижозат берган эдики, боғдаги ҳамма дарахт меваларидан есинлар. Лекин Яхши ва Ёмонни Билмоқ дарахтининг мевасини ейишни ман этган эди. Худо айтган эдики, агар бу амрга риоя қилмасалар, улар ўладилар.

Бироқ Худо ва инсоннинг душмани бўлган шайтон Одам ва Ҳавванинг бадбахт бўлишларини ва уларни ҳалок қилишни истарди. Бир куни шу мақсадда шайтон илон шаклида Ҳавва олдига келиб, деди: «Чиндан ҳам Худо боғнинг ҳамма дарахтидан еманглар, дедими?» Ҳавва жавоб бердики, «ҳамма дарахтнинг мевасидан ея оламиз, аммо жаннатнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ва унга тегманглар, балки ўласиз, деб Худо бизга амр этган». Шу вақт илон Худо муҳаббатининг самимийлигига шубҳа туғдириш мақсадида, ҳийла-найранг билан уни йўлдан чиқара бошлади ва деди: «Йўқ, ўлмайсизлар! Чунки Худо биладик, ундан еганда кўзларингиз очилади ва сизлар Худо каби Яхши ва Ёмонни биладиган бўласизлар».

Шайтоннинг айтган сўзларидан кейин Ҳавва дарахтга назар ташлади. Энди у кўрдик, дарахтнинг меваси чиройли ва емишли, кўзга ёқимли ва ақлни ривожлантириб, билим орттирадиган бир дарахт. Ушанда у ман қилинган мевани узиб еди. Ва эри Одамга ундан бер-

дики, у ҳам есин деб. Кейин улар ўзларининг кийимсиз беҳаё эканлигини билиб, уятга қолганлар.

Жаннат боғини сайр қилиб юрган Худо Одамга нега мендан яширинасиз, деб сўраган ва сабабини билгач ғазабланиб деган: «Хотинингнинг гапига қулоқ солиб, Мен сенга амр қилиб, «ундан емагин», деб айтган дарахтдан еганинг учун, сен сабабли ер маълун бўлди: умрингнинг бутун айёмида заҳмат билан кун кўрасан. Ер сенга тикан ва буталар ўстиради ва дала ўтини ейсан. Ерга қайтгунинг қадар пешана тери билан пон ейсан, зероки тупроқдансан ва тупроққа қайтасан.

Ғазабланган Худо ўз ҳукми билан илонни бутун умр судралиб юрадиган, мурда ўликларни истеймол қиладиган маҳлуққа айлантирган; аёлни азоб-ўқубат билан бола туғадиган ва эрига қул этиб, эрни унга ҳукмрон қилиб қўйган. Одам ва Ҳавва жаннатдаги ҳаёт дарахти меваларидан еб қўйиб ўлмайдиган бўлмасин деб, уларга ҳайвон териларидан кийим кийдириб, у гўзал Эден боғидан ерга ҳайдаб юборган. Жаннат эшигига Худо қўлида олов қиличли қанотли фаришталарни қоровул қилиб қўйган, қайтиб ҳеч ким кирмасин деб».

Мазкур ривоятнинг вариантлари энг қадимий маданият ўчоқларидан Месопотамия, Эрон ва бошқа Осиё мамлакатларида мавжуд эканлигини кўп тадқиқотчилар қайд қилган. Одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида ва Бунёдкор Худо образлари бошқа қитъада яшовчи қабила ва элатлар мифологиясида сақланганлиги, умуминсоний қадриятлар, меҳнат тақсимоти, касб-ҳунар ўрганиш каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар илдизи бирлиги йирик динларнинг муқаддас китобларида ўз ифодасини топганлигини Жеймс Фрезер, Зенон Косидовский, Лео Максим, С. А. Токарев каби олимларнинг асарларида учратамиз.

Шуниси ҳам қизиқки, Одам ва Ҳаввадан туғилган иккита ўғил — Қайн ва Ҳавел — бири деҳқон, бири чўпон бўлган. Муқаддас китобда тасвирланганидек, деҳқон Қайн бир куни ернинг маҳсулидан Худовандага ҳадя олиб келган, Ҳавел ҳам қўйларнинг тўнғичларидан ва қўй думбаларидан олиб келган. Худованда Ҳавелни ва унинг ҳадясини манзур кўрган, аммо акасининг ҳадяси унга манзур бўлмаган. Бундай ҳолат Қайннинг юрагида ҳасад уйғотади ва укасига қарши

нафрат туғдиради. Бир куни ака-укалар даштда бўлганда, Қайн Ҳавелга қарши қалқиб уни ўлдиради. Ер юзида биринчи бўлиб ўлган инсоннинг қони тупроқни бўяб, мазкур воқеа Одам ва Ҳавва гуноҳларининг давоми деб ҳисобланган. Худованда Қайнни бундай гуноҳи учун жазолаб, уни ер юзида сарсон ва саргардон қилган.

Қайн қувғинликда хотин топиб уйланади ва улардан Енуқ номли ўғил бўлади. Унинг Ламех номли невараси икки хотинга эга бўлган. Биринчи хотинидан туғилган Иавала исмли ўғилдан кўчманчилар ва чўпонлар тарқалган, иккинчи хотинидан бўлган ўғил ҳунармандларнинг, чунончи, моҳир мискар ва темирчиларнинг отабоболари ҳисобланган.

Демак, жаҳонда тарқалган барча элат ва халқларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг касб-ҳунарлари, меҳнат фаолияти ҳазрати Одам ва Ҳавва даврларидан тарқалганлиги тарихий асарларда, муқаддас китоблару халқ ижоди яратган афсона ва ривоятларда ўз ифодасини топган. Мазкур мифологиянинг илк намуналари Марказий Осиё халқларининг узоқ авлод-аждодлари ижодида ҳам сақланган. Ҳозиргача Урта Осиё халқлари анъанавий машғулотларининг айрим соҳалари ўзларининг ҳомий пирларига эга бўлиши ҳам нафақат қадимий турли касб-ҳунар тармоқларининг мавжудлигидан, балки уларнинг муайян диний эътиқодлар ва ибодатлар билан боғлиқ бўлганлигидан далолат беради.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА СУВ ҲУЖАЛИГИ

Юқорида келтирилган афсона ва ривоятлар, илоҳийлаштирилган пиру авлиёлар образи, бунёдкор Парвардигор иродаси асли инсон тафаккурининг юксак маҳсули бўлибгина қолмай, балки унинг болалик давридаги тирикчилик йўлидаги дастлабки меҳнат фаолиятини ифодаловчи ҳаётий ҳақиқатнинг ифодасидир. Шубҳасиз, зироатчилик ва бошқа ҳўжалик турларининг пайдо бўлиши муайян табиий шароитда юзага келган. Олимларнинг таърифича, дастлабки зироатчилик Ер куррасининг тахминан 20—45 параллеллари оралиғида пайдо бўлган ва узоқ давр давомида ўзлаштирилиб такомиллашиб келган.

Деҳқончилик маданияти ибораси асли ерга ишлов бермоқ деган маънони англатиб, кейинчалик бошқа соҳаларга ўтган ва умумий тарзда маданият (ишлов бе-

риш) яратиш сўзига айланган. Ерга ишлов бериш ва ўсимликларни парвариш қилиш маданияти туфайли инсон табиатнинг фарзанди сифатида унинг бунёдкорлик қобилиятини муносиб равишда давом қилдириб келмоқда. Табиатдаги мавжуд юзлаб ўсимлик турларини инсон ўз қобилияти ва меҳнати туфайли сунъий равишда маданийлаштириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотига айлантирган. Оқибатда қадимий даврлардан инсон учун зарур бўлган донли экинлардан шоли билан тарих Шарқий Осиёда, буғдой — Ҳиндистон, Оврўпа, Америка, Африка, Австралияда, макка — деярли бутун жаҳонда, арпа — асосан Шарқий Оврўпада, жўхори — Африка ва қисман Ғарбий Осиёда тарқалган.

Айрим ўсимликларнинг келиб чиқишини тасаввур қилсак маданий экинларнинг нақадар мураккаб шароитда пайдо бўлиб ер куррасига тарқалганлигини кўрамиз. Масалан, гуруч Оврўпага, дастлаб Италия ва Пиреней ярим оролига, Ҳинд ва Тинч океани бўйлаб камида саккиз минг йил давомида етиб борган. Қадимги римликларда гуруч бўтқа (каша) си ички касалликлардан даволайдиган энг қиммат дори ҳисобланган. Жаҳонни забт қилган буғдой асли Урта Осиёдан дунёга тарқалган. Америкадан чиққан макка жаҳонга беш юз йил давомида ёйилган. Шуниси қизиққи, макка селекция туфайли ўзининг дастлабки ҳиндулар яратган турини мутлақо йўқотиб етти юз йил давомида янги-янги ҳосилдор ва емишли турларини яратиб илк ёввойи ҳолатини бутунлай йўқотган. Худди шундай ҳолатни инсон фаолияти туфайли ёввойи картошка, олма ва бошқа мевалар ҳам бошдан кечирган ва маҳаллий шароитга мослашган бир неча хил янги мева, сабзавот ва экин турлари пайдо бўлган. Аммо айрим ўсимликлар ўз ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги туфайли ўзининг ёввойи ҳолатини сақлаб қолган. Масалан, Марказий Осиёда пайдо бўлган буғдой турлари ҳозиргача ёввойи ҳолида сақланиб нафақат ҳосилдорлиги, балки оқсил моддаси (протеин)нинг кўплиги билан жаҳондаги бошқа турлардан юқори туради.

Урта Осиёда нўхат, ясиқ, сабзи, пахта, бодом, ўрик, зигирпоя ва бошқа қадимий зироатчилик маҳсулотлари яратилганлигини жуда кўп олимлар, айниқса машҳур биолог Н. Н. Вавилов ўз асарларида исботлаб берган.

Ўзбек халқининг қадимий аجدодлари ҳам ибтидоий жамият даврларидан бошлаб табиий шароитга мосла-



шиб ўзига хос хўжалик-маданий типларни яратганлар. Бу ҳолат маҳаллий этносларнинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Чунки табиий шароитнинг таъсири белгиларини этник маданиятнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш воситаларидан, айниқса меҳнат қуролларида бошлаб маиший турмуш буюмлари ва ҳатто элатларнинг номларигача сезиш мумкин. Масалан, табиий иқлимга қараб одамларнинг турар жойлари ва уй қурилиши, кийим-кечаклари ва рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, алоқа воситалари хусусиятларини аниқлаш мумкин. Маҳаллий тупроқ ва сув ресурсларига, табиий ўсимликлар, бошқа ер усти ҳамда ер ости бойликларига қараб турмуш тарзи ва маданияти характери, миллий ҳис-туйғулар ҳам шаклланади. Хўжалик-маданий типларнинг йўналишлари ўз навбатида теварак-атрофдаги табиий муҳит билангина эмас, балки муайян этносларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига даражаси билан ҳам белгиланади.

Ўзбекларнинг кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган анъанавий тажрибага таянади. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди табиий-географик шароитига қараб учта қишлоқ хўжалиги зонасига бўлинади: тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5%), суғорма ерлар зонаси (18,2%) ва қолгани бепоён дашт-яйлов ерлардан иборат зона. Аммо суғорма ерларнинг барчаси суғоришга яроқли эмас. Тоғ тизмалари ва қум уюмлари орасида, дарё соҳилларида жойлашган зироатчилик воҳалари Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида, Зарафшон ва Хоразм воҳаларида қадимги даврлардан маълум.

Археологлар таърифича, қадимги чорвадор қабила-ларнинг деҳқончилик хўжалигига ўтиши чинакам инқилобий ҳодиса ҳисобланиб, уни неолитик, яъни янги тош даври инқилоби деб номлаганлар. Бундай ҳолат Ўрта Осиёда тўрт-беш минг йиллар муқаддам рўй берган ва узоқ давр давомида ривожланиб ва такомиллашиб келган.

Ўзбеклар зироатчилик соҳасида бошқа ўрта осийликлар сингари, энг қадимий аجدодларидан ўтган суғориладиган ва лалмикор деҳқончиликни, кичик ва катта, оддий ва мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қуришни, далаларни суғоришнинг ҳар хил усулларини, агротехника сирларини яхши билганлар. Бойсун ва Ку-

рама тоғ этакларида қадимдан жуда катта меҳнат ва ер шароитини чуқур билишни талаб қиладиган кориз зироатчилиги сақланиб келган. Бу ерда булоқ ва ҳавза деҳқончилиги ҳам маълум бўлган. Зарафшон водийси, Сирдарё, Амударё ва Қашқадарё соҳилларида неолит ва бронза даврларидан амал қилиниб келинган дарё сувлари кўпайганда сув босадиган қайир ва лиман ерлардаги зироатчилик то 30-йилларгача сақланган.

Асли ҳайвон кучи ва омов ишлатиладиган суғорма деҳқончилик Ўзбекистонда эрамиздан олдинги III—II минг йилликларда кенг тарқала бошлаган. Уша даврлардаёқ Зарафшон каби йирик дарё соҳилларида, Хоразм воҳасида экин ерларнинг ўзлаштирилиши ривожланади. II минг йиллик охири — I минг йиллик бошларида Фарғона водийси ўзлаштирила бошлаган. Асрлар оша маҳаллий зироатчиликда ер унумдорлигини тиклаш ва агротехника усулларини такомиллаштириш, тупроқни ўғитлашнинг ҳар хил усуллари пайдо бўлиб, суғориш ва шўрни ювиш каби усуллар кенг жорий қилинган. Айниқса эрамиздан аввалги I минг йилликда Хоразмда йирик магистрал каналлар қуриш, ҳар хил сув тақсимлаш ва сув чиқариш иншоотларини тиклаш авж олган. Қадимий Оқчадарё ҳавзасида топилган суғориш иншоотлари, марзаланган даладарнинг излари қадимги Мисрдаги классик ҳавза деҳқончилигини эслатади.

Маҳаллий деҳқонлар маданий-этноаналар асосида далачилик, полизчилик ва боғдорчилик соҳаларида турли усул ва йўллари ишлаб чиққанлар. Илк зироатчилик даврларидаёқ улар ниҳоятда фойдали ўсимликларни, айниқса донли ва полиз экинларини, ҳатто боғдорчиликни ўзлаштирганлар. Тадқиқотларга қараганда, ўрта осиеликлар сўнгги босқичдаги неолит ва энеолит даврларида бугдой, арпа, тарих ва бошқа донлар, ўрик, олма, нок каби меваларнинг айрим навларини хонакилаштирганлар.

Ўзбекистон ҳудудидаги зироатчилик суғориш хусусиятлари ва экин турлари билан ҳам фарқланган. Масалан, суғорма деҳқончиликни маҳаллий аҳоли «сувли ер», «тирама» ёки «обикор», «оби», суғорилмайдиган ерларни «лалми» ёки «баҳори» деб номлаганлар. Фарғоналиклар тирама экинларни яна иккига бўладилар: эрта экиладиган «оқ» ва кечроқ ҳосил берадиган «кўк» экинлар. Хоразмда ҳам лалмикор суғорма ерлар «оқ

ер» аталиб ариқлардан ортган қуйи оқимдаги сувли ерларга шоли экилиб, унга «шоликор ер» деб ном берилган.

Суғорма деҳқончилик хўжаликлари асосан қадимий воҳаларда — Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент воҳаларида, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларида, Фарғона водийсида жойлашган. Баҳори экинлар Тошкент воҳаси, Фарғона ва Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё тоғ этаги минтақасида экилган. Экин ерларининг ишлатилишига қараб иккала хўжаликларда ҳам зироатчиликнинг ҳар хил усуллари — қўриқ, партов ёки бўз ва дам берилган шудгор ва пайкалли ерларга бир хил экиш қўлланилган. Кўп жойларда қурилиш материаллари етказиш мақсадида зироатчилик кўчат ўтқазиш билан бирга олиб борилган. Махсус ажратилган ерларга тол, терак, қайрағоч экилиб бир неча йиллардан кейин улар қурилишга ишлатилган. Одатда оилада ўғил фарзанд туғилса унга атаб махсус қурилиш материали бўладиган кўчатлар экилиб у вояга етгунча теракзорга айланиб кетган.

Суғориладиган ерлар яна экинларга қараб дала ёки очиқ ерларга, боғдорчилик ҳамда полизчилик ерларига бўлинган. 1916 йилда Туркистон ўлкасининг учта вилояти бўйича (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд) 2,5 млн. десятина экиладиган ерларнинг 2/3 қисми суғорма ерлар, қолгани баҳори (лалмикор) ер ҳисобланган.

Суғорма деҳқончилик ниҳоятда катта меҳнат натижасида амалга ошган. Йирик суғориш иншоотларини қуриш ва уларни мунтазам равишда ўз вақтида тозалаш ва таъмирлаш ишлари катта маблағларни, жуда кўп кишиларнинг уюшган куч-ғайратини талаб қилган. Бундай харажатлар ва оғир меҳнат даставвал кенг заҳматкаш аҳоли зиммасига юкланган ва асрий жамоачилик анъаналари асосида бошқарилган.

Минг йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб сув хўжалиги тартиби ва техникасини яратиш ва уни ташкил қилиш ҳамда амалда жорий этиш йўлида муайян анъанани юзага келтирган эди. Утган асрда бундай ишларнинг жонли гувоҳи бўлган бир муаллиф ўз мулоҳазаларини қуйидагича изоҳлайди: «Урта Осиёнинг ҳар қайси қишлоғидаги ирригация тизими сув орқали ҳаммага ҳаёт бағишлаши билан қон томири тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ана шундай эҳтиёт қилинган. Сув бор

жойда бойлик, экинзорлар, полизлар, боғ-роғлар, бир неча чақирим узоқлашсангиз қақраб ётган дашти биё-бон».

Ўзбекистонда табиий-географик шароит турлича бўлиши туфайли хилма-хил сунъий суғориш усулларидан фойдаланилган. Сой оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда сув тўплаш, чиғириқлар орқали чуқурдан сув чиқариш, канал ва ариқлар қазииш йўли билан сув келтириш қадимдан сақланиб келган. Ариқ ва каналларга дарёлардан сақа орқали сув чиқариш усули жуда кенг тарқалган. Бу нисбатан қулай ва ишончли усул бўлса-да, асли ниҳоятда мураккаб ва сермеҳнат ҳисобланган. Магистрал каналлар воҳадаги ерларни суғориш учун қазилиб, дарё қирғоқларининг ҳолатига қараб унинг ўнг ва чап соҳилдан қазиб чиқарилган. Мазкур каналлардан шохобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан.

Катта-кичик каналлар ва ариқларга оддий тўғонлар қуриш йўли билан дарёлардан сув чиқариш техникаси кенг тарқалган. Шох-шабба, ажриқ ўтлар, кесактошлардан махсус қорабура ёки бард ясаиб дарёнинг секин оқадиган жойларига ташланиб тўғон қилинган. Баъзан бундай тўғонлар мураккаб ирригация иншоотини ҳосил қилган. Қорабуранинг йўғонлиги баъзан бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метр қилиб тайёрланган. Масалан, суғорма деҳқончиликнинг классик ўлкаси ҳисобланган Хоразмда барча каналлар ҳар йили кузда қазиб тозаланган, кейин тўғонлар очилиб ариқларга сув юборилган. Полвонёб каби йирик каналларни тўсиш учун беш-олтита қорабура ясаб ташланган. Сув ҳажмига қараб қорабуралар бирин-кетин олинган. Айрим дарёларда сув тошқини бўлиб, фожиали аҳволни юзага келтирган. Хоразмда Амударё экин ерларидан баландда оқади, шунинг учун дарё сатҳи кўтарилганда суғориш тизимларини барбод қилиш, теварак-атрофдаги экинзор ва аҳоли яшайдиган жойларни сув босиб кетиш хавфини туғдириб турган. Бундай ҳолат айниқса кўклам ва ёз пайтларида рўй берган. Асримизнинг бошларида аҳволни кузатиб ўрганган муаллифлардан ирригатор олим С. К. Қондрашов бундай деб ёзади: «Амударё қутурган пайтда маҳаллий гидротехника иншоотлари унинг олдида мутлақо ожизлик қилар эди. Дарёнинг бирор еридан шарққа томон оқиши амримаҳол, унинг ғарбий қирғоғидаги қумли қиринди чиқинди

ерлар, ороллар ювилиб бу участкалардаги каналларнинг юқори қисми қуриб қолади, ғарбий қирғоқдан ерларга то янги сув йўллари очилмагунча сув чиқмайди. Дарё ғарб томонга силжиб борганда, шарқий қирғоқни сувсиз қолдиради... Амударё аҳоли яшайдиган жойларни емириб, экинзорларни ва каналларни ювиб оқизиб кетади, олд томондаги ерларни барбод қилиб, орқа томондаги кўп ерларни сувдан маҳрум қилади. Бундан ташқари сув тошқини пайтида Амударё баъзан пастлик ерларни босиб кетади. Нишаб ерлар ва паст қирғоқларда тошқин вақтларда сув жуда кенг ёйилиб оқади».

Сув уриб кетиш хавфи бошқа дарёларда ҳам бўлиб турган. Айниқса кучли сел келиши натижасида кам сувли дарёларда сув кўтарилиб қирғоқдан чиқиб каналларнинг бош қисмини емирган ва қишлоқларни сув босган. Бундай ҳолат доимо бўлиб турганлиги учун маҳаллий аҳоли суғориш иншоотларини сув тошқини пайтида дарёларнинг кўтарилишини эътиборга олиб қуришга интиланган. Асрлар давомида тўпланган тажриба асосида одамлар ҳатто тошқиннинг ҳавф туғдиришини олдиндан билишган. Масалан, дастлабки тошқин Хоразмда «сунник» ёки «қамиш тошқини». Зарафшон водийсида марзоб деб номланган ва у апрель ойининг бошларида бўлган. Иккинчи тошқин жуда кучли бўлиб, қанча-қанча лой-қумларни ва тошларни оқизиб катта хавф келтирган. Бу тошқин суғориш даврига, яъни май ойларига, жийда гуллаган вақтга тўғри келган. Уни Фарғонада «қалам гули тошуви», Хоразмда «жида сосуви» ёки «юлдуз тошуви», Зарафшонда эса «лоёб» деб атаганлар. Учинчи марта бўладиган тошқинни хоразмликлар қирқ чилғов тошқини, зарафшонликлар эса чармоб деб номлаганлар. Бу тошқин июнь ойида бўлган. Айрим жойларда тошқин сув балансига қараб серсув, ўртача ва танқисроқ бўлган даврларга ажратилган.

Баъзи районлардаги қадимий канал ва дарёлар жуда шўх оққанлигидан ўзанларини тобора чуқурлаштириб юборганлиги туфайли сув экинзорлардан анча пастда оққан. Бундай пайтда аҳоли кашф этган маҳсус сув чиқариш механизмларидан фойдаланилган. Ирригациянинг Миср каби энг қадимий ажойиб ўлкаси ҳисобланган кўҳна Хоразмда ҳам сув чиқарадиган ҳар хил механизмлар жуда кенг тарқалган. Улардан энг машҳури чигир (Мисрдаги «сакия») дир. Ўзига хос сув чиқа-

радиган оригинал механизм ҳисобланган чиғир ёғочдан қурилган оддий ғилдиракдан иборат бўлиб, унга сув тўлдириб турадиган махсус сопол идиш — дигирлар бириктирилган. Мазкур ғилдирак горизонтал ўққа ўрнатилган бўлиб иккита тишли шестерналар билан бирлаштирилган ва ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган. Одатда чиғир катта ва кичик хилда бўлган. Каттаси кичигидан ғилдирагининг диаметри ва дигирлар сони билан фарқ қилган. Кичик чиғирнинг горизонтал ўқи калта ва сув чиқариб берадиган ғилдираги ер сатҳидан сал кўтарилиб кўриниб туради. Иккита шестернали ғилдиракнинг тишлари мойланиб вертикал ўқнинг учига эса совун суртиб турилган. Чиғир билан бир кеча-кундузда икки ботмон (сал кам икки га) ерни суғориш мумкин бўлган. Маҳаллий ёғочсоз усталар томонидан ясалган чиғирларнинг барча қисмлари одатда 8—10 йилдан сўнг алмаштирилиб янгиланган.

Мазкур чиғирлардан ташқари магистрал канал ва ариқларнинг бўйларида чархпалак (сув чиғир) лар ҳам ўрнатилган. Чархпалак бир хил бўлиб, унинг одатда сув кучи билан ҳаракатга келтирилиб, ишлаш принципи ва механизми ёрдамида сув чиқариш Зарафшон, Фарғона, Сурхондарё водийларида ва Тошкент воҳасида кўпроқ ишлатилган. Аммо ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган чиғирнинг асл ватани Хоразм ҳисобланган. 1917 йилга қадар илгари бу ерда 80 мингдан ортиқ чиғир бўлган.

Хоразмликлар қадимги даврларда сув чиқаришнинг бошқа усулларини ҳам билганлар. Улар қўл кучи билан ҳаракатга келадиган «сепма», «данма», «нова» каби усулларни ишлатганлар. Сепма ва дапма усули махсус ёғочдан ясалган узун дастали поқир — капча билан пастдан юқорига ёки оёқ кучи орқали сув сепиш йўли билан амалга оширилган. Нова усулида ўйилган узун ёғоч нова қилиниб, сув пастдан юқорига чиқарилиб экинлар суғорилган.

Булоқ, ҳовуз ва коризлар орқали суғориш бирмунча чекланган бўлиб, улар асосан Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларида учрайди. Барча тоғли водийларда энг кенг тарқалган усул булоқ сувлари ҳамда тоғ ирмоқларидан пайдо бўлган кичик-кичик дарё ва сойлардан ариқчалар чиқариб экинлар суғорилган. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида булоқ сувларининг ўзанига катта

харсанг тошлар ташлаб ҳовузчалар қурилган. Ҳовузга етарли даражада сув тўплангандан кейин тўғоннинг ички томонида қолдирилган махсус тешик очилиб экинларга муайян тартибда сув берилган. Мазкур ҳовузчаларни яқин даврларгача Шеробод, Бойсун ва Нурота туманларининг тоғ ва тоғ этакларидаги қишлоқларда учратиш мумкин эди.

Тоғ этакларида қўлланиладиган қадимий мураккаб сув чиқариш усулларида кориз тизими диққатга сазовор. Бир неча ўзаро боғлиқ махсус қудуқлар орқали сизот сувларни далаларга чиқариб суғориш кориз усули дейилади. Бу тизим Нурота ва Шеробод туманларида, Самарқанд вилоятининг Қизилбой, Култепа, Оқтош, Чорбоғ, Бўлак номли қишлоқларида, Наманганнинг Чортоқ районида кенг қўлланилган, баъзиларида қисман ҳозиргача сақланиб келган.

Бухоро ва Қарши даштларида асосан чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли ўз томорқаларида полиз ва бошқа экинларни қудуқ суви билан суғоришган. Қудуқдан оддий мослама қовға ёки меш пақирни арқон билан кўпинча ҳайвон (туя, от ёки эшак) кучи билан тортиб чиқариб сув олинган. Бу усул Қоялик, Майманак ва Қосон туманларида сўнгги вақтларгача ишлатилган. Сув тақчил жойларда қудуқдан суғориш 20-йилларнинг охирларига қадар суғориш усули бўлиб келган. Мазкур усулнинг гувоҳи бўлган кишилардан бири шундай таърифлайди: «Сув танқислиги туфайли Қарши чўлида ернинг бир томонида 1,5 аршин кенгликда қудуқ қазиб, унинг атрофига пишган гишт териб чиқишади. Қудуқ тепасига чиғир мосламаси ўрнатилиб, эчки терисидан меш (пақир) лар ясаб, от ёрдамида қудуқлардан сув олишади; шундан кейин деҳқон ўз экинини суғоради. Томорқадаги мевалар, полиз экинларини ва тамакиларни қудуқ суви билан суғориш кенг тарқалган».

Ўзбекистондаги суғориш шаҳобчалари катта ариқ ёки арна, ариқ ёки ёб, ўқариқ ёки солма, оқава ариқ ва бошқаларга бўлинади. Одатда битта ариқ бир қишлоқни таъминлайди, шунинг учун ҳам у асосан ўша қишлоқдаги қабила, уруғ, бир авлод ёки жамоа номи билан аталган. Масалан, Қалмоқ ариқ, Қўнғирот ариқ, Қипчоқ ёб ёки Полвон ёб ва ҳоказо. Баъзан канал ва ариқлар шу иншоотни яратган ёки қурилишида бош бўлган, ёки ташаббус кўрсатган шахс номи билан ҳам аталган.

Барча суғориш иншоотларини ҳар йили албатта чопиб тозалаб туриш шарт бўлган. Утмишда бу ҳолат мушкул ва сермеҳнат иш кенг меҳнаткаш омманинг зиммасига юкланган. Йирик каналлар қазиб ва уларга тўғонлар қуриш айниқса оғир бўлиб, бу ишлар асосан қиш ёки эрта кўкламда бажарилган ва жуда кўп иш кучи жалб қилинган. Масалан, Хива хонлигида ариқларни тозалаш учун 700 мингга яқин иш кунини сарф қилинган. Тошкент волостида эса биргина Захарикни тозалаш ва тузатишга 42 минг иш кунини талаб этилган. Зарафшоннинг қўйи оқимидаги катта ариқни тозалашда уюштирилган ҳашар 15 кун давом этган.

Хоразмда ҳар ўн таноб ер бир сув ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилган. Бир қишлоқлик ҳашарчилар одатда 20 кишидан тузилган ҳашар гуруҳларига бирлашиб, ораларидан икки киши бошлиқ қилиб сайланган. Зарур озиқ-овқат, қурол-асбоб, кўрпа-тўшакни ҳар бир ҳашарчининг ўзи олаётган келган. Бундан ташқари ҳашарчилар сувни идора қилиб турадиган маъмуриятга махсус солиқ — «афанақ пули» (сув пули) тўлаганлар. Зарафшонда ери камроқ кишилар 4 кишидан иборат гуруҳга бирлашган ва 8 таноб ерга бир ҳашарчи ажратилган. Чирчиқ водийсида ариқларни тозалашда 20 таноб ер ҳисобидан бир ҳашарчи олинган. Ҳар бир гуруҳ ҳашарчи учун ариқнинг маълум қисми ажратиб берилган.

Барча иншоотларда сувни бошқариш учун махсус маъмурият тайинланган. Урта Осиё хонликларида суғориш ва катта ариқларни тозалаш ҳамда таъмирлаш ишларини назорат қилиш бирор тўра ёки амалдорнинг зиммасига юкланарди. Туркистон ўлкасида эса бу ишлар устидан маҳаллий олий ҳукумат томонидан тайинланган ариқ оқсоқоли назорат қилиб турган. Аҳоли ичидан сайлаб қўйиладиган кўп сонли мироблар ана шу тўра ва оқсоқолларга бўйсунган. Тўғонларга қараб туриш учун махсус кишилар — тўғончи ёки соқочи ёлланган.

Сув бериш тартиби ва унинг қанча миқдорда берилишини мироблар белгилаган. Улар муайян маош олмасдан аҳолидан ўзлари йиғиб олган маблағ билан тирикчилик қилганлар. Шунинг учун ҳам миробларнинг аҳволи оғир бўлиб, баъзан амалини сунистеъмом қилишга мажбур бўлганлар. Уддасидан чиққанлар кўпроқ сув олиш билан кифояланмай, ҳатто умумий қондани



паймол қилиб, пора олиб сув сота бошлаганлар. Масалан, 20- йилларга оид бир ҳужжатда: «Сув сотиш гуноҳ бўлишига қарамай, Фарғона вилояти ҳудудида сув сотиш жуда авжига чиққан эди»,— деб ёзилган эди. Айниқса, оқсоқоллар, мироблар ва бошқа маҳаллий маъмурлар бу ишда ўзбошимчалик билан ўз вазифаларини суиистеъмом қилиб, сувни ким кўпроқ пора берса шунга биринчи навбатда берганлар.

Одат бўйича суғориладиган ерларнинг кўпчилигида, айниқса Зарафшон ва Хоразм водийсида, экинлар сувга муҳтож пайтида, сувга танқислик сезилса, ундан навбат билан фойдаланишга қаттиқ риоя қилинган, сув кўпинча чек билан тақсимланган. Биринчи навбатда ариқ этагидаги ерларга, кейин ариқ охиридан иккинчи участкага, сўнг юқориқоққа сув берилган. Зарафшоннинг қуйи оқимидаги экинларни сув билан таъминлаш мақсадида дарёдан сув оладиган катта ариқларнинг ўрта оқимида тўғон қурилган. Бу ариқ мавсумда икки марта—майнинг иккинчи ярмида ва августнинг охирида тўғондан бўшатилар эди. Ҳатто кичик ариқларга ҳам сув навбат билан тақсимланган. Деҳқонлар ўз навбатини сабр-тоқат билан кутар, сувдан фойдаланиш тартибини бузганлар эса қаттиқ жазоланган, сувдан маҳрум қилинган, пул жаримаси тўлаган ва ҳатто қамоққа олинган.

Сув миқдори муайян тартибда ўлчанган. Масалан, «бир сув» (ариқдан бир кеча-кундузда оқиб ўтган сув), «бир тегирмон» ёки «тош» (бир дўл донни тегирмонда тортгунча кетадиган сув), «бир қўш» (бир қўш ҳўкиз билан ҳайдалган ерни суғориш учун етадиган сув) ва «бир қулоқ» каби сув ўлчовлари кенг қўлланилган. Қашқадарёнинг сувга танқис туманларида жамоа фойдаланадиган пайкалларда бир қўш ерга бериладиган сув «мўнди» билан ўлчанган. Мўнди тубида тешиги бор, тахминан ўн литр сув сиғадиган оддий сопол кўзачадан иборат бўлиб, ундаги сув оқиб бўлгунига қараб деҳқонлар сувни ўлчаганлар.

Суғориш усуллари экин турларига қараб ҳам белгиланган. Шоли, беда ва бошқа бошоқли дон экинлари бўлак ёки тахта-тахта қилиб, бостириб суғорилган. Кўп жойларда бостириб суғориш усулидан ерларнинг шўрини ювишда ҳам фойдаланилган. Шўрни ювишдан олдин ер бир неча марта ҳайдалиб яхшилаб мола босилган ва текисланган. Кўпгина экинлар эгатлар орқали ийди-

риб суғорилган. Ерни қатқалоқ босмаслиги учун чопиқ қилинадиган экинларга ёндош эгатлар ёки жўяклар орқали сув оқизилган.

Ўзбек деҳқонлари ерни ботқоқланишдан сақлаш чорасини азалдан билишган. Улар ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун зовурлар қазилган. Масалан, Бухорога яқин жойда қазилган Темур Захкаш деб аталган зовур қадимий иншоотлардан биридир. Сувсизлик ёки сув босиш хавфи маҳаллий деҳқонларни турли-туман маросимлар ўтказиш ва ҳар хил иримларга амал қилишга ундаган.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Ўзбекистонда сув хўжалигини такомиллаштириш, барча суғориш тизимларини таъмирлаш ва янги каналлар қуриш тадбирлари кўрилган эди. Айниқса, Мирзачўлда, Фарғона водийсида, Зарафшонда, Оқдарёда, Шаҳрихон, Захариқ ва Ёзсувда янги ирригация иншоотлари, сув тақсимлагичлар, тўғонлар қуриш ва бошқа ишлар амалга оширилган эди. Қашқадарё вилояти туманларини сув билан таъмин қилиш мақсадида ҳашар йўли билан (14 минг киши иштирок қилган) Лангар канали қурилган. 1939 йилнинг баҳорида 45 та канал ҳашарчилар ёрдамида бунёд этилди. Уша йили ёзда 270 км ли Катта Фарғона каналининг 1,5 ойда қурилиши ўзбек халқи меҳнат жасоратининг намунаси бўлди. Кейинроқ ҳашар усули билан Каттақўрғон сув омбори, Жанубий Тошкент ва Зарафшон каналлари ишга тушган эди. Катта Фарғона каналини қуришда Ўзбекистондан 160 минг, Тожикистондан 20 минг киши қатнашган. Сув қувватидан тўла фойдаланиш мақсадида 1943 йили Урта Осиёда энг йирик бўлган Фарҳод ГЭС ининг қурилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Урушдан кейин пахта якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши сув хўжалигини яна ҳам ўстиришга муҳим омил бўлди. 1980 йилларга келиб, жумҳуриятда 900 дан ортиқ суғориш тизими, умумий сув ҳажми 4,5 млрд. куб-метр бўлган 15 та йирик сув омборлари, 72 та канал, 400 дан ортиқ стационар типдаги сув насослари, 25 та катта сув иншоотлари, 70 минг км коллектор ва дренаж қурилишлари мавжуд эди. Бундай ҳолат деҳқончиликда, бир томондан, ижобий натижалар берса, иккинчи томондан, салбий оқибатларни ҳам юзага келтирган эди. Айниқса, йирик сув омборларини қуриш халқимизни жуда кўп серунум тупроқли ерлардан ажратди,

экинзорлар эса табиий ўғитдан маҳрум бўлди. Ер таги сувларининг кўтарилиши ботқоқликлар ва шўрликларнинг кўпайишига сабаб бўлган эди. Бундай ҳолат Амударё этакларида, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда жуда оғир экологик аҳволни юзага келтирди. Бутун минтақада фожиаи экологик вазиятнинг пайдо бўлиши, Орол муаммоси ҳозирги кунда ҳам бутун инсоиятнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда.

Маҳаллий суғориш тизимини такомиллаштириш, ирригация ишларини яхшилаш учун жуда катта маблағлар талаб қилинади. Зовур қазиш ишлари, сизот сувлардан фойдаланиш, қувур ва шланглар билан суғориш ва бошқа техник янгиликларни анъанавий усуллар билан бирга олиб бориш сув хўжалигининг ривожланишига ёрдам бериши мумкин.

### **ЗИРОАТЧИЛИҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АНЪАНАВИЙ АГРОТЕХНИКА**

Зироатчилик хўжалигининг ривожини биринчи галда унинг техникавий жиҳозланиши ва агротехник билим даражасига боғлиқ. Ўзбек зироатчилиги асримиз арафасида нисбатан қолақ моддий-техника базасига эга бўлган эди. Археологик маълумотларга қараганда, бу ерда зироатчилик қуролларининг кўпчилиги, айниқса ер ҳайдаш ва экин ўриш қуроллари минг йиллар давомида ўзгармай ҳозиргача етиб келган.

Ўзбекистонда жамоа ва шахсий хўжаликларда ерга ишлов бериш қуролларининг анъанавий турлари ҳозир ҳам ишлатилмоқда. Масалан, ерни ҳайдашда ёғочдан ясалган омон (баъзи ерларда сипор, азал) каби қуроллар ишлатилади. Омон бўйинтуриқ ва тиркаш билан молга қўшилган. Ҳайдалган ери текислаш ва кесакларни янчиш учун тахта мола ёки тишли сик мола (дандана) ишлатилган. Ер ишларида бел, кетмон, капча (кичик бел), ҳосил йиғишда ўроқ ва хирмонда панжшөха, ёғоч бел, зағома (тир) каби қуроллар 30-йилларнинг ўрталаригача жуда кенг фойдаланилган, айрим жойларда улар ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса зироатчиликда энг муҳим меҳнат қуроллари омон, кетмон, бел ва ўроқ ҳисобланган. Мазкур қуролларнинг маҳаллий турлари бир оз фарқ қилган. Омон бутун

Ўрта Осиёда деярли бир хилда бўлса-да, табиий-географик шароитга қараб айрим хусусиятларга эга. У икки қисмдан иборат. Яхлит тут ёки ўрик ёғочидан, пасти текис пойли темир ёки чўяндан ясалган тиш (поза) ўрнатилган асосий қисми ва унга тик ҳолда ҳўкиз ёки от қўшиладиган якка шоти беркитилган қисми. Оғир тошлоқ ерларда катта омов, енгил тупроқли ерларда кичик омов ишлатилган. Омовга қараб якка шотининг узунлиги ҳар хил бўлган: 1,75 м дан 2 м гача, Фарғона водийсида 3 м гача, Самарқандда 2,14 м дан 2,8 м гача. Хоразм кундаси бошқа омовлар тишининг бир оз кенг ва ялпоқлиги билан ажралади. Бу эса ерни юмшатибгина қолмай, қатламлаб, ўтларни қирқишга имкон беради. Хоразм кундасининг омовдан афзаллигини асримиз бошларида Н. Н. Александров қайд қилган эди. Шу билан бирга, у икки хил кунда — «ёрма кунда» ва «майда кунда» мавжудлиги тўғрисида ҳам ёзган. Биринчиси каттароқ бўлиб, шиликор ерларни юмшатишда, ариқ ўтказишда, иккинчиси бошқа барча ер ҳайдов ишларида қўлланилган.

Одатда омовга иккита ҳўкиз, баъзи жойларда от ёки туя қўшилган. Бунинг учун бўйтерак ёғочдан ясалган бўйинтуриқ омовга ўрнатилиб, унга ҳўкизлар қўшилган. Бир қўш ҳўкиз билан бир кунда ўртача 1—2 таноб (ярим гектаргача) ер ҳайдалган. Омов ерни ағдармай, фақат юмшатганлиги ва бегона ўтларни бирдан қирқмаганлиги учун ер 5—6 марта ҳайдалган.

Ҳайдалган ерни текислаш ва уруғни сепгач устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Асли икки хил мола бўлган: бири катта, оғир тут ёки ўрик ёғочидан ясалган, узунлиги икки метргача келади, темир ёки чўян тишлар ўрнатилган (сих мола, дандана) ва иккинчиси оддий тахтадан (2,5 м ва ундан узунроқ) ясалган, тишсиз мола, қуриқ қатлоқ ва ажриқли ерларда ҳамда шиликорликда ишлатилган. Бу моладан бошқа ер ишларида ҳам фойдаланилган. Лалмикор (баҳори) ерларда моладан ташқари шох-шаббалардан ясалган чапар билан ҳам ерни молалаганлар. Айрим камбағал ҳўжаликларда омов кўндаланг ётқизирилиб оддий мола шаклида ишлатилган. Молага ҳам бўйинтироқ ўрнатилган қўш ҳўкиз ёки от қўшилган.

Ўзбекистонда қадимдан энг кенг тарқалган ковлангич қурол кетмондир. Айниқса, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент воҳасида ер ишларининг барча

турларида кетмон ишлатилган. Далачилик ва полизчилик экинларини чопиқ қилишда ва суғоришда, боғдорчилик ва узумчиликда, ерга ишлов бериш ва йўлларни тузатишда, қурилиш ва бошқа ишларда кетмон асосий қурол бўлиб хизмат қилган. Кетмонлар шакли, ҳажми ва ишлатилишига қараб фарқланган. Темирдан ясалган тўла ёки ярим гардишли кетмонларга тол дарахтидан соп ўрнатилган.

Хоразм ва Жанубий Ўзбекистонда ер ишларида кўпроқ бел ишлатилган. Хоразм бели конус шаклдаги учи ўткир икки тепки қулоқли (Сурхондарёда бир тепки қулоқли) темирдан ясалган бўлиб, у аравага тупроқ ёки гўнг ортишда ва далага сепишда, ерга ишлов бериш ва ковлашда, қазув ва чопиқда кўпроқ ишлатилган. Сув иншоотларини тозалашда ва суғоришда, пахса қуришда ва бошқа ер ҳамда лой ишларида енгил бел (капча, белча)дан фойдаланилган.

Кетмон ва белнинг маҳаллий турларини картографлаштириш натижасида қуйидаги хулосага келинган эди: XIX аср охири — XX аср бошларида Шимоли-Шарқий Ўзбекистон (Тошкент ва Фарғона воҳаси)да деҳқончилик асбоб-ускуналари ичида асосан кетмон, Марказий Ўзбекистон (Зарафшон водийси) туманларида ҳам асосан кетмон; қўшни Бухоро вилояти туманларида кетмон ҳамда бел ишлатилган; Жанубий Ўзбекистонда, Хоразмда, Урта Амударёда бел кетмонга нисбатан кўпроқ тарқалган.

Ерга ишлов бериш асосан ерни бир неча марта юмоч билан ҳайдаш, мола босиш, сув ва ўғит беришдан иборат. Кўп асрлик тажриба натижасида маҳаллий деҳқонлар экинларни алмашлаб экиш йўлини кашф этганлар. Алмашлаб экиш нафақат ўсимликларнинг хусусиятини билишга, балки фаслга қараб тупроқнинг хусусияти, суғориш имкониятлари ва бошқа зироатчилик сирларини ҳам эгаллашга боғлиқ.

Дон экинлари ўзбек хўжаликларида асримизнинг 30-йилларигача асосий ўринни эгаллаган. Буғдой, жўхори, арпа, шоли каби экинлар экилишидан олдин ерлар кузда ишлов бериб тайёрланган. Баҳорда шудгор қилиб қўйилган майдонлар узунасига ва кўндаланг қилиб икки ёки ундан ҳам кўпроқ марта омоч билан ҳайдалган. Уруғ қўл билан сепилган ва унинг устига мола босилган. Дон экилган далалар икки марта суғо-

рилган: биринчи марта энди ўниб чиққан пайтда ва иккинчи марта бошоқ отиш олдидан сув берилган.

Барча дон экинлари, беда ва хашак ўроқ билан ўрилган. Маҳаллий ўроқлар деярли бир хил, фақат катта-кичиклиги ва тиғининг шакли билан фарқланган. Хоразм ўроғи ўзига хос шакли ва майда тиши билан ажралади. Бундай ўроқлар Дарвоз, Қоратегин ва Ёзулом тожикларида ҳам учрайди.

Ўрилган ғаллани хирмон қилиб от, хўкиз ёки эшак билан тепкилаб янчиб шамолга айри, сешоха ёки панжшоха ва ёғоч белкурак билан совурганлар. Баъзи хўжаликларда ишчи, мол етишмаганлигидан шох-шаббалардан ясалган чопар, кичик хирмонларда ёғоч тўқмоқ ёки қулоғоч (Фарғона водийси ва Тошкент воҳаси) ва даскун (Зарафшон водийси) ишлатилган. Хирмон ишларида ғалвир (тир), чигил, супурги, қанор-қоп ва бошқа қурол-буюмлардан фойдаланилган.

Зироатчиликда ҳосилдорликни ошириш учун муҳим тадбирлардан бири ўғитлашдир. Асосан барча ерда кўпчилик экинларга соф гўнг ишлатилган. Бадавлат деҳқон хўжаликларида ҳар йили, камбағалларида ҳар 2—3 йилда бир марта куз фаслидан бошлаб қиш бўйи далаларга гўнг чиқарилган. Баъзи жойларда (Хоразм ва Зарафшон воҳасида) гўнг қум билан аралаштириб ишлатилган. Эски харобалардаги кесак (пахса) ва дарё лойқаси ҳам ўғит вазифасини бажарган. Тошкент ва Хоразмда томорқалар кесак аралаш нажас билан ҳам ўғитланган. Қўшни қишлоқлардан махсус мижозлар нажас олиб кетганлар ва далаларни ўғитлаганлар. Шоликор ерларда шолিপоя билан ўғитланилган.

Маҳаллий деҳқонлар қадимдан ҳосилдорликни ошириш учун шудгор қилиш, алмашлаб экиш, партов ер қолдириш каби муҳим агротехник тадбирларга амал қилиб келганлар. Масалан, пахта беда ёки жўхори билан, буғдой, тарик, жўхори, лобие ёки мош билан алмаштирилиб экилган.

Деҳқончиликда фенологик билимлар муҳим аҳамиятга эга. Илмий метеорология ва астрономиядан беҳабар деҳқон асрлар давомида табиатни кузатиш натижасида оддий астрономия билимлари асосида халқ календарини ишлаб чиққан. Қишлоқ хўжалигида зарур бўлган календарь 90 циклдан иборат бўлиб ҳар фасл 90 кунга бўлинган: баҳорги тўқсон (ҳамал, савр, жав-

за), ёзги тўқсон (саратон, асад, сунбула), кузги тўқсон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўқсон (жаддий, далв, ҳут). Ёзги жазирама иссиқ ва қишки совуқ даврлар қатта ва кичик чиллага бўлинган. Баҳорнинг келиши ҳамалдан, жанубий районларда ҳутдан бошланган. Баҳор оининг кутилиши, яъни деҳқончилик ишларининг бошланиши асли юлдузларга, илк қушларнинг учиб келиши ва бошқа фенологик кузатишларга қараб белгиланган.

Маҳаллий деҳқонлар руҳонийлар иштирокида тузилган рисолага эга бўлганлар. Унда ҳазрат Одамдан ва Деҳқон отадан бошлаб зироатчиликка оид ҳар хил диний афсона ва ривоятлар, ишлаб чиқаришга оид маслаҳатлар ва айрим талаблар баён этилган. Деҳқонлар табиий офатлар ва бозор конъюктураси олдида ожиз бўлиб, турли иримлар ва хурофотларга амал қилиб келганлар.

Ўзбекистонда зироатчиликнинг йирик соҳаларидан бири ғаллакорлик ҳисобланган. Бу соҳадаги бош экин буғдойдир, кейин макка ва оқ жўхори, арпа, шоли, сули, тариқ, мош, лобиё ва ҳоказолардир. 1915 йилда Туркистон ўлкасидаги экин экиладиган ерларнинг ярмидан кўпи, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги ерларнинг 2/3 қисми буғдой билан банд бўлган. Асосан уч хил буғдой турлари экилган. Улар хўжалик эҳтиёжларини қондирган ҳамда товар характериға эга бўлган, яъни бозорга чиқарилган. Буғдой турларидан «оқ буғдой», «қора буғдой», «лайлак буғдой», «туя тиши», тоғли туманларда совуққа чидамли «чивит» тарқалган. Арпа маҳаллий хўжаликларда нафақат отларға ем сифатида, балки камбағал оилаларға нон учун ҳам экилган. Шу мақсадда тариқнинг айрим турлари, ундан кейин жўхори ҳам экилган. Зарафшон ва Фарғона водийларида жўхорининг бир неча турлари: «калтапоя», «йўғонпоя», «узунпоя» ёки «ширинпоя», Хоразмда матхоп, ясмоқ, каттабош кабилар маълум бўлган. Бу ерда шакарқамиш («болчинггириқ») ҳам экилган.

Жуда оз экиладиган экин тури маккажўхоридир. Жўхори бошоқлари асосан нон ва овқатға ишлатилган, аммо унинг айрим турлари молға ем учун махсус экилган («ғовуш»). Маккажўхори кўпроқ Фарғона ва Сурхондарё воҳасида экилган. Баъзан жўхори билан бирға мош ёки лобиё экканлар. Унинг пояси ем-хашакка ишлатилган.

Зироатчиликда энг кўп эътибор ва меҳнат талаб қиладиган экин шолидир. Ўзбекларнинг ҳимматли ва сеvimли маҳсулоти ҳисобланган гуруч (шоли)ни экиб парвариш қилишда жуда кўп сув талаб қилинган. Унинг ҳам бир неча турлари мавжуд: «оқ шоли», «қизил шоли», «арпа шоли», «девзира». Шоли уруғи маҳсус уват (Хоразмда чел) билан бўлинган кулчаларга қўл билан сепилиб, баъзан кўчат қилиб экилиб, бир неча кунлаб сувда сақланган, кейин жиддий равишда ўтов қилиб курмак ва қамишлардан тозаланган. Шолининг эртапишар турлари 15—16, кўпчилиги асосан 17—18 ҳафтада пишиб етилган. Халқ орасида тарқалган «саксонда савоқда, тўқсонда товоқда» деган ибора шолига тегишлидир. Уни парвариш қилиш учун катта маҳорат талаб қилинган, чунки ўз вақтида сув бериб ўтов қилиб турилмаса ҳосил бўлмайди. Айрим жойларда (Кўқонда) шолидан икки марта ҳосил олинган (эрта пишар «хонаки» нави). Шолини ҳам буғдой сингари хирмон қилиб янчганлар, ғалвир билан тозалаб шоли-поясини ем-хашакка, сомонини қурилишга ишлатганлар. Шолини гуручга маҳсус сув жувозларда ва келида тозалаганлар.

Маҳаллий хўжаликларда қадимдан дуккакли экинлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса мош кенг тарқалган. Нўхот ва лобиё ҳам халқ орасида сеvimли ҳисобланган. Бой хўжаликларда бир неча маҳсус дон омборлари (ғаллахона) мавжуд бўлган, кўпчилик деҳқонлар донни лой шувоқли ўра қазиб сақлаганлар. Зарафшон ўзбекларида 2—2,5 м чуқурликда, конус шаклида, туби сомон билан шуволган ва 1,5 м келадиган ўрада сақланган. Уруғлик донлар ажратиб қопларга солиб қўйилган. Хоразмда донни анъанавий омборхоналардан ташқари талак (болахона)да сақлаганлар. Сомон ва похол маҳсус сомонхонада тўпланган.

Ун тортиш табиий-географик шароитга қараб фарқланган. Ун сув сероб жойларда сув тегирмонида, Зарафшон қуйи оқими, Қашқадарё водийси ва Хоразмда ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган «харос» ёки «қаш-каш»да тортилган. Илгари қишлоқларда, айниқса ярим кўчманчи дашт ўзбекларида ва Хоразмда қўл тегирмони ва ёрғучоқлар ҳам кўп ишлатилган.

Шолини ҳам маҳсус сув билан ҳаракатга келтириладиган обжувозда янчганлар. Хоразмда «дапма» (жувоз) ҳайвон кучида ишлаган. Барча деҳқон хўжа-



ликларида шоли ва бошқа донларни янчадиган сўқи (кели) бўлган.

Техник экинлардан пахта чигити, кунжут, кандир, зиғир, махсарлар махсус мой жувозларда янчилик улардан ёғ чиқарилган. Зиғир ва кандир пояларидан арқон, қоп учун ип ўрилган. Ёғ ишлаб чиқаришда қовун уруғидан ҳам фойдаланилган, баъзан унга кунжут ёки зиғир қўшилиб чиқарилган.

Деҳқончиликда энг муҳим техник экинлардан ҳисобланган пахта ўзбек халқининг кейинги бир ярим асрлик тарихида алоҳида ўринни эгаллади. Ҳатто чор ҳокимиятининг ҳукмронлиги даврида экин қанча кенгаймасин унинг ягона ҳокимлиги ўрнатилмаган. XIX аср охирида Туркистон ўлкасида суғориладиган барча майдоннинг 6,4 фоизига пахта экилган, холос. Бухоро амирлигида 6,2 фоиз, Хива хонлигида 14,3 фоиз экин майдони пахта билан банд бўлган. Совет мустамлакачилиги ўрнатилгандан кейин аҳвол бутунлай ўзгариб, Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги юзага келди. Оқибатда анъанавий зироатчилик хўжалиги бузилиб, фожиали аҳвол пайдо бўлди.

1917 йилгача бу ерда икки хил чигит — маҳаллий «ғўза» (ғўвача) ва «амиркони» навлари экилган. Маҳаллий турлардан тўрт хил: Бухорои, Қўқон, Хива ва Маллағўза ўзбек хонликларининг асосан барча ерларида экилган. Туркистон ўлкасида амиркони чигити маҳаллий навларни сиқиб чиқарган. Амиркони ҳам бир неча навларга бўлинган: кўкчигит, маллачигит, қорачигит ва оқчигит. Янги хилдаги чигитларнинг пайдо бўлиши маҳаллий деҳқончилик усулларига ҳам айрим янгиликлар киритган эди. Аммо меҳнат қуроллари ўзгармай эски омоқ, мола ва кетмон ишлатилган. Яғналаш, ўташ ва териш қўл меҳнати билан амалга оширилган.

Деҳқон ҳосилнинг кўп қисмини ўз хўжалигида ишлатган: пахтани қўл билан оддий дастгоҳ (чигирик)да тозалаб, чигитни ёғ жувозда чиқариб, толасидан ип йиғириб, бўз ва бошқа газламалар тўқишда фойдаланган. Бир қисмини судхўр ва савдогарлар орқали, баъзан ўзи бозорга чиқарган.

Совет даврида мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъмин қилиш учун Ўзбекистонда бутун деҳқончиликда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса зироатчилик тузилмасида пахта якка ҳокимлиги ўрнатилиб, бошқа

анъанавий экинлар сиқиб чиқарилди ёки жуда ҳам камайиб кетди. Қолхоз-совхоз тузуми совет мустамлақчилигига жуда қўл келди, ўзбек деҳқони замонавий агротехника ва машиналар сингари янги тузумнинг тилсиз винтига айланди. Натижада асрлар давомида кўп қиррали қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий қисми бўлган зироатчилик бир томонлама ривожлана бошлади. Сўзда мажмуий хўжалик, амалда пахта ҳокимлиги туфайли анъанавий деҳқончилик бузилди, экологик ва ижтимоий жиҳатдан фожиали оқибатлар пайдо бўлди.

Ўзбеклар энг қадимги даврлардан сабзавотчилик ва полиз экинларини парвариш қилишга ўрганганлар. Уларнинг миллий таомларида полиз ва сабзавот маҳсулотлари алоҳида ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳар бир деҳқон оиласининг томорқасида сабзи, пиёз, лавлаги, қалампир, шолғом, турп каби полиз экинлари, айрим пайкалларда қовун, тарвуз, қовоқ, торра (тарнак) ва бодринг экилган. Асримиз бошларидан картошка, карам, помидор, редиска, бақлажон кабилар кенг тарқала бошлаган.

Утган асрда тадқиқотчилар ўзбек қовунларига юксак баҳо берганлар. Бобур асарларига ва бошқа тарихий манбаларга қараганда, ўрта асрларда Фарғона, Бухоро ва Хоразм қовунлари бутун Шарқда машҳур бўлган, ҳатто узоқ Бағдодга жўнатилган. Айниқса дарё соҳилларида экилган қовунлар ширинлиги билан ажралиб турган. Ўзбеклар қовуннинг айрим навларини кейинги ҳосилгача сақлай билганлар. Эрта чиқадиган ҳандалакдан тортиб ёзги ва қишги қовун турларигача ҳар жойда ўзига хос хусусиятлари ва номлари билан ажралиб турган. Бутун минтақада ва ундан чеккаларгача Хоразм қовунлари (гурвак, гулаби, бечак, қариқиз, ола қовун, бекзоти ва ҳ. к.) донг чиқарган. Ҳозир ҳам илгаригидек қовун-тарвузлар сеvimли полиз экинларидан ҳисобланади.

Анъанавий полиз экинларидан ҳособланган пиёз ва сабзи ҳам анча меҳнат талаб қилади. Эрта баҳорда экиладиган бошпиёз жуда кўп истеъмол қилинади. Мушак, мирзои номли сабзи навлари энг сеvimли ва кўп ишлатилади. Сабзи-пиёзни экиш ва йиғиш қўл меҳнати билан амалга оширилади.

Томорқаларда экиладиган сабзавотларнинг турлари жуда кўп. Улар ўзбек миллий таомларининг ранг-баранглиги ва кўп хиллиги туфайли янада бойиб, кўпайиб

бормоқда. Шивит, петрушка, кашнич, лавлаги, қалампир ва бошқа полиз экинлари ҳар бир деҳқон хўжалигида доимо мавжуд. Деҳқонлар полиз экинларини йил бўйи сақлаш маҳоратини эгаллаганлар ва бир фаслда бир неча ҳосил ола билганлар.

Боғдорчилик ва узумчилик ўзбекларнинг энг қадимий касбларидан. Қулай табиий иқлим шароити бу ерда қадимдан ҳар хил мева ва узум навларини парвариш қилишга имкон яратган. Деярли ҳамма қишлоқ хўжалигида ўзининг боғ-роғи, узум-токи ёки бир неча мевали дарахти бўлган. Айрим ток ва мева дарахтлари шаҳар аҳолиси ҳовлиларида ҳам парвариш қилинган. Одатда боғ пахса ёки гуваладан девор қилиб ўралган, девор бўйлаб тол-терақлар, тут ва ўрик дарахтлари экилган. Айрим ҳовлиларда боғ ичида ҳовуз бўлиб, унинг теварагида тол, гужум ёки сада дарахтлари экилган. Жазирама иссиқда дам олиш учун ҳовуз бўйида супа ҳам бўлган.

Боғларда тоқлар алоҳида, мева дарахтлари алоҳида экилган. Кўп хўжаликларда ер танқислигидан дарахтлар орасида беда ёки полиз экинлари ҳам ўстирилган. Ҳар бир ҳовлида албатта гуллар (атиргул, райҳон, ўсма, хина ва Ҳ. к.) парвариш қилинган. Тоғ этагидаги ва тоғли хўжаликлар махсус ёнғоқ, бодом ва ўрик дарахтларини ўстирганлар.

Ўзбекистондаги айрим боғдорчилик районлари ихтисослаштирилган. Масалан, Фарғона водийсида данакли мева дарахтлари, айниқса ўрик, анор, шафтоли кўпроқ машҳур, бу ерда кўрага ва кишмишнинг олий навлари тайёрланган. Зарафшон ва Фарғона водийларида махсус ўрикзорлар бўлган. Боғбонлар нок, олма ва узумни узоқ сақлаш маҳоратини билганлар. Марғилон, Наманган ва Андижонда шафтолининг ажойиб турлари, Сурхондарё ва Қувада анор етиштирилган. Бутун водийда маҳаллий аҳоли тутни қуритиб, баъзан ун қилиб, толқон ёки нон шаклида истеъмол қилган, тут шинниси тайёрланган. Тут турларидан балхитут, беданатут, қоратут, шотут, хўросон тутлар кенг тарқалган. Олма ва нок унча кўп парвариш қилинмаган. Ҳозиргача энг машҳури Хазорасп олмасидир. Нокнинг турлари кўпроқ: гулоби (илк нави), ношвоти (кечки, қишга сақланадиган), алмурди дилфруз (майда, юмшоқ) ва ҳоказо. Кўп жойларда анжир ўстирилиб, у ҳам қишги ва ёзги навларга эга (сарик ва қора). Беҳи дарахтини кўп хўжаликлар

парвариш қилганлар. Севимли ва кенг тарқалган мевалардан жийда диққатга сазовордир. Ёнғоқ ҳовлиларда ва тўқайзорларда ҳатто ёввойи ҳолда ўсиб келмоқда.

Узум энг қадимий ва кенг тарқалган севимли озуқалардан. Фарғона тоғ тизмалари ва бошқа тоғли туманларда денгиз сатҳидан 1500 м баландликда ёввойи узум навларини ўстириш мумкин. Пском водийси ва Чотқол тоғи оралиғида ёнғоқзорлар орасида ҳозиргача ёввойи ток навдаси дарахтларга чирмашиб ўсмоқда. Тўнтаришдан илгари 30 дан ортиқ узум навлари маълум бўлган. Шулардан энг эртаги серҳосил чиллаки ва ширин чарос, қора ва оқ кишмиш, Қаттақўрғон, ҳусайни, маска, шакарак, султони кабилар машҳур бўлган. Зарафшон водийсида узумнинг ширалиги билан ажралиб турган 24 та нави маълум. Бу ерда ток сўрисиз ерда ёйилиб экилган. Хоразмда сўрини тол навдасидан пештоқ шаклида кўтарганлар.

Узум маҳсулотининг кўп қисми янги мева вақтида истеъмол қилинган, ярмига яқини кишмишга ишлатилган, айрим навларидан (ҳусайни, буваки ва ҳ. к.) шинни тайёрланган. Шиннидан эса сув билан аралаштирилиб, бижғитилиб мусаллас ичимлиги тайёрланган ва кўзаларга солиниб зироварлар қўшиб сақланган. Икки ойдан кейин мусаллас ажойиб шаробга айланган. Чор ҳукумати давридан бошлаб жуда кўп миқдорда узум маҳсулотлари Россияга жўнатилган. Тўнтаришдан аввал Ўзбекистондан Россия ва Сибирга ҳар йили 30—35 минг пуд узум ва ярим миллион пудга яқин майиз юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳозир ҳам ўзининг боғдорчилиги ва узумзорлари билан машҳур. 1924 йилда мевали дарахтли майдонлар 13,6 минг га, узумзорлар билан 25,3 минг га ни эгаллаган бўлса, 1986 йилда мевали боғлар 208,3 минг га ва узумзорлар 130,6 минг га ҳудудга жойлашган эди. Айрим вилоятлар мева етиштиришга ихтисослаштирилган. Масалан, Зарафшон водийси олий сифатли кишмиш тайёрлашда асосий база ҳисобланади. Бу ерда жумҳуриятдаги узумзорларнинг ярмидан кўпи жойлашган ва бутун тайёрланадиган кишмишнинг 1/3 қисми шу ерда етиштирилади. Фарғона водийси данакли меваларнинг бош макони бўлиб, машҳур қаҳрабо рангли ўрик, кишмиш, анор ва шафтолиси билан танилган. Жанубий Ўзбекистонда анъанавий қимматли мева дарахтларидан анор, анжир, бодом, писта

билан бирга янги цитрус экинлар ва хурмо етиштирилади. Тошкент вилоятидаги боғларнинг 70 фоизи олма ва нок билан банд. Яқин даврларгача Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари ўзининг ажойиб боғ-роғлари билан машҳур эди. Пахта яккаҳокимлиги сиёсати туфайли анъанавий хўжалик соҳалари ўзгариб бу вилоятлар ўз мевазорларидан маҳрум бўлди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан аста-секин мазкур жиддий хатолар тузатила бошланди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилмоқда, деҳқончиликда анъанавий хўжаликлар тикланмоқда.

### ЧОРВАЧИЛИК

Ўзбеклар қадим даврлардан чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Аммо ўтроқ аҳоли билан ярим ўтроқ аҳоли орасида турли хилдаги чорва хўжалиги мавжуд бўлган. Илгари кўчманчи бўлган қабилалардан Мовароуннаҳр турклари, Дашти қипчоқдан келиб жойлашган кўчманчи ўзбеклар ярим ўтроқ ҳолда яшаб чорвачилик билан шуғулланганлар. Айниқса қўнғирот, лоқай, қарлуқ, турк каби йирик қабилаларнинг авлодлари чорвадор ҳисобланганлар. Улар баҳорда қўйлар болалагандан кейин подани тоғли ва адирлардаги яйловларга ёки дашт ўтлоқларига ҳайдаб чиққанлар. Одатда яйловларда аёллар ва ўсмирлар бўлган, эркеклар водийда деҳқончилик ишлари билан банд бўлиб, вақт-вақти билан яйловга чиқиб озик-овқат етказиб турганлар. Улар асосан яйлов чорвачилигида қўй-қўзиларни боққанлар. Ярим ўтроқ ўзбеклар қўйчиликка алоҳида меҳр қўйган ва бу узоқ тарихий анъанага эга. Халқ орасида тарқалган турли афсона ва ривоятларда қўй жаннатдан келтирилган, деб ҳикоя қилинади. Ҳозиргача чўпонлар ўзининг рисоласи ва пирига эга. Уларнинг пири Чўпон ота ҳисобланиб, чўпон бўлиш худонинг марҳамати, шунинг учун у жуда ҳурматли касб деб қаралган.

Ўзбек чорвачилигида қоракўлчиликка айниқса эътибор катта бўлган, думбали қўйлар ҳам кўп боқилган. Қоракўл қўйлари асосан текисликлардаги яйловларда боқилган. Кузга яқин ҳосил йиғилгандан кейин подалар яйловлардан қайтарилиб қишлоқдаги махсус ажратилган қўтонларда сақланган. Улар қишлоқ атрофи-

даги далаларда боқилиб, кечалари қўтонларда тўпланган. Кейинги баҳорда қўй-қўзилар яна яйловларга чиқарилган. Ундан олдин қўйларнинг биринчи марта жунини қирқишган, кейин узоқ яйловларга кўчилган.

Қўйларнинг думбали ҳисори насллари айниқса Жанубий Ўзбекистонда ва Тожикистонда кўпроқ бўлган. Улар кўпроқ тоғли яйловларда кузнинг ўрталаригача боқилган, кейин водийга ҳайдаб келтирилиб, кузги жунни қирқиб ва қочириб бўлганча қишлоқ атрофидаги ўтлоқларда ва оғилхоналарда боқилган.

Экстенсив хўжалик шароитида чорвачиликка эътибор зўр бўлган ва узоқ давр тўпланган амалий тажрибага таянган ҳолда авлоддан-авлодга етиб келган. Элда машҳур чўпонлар авлоди мавжуд бўлган. Камбағал оилалар одатда 10—15 хўжаликка бирикиб атоқли чўпонлардан ёллаб тайинланган ва уларга ёрдамчи сифатида икки-уч ўғил бола ажратилган. Чўпон меҳнати учун шартнома асосида қўй, натура маҳсулот ёки пул билан ҳисоблашган.

Қўйчилик асосан сотишга мўлжалланган. Дашт районларда қоракўлчилик ривожланган ва бозорга чиқарилган. Қоракўл териларини илгари махсус савдогарлар ўз вакиллари орқали териб олганлар, барра гўшти шаҳар (қишлоқ) бозорларига чиқарилган. Қоракўл гўштлири жуда ширин бўлганлиги учун улар тирик ҳолда шаҳардаги қассобларга келтириб сотилган. Махсус молфурушлар, молжаллоблар аср бошларида, март ойларида, масалан, Бухоро амирлигидан минглаб қўйларни пода-пода қилиб Зарафшон водийсига ҳайдаб келтирганлар. Уларнинг жунини қирқиб баъзан шаҳардаги ўзбекларга оғилхонада боқиншга ёки махсус чўпонларни ёллаб топширганлар. Подаларни Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларидаги ёзги яйловларда боқиб август ойидан шаҳар бозорига чиқара бошлаганлар. Фарғона водийсидаги молфурушлар Қирғизистон тоғларидаги қўйчилардан кўплаб пода сотиб олиб ўзларига боқтирганлар, қишда водийга ҳайдаб келиб пуллаганлар. Катта бойлар ҳам молфурушлик қилганлар.

Қўй жуни ҳам бозорга чиқарилган. Ундан айрим хўжаликларда кигиз, палас, гилам, қоп ва хуржун ишлаб чиқарилган ва қисман савдо қилинган. Қўй терисидан пўстин ва телпак, шунингдек тўшама, меш, саноч ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ясалган.

Кўпчилик ўзбеклар эчки гўштини «совуқлик» деб истеъмол қилганлар. Унинг жунидан хўжаликда зарур арқон ва ип эшилган, терисидан пойабзал тикилган, меш ҳамда саноч ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда ангор эчкиларини парвариш қилиш Фарғона водийсида авж олади. Бундай эчкиларнинг жуни юқори сифатли бўлиб, улардан ажойиб гиламлар ва тивит рўмоллар тўқилган.

Деҳқончиликда йирик шохли моллардан энг зарур иш кучи сифатида ҳўкизларни алоҳида парвариш қилганлар. Қўйчиликдагидек, йирик шохли моллар ҳам махсус ўтроқ деҳқонларга харид қилинган. Хоразмда асосан мол гўштини, Фарғона ва Зарафшон водийларида кўпроқ қўй гўштини истеъмол қилганлар. Тўймаъракаларда бузоқ ва ғунажинлар сўйилган.

Ўзбекистонда қадимги даврлардан йилқичилик ҳам анча ривожланган. Афсонавий отлар халқ ижодида, дoston ва ривоятларда, шоирлар ва бахшилар тилида куйланган. Отлар миниш, аравага қўшиш ҳамда юк ташиш учун парвариш қилинган. Ўзбекларда кўчманчи элатлардагидек йилқилар уюри, яъни биялар тўдаси бўлмаган, аммо юқори сифатли от навларига қизиқиш зўр бўлган. Ҳозиргача сақланиб келган афсонавий отлар нафақат ривоятларда, топонимик (масалан, Хазорасп) ва диний эътиқодларда (тотемистик тасаввурларда) ҳам намоён бўлган. Шарқий Бухородаги айрим қабилаларда (лоқай, марка ва ҳ. к.) уюрли отлар сақланган. Кўпинча отлар Самарқанд, Фарғона, Қўқонда ва қўшни ўлкаларда сотилган. Маҳаллий аҳоли айниқса қорабайир, лоқай каби навларни парвариш қилган.

Дашт ва саҳро зонасида яшовчи ўзбеклар туячилик билан шуғулланганлар. Бу соҳа айниқса Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида яшовчи аҳолига маълум. Туялардан асосан юк ташишда, баъзан хўжалик ишларида, кўпроқ карвон савдосида фойдаланилган. Туялар одатда даштда чўпонсиз боқилган, унча парвариш талаб қилинмайдиган мол. Ундан туя эгаси жун, сут ва гўшт олган. Ўзбекистоннинг жанубида асосан бир ўрқачли, шимолий районларида эса икки ўрқачли нор туялар парвариш қилинган.

Ўтроқ зироатчилик билан шуғулланувчи ўзбекларда чорвачилик унча ривожланмаган, чунки суғорма ер танқислигидан ҳашак етмаган. Маҳаллий деҳқонлар оз сонли сигир, эчки ва қўйни сут-қатиқ ва гўшт учун, от

ва эшакни миниш ва юк ташиш учун парвариш қилганлар. От-арава ва хўкизлар кўпроқ бой-бақувват оилаларда бўлган. Ишчи ҳайвонлар ҳам асосан бойларда бўлиб камбағал деҳқонлар улардан корандага олиб ишлатганлар. Утроқ аҳоли ўз моллари ва қўй-эчкиларини жамоа бўлиб махсус ёлланган чўпонларга боқтирган ёки офилхонада сақлаб боққанлар. Камбағал оилаларда миниш, юк ташиш ва бошқа хўжалик ишларида эшак ёки хачирдан фойдаланилган.

Паррандачилик ўзбекларда кенг тарқалмаган. Аммо кўп оилаларда улар гўшт ва тухум учун сақланган. Айниқса Хоразмда товуқ гўштидан турли таомлар тайёрланган. Товуқ гўшти, сарёгда пиширилган палов тансиқ таомлардан ҳисобланган.

Ҳозирги даврда анъанавий чорва хўжаликлари жамоа ва давлат хўжаликларида бириктирилган ва замонавий техника ва ем-хашак билан таъминланган. Якка хўжаликларда қўй-эчки, парранда ва мол парвариш қилинади. Шаҳарда ем-хашак етмаслигидан чорва фақат айрим хўжаликларда, шахсий ҳовлиларда мавжуд. Айниқса тоғ этаги ва дашт туманларидаги йирик жамоа хўжаликларида чорвадорлик муҳим соҳа ҳисобланади ва унга эътибор ҳам катта. Пахтакор туманларда ҳам чорвачиликка имконияти борича эътибор бериш талаб этилади.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида қорақўлчилик анча ривожланган. Бу ерда махсус жамоа хўжаликлари мавжуд. Фарғона вилоятидаги баъзи жамоа хўжаликларида чорвачилик анъаналари сақланган. Улар қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон яйловларидан ҳам фойдаланадилар. Эчкичилик бутун вилоятларда тарқалган. Фарғона водийсидаги жамоа хўжаликларида урчитиш йўли билан ангор ва маҳаллий эчкилардан янги зотлар етиштирилган.

Утроқ деҳқон хўжаликларида анъанавий пиллачилик ривожланган. Илгари пилла етказиш ёрдамчи хўжалик соҳаси ҳисобланиб, унда фақат хотинлар банд бўлган. Ҳатто ипак уруғи (қурти)ни аёллар қўлтиғида халтачада сақлаб парвариш қилган. Пилла етказадиган хоналар жиҳозланмаган. Зарур иссиқлик ва ҳаво етишмаган. Оқибатда ипак қурти яхши парвариш қилинмаганлигидан пилла ўз вақтида пишиб етилмаган ва сифати паст бўлган. Ипак қурти уруғини олиш корхоналари



кам маҳсулот берган. Уруғ етмаслигидан уни Италия ва Туркиядан юқори нархда сотиб олишга мажбур бўлганлар.

Ҳозир жамоа хўжаликларига ипакчилик замонавий агротехникага асосланган. Кўпчилиги катта даромадли хўжалик соҳасига айланган. Бу ишда ҳозир ҳам аёллар асосий ролни ўйнайдилар. Эркаклар ишхона ва тахтасупаларни тайёрлайдилар, озуқа (япроқ) етказиб берадилар. Ипак қурти тайёрлайдиган махсус корхоналар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари мавжуд. Жамоа хўжаликларига ипакчилик учун махсус рўзгорлар етиштирилган.

Шундай қилиб, ўзбек деҳқончилиги узоқ тарихий тажрибага эга бўлиб, ўзининг аъъанавий соҳаларини сақлабгина қолмай, балки янги замонавий агротехника ва фан ютуқларига таяниб юқори даражага кўтарилган. Қишлоқ хўжалиги кўпгина қийинчиликларни бошдан кечириб, ўзбек халқининг табиий истеъдоди, меҳнат-севарлиги ва шижоатлилиги туфайли анча ривожланган жамоа хўжаликларини юзага келтирди.

Зироатчиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида замонавий агротехника, ирригация иншоотлари, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш натижасида Ўзбекистон Республикаси илғор агросаноат мамлакатларидан бирига айланди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва маданияти, ижтимоий шароити анча яхшиланди. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, ўзбек деҳқонларининг ўз ерига ўзи хўжайин бўлиши уларнинг моддий ва маданий турмушининг яна ҳам юксалишига замин яратиб берди.

## **ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА УИ-РЎЗГОР ҚАСБЛАРИ**

Ўзбекистонда ўтказилган археологик тадқиқотлар бу ерда икки минг йиллар муқаддам кенг ривожланган хунармандчилик мавжуд эканлигини исботлади. Бу даврда синфий жамиятлар пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизда хунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан. Оқибатда шаҳарларнинг ўсиши, савдо-сотиқнинг ривожланиши рўй беради. Бутун минтақада йирик шаҳарлар нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки сиёсий ва маданий марказларга айлана бошлаган.

Айниқса IX—XII асрларда хунармандчилик кенг

миқёсда ривожланиб, Урта Осиёнинг, шу жумладан Ўзбек элининг ҳам чет эллар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олади. Маҳаллий ҳунармандчилик халқ хўжалигига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб техник ва бадиий жиҳатдан юксак даражага кўтарилади. Ўзбек хонликлари даврида пойтахтларда зодагонлар, бой-тўралар ва ҳокимлар эҳтиёжларини қондирадиган ҳашаматли бинолар, турли зебу-зийнатлар яратадиган касб-ҳунарлар анча ривожланади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига зарур маҳсулотлар етказиб берадиган ҳар хил ҳунармандчилик соҳалари пайдо бўлади.

Одатда ҳунармандчиликнинг энг камида 32 хил мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойга шаҳар деб ном берилган. 1897 йили биринчи аҳоли рўйхати вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми ҳунармандлар ҳисобланган. Масалан, Наманган аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг — 52 фоизи, Чустнинг — 54 фоизи, Марғилоннинг — 50 фоизи, Андижоннинг — 45 фоизи, Тошкент ва Самарқанд аҳолисининг 29 фоизи мустақил касб-ҳунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлган. Иккинчи катта ижтимоий табақани айрим маҳалла савдо расталарида жойлашган савдогарлар ва даллоллар ташкил қилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ўтмишда ўтроқ ўзбеклар нафақат қўшни кўчманчи элатлар маҳсулотини истеъмол (харид) қилувчилар, балки улар учун зарур ҳунармандчилик маҳсулотларини етказиб берувчилар сифатида ҳам намоён бўлган. Шунинг учун маҳаллий усталар кўплаб тери ва жундан, ёғоч ва металлдан, пахта ва ипакдан турли буюмлар, кийим-кечакларни ишлаб чиқиб бозорларда сотганлар. Урта аср ҳунармандларининг яна бир хусусияти (айрим одатлари бизгача етиб келган) уларнинг муайян ижтимоий ташкилотларга эга бўлишида эди. Бу ўзига хос жамоачилик анъаналарига таянган маҳсус уюшмаларга бирикиш эди. Асли мазкур уюшмалар ҳунармандчилик техникаси ва ишлаб чиқариш характери билан боғлиқ ва ўз ҳамкасблари манфаатини кўриқлаш мақсадида ташкил топган ташкилотлардир.

Ўзбек ҳунармандчилигининг яна бир хусусияти унинг кўп соҳаларининг бевосита уй-рўзгор хўжалиги билан боғлиқлиги эди. Кўп ҳунармандлар асосий касбидан ташқари айниқса қишлоқ шароитида (баъзан шаҳарда ҳам) дехқончилик, боғдорчилик ва сабзавот-

чилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Уларнинг кўпчилик қисми ўз маҳсулотларини яқин бозорга чиқарибгина қолмай, ишлаб чиқилган маҳсулотига қараб натура билан ҳам ҳақ олганлар (ғалла ёки мол билан). Бундай ҳолат қишлоқ жамоачилиги анъаналари билан боғлиқ бўлиб, даставвал ҳамқишлоқлар эҳтиёжларига бўйсунган. Уй ҳунармандчилигида ип йигириш, тўқиш, кигиз босиш каби касблар билан шуғулланилган. Тўқимачиликда ғилам ва палос биринчи ғалда турар эди.

Ҳунарманчилик равнақи ишлаб чиқарувчи кучлар ва товар-пул муносабатларининг ривожига, натурал рентанинг пул билан алмашинувига боғлиқ. Янги даврда мазкур жараённинг рўй бериши Туркистон ўлкасида шаҳар ва қишлоқларда бозорларнинг кўпайишида, ташқи савдонинг кучайишида ўз ифодасини топган. Хонликлардан моллар карвонлар орқали Россия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Афғонистонга жўнатишган. Масалан, баҳор келиши билан ҳар йили Хоразм воҳасидан икки мингга яқин туядан иборат карвонлар сафарга чиққан. Россия билан алоқа қилаётган савдогарларни Хоразмда қалачи, Бухоро, Афғонистон ва Эрон билан савдо қилувчиларни бухорочи деб атаганлар.

Иш қуролларининг оддийлиги, техникавий жиҳатдан қолақлигига қарамай ўзбек ҳунармандчилигининг кўп соҳалари ниҳоятда юксак санъат намуналари яратган ажойиб амалий касб-ҳунар сифатида танилган. Шубҳасиз, ҳар бир соҳа ўзининг тараққиёт даражаси, натурал хўжалик ёки бозор билан боғлиқлиги, ташкилий томондан ва ҳажми жиҳатдан ўзаро фарқ қилган.

Ҳунармандчиликнинг қадимий даврлардан энг кенг тарқалган соҳаси темирчилик ҳисобланган. Бу соҳанинг ривожини даставвал маҳаллий хом ашёга боғлиқ бўлган. Ўзбекистон ўзининг ер қазилма бойликлари, олтин, кумуш, мис, темир кабилар билан илгаридан машҳур. 1913 йилда маҳаллий ҳунармандлар 72 фоиз металл буюмлар ишлаб чиқарганлар. Металл ишлаб чиқариш 19 та касбга бўлинган.

Ривожланган соҳалардан бири металл қуйиш билан боғлиқ бўлиб, уни кўп жойларда дегрезлик (яъни «қозон қуйиш») ёки қозончи, Хоразм ва Бухорода «позачи» ёки «позагар» (омоч тиши қуювчи) деб номлаганлар. Дегрез одатда ҳар хил ҳажмдаги қозон, поза (тиш), чой идиш, обдаста, аспак, шамдон, манқалдон, қорачирик, арава ғилдирагига такчуён ёки ҳалқа, жувоз

Бошмоғи ва ҳоказо ишлаб чиқарган. Баъзан буюртма елим идиш, қандил, келича, нос сўқи ва бошқа буюмлар ҳам қуйилган. Бухоро ва Самарқандда илғари рехтагар (тожикча рехтағ — қуймоқ) жез билан чўяндан замбарак (тўп) ва ўқи, қурол-аслаҳа ва бошқа уй-рўзғор буюмларини ясаган. Айрим жойларда дегрезлар чўяндан қуйиладиган маҳсулотига қараб чўянгар деб ҳам номланган.

Чўян қуйиш махсус лойдан қурилган босқонли ўчоқ (Фарғонада ва Тошкентда «ёндўкон», Бухорода «кўра», Хоразмда «дастгоҳ») ларда эритилиб, қумдан ясалган асбоб ва идишларнинг ҳар хил қолипларда зарур маҳсулотлар қуйилган.

Чўян қуядиган асбоблардан Фарғона дегрезлари қолипларни ясайдиган чорчўп, чарх ва белкурак, исканжа, лавгир, латтош ёки товонча, сихча, таганак (тевонак), тарнов (шовва), чаноқ ва чанағамбир, чўмич, энтахта, чироғ ва ҳоказаларни ишлатадилар.

XIX аср ўрталаригача дегрезчилар хом ашёни маҳаллий конлардан олган, кейинчалик рус мустамлакачилиги даврида Россиядан келтирилган темир-терсақлардан фойдаланилган. Манбаларнинг хабар беришича асримиз бошларида Оренбург ва Троицк орқали Урта Осиёга юзлаб тонна пуд чўян буюмлар жўнатилган, сўнгра сингандан кейин улар эритилиб маҳаллий маҳсулотлар қуйилган. Дегрезлик маҳсулотларининг 80—85 фоизини омовчи (поза) ташкил қилган. Қолганидан ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, буюртма безаклар, қурол-аслаҳалар, тамғалар қуйилган, Фарғонада милтиқ ҳам ишлаб чиқарилган.

Умуман металл буюмлар ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги асосан тўртта йирик соҳага бўлинган: темирчилик, заргарлик, мискарик ва тунукасозлик. Шулардан энг қадимийси ва барча металл ишлаб чиқариш соҳаларига зарур қурол ва дастгоҳлар, халқ хўжалиги, айниқса деҳқончилик қуроллари, уй-рўзғор буюмлари етказиб бериб турган соҳа темирчиликдир.

XIX аср охири — XX аср бошларида ўзбек темирчилиги шунчалик ривожланганки, унинг ичида меҳнат тақсмоти асосида мустақил соҳалар юзага келган. Масалан, уй-рўзғор буюми ва эркак сарпаси таркиби ҳисобланган ўзбек пичоғини махсус пичоқчилар, қулфкалитни қулфчи ёки қулфгарлар, игна-бигизни игначи ёки игнасозлар, ҳар хил асбоб ва буюмларни чилан-

гар, анжомасоз, михгар, наълчи, тақачи каби темирчи усталар ясаганлар. Темирчи йигирмага яқин хилдаги кетмон, турли хилдаги бел, болта, теша, ўроқ, болға кабиларни ишлаб чиқарган. Маҳаллий темирчилар парма асбобларидан 40 га яқин турларини билганлар. Бухорода 32 хилдаги темир маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган соҳа маълум бўлган.

Темирчилик соҳасидаги меҳнат тақсимотидан ташқари айрим туманларнинг муайян темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича донғи чиққан. Масалан, ўзбеклар орасида кенг тарқалган бадий қилиб ясалган пичоқларни ишлаб чиқаришда айниқса Андижон, Чуст, Наманган, Хива, Бухоро ва Қарши усталари ўз маҳорати билан танилган.

Дегрезчи ва заргардан ташқари барча темирчи усталарнинг ишлаб чиқариш қуроллари асосан бир хил бўлган, аммо улар ҳажми ва айрим хусусиятлари билан фарқланган. Темирчи дўқонида энг зарур асбоблардан турли ҳажмдаги сандон (санда), босқонли ўчоқ (ёки кўра), супа (даской), катта-кичик болғалар, бир неча жуфт омбир ва қисқичлар, эгов, зерча, қалам, сумба, дам, оташкурак, қайроқли чарх ва бошқа асбоб-ускуналар мавжуд. Сандондан бошқасини маҳаллий усталарнинг ўзлари ясаганлар.

Темирчи, пичоқчи, тунукачиларнинг дўқонлари одатда бозорда махсус расталарда ёки уйда бўлиб, иш жойи учун (бозорда) улар ҳақ тўлаган. Баъзи буюртма ишларни буюртмачининг уйига бориб бажаришган. Қишлоқларда иш ҳақи натура (ғалла) билан (ҳосил йиғилгандан кейин) олинган.

Мискарлик ҳам жуда кенг тарқалган. Масалан, асримиз бошларида Бухорода 400 га яқин, Хивада 200 дан ортиқ мискар бўлган. Айрим усталар зўр маҳорат билан бадий буюмлар ясаганлар. Айниқса Бухоро, Фарғона ва Хива мискарлари машҳур бўлганлар. Улар ҳар хил ичимликлар учун идишлар (пиёла, коса, чой идиш, чойнак), овқат ва сут идишлари (мис лаган, мис товоқ, мис баркаш, лаъли, мис кўза, хумча, қумғон, сотил, офтоба, обдаста, тос, лаган, солобча, чилопчин, кошкул), ҳар хил қутича ва сандиқча, носвой идиш ва ҳоказо ишлаб чиқарганлар. Кўп буюмларга бўрттирилган ёки ўйма нақшлар берилган. Россия хонликларни босиб олгандан сўнг маҳаллий мискарлар ўзига хос самовар ишлаб чиқара бошлаганлар.

Мискарлар хом ашё (тахталанган мис, жез, қизил ёки сариқ мис) ни асосан Россиядан келтирганлар, рух, қўрғошин, кислота, нашатир ҳам ташқаридан етказилган. Одатда идишларни қизил мисдан ясаганлар, нашатир ва туз билан оловда қаттиқ қиздириб, кейин сувга солиб қизарттирганлар. Утга солинмасдан ясаладиган идишлар (кўзача, коса, пиёла, патнус ва Ҳ. К.) ни қалайлаштириб оқлаганлар. Барча манбаларда маҳаллий усталарнинг зўр маҳорат билан бадий буюмлар ясаганлиги тўғрисида гапирилади. Ҳар хил буюмларда ўсимликлар, геометрик ва ҳайвонлар стилидаги ислимий услубдаги нақшлар ўзининг жозибадорлиги ва юксак савияси билан киши диққатини ўзига жалб қилади.

Ўзбек заргарлиги ҳам қадимий даврлардан ўзининг ажойиб санъати билан кенг танилган. Заргарлик ноёб бадий асарларининг намуналари кўпгина археологик қазилмалардан топилган. Заргарлар техник жиҳатдан умум металл буюмларини яшаш услубларидан ташқари ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлганлар. Ҳатто олтин ва кумушни болғалаш, қиздириш, сайқаллаш, пардозлаш, буюмга кўз босиш, тилла суви бериш каби ишларда ўзига хос нозик услуб талаб қилинган.

Заргарлар бойларнинг буюртмаси билан катта-кичик қимматбаҳо безакларни жуда чиройли қилиб ясаганлар. Улар хон ва беклар учун отларнинг анжомасига олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан турли безаклар ҳам ишлаб чиқарганлар. Хоразм заргарлари бош ва устки кийимлар осиладиган безаклар (дузуг, шавкаладузуг, тахядузуг, клитбағи, тумор, аравак, зирак, блазик, юзик кабилар)ни зўр маҳорат билан яратганлар. Самарқанднинг зирак сирғалари Тошкентникидан ҳажми билан, Бухоронинг япроқсимон олтин марварид ёки ёқут кўзли исирғалари бир-биридан фарқ қилган. Фарғона водийсида заргарлар қимматбаҳо зийнатланган металллардан турли узуклар ясаганлар: шоншанак кўзли ёки кўзсиз узук, тилла узук, кумуш узук, мис узук, қалай узук, овғанча узук, румча узук; иш услубига қараб — қўйма узук, суқма узук, муҳир узук ва ҳоказо; металига ёки шаклига қараб турли билакузуклар — тилла билакузук, кумуш, мис қўйма, тугмали, япалоқ, илон боши, бақа бош, карманалик ва ҳоказо. Фарғонада ва Тошкентда қоракумуш билан ишлов берилган безаклар, Хоразмда оғир ва катта, Бухорода нозик, Са-

марқандда енгил ўйма нақшли билакузуклар машҳур бўлган. Кулоққа осадиган исирғаларнинг турлари ҳам кўп бўлган: туркистон зира, тошкан зира, фарғонача зиралари осилчоқли, қўнғироқли зира, анжирболдоқ ва ҳоказо. Бурунга осадиган аравак ва латива, сочга тақадиган металл қисмлардан иборат сочпопук (чочпопук), найча, пур сочпопук, тиллазулф, кокилли, панжара, кубба; бўйинга ва кўкракка осиладиган безаклар (зебигардон, жавок, базубанд); пешанага тақиладиган тиллақош, тиллабаргак ва ҳар хил туморлар заргарлар томонидан зўр маҳорат билан ишланган. Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон, Ҳиндистон, Қўқон ва Бухородан келтирилган.

Ўзбек заргарлари асосан уйда, баъзилари бозорда дўкон қурганлар. Хонларнинг кўшк ва саройларида махсус заргарлик дўконлари бўлган ва у ерда қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар ясалган. Дўкон жиҳозлари кичкина сандон, бир неча хилдаги болға (чўкич), қайчи, омбур, тутқич, сим ясаيدиган кира, кичкина босқонли ўчоқ ва мисдан ясалган баҳандам, аррача ва турли нақш берадиган металл қаламлардан иборат бўлган. Хива, Бухоро Қўқон заргарлари ўйиб қоракумуш нақшлари беришда зўр маҳорат кўрсатганлар.

Урта Осиё, шу жумладан Россиянинг мустамлакасига айланган Ўзбекистонда заргарлик ва мискарлик касблари аста-секин тушкунликка учрайди. Арзон баҳоли завод-фабрика зебу зийнат буюмларининг маҳаллий бозорларга кўплаб келтирилиши бу ердаги хунармандчиликнинг таназулга юз тутишига сабаб бўлган эди.

Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари яшаш хунармандчилигидир. Дурадгорлик (йўниғчилик) асли қурилиш касби билан бевосита боғлиқ бўлган. Маҳаллий усталар ёғочдан ҳар хил ишлаб чиқариш қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, транспорт воситалари (арава, кема), синч ва устунлар, ойна-эшиклар, сандиқ ва бешиклар, элак ва чарх, эгар ва ҳоказолар ишлаб чиқарганлар. Айниқса от, туя ва эшаклар учун эгар ясовчилик касби кенг ривожланган. Айрим шаҳарларда (Тошкент, Бухоро, Қўқон, Самарқанд) махсус эгарчилар маҳалласи бўлган.

Бадий аҳамиятга эга бўлган ўймакорлик дурадгорликда алоҳида аҳамиятга эга. Зўр маҳорат билан

ясалган эшик ва дарвозалар, устун ва шифтлар ҳозир-гача ажойиб санъат намуналари ҳисобланади.

Бутун Урта Осиёда турли ўйма нақшлар билан безатилган жавон, сандиқ ва қутилар, хонтахта ва курсилар, баъзан идиш-товоқлар кенг тарқалган. Нафақат ўтроқ, балки ярим ўтроқ аҳоли орасида ҳам айниқса безатилган жавон ва сандиқлар машҳур бўлган. Бундай буюмлар Тошкент, Самарқанд, Ургут ва бошқа жойларда кўп учрайди. Бухорода от эгари, Хоразмда арава қисмлари ўйма нақшлар билан безатилган.

Ўймакорликда асосий асбоб турли хилдаги исканалар ва болғалардир. Ўйиладиган нақшига қараб маҳаллий темирчилар ясаган исканалар 30 дан ортиқ бўлган. Шу билан бирга ёғоч буюмларга рангли бўёқлар билан гул ёки расмлар солиш ҳам кенг тарқалган.

Дурадгорликда қурилиш ишлари билан бир қаторда жуда машҳур соҳа аравасозлик бўлган. Ўзбек аравалари ғилдираги ва тузилиши билан ўзаро фарқ қилган. Масалан, Қўқон арава билан Хоразм араваси ғилдираги, тузилиши, аравани бошқарувчи аравакашнинг жойига кўра фарқ қилган. Қўқон аравасида аравакаш отнинг эгарида ўтириб бошқарса, Хоразм аравасида махсус жой ажратилган. Аравасозларнинг дўконлари деярли барча шаҳар ва йирик қишлоқларда бўлган. Масалан, Тошкентнинг ўзида 100 дан ортиқ арава ясайдиган ва тузатадиган дўконлар бўлган. Аравасоз уста ўз халфа ва шогирдлари билан бир аравани 17—19 кунда ясаган.

Ёғоч усталари омов (кунда), наво, идиш-товоқ, сўқи, кели-қуви, хонтахта ва сўри, ҳар хил дасталар, ўйинчоқлар ишлаб чиқарганлар. Хоразмда махсус усталар чигир ва сув бўвати, кема ва қайиқлар ясаганлар. Кемасозлик илгари жуда ривожланган бўлиб, бутун Амударёда сузадиган катта-кичик кемаларни асосан Хоразм усталари ясаганлар. Катта кемалар 500 дан 2000 пудгача, ўртачаси 100 дан 500 пудгача ва кичиклари 100 пудгача юк кўтарган. XIX аср охирларида Амударёда 330 та йирик ва юзлаб ўрта ва кичик кемалар сузиб юрган. Кемасоз усталар ҳам бошқа ёғоч усталари ишлатадиган асбоблардан фойдаланганлар.

Дурадгорларнинг иш қуроллари бир неча хил аралар, болта ва тешалар, қачов ва ранда (ўроқ ранда, мужранда, тахтаранда), болға ва турли искана (чўбискана, навоискана, омбир ва ҳоказолар)дан иборат бўл-



ган. Уймакор усталар ҳар хил улги ва қолиплар ҳам тайёрлаганлар.

Ҳар бир шаҳарда тўқимачиларга зарур асбоблар, бешик, чарх, уй-рўзғор буюмлари ясайдиган уста (харрот)лар бўлган. Улар йўнилган, жимжимадор нақшли бешик, ҳар хил чарх, ўқлов, жуваз, дук, урчуқ, чилим кабиларни ишлаб чиқарганлар. Харротлар махсус камар билан айлантириладиган чархдан, катта-кичик хаткаш (бичқи) ва исканалардан фойдаланганлар. Эгарчи, тароқчи, элакчи усталар меҳнати тақсимланган. Масалан, Тошкент ва Хивада элакчилар маҳалласи, Бухорода — харратон, Самарқандда — зингарон маҳаллалари мавжуд. Айрим жойларда ҳатто бутун бир қишлоқ айрим ёғоч маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳаси билан номланган.

Дурадгорликнинг муҳим, нозик соҳаларидан бири мусиқа асбобларини ишлаб чиқариш соҳасидир. Маҳаллий усталар зўр маҳорат билан миллий мусиқа асбоблари — дутор, танбур, рубоб, дўмбра, чанг, сурнай, най, доира ва ноғора кабиларни ясаганлар. Мазкур асбобларнинг кўпчилиги бадий қийматга эга бўлиб, уларга садаф ёки суяк қадалган, рангли металллар билан безатилган.

Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи усталар ҳам дурадгорлик касбини пухта эгаллаганлар. Қурувчиларни кўп жойларда гилкор (ғишт қуювчи), Фарғона водийсида ва Тошкентда сувоқчи деб номлайдилар. Улар барча шаҳар ва қишлоқларда, айниқса пойтахтларда кўп бўлган. Қурилиш ишларида бошқа соҳаларга қараганда мардикорлар кўпроқ ишлатилган. Урта Осиёнинг деярли барча шаҳарларида мардикор (гулликчи)лар бозори бўлган.

Қурилишда банд бўлган усталар бир неча касбга бўлинган: ғишт терадиганлар, пахса урадиганлар (пахсакаш), шувоқчилар, гумбаз тиклайдиганлар ва синч уй (чўбқари, гувала, ниғирик) қурувчилар. Ийрик иншоотларни қурувчи махсус меъморлар зўр маҳорат ва қадимий анъаналарга эга бўлганлар. Улар миллий меъморчилик санъатини эгаллаб мачит-мадрасалар, минора ва кўшклар қуриш, қадимий биноларни тузатиш ёки таъмирлаш ишларида иштирок қилганлар.

Қурувчилардан моҳир шувоқчилар ва ганчкорлар катта обрўга эга бўлганлар. Айниқса ганчкорлар нозик ўймакорлик санъатини эгаллаб, нафақат ганчга ўйма

нақшлар бериш, балки жимжимадор панжалар ва нақшли гулдонлар ясай билганлар. Варахшада топилган ганчдан ясалган ҳайкаллар ва девор безаклари, қадимий Афросиёбдаги нақшли ганч панеллар ва Тупроққалъадаги топилмалар ганчкорлик касби узоқ тарихий анъанага эга эканлигини исботлайди. Хива ганчкорларининг ўйма нозик маҳсулотлари ҳозиргача сақланиб келган кўшкларда мавжуд. Улар катта ганч тахталарда ва токчаларда, девор ва шипларда турли гуллар ва геометрик нақшлар билан безатилган ажойиб санъат намуналарида ўз ифодасини топган.

Энг оғир ва мураккаб меҳнат, сабр-тоқат, матонат талаб қиладиган бадий амалий санъат соҳаси — мрамр ўймакорлиги (сангтарош) дир. Бу касб Хива ва Бухорода асримиз бошларигача етиб келган. Сангтарошлар асосан мрамр устунлар, ялпоқ идишлар, тамаки янчадиган ҳовонча (сопи билан), ҳатто чойнак, қозон, кўза ва бошқа буюмлар ясаганлар. Айримларига ўйма нақшлар ва ёзувлар битилган, айниқса кўшк саройларига ўрнатилган устунлар жимжимали безатилган.

Ўзбек диёрида ҳам энг қадимий ва оммавий хунар-мандчилик кулолчилик касби ҳисобланади. Ибтидоий янги тош давридан бошлаб то ҳозирги кунгача етиб келган бу соҳа ўзининг юксак сифатли маҳсулотлари билан донғи чиққан марказларга эга. Ўзбек кулолчилигининг энг машҳур марказлари Фарғона водийсидаги Риштон қишлоғи, Бухородаги Гиждувон, Хоразмдаги Мадр ва Боғатдир. Бу ерларда олий сифатли ва нозик безакли сопол буюмлар яратилган.

Кулолчилик хунари ниҳоятда ривожланган ва маҳсулотига қараб бир неча соҳаларга бўлинган. Масалан, Фарғона усталари қуйидаги касбларга эга бўлган: косагар кулол, кўзагар кулол, лагансоз, тоғорасоз, хурмачи, хумчи ва ҳоказо. Улар Хитой чиннисига ўхшаш ганч аралаш лой (фаянс) дан жозибадор таги осмон рангли кўк нақшлар билан безатилган идишларни ясаганлар. Тошкент усталари таги оқ, сариқ, ёрқин кўк рангли нақшлар битилган идишларни яратганлар. Гиждувон кулоллари ясаган идишлардаги жигарранг, оқ, сариқ, яшил ва қизилроқ рангдаги нақшлар кишини ўзига жалб қилади. Хоразм сопол идишлари ўсимлик ва геометрик шаклдаги тўқ яшил рангли нақшлари билан ажралиб туради.

Асосан ишлаб чиқариш услуги ва техникаси, ба-

дий стили ва характери билан анча умумийликка эга бўлса-да, ўзбек кулолчилигида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Хоразм усталари қадимий хусусиятларини сақлаб қолганлар. Кулолларнинг маҳсулотлари нафақат шакллари, балки номлари билан ҳам фарқланган. Масалан, кулолчилик жуда ривожланган Хоразм воҳасида қуйидаги сопол маҳсулотлари ишлаб чиқарилган: сутни кувлаб мой оладиган идиш (куви), сут-қатиқ учун кўза ва шокоса, хамир қиладиган идиш (тоғора), чироқ (дошчира), гултувак (гулоп), ибрик; бешик тувак (дувак), чиғир учун кўза (дигир), ўйинчоқлар, ҳар хил идишлар (бодё, тўй товоқ, ёки потчойн, хум ва ҳоказо).

Фарғона кулолларининг маҳсулотлари ҳам ҳар хил бўлган: офтоба, тоғора, табақ, коса, хум, кўза, сархона, кубур, қолип-совун кабиларни ўрта аср муаллифлари тилга оладилар. Ҳозиргача ишлаб чиқариладиган ҳар хил коса, лаган, чойнак ва пиёла, чаноқ, турли товоқ, хум ва кўзалар аҳоли орасида кенг тарқалган. Кулолчиликда меҳнат айрим маҳсулот номларига қараб тақсимланган. Масалан, Фарғонада кулоллар косагарлик, кўзагарлик, хумчилик ёки хумсозлик, тоғорасозлик ёки маҳсулот рангига қараб оқпозлик, қизилпозлик, сариқпозлик каби касбларга бўлинган.

Нақшли, сирланган идишлар ва ғиштларни ишлатиш айниқса Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ривожланган. Хоразмда мачит, мадраса, сарой ва бошқа йирик иморатларда ишлатиладиган рангли сирланган ғишттахта (плитка)ларни ясовчи усталар кошинчилар деб номланган. Улар қурувчилар касбига кирган ва асосан кулолчилик асбобларидан фойдаланганлар. Иморатларнинг сиртига қопланадиган чархсиз ишланган юзлаб рақамлар билан белгиланган, сирланган сопол тахтачалар турли рангдаги нақшлар билан безатилган. Моҳир кулоллар идиш (товоқ, бадие, коса, пиёла, лаган) ларга ҳамда ғишт тахтачаларга ажойиб гул, нақш ва ёзувларни ўтказган. Бундай идишлар ҳар бир оилада мавжуд бўлган. Кошинчи ва кулолларнинг табиий бўёқлардан ишланган севимли ранглари оқ, кўк (осмон ранг), яшил, сариқ ва очиқ жигарранг бўлган.

Уй-рўзгор сопол буюмлари ўзининг шакли билан ҳар бир вилоятда ҳар хил бўлиб, номлари ҳам ҳар хил бўлган. Маҳаллий идиш-товоқлар, чойнак, коса ва пиёлалар кулоллар томонидан яратилган. Аммо чинни

идишлар асосан Россия ва қўшни Шарқ мамлакатларидан келтирилган. Бундай нозик чинни буюмлар бой оилаларда ишлатилган. Катта ҳажмдаги сув идиш ва буюм (хум ва тоғора)лар, қувурлар ҳам маҳаллий кулоллар томоидан ишлаб чиқарилган.

Кулолларнинг дўкони (ишхонаси) одатда уйнинг бир хонасида ёки ҳовли яқинида жойлашган. Дўкондаги ишлаб чиқариш қуроллари асосан хумдон ва чархдан иборат бўлган. Кулолчилик чархи ҳалқа шаклидаги иккита катта-кичик тахта вертикал ўқдан иборат бўлиб, ўқнинг пастки қисми тош ёки ёғочдан ясалган тағдош (тош кунда) га ўрнатилган. Юқори қисмидаги кичик ёғоч диск (калларарх, сартахта, каллак) ни уста ўтирғич (отёғоч, асяк) да ўтириб, пастки катта дискни оёғи билан айлантириб юқоридагисига лой қўйиб идиш ясайди. Идиш тегишли шаклга келгач, чархдан пичоқ ёки ўроқ билан кесиб олиб, ҳовлида қуритишга қўйилади. Қуриган буюм бўёқ билан сирланиб, хумдонга солиб пиширилади.

Дўконда мазкур асбоблардан ташқари бўёқ ва сир тайёрлаш учун турли ҳажмдаги бир неча қозон, қўлтегирмон (ёрғичоқ), кичкина сўқи, элак, мўйқалам, тароқ, махсус пичоқ (кажкард) ва бел ҳам бўлган. Катта хумлар қўлда ясалган.

Илгари ҳар бир ҳовлида ўрнатиладиган тандирни махсус усталар — тандирчилар ишлаб чиқарган. Уни яшашда ёғочдан ишланган товонча (тишлик), сополдан пиширилиб ясалган чундак қўлланилган. Тандирчилар бир ёки икки пеш (лой тасма) даи иборат нимча тандир, уч-тўрт пешли сомсапаз тандир, новвой тандир ва тўй-маъракалар учун кўплаб нон ёпиладиган тандирлар тайёрлаганлар. Тандир тайёрланган жойида уч-тўрт кун қуритилиб, аравада бозорга чиқарилган ёки дўконнинг ўзида харид қилинган.

Тўқимачилик ва ипақчилик касби ҳам жуда кенг тарқалган. Асримиз бошларида йирик шаҳарларда тўқимачилик билан шуғулланувчи мануфактура типидagi йирик корхоналар бўлиб, уларнинг маҳсулотлари узоқ-яқин бозорларга чиқарилган. Тола ишлаб чиқарувчилар билан тўқимачилардан ташқари бир неча касб соҳалари — бўёқчилар, пардозчилар, тандачилар, тўқув дўкони тароғи ва ремизини ишловчилар, читкарлар (гул босувчи) ва ҳоказолар бўлган. Тўқимачилик маҳсулот турларига қараб айрим касбларга бўлинган (алача,

бўз, калама, беқасам, шойи (атлас), адрас, бахмал (духоба), банорас ва ҳоказо). Тўқимачиликда аҳоли орасида пахта толасидан ишланадиган ип газлама тўқувчилар ҳамда ипак ва бошқа хил газлама тўқувчилар фарқланган.

Деҳқон хўжаликларида хотинлар пахта толасидан ип йигирганлар ва оддий дастгоҳда газлама тўқиганлар. Зарафшон ва Фарғона водийларида қиш пайтларида тўқимачилик билан эркаклар ҳам шуғулланганлар. Толани оддий чархда тозалаб ип йигирганлар. Чархда тайёрланган калавадан уй тўқиш дастгоҳида бўз тўқилиб, оқ, сариқ, жигарранг ва бошқа рангларга бўялган, ундан қўлда ҳар хил кийим-кечаклар тикилган. Баъзан уйда тайёрланган калава ва газламалар яқин бозорларга чиқарилган ёки махсус савдогарларга харид қилинган.

Қадимдан ипакчилик ва ипак газлама тўқиш бутун Туркистонда тарқалган ва юксак даражага кўтарилган. Ўзбек ипак газламаси ўз сифати ва гўзаллиги билан донғи чиққан. Ипакчиликда меҳнат тақсимоғи амалга оширилган: пиллакаш пиллани қайнатиб чувалаган, чархоначи махсус дўконда чархни бошқариб айлантириб турган. Чархтоб уста ипакни найчага ўраб калава тайёрлаган, кейин уни ипак газлама тўқувчи (Бухорода жомабоф, Хоразмда жоммоб)га етказиб берган ёки харид қилган. Ўзбек жомабофлари анъанавий ипак газлама (кановис, шойи, хонатлас) ва ярим ипак газлама (беқасам, банорас, адрас) тўқиб ундан асосан бой табақалар (зодагонлар) га кийим-кечаклар тикилган. Ипак газламаларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда баъзи қишлоқлар ва шаҳарлар ихтисослаштирилган. Маҳаллий усталар духоба ишлаб чиқаришда ҳам машҳур бўлганлар.

Айниқса ярим ипак газламалар — йўл-йўл алача ва беқасам, гулдор олачипор адрас ва шойича (пари-паша) жуда кенг тарқалган. Алача ва беқасам йўл-йўл безагининг кенг ва нозиклиги билан фарқ қилган, холос. Улар турли рангларга безатилган ва ҳар хил номда бўлган: якрўя, катак шойи, товлана шойи, абршойи, адрас, беқасам ва ҳоказо. Бухоро-адраси ниҳоятда машҳур бўлиб, Хива, Тошкент, Туркменистон, Қашқар (Синьцзянь), Афғонистон ва қўшни даштдаги кўчманчи элатларга харид қилинган. Адрас ва шойи тўқишда Самарқанд ва Марғилон жуда танилган. Маҳаллий усталар

тола ва ипак ипидан асосан атлас, гул босилган турли рўмол ва белбоғ ишлаб чиқарганлар.

Утган асрнинг охирларида Фарғона водийси ипакчиликнинг йирик маркази ҳисобланган. Масалан, 1896 йилда Марғилон, Наманган, Қўқон уездларида 600 га яқин ипак тўқув дўконлари мавжуд бўлса, Тошкент уездида 20 та дўкон бўлган, холос. 1910 йили Фарғона вилоятида 1387 та ипак тўқув дўкони бўлиб, унда 3065 ишчи хизмат қилган. Асримиз бошларида Самарқанд вилоятида 237 та, Бухорода 46 та, Хивада 40 та, Қаршида 19 та ипак тўқув дўконлари ишлаб турган. Барча газламалар бутун Урта Осиёда кенг тарқалган оддий дўконларда қўл билан тўқилган.

Қадимий касблардан пиллакашлик муҳим ўринни эгаллаган. Пиллани чуватиш билан махсус ҳунармандлар — пиллакашлар ўз устахонаси (чорхона) да машғул бўлганлар. Пилла катта қозонда қайноқ сувда юмшатиб махсус темирдан ясалган чарх-ғилдиракда ўраб калаваланган. Калава ғилдираги ёки чарх бир неча хилда: бир метр диаметрли ўртача чархни чархончи уста айлантирган. Иккинчи уста (найчевар) кичикроқ ғилдирак билан пилла ипини катта ғалтакка ўраган. Учинчи пиллакаш (чархтоб) катта ғилдирак (девчарх) ёрдамида ипакни калавалаб ишқорда пиширган.

Тўқилган газламалар ёки йигирилган ипларни махсус усталар (бўёқчи, рангрёз) бўяганлар, гул ёки бошқа хил нақшларни абрбанд усталар зўр маҳорат билан ишлаганлар. Ипак ёки матоларга муайян тартибда ҳар хил табиий бўёқлар билан бир неча марта қирмизий асосга зарур нақшлар туширилган. Масалан, сариқ бўёқ ўрикдан, тўқ қизил бўёқ ҳашарот танасидан, қизил бўёқ рўндан, қора ранг бузгунч қайнатмасидан ва ҳоказо.

Ип газламаларга турли нақшлар берадиган уста (читгар) лар айниқса Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабзда кўп бўлган. Баъзан айрим-айрим читгарлар чит газламаларга шундай катта маҳорат билан гул босганларки уларни зўр санъат намунаси деса бўлади. Гул босиш учун ажойиб ўйма қолипларни эса ўймакор дурадгор усталар ясаган. Хоразмда ипак газламани тўқувчи (жаммоб) усталарнинг ўзлари бўяганлар ва читгарлик қилганлар. Улар рангли ипак газлама (турма), гулли нақш берилган рўмол (мадалибелбоғ, шолрўмол) тўқиганлар. Энг кенг тарқалган

нақшлардан аноргул, тол барги, қизилгул, шох, каштачилардан қабул қилинган палак ва ҳоказолардир.

Тикувчилик билан фақат айрим усталар шуғуланган. Чунки кўп оилаларда кийим-кечакни уйда аёлларнинг ўзлари қўлда тикканлар. Шундай бўлса ҳам айрим шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон, Хива, Тошкент) да махсус чопон тикадиган кишилар (чопондўз, жамадўз) бўлган. Чопонлар материали, гули ва ранги билан ажратилган. Масалан, Зарафшон водийсида очиқ гулдор олачиפור матодан тикилган, Фарғона водийси ва Тошкентда қора ва яшил матодан, Хоразмда тўқ қизил йўл матодан тикилган чопонни яхши кўрганлар.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида дастлабки тикув машиналари («Зингер» фирмаси маҳсулоти) пайдо бўлди. Оқибатда янги хунармандчилик касби — машиначилик юзага келади, ҳатто машинада тикиладиган бадий каштачилик соҳаси туғилади. Тошкентнинг ўзида мингдан ортиқ машиначи чопон ва бошқа кийимлар тикиб, харид қилган, бозорларда эса 100 дан ортиқ чопон дўконлари бўлган.

Бухорода ва қисман Хивада тилла каштачилиги (зардўзлик) анча ривожланган. Зардўзлар олтин ип билан кашталанган кийимлар, калтача, ҳар хил дўппи ва рўмоллар, зар берилган пойабзал, филоф, ҳамён, от ёпиғи каби бадий кашта буюмлар яратганлар. Бу ерда ва бошқа вилоятларда турли жияк, зех тўқиш ҳам машҳур бўлган.

Ўзбекларда энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир. Ўзига хос шакли, кашта услуби, гул нақши билан чуст, қўқон, марғилон, самарқанд, хоразм, шаҳрисабз, сурхондарё дўппилари фарқ қилинган. Улар шаклига, киядиган одамнинг жинсига ва ёшига қараб ҳам фарқланган. Энг машҳур чуст дўпписи қора фонга оқ ип билан қалампир ёки бодом шаклида кашталанган. Шаҳрисабз дўпписи кўп рангли гиламга ўхшаш услубда бир тўп гулдек тўқилган. Фарғона водийси ва Тошкентда ниҳоятда чиройли гулдастани эслатадиган нозик ироқи дўппи машҳур бўлган. Баъзан бундай дўппиларда яшил рангда ва кўк рангда қуш тасвирланган (гўёки гул нусхаси бахт келтирармиш). Ўзининг доирасимон шакли, нозик тўқилган гулли каштаси, кумуш тангалари ва попуғи билан Хоразм аёл-қизлари дўпписи ажралиб туради.

Айрим вилоятларда махсус усталар теридан пўстин ва бош кийимни тикиш билан шуғулланганлар. Бундай усталарни пўстиндўз, телпақдўз, чўғирмадўз деб атаганлар. Масалан, Хоразмда пўстинни ошланган қўй терисидан жунини ичкари қаратиб, сариқ рангга бўяб тикканлар. Қишки бош кийимлардан Хоразм чўғирмаси, Фарғона тумоқи ва Бухоро телпағи бир-биридан анча фарқ қилган. Аммо ишлаб чиқариш қуроллари (ошлайдиган, бичадиган ва тикадиган) бир хилда бўлган.

Ўзбекларда бошқа Шарқ халқларидек ҳурматли меҳмонларга сарпо кийгиши одати қадимдан сақланиб келган. Чопон, дўпписи ва белбоғи билан тўй ва маъракаларда қариндош-уруғларга, ҳурматли меҳмон ва хизматкорларга ҳади қилинган. Шунинг учун чопондўзлик жуда зўр тараққий қилган ва чопонлар ҳатто чет эл бозорларига ҳам чиқарилган. Ўтган асрнинг ўрталарида (1840—1850 йиллари) Туркистон ўлкасидан Оренбург ва Троицк орқали Россияга 1900 та пахтали ипдан тикилган ва ярим ипак чопонлар жўнатилган. Ҳар йили кенг бозорга мўлжалланиб минглаб пўстинлар, малахай телпақ ва чўғирмалар тикиб чиқарилган.

Тери ишлаб чиқариш ва ундан турли буюмлар тикиш жуда машҳур бўлган. Ўзбек усталари мол терисидан дастлабки хом ашё сифатида кўнчилик ва чарм маҳсулотларини етиштириб берган. Махсус усталар улардан майший турмуш ва хўжаликка зарур ҳар хил буюмларни кўплаб ясаганлар. Кўнчилар чарм, сағри, камухт, талатин, булғори каби териларни асосан шаҳар чеккасида сув бўйида жойлашган устахоналарда ишлаб чиқарганлар. Кўнчиликнинг йирик марказлари Тошкент, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Бухоро ҳисобланган. Уларнинг хилма-хил маҳсулотларига бутун Урта Осиёда доимо харидор топилган. Айрим шаҳарларда йирик кўнчилик устахоналари мануфактура типидagi корхоналарга айланган. Аммо кўпчилик устахоналар майда, бир-икки халфа ва шогирдлардан иборат бўлиб, уларда бир неча тери ошлайдиган ёмлар ва катта қозон шаклидаги идиш (сангоб) лар мавжуд бўлган. Тери гўштини махсус асбоб (дос, доскун, белча) билан тозалаганлар. Чармгар (кўнчи)лар эчки ва қўй терисидан ошлаб юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган ажойиб саҳтиён чарми, майиң ва юмшоқ баҳмалсимон замш чарм, эшак ва от сағри терисидан тўқ яшил



рангли сахтиён (шагрён) чарми, мол терисидан қора ва қизил рангга бўялган юқори сифатли булғори чармини ишлаб чиқарганлар.

Қўнчи ва чармгарлар турли буюмлар (пойабзал, бош кийим, от-эшак абзали, чарм қути ва халталар, сув меши, филоф, қин ва ҳоказо) яратиб, уларни узоқ-яқин бозорларда харид қилганлар. Йирик шаҳарларда махсус чармгарлар, этикдўзлар, маҳсидўзлар, пўстиндўзлар, тақачилар, кўҳнадўзлар ёки ямоқдўзлар маҳаллалари ва бозор расталари мавжуд бўлган. Шулардан энг кенг тарқалгани пойабзал ишлаб чиқариш соҳасидир.

Пойабзалчилар барча шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, улар қуйидаги маҳсулотларни тикиб харид қилганлар: этик, маҳси, калиш (кауш), чориқ ва ҳоказо. Уларнинг ишлаб чиқариш асбоблари қава, махсус пичоқ (қашкарт, газан, чўптараш)лар, ҳар хил игна, бигиз, қолип ва андозалардан иборат бўлган. Этикдўз, маҳсидўз ва қаушдўзларнинг устахона (дўкон) лари асосан уйда, баъзилари бозор расталарида жойлашган. Айрим шаҳарларда махсус патакчилар пойабзал учун тери ёки кигиздан катта-кичик патаклар ясаб сотганлар. Моҳир усталар этик, маҳси ёки калишларга гул нақшлар ҳам берганлар. Бундай нақшлар махсус искана типидagi асбоблар (ғулвур, чўп капан) ёрдамида пойабзал қолипда турганда дастлаб қора рангга бўяб дазмоллаб пардоз бергандан кейин қўйилган.

Пойабзал турлари жуда кўп бўлган. Айримлари буюртма шаклида қимматбаҳо, олий сифатли теридан юқори табақалар учун махсус тайёрланган. Оммавий пойабзал (этик, маҳси, чориқ) лар оддий чармдан тикилиб, бозорларда харид қилинган. П. П. Ивановнинг таърифича Хивада рус чармидан татар калишини махсус усталар ишлаб чиқарганлар.

Ҳар бир оилада ўзининг тандири бўлиб йирик шаҳар ва қишлоқларда махсус катта тандирлар ўрнатилган. Харид қилинадиган нонни махсус касб эгалари (новвойлар) ёпиб бозорга чиқарганлар. Новвойлар тўй-маъракалар учун айрим шахсларнинг истаги билан буюртма нонлар ҳам ёпганлар. Айрим моҳир новвой усталар ном чиқариб, ўзининг доимий мижозларига эга бўлган. Йирик новвойхоналарда бир неча усталар бирикиб, ҳатто улар мардикор ёллаганлар.

Нонлар ҳар бир вилоятда ўзига ҳос шакли ва ёпиш услуби билан фарқланган. Айниқса, Самарқанд нони

машҳур бўлган. Бу ерда кенг оммага мўлжалланган бозори нон (обинон) дан ташқари махсус қилинган хамирдан ёпилган пўлати нон, сутда нўхат уни аралаш ширмон нон, катта нақшли ёки ёзувли совға нон, кулча нонлар бўлган. Сут, ёғ, баъзан пиёз, жизза, қовоқ аралаш патир нонлар ҳам кенг тарқалган. Хоразм нонлари ҳажми, юқалиги ва мўртлиги билан ажралиб туради. Қамбағал оилаларда ўтмишда макка ёки оқ жўхори унидан зоғора нон ёпиш одат тусига кирган.

Қадимий даврлардан ўзбек миллий ширинликлари машҳур бўлган. Қандолат маҳсулотларини тайёрлайдиган косиблар (қандолатчи, ширапаз, шакарпаз, холвагар) махсус устахона (ширахона) ларга ва бозор расталарида ўз дўконларига эга бўлганлар. Ширахонада бир неча катта-кичик чўян қозонлар, мис тоғора, чилчўп, чолғич, тарози, қандолат қолипи ва бошқа асбоблар мавжуд бўлган. Ширинликлардан пашмак, печак, ҳолва, новват, нуқул, қандолат, байрамларда мураббо, нишолда кабилар тайёрланган. Айниқса сеvimли оммавий ширинлик ҳолва бир неча хилда бўлган (кунжут ҳолва, ҳолвали оби-новвот, ун ва мол ёғидан собуни ҳолва, бодом писта, ёнғоқ солинган ҳолва, лафзи ва ҳоказо). Новвотни даволайдиган ширинлик деб ҳисобланганлар. Ҳар хил мева ва данаклардан қанди печак, обаки дондон каби рангланган қандолатлар тайёрланган.

Бутун Урта Осиёда бўлганидек, ўзбеклар орасида ҳам узоқ даврлардан бангилик (ғиёвандлик, нашавандлик, кўкнорлик) тарқалган. Энг кўп ишлатиладиган тамаки япроғидан кул аралаш махсус тайёрланадиган носвой ҳамма ерда харид қилинган. Кўкнор ва наша аралашмасидан ҳосил бўлган наркотик модда чойга солиб ичилган ёки чилимда чекилган. Чилимни ва носвой идишини одатда сув қовоғи (сув кади) дан ёки мисдан ясаганлар.

Қассоблик ҳам ҳурматли касблардан бўлиб, қассоблар ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, айрим маҳаллаларда жойлашган. Уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Кўпчилик қассоблар бой табақаларга яқин бўлиб, бошқа ҳунармандлардан бир оз ажралиб турганлар. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати махсус ошпазлик касбини юзага келтирган. Ошпаз (бақоул) лар катта ош ва бошқа таомлар тайёрлашда зўр маҳорат намоиш қилган. Хоразмда махсус балиқчи дўконлари мав-

жуд бўлиб, балиқ қовуриш ҳам бир санъат ҳисобланган.

Йирик қишлоқ ва шаҳарларда уй касбларидан сабунчи (сабунгар) лик ҳам айрим маҳаллаларни эгаллаган. Уй-рўзгор буюмларидан чипта (бўйра), сават тўқиш узоқ даврлардан кенг тарқалган.

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА САВДО

Ўзбекистоннинг табиий-географик шароити турли хилда бўлганлиги унинг транспорт воситаларининг ҳаракати ва турларини белгилаб берган. Ғарб билан Шарқ ўртасида жойлашган баланд тоғлиқлар, бепоён саҳро ва даштлар, чекланган сув йўллари Буюк Ипак йўлини юзага келтириб узоқ даврлар давомида асосан карвон транспорт воситасини кашф этиб узоқ мамлакатлар билан савдо алоқалари мустаҳкамланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур карвон йўли йигирма беш аср мобайнида халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Унинг узунлиги етти минг километрга яқин бўлиб, ниҳоятда катта ҳудудни қамраб олган: бир қисми Урта Ер денгизи соҳилларидаги қадимги Рим ва Юнонистондан Месопотамия орқали, иккинчиси Урта Осиё ва Дашти қипчоқ усти билан Хитой ва Ҳиндистонга етиб борган. Бу даврда Урта Шарқда ҳукмронлик қилган Кушон империяси Рим подшолиги билан алоқада бўлган ва Шарқ билан Ғарб ўртасида ўзига хос «кўприк» ҳисобланган.

Ҳозиргача сақланиб келган кўплаб қўҳна харобалар, йирик сардобалар бу жойларда бир вақтлар иқтисодий-маданий алоқалар, савдо-сотик ишлари гуркираб ривожланганлигидан дарак беради. Тош қояларга, эски сарой деворларига битилган расмларда турли элатлар ва қабилалар вакиллариининг образлари тасвирланган, уларнинг ёзув намуналари чизилган. Қадимий обидалардан топилган турли давлатларнинг пул (танга) лари Урта Осиёнинг жуда кўп мамлакатлар билан савдо қилиб турганлигини тасдиқлайди.

Савдо карвони бир неча ўнлаб, баъзан юзлаб турли юклар ортилган туялардан иборат бўлиб, унга карвонбоши отда ёки эшакда йўлбошчилик қилган. Айрим катта карвонларни бир неча юз отлиқ қуроолланган кишилар кузатиб борган. Кунига карвонлар ўртача йигирма-ўттиз чақирим йўлни босиб ўтган. Карвон йўллари

бепоеъ сувсиз даштлар, баланд-паст тоғ-адирлар, катта-кичик дарёлар устидан ўтган бўлиб, муайян масофаларда пишган ғишдан қурилган сув сақланадиган сардобалар ва карвонсаройлар қад кўтарган.

Ўзбекистон ҳудудида энг муҳим савдо манзилгоҳлари Хоразм воҳасида жойлашган бўлиб, ундан шимол томонга — Қазалинск, Перовск ва Иргизга, ғарбга — Қаспий денгиз соҳиллари ва Астраханга, жануб томонга — Ашгабад, Мари ва Бухорога, шарққа — Тошкент ва Жиззахга ҳар йили юзлаб карвонлар сафарга чиққан; ғарбдан ва шарқдан бу ерга Қоракўл, Кармана ва Самарқанддаги арава йўли мавжуд бўлган, жануб томондан Қарши йўли келиб қўшилган. Бутун Ўрта Осиёдан ўтадиган энг муҳим иккита карвон йўли Тошкентда чатишган: бири Оренбургга чиқадигани, иккинчиси — Олмаота ва Семипалатинск томон кетадигани. Кўп карвонлар Булғория, Россия, Сибирь, Эрон ва Афғонистонга жўнатишган. Савдо алоқалари Ҳиндистон, Хитой, Қора денгиз бўйи ва Олд Осиё мамлакатлари билан ҳам ўрнатилган.

Ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳоли билан кўчманчи элатлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоҳида ўринни эгаллайди. Кўчманчи чорвадорлар ўтроқ деҳқон аҳолидан ўз чорва моллари эвазига турмуши учун барча зарур маҳсулотларни олиб турганлар. Айниқса газлама, металл, пойабзал, уй-рўзгор ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари, дон, зарур кундалик маҳсулотлар Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек элидаги катта бозорларда доимо мавжуд бўлган. Қўшни кўчманчи қабилалар бир неча юзлаб қўйларни ҳайдаб бозорларга етказиб турган, уларни маҳаллий савдогарларга кўтарасига сотиб, ўзларига керакли молларни харид қилганлар.

Аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва қишлоқлар орасида от-ўлов қўшилган ғилдиракли транспорт юрадиган йўллар ҳаммаёқни кесиб ўтган. Улар қизил тупроқли, қишда жуда лой ва ботқоқли, ёзда чанғи кўкка кўтариладиган, баъзан қумли, ўтиш қийин бўладиган йўллар эди. Бундай йўлларда қулай ва мослашган маҳаллий транспорт — ўзбек араваси қатнаб турган. Юқорида айтилганидек, Ўзбекистонда қадимдан асосан икки хил арава маълум: биринчиси — иккита катта ғилдиракли қашғар арава; иккинчиси — асосан марказий районларда, Фарғона ва Зарафшон водийларида тар-

қалган қўқон арава. Биринчи хил аравалар, археологик ва ёзма манбаларга қараганда, энг қадимийдир. Учинчи ўзига хос арава Хоразм воҳасида бўлиб, улар ҳозиргача сақланган. Қадимий Хитой манбаларининг хабар беришича, бутун Урта Осиё вилоятларидан фақат Хоразмда савдогарлар ўз саёҳатида фойдаланадиган бир ҳўкиз қўшилган кўп кегайли икки катта ғилдиракли аравалар мавжуд бўлган. Хоразм аравасининг тўғини (тегарчиги) қўқон араваникидан анча кенг ва қалин, аравакаш араванинг олд қисмига ўрнатилган занги бўсағада ўтириб бошқаради. Қўқон аравада эса ҳайдовчи аравага қўшилган от эгарида жойлашган. Одам узоқ йўлга кетадиган бўлса араваларга махсус соябон ўрнатилган, юк ташиш (айниқса қовун-тарвуз) учун тўрланган катта сават мослаштирилган. Аравалар унга қўшиладиган ҳайвон (от, ҳўкиз, эшак) га қараб катта-кичик бўлган. Майда-чуйда юк ташиш, далага ўғит чиқариш учун ғалтак арава мавжуд бўлган. Катта шаҳар ва қишлоқларда аравакашлар махсус уюшмага (цех) ларга бирикканлар.

Шаҳар ва қишлоқларда энг кенг тарқалган транспорт воситаси от ва эшак ҳисобланган, айрим жойларда туя ва ҳўкиздан ҳам фойдаланилган. Туя ва эшакка миниш учун уларга юмшоқ кигиз тўшалган, эгар ишлатилган. Баъзан араванинг айрим қисмлари, эгар ва юганлар чиройли нақш ва кашталар билан безатилган.

Амударё ва Сирдарёда кемачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Энг катта кема (қайиқ) лар палубасиз, тўрт бурчакли, 25 м узунликда бўлиб, 60 тоннага яқин юк кўтарган. Уртача кемалар 12—17 м узунликда бўлиб, 15—16 тонна юк кўтарган, кичкинаси 3—5 тонна юк кўтаришга мўлжалланган. Бир кеманинг командаси дарғаси билан 4—16 кишидан иборат бўлган. Айрим пайтларда кемани солдовчи билан бирга от қўшиб ҳам судраган.

Урта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда темир йўл ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлди. Красноводскийдан Оренбурггача чўзилган, Фарғона водийси ва Термизгача етказилган темир йўл Урта Осиё бозорини Европа билан боғлаб, рус капиталининг минтақага киришига кенг йўл очиб, чоризмнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди. 1917 йилгача Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарлари темир йўл билан боғланган эди.

Бу даврда янги транспорт турлари ҳам пайдо бўл-

ган. Тошкентда дастлаб от қўшиладиган, кейин электр кучи билан юрадиган трамвай юра бошлаган, катта шаҳарларда қулай отли фэйтунлар извошчилик хизматини адо этган. Маҳаллий аҳоли «шайтон арава» деб номлаган велосипедлар ҳам ўлкамизда тўнтаринш арафасида пайдо бўлган эди. Автомобиль транспорти асосан 1917 йилдан кейин ривожланди.

Совет ҳокимияти даврида темир йўл қуриш ниҳоятда тез суръатлар билан амалга оширилди. Агар тўнтариншдан олдин Ўзбекистонда темир йўлларнинг узунлиги 1,1 минг км га етган бўлса, ҳозир унинг узунлиги 3,5 минг км дан ошади. Энг катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган Чоржўй — Қўнғирот — Байнау линияси урушдан кейин қурилиб, Ўрта Осиёни собиқ Совет Иттифоқининг Европа қисми билан иккинчи навбатда боғлади.

Ҳозирги даврда автомобиль ҳаётга кенгроқ кириб, деярли кўпчилик оилаларнинг эҳтиёжини қондирмоқда. Шаҳар ва қишлоқлараро замонавий автотранспортлар мунтазам равишда қатнаб турмоқда. Ҳеч бир қишлоқ ёки шаҳар йўқки, ўзаро транспорт воситалари билан боғлиқ бўлмаган. Кўпчилик оилаларда енгил автомашиналар мавжуд. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг кўплаб қишлоқ ва шаҳарлари орасидаги йўллар асфальтлаштирилган ёки у ерларга тош тўшалган.

Ўлкамизда ҳаво транспорти дастлаб 1924 йилда пайдо бўлди. Агар биринчи ҳаво йўли Тошкентдан Олмаотага очилган бўлса, ҳозир барча вилоятлар маркази пойтахт билан ва жуда кўп чет мамлакатлар билан боғланган. Авиатранспорт эндиликда йўловчи ва юк ташийдиган кенг тарқалган ва қулай алоқа воситаси бўлиб қолди. Йирик замонавий аэропортлар мажмуи Нукус, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Зарафшон ва Урганчда қурилган. Тошкентдаги гўзал ҳаво кемалари манзилгоҳи энг йирик барча турдаги лайнерларни қабул қила оладиган замонавий ускуна ва механизмлар билан жиҳозланган халқаро аҳамиятга эга аэропорт ҳисобланади.

Ўзбекистонда савдо-сотиқ энг қадимий даврларда юзага келган. Айниқса, ўрта асрларга келиб нафақат шаҳарларда, балки жуда кўп йирик қишлоқларда ҳам қайноқ гавжум бозорлар бўлган. Бутун Шарқдагидек, бу ерда ҳам маҳаллий бозорларни ўлканинг кўзгуси деса бўлади. Жуда кўп шаҳар ва қишлоқларда муайян

кунга белгиланган катта бозорлар бўлиб, уларга бутун Урта Осиёдан ва чет эллардан савдогарлар келган. Айрим шаҳарларда ҳар йили катта савдо ярмаркалари очилиб, 10—20 кунлаб ишлаб турган ва уларда минглаб кишилар иштирок қилганлар. Урта асрнинг атоқли тарихчиларидан Наршахийнинг таърифича, йирик ҳунармандлар ва деҳқонлар учун бойлик орттиришда савдо ўз ҳунар-касбидан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган. Чунки ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қанча қулай харид қилинса, шунча даромад кўпаяди ва касб ривож топади.

Бозор маҳсулоти ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатларининг ривожини албатта муайян ижтимоий тузум ва меҳнат тақсимооти даражаси билан бевосита боғлиқ. Асримизнинг бошларида ўзбек элида ишлаб чиқарувчи кучлар анча ривожланган, савдо-сотик жонланган бўлиб, жуда кўп шаҳарлар йирик савдо марказларига айланган. Бу ердаги бозорларда савдо расталари ҳатто мутахассислашган, жонли улгуржи ва катта-кичик савдо муаммолари ҳал қилинган. Ҳар бир раста муайян моллар ёки ҳунармандчилик маҳсулотларига мўлжалланган, баъзан дўконлар жойлашиб шу ернинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харид қилинган. Масалан, Бухорода заргарлар растаси тоқи заргарон, пул алмаштирадиган ёки майдалайдиган саррофлар растаси тоқи саррофон, мискарлар растаси тоқи мискарон кабилар баъзан бутун кўча (раста) ни эгаллаган. Утган аср охирида Тошкентнинг марказий бозорида уч мингдан ортиқ дўкон махсус расталарга жойлашган.

Шаҳарнинг айрим қисмларида ҳам катта-кичик савдо дўконлари бўлган. Тошкент энг йирик транзит савдо маркази ҳисобланган. Бу ерда ташқаридан келтирилган завод-фабрика маҳсулотларидан ташқари маҳаллий савдо моллари, айниқса ҳунармандчилик маҳсулотлари жуда кўп харид қилиниб, ўлканинг бошқа ерларига олиб кетиб сотилган.

Хоразм воҳасида ҳам савдонинг ривожланганлигини у ердаги савдо дўконларининг сонидан билиш мумкин. Утган аср охирида Хива бозорида 260 та дўкон, Урганчда—300 та, Қўнғиротда—315 та, Хўжайлида—150 га яқин дўкон бўлган. Расмий маълумотларга қараганда, 1893 йили Хива хонлигидан Чоржўй орқали 350 минг пуд мол чиқарилган бўлса, шу йўл билан 235 минг пуд юк хонликка киритилган. Қўнғирот орқали

эса 375 минг пуд мол чиқарилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқалари айниқса Каспий орти темир йўли қурилиб битгач анча кучайган эди.

Фарғона водийсида ўзининг катталиги ва савдо айланиши (обороти) жиҳатдан Қўқон бозори алоҳида ажралиб туради. Ўзининг ободончилиги ва қулайлиги билан Бухоро бозори минтақада биринчи ўринда турган. Ипак газламалар маҳсулоти билан бутун Шарққа танилган кичкина шаҳар Марғилонда қатор-қатор тузилган дўконлар 2,5 км гача кўча бўйлаб чўзилган.

Шаҳар ҳокимлиги ва ҳунармандлар уюшмаси бозор учун доимо ташвишланган. Айрим шаҳарларда жазирама иссиқдан ва қор-ёмғирдан сақланиш учун бозор жойлашган кўчаларнинг усти ёпилган, баъзан махсус тимли бозорлар қурилган (Бухоро, Хива). Асосан пишган ғиштдан тикланган тимли бозор дўконларини энг бой савдогар ва ҳунармандлар эгаллаган. Бундай бозорларда йирик карвонсаройлар ва омбор (каппон) лар мавжуд бўлиб, улар айрим савдогарларнинг хусусий мулки ҳисобланган. Бу ерда барча зарур савдо ускуналари (тарози) ҳам сақланган ва уларга ҳақ тўланган,

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам махсус расталарга жойлаштирилган. Масалан, дон, пахта, қуруқ ва ҳўл мевалар растаси. Мол, ўтин ва кўмир, ёғоч ва қурилиш материаллари, ем-хашак бозорлари одатда шаҳар чеккасида жойлашган. Баъзан йирик шаҳарларда бир неча мол бозорлари мавжуд бўлиб, уларда доимо одам ва мол гавжум бўлган ҳамда даллоллик авж олган. Даллол улгуржи ва жонли мол савдосида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айниқса кўчманчи чорва аҳоли пода қилиб келтирган молни сотишда даллол ҳал қилувчи ролни ўйнаган. Даштдан келган мол эгаси даллол келмагунча харидорга молининг нархини айтмаган ва у билан мулоқотда бўлмаган.

Баъзи шаҳарликлар ва даштликлар орасида ҳатто «савдо дўстлиги» ўрнатилган. Узоқдан келган чорвадор тутинган шаҳарлик дўстининг уйига тушган, оилавий борди-келди ўрнатилган. Одат тусига кирган мазкур савдо муносабатлари авлоддан-авлодга ўтиб қадимий икки хилдаги хўжалик муносабатларининг рамзи сифатида намоён бўлган.

Шаҳар бозорларида дўкон расталаридан ташқари



махсус мардикор бозори ҳам бўлган. Унда ҳар кун саҳардан кечгача ишга ёлланувчи ва ёлланма ишчига муҳтож одамлар гавжум бўлган. Қурилиш ва бошқа ҳунармандчилик касбдагилар асосан ўз ҳунар-касб уюшмаси раиси (калантари) орқали ёлланган. Қолган мардикорлар ўзаро келишиб бир кунлик ёки муайян даврга ёлланиб ишлаганлар.

Катта шаҳарларда савдо-сотик ҳар куни бўлган, унда асосан маҳаллий аҳоли харид қилган. Одатда ҳафтада бир ёки икки бозор кунлари белгиланган, ўша кунлари бозорга узоқ-яқиндан одамлар тўпланган ва ўз эҳтиёжларини қондирган. Қадимий даврлардан бозорлар нафақат савдо учун, балки сайр-томоша учун ҳам хизмат қилган. Ўзбекларда ташқари (узоқ) дан меҳмон келса, уни бозорга сайр-томошага олиб чиқиш одат бўлган.

Бутун Шарқда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам савдо ишларида карвонсаройлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Карвонсаройларнинг сонига қараб ҳатто савдо-сотикнинг ривожини белгиланган. Масалан, асримиз бошларида Тошкентда 45 та, Бухорода 50 га яқин, Самарқандда 25 та, Хива ва Қўқонда ҳам бир неча ўнлаб карвонсаройларнинг мавжудлиги бу шаҳарларда савдо анча ривожланганлигини исботлайди. Карвонсаройлар одатда пишган ғиштдан қурилган катта квадрат шаклдаги икки қаватли ҳовли бўлиб, унинг биринчи қавати мол сақлайдиган каппон (омбор) ва иккинчи қавати меҳмонхона — ҳужрадан иборат бўлган. Йирик савдогарлар у ёки бу шаҳарда доимий савдо қиладиган бўлса, ҳатто ўзларининг шахсий карвонсаройларини қурганлар ва унда ўз кишилари хизмат қилган. Масалан, Бухорода бир неча хивалик савдогарлар, Самарқандда ургутлик савдогарлар ўзларининг карвонсаройларига эга бўлганлар. Айрим карвонсаройлар катта феодал ва зодагонлар, ҳатто давлат (хон) нинг ёки диний ташкилотнинг мулки (вақфи) ҳисобланган. Албатта, улар бундай мулк эгаларига катта даромад келтирган. Шунини ҳам қайд қилиш лозимки, йирик шаҳарлардаги карвонсаройлар муайян мол харид қилинишига қараб ҳам ихтисослашган. Бу ерда чакана ва айниқса улгуржи савдо амалга оширилган.

Савдо-сотик ишлари ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлганлиги тўғрисида унда иштирок қилувчиларнинг саводли бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун жуда кўп сонли

савдогарлар нафақат ўқимишли бўлган, улар ҳатто махсус мирзолар сақлаганлар. Мирзолар барча савдо ишларини, айниқса улгуржи савдони расмийлаштиришда бевосита иштирок қилганлар. Савдо ишларида фаол қатнашадиган яна бир шахс — косид ҳисоб-китоб ва кредит ишларини бошқарган. Одатда, косид олди-берди ишларини оғзаки бажарган. Энг кўп савдо Россия билан олиб борилганлиги учун орада йирик бой савдогарлардан пул олиб муайян фоиз даромад ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб Россияга жўнатиб харид қилган.

Карвонсаройларда ва савдо расталарида савдо ишларида хизмат қиладиган паст табақалардан ишловчи қорувул, ҳаммол, фаррош, юк ташувчи ва жойлаштирувчи мардикорлар кўпчиликни ташкил қилган. Йирик савдогарлар махсус жамоа (корпорация)га бириккан. Жамоани бошқарувчи оқсоқол карвонбоши ҳисбланиб, уни корпорация аъзолари энг обрўли катта савдогарлардан сайлаганлар. Жамоага савдогарлар табақасининг анча йирик намояндалари кирган. Ўз навбатида айрим савдо расталари бирикиб шу растадаги дўконлардан ўзининг оқсоқолини сайлаганлар ва улар ўзаро яқин алоқада бўлганлар. Оқсоқол савдо тартиблари ва қоидаларига амал қилинишини кузатиб, харидорлар ва савдогарлар орасидаги можаронинг ҳал қилинишига, баъзан ташқаридан келган молнинг дўконлар орасида одилона тарқалишига бош бўлган.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин тоталитар-бюрократик тузум хусусий мулкчиликни тугатиб анъанавий савдо муносабатларининг емирилишига ва бу соҳада рақобатнинг йўқолишига олиб келди. Оқибатда ишбилармон одамлар сафи камайиб, савдо соҳасида ҳам турғунлик ва иқтисодий танглик пайдо бўлган эди. Урта Осиёда мустақил республикаларнинг пайдо бўлиши хусусий мулкчиликни қайта тиклаб савдо эркинлигига кенг йўл очиб берди. Бозор иқтисодиётининг ҳаётимизга татбиқ қилиниши анъанавий савдони янги замонавий услуб ва воситалар билан бойитиб, жумҳуриятимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига муҳим омил бўлиши шубҳасиздир. Энди мустақил Ўзбекистон давлати барча чет эл мамлакатлари билан ўз манфаатига қараб эркин сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини ўрнатиш имкониятига эга бўлди. Ўлкамизда жуда кўп янги савдо уюшмалари, концерн

ва фирмалар пайдо бўлмоқда, давр талабига жавоб бера оладиган истеъдодли ишбилармонлар сафи кўпаймоқда.

## ЎЗБЕКЛАРНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ НАМУНАЛАРИ

Ҳар бир халқнинг моддий маданияти унинг турар жойи, уйи ва уй жиҳозлари, кийим-кечаги ва безаклари, таомлари ва рўзгор буюмлари билан белгиланади. Асосан табиий-географик шароит ва иқлим таъсирида миллий руҳият ва характерни ифодаловчи моддий маданият намуналари узоқ тарихий давр давомида шаклланиб ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Масалан, уй-жойлар типологияси, қурилиш материаллари ва конструкцияси, ички планировкаси, ўчоғи ва уни ўрнатиш қонун-қондалари, уйдаги буюмларнинг хиллари ва жиҳозланиш кабилар нафақат айрим халқларда, балки бир халқнинг ўз ичидаги айрим этнографик гуруҳларда ҳам фарқланган.

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқлар эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларида пайдо бўла бошлаган. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авеста»да, қадимги сўғд ёзувлари ва форс манбаларида, македониялик Искандар даврига оид маълумотларда бу ерда жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар, қаср ва қалъалар мавжудлиги тўғрисида хабар қилинади. Археологик кашфиётлар туфайли аниқланган ўзбек элидаги шаҳар ва қишлоқлар билан бирга айрим катта-кичик ҳовлилар, улардаги бой декоратив безаклар ва бўёқли расмлар ҳам диққатга сазовордир. Салавкийлар ва бақтрияликлар замонасидаги Сўғдиёна, Марғиёна, Фарғона ва Чоч эрамиздан аввалги I минг йиллик охирида Ўзбекистон ҳудудида шаҳарлар билан бир қаторда теварак-атрофи мустаҳкамланган қишлоқ қўрғонлари ва айрим деҳқонларнинг ҳовлилари борлиги аниқланган. Бундай қўрғонлар Қарши воҳасида, Самарқанд атрофида, Хоразмда кўп-лаб учрайди. Кушон давлати вақтида шаҳар маданияти анча ривожланган бўлиб, унда ҳунармандчилик ва савдо-сотик катта ўрин тутган. Бу даврга оид Афросиёбда, қадимги Термизда ва айниқса Айритом ва Холчаён, Қарши ва Хоразмда (Тупроққалъа ва Бозорқалъа) қазиб олинган кўшк ва саройлар меъморчилик ва санъат жиҳатидан ғоят муҳим обидалардан. Масалан, Холча-

ёнда залнинг уч томонидаги девори уч метр баландликда оқ ганч билан сувалган, деворларининг юқори қисми эса маҳобатли ҳайкалтарошлик расмлари билан тўлган. Тўқ қизил рангга бўялган деворларга оқ ғажаклар, барглар, сўлқим узумлар, бир неча эркаклар сурати зўр маҳорат билан солинган. Уч метрли оқ панель тепасидаги ҳайкалларнинг усти минерал бўёқлар (қизил, қора ранг) билан бўялган. Айвоннинг жануб томонидаги девордан қазиб олинган аёл ҳайкалининг чеҳраси очиқ ва кенг, оқ дубулға тагидан унинг қалин тутам сочлари кўриниб турибди.

Эски Термиздаги Қоратепада ўтказилган қазिशмалар Будда ибодатхонаси меъморчилигини ва унинг планлаштирилишини аниқлашга имкон берибгина қолмай, балки унда топилган муҳим санъат намуналари, бинони безаш учун ишлатилган буюмлар, оқ мрамарга ўхшаш мергел оҳактошдан ясалган меъморчилик зийнатлари, ганчдан ясалган ҳайкал парчалари, тошдан ишланган соябонлар, тош қопқоқлар, нилуфар ва барг тасвирлари, деворлардаги ва сопол идишдаги ёзувлар қадимий ажодларимиз яратган моддий маданият намуналари эканлигидан гувоҳлик беради. Хоразмда қазиб текширилган Тупроққалъа, Аёзқалъа, Жонбосқалъа каби шаҳар ҳаробалари билан бирга теварак-атрофи қад кўтарилган қасрлар, кўпдан-кўп қишлоқ ва қўрғонлар, Зарафшон водийсидаги Қофирқалъа, Қашқадарё водийсидаги Авултепа каби обидалар ўзбек халқи қадимий ажодлари юксак шаҳар маданиятига эга эканлигини тасдиқлайди.

Албатта, халқнинг турар жойи, уйлари қишлоқ ва шаҳар билан узвий боғланган, чунки уй қурилиш принципи ва типологияси бошқа қурилишлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Аммо жойлашишига қараб қишлоқлар ҳам ўзаро фарқ қилади. Масалан, шаҳар теварагидаги қишлоқлар работ деб аталиб, унда асосан ҳунармандлар, деҳқончилик билан шуғулланувчи одамлар истиқомат қилганлар. Кам сувли баҳорий ерларда жойлашган қишлоқлар ўзаро бир оз фарқланади. Илгари катта патриархал оилаларга мўлжалланган қўрғон типидagi ҳовлилар Хоразмда кўп бўлган. Работлар баъзан шаҳар теварагида жойлашган бўлса-да, қўшимча девор билан ўралган. Масалан, 2163 га майдонни эгаллаган девор ичидаги Марғилон шаҳрида ҳунармандлар истиқомат қиладиган работ уйлари, боғ-роғлар, полиз

ва ҳатто шудгор ерлар ҳам бўлган. Самарқанд ва унинг ҳунарманд деҳқон аҳли жойлашган шаҳар ҳудудини 40 км узунликдаги девор ўраб олган. Самарқанд, Қарши ва Бухоро атрофидаги қишлоқларда асосан деҳқончилик ва турли ҳунармандчилик билан шуғулланадиган аҳоли яшаган. Шаҳар атрофидаги қишлоқларда баъзан ёзда иссиқ пайтларда чиқиб бутун оиласи билан тўрт-беш ой яшаган шаҳарликлар ҳам оз бўлмаган. Улар қўшимча равишда деҳқончилик билан шуғулланиб оила бюджетини тўлдирганлар. Аммо бой оилалар шаҳар теварагида жуда катта боғларга эга бўлганлар ва кўп ҳосил тўплаганлар.

Йирик ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган қишлоқлар шаҳар қиёфасига эга бўлган. Улар фақатгина кўп аҳолига ва катта майдонга эга бўлибгина қолмай, турли касб-ҳунар, деҳқончилик ва боғдорчилик ҳам ривожланган. Уйлар маҳаллага бирикиб, теварак-атрофи боғ-роғ ва полизлар билан ўралган. Айрим қишлоқлар орасида шудгор ерлар ва боғлар жойлашган. Бундай қишлоқлардан бири бўлмиш Ургут қишлоғида ўзбек ва тожиклар яшаган. Улар тўқимачилик, читгарлик ва бошқа касб-ҳунар билан шуғулланганлар, боғларда ҳар хил мевалар, полиз экинлари парвариш қилганлар, баҳорги ерларда буғдой, арпа, тамаки экканлар. Ургутда ҳафтада бир марта бозор бўлган, унга теварак-атрофдагина эмас, узоқ қишлоқлардан ҳам одамлар келган. Бу ерда маҳаллий ҳунармандларнинг маҳсулоти, қўшни қишлоқлардан келтирилган дон ва қорамол, шаҳардан келтирилган маҳсулотлар харид қилинган.

Умуман ўзбекларда қишлоқ хўжалиги билан ҳунармандчиликни бирга олиб бориш кенг тарқалган. Нафақат Ургутга ўхшаш катта қишлоқларда, балки ўрта ва кичик қишлоқларда ҳам ҳунармандлар товар маҳсулотларини ишлаб чиқарганлар. Масалан, Бухоро вилоятидаги Бобкент қишлоғида йўл-йўл ип-газлама, Ёждувонда сопол идишлар, Читгарон қишлоғида гулли газламалар бозорларга чиқарилган. Фарғона водийсида Риштон қишлоғи ўзининг ажойиб сопол идишлари билан, Хоразмда Дурғадик қишлоғи ипак газламалари билан машҳур бўлган. Бундай қишлоқлар ўзининг тўқ, фаровонлиги ва гўзаллиги билан суви кам қашшоқ қишлоқлардан анча фарқ қилган. Асли яқинда кўчманчи ёки ярим кўчманчи бўлган ўзбекларнинг кам сувли

жойларда лойдан ёки гуваладан тикланган кулбалари теварагида на дарахт, на экин бўлган. Сурхондарё ва Қашқадарё томонларда истиқомат қилувчи қабилавий ўзбекларнинг камбағал кулбалари сувни чуқур қудуқдан ёки булоқдан, баъзан ёмғир суви тўпланган махсус иншоотлар — сардобалардан олганлар. Бундай қишлоқларни Самарқанд атрофларида (Панжикент томонда), Жиззах, Зомин ва бошқа тоққа ва чўлга яқин ерларда ҳам учратиш мумкин.

Асримиз бошларигача Хоразмда хутор типига жойлашган ҳовли уйлар кўп бўлган. Бундай ҳовлилар баланд деворли пахсадан урилган катта дарвозали кунгурали қўрғончадан иборат бўлиб, уларда умумий хўжаликка эга, патриархал ёки бўлинмаган катта оилалар бир неча хоналарда истиқомат қилганлар. Ҳовлилар бири-биридан муайян масофада жойлашган ва ўзаро умумий сув иншооти ариқ (ёп) ва экин далалари билан улашиб кетган. Хоразм ҳовлиларига ўхшаш қўрғончалар Самарқанд вилояти ва Бухоро атрофида, баъзан Фарғонада ҳам учрайди.

Ўзбек қишлоқлари жамоага бириккан ва унинг бошида амин ёки оқсоқол турган, Туркистон ўлкасида бир неча қишлоқ жамоаси волостларга бўлиниб, уларга мингбоши тайинланган. XIX аср охири—XX аср бошларида волость маркази қилиб катта қишлоқлардан бири ажратилган, унда баъзан мадраса ва катта жума мачит жойлашган. Катта қишлоқлар шаҳарлардагидек бир мачит теварагида маҳалла (гузар, қавм) ларга бўлинган, бир мачитга бириккан (Хоразмда) ҳовлилар эса мачит қавми деб номланган.

Ўтган асрнинг охириларигача кўп қишлоқлар анча биқик ҳолда яшаб, одамларнинг кўпчилиги ўз қишлоқ бозоридан ёки яқиндаги шаҳардан бошқа жойни кўрмаган. Ҳатто турли маҳсулот яратган ҳунармандлар ҳам кўпинча ўз маҳсулотларини савдогарлар орқали харид қилганлар.

Ҳозирги даврдаги қишлоқлар анъанавий турмуш тарзи ва маҳаллачилик ҳамда қўшничиликни сақлаган ҳолда янги маъмуриятчилик асосида анча мукамал, ихчам, замонавий уйлардан иборат. Кўпчилик қишлоқларда декоратив дарахтлар экилган, йўлларга асфальт тўшалган, кўча бўйлаб қулай, шинам ҳовли уйлар бор. Марказда ҳашаматли жамоа ёки давлат хўжалиги идораси, бир неча мактаб бинолари бўлиб, айрим қишлоқ-

ларда дабдабали маданият саройи, меҳмонхона ва истироҳат боғи бу қишлоқларга ҳусн бағишлайди. Республикадаги шаҳар ва қишлоқларнинг кўплари электрлаштирилган, газ ва сув билан таъминланган. Фақат узоқ тор ва чўл районларда қинғир-қийшиқ, тор кўчали, майда-чуйда уйлардан иборат айрим эски қишлоқлар учрайди, аммо улар ҳам анча ободонлаштирилган ва яшашга қулайлаштирилган.

## УЙ-ЖОЙЛАР ВА ЖИҲОЗЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ

Ўзбекистоннинг турли тарихий, табиий-географик шароити бу ерда ҳар хил халқ меъморчилиқ мактабларини юзага келтирган эди. Ҳозиргача сақланиб келган, асосан қурилиш конструкцияси ва услуги, планировкаси ва безаклари билан ажралиб турган, мустақил ва ўзига хос Фарғона, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз меъморчилиги машҳур бўлиб келган. Масалан, Фарғона водийсида сейсмик зона бўлганлиги туфайли асосан икки қатор қўшсинч уйлар қуриш, зилзила кам бўладиган Хивада эса бир қатор синчдан иморат солиш одат бўлган. Ёки Фарғона водийсида ёғингарчилик кўп бўлганлиги учун том қуришда лўмбознинг қалинлиги 40 см гача келса, ёғингарчилик кам бўладиган Хоразм воҳасида лўмбоз 10—15 см дан ошмаган.

Уй-жой қурилишида ўзбекларда баъзи бир ўзига хослик сақланса-да, умумий ягона меъморчилик типи кенг тарқалган. Қадимий уйлар одатда биқик, кўча ва қўшни томони деразасиз девор билан ўралган ҳовлилардан иборат бўлган. Барча турар жой ва хўжалик хоналарининг ойналари ичкари томонга қаратилган. Бадавлат катта оилаларда ҳовли икки қисмга — болачақа ва аёллар учун ичкари ҳамда эркаклар учун меҳмонхона тарзида ҳашаматли хонали ташқарига бўлинган. Ҳунармандларда дўкон ва шогирдлар яшайдиган хоналар ҳам ташқарида бўлган. Уртача оилаларда меҳмонхона сифатида уйнинг бир ҳужраси ажратилган, камбағалларда эса бу ҳам бўлмаган.

Кўпчилик уй-жойларнинг планировкаси оила аъзоларининг сонига қараб бир неча уй (хона), даҳлиз ва айвондан иборат бўлган, хўжалик хоналари, ошхона, ҳожатхона ва молхона ҳовлида қурилган. Зич аҳолили шаҳарларда меҳмонхона иккинчи қаватда — болахонада жойлашган. Масалан, Бухорода икки ёки уч қаватли

уйлар қуриш одат бўлган. Тошқент ва Бухорода айрим ҳовлиларнинг 80—90 фоизи, баъзан ҳатто 100 фоизи қурилиш билан банд бўлган ва ҳар бир метр жойдан мақбуллик билан фойдаланилган.

Уй-жойларни қуришда ишлатиладиган анъанавий асосий материал лой (пахса), ғишт, гувала ва ёғоч (асосан терак ва тол) бўлган. Пишган ғишдан илгари мадраса, ҳаммом ва катта бой ҳамда амалдорларнинг уйлари қурилган. Кўпчилик уйларда деворлар асосан сомон аралаш лойдан сувоқ қилинган, бадавлат уйларнинг деворлари ганчдан нақш билан ишланган. Асримиз бошларигача уй-жойлар пойдеворсиз оддий текисланган ерга қурилган, баъзан тош ёки бирикки қатор пишган ғишт тўшалган, ер таги сувлари яқин ва тузли шўр ерларда пахса пойдеворига қамиш ёки чипта тўшаб девор кўтарилган. Бухорода баъзан уй остига ярим ертўлага ўхшаш омборсимон хона қурилган. Одатда пол оддий ер сатҳидан иборат бўлиб, айрим уйларда сувоқли, бойроқ кишилар пишган ғишдан полни тўшаганлар.

Томни ёғоч устун ва болор билан васса ҳамда қамиш ёки бўйра тўшаб лойдан лўмбоз қилиб бостирганлар. Том ҳар йили сомон лой билан суваб турилган, ёмғир сувлари оқиши учун унга ёғоч ёки сопол тарнов ўрнатилган. Ташқи кўриниши оддийгина бўлса-да, кўп уйларнинг дарвоза ва эшикларига ўйма нақш берилган, даҳлиз ва айвонлари ихчам ва пештоқли бўлган. Бухоро ва Хивада ҳовли эшикларига жез ёки темирдан ясалган болға ёки ҳалқасимон болдоқ осилган. Эски типдаги уйларнинг хоналари ва ойналари айвонга чиққан, дарчалар ер сатҳи билан тенг бўлган. Эшиклар ичкарига, дарчалар ташқарига очилган. Дераза ёки эшикнинг юқори қисмига ёриқ тушадиган пирамон (тобазон) қўйилган, унга ёғоч ёки ганчдан ясалган панжара ўрнатилган. Уйга кирадиган жойда эшик олдида тўғри бурчакли пештоқ (пойгак) бўлиб, унга пойабзал ечиб қўйилган. Эшик олдидаги бурчакда сув ташладиган (оқизадиган) махсус жой (обрез, адан, ташнав) жойлашган бўлиб, унга Бухоро ва Самарқандда мрамр тош, Хивада махсус сопол буюм ўрнатилган.

Ўзбек уйларида қадимдан маҳаллий иқлим шароитига мослашган айвон муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг таркибий қисми сифатида айвонда ёки ҳовлида ғишт ёки лойдан супа қурилган, Айвон ва супа баъзан



бутун хоналар қаторига узунасига ёки бир қисмига баланд қилиб жойлашган. Тошкент, Бухоро ва Хива ҳовлиларида иқлимга қараб ёзги хоналар шимолга қаратилган, баланд қилиб қурилган ва анча бой безатилган, олдида жануб томонга қаратилган қишки уйлар жойлашган. Хоразм ҳовлиларининг яна бир хусусияти шуки, ички айвон шимол томони томдан баланд кўтарилиб, акси томон том сатҳида бўлиб, ёз пайтлари табиий вентилизация (шамол тортиш) вазифасини бажарган. Ҳозиргача кўпгина Хоразм уйларида кенг ва баланд айвон (долон) қурилган, айрим жойларда қишлоқ ҳовлилари олдида тевараги гужум (сада) дарахти экилган супали ҳовуз мавжуд. Мазкур меъморчилик типи жазирама иссиқдан сақланадиган файзли жой ҳисобланади.

Маҳаллий уйларда турар жойларни чиройли қилиб безаш ва жиҳозлаш қадимдан одат бўлиб келган. Жуда кенг тарқалган икки қаторли синч уйларнинг деворлари бўйлаб тўғрибурчакли ёки пештоқ (гумбаз) шаклидаги бир неча тахмон (токча) лар ўрнатилган бўлиб, уларда ҳар хил уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқ ва кўрпа-тўшаклар жойлаштирилган. Бойларнинг уйлари ниҳоятда нозик ва жимжимадор нақшлар билан безатилган, ганч токчалар ва тахмонлар қимматбаҳо идишлар ва бошқа буюмлар билан тўлдирилган. Марғилон ва Қўқонда бундай тахмонлар ярим гумбаз шаклида осма безаклар билан безатилган. Бухорода даставвал деворлар ганч билан сувалиб, ўйма нақшлар билан рангли гуллар ясалган, Фарғона ва Тошкентда эса, аксинча, деворлар текис, шипра ҳар хил рангда гул солиб безаш одат бўлган. Уймакорлик ва рангли бўёқлар билан расм солиш Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда, эшик, дарвоза ва устунларга ўйма нақшлар бериш Хоразмда кенг тарқалган.

Уйни иситишда кўп жойларда сандал ишлатилган. Сандалнинг тагига кўмир ёқилиб, устига катта кўрпа тўшалган ва сандал теварагида оила аъзолари умумий кўрпага ёпиниб ётганлар ва ўралиб ўтирганлар. Фарғона водийсида сандалдан ташқари камин типидagi ўчоқ бўлган ва унда қишда овқат тайёрланган. Хоразмда аданга яқин жойда мўрили ўчоқ қурилган, унинг олдида тўртбурчак ёки тухумсимон ясси шаклда кичкина майдончага ўчоқдан чўғ тортиб уйни қизитганлар ва исинганлар. Ҳозирги ўзбек уйлари марқазлашган иситиш ускуналари, водопровод ва газ билан таъмин-

ланган. Шаҳар ва қишлоқ уйларининг кўпчилиги санузел ва канализацияга эга.

Хоналарнинг ички томонини зеб-зийнатлашга катта эътибор берилган. Анъанавий услубда полга чипта ёки бўйра тўшалиб, унинг устига кигиз, палос ёки гилам ёйилган. Кўп жойда девор бўйлаб кўрпача тўшалган, овқатланиш вақтида ва меҳмон келганда (одатда меҳмон учун тахмондан янги кўрпача олиб тўшалган) ўртага дастурхон ёйилган. Тошкент ва Бухорода дастурхонни хонтахтага ёйганлар. Кўрпачалар эшик рўпасида тўрдаги махсус тахмонда ёки сандиқ устида тахлаб қўйилган. Ёстиқ-болишлар чиройли қилиб кашталанган ёки қурама қилиб тикилган, кўрпа-ёстиқлар баъзан нақшли сўзаналар билан ёпиб қўйилган.

Чойнак-пиёла ва бошқа зарур буюмлар: чинни, мис ва биллур идишлар махсус тахмон—майда токча, реза токча, косамон ва ҳоказоларда дид билан жойлаштирилган. Пастки катта токчаларда нафис сандиқ ва қутчалар, идиш-товоқлар, патнис, қумғон—тунча ва самовар қўйилган. Айрим бадавлат уйларда токча ва тахмонлар нозик ўйма ва рангли нақшлар билан безатилган. Кўп уйларда кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар деворга қадалган қозиқчага ёки махсус тортилган ипга осиб қўйилган. Ҳозирги даврда анъанавий жиҳозланиш замонавий мебель (гарнитурлар)га ўтказилиб, улар кўп қаватли ва алоҳида уйларда ҳам юксак дид билан жойлаштирилган. Стенка ва токчаларда қўйиладиган буюмларнинг турлари ниҳоятда бой ва рангбаранг. Айниқса ҳозирги келин-куёвлар уйи чет эл (импорт) гарнитурлари, хилма-хил идишлар ва уй-рўзгор буюмлари, қимматбаҳо гилам, чойшаб ва ёпинчоқлар, ноёб расмлар ва ҳайкалчалар билан жиҳозланган.

Одат бўйича уйнинг тўри меҳмонники ёки оила бошлиғи (энг кеқса одам ёки уй эгаси)ники. Ўзбекларда ҳозиргача меҳмондорчилик анъанаси ниҳоятда мустақам сақланиб келганлиги туфайли деярли барча уйларда меҳмонхона юксак дид билан безатилиб, тоза туради. Уйда энг яхши хоналар ҳам меҳмонхона сифатида ажратилади.

Илгари кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳисобланган ўзбекларда қишлоқларга жойлашиб уй қуриш асосан ўтган асрлардан бошланган. Айрим этнографик гуруҳларда (қарлуқ, барлос ва ҳоказо) яқин даврларгача қишки лойдан қурилган уйлардан ташқари ўтов ёки ка-

па сақланиб келган. Баъзилар, масалан, тоғли совуқ жойларда яшаётган мусабозори каби этник гуруҳлар илгаридан мустаҳкам қурилган уйларда истиқомат қилганлар. Аммо улардаги ўтовлар ўзига хослиги билан ажралиб турган. Масалан, ўзбекларнинг турк қабила-ларида лочинг ёки капа деб номланган ўтов ярим шар шаклида бўлиб, ёйсимон синч қабирғалари билан қубба (гумбаза)си яхлит ҳолда ерга тикилган. Дашти қипчоқ ўзбеклари ўтови (уй, қора уй) айрим панжарали девор (керага)лар ўзаро боғланиб, юқори сферик шаклдаги томи узун ёғоч (ўқ)лар билан беркитилган. Иккала ўтовни ҳам керагалар боғланган қамишдан тўқилган бўйра ва кигиз билан ёпганлар, дашти қипчоқликларда махсус тўқилган камар (баъзан гилам шаклида, боу бошқур) билан ўраб боғлаганлар. Ўтов ўртасида гулхан ёқилиб иситилган, юқорида тутун чиқадиган ва ёруғ кирадиган туйнук қўйилган. Гулхан ёқил-ладиган жойга темир сепоядан ўчоқ қилиб қозон осилган. Қаттиқ совуқларда гулхан ёқилиб бўлгач, юқори-даги мўри кигиз билан бекитилган. Ёзги жазирама ис-сиқ пайтларда, аксинча мўрининг ҳам, керагалар ўрал-ган кигизнинг ҳам пастки томони шабада кириши учун очиб қўйилган.

Ўтовни жиҳозлашда асосан жундан ишланган тур-ли халта, тўрва, гилам, ҳар хил ёғоч ва темир буюмлар, сандиқ, оёқ остига палос, кигиз, эчки ва қўй терисидан ишлов бериб тайёрланган пўстак ва ҳоказолар ишла-тилган. Ўтовда ҳам энг ҳурматли киши — уй эгаси ёки меҳмон тўрға ўтқазилган. Ўтовга киришдаги чап томон эркакларники, ўнг томон хотинларники ҳисобланган. Ўзбекларнинг қўнғирот ва сарой қабилаларида ҳозир-гача стационар ҳовли ичида ўтовни учратиш мумкин. Уни баъзан ҳовли олдидаги боғда ёки полиз ўртасида ҳам тиклаганлар.

Илгари камбағал оилалар, айниқса кўчманчи ўз-беклар уй қуриш ёки ўтов тиклаш имкониятига эга бўл-май, оддий капаларда истиқомат қилиб келганлар. Дои-расимон ёки тўғрибурчакли қилиб тикланган капани, масалан, лоқай қабиласи қишда иссиқ бўлиши учун лой билан суваган. Улар аста-секин ўтроқ ҳолатда деҳ-қончиликка ўтиш билан лойдан қурилган тўғрибурчак-ли ёки доирасимон (ўтовни эслатувчи) шаклдаги уй (чубтора)га кўчиб ўтадилар. Чубтора лой ёки гувала-дан урилган, паст деворли, қамиш ва ҳашак билан бе-

китилган икки нишабли томдан иборат бир хонали уйдир. Томнинг ўртасида тутун чиқадиган туйнук очилган, уйнинг марказида чуқурча қазиб ўчоқ ўрнатилган, ўчоқни асосан тезак билан ёққанлар. Айрим оилаларда ўтроқ аҳолидан ўтган сандал ишлатилган. Одамлар чубторада қиш пайтида истиқомат қилиб, баҳор кириши билан яйловларга чиқиб, ўтов ёки чайла тиклаганлар.

XX аср бошларидан уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш анъаналарига бир оз янгиликлар кира бошлайди. Даставвал пишган ғиштдан уй қуриш, тунука билан том ёпиш, деразаларга ойна солиш ва кўча томонни очиш каби янгиликлар пайдо бўлади, керосин, кейин электр лампаси, фабрика ва заводларда ишланган уй-рўзғор буюмлари ишлатила бошлайди. Қишлоқ уйларида ҳам анча янгиликлар пайдо бўлади, айниқса қурилиш материаллари ва услубида кўпгина ўзгаришлар рўй беради.

Ҳозир шаҳар аҳолисининг анча қисми кўп қаватли уйларда фаровон турмуш қурмоқдалар. Улар барча замонавий сантехника ва бошқа қулайликлар билан таъминланган. Аммо кўп жойларда бир-икки оилага мўлжалланган алоҳида уй-жойлар кенг тарқалган. Бундай уйлар ҳам ёки пишган ғиштдан пахса ёки синч услубида қурилган, томорқа ва бошқа участкага эга. Пойдевори одатда бетондан қуйилган ёки пишган ғиштдан урилган. Кўп уйлар ўзбек одати бўйича ҳашар йўли билан қурилади. Деярли бутун шаҳар аҳолиси ва кўп қишлоқларда уй жиҳозланиши, айниқса илгари бутунлай бўлмаган турли мебеллар, уй-рўзғор буюмларининг ва кўрпа-тўшакларнинг анъанавий ва замонавий услубда жойланиши ўзига хос чирой ва қувонч бағишлайди. Ҳозирги ҳовлиларда ёғоч полга гилам, палос ва кигиз тўшалган, марказлашган водопровод, газ, электр, телефон мавжуд. Аммо шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда катта, бўлинмаган оилалар учун қулайликлар кам.

Кейинги йилларда Фарғона водийсида қурилган янги уйларда маҳаллий анъанавий планировка сақланиб, икки хона ўртасида уч томони берк айвон жуда қулай ва ихчамлиги билан, Хоразмда катта дарвоза чиройли ғиштлардан қурилган кенг ва баланд долони ва меҳмонхонаси билан кишини ҳайратда қолдиради. Янги уйларнинг деразалари ташқарига қаратилган, ҳовлида ток, гул ва мева дарахтлари экилган. Кичик оилалар

учун қурилган уйлар асосан икки хона, катта ошхона ва очиқ айвондан иборат. Уй эшиги айвон томонда. Баъзан ҳовлилар тўрида янги оилага мўлжалланган икки хонали уй ҳам бўлган.

Ўзбек оилалари кўпинча одат бўйича асли очиқ ҳавода, ҳовлида вақт ўтказадилар. Ҳовлига эрта баҳордан чиқилади. Бу ерда асосан ток ёки дарахт соясида ёғочдан ясалган катта каравот (сўри)да, баъзан лой (ғишт)дан қурилган супада, айрим жойларда чиройли безатилган шийпонда ҳаёт ўтади. Ҳозир уй-жойларнинг муҳим жиҳозларидан телевизор, совитгич, кир ювиш машинаси, дазмол, тикув машинаси ва ҳоказолар деярли ҳамма оилаларда учрайди. Қишлоқ ҳовлиларида, шаҳардаги айрим шахсий уйларда алоҳида ошхона, молхона ва тандир мавжуд. Барча оилаларда анъанавий уй жиҳозларидан гилам, палос, кигиз, сўзана ва чойшаб, каштали парда ва турли расмлар ҳамда безаклар хоналарга алоҳида ҳусн бағишлайди. Айниқса ёш келин-кўёвларга мўлжалланган хоналар миллий тарзда хилма-хил кашталанган декоратив буюмлар, қат-қат кўрпача, тўшак ва болишлар, чиройли гилам ва янги идишлар билан безатилади. Кўп қишлоқ ва шаҳар уйларида уй эгалари фоторасми, табиат манзараси, ота-она ва оила аъзоларининг портретлари ва бошқа манзарали расмлар ўз ўрнидан жой олган.

### **КИЙИМ-КЕЧАК ВА САРПО, БЕЗАКЛАР ВА ПАРДОЗ-АНДОЗЛАРИ**

Урта Осиё халқларининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир элат ва этник гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятли бош-оёқ кийимлари бўлса-да, минтақада яшовчи этнослар умумий характеридаги сарпомавжудлиги, уларнинг тарихий тақдири, маданияти узоқ давр ўзаро яқин бўлганлигидан далолат беради. Археологик қазишмалардан топилган қадимий катта деворий расмлар, ҳар хил буюмларга туширилган тасвирлар, ўрта асрлардаги китоб миниатюралари аждодларимизнинг ўтмишдаги кийим-кечаклари тўғрисида бой маълумотлар беради. Урта асрларга оид миниатюралар ўзбек кийимларининг типи шаклланганлиги ва улар кейинги давргача сақланганлигини намойиш қилади. Эски халқ кийим-кечакларидаги ўзгаришлар асосан асримиз бошларида сезиларли равишда намоён бўла-

ди ва ундаги трансформация асосан шаҳарларда очиқ-ойдин билинади.

Ҳозирги ўзбек сарполари замонавий типда бўлиб, айниқса оврўпача кийим-кечакларнинг кириб келиши билан тавсифланади. Миллий кийимлар кўпроқ қишлоқда, алоҳида аёллар сарпосида анча мустаҳкам сақланган. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги оврўпача кийи-нади.

Анъанавий ўзбек кийим-кечаги асосан устки кўйлак, иштон ва чопондан, бошга дўппи, оёққа калиш-маҳси ва этикдан иборат бўлган. Эркак-аёл ва катта-кичиклар кийимлари бичимининг деярли бир хиллиги уларнинг қадимийлигидан дарак беради. Бундай либослар оддий усулда, баъзан қайчисиз ва улгусиз яхлит матодан йиртиб тикилган. Бир парча газламани иккига буклаб елка томонига кўндалангига икки енг билан бир парча тўртбурчак хиштак (қўлтиғига солинган)ни тикиб кўйлак битган.

Эркакларнинг анъанавий ятак кўйлаги тиззагача, аёллар ва қизларники тўпиғигача узунликда тикилган. Фарғона водийсида яхтак хилдаги эркаклар кўйлагининг қийиқ жойи вертикалига (йирмочи) белгача етса, яна бир турининг йирмочиси горизонтал ҳолда бир эгнидан иккинчисига қийиб чўзилган. Иккаласига ҳам узунасига ёқа ўрнатилган, айрим жойларда ёқаси қашталанган. Горизонтал йирмочи ёқали кўйлак Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида, Тошкент, Бухоро ва Хоразмда кенг тарқалган. Аёллар кўйлагининг ёқасига ҳам қашталанган ёки безатилган кенг тасма тикилган.

Аёллар кўйлагининг ёқаси вертикал йирмочи кесилган бўлиб, кўп жойларда бутун бўйига гулли жияк (тасма) тикилган. Шаҳрисабз, Қарши ва Сурхондарёда жияк ипак ип билан бут шаклида тўқилган, Бухорода қимматбаҳо кийимларга тилла ипда тўқилган жияк тикилган. Кўпчилик жойларда ёши катта аёллар оддий жун чилвир ёки қорамтир йўл-йўл мато парчасини жияк қилиб ишлатган. Асримиз бошларидаги бундай аёл кўйлаклари кам сақланган. Туркистон ўлкасида дастлаб шаҳарларда, кейинроқ қишлоқларда тик ёқали йирмочи кўйлаklar мода бўла бошлаган. Бундай кўйлаklarга «нўғай ёқа» деб ном берилган. Эски, оддий бичимдаги кўйлаklarни асосан 50—60 яшар аёллар кийган. Ҳозир аёл сарполари ниҳоятда ранг-баранг

бўлиб, кўпчилиги оврупача, ammo миллий руҳдаги энг кенг тарқалган кўкрак бурма бичимидаги кўйлақдир. Атласдан тикилган кўйлақлар жуда кенг тарқалган ва бундай сарпони қизлар ҳам, аёллар ҳам, кампирлар ҳам кияди.

Қадимий кўйлақ намуналари ҳозиргача асосан қариялар ва ёш болалар кийимида сақланган. Масалан, Бухоро ва Хоразм воҳасида улар гуппи, жубба, гуппича, Фарғона водийсида гуппи кўйлақ ёки гуппича деган номлар билан маълум. Қадимий кўйлақларга оқ матодан горизонтал очилган ёқали муллача кўйлақ, мусулмон-кўйлақ ҳам киради. Жуда кенг тарқалган (Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида) ва қисман сақланган (Хоразмда) мурсақ мунисақ ёки калтача ўтган асрда ҳар кунги аёл кийими сифатида диққатга сазовор. Бундай кийим чопон шаклида узун ёқасиз энгил астар билан тикилган.

Иштонни ҳам эски кўйлақдек бир парча газламани иккига бўлиб, олди ва орқасидан тикиб оғини ёпиштирган. Эркакларнинг иштони аёлларникидан унча фарқ қилмаган. Фақат аёллар иштони бичими бир бўлса-да материали ҳар хил, яъни йўл-йўл газлама ёки ипак матодан бўлиб, эркакларникига нисбатан узунроқ, пастки жияк (тасма) билан безатилган. Аёллар иштони (лозим) илгари икки қисмдан: юқори қисми оддий матодан, пастки қисми қимматбаҳо материалдан (баъзан кўйлақка мослаштириб) тикилган, почасига жияк тикилган.

Умуман олганда, эркакларнинг кўйлақ-иштони одатда бир рангда (асосан оқ), аёлларники ранг-баранг материалдан тикилган. Ўтган асрнинг охирларигача кийим-кечаклар маҳаллий косиблар тўқиган мато — (бўз, каломи, алача)дан тикилган, кейин рус фабрикалари маҳсулотларидан тикила бошлаган (аёлларга гулли читдан, эркакларга оддий оқ читдан). Ҳозирги даврда миллий ва оврупача кийимларнинг турлари ниҳоятда кўп. Айниқса кейинги пайтларда ўзбек аёллари ялтироқ кумуш тилла ипли газламалардан замонавий модага мослаштириб кийим тиктириб киймоқда. Ички кийимлар бутунлай янгича трикотаждан ва сунъий матолардан тикилган фабрика маҳсулотидан иборат. Ammo ҳозиргача аёлларнинг энг сеvimли ва кенг тарқалган кийими ранг-баранг, чиройли хон атлас ва бошқа юпқа ипак матодан тикилган.

Ўзбек халқининг миллий рамзи сифатида сақланиб келаётган устки кийим—чопон (тўн) шу кунгача катта ҳурматда. Чопон очиқ ёқали яхтак шаклида астарли ва пахтали қилиб тикилган. Чопон узун энгли, юқори қисми кенг, настки томони торайиб кетган, айримларининг этаги, ўнг ва сўл томонида қийиқ жойи бўлган, ерда ўтиришга қулай. Одатда чопоннинг белбоғи бўлади, унга эркаклар пичоқ (қини билан) осиб юрганлар. Чопон асосан пахтали, қавилган, айрим жойлари жуда майда қавилади (Хоразмда), натижада қаттиқ бўлади. Ёзги чопонлар қавилмаган (авра-астар чопон) ёки умуман астарсиз (авра чопои) ҳам бўлган. Наманганда дала ишларида оқ матодан юпқа қавилган калта чопон кийилади, у иссиқдан сақлайди. Сурхондарё ва Зарафшон бўйларида ўрнашган ярим кўчманчи ўзбекларда ҳам тиззагача келадиган астарсиз калта (авра) чопон кўп учрайди.

Ўзбек чопонлари ранги, узунлиги, кенглиги ва кийиш услубига қараб ҳар жойда ҳар хил бўлган. Масалан, Бухорода, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон водийларида узун ва кенг, узун энгли, пахта ёки ярим ипак рангли матодан тикилган чопон, Фарғона ва Тошкентда яшил ёки кўк-яшил чопон кийиш одат бўлган. Асримиз бошларидан қора сатиндан тикилган чопон кенг тарқалган. Ёшлар орасида байрам либоси сифатида очиқ рангли катта йўл-йўл беқасам тўн мода ҳисобланган. Қишлоқ жойларда бундай чопон куёв сарпосига кирган. Бир оз тор ва калта камбар йўлли нақш берилган ялтироқ алачадан тикилган Хоразм чопони қадимдан кенг тарқалган. Чопонни яктак устидан кийиб белбоғ осиб асосан Фарғона водийсида одат бўлган, бошқа жойларда белбоғсиз яктакчасигина кийилган.

Аёлларнинг ўзига хос чопон шаклида бичиб тикилган уст кийими мурсак илгари жуда ҳам кенг тарқалган. Улар Бухоро, Хоразм ва Қашқадарёда энгги тирсаккача калта ва кенглиги билан, Самарқанд ва Тошкентда узун, энсиз, билаккача бўлган энгги билан фарқланган, холос. Мурсак астарли қавима қилиб тикилган, қишки мурсакка пахта солинган. Асримиз бошларигача у оддий кўчалик либоси сифатида кийилган бўлса, кейинчалик мурсак мотам либоси сифатида белбоғ билан кийилган. Айрим аёллар уни тўйга ёки меҳмонга борганда ҳам кийганлар. Ҳозиргача Тошкентда мурсакни дафн маросимида тобут устига ёпиб қўядилар.



30-йилларгача феодал-патриархал тузум рамзи сифатида ўзбекларда, айниқса шаҳар аҳолиси орасида аёллар паранжи ёпинганлар. Паранжи сохта энгли, тўнсимон, узун ёпинғичдан иборат бўлиб, отнинг дум қилидан тўқилган тўр парда чачвон бетга тутулиб, устига паранжи ёпилган. Чачвон юзни бекитиб, белгача етган. Уни одатда уйдан кўчага чиққанда ёпинганлар. Қишлоқ жойларда паранжини кам ишлатганлар, байрамларда ва узоқ сафарга чиққанда ёпинганлар. Баъзи қишлоқларда аёллар уйдан чиққанда бола чопони ёки оқ бекинғич билан юзини бекитганлар. Шаҳрисабзда ва Самарқанд вилоятида ярим кўчманчи ўзбек қабилалари йўл-йўл матодан тикилган чопон (желак) ёпинганлар. Узун ва тор сохта энгли ёпинғич жаъдани Хоразм аёллари кийган. Бундай ёпинғич Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам учрайди.

XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ўлкасида оврупча камзул (камзўр) пайдо бўлиб, уни эркаклар ҳам, аёллар ҳам кийишган. Эркакларнинг камзули тик ёқали, узунлиги тиззагача етадиган, асосан қора матодан тикилган, аёлларнинг камзули ранг-баранг дўхобадан ёки беқасамдан тор белли қилиб тикилган. Уша даврда бутун Ўзбекистонда энгсиз жилетка ҳам тарқала бошлаган, уни кўйлак устидан ёки камзул устидан кийганлар. Инглиз кастюми типидagi жакет ҳам, оврупча кастюм, пальто ва макентош ҳам дўконларда пайдо бўлган ёки тикувчи уста (чевар)лар буюртмага тикиб берганлар, зиёлилар орасида замонавий мода кийимлар тез тарқала бошлаган.

Қадим даврлардан бош кийимига қараб ўзбекларнинг этник ва локал гуруҳлари фарқ қилинган. Эркаклар бошига асосан турли хилдаги дўппи (тўппи, тахё) кийган, аёллар эса кўпинча ранг-баранг рўмол ёпинган. Дўппининг даставвал тагини ва гардиши (кизаги)ни айрим ҳолда тикиб кашталаганлар ва майда қавалаб қўшиб тикканлар. Одатда, дўппи нозик гулли, қадаб тикилади, айрим аёлларнинг дўпписига майда мунчоқ, маржонлар, хоразмликларда жияк ва попук тақилади. Илгари конус шаклидаги дўппилар Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда тарқалган, энди эса Шаҳрисабзда сақланган. Бир оз яналоқ ясси шаклда ичига ўраб қоғоз билан майда қавиқ қилинган дўппилар асосан Фарғона водийсида маълум. Айниқса «бодом» ёки «қалампир» нақшли оқ ипак ип билан таги қора матога

кашталанган чуст дўппи нафақат водийда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур. Таги кашта қилиниб, ранг-баранг тўпбарггул шаклидаги хўжанд-ўратепа дўппилари бутун Ўзбекистонга тарқалган.

Эркаклар киядиган учли қалпоқ—кулоҳ тўрт бўлак учбурчак матодан гардишсиз тикилган. Конус шаклидаги баланд кулоҳни илгари қаландарлар кийган, тухум шаклидаги чаккаси бир оз юмалоқ кулоҳни Бухорода қари кишилар қишда кийганлар. Бундай бош кийим ўрта аср миниатюраларида кўп учрайди. Асли кулоҳни руҳонийлар ва диндор кишилар кўпроқ кийганлар. Кулоҳга ўхшаш теридан тикилган қишки телпак Самарқанд ва Бухорода учрайди. Фарғона водийсида ва Тошкент вилоятида телпак духоба ёки мовутдан тикилган, тепаси тулки ёки савсар мўйнаси, баъзан қўй терисидан тикилган. Телпак бичимида кигиздан тикилган қалпоқни асосан даштда яшовчи аҳоли кийган. Қалпоқнинг икки четида кесики (қийиқ жойи) ва соябон учун кенг ҳошияси бўлган. Одатда қалпоқ оқ кигиздан, ҳошиясининг чеккаси эса қора читдан тикилган.

Хоразм ўзбекларининг аёллари ипакдан тикилган доирасимон шаклдаги гулли тахё (дўппи)га ипдан ёки қуш патидан попуқ ўрнатилганлар, тангалар оinganлар. Тахё устидан одатда рўмол ёпинган. Бу ерда рўмол турлари кўп бўлган: маҳаллий усталар тўқиган оқ такана ва ипак рўмол (читкор гул босган), жундан тўқилган нақшли сергул рўмол, четдан келтирилган боку рўмол, паранг (француз ёки оврупа) рўмоли ва ҳоказолар. Эркакларнинг қадимдан киядиган бош кийими чўғирма бир неча турда қўй терисидан тикилган, қоракўл терисидан тикилган шерози попоқ ва қулоқчин кейинроқ пайдо бўлган.

Бутун Ўзбекистонда салла ўраш айниқса байрамларда илгаридан шартли одат бўлиб келган. Аммо Фарғонанинг айрим туманларида ва Хоразмда байрам бўлса-да, баъзи кишилар салла ўрнига дўппи ёки телпак кийган, холос. Саллани дўппи ёки кулоҳ устидан ўраганлар, ранги ва ўраш услуби билан бир оз фарқ қилган. Ҳозир салла ўраш кам тарқалган, уни асосан қариялар ва диндор кишилар кўпинча маъракаларда ва диний байрамларда ўраб чиқадилар.

Аёлларнинг қадимий анъанавий бош кийими гардиши баланд юмшоқ култа (қийгич) ҳозир бутунлай кийилмайди. Култанинг эски турида тепаси очиқ бўлиб, соч ўрими

чиқарилган, ёш қизларнинг кийгичида тепаси ёпиқ бўлган. Салла ўраш ўзбек аёлларининг қадимий бош кийими ҳисобланган. XIX аср охирига келиб Самарқанд, Тошкент ва Андижонда бу одат қолиб кетган. Ҳозиргача баъзи ўзбекларда салла ўраган аёлларни қисман учратиш мумкин. Аёл салласи ўзаро бир оз фарқ қилган. Кўпчилик аёллар уни ўзига хос шаклдаги махсус бош кийими—лачак устидан ўраганлар. Хоразмликларнинг лачаги узун матодан ўралиб, кўкрак ва орқа томонини бекитиб турган. Тошкентликларда ҳам худди шу бичимда лачак кийилган. Самарқандликлар лачакни узунроқ матодан бир оз бошқача шаклда тикканлар. Жанубий Хоразм ўзбеклари саллани лачак киймасдан ўрама салла шаклида айлантириб, бир учини кўкрагига ташлаганлар. Одатда илгари уйдан ташқарига чиқилса, аёллар салла устидан мурсак ёки учбурчак рўмол шаклида оқ ёки қизил ип матодан тикилган чарчи ёпиниб чиққанлар.

Эски одатга биноан саллани аёл биринчи фарзанд кўргандан сўнг ўрай бошлаган. Кейинги вақтларда она биринчи набира кўргач, салла ўраш одати пайдо бўлган. Салла ўраш махсус иримлар билан қадимий даврлардан кийилгани тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд. Ўзбек лачагига ўхшаш бош кийим кимишек номи билан қозоқ ва қорақалпоқларда ҳам маълум.

Аёлларнинг кўпчилиги кейинчалик анъанавий бош кийимидан воз кечиб, ҳар хил рангдаги ва турли материалдан тўқилган рўмол ёпина бошладилар. Рўмол ўраш ёки ёпиниш ҳам турлича, ҳар ким қулайига қараб ёпинган. Фаслга қараб катта рангли кўп гулли ипак, жун ёки тўқилган тивит рўмол кенг тарқалган. Ёши катта аёлларнинг оқ доқа рўмол ўраш одати ҳозиргача сақланган. Ҳозирги даврда кўпчилик қизлар ва ёш аёллар бош яланг замонавий турмаклашга ўтганлар.

Илгари қизлар ва аёлларнинг соч ўрими жиддий фарқланган. Қизлар ва келинчақлар (бола туққанигача) да қирқ ўрим соч, аёлларда икки ўрим соч қўйиш одат бўлган. Айрим жойларда қирқ ўрим сочли, ондасонда икки ўримли ва жингалак сочли аёллар учрайди. Ҳозирги аёллар кўпчилигининг сочлари калта қирқилган, модага ўтилган. Эркаклар ҳам ҳозирги замонавий причёскага ўтган, айниқса шаҳар ёшларида бу кучлироқдир.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача одат бўлиб келган. Илгари турли заргарлик зеб-зийнат буюмларидан кўпчилик аёлларнинг бош ва уст кийимлари безатилган. Кийим-кечакларнинг янгиланиши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлган. XIX аср охирларигача аёллар учун заргарлар ишлаб чиқарган зеб-зийнат буюмлари жуда ҳам кўп ва ҳар хилда бўлган. Масалан, Фарғона водийсида безак-ашёлар энг кўп тарқалган. Уларнинг ҳар бири бир неча шаклда махсус номга эга: бўйин ва кўкракка тақиладиганлардан пайконча, арпа жевак, зебгардон, нозигардон, тангажевак, тумор, бозванд, тилла туморча, бўйинтумор, кўкрактумор, сочнинг икки томонига тақиб, икки елкага тушириб оладиган заркокил, орқага тақиладиган танга чўлпи, пешонага тақиладиган тилла баргак, тиллақош, жиға ва ҳар хил сочпопук (пар сочпопук, найча сочпопук, панжара сочпопук, бекокил ёки бешкокил, қуббали сочпопук ва ҳ. к.), қўлтиққа тақиладиган қўлтиқ тумор ва буригга осиладиган аравак ва латива. Исирға турлари ҳам кўп бўлган: кана зира, Туркистон балдоқ, Қашқар балдоқ, учкокилли ёки учоёқли зира, зулукзира, ой балдоқ, Фарғоначабалдоқ, Тошкент балдоқ, шалдироқбалдоқ, кўзлик зира, арава балдоқ (юмолок шаклда), анжир балдоқ ва ҳоказо. Узук турларидан: афғонча узук, кўзсиз узук, румча узук, айрибанд узук шахонак, қўйма узук, ўрама узук, мис узук, тилла узук, хожи узук. Билагузук турлари: сўқма билагузук, қўчқор шоҳли росмана билагузук, чоғроқ билагузук, илонбош билагузук, тугмали билагузук, бақабаш билагузук, бодомча билагузук ва ҳоказо. Зеб-зийнатларни заргарлар ўйма усулда ясаган турли рангдаги тошлар: маржон, шиша, садаф қабилар билан безайдилар. Сурхондарё қишлоқларида кўкракка тақиладиган рангли майда мунчоқлардан тизилган безаклар кенг тарқалган. Кўп жойларда ипга тизилган маржон шодаси, Тошкентда майда дурдан ясалган мунчоқ, маржон ва шишадан ишланган исирға, узук ва билагузук осиб одат бўлган. Қўйлак ёқасига ҳар хил нозик тўғнағичлар осганлар. Ёш болаларга ҳам кўз тегмасин деб, қора мунчоқ осилган. Бухорода олтин исирға шибирмак, япроқсимон шаклда катта ёқут кўзли марварид ёки дур билан безалган. Барча безаклар бой табақаларда тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан, камбағал табақаларда эса мис, жез ёки тилла суви бе-

рилган металллардан ясалган. Айниқса тиллақош, осмодўзи, тиллабаргак ва бошқа зеб-зийнатлар жуда қимматбаҳо бўлган.

Аёллар орасида қадимдан ўзига пардоз бериш, атир сепиш, қош-кўзни безаш одат бўлган. Археологик қазишмалардан топилган ва миниатюралардан олинган расмларда аёлларнинг ўзига пардоз-андоз берганлиги аниқ кўринади. Хусни очиш, яна ҳам гўзаллик ҳосил қилиш мақсадида ўзбек аёллари орасида ўсма, хина, упа-элик суриш, ўзига зеб бериш, гул суви билан ойнага қараб пардозлаш одати кенг тарқалган. Халқ орасида тарқалган иборалардан бирида: «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деб бежиз айтилмаган. Ҳозирги ўзбек аёллари замонавий нозик ва хушбўй упа-элик, атир ва кремларнинг турли хилларидан зўр маҳорат билан фойдаланадилар.

Болалар кийими катталарникидан унча фарқ қилмаган. Аммо бола туғилиши билан унга кўйлак кийгиши одатига биноан юмшоқ матодан кийта, кўйлакча, куртача тайёрланган. Бундай кўйлакни етти уйдан тўпланган матодан тикиб, чилласи чиққунча кийгизиш шарт бўлган. Шунинг учун унга чилла кўйлак деб ном берилган. Болага кўз тегмасин, мард бўлсин деган ирим билан кўйлакни итга ёки қайроқ тошга сурқаганлар (ит-кўйлак, қайроқ кўйлак шундан келиб чиққан). Бир ёшга етган болага тўғри бичим услубида тикилган кўйлак, иссиқ кийимдан қишда гуппича (тонча, жамоча) тикиб кийгизганлар. Болага то уч-тўрт ёшга етгунча этакча ҳам тикилган (олди ёки пешгир, ошхўрак). Бош кийими икки-уч бўлак матодан конус шаклида тикилган. Қипчоқ, турк, сарт ёки қурама болаларнинг дўпписи шаклан фарқ қилган, аммо ҳаммасида тумор тақилган. Қиш пайтларида қалпоқ кийгизилган ёки чорсу, қийиқ ўралган. Кўп жойларда беш-олти ёшдан кейин ўғил-қиз кийимлари фарқлана бошлайди. Ўғил болалар учбурчак (Тошкент воҳаси) ёки яктас (Фарғона водийси), ёқали кўйлак кийганлар. Диний мактаб талабалари руҳонийлардек муллача ёки мусулмон кўйлак кийганлар. XX аср бошларида ёшлар орасида тик ёқали нўғай ёқа, бўғма ёқа кўйлак кийиш одати пайдо бўлган.

Оёқ кийимлардан эркак ва аёллар киядиган анъанавий маҳси-калиш ҳозиргача сақланган. Илгари камбағаллар чармдан тикилган мукки оқ этик кийган, бой

табақаларда юмшоқ теридан тикилган оврупача этик ва маҳси кийилган. Қалиш (кавуш) ҳам кенг тарқалган, уни ўзини ёки маҳси билан кийган. Кейинчалик резина-калиш пайдо бўлгач, эски калиш йўқолиб кетган, ammo айрим жойларда ҳозир ҳам учрайди. Ҳозир барча замонавий фабрикаларда тикилган пойабзал кияди. Илгари жундан қўлда тўқилган пайпоқ (жўроб) бўлган, энди оммавий фабрика пайпоқлари кийилади. Лак берилган пойабзал эркак ва аёлларда мода бўлган. Фарғона водийсида рангли ип билан нақш берилган этик, паст пошналар рангли туфли кийиш одати яқин вақтларгача сақланган.

Пойабзал хиллари кўп бўлганлиги ва уларга эҳтиёж баланд бўлганлиги туфайли бу касб орасида меҳнат тақсимоти узоқ даврдан амалга оширилган. Асримиз биринчи чорагигача пойабзал усталари орасида этикдўзлар, маҳсидўзлар, калишдўзлар айрим касб бўлиб ажралганлар. Улар маҳсус бирикма (цех)ларга бўлиниб, бозорларда ўз расталарига эга бўлганлар.

### МИЛЛИЙ ТАОМЛАР, ПАЗАНДАЧИЛИК ВА МЕҲМОННАВОЗЛИК

Ўзбеклар озиқ-овқатларининг турлари ва характери, бир томондан, ўлканинг табиий шароити ва хўжалик хусусиятлари таъсирида бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий этник гуруҳлар маданиятининг ўзига хослиги билан белгиланган. Масалан, қадимий ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган аҳоли таомлари ўтмишда ярим кўчманчи даштдан келган чорва аҳолисиникидан фарқ қилган. Айниқса шаҳар ва катта қишлоқларда яшовчи аҳоли таомларининг турлари анча мураккабдир. Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида яшовчи шаҳар аҳолисининг овқат турларига эроний халқлар таоми, шарқий қисмидаги шаҳар аҳолисининг овқат турларига Қашқар (уйғур) таомининг таъсири сезиларлидир. Совет даврида эса ўзбек таомларининг ассортименти рус ва бошқа халқлар таомлари билан бойиган эди. Бу даврда илгари ишлатилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари: картошка, карам каби сабзавотлар, макарон, вермишель, рожки, консерва, кондитер ва бошқа фабрикаларда тайёрланадиган турли маҳсулотлар миллий таомларнинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Ўзбек таомлари ичида қадимий даврлардан хамир овқатлар алоҳида ўринни эгаллайди. Хамирдан ҳар хил маҳсулот тайёрланади. Чунки хамир учун ишлатиладиган буғдой, арпа, маккажўхори, оқжўхори унлари аҳоли овқатининг асосини ташкил қилади ва улар организм учун зарур моддаларни сақлаб, тўйимли, калорияли ва мазали бўлади. Хамир маҳсулотларидан энг фойдали ва асосийси ўзбек нонидир.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, узоқ даврлар давомида асрлар оша шаклланиб келган ўзбек новвойлик санъати энг ҳурматли ва кенг тарқалган кўҳна касблардандир. Кўп асрлик тажриба хамирдан кўпгина маҳсулотлар турларини кашф этишга олиб келган. Масалан, Самарқанднинг ўзидагина фақат нон маҳсулотларининг «нони осийи», «нони пўлати», «нони заргорони», «нони тафтон», «нони обаки», «нони кўлабоки», «нони забони гав», «нони тароқи», «нони хаззин» каби кўпгина турлари бўлган.

Нон махсус тандир усталари ясаган ва зарур жойга ўрнатилган тандир ўчоқда ёпилади. Тандир (тандур) одатда яхши ишланган махсус хом лойдан катта, таги йўқ хум шаклида ясаиб, тик ёки ёнбошлатиб лойдан урилган махсус супага, айрим жойларда текис ерга ўрнатилади. Ўрнатилишига қараб тандирлар «девори тандир» ёки «ер тандир»га фарқланади.

Ўзбек нонларининг турлари жуда кўп. Тандирни кучли олов билан яхши қиздириб бўлгач, унинг деворига энглик кийган ҳолда рапида билан нон ёпиштириб пиширилади. Хонадонларда тайёрланадиган, энг кенг тарқалган ва оддийси оби нон, яъни уй нонидир. У қуйидагича тайёрланади: дастлаб тоғорага хамиртуруш солиниб ийланади ва туз билан эритилади, сўнгра оздан ун ва сув қўшилиб хамир қорилади. Хамир тоғорада зувала қилиниб, бир оз вақт усти ёпиқ ҳолда қолдирилади. Хамир кўпчигач, супрага ўтказилиб, урвоққа аралаштирилиб, зувала-зувала қилиб бўлинади. Сўнгра ҳар бир бўлакчадан ясалган зуваладан тахтача ёки супра устида нон ясаиб, унинг бетига баъзан кунжут ёки седана сепилиб, чакич урилади. Тандирга ёпишдан олдин ясалган ҳар бир ноннинг орқаси ҳўлланиб, рапидага қўйилиб, аста-секин тандир деворига ёпиштирилади. Тандир нонга тўлгач, тандирдаги чўғни ўртага тортиб, буғ ҳосил қилиш учун ёпилган ноннинг юзига сув сепи-

лади. Кунжутли ва седанали нон кўпинча тўй-маъракаларда ёки бозорга атаб ёпилади.

Оби нон сингари пишириладиган гўштли ёки жиззали нон ҳам кенг тарқалган. Одатда хамир ёймага майда қилиб тўғралган гўшт, қизил қалампир ва туз аралаштирилган қийма солинади, жизза ҳам хамир қораётганда майдаланиб ёки бутунлигича аралаштирилади. Айрим жойларда майдаланган гўштни ёйилган хамир орасига «рулет» шаклида бураб, ўралган ҳолда қийма хамирни пичоқ билан зувалалар кесиб, нон ясади. Ноннинг юзига чакич (хоразмча «тикач»), қирғоғига пичоқ билан гул қилиб тандирга ёпилади.

Илгари деҳқонларнинг сеvimли нони бўлган зоғорани баъзан камбағал нони деб атаганлар. Зоғора нонни маккажўхори ёки оқ жўхори унидан, баъзан хамирга ошқовоқ қориб, зувала ясаб, тандирга ёпиб пиширганлар. Ҳар зоғора зуваласини ёйиб, ўртасини кўрсаткич бармоқ билан бир-икки см га чуқурлаштирган. Урвоқ учун буғдой уни ишлатилган. Ҳозир зоғора нони деярли йўқолиб кетган. Буғдой етмаганлигидан камбағал оилалар жўхори, арпа ёки тарик унидан ҳам нон ёпиб еганлар.

Ҳозиргача сеvimли нон турларидан патир жуда кенг тарқалган ва меҳмон дастурхонига қўйиш одат бўлган. Патир сутда туз ва хамиртурушни ивитгач, эритилган қўй ёғи ёки сариёғ қўшиб қорилган, хамирдан зувалани думалоқ шаклда ёки айлаиасига бир неча марта қатма-қат қилиб ёйилиб, тандирга ёпилади. Патир Фарғона водийси ва Тошкентда ўртача доирасимон, Хоразмда катта юпқа доира шаклда катта рапидага ёйиб тандирга ёпилган. Баъзан пишган патир юзига эритилмаган думба ёғ суртилиб, истеъмол қилинади. Ширмой патирга тоғорада майдаланган ва пўсти олинган нўхат солиб устидан арпабодиён суви аралашган хурушни қўшиб юпқа ва катта нон ясалиб, тандирга ёпилади. Қашқари патирга эса тўғралган пиёз аралаштирилган хамирдан нон ясалиб, унинг юзига озгина қатиқ юпқа қилиб суртилади ва рапидага ёйиб ёпилади.

Ўзбеклар орасида яна гижда нон, қўшалок ширмой, ёғлик кулча, кўмач каби нонлар ҳам пиширилган. Жанубий Ўзбекистондаги ва Тожикистондаги ўзбеклар товада ёки қизитилган тошда нон пишириб еганлар. Улар хамиртурушни иссиқ сутда ивитиб, эритилган қўй ёғи ёки сариёғ, майдаланган жизза аралаш кулчани тандирда, товада ёки қозонда пиширганлар. Кўмач



ҳам шу тарзда қозон ёки товада пиширилган. Ўзбек нонлари юпқалиги, доирасининг катта-кичиклиги ва ҳажми билан фарқ қилган. Айниқса Хоразмнинг катта доирасимон сутли юпқа нонлари ёқимли таъми билан ажралиб туради. Қозонда пишириладиган ёғли, мазали қатлама нон ҳам кўп ерда тарқалган. Қатлама бир неча хилда бўлиб, уни ўқлов билан нафисроқ қилиб ёйиб, юзига эритилган қўй ёғи, сариеғ, маскаёғ ёки қаймоқ суртиб, ёйма ўқловга ўраб, узунасига кесилади ҳамда пичоқ билан бир неча қаватли тасмалар ҳосил қилинади. Тасмалар ғилдирак қилиб ўралиб, ўқлов билан ноник қилиб ёйилади, кейин товада пиширилади.

Новвойлик касби ҳар бир шаҳар ва қишлоқда бўлган. Катта шаҳарларда махсус новвойхоналар доимо ишлаб турган. Айрим дўкончилар бир неча тандирли ва ёлланма усталардан иборат новвойхоналарга эга бўлиб, ўз маҳсулотларини шу ерда ёки бозорга чиқариб харид қилганлар. Катта новвойхоналарда нонни эркаклар ёпган, уй шароитида аёллар ёпиб, эркаклар бозорга чиқарганлар. Ҳозирги вақтда хусусий новвойхоналардан ташқари катта-кичик нон заводлари ҳам мавжуд.

Ўзбекларда нонни ҳурматлаш қадимий одатлардан. Нонга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшлиқдан ўргатилади, уларга ноннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости қилмаслик зарурлиги уқтирилади. Дастурхон теварагида тўлланганда нонни оила бошлиғи ушатган. Илгарилари ҳатто нонга қасамёд қилганлар.

Миллий таомлар ниҳоятда бой ва ранг-баранг, уларнинг асосини гўшт ташкил қилади. Ўзбеклар қадимдан қўй гўштини кўпроқ истеъмол қилиб келганлар, айрим жойларда (Хоразм) асосан мол гўшти, қисман от гўштини (Тошкент воҳасида қази ва бешбармоқ пиширганда) истеъмол қилиш одат бўлган. Хоразмликларда парранда гўшти ва балиқдан турли таомлар пиширилган.

Мол сўйиш, гўшт чопиш билан махсус кишилар — қассоблар шуғулланган. Ўзбекларда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган мақол бежиз айтилмаган. Озиқ-овқат касбидаги ҳунармандлар ичида энг кўпи ҳам қассоблар бўлган. Қассобларнинг дўконлари барча катта-кичик бозорларнинг махсус расталарида, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда харидорларга яқин ерда

жойлашган. Илгари нафақат қишлоқларда, балки шаҳарлардаги кўп хўжаликларда ҳам махсус молхона бўлиб, унда доимо шароитига қараб бир неча қўй ва мол сақланган. Шаҳарларда махсус хашак бозорлари бўлган.

Албатта оила қанча бой бўлса, унинг қўй-моли кўп бўлган. Камбағал оилалар, коранда ва мардикорлар гўштли овқатни кам истеъмол қилганлар. Халқ ижоди ва бошқа тарихий манбаларга қараганда айрим қашшоқ оилалар ҳафталаб гўшт истеъмол қилмаганлар. Аммо асрлар давомида шаклланиб келган чорвадор хўжаликларнинг мавжудлиги ўзбекларда гўшт маҳсулотларининг қадимдан мўл-кўл бўлганлигидан дарак беради. Шунинг учун эски одат бўйича ҳурматли меҳмон келганда қўй сўйиш қадимдан сақланиб келган. Шу асосда ҳар бир оила имкони борича бир неча қўй сақлашни одат қилган.

Оилавий-маиший турмушдаги анъаналарга биноан тўй-маъракаларда қўй-қўчқор ҳадя қилиш асрий одатлардан ҳисобланади. Афсуски, ижтимоий мулкни ўрнатиш сиёсати ўзбек таомларининг энг асосий таркиби ҳисобланган гўштни оилаларда етказиш одатидан маҳрум қилди. Оқибатда ҳозиргача гўшт ва гўшт маҳсулотларини аҳолига етказиш муҳим муаммо бўлиб келмоқда. Республика мустақилликка эришиши билан мазкур ижобий анъаналаримиз қайта тикланишига имконият туғилди.

Ҳозиргача эски одат бўйича маҳаллаларда, айниқса яйловларда ва қишлоқларда янги сўйилган гўштни истеъмол қилишни афзал кўрадилар. Шунинг учун хўжаликларда мол сақлабгина қолмай, бир неча юла бирикиб, вақт-вақти билан бозордан қўй-мол сотиб олиб, сўйиб, бўлишиб олиш одати ҳам сақланган. Илгари совиткичлар бўлмаганлиги туфайли маҳаллий аҳоли гўштни сақлаш усуллари билган. Янги гўшт бузилмаслиги учун уни мол ёғи ёки саригёғда қовуриб, махсус идишларда, сопол идиш ва хумларда сақлаганлар. Илгари айниқса ярим кўчманчи бўлган ўзбекларда узоқ сақлашга мўлжалланган қовурдоқдан ташқари қази-қарта, қурт каби таомлар аҳоли орасида кенг тарқалган. Қовурдоқни қуюқ ва суюқ таомларга қўшиб истеъмол қилиш мумкин бўлган.

Қази-қарталар от гўшtidан махсус усулда зўр маҳорат билан тайёрланади. Масалан, қази тайёрлаш

учун семиз от гўштининг маълум қисмлари: ёғли қисми, гўшти, қартаси, биқинининг бесуяк қисмлари ва сонининг юмшоқ жойлари ишлатилади. Қазига (ва умуман истеъмолга) ҳар қандай от ҳам яроқли бўлавермайди. Сўйиладиган от ёш бўлиши ҳамда маълум вақтгача ишлатилмай боқилиб туриши зарур. Қазии от гўштини тилишлаб тоғорага солиб туз, мурч ва зира билан мижғилаб, кейин махсус тайёрланган от ичагига бир ёғ, бир гўшт қилиб тўлдириб тайёрланади. Уни яхна ҳолда иссиғида ейиш мумкин. У палов, норин каби овқатларга қўшиб ҳам истеъмол қилинади. Қазии жуда кучли овқат бўлганлигидан уни асосан куз, қиш фаслларида ейиш тавсия қилинади.

Қадимги чорвадор ўзбекларда меҳмон келганда қўй сўйилса дастлаб унга гўшти, жигар, ўпка-буйрақларидан озроқ ёғда (жизза билан) қовуриб берадилар. Кейин шўрва осилиб, гўшти айрим лаганда дастурхонга тортилади. Жанубий Ўзбекистонда Дашти қипчоқ ўзбекларининг бир қисмида ҳозиргача меҳмонга қўйнинг калласи, оёқ ва ичак-чавоқларини пишириб олдиға қўядилар. Уларда «тандир барра», «яхна барра», «барра гўшт», «қўмма қорин», «ҳасип» каби қадимий таомлар ҳам меҳмон олдиға тортилган. Айниқса, ҳасип турлари кўп бўлган ва у ҳозиргача Ўзбекистоннинг жанубида ва Тошкент аҳолиси орасида энг сеvimли таомлар қаторига киради. Ҳасип қўй ва молнинг ёғли ичагини илиқ сувда яхшигина тозалаб, ичага лаҳм қўй ёки мол гўштига қора жигар, буйрак, бир парча ўпка ва думба билан майдалаб, тўғралган пиёз ва зираворлар ҳам да гуруч ёки оқшоқ аралашмасидан мижғиб, қийма қилиб қозонда пиширилади. У пишгач қозондан олиб соvитилади ва паррак-паррак қилиб кесилиб, яхна таом сифатида дастурхонга тортилади. Ҳасипни иссиғида ҳам истеъмол қилиш мумкин, унинг шўрваси ҳам иссиқ овқат сифатида пиёз билан косаларда тортилади. Қўй ичагига яхшилаб ийланган тухум билан пиширилган гуручни солиб «тухум ҳасипи», махсус усулда тайёрланган «димлама ҳасип», иvитилган гуруч билан қора жигар аралашмасидан пиширилган «гуруч ҳасип»лар ҳозиргача сеvimли таомларга киради.

Тўқайлар, шолиқор ва буғдойзор ерлар кўп бўлган пайтларда ўзбек элида турли паррандалар, қуш ва ҳайвонлар ҳам жуда кўп бўлган. Уша пайтларда овчилик ҳам хўжаликка озуқа етказиб, қўшимча даромад

келтирган. Айниқса катта дарё ва кўл соҳилларида, тоғли ва тўқайли жойларда ёввойи ўрдак, чурак, каптар, қарқара, қашқолдоқ, тустовуқ (қирғовул), каклик, чил бедана каби парранда гўштидан турли таомлар, қуён, тоғ эчкиси, архар, жайрон, сайғоқ каби илвасинлардан ҳам қайнатма ва қовурма таомлар пиширганлар. Дарё ва кўл бўйида яшовчи аҳоли, айниқса хоразмликлар жуда ҳам балиқхўр бўлган. Хоразм бозорларида махсус балиқ пиширувчи пазандалар катта қозонларда балиқ қовуриб, харид қилганлар. Бу ерда бакра, лаққа, севрюга каби балиқ турларидан сихда кабоб ҳам пиширганлар. Тоғлик ўзбеклар каклик кабоби, водийда бедана кабоби пиширишга уста бўлганлар.

Умуман ўзбеклар қадимдан турли хилда кабоб пиширишни билганлар. Масалан, ҳозиргача қозон кабоб, сих кабоб, қийма кабоб, чўпон кабоб, ҳасип кабоб, буғлама кабоб, тандир кабоб, чарви кабоб, жигар кабоб кабилар халқ орасидаги миллий таомлар ҳисобланади. Гўштлиқ овқатлардан яна ҳар хил қовурма таомлар ҳам кенг тарқалган. Айниқса турли сабзавот билан пишириладиган дармон қовурма, каклик қовурма, бедана қовурма, қовурма гўшт, қовурма жигар, тухум қовурма, шолғом қовурма, гўштнут, бийрон турлари ўзбек таомларининг нақадар бой эканлигидан дарак беради.

Суюқ овқатларнинг ҳам турлари жуда кўп бўлган. Ўзбекларда суюқ таомлар жазлаб ёки жазланмай пиширилади. Буларни асли гўшт, суюқ, айрим жойларда (Хоразм ва Қорақалпоғистонда) балиқ шўрваидан, баъзан фақат сабзавотнинг ўзидан ҳам пиширадilar. Суюқ ошга баъзан гўштли қуюқ таомлар тайёрлашдан қолган шўрвалар ҳам ишлатилади. Миллий суюқ овқат тайёрлашда пиёз, сабзи, шолғом, ош қовоқ (кади), кейинги пайтларда картошка, помидор, карам, булғор қалампери, бақлажон кабилардан фойдаланилади. Булардан ташқари, суюқ овқат гуруч, мош, ловия, нўхат, маккажўхори, оқ жўхори каби донлардан, буғдой ва жўхори уни хамиридан, яқиндан бери макарон, вермишель, рожки кабилардан пиширилади. Ўзбеклар тайёрлайдиган суюқ ошларнинг аксарияти қўшни туркман, қозоқ ва қирғизлардагидек оддий қуруқ гўшздан пиширилган шўрвадан фарқ қилиб, хилма-хил масаллиғни бир-бирига аралаштириб ош-кўклар, дориворлар қў-

шиб хушхўр қилиб пиширилади. Сутли суюқ овқатлардан ташқари ҳамма суюқ ошларда, айниқса Фарғона водийсида, асосан бутун ёки туйилган қизил қаламбир ва мурч, зарчава, зира, зирк каби зираворлар, ош-кўклардан кашнич, райхон, жамбул ишлатилади, кейинги вақтларда шивит, дафна япроғи (лавр), петрушка, томат кабилар ишлатилмоқда.

Ўзбекларнинг энг сеvimли суюқ ошларидан ҳар хил шўрва ва мастава бутун Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалган. Айниқса қўй гўштидан серпиёзли, арчилган сабзи, тўғралган помидор ҳамда картошка солиб пиширилган қайнатма шўрва тўй-маъракаларда, меҳмон келганда кўпроқ пиширилади. Масаллиғи анча бой, аммо гуруч солиб жазли ёки жазсиз қилиб тайёрланадиган маставани жуда севиб истеъмол қиладилар. Мастава тайёрлаш палов пишириш усулига ўхшаганлиги учун бу таомни ўзбеклар «суюқ палов» ёки «суюқ ош» деб ҳам атайдилар. Анъанавий суюқ таомлардан жазсиз пишириладиган нўхат шўрва, шолғом шўрва, калла шўрва, дармон шўрва, кифта шўрва, чучвара шўрва, пўстдумба шўрва, чумчуқ шўрва, товуқ шўрва ва ҳоказолар; жазли суюқ ошлардан қовурма шўрва, думбул шўрва, мастава, пиёва, угра, манчиза, мошхўрда, умоч оши, гўжа, ёрма, ловия оши кабилар миллий таомлар нақадар бой ва лаззатли эканлигини исботлайди.

Ҳозир унутилган, аммо илгари камбағалнинг асосий таоми ҳисобланган «гўжа оши», «атала», «умоч», «қорақурум» ва «пиёва»лар масаллиғи нисбатан камчил бўлганлиги туфайли «камбағалнинг овқати» деб ном олган. Бундай суюқ овқатлар қаторига «қатиқли гўжа оши», «ширхўрда», «ширқовоқ», сигирнинг ийинди сутидан тайёрланадиган «ўғиз оши» ёки сузма, қурт ва сариёғ қўшиб пишириладиган «қуртоба» каби овқатларни киритиш мумкин.

Ўзбек суюқ овқатларининг турлари кейинги даврда бошқа халқларнинг таомлари ҳисобига яна ҳам бойиди. Славян халқларидан ўрганилган бир неча хил карамли шўрвалар (боршч, шчи), булғор қалампери ёки карам билан пишириладиган «дўлмали шўрва», грузинча саримсоқли қайнатма маставага ўхшаш харчо, қозоқча бешбармоқ, уйғурча лағмон, шима ва манти, кулчатой, макарон шўрва, вермишель шўрва, помидор шўрва, сўк

оши кабилар миллий ўзбек таомларининг ҳозирги ассортиментига тўла кирган.

Суyoқ ошлар ичида сутли ва қатиқли таомлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, суyoқ овқатлардан ширхўрда, ширқовоқ, сутли ўпка оши, угра оши, сўк оши, буғдой оши, ўғиз оши, думбул, сутли атала ва мошхўрда. Кўп таомлар қатиқ билан истеъмол қилинади, шулардан қатиқли хўрда, гўжа оши, мошхўрда, шолғом хўрда, чалоп, шопирма қоқурум, сиқмон илгаридан истеъмол қилиб келинган. Сут маҳсулотларидан ҳозиргача кенг тарқалган қаймоқ, сариёғ, маскаёғ, қурт, сузма, широбча, айрон, қимиз кабилар чорвачилик хўжалигининг ривожланганлиги туфайли миллий таомларнинг турларини бойитиб келган.

Қадимий деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбеклар орасида хамир таомлар алоҳида ўринни эгаллайди. Узоқ даврлардан бери Хитой билан алоқалари кучли бўлган ўзбекларнинг миллий таомини анча бойитган хитойча хамир овқатлардан манти ва лағмон бутун Урта Осиёда энг сеvimли овқатлардан бўлиб қолди. Асли манти сўзи хитойча (ман — хамир, ту — юмалоқ) «юмалоқ хамир» дегани, лағмон сўзи «узун хамир» деб таржима қилинади. Хамир нафис қилиб ёйилиб, угра кесилади ва шўр сувда пишириб, олиниб, икки-уч марта совуқ сувда чайқалади. Алоҳида қозонда гўшт, турп, сабзи, лавлаги ва карам қоқурилиб қайла тайёрланади. Лағмон қайла тайёр бўлгач, угра иссиқ сувга бир чайиб олиниб, лаганга ёки косага бир қават қайла, бир қават угра солиб дастурхонга тортилади. Чўзма лағмон қатлаб бир оз чўзилиб ёғ билан пиширилади. Ўзбекларда манти турлари бир неча: гўшт қиймаси ва пиёз билан бир бўлакча думба солиб мантиқозонда димлаб пиширилдиган оддий манти, каваток манти, қоқурма манти, ошқовоқ манти, палов манти, тухум қўшиб тайёрландиган сув манти, картошка манти. Чучваранинг ҳам турлари хилма-хил; анъанавий қийма ва пиёздан пиширилдиган чучварадан ташқари кўк чучвара, Бухоро ва Хоразмда пиширилдиган тухум (юмурта) барак сеvimли овқатлардан. Манти сингари таомлар ичида кенг тарқалган сомса ҳам сеvimли овқатлардан. У ҳам бир неча турли: гўштли сомса, қовоқ сомса, кўк сомса ва ҳоказо. Тандир сомса ҳам энг мазали овқатлардан бири.

Хоразмда севиб истеъмол қилинадиган варақа шаклидаги хамирга гўшт, пиёз қўшиб тайёрландиган гўм-

ма, ушоқ барак, гўкгўмма, қайиш курдик, жугари курдик каби хамир таомлар мавжуд. Ўзига хос хамир овқатлардан шивит оши, чўп оши (тўппа), ун (угра) оши кабилар енгил таомлардан. Қайиш ош, кулчатой (шилпилдоқ), норин, «хўкиз тили», хунон каби таомлар ҳам ўзбек таомларининг бойлигидан дарак беради.

Ўзбек қуюқ овқатларини асли қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: жазлаб пишириладиган (палов ва шавлалар), қовуриб пишириладиган (қовурмалар, кабоблар, қисман Фарғона водийсида ва Тошкентда пишириладиган паловлар), буғлаб тайёрланадиган (манти, хунон, ажабсанда, кабоб ва ҳоказолар), димлаб пишириладиган (димлама ошқовоқ, димлама балиқ, қозон кабоб) ва ҳоказо.

Ўзбек таомларининг энг олийси, шоҳи палов ҳисобланади. Ҳеч бир тўй-томоша, меҳмондорчилик паловсиз бўлмайди. Палов қуюқ таомларга киради. Палов ҳар бир вилоятда, баъзан айрим туманларда ўзига хос услубда тайёрланади. Масалан, Андижон паловидан Самарқандда пишириладиган палов фарқ қилади. Тошкентники ёки Фарғонаники. Бухоро ёки Хоразмникига қараганда ўзгача қилиб тайёрланади. Ёнма-ён иккита туман — Хива билан Хонқа паловлари бир-бирига ўхшамайди. Паловлар асосан пиширилиш усулининг хилма-хиллиги ва ишлатиладиган масаллиғининг тури ва ҳажмига, тайёр бўлган таомнинг кўриниши ва мазаси (таъми)га қараб ўзаро фарқ қилади. Шундай бўлса-да, барча турдаги паловларни пиширишда умумий қоида ва муҳим уч шарт мавжуд: а) ёғ доғлаш; б) зирвакни пишириш; г) гуруч солиш. Шулардан энг муҳими зирвакни пишириш, яъни гўшти сабзи-пиёзга қўшиб қовуришдир. Олов ёқиш ва сув меъёрини билиш ҳам муҳимдир. Азалдан шоликор ҳисобланган Наманган, Андижон, Тошкент шаҳарлари атрофларидаги, Амударё, Сирдарё ва Зарафшон бўйларидаги туманларда палов пиширишнинг юзлаб усуллари ва хиллари мавжуд бўлган. Шулардан энг қадимийси «софаки палов», «ошқовоқ палов»; «тўнтарма палов», «сузма палов»лардир. Шу билан бирга, ўзбекларда йил фаслига қараб ҳам айрим паловлар фарқланади. Масалан, айрим маълумотларга қараганда, қиш фаслида «пўстдумба палов», «қазӣ палов»ларни, ёз ва баҳорда «коваток палов», «саримсоқ палов»ларни, кузда эса «беҳи палов», «ошқовоқ палов» кабиларни кўпроқ пишириш одат бўлган.

Машхур фарғонача палов (қовурма палов): қуйдагича тайёрланади: асосан қўй ёғи, бўлмаса омихта ёғлар (пахта, зиғир, кунжут, кунгабоқар мойлари) ёки сариёғ (от, мол, эчки ва бошқа ҳайвон ёғлари ишлатилмайди) доғланиб, бир бўлак суяк ёғда қовуриб олиниб лўнда-лўнда тўғралган гўшт қозонга солинади. Гўшт яхши қовурилгач паррак қилиб тўғралган пиёзни ташлаб, уни қизғиш рангга киргунча пишириб, устига «шодибоғи» қилиб тўғралган сабзи солиниб, жигар ранг бўлгунча қорилиб қовурилади ва унга сув солинади. Қайнатилган зирвакка ҳар хил зираворлар ва қизил қалампир солиб бир оз пиширилгач, тозаланган гуруч ювилиб қозонга бир текис қилиб солинади, кейин устига меъёрига қараб сув қуйилади. Гуруч сувни тортмасдан ошнинг тузи ростланиб, суви тортилгандан сўнг капкир билан ағдариб ўртаси ўйилиб, бир неча ерига таёқча суқилиб, бир оз буғлангач ош дамга қўйилади. Дамлаш жараёни гуручнинг миқдорига ва сифатига қараб ярим соатгача давом этади. Энг муҳими сув миқдорини ва оловни ёқиш даражасини билиш зарур. Олов ёғ доғланганда ўртача, зирвак қовурганда баланд, зирвакка сув қуйганда паст, гуруч солиниб сув қуйилганда яна баланд бўлиб, дамга қўйганда олов тўхтатилиб бир оз чўғ қолдирилади. Палов тайёр бўлгач, уни яхшилаб аралаштириб катта чинни ёки сопол лаганга уйиб сузилади, устига суякли гўштлар жойлаштирилиб, дастурхонга тортилади.

Ивитма ва нўстдумба паловлар ҳам фарғонача услубда қовурилиб пиширилади. Аммо ивитма ошга сув камроқ солинади. Бухоро ва Хоразмда тайёрланадиган майиз палов пиёз ва сабзиси кўп қовурилмасдан бир-икки марта айлантириб, устидан сув қуйиб қайнатилади. Зирваки тайёр бўлгач оқ ёки қора майизнинг чўпини териб, илиқ сувда яхшилаб ювиб қозонга солинади. Гуруч ҳам илиқ сувда туз қўшиб ювилгач текис қилиб қозонга солинади. Сув «қовурма паловга» нисбатан камроқ солинади. Шу тарзда баҳор ва илк ёзда пишириладиган коваток палов тайёрланади. Ток оши «қовурма палов» усулида тайёрланиб пишгач, яхшилаб аралаштирилади ва лаганга уйиб сузилади, коваток сузилган паловнинг бетига қўйилиб дастурхонга тортилади. Хоразмда сариёғга товуқ гўшти билан димлама тарзида, яъни сабзи-пиёзни қовурмасдан қайнатиб гуруч солиб пишириладиган Хива палови сеvimли таомлардан биридир. Худди шу тарзда тустовуқ (сулгин) ва бедана палови



пиширилган. Хоразмда қўй ёки молнинг қорни ҳамда йўғон ичаги солиб пишириладиган «қорин палов» ўзига хос мазали таомлардан ҳисобланади.

Турли туманларда тайёрланадиган қазии палов, беҳили палов, самарқандча софаки палов, тўғрама палов, қийма палов, хоразмча сузма палов, зарча палов, тўнтарма палов ва ҳоказолар ўзига хос таъми ва мазаси билан ўзаро ажралиб туради. Ҳатто катта қозонларда дамланадиган тўй паловлари ҳам ҳар бир вилоятда турлича пиширилади.

Ўзбек таомлари ичида паловдан кейин энг кўп тарқилган ва севимли овқат шовла ва ҳар хил бўтқалардир. Шовла ҳатто паловнинг укаси деб ҳам айтилади. Унинг пишириш усули ва масаллиғи (асосан ҳажмини эътиборга олмаганда) паловга тўғри келади. Шовла пишириш учун гўшт лўнда-лўнда қилиб кесилади, сабзи сомонга ўхшаб майда тўғралади, пиёз эса паррак қилиб тўғралади. Барча масаллиғ палов пиширигандек қовурилади ёки димланади, нисбатан кўпроқ сув қўйиб, туз ва зираворлар солиб бир оз қайнатилади. Зирвак таъми ростлангандан кейин ювиб тайёрланган гуруч солинади ва тез-тез қавлаб пиширилади. Таом суви тортилиб тайёр бўлгач уни оловдан олиб қопқоғи (тувоғи) ёпилган ҳолда дамга қўйилади. Сўнгра қозон очилиб лаганга ёйиб текис қилиб сузилади ва дастурхонга тортилади. Шовла ҳам унга солинадиган масаллиғи ва пишириш усулига қараб бир неча турга эга: қовурма шовла, ичак шовла, ловия шовла, ўрикли (туршакли) шовла ва ҳоказо.

Қадимий ўзбек таомларидан қуюқ овқатларга кирадиган мошкичири ҳам севиб истеъмол қилинади. Лўнда гўшт, сабзи-пиёз аралаш ёғда қовурилган жазга сув қўйиб, ювилган мошни солиб очилгунича паст оловда қайнатилади, кейин туз, зираворлар билан тайёрланган гуруч солинади. Моши яхши очилиб, гуручи пишгач, бир оз дам едириб лаганга ёки косаларга сузилади. Шу тарзда қиймали мошкичири пиширилади. Гўштсиз ва сабзи-сиз тайёрланадиган қатиқли мошкичири ҳам ўзига хос таомлардан.

Узоқ даврлардан бери шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида турли хилдаги бўтқалар вақт ва имкониятга қараб тайёрланадиган кундалик овқатларга киреди. Шулардан кўпчилиғи ҳозиргача сақланган: ҳалим, гўжа бўтқа, сўк бўтқа, мохора, мошхўрда, нўхат хўрак, сут

билан пишириладиган ширгуруч, кади гуруч, хоразмча қайлалги гуруч (сут гуруч).

Ўзбек дастурхони меҳмонга очилганда доимо бой ва ранг-баранг бўлиши шарт. Унда ҳар хил яхна таомлар, қаймоқ, турли мева-чевалар, мураббо ва бошқа ширинликлар, қовун-тарвузлар ва албатта иссиқ нон ҳамда патир бўлади. Дастурхонга тортиладиган яхна овқатлардан қази, норин, яхна гўшт, ҳар хил барра, кўмма қорин, ҳасип турлари, сутли ўпка, товуқ гўшти, пўстдумба ўрамаси, думба-жигар, сузма, пишлоқ, баъзи консервали таомлар ва ширинликлардир. Ўзбек дастурхони даставвал турли ширинлик ва қандолатлар билан ажойиб қилиб безатилади. Ҳар хил мурабболар, қиём, шинни, новвот, ҳолва, қанд, байрамларда нишолда, ҳолвайтар, Наврўзда сумалак ва ҳозирги даврда яратилган турли конфет ва бошқа ширинликлар дастурхонни безайди. Булардан ташқари ёзда барча хилдаги тоза мева-чевалар (узум, олма, шафтоли, анжир, хурмо, нок ва ҳоказолар) ва қуритилган мевалар (туршак, pista бодом, жийда, қовун қоқи, ёнғоқ кабилар) ҳам дастурхоннинг безаги бўлган.

Ўзбекча ширинлик ва қандолатларнинг хили ниҳоятда кўп. Маҳаллий қандолатчи усталар бир вақтлар тайёрлаган «Шарқ ширинликлари» дунёга машҳур бўлган. Ўзбек пазандачилигида зўр маҳорат билан махсус усталар томонидан пишириладиган ажойиб қандолатлардан «оби новвот», «парварда», «печак қанд», пашмак», «лавз ҳолва», «кунжутли ҳолва», «писта-бодом ҳолва», «тахин ҳолва», «бодроқ ҳолва» кабилар энг қадимий ширинликлар ҳисобланади. Қандолатчилар мазкур маҳсулотларни тайёрлашда «букман», «гулқанд», «ёнтоқ қиёми» каби қадимий рецептлардан фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, қиём тайёрлаш учун қандолатчи асосий хом ашё сифатида қанд (шакар)нигина эмас, балки мева ва айрим ўсимликлардаги ширани ҳам ишлата билган. Бундай муҳим хом ашёлардан бири Ўрта Осиёда жуда кўп учрайдиган янтоқдир. Ёзнинг иссиқ кунларида янтоқнинг барг ва пояларида сарғиш тусли ёпишқоқ суюқлик пайдо бўлади, кечқурун ҳавонинг ҳарорати пасайгач, ўша модда қотиб кўкнор уруғига ўхшаш доначаларга айланиб қолади. Ана шу «янтоқ қанди»ни тўплаш учун тупининг тагига дастурхон ёки рўмолча ёзилиб, шохларига калтакча билан урилади, шунда барг ва пояларда қотиб қолган «янтоқ қанди» доначалари осонгина тўки-

лади. Қиём тайёрлашдан олдин у аралашиб қолган барг ва шохчалардан элаб тозаланади. Бу ишларнинг ҳаммаси августнинг охири — сентябрнинг бошларида эрта саҳарда, асосан ҳаво ҳарорати бир оз пасайган пайтда бажарилади. Янтоқ қиёми ҳам эрталаб, яъни янтоқ қанд тўплагандан сўнг қайнатилади, акс ҳолда доначалари эриб буғланиб кетиши мумкин. Шуниси ҳам муҳимки, қандолатчиларнинг таърифича, янтоқ қанди шифобахш хусусиятга эга. «Букман» ҳам шундай фазилатли. У кузда соғилган қўй ёки эчки сутига новвот толқони аралаштириб тайёрланади. Маълумки, куз фаслида ўтлар яхши пишган бўлади ва бу пайтдаги сут, айниқса эчки сутини гоаят шифобахш бўлади. Шунинг учун букмани ёш болаларга едириш тавсия қилинади. Ёнғоқ ва майиздан тайёрланадиган «янчмиш ҳолва» калорияли ширинлик бўлиб, ўзига хос лаззатли, чой билан истеъмол қилинади. «Гулқанд» эса атиргул япроқларига шақар сеип офтобда тайёрланадиган ширинлик бўлиб, унинг таркибиде эфир мойлари, глюкоза, қанд ва бошқа фойдали моддалар мавжуд.

Қадимий деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўт-роқ ўзбеклар ниҳоятда бой ва хилма-хил мураббодлар тайёрлашни билганлар. Мураббони барча данакли ва уруғли мевалардан, полиз экинлари маҳсулотларидан ўзига хос усулда пиширганлар. Яхши мураббо тайёрлаш учун аввало қиёмни қандай пиширишни аниқлаб олиш зарур. Қиёмни ликопчага томизиб кўриш йўли билан, қиёмнинг кўпигига ёки пишириладиган меванинг рангини тиниқлигига қараб бир томчи қиёмни совуқ сувли пиёлага томизиб кўриш орқали унинг пишган ёки пишмаганлигини аниқланган. Ўзбек элида боғдорчилик ва узумчилик ривожланганлигини туфайли ҳар хил мева турларидан мураббодлар пиширилган. Масалан, анжир, олча ва олхўридан, беҳи, ўрик, олма, нок, шафтоли ва узумдан, гилос ва ёнғоқдан, полиз экинларидан қовун ва тарвуздан ўзига хос хушбўй ва муаттар ҳидли мураббодлар тайёрлаш санъати ҳозиргача сақланган. Қулупнай, лимон, апельсин, мандарин, ҳатто помидордан ҳам мураббо тайёрлаш одати кейинги даврларда пайдо бўлди.

Мураббодлардан ташқари меваси озроқ, суви кўпроқ, бир қайнатишда пишириладиган, аммо узоқ сақланмайдиган турли мева ва сабзавотлардан қиём ҳам тайёрланган. Албатта, бундай ширинлик мураббо тайёрлаш учун ишлатиладиган «қиём»дан фарқ қилади. Илгари-

дан тоғлик ва чўл туманларда пишириладиган ровоч ва янтоқ қиёмлари, кўп жойларда тайёрланидиган сабзи қиёми, гул қиёми, ош қовоқ қиёми, ғўра (довучча) қиёми, тоғолча қиёми ҳам ўзбек таомларининг нақадар бой эканлигидан далолат беради. Шу маънода ҳар хил меваларни қайнатиб пишириш, жумладан узум, тут, қовунтарвузлардан пишириладиган шиннилар ҳам, маҳаллий мева ва экинлардан тайёрланидиган қувватижон, бол қаймоқ, бодроқ, толқон, майиз билан нўхат ҳам ўзбек дастурхонининг беагадир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида ўзбекларда мева, сабзавот ва резаворлар қадимдан алоҳида ўринни эгаллайди. Тадқиқотларга қараганда, ўзбек таомларининг 40—50 фоизини фақат сабзавотларнинг ўзигина ташкил қилади. Демак, маҳаллий озиқ-овқат минтақаси инсон учун зарур бўлган моддаларни ўзида мужассамлаштирган. Айниқса ёз фаслида ўзбек таомларидан ҳар хил данакли мевалар (шафтоли, хурмо, ўрик (зардоли), олхўри (қораоли), олча, уруғли мевалар (олма, нок, беҳи), субтропик мевалар (анжир, анор, жийда), қовунтарвуз кўп истеъмол қилинади. Қиш ва баҳор фаслларида ҳар хил қуруқ мевалар (майиз, тут қоқи, қоқ ўрик) озиқ-овқат ассортиментига кирган.

Анъанавий ичимликлардан чой ҳозир ҳам жуда кенг тарқалган. Фарғона ва Зарафшон водийлари, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм ўзбеклари кўк чойни яхши кўрадилар, қора чой асосан Тошкент воҳасида кўпроқ истеъмол қилинади. Айрим жойларда қиш пайтларида нонуштага сут солиб дамланган шир чой ёки оқ чой, баъзи ерларда мурч чой, асалли чой, олма чой ҳам дамлаб ичилади.

Илгари ярим кўчманчи ўзбекларда тариқдан кайф оширадиган бўза номли ичимлик тайёрланган. Кўп жойларда, айниқса узум сероб жойларда узоқ даврлардан мусаллас ичимлиги (виноси) маълум. Ўзбекларнинг қадимий аجدодлари узумдан қилинган кайф оширадиган ичимликлар тайёрлаб, истеъмол қилганликлари тўғрисида археологик ва ёзма манбаларда таъкидланади. Эрамиздан аввалги II асрда Фарғонада вино ичилганлиги тўғрисида Хитой ёзувларида маълумот бор. Турли манбаларда хабар берилишича, илгари ўзбек элида подшо ва ҳокимларнинг сарой даврасида зодагонлар орасида ҳар хил маст қиладиган ичимликлар кўп истеъмол қилинган, халқ оммаси ичида ҳар хил нашавандлик

(бангилик) кенг тарқалган. Махсус сув солиб устига чўғ қўйиб чекадиган чилимда тамаки, баъзан наша солиб чекиш, кўкнори ивитиби ичиш, носвой отиш каби одатлар узоқ даврлардан маълум бўлган. Улар аҳолининг айрим қисмида ҳозиргача сақланган.

Бошқа ичимликлардан яхна чой, қатиқ ёки сузмага сув қўшиб тайёрланадиган айрон, турли мева-чевалардан—ўрик, туршак, олча, тоғолча, шафтоли, олма ва нок қоқидан сувда қайнатиб ҳосил бўлган ичимликлар, ҳар хил шарбатлар (анор шарбати, гул шарбати, ғўра шарбати, олча шарбати, жийда шарбати ва ҳоказо) ҳозирги ўзбек озиқ-овқатларининг таркиби ҳисобланади.

Хилма-хил таомлар ва ичимликларни тайёрлашда ва уларни истеъмол қилишда ишлатиладиган идишларнинг ҳам хиллари кўп бўлиши табиийдир. Иссиқ суюқ таомлар илгари ҳам, ҳозир ҳам катта-кичик қозонларда (чўян, мис, тошдан, ҳатто мрамардан, ҳозир алюмин ва никелдан) тайёрланиб, сопол, ёғоч, чиннидан ясалган ҳар хил лаган, товоқ, ликопчаларга сузилиб тортилган. Ёғоч қошиқ ва чўмичлар илгаридан ишлатилиб келинган. Эндиликда ҳар хил металлдан ясалган қошиқ, вилка ва пичоқлар, идиш-товоқлар, рюмка ва бошқалар, катта-кичик ликопчалар ҳар бир оилада мавжуд. Ўзбек оилаларининг кўпчилиги чойнак-пиёлаларнинг хилма-хилларига эга. Уларда қасқон, кўза, хум, ҳар хил пичоқлар, капкир ва бошқа ошхона буюмлари доимо етарли бўлган. Ҳозир барча шаҳар ва қишлоқларда фабрика- заводларда ясалган хилма-хил идиш-товоқлар мавжуд. Аммо анъанавий таомларни, айниқса қуюқ овқатларни, даставвал паловни чинни ёки сопол лаганларга сузиш одати ҳозиргача сақланган. Хамир таомларни тайёрлашда элак, тоғора, супра, ўқлов, кува ва бошқа буюмлар ҳар бир оилада ҳозир ҳам бор.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити ва аҳолининг турмуш тарзи муайян овқатланиш тартибини шакллантирган. Узоқ давр давомида одат бўлиб келган тартибга биноан энг тўйимли овқатлар асосан кечки пайтда, оила аъзолари тўла тўплангандан кейин истеъмол қилинган. Эрталабки нонушта ҳам одатда оила билан бирга ўтказилган. Кўпчилик оилаларда нон, чой, қаймоқ, сут, қанд, шакар, ёз пайтларида узум ва бошқа мевалар истеъмол қилинган. Тушки овқатда асосан чой, нон, ёзда қовун-тарвуз ва мева-чевалар ёки енгил таомлар билан чекланганлар. Ҳозирги пайтда ишда (хизматда)ги одамлар

ошхоналар ёки кафеларда иссиқ овқат ейдилар. Аммо меҳмон бор уйларда кундузига, баъзан нонуштага ҳам суюқ ва бошқа иссиқ таомлар тайёрланади, кечки овқатга эса қуюқ зиёфат берилади.

Таомларни уйда аёллар пиширади, катта тўй-маъракаларда эркаклар тайёрлайди. Ҳар бир ўзбек палов пиширишни билади, бу ишда зўр маҳоратли кишилар алоҳида ҳурматга сазовордир. Оила овқатланганда дастурхон ўртага (баъзан хонтахтага) ёйилади, чойнак ва пиёла одам сонига қараб қўйилади. Юқорида қайд қилинганидек, суюқ овқатлар илгари бир тоғорада умумий қилиб, кейинчалик косада ҳар кимга айрим сузилган. Қуюқ овқатлар бир ёки икки лаганда умумий қилиб тортилади. Палов ва шовла, баъзан қовурдоқ ва бошқа қуюқ таомлар ҳам айрим оилаларда қошиқ билан ейлади. Овқат ейшдан олдин ва кейин қўлни ювиш одат бўлган.

Овқатланиш тартибида ўзига хос хусусиятлардан бири таомларнинг иссиқлик ва совуқликка бўлинишидир. Бундай тартиб қадимий даврлардан сақланиб, кишиларнинг мижози (темпераменти)га қараб фарқланган. Одатда одамлар бунга кўп эътибор бермаган, аммо киши касал бўлган пайтларда парҳез сақлаш мақсадида таомлар мазкур икки хилга бўлинган. Айрим маълумотларга қараганда, совуқ, ғамгин мижозли кишиларга қиздирадиган, ҳароратли таомлар, серғайрат, қизиққон одамларга, аксинча, совитадиган овқат истеъмол қилиш маъқул деб ҳисобланади. Барча ширинликлар «иссиқлик» келтирадиган таомлардир. Халқ табобатига биноан қўй ва от ёғи, ёнғоқ ёғи, донлардан кузги буғдой, мош, маккажўхори, сабзавотлардан ошқовоқ, сабзи, лавлаги, мевалардан нок, анор, узум ва қовун «иссиқлик» озуқаларга кирса, мол ва ўсимлик ёғи, ёзги буғдой, оқ жўхори, турп, пиёз, шафтоли, олма, ўрик кабилар «совуқлик» келтирадиган озиқ-овқатлардан ҳисобланади. Сут маҳсулотларининг деярли ҳаммаси, мол ёғидан тайёрланган маҳсулотлар «иссиқлик» таомларига киргизилган. Мазкур тақсимлаш шунча муҳим бўлганки, ҳатто аёллар тўй ёки маъракага бориладиган бўлса, таомнинг «иссиқлиги» ёки «совуқлигига» қараб дастурхон қилганлар. Никоҳ тўйларида келин-куёвларнинг қалб ҳовурини кўтариш учун махсус «иссиқлик» таомлари тайёрланган.

Овқат истеъмол қилишда ҳар хил сеҳргарлик иримлари ҳам сақланган. Масалан, олим ёки домлалардан

қолган овқатни ёш болага едирса, гўёки унга олимнинг донишмандлиги, ақли, домланинг эса муллачилиги ўтиши мумкин. Меҳмон «худо юборган» киши деган тасаввурлар таъсирида ундан қолган овқатни истеъмол қилиш ҳам савоб деб тушунилган, чунки худо марҳамати билан уйда фаровонлик бўлармиш. Шундай мақол ҳам бор: «Меҳмон келар эшикдан, рисқи келар тешикдан».

Ўзбекларнинг маросим таомлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳозиргача ўлим билан боғлиқ хотира кунлари кўп жойларда махсус таом — «қолвайтар» пиширилади. Бу таом қиздирилган ёғга ун солиб қизаргунга қадар кучли оловда қовурилади, кейин шакар ёки қанд қўшиб пиширилади. Қолвайтар пиёла ва ликопчаларга солиб дастурхонга тортилган. Аждодлар арвоҳига бағишлаб ис. чиқариш мақсадида пишириладиган анъанавий таомлардан бўғирсоқ билан пўссиқ (варақа) ҳам кенг тарқалган. Бўғирсоқни тайёрлаш учун сут, эритилган қўй ёғи, тухум, шакар, туз ва хамиртуруш сувда қорилиб хамир қилинади, кейин урвоққа аралаштириб ҳасипга ўхшатиб чўзиб ёнғоқдай қилиб кесиб олинади ва қозонга солиб ёғда қовурилади. Пўссиқ ҳам худди шу тарзда тайёрланади, аммо тахтада юпқа қилиб ёйиб пиширилади. Асл умумхалқ байрами Наврўзда тайёрланадиган сумалак ҳам муайян ибтидоий сеҳргарлик тасаввурлари билан чулганган. Бир кун давомида пишириладиган сумалак атрофида турли ўйин-кулги ва хурсандчилик билан бирга дуохонлик қилиниб, аждодлар арвоҳини шод этишга, уларни ва илоҳий кучларни сажийликка чақириб, деҳқончилик унумли бўлишини, ёз яхши келишини, тўқ, фаровон ҳаётни тилаб ўтказиладиган ҳар хил иримлар билан тўла маросим таомидир. Биби сешанба ва бошқа авлиёларга бағишлаб аёллар томонидан қурбонлик тарзида пишириладиган умоч ош, эркакларнинг мачитда тўпланишиб, буғдой ва гўштдан тайёрлайдиган суюқ бўтқа (холиса) ва бошқа овқатлар ҳам диний тасаввурлар билан боғлиқ таомлардан ҳисобланади. Холиса одатда элга бир офат келса, эркаклар пул ёки масалиғ тўплаб қилинадиган халфана бўлиб, уни пишириб худойи тарзида бутун қишлоққа ёки маҳаллага тарқатганлар. Мазкур иримлар ҳозиргача сақланиб келган.

Ўзбек халқининг энг ажойиб анъаналаридан, ғурурланадиган миллий фазилатларидан бири меҳмондорчиликдир. Қадимий даврлардан меҳмон кутиш ва унга

дастурхон ёзиб безатиш катта санъат ҳисобланган. Бунда муайян тартиб ва қоидаларга риоя қилинибгина қолинмасдан, дастурхон безатувчи уқувли, озода ва покиза табиатли киши бўлиши шарт бўлган. Нафақат уйда, айниқса тўй-маърака ва йиғилишларда дастурхон соладиган, тайёрланган хилма-хил таомларни меҳмонларга чиройли қилиб безатадиган ва нозу неъматларнинг ҳаммага баравар тақсимланишини таъмин қилувчи киши эл орасида доимо топилган. Асли дастурхон оила аъзоларига нисбатан меҳмонлар учун, тўй ва байрам тантаналари учун бошқача тарзда юксак дид билан безатилиши шарт бўлган. Чунки яхши тузилган дастурхон меҳмонларнинг кайфиятини кўтаради, зиёфатни оқилона уюштиришга омил ҳисобланади.

Ўзбекча дастурхон безатишнинг ўзига хослиги шундаки, даставвал дастурхонга иссиқ овқатлардан ташқари ҳамма хўрақлар, жумладан ҳар хил ширинликлар, яхна овқатлар, мева-чевалар жой-жойига безаб қўйилиши зарур. Меҳмон дастурхони доимо тўла бўлиши, бунинг учун ҳамма зарур нарсалар муҳайё бўлиши, дастурхонга ҳамма нарсаларнинг бирданига келтириб қўйилиши меҳмонларнинг таомларнинг хилига қараб тегишли иштаҳа сақлай олишлари ва овқатланишларининг тўғри ташкил қилинишларига имкон яратиб беради.

Ўзбек миллий одатига биноан меҳмонларни ўтқозиш асосан ёшига ва эл олдидаги ҳурматига қараб тўрдан бошланади. Меҳмонга даставвал нон ушатилиб, чой берилади, кейин иссиқ овқатлар тортилади. Овқат ҳам дастлаб ёши катталарга, тўрда ўтирганларга берилади. Чойда ҳар бир меҳмонга биттадай пиёла, Хоразмда эса ҳар кишининг ўзига чойнак-пиёла қўйилади. Кўпчилик жойларда чойни мезбоннинг ўзи қуйиб беради ёки бу вазифа меҳмонлар орасида энг ёшига топширилади.

Одат бўйича ўзбекнинг хонадонига келган киши (танишми ёки нотанишми) дастурхонга, бир пиёла чойга ёки нон-туз тоттишга таклиф қилинади. Ўзбек қаерда ва қандай шароитда бўлмасин ёнига яқин киши, сафдошини ўз таомига шерик қилиш расм бўлган. Бу удумнинг анча кучли эканлигини тасдиқловчи тасавурларга биноан махсус ибора — «кўз ҳақи» ҳозиргача сақланиб, сафдош рисқини бериш зарур бўлган. Бу одатга кўра, кимнинг кўз олдида нон ёпилса ёки овқат тайёрланса, шу киши ўзининг «кўз ҳақи»га эга бўлиши мумкин, деб



ҳисобланган. Шунинг учун ҳам уйда, айниқса байрам ва ҳайит пайтларида ширин таомлар пиширилса, қариндош ва яқин қўшниларга бир коса сузиб чиқариш одати ҳозиргача кўп жойларда сақланган. Шу тарзда айрим маросимларда дастурхон қилиб келинса, ундаги озиқ-овқатларни қавму-қариндош ва қўшниларга тарқатиш расм-удуми мавжуд. Шунингдек, шахсий боғ ва узум мевалари пишганда ўз яқинлари билан бўлишиш одат бўлиб қолган. Мазкур урф-одат ва иримларнинг кўпчилиги миллий анъанага айланиб, уларга амал қилиш ҳозир ҳам шарт ҳисобланади.

## ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА МАҲАЛЛАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий ижтимоий турмуши асли XIX аср охири—XX аср бошларида шаклланиб ислом дини томонидан муқаддаслаштирилган феодал тузум билан белгиланган. Аммо бутун турмуш тарзида ва мафкурасида ижтимоий тузумнинг илк шакллари қолдиқлари, қадимий урф-одат ва маросимлар сақланиб, улар феодал муносабатлар ва энди куртак отаётган капиталистик тузум билан ёнма-ён яшаб келган. Барча синфий жамиятларга хос белгилар, феодал-патриархал анъаналар, қарамлик ва ҳукмронлик, ижтимоий зулм ва зўравонлик, чексиз мусибат ва маиший ташвишларнинг мураккаб мажмуи инсон табиати ва онги, турмуш тарзи ва хулқ-атворини белгилаб йўналтирган.

Ўзбекларнинг ижтимоий турмушида ўша даврда сақланиб келган архаик шаклдаги муносабатлардан жамоачилик, айниқса, қўшничилик ва қишлоқ жамоачилиги тартиблари, катта оиланинг таомил бўлиши, айрим гуруҳларда кўчманчилик турмуш ва уруғ-қабилавийлик ташкилотларининг элементлари, қадимий маросим ва ибодатлар қолдиқлари кенг тарқалган. Қўшничилик жамоаси шаклидаги жамоачилик муносабатлари нафақат узоқ чеккадаги тоғлик ва дашт туманларда, балки анча ривожланган суғорма деҳқончилик туманларида ҳам сақланиб келган. Феодал тузум ҳукмронлик қилаётган Ўрта Осиё шароитида анча турғун жамоачилик тартибларини чор ҳокимияти ҳам сақлаб қолишга манфаатдор бўлган. Мазкур муносабатлар ўтроқ аҳоли орасида маҳалла жамоаси сифатида мустаҳкам сақланган. Қўшни-

чилик ҳуқуқига таянган турли одоб ва тартиблар шариат томонидан қўриқланган. Жамоачилик умумий иморатлари, маҷитлар ва таҳоратхоналар, умумий буюмлар, идиш-товоқ ва ҳоказолар жамиятда муайян тартиб-қоидага асосланган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлган.

Шаҳарларда мазкур тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя қилинган ҳолда ҳар бир хўжалик маҳалла жамоасига бириккан. Улар умумий жамоа иморатлари, тўй-томоша ва маърака ўтказиш учун зарур идиш-товоқлар, умумий тобут ва бошқа буюмларга эга бўлишдан ташқари ариқ-ҳовузларга қараб уларни тозалаб турганлар, умумий ишлар учун фаррош, чўпон ва мардикорлар ёллаганлар. Маҳалла аҳолиси оилавий байрам ва тўйларни, дафн маросимлари ва сайлларни ўтказишда жамоачилик анъанасига биноан умумий вазифа сифатида фаол иштирок этиши шарт бўлган. Оилавий-маиший ва никоҳ масалалари ҳам айрим оила доираси билан чекланмай қавму қариндош ва яқин қўни-қўшниларнинг иштироки билан ҳал қилинган. Жамоачилик тузуми даврдан сақланиб келган коллективизм анъаналари маҳаллачиликда айниқса намоён бўлиб, айрим оила ва шахснинг ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган катта-кичик ташвишларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ва ижобий роль ўйнаган. Ҳозиргача бу ажойиб анъана сақланиб янги давр талабига мослашган ҳолда кишиларнинг ўзаро яқинлашиши, ахлоқ ва одобнинг мустаҳкамланиши каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда хизмат қилмоқда. Катта шаҳарларда (Тошкент, Бухоро, Қўқон ва ҳ. к.) ҳар бир маҳалла шаҳар қабристонига ўзининг махсус қисмига ёки айрим қабристонига эга бўлган.

Жамоани бошқариш учун махсус шахс (оқсоқол, элликбоши) маҳалладаги энг обрўли кишилардан сайланган ва унга ёрдамчи қилиб эркаклардан пойкор, аёллардан кайвони ёки ходим тайинланган. Табиийки, маҳалла ҳам феодал тузум асосида синфий-ижтимоий жиҳатдан анча табақалашган. Бой зодагонлар ва амалдорлар билан бир маҳаллада камбағал оилалар ҳам яшаган. Мўйсафид оқсоқолларнинг, жамоачиликнинг фикри ва сўзи ҳамма учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Қишлоқ шароитида жамоачилик муносабатлари шаҳарга нисбатан хўжалик фаолиятида айниқса намоён бўлган (ер мулки, сув масаласи, мол боқиш ва ҳ. к.).

Уруғ-қабилачилик анъаналари анча мустаҳкам сақ-

ланган ўзбекларда патриархал уруғчилик муносабатларининг қолдиқлари анча сезиларли равишда намоён бўлган. Улар ўз уруғи ва қабиласига яқинлигини сезган ҳолда уруғдош ва қабиладошлари билан алоқани мустақкам сақлаб келганлар, ҳатто ҳудудий жиҳатдан узоқлашиб кетган тақдирда ҳам. Агар айрим оилалар ўз уруғдошларидан узоқ давр ажралиб кетган бўлса ҳам аждодлар шажарасини сақлаб, зарур бўлган тақдирда ёрдам қўлини чўзишга тайёр бўлганлар. Баъзан шундай ўзаро алоқа узилган қабиладошлар ҳатто ўнинчи авлод шажарасини ёддан билганлар. Айниқса, Жанубий Ўзбекистонда ўтган аср охирларигача сақланиб келган қабилалар айрим уруғлар ёки уруғ бўлинма (қисм)лардан иборат бўлган. Аммо улар уруғчилик анъаналарини қисман сақлаган.

Маълумки, уруғ дейилганда бир аждоддан тарқалган йирик оилавий бирикма тушунилган. Қўшни қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлардагидек ўзбек уруғларида экзогам никоҳ бўлмаган, аксинча уларда кузен никоҳ, яъни ўз уруғдош (амакивачча, холавачча, аммавачча, дойижиян)лари орасидаги эндогам никоҳнинг кенг тарқалганлиги XIX аср охирлари—XX аср бошларига келиб асли уруғ-қабилавий муносабатларнинг емирилганлигини кўрсатади. Аммо айрим жамоачилик анъаналарининг турғун сақланиши уларнинг уруғчилик тузумидан тўла ажралмаганлигидан далолат беради. Лекин тарихий вазият айрим элатларнинг бири — кишига зарурият туғдириб, улар қабилавий уюшмаларнинг баъзи элементларини тиклаш қобилиятига эга бўлганлар. Масалан, Шаҳрисабздаги кенагас қабиласи маҳаллий «сарт»лар ва тожиклар билан аралашган бўлса-да, ўз қабилавий, яъни этник бирлигини унутмаган. Хоразмдаги манғит қабиласи ҳатто Хива тахтига кўтарилиб қадимий ўтроқ аҳоли билан чатишиб кетса ҳам қабилавий яқинлигини сақлаб қолган.

Ўзбек хонликларида маҳаллий ҳокимият деҳқонларни феодал тузум орқали эксплуатация қилиш мақсадида уруғ-қабилачилик муносабатлари қолдиқларини, феодал ва қабила зодагонлари обрўсини сақлаб улардан фойдаланиш мақсадида қўллаб-қувватлаган. Бундай сиёсат Россия Туркистонни босиб олгандан кейин чор ҳокимияти томонидан ҳам амалга оширилган. Айрим этник гуруҳларда уруғ-қабилачилик оилавий-никоҳ муносабатлари ва ижтимоий-маиший турмушига анча кам

таъсир қилган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича (С. П. Толстов, Г. П. Снесарев), ўтмишда ўзбекларнинг уруғ-қабилачилик сақланиб келган гуруҳларида фратриал ташкилот белгилари намоён бўлиб, бундай ҳолат қўшалок (жуфт) қабилалар номида ўз ифодасини топган (Хоразмда қиёт — қўнғирот, қонгли — қанжигали, Зарафшон ва Хоразмда қтой — қипчоқ қабилалари). Баъзан жуфт қабилалар орасида никоҳ муносабатлари устун турган, масалан, Чиноз туманлигида дўрман ва катагонлар орасида доимо қиз бериб, қиз олишганлар. Баъзи олимлар (К. Ш. Шониёзов ва б.) мазкур қабилалар келиб чиқиши ва тарихи ҳар хил бўлганлиги туфайли фратриал тартибда эмас, балки ҳудуд асосида жуфтлашганлар, деб таъкидлайдилар.

Анъанавий қадимий фратриал (дуал) ташкилотларининг қолдиқлари то XX аср бошларигача айрим шаҳар ва йирик қишлоқларда рақобатчи жамоалар орасидаги тортишувларда ҳам намоён бўлиб келган. Анъанавий рақобатчилик удумлари қадимий манзилгоҳларнинг жуфт қисмлар (икки ёки тўрт)га бўлинишида ўз ифодасини топган. Бундай ҳолатни Шаҳрисабзда шимолий ва жанубий қисмлар орасида, Қаршида шаҳар атрофида жойлашган иккита эл — Чармгор ва Бузрукобод аҳолиси орасида кўриш мумкин. Тошкентда ҳам икки шаҳар қисми — Шайхонтоҳур билан Бешёғоч даҳалари қарама-қарши турган. Улар ўзаро рақобат қилиб махсус тортишув (беллашув) маросимларини шаҳарнинг экингоҳ майдонида ўтказганлар. Тарихий манбаларга қараганда, Бухорода ҳам рақобат маросимлари асосан ҳунарманд ёшлар орасида ўтказилган. Ривоятларга кўра, шаҳар тўрт рақобатчи қисмларга бўлиниб, ҳар қисмининг номи билан рақобат турлари ва бошқа беллашувлар номланган.

Рақобатчилик маросимлари Бухорода баҳор фаслида жуда қизиқарли ўтказилган. Шаҳар девори орасида ёшлар тўпланиб, дастлаб икки томон кураш майдонига жанговар қушларини — хўроз ёки беданаларини, баъзан қўчқорларни қўйганлар. Қайси бир ҳайвон енгиб чиқса, демак, шу жониворларни қўйган томон ғолиб ҳисобланган. Ғолибларни олқишлаганлар, мағлубиятга учраган томон масхараланган. Навбат одамларга келгач, ҳар томон бир кишини ўртага чиқарган. Қоида бўйича аввал бири иккинчисини муштлаб дўппослаган, иккинчи томон бардош бериб чекинмасдан турган. Кейин дўппос-

лаш навбати унга ўтган, рақиб ҳам матонат билан сабр-тоқат кўрсатишга интилган. Этнографик маълумотларга қараганда, бундай рақобатчилик урф-одат ва удумлар жуда кўп халқларда фратриал тузум қолдиғи сифатида сақланган.

Ўзбекларнинг ижтимоий турмушидаги энг қадимий ўзига хос удумлардан ёшига қараб гуруҳларга бўлиниш — болалик, ўспиринлик, балоғат ёши ва қарилик бўлиб, у билан боғлиқ турли урф-одат ва маросимлар ҳозиргача сақланиб келган. Эркаклару аёллар ёшига қараб ўз тенгдошлари билан тўртта гуруҳга бўлинган бўлиб, уларга ҳар жойда ҳар хил ном берилган (қатор, улфат, тенгқур, жўра) ва улар ўзларининг тенгқурлар даврасини ташкил қилганлар. Бир ёшдаги гуруҳдан иккинчи ёш гуруҳига ўтиш махсус маросим орқали амалга оширилган. Ҳар бир ёшдаги гуруҳ ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва улар кийими, безаклари, сочининг шакли, ижтимоий бурчи ва хулқ-атвори билан ҳам бир оз ажралиб турган. Масалан, Бухоро ва Хоразмда ёшига қараб гуруҳларга бўлиниб кийиниш одати илгари кенг тарқалган. Бухоролик қизларнинг биринчи марта мурсак калтача кийиш махсус одати бўлган. Биринчи бола туққан аёл «оналар» гуруҳига ўтишини кийинишида намоёиш қилган ва шундан кейин у байрамларда, тўй-томошаларда иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Эркакларда ёшига қараб жўрачилик ва улфатчилик асосида ташкил қилинадиган гап (зиёфат) ҳозиргача сақланиб келаётган урф-одатлардан бири. Айниқса, қиш ойларида қишлоқларда «гап» қилиш одат тусига кирган. Шаҳарларда ҳам бу одат мавжуд бўлиб, уни нафақат ёшига қараб, балки касб-ҳунарига ва табақаларига қараб ҳам қилишган. Гап, одатда кузда бошланиб, бутун қиш бўйи давом қилган. Баъзи ерларда (Фарғона водийси, Хива хонлиги) аёллар ҳам гап қилишган. Айрим тадқиқотчилар, генетик жиҳатдан гап (зиёфат) ибтидоий жамиятларда тарқалган эркаклар иттифоқи шаклларида бири, деб ҳисоблайдилар.

Маиший турмушда айрим урф-одат элементлари ибтидоий оналик (матриархат) уруғига бориб тақалади. Масалан, ўзбек оиласида ҳозиргача она томонидан қариндошларнинг, айниқса тоғанинг роли катта. Бундай ҳолат этнографияда авункулат номли оила-никоҳ тартиблари билан боғлиқ бўлиб, тоға-жиянлар муносабатларига алоҳида эътибор берилиши матрилокал тартиб-

лардандир. Тоға жиянининг бешик ёки суннат тўйларидан то уйлангунча барча тадбирларига бош бўлиб ёрдамлашиб туриши шарт бўлган.

Авункулат ва ёшига қараб гуруҳлаш тартибларининг айрим элементлари қавму қариндошлик атамаларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, ўзбекларда она ва ота томон қариндошлар номи фарқланган: онанинг ака-укалари жиянга нисбатан тоға ҳисобланса, отасининг ака-укалари амаки деб номланган. Тоғанинг мавқеи амакидан баланд бўлиши қадимий авункулат қоидаларининг акс-садосидир. Онанинг опа-сингилларига хола, отаникига амма дейилган. Ўзидан катта ўғил биродарига ака, кичигига ука, аёлларнинг каттасига опа, кичигига сингил, акасининг хотинига келин ойи ёки янга, укасининг хотинига келин, опасининг эрига почча (язна), синглисининг ёки қизининг эрига куёв, ота-онасининг отасига бобо (бува), онасига момо (она), ака-укаларнинг фарзандларига ёшига қараб ака ёки ука, опа-сингилларники — жиян ва ҳоказо номлар ишлатилган. Аммо Ўзбекистоннинг турли вилоятларида, ҳатто айрим туманларида мазкур номлар ўзаро фарқланиши мумкин. Шунини алоҳида қайд қилиш зарурки, бундай қавму қариндошлик атамалари ҳозиргача қариндош бўлмаган ўзбеклар орасида ҳам ишлатилади. Бу эса асли қадимий жамоачилик муносабатларининг ўзбеклар турмушида чуқур илдиз отганлигининг яна бир далилидир.

Мазкур қадимий уруғ-қабилавий ва жамоачилик муносабатларининг ижобий тарзда янги давргача сақланиб қолиши ўзбекларнинг турмуш тарзида асримиз бошларигача ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий тузумни инкор қилмайди. Айниқса, жамоачилик муносабатлари коллективизм ва бирлик туйғуларини, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик урф-одатларини ҳаётга сингдириб, миллий жипсликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб келган. Ҳозиргача маҳаллачилик анъаналари янги, замонавий руҳда анча такомиллашиб, оилавий-маиший муносабатларни мустаҳкамлаб, барча тўй-томошаларда ва маъракаларда ҳамдард ва ҳамсоя бўлиб ўзаро ёрдам бериб қўллаб-қувватлашда катта хизмат қилиб келмоқда. Маҳаллачилик ижтимоий онги катта-кичикни ҳурмат қилиш, айниқса ёши катта кишиларни эъзозлаш, оилавий муносабатларда аҳилликни сақлаш каби одобикром масалаларини бошқаришда ҳал қилувчи омилга айланган. Маҳалланинг озодалигини сақлаш, жамоат

ёки давлат ишларини бажариш, умумий тартиб ва одоб ўрнатишда ҳам қўни-қўшничилик анъаналари ижобий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўзбек шаҳарлари ва қишлоқларида шу кунгача маҳаллачилик сақланибгина қолмай, ижтимоий ҳаётда катта ижобий роль ўйнаб келмоқда.

Аммо маҳаллачилик ва қўни-қўшничилик XIX аср охири ва XX аср бошларида феодал-патриархал тузум, ижтимоий тенгсизлик ва зулм ҳукмронлик қилаётган даврдаги қонун-қоидалар ва одоб нормаларига мослашган. Барча оилавий-маиший ва ижтимоий турмуш соҳалари, шахсий ҳаёт ҳукмрон ижтимоий муносабатларга бўйсундирилган. Бу даврдаги Ўзбекистоннинг ўзига хос мураккаб ижтимоий тузуми шундан иборат эдики, бу ерда асосан феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон бўлса-да, ўлканинг ижтимоий ҳаётида турли ижтимоий-иқтисодий формация элементлари — ибтидоий патриархал-жамоа уклади қолдиқлари, майда, яқка хўжалиқдан то йирик феодал мулкдорлар ва энди куртак отаётган капиталистик хўжалиқларгача чатишиб кетган. Ижтимоий, оилавий-маиший ва шахсий турмушнинг барча ҳужайраларига сингиб кетган ислом дини томонидан муқаддаслаштирилган архаик-патриархал жамоа тузуми муносабатлари ва анъаналарининг таъсири жуда зўр бўлган. Айниқса, чекка ва марказдан узоқ қишлоқ ва туманларда аҳолининг ҳатто хўжалик фаолиятида, ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида ижтимоий мулкка асосланган жамоачилик тартиблари ва урф-одатлари чуқур илдиз отган. Чор Россияси мустамлақаси даврида ҳам қисман товар-пул муносабатлари оқимига туша бошлаган оила-жамоаларнинг қўпчилиги аста-секин алоҳида оилаларга бўлина бошлаган бўлса-да, феодал-патриархал тузум тартиб-қоидаларига, ислом ва шариатга тўла риоя қилганлар.

Урта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин у энг олий типдаги мустамлақа ўлкага айланди. Чор ҳокимияти бу ўлкани парчалаб ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ ва тожик халқларини сунъий равишда бўлиб, губернатюрлик, амирлик ва хонликларга жойлаштирди. Кенг меҳнаткаш омма «ўзлари»нинг эксплуататорларининг ижтимоий ва маънавий зулмига қўшимча равишда мустамлақачилар, ҳукмдорлар, банкирлар, савдогарлар, судхўрлар ва фабрикантларнинг аёвсиз эксплуатациясига дуч келган эди. Икки томонлама зулм, оғир меҳнат

ва қийин шароит, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик, зўравонлик ҳукмрон ижтимоий тузум билан белгиланган.

Ўзбек қишлоқларида феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ва тартиблари тўлиқ ҳукмрон бўлган. 1886 йил 12 июнда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш Қонуни»га биноан барча суғориладиган ерлар илгари кимга тегишли бўлса, ўша хўжаликка фойдаланишга мерос қилиб биркитилган. Ижтимоий гуруҳлар қуйидагича бўлган: батрак — пролетарий деҳқонлар — 0,5%, ярим пролетарий мардикорлар — 16,7%, майда деҳқон — чоракор ва мардикорлар 30,7%, феодал элементлар (ер эгалари, судхўрлар, вақфдорлар ва ҳоказо) — 16%. Ери кам деҳқонлар асосий қисми ташкил қилган ва улар энг оғир аҳволда яшаганлар. Умуман, ўтган асрнинг охирларида бутун Туркистон ўлкасида қишлоқ аҳолиси 86,2% ни, шаҳар аҳолиси эса 13,8% ни ташкил қилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқларда яшаган.

Деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги чексиз зулм ва оғир солиқлар туфайли бой ва судхўрларга қарздор ҳолда бутун умр қарам бўлиб келганлар. Қашшоқлашган деҳқонларнинг анча қисми ўзларининг кичкинагина ерларини сотишга ёки гаровга қўйишга мажбур бўлиб, оқибатда ерсизлар сафини тўлдирганлар. Масалан, биринчи жаҳон уруши арафасида Фарғона водийсидаги Марғилон уездида ерсизлар сони 22%, Андижон уездида — 15, Наманганда — 11, айрим волостларда (Қаттақўрғон уездида) 30% ни ташкил қилган. Хонликларда эса халқ оммасининг аҳволи ундан ҳам оғир бўлган. Айниқса, турли-туман солиқларга ботиб кетган меҳнаткашлар ниҳоятда қашшоқ ва фақирона ҳаёт кечирганлар. Хива хонлигида 25 га яқин, Бухоро амирлигида 55 га яқин турли солиқ ва йиғимлар меҳнаткаш оммани ўргимчакдек тўрига илинтириб, бутун «қонини сўриб», бедармон аҳволга солган.

Ижтимоий тафовутлар, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик аҳолининг моддий турмушида, унинг ўтириш-туришида, кийим-кечагида, таоми ва озиқ-овқатида алоҳида намоён бўлган. Шаҳарларда бойларнинг дабдабали серҳашам уйлари билан бир қаторда меҳнаткаш омма яшайдиган лой, гуваладан қурилган ойнасиз туйнукли кулбалар бир-бирларига чатишиб кетган. Ўтган асрдаги рус мустамлака маъмурияти масъул ходимла-



ридан бири этнограф олим Н. П. Остроумов таърифича, Туркистонда катта даромадли кишилар катта ҳажмдаги уйларга, сифатли ва кўп сонли кийимларга ва жуда бой таомларга эга бўлганлар. Айниқса ишчи, ҳунарманд ва мардикорлар ниҳоятда қашшоқликда яшаганлар. Уша даврнинг таниқли тадқиқотчиларидан А. Шишов статистик далилларга таяниб, қуйидагича ёзади: «Мардикорлар, аравакаш ва бошқа кўп ишчилар иссиқ овқат қилишга қудрати етмай, кунига 4—5 дона нон билан тирикчилик ўтказадилар... Кўп оилалар бундан ҳам баттарроқ яшайдилар». Айрим ўзбек қабилалари ўтов, қамиш чайла ёки ертўлаларда истиқомат қилганлар. Ўтовнинг ички жиҳозлари асосан ёғоч сандиқ, буғжама, ҳар кун ишлатиладиган ямоқ кўрпа-ёстиқ, кўрпача ва болиш, бўйрага тўшалган битта-яримта кигиздан иборат бўлган.

XX аср бошларида бутун ижтимоий ҳаётда феодал-патриархал ва жамоачилик анъаналари муҳим роль ўйнаган. Қишлоқ ва шаҳарларда синфий жамият нормалари билан бир қаторда қўшничилик жамоаси тартиблари маҳаллачилик шаклида намоён бўлган. Ҳунармандлар касбига қараб цех, ташкилот (касаба, улпагар) ларга бирикканлар. Ўрта асрларга хос касб жамоачилигини ифодаловчи цех тузуми тартибларига биноан ҳар бир ҳунармандчилик соҳаси ўзининг афсонавий ҳомийси (пири)га ва жамоа манфаатини қўриқловчи махсус низом (рисола)га эга бўлган. Рисолада турли ривоятлар, диний-ахлоқий қонун-қоидалар ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ талаблар баён қилинган. Жамоачилик фикри билан бошқариб туриладиган маҳаллачилик тартиблари, юқорида қайд қилинганидек, аслида ибтидоий жамоа тузуми қолдиқлари сифатида сақланиб, уларга тўла риоя қилиш шарт деб ҳисобланган.

1913 йили бутун Туркистон ўлкасида ҳунармандчилик маҳсулотлари умумий саноат маҳсулоти ҳажмининг 30% ини, айрим туманларда эса ундан ҳам кўп қисмини ташкил қилган. Туганмас табиий бойликларга эга бўлган бу ўлкада саноат маҳсулотлари бутун Россия фабрика ва заводларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотга нисбатан 2% дан ҳам кам ҳажмда ишлаб чиқарилган.

Ўзбек аҳолисининг мазкур ижтимоий-иқтисодий тузуми ва майший турмуш укладининг ўзига хос хусусияти патриархал типдаги анъаналар ва тасаввурларнинг,

консерватив тартибларнинг ўтган аср охирларигача мустақкам сақланишида эди. Уларни ҳукмрон мафкура ҳисобланган ислом дини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ҳатто илоҳий руҳда қонунлаштирган, баъзи элементларини эса ўз ақидаларига мослаштирган. Инсоннинг туғилишидан умрининг охиригача бўлган бутун хатти-ҳаракати шариат, Қуръон ва Ҳадисларда муқаддаслаштирилган тартиб-қоидалар қолипига солинган.

Урта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин ўзбек халқининг маиший ва маданий турмуши масаласида чор ҳокимияти эски, ўрта асрчилик урф-одатлари ва тартибларини сақлаб қолиш, шариат ва исломни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошира бошлаган эди. Чор ҳукумати халқ оммасини нодонликда сақлаб, уни ҳар томонлама эзиш мақсадида, ўз халқини эксплуатация қилишда христианликдан фойдаланганидек, ислом дини ва мусулмон руҳонийлари хизматидан мустамлакачилик воситаси сифатида ҳам кенг фойдаланишга интилган. Мустамлака қилинган чекка ўлкалар аҳолисини зулм, қолоқлик ва қашшоқликка ҳукм қилибгина қолмай, чоризм турли халқ ва элатлар орасида миллий ва диний низолар уйғотган.

Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши маҳаллий халқларнинг маиший ва маънавий ҳаётида муайян ўзгаришларга сабаб бўлди. Улканинг Россия орқали капитализм гирдобига тортилиши унинг биқик натурал хўжалигининг емирилишига, ҳунармандларнинг инқирозга учраши ёлланма ишчилар сафларини тўлдиришга ва пролетариат армиясининг кўпайишига олиб келган эди. Янги шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлиши, пахтачиликнинг жиддий ривожланиши, завод-фабрика корхоналарининг юзага келиши бутун ўлкада янги бир тарихий даврни бошлаган эди. Маҳаллий саноатнинг ўсиши қанча суст бўлмасин, аммо бу жараён маҳаллий ишчилар сафларининг кўпайишини ва улар онгининг ўсишини ҳамда ижтимоий фаоллигини кучайтириб, ижтимоий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг охирларига келиб маҳаллий аҳолининг маиший турмуши ва маънавий ҳаётида, айниқса Самарқанд, Қўқон, Фарғона каби йирик шаҳарларда жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Улкага чор амалдорлари, ҳарбийлар, ҳар хил савдогар

ва фабрикантлардан ташқари жуда кўп илғор зиёлилар намояндалари, демократик руҳдаги чиновниклар, ишчи ва ҳунармандлар ҳам кела бошлаган. Улар асосан шаҳарларга ўрнашиб, рус маданиятини тарқатишга, асрлар давомида ҳукмрон бўлиб келган эски патриархал-феодал тузум тартибларининг аста-секин емирилишига, аҳоли дунёқарашида айрим ўзгаришларга, тафаккур эркинлиги ва даҳрийлик ғояларининг куртак отишига туртки бўлган эди. Аммо, атоқли шарқшунос олим В. В. Бартольд ёзганидек, европача янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ёки қадимий шаҳарларнинг сунъий равишда иккига — «янги шаҳар» ёки руслар қисми ва «эски шаҳар» ёки осийликлар қисмига бўлиниши икки маданиятни юзага келтириб, чор ҳокимияти ўз диққатини маданий ва санитар хизмати, ободонлаштиришни фақат рус-европача қисмига жалб қилган, «туземцы» (маҳаллийлар), «инородцы» («ғайри уруғлар») ёки «осийликлар» яшаётган қисмига «минимум ғамхўрлик ва максимум камситишни «тақдим қилган эди». Шунинг учун «европа типи»даги шаҳарлар маданийлашган ва ободонлашган бўлса, «осийликлар» қисми асосан ўрта асрлар типига қолаверган.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида бутун ижтимоий-маиший ва оилавий турмуш феодал-патриархал ва мустабид тартибларга тўла бўйсундирилган. Ҳар бир инсон ўзининг маълум бир ижтимоий табақага тегишли эканлигини ва шу гуруҳ манфаати теварагидалигини ҳис этган. Муайян табақа жамоа аъзоси ҳисобланган шахснинг табиати ва онгига асрлар давомидаги қонунқоидалар ва урф-одатларнинг чексиз ҳукми сингиб кетган. Унинг бутун маънавий ҳаёт фаолияти, ҳис-туйғулари, кайфияти ва бошқа ижтимоий-руҳий кечинмалари, шахсий муносабатлари ҳам ўша гуруҳ ёки жамоа манфаати билан белгиланган ва бошқарилган. Шуниси муҳимки, муайян тартиблар қабила ёки элат (маҳалла) даврасида ҳамкорлик, аҳиллик туйғуларини сингдириб, ўзаро ёрдам (ҳашар), меҳмондўстлик, ёши катталарни ҳурмат қилиш каби ижобий фазилатларда намоён бўлган. Бу объектив ҳолат ислом дини ақидалари орқали муқаддаслаштирилиб, ҳамма қудратли Оллоҳ олдида тенг ва бир деган ғояни юзага келтирган. Бутун Ўзбекистонда тўнтаришдан илгари ҳукмрон бўлган ислом мафкураси худо олдида барча бандаларни бир қилиб кўрсатиб, кимки ерда ўрнатилган тартибларга қарши

чиқса ёки норозилик билдирса, демак, Олло таолога қарши чиққан, деб қораланган. Шариат ва сиёсат, ҳуқуқ ва диний тартиблар бир-бири билан чатишиб кетганлиги туфайли шахс фаолияти ва эркинлиги жиддий равишда чекланган.

Шариат қонунлари диний руҳда бўлгани учун ҳар қандай қонунбузарлик, жиноятчилик, давлат тартибларига хиёнат қилиш, ҳоким ва хонларга қарши чиқишлар динга қарши хиёнат, ва аксинча, диний тартиблардан чекиниш ёки уларга риоя қилмаслик ҳокимиятга қарши қаратилган ҳаракат деб баҳоланган. Атоқли этнограф В. П. Наливкин Ўрта Осиё хонликларидаги демократик тузум тўғрисида шундай деб ёзади: «... илоҳий таълим, ақдавий тартиб ва юридик қонунлар узвий боғланган яхлит бирликдан иборат бўлиб, жинояткорлик — гуноҳ, гуноҳ эса жинояткорлик, деб ҳисобланган. Чунки ҳар бир давлат қарорлари, қонун-қоидалари, тартиблари ҳудо инъом қилган Қуръонга таянган». Унинг таърифича, биринчидан, шариат абадул ўзгармас универсал қонун-қоида, унда мусулмон ўз ҳаётида барча саволларга жавоб тона олади, деган тушунча қабул қилинган, иккинчидан, шариат киши ҳаётида учрайдиган деярли барча катта-кичик ҳодисаларни муайян урф-одат тартибига солиб, унга икир-чикирларига қарамай қаттиқ риоя қилишни шарт деб билади. «Инсон ҳаётининг барча ҳодисаларини имконияти борича майда-чуйдасигача тартибга солган шариат,— деб ёзади В. П. Наливкин,— унинг энг интим (яширин) бурчакларигача кириб, диндор мусулмоннинг фаолиятинигина эмас, ҳатто тафаккури ва тасаввурини ўзига қарам қилади. Шу тартибга биноан инсон ўз маиший турмушида балки ҳеч кимга керак бўлмайдиган майда талабларни ҳам бажаришга ҳаракат қилиб, теварак-атрофдагилар олдида шариат талаблари ва ахлоқ нормасига тўлиқ риоя қилиб яшаётганлигини кўрсатишга интилган».

Халқ оммасининг ижтимоий-руҳий қиёфаси ва маънавий ҳаётининг шаклланишига қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликдаги оғир ва машаққатли меҳнат, тўйиб овқат емаслик, очлик хавфи, ҳар кунги маиший турмуш қийинчиликлари билан тинимсиз кураш, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган даҳшатли оммавий касалликлар ва табиат офатлари, хон, амир, ҳоким ва чор амалдорларининг чексиз зулм-жафоси, ижтимоий адолатсизлик бевосита таъсир қилиб келган. Табиат ва

жамият қонунларини ва сирларини тўла тушуна олмаган меҳнаткаш омма хурофий тасаввурларга асосланган диний ақидалар орқали ўзини овутиб келган. Қишилар борлиқни ва барча ижтимоий ҳодисаларни худо номи ва иродаси билан боғлаб, унинг ҳақ эканлигига тўла ишонибгина қолмай, кимки дунёвий, яъни синфий жамият тартибларига қарши чиқса, демак, худо иродасига хиёнат қилиш деб баҳоланган ва мўминлар нафратига йўлиққан. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчилар қайд қилганидек, ўрта аср тартиблари ҳукмронлик қилган шароитда барча ижтимоий ва сиёсий тасаввурлар диний руҳдаги мазҳаблар сифатида намоён бўлган.

Аммо ҳукмрон тузум, зулм шакллари ва адолатсизликка қарши қаратилган барча ҳаракатлар, ҳатто диний шиорлар билан ниқобланган бўлса-да, шафқатсиз равишда бостирилган. Айниқса, даҳрийликда айбланганларни раҳмсиз қийнаганлар. Бунга Бухоро амирлигида яшаган ва ўзининг эркин тафаккури ва маърифатпарварлиги туфайли мусулмон руҳонийлари томонидан қаттиқ қувғин қилинган буюк адиб Садриддин Айний ҳаёти ёрқин далил бўла олади. У ўзининг ажойиб «Эсдаликлари»да ҳам даҳрийлиги учун айбланиб шафқатсиз жазоланган кишилар тўғрисида ҳикоя қилади. Масалан, амир даврида мулла ва эшонлар бир аравакашни худого қарши чиққан деган туҳмат билан айблаганлиги, «оқ подшо»нинг Бухородаги сиёсий агенти рухсати билан тошбўрон қилиб ўлдиришга ҳукм қилинганлиги ва бу ҳукм руҳонийлар томонидан амалга оширилганлигига Айний ўзи гувоҳ бўлганлигини баён этади.

Мусулмон руҳонийлари ва аҳолининг хурофотга берилган мутаассиб қисми кишиларнинг хатти-ҳаракатида, аъъанавий маиший турмуш шаклларида рўй бераётган барча янгилик ва ўзгаришларга ниҳоятда қарши чиққан. Айниқса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида кичкинагина янгиликлар руҳонийлар ва диний жамоатчилик фикри томонидан қаттиқ қораланган. Умумий қабул қилинган тартиблар, одат ва удумлар, ташқи кийим ва ҳаракатлардан чекиниш бидъат деб ҳисобланган ва ундай шахслар қувғин қилинган ёки жазоланган. Масалан, мусулмон руҳонийлари поездга ёки трамвайга чиқиш, велосипед («шайтон арава») минишни гуноҳ деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун кўпчилик аҳоли янги транспорт воситаларидан узоқ вақтларгача фойдаланмаган. Поездга Октябрь тўнтаришигача, асосан савдогарлар ва

ҳажга кетаётганлар тушган. Бойваччалар, мулла ва қозилар, замондошларнинг таърифлашича, қанча вақт отда юришни маъқул топса-да, охири бундай консерваторлар ҳам янги транспорт воситаларининг қулай ва арзон эканлигига ишонч ҳосил қилганлар.

Узгаришлар фақат моддий-маданий соҳадагина эмас, халқ оммаси психологияси ва онгида ҳам рўй бера бошлаган. Айниқса рус аёл врачларининг туб аҳоли билан яқиндан алоқада бўлиб, уларнинг ички ҳаётига кириб, биқиқ мусулмон оилаларини янги турмушга қадам ташлашга йўл очиб берганлиги диққатга сазовордир.

Асрлар давомида жабр-зулм, оғир ҳаёт, қашшоқликда яшаб келган кенг меҳнаткаш омма турли ижтимоий касалликларга ҳукм қилиниб, бевақт ўлим ва бедаво қирғинликлар туфайли жуда қисқа умр кўрган. Хурофот тўрига чулганган беморлар ҳар хил касалликларни даволашга «ихтисослашган» турли «муқаддас жойлар» — авлиё-анбиёларга, асосан хурофий йўл билан даволайдиган табиб, фолбин, ромчи, бахши, шайх ва муллаларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Бундай «шифокорлар» фол очиб, «арвоҳлар» ва «парилар» билан «сўзлашиб» турли тумор ва дуолар ёзиб, беморни ҳар хил авлиёларга рўпара қилиб, баъзан зикр тушиб савалаб даволаганлар. Авлиё «урган» беморни касалдан қутултириш учун ўша авлиёнинг арвоҳини хурсанд қилиш мақсадида худойи аташ ва диний маросимларга риоя қилиш зарур, деб тушунтирилган. Т. Н. Қори-Ниёзий таърифлаганидек, шариат ақидаларига «мутахассис» бўлиб қолган мунофиқ риёкорлар, одатда пулга «ривоят» сотар эдилар, яъни қандай бўлмасин, улар шариатдан ва Қуръондан «асос» топиб берар эди. Борбора бу «санъат» ҳатто «ҳийлан шаърий», яъни «шариат ҳийласи» деган очиқдан-очиқ алдаш усулига айланган. Бутун даволаш усуллари ҳам асли шундай ҳийла-найранглардан иборат бўлган, айниқса «шифокор» авлиё-анбиёлар тўғрисидаги ривоятлар афсонавий уйдирмалардан тўқилган.

Улимнинг кўплиги аҳолининг нодонлигини кучайтирган. Халқ шифо ахтариб хурофий ва ибтидоий усулда даволайдиган табибларга, бахши, фолбин, дуохон эшон-муллаларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Улар ишлатадиган кўчириқ, кинна, ром очиш, амал, дам солиш, азаймхонлик, тумор тақиш, авлиё-анбиёлар

тупроғи, «муқаддас» сувлар каби даволаш усуллари кент тарқалган эди.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан кейин соғлиқни сақлаш масаласига айниқса дастлабки вақтда эътибор бермади. Тиббиёт ёрдами асосан бoshқа шаҳарлардан келган ҳарбийлар ва рус аҳолисига кўрсатилар эди. Эски туркистонлик рус врачларидан профессор П. Ф. Боровский шундай деб ёзади: «Фуқаро беморларни фақат Андижон, Наманган, Марғилон шаҳарларида жойлашган ҳарбий лазаретларда қабул қилганлар. Агар амалдорларни эътиборга олмаганда, фуқаро аҳолига деярли тиббий хизмат кўрсатилмаган деса бўлади: даволаш ҳарбий врачлар томонидан хусусий йўл билан амалга оширилган... Агар бу соҳада бир оз иш қилинган бўлса, фақат янги шаҳар (Тошкент)да қилинган, эски шаҳарда деярли ҳеч қандай хизмат кўрсатилмаган; стационар даволаш умуман йўқ деса бўлади. Қишлоқ тиббиёти ҳақида фикр ҳам юритилмаган, фақат ўлим кўпайган вақтлардагина врач юборилган, улар ҳам асосан касалликларнинг сабабларини аниқлаш учун. Умуман тиббиёт-санитария ишлари учун арзимайдиган маблағ ажратилган. Аҳоли орасида маърифат тарқатиш эса муллалар қўлида... Бу масалада самарқандлик рус врачларидан биттаси маҳаллий ҳокимиятга арз қилиб, маҳаллий аҳоли орасида тиббий хизматни кучайтириш ва хурофий табиблар фаолиятини чеклаш тўғрисида ёзган мурожаатига ҳарбий губернатор шундай деб жавоб берган: «Бизлар келгунча маҳаллий аҳолини табиблар даволаб келган, ундан улар ўлмаган, буёғига ҳам табибча даволашни билганича давом қилдираверсин».

## **ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ, УЙИН ВА МАРОСИМЛАРИ**

Ўзбек халқининг маданий меросида халқ ижод қилган ва қатта ижтимоий аҳамиятга эга турли байрамлар, оммавий ўйинлар, мавсумий ва ҳунар-қасб маросимлари алоҳида ўринни эгаллайди. Байрамлар ва маросимлар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи ва кишилар ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари ва шаклларида намоён бўлувчи муайян урф-одатлар ва анъаналар, ахлоқий принциплар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шаклланган йиғиндисидир. Уларнинг муҳим белгилари ва хусусиятлари барқарор-

лиги ва оммавийлиги, ривожланишидаги такрорийлиги, давомийлиги ва узлуксизлигидадир. Одат тусига кирган маросимлар кишилар хулқ-атворини бошқарар экан, нафақат жамоачилик фикрлар нуфузига, балки қабул қилинган ва қарор топган қонун-қондалар кучига ҳам суянади.

Ўзбеклар ва Урта Осиёдаги бошқа халқларнинг тарих синовидан ўтган байрамлари ва маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради. Ижобий урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, уларнинг маънавий онгининг соддалиги ва феъл-атворининг шакллари ҳам намоён бўлади. Асрлар давомида шаклланиб ва авайланиб келинган ижобий расм-удумлар ва одатлардан Ватанга садоқат, ёши катталарга ҳурмат, ота-онага, етимларга ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-қариндошлик ва ўзаро ёрдам, оила шарафини ва аёллар шаънини эҳтиётлаш, ҳаётдан кўз юмган яқин-узоқ кишилар хотирасини ёд этиш кабилар ижтимоий характерга эга бўлган байрам ва маросимларда очиқ намоён қилинади. Асрлар оша сақланиб келинган ва ижтимоий моҳиятга эга урф-одатлардан яна бири оғир, машаққатли кунларда ўз яқинларининг очлик ёки камбағалликдан гадолик ёки дайдилик қилишига йўл қўймаслиқдир. Агар шундай одам чиқиб қолгудай бўлса, унинг исоди барча қариндош-уруғларга, маҳалла-қўйга, халқига келган.

Ўзбек халқи орасида энг кенг тарқалган, миллий тусга эга бўлган урф-одатлардан мавсумий маросимлар диққатга сазовордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ўзбек мавсумий маросимларини қўйидаги туркумларга тасниф этиш мумкин: 1) қишда ўтказиладиган гап-гаштак, яса-юсун кабилар; 2) баҳорги маросимлар — Наврўз, шохмойлар (қўш чиқариш), лола ёки қизил гул сайли, лой тутиш, «суёт хотин» кабилар; 3) ёзги маросимлардан «қовун сайли», «чой момо» ва ҳоказолар; 4) кузги маросимлар — ҳосил йиғими билан боғлиқ михрган, «облобарака», шамол чақириш, ўзум сайли кабилар.

Бутун Олд ва Урта Осиёда машҳур Наврўз байрами ва маросимлари жуда узоқ даврлардан бери нишонланиб келмоқда. Бу байрам асли қадимий деҳқончилик календари билан боғлиқ бўлиб, Ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кунла-



ри—20—21 мартда бошланади. Уша даврда бутун табиат уйғона бошлайди, ер бағридаги барча махлуқот ва мавжудотларнинг, қурт-қумурсқалар, ўсимлик ва ўт-ўланларнинг жонланиши рўй беради. Бундай янгиланиш жараёнининг бошланиши шамсия (Қуёш) йили ҳисобида 21 мартга тўғри келган биринчи янги кунни Наврўз деб атаганлар. Урта асрнинг буюк мутафаккири Беруний мазкур йил ҳисобининг бошланиш ойи ҳисобланган фарвардин ойи тўғрисида гапириб бундай деб ёзади: «Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳали шу маънони тақозо этади. Наврўз эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисам қилган вақтларида Қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач баҳорда келадиган бўлди. Энди у баҳор ёмғирининг биринчи томчисини тўкишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда шавқат қўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлагунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган». Уша даврда яшаган улуғ сиймолар Маҳмуд Кошғарий ва Умар Ҳайёмлар ҳам Наврўз тўғрисида анча қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Уларнинг асарларида Наврўзнинг табиат қонуниятига мувофиқ томони қайд қилинибгина қолмай, у билан боғлиқ турли ирим, урф-одат ва маросимлар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Берунийнинг таърифича, афсунгарлар Наврўз куни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлармиш. Еки шу куннинг тонгида гап гапиришдан олдин шакар тортиб, ўзига зайтун (ёғи) суртган кишидан йил бўйи турли балолар даф этилади, деган иримлар бўлган. Байрам урф-одатлари ҳақида сўзлаб аллома шундай деб ёзади: «Эронликларда Наврўз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди. Бағдод мубоди Озорбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг сабаби, Наврўз куни Жамшид мамлакатига шакарқамиш пайдо бўлган...».

Маҳмуд Кошғарий ҳам Наврўз тўғрисида ўн икки мучал йил ҳисоби билан боғлаб турли маълумотлар беради. Наврўз байрамида баҳорга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналарни келтиради. Ривоятлардан бирида Наврўзга бориб тақаладиган мучал ҳисобидан

хайвонлар номларини тилга олиб шундай деб ёзади: «Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор, деб тахминлайдилар. Масалан, уларча сигир йили бўлса, уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёнгарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ, қор ва фитна кўп бўлади... Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Масалан, Наврўз (янги кун)дан кейинги аввал баҳорга боғлиқ ой, сўнгра улуғ оғлоқ ой дерлар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади...» Наврўздан бошлаб йилнинг илк фасли саналган ва барча фасллар табиат қонуни ҳамда осмон сайёралари (Ой, Қуёш) ҳолатига қараб белгиланган.

Қадимги Урта Осиёда ва Эронда Наврўз нафақат халқ, балки давлат байрами сифатида ҳам нишонланган. Тарихий маълумотларга қараганда, одамларни табақаларга бўлиб Наврўз байрамини бир ойга чўзиб ҳар беш кунни бир табақага тааллуқли деб ҳисоблаганлар. Масалан, Эронда биринчи беш кунлик подшоларники, иккинчиси зодагон зотларники, учинчи беш кунлик подшо хизматкорлариники, чўри-малайларники тўртинчи беш кунлик ва олтинчиси деҳқонларники ҳисобланган. Подшо Наврўзининг беш кунлигида шоҳ байрамни бошлаб берган ва фуқароларга мулоқотда бўлишини ҳамда мурувват қилишини эълон қилган. Иккинчи куни у деҳқонлар ва аслзодаларни қабул қилган, учинчи куни отлиқлар ва олий руҳоний (мобед)ларни, тўртинчи куни ўз фарзандлари ва фуқароларини қабул қилган. Олтинчи кун улуғ байрам ҳисобланиб, унга «Қатта Наврўз» деб ном берилган. Хоразмликлар ва сўғдийларда сосонийлар ҳукмронлиги даврида Наврўз билан бирга бир неча халқ байрамлари давлат байрами деб эълон қилинган.

Беруний асарларида, Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» сида ва бошқа манбаларда илк баҳор байрамини нишонлаганда ерга сув қуйиш ёки сепиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, арғимчоқларда учиш, ширинлик (қандолат) тарқатиш, етти йил ҳосилини белгилаш, таҳорат қилиш ва ёмғир сувига чўмилиш каби урф-одат ва ирим-

лар тўғрисида хабар берилади. Наврўз кунин подшоҳ дастурхонига турлича дондан—буғдой, арпа, тарих, макка, нўхот, ясмиқ, гуруч, кунжут ёки лобие унидан пиширилган нон қўйилган. Дастурхон ўртасига турли дарахт (тол, зайтун, беҳи, анор ва ҳ. к.)лардан етти новда, етти оқ коса ва оқ дирхам, янги динор ҳам қўйилган. Подшога оқ қанд ва кокос янғоғи билан махсус таом берганлар, у таомни янги соғилган сутга хурма солиб истеъмол қилган. Ҳозиргача Эронда Наврўз дастурхонига маросимга биноан етти хил (ҳафтсин) «с» ҳарфи билан бошланадиган нарсалар тортилган. Шу билан бирга қатиқ, сут, қурт ва бўялган тухум, мева, ёнғоқ, бодом ва ҳоказолар қўйилади. Шуниси муҳимки, байрамнинг бош маросим таоми сумалакни ҳам илгари пиширганлар. Қадимий даврларда Наврўз арафасидаги етти кун совуқ бўлиб «ожиз кампир» кунлари деб номланган. Ўрта Осиё халқларида, шу жумладан ўзбекларда, янги йил маросим таомидан етти дон унидан гўжа ва сумалак пиширилади. Шу кунларда катта бозорларда савдо-сотиқлар, ялпиз, кўкпиез, ёш беда ва бошқа кўкатлар солинган турли таомлар ва ширинликлар тайёрланади. Тантана ва ўйин-кулгилар билан пишириладиган шоҳона таом сумалак рўзқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзи бўлиб, уни тайёрлаш катта санъат талаб қилади. Одатда, сумалакка кетадиган харажат жамоадан йиғиб олинган. Сумалак пиширишдан олдин жамоа (маҳалла) аъзоларидан буғдой кўки ва ўт йиғиштирилиб умумий қозонга солинган ва пишгандан кейин теги тарқатилган.

Наврўз байрами катта оммавий сайиллар, халқ ўйинлари, мусобақалар, созанда ва раққосалар, масхарабоз ва дарбозлар иштирокида ўтади. Умар Ҳайём берган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, 26 асрдан буён нишонланиб келаётган Наврўз байрами бошланиши билан ўзаро урушлар тўхтатилган, ярашиш шартномалари битилган, ҳатто дафн маросимлари бошқа кунга кўчирилган. Бу байрам шунчалик эҳтиромли, қувончли ва шодлик кунлари сифатида катта тантаналар билан нишонланибгина қолмай, ўзоқ-яқин қавму қариндош ва дўстларни йўқлаш, касаллар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш, дўстларро садоқатликни билдириб инсон қадрини эъзозлаш каби одатларга амал қилинган.

Наврўз байрамининг бошқа баҳор фасли байрамларига анча яқинлиги ҳам диққатга сазовордир. Этнограф-

ларнинг берган хабарларига қараганда, Наркент, Самарқанд ва Хоразмда ўтказиладиган лола сайли, сайли гулисурх ёки қизил гул сайиллари асли Наврўз маросимларига анча ўхшаб кетади. Бундай байрамлар март (ҳамал) ойида нишонланиб бир ойгача давом қилган. Сайил вақтида катта бозор ишлаб бир қишлоқдан иккинчисига ўтган. Бозор майдонида масхарабозлар, дарбозлар, созандалар, полвонлар томоша кўрсатганлар, кўчқор, туя, хўроз ва бедана уриштиришлари, тухум уриштириш ўтказилган. Баъзан мазкур мусобақалар муштлашишга айланиб, қадимий фратриал тузумга хос ибтидоий маросимларнинг элементи сифатида сақланиб қолган. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, мазкур байрамда иштирокчилар (эркак ва аёллар) анча эркин бўлганлар, кечки базмларда махсус тайёрланган шароб мусалласи ичилган, ўйин-кулгилар авжига чиққан. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, гул сайиллари бир ой давомида ўтказилиб, баҳор байрамининг бош маросими Наврўз билан уланиб кетган.

Ҳаётимизда Наврўз билан боғлиқ сақланиб келаётган анъаналардан бири янги туғилган болаларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Лутфийнинг ажойиб асарларидан «Гул ва Наврўз» достонида Фарруҳ шоҳнинг ўғли шу куни туғилгани учун унинг оти Наврўз деб қўйилган. Ҳозир ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида Наврўз куни туғилган бўлса асосан ўғил болаларнинг, Фарғона водийсида эса кўпинча қиз болаларнинг исми Наврўз қўйилади.

Илгари маҳаллий иқлим шароити ва унга мос турмуш тарзи ҳамда меҳнат тажрибаси, йил фаслларининг алмашилишига қараб деҳқон ва чўпон йиллари фарқ қилинган. Деҳқон йили 21 мартдан кейин — ер илиб, ўсимликлар жонлангандан кейин бошланади, 16 мартдан ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлаши билан чўпон йили ҳисобланади. Мазкур даврдан деҳқонлар фаол ҳаракатга келиб ерга ишлов беришга киришади, чўпон (чорвадор)лар ёзги-яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборади.

Наврўз ҳам асли деҳқончилик билан узвий боғлиқ бўлган ва унга тайёргарлик қилиш ишлари билан биргаликда олиб борилган. Ҳозиргача Наврўзга тайёргарлик дала ишларини ўтказиш тадбирлари билан бирга ўтказилади: боғ-роғларга гул ва кўчатлар экиш, далаларни экинга тайёрлаш, агротехника ва моддий ресурс-

ларни тахт қилиш, маҳаллий ўғит тўплаш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби ишлар бажарилади. Бутун Ўзбекистонда эрта баҳорда бошланадиган деҳқончилик ишларидан лойқа ўтириб қолган ариқ-зовурларни тозалаш, уларни янги мавсумга тайёрлаш алоҳида эътибор талаб қилади. Бундай ишлар якка хўжаликларнинг қудрати етмаганлигидан бутун қишлоқ ёки туман аҳли кучи билан ҳашар ёрдамида амалга оширилган. Мана шу пайтда Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон водийсида лой тутиш, Хоразмда қазув-маросимлари ўтказилган. Лой тутиш маросимини ўтказиш қуйидагича бўлган: бирор киши ариқ қазувчилар олдидан ўтиб қолса, унинг қўлига кетмон ёки белда лой тутқазганлар. Келган киши уни лойи билан олишга мажбур бўлган. Шунда у ўзининг бирор ҳунарини кўрсатиб қутилиб кетади, ёки ҳашарчиларга зиёфат беришга мажбур бўлади, ё белги-ланган жойнинг ариғини қазиб беради. У қўшиқчи бўлса қўшиқ айтиши, бахши бўлса дoston куйлаши, полвон бўлса кураш тушиши, темирчи бўлса ариқ қазиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ясаб ёки уларни тузатиб бериши лозим. Агар айtilганлардан бирортасини бажара олмаса, у белгилаб берилган ердаги ариқни қазиб, сўнг ўз йўлига кетиши мумкин.

Мазкур маросимлар Хоразмда ҳам қазув пайтида ўтказилган, Ҳашар (кўмак) одатига асосланган турли оммавий ишлар ижтимоий характерга эга бўлиб, халқ ижод қилган ҳар хил маросимлар ва сайиллар билан нишонланган.

Деҳқончилик касбига оид энг муҳим маросимлардан бири далага қўш чиқариш билан боғлиқ «шоҳмойлар» алоҳида қувонч ва тантана билан нишонланади. Одатда далага қўш чиқариш кунини қишлоқдаги тажрибали деҳқон (оқсоқол) белгилаб берган. Шоҳмойлар душанба, чоршанба ва жума кунларидан бирига тўғри келиши лозим бўлган, чунки бу кунлар деҳқонлар тасавурида бахт, омад келтириладиган кунлар ҳисобланган. Асосан қўш чиқариш Наврўз кунлари бошланган, ammo ерлар пишиб етишса, об-ҳавога қараб Наврўзга қадар ҳам ўтказилган.

Шоҳмойлар тантаналарига тўқ-фаровон жойларда қишлоқнинг барча аҳли тайёргарлик кўрган: ҳар бир ҳонадон турли таомлар пиширган, нону қатлама, патирлар ёпилган, боурсоқ ва пўссиқлар пиширилган. Маросим ўтказиладиган жой супирилиб-сидирилиб, шолча,

жигизу гиламлар тўшалиб, дастурхонлар ёйилган, унга тайёрланган таомлар тортилган. Қишлоқ аҳли тўплангач оқсоқол яхши тилаклар билан дуо-фотиҳа қилиб, пиширилган нарсалар аҳоли орасида тарқатилган. Шундан сўнг қўш чиқариш учун махсус боқилиб турган хўкизлардан бири олиб чиқилган ва ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан тайёрланган кулча қишлоқнинг барча мўътабар қариялари ва бошқа иштирокчиларига бир парчадан синдириб берилади. Кулчанинг бир бўлаги танлаб олинган хўкизга ҳам берилади. Ниҳоят, кўз тегмасин деб хўкизларнинг шоҳига зигир ёғи суртилади, инсжинслардан ва ёвуз руҳлардан пок бўлсин деб исириқ тутатилади.

Дастлабки қўшни қишлоқнинг энг ҳурматли, серфарзанд ва кўп неварачеварали мўйсафидларидан бири солади. Оқсоқол қўш билан кучи етгунча ё бир марта, ё уч, ё беш марта, умуман тоқ марта ҳайдайди, кейин ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан олинган буғдойдан иримига ҳайдалган ерга бир неча ҳовуч сепади. Мазкур маросимдан сўнг барча деҳқонлар хўкизларини етаклаб уйга қайтганлар ва оилавий доирада байрам хурсандчилигини уйда давом қилганлар. Бой хонадонлар қўш чиқариш арафасида зиёфатлар беришиб унга мулла-эшонларни чақириб деҳқон рисоласини ва бошқа диний китобларни ўқишган.

Деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ яна бир муҳим маросимлардан қурғоқчилик вақтларида ёмғир чақириб урф-одатлари ҳам қадимдан сақланиб келган. Лалмикор деҳқончилик ва чорва билан шуғулланувчи аҳоли учун баҳор ҳамда ёзнинг илк ойларида ёмғирга катта эҳтиёж сезилади. Ўзбеклар ва бошқа Урта Осиё халқлари табиий, яъни ёмғир сувлари билан суғориладиган экинларни лалми (қайроқи) деб номлаган. Бундай деҳқончилик ёнгарчилик бўлмаган ойларда хавф остида қолган. Шунинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган махсус маросимлардан «суст хотин», «сув хотин», «чала хотин» каби ёмғир чақириб удумлари кенг тарқалган.

Маросим махсус белгиланган кун ва вақтда ўтказилган. Аммо бу кун халқ тасаввурида қабул қилинган иримга қараб ҳафтанинг бахтли кунига тўғри келиши зарур бўлган. Маросимнинг биринчи босқичи ташкилий ишлардан бошланган, унга эпчил ва удабурон шахслардан ташкилотчи мутасадди тайинланган. У маросим

учун керак бўлган нарсаларни тайёрлаган. Бундай нарсалар, масалан, лоқай ўзбекларида битта бўш қовоқ, иккита қамиш найча, иккита тошбақа, битта эшак ва хайр-садақа солиш учун битта хуржундан иборат бўлган. Энг муҳим нарса шуки, ёғочдан қўриқчи шаклидаги қўғирчоқ ясалиб, у полиз экинлари ўртасига қўйилган ва қари аёлнинг кўйлаги кийгизилган. Шундан сўнг маросимнинг асосий қисми — иккинчи босқичи, яъни уни ўтказиш бошланган. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, «суст хотин» маросими ўзининг иштирокчилари таркиби, жинси ва ёшига, айрим элементларига қараб ҳар бир вилоятда ҳар хил бўлган.

Маросимнинг анча кенг тарқалган хили Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган. Чунки бу ерларда лалмикор экинлар кўп экилади. Маросим белгиланган кун ва вақтда ўн-ўн беш аёл махсус ясалган қўғирчоққа қари аёлнинг кўйлагини кийдириб, бир аёл уни кўтариб олади, қолганлари унинг ортидан эргашиб, қишлоқ ёки маҳалладаги хонадонларга «суст хотин» кўшиғини нақорат билан айтиб бирма-бир кириб чиқади. Уй эгаси уларни хурсандчилик билан қаршилаб, қўғирчоқ устидан сув сепади ва имкониятига қараб хайр-эҳсонлар қилади. Айтиладиган кўшиқда деҳқон сепган буғдойнинг мўл ҳосил бериши, хонадонларга хурсандчилик келтириши, эл-юртга тўкинчилик ва қутбарака бериши таъкидланади, энг муҳими, ёмғир ҳадаэтиш «суст хотин» дан илтижо қилинади.

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,  
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин,  
Ёмғирларни ёғдиргин, суст хотин,  
Ёмоннинг уйи куйсин, суст хотин. . .  
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,  
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин.

Айрим ахборотчиларнинг хабар беришича, тахминан 40—50 йиллар муқаддам қишлоқларда «суст хотин» маросими ҳар йили баҳорда икки-уч мартаба ўтказилган. Шўрчи туман Қаллиқ қишлоғи ва унинг атрофидаги жойларда, Жанубий Тожикистонда ўзбек лоқайларида мазкур маросимни асосан эркаклар ўтказган. Унда қўғирчоқ ўрнига иштирокчилардан бирига аёл кишининг кўйлаги кийдирилиб, сув ана шу кишининг устидан сепилган. Лоқайларда 15—20 киши тўпланиб, ярим яланғоч икки кишини эшакка бир-бирига қара-

тиб миндирганлар. Уларнинг ўртасига икки тошбақани оёғидан боғлаб, эшакнинг икки томониغا осилтириб қўйганлар. Мингашган кишининг бирига сув солинган қовоқ тутқазилган, иккинчисига бир-бирига боғланган икки қамиш найча берилиб, найчалар сув солинган қовоқ идиш ичида айлантирилади ва гувиллаб овоз чиқаради. Бу овоз гўеки қийналган тошбақаларнинг овоз чиқаришига тақлид ҳисобланади. Қолган иштирокчилар эшакка минганларнинг орқасидан эргашиб, «суст хотин» қўшиғини айтиб қишлоқдаги хонадонларни бирма-бир айланиб чиқадилар. Уй эгаси эшакка минган кишиларнинг устидан сув селиб, маросим иштирокчиларига хайр-садақа беради. Бериладиган нарсалар асосан нон, дон, қанд-қурс, баъзан улоқ, қўй, ҳаттоки сизир, от ёки нақд пулдан иборат бўлган.

Ёмғир чақириш маросимининг Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларидаги ўзига хос маҳаллий хилларидан бири ижро этилган «чала хотин» қўшиғи билан маълум. Бунда ҳам ёғочдан ясалган аёл қўйлаги кийгизилган қўғирчоқни бир аёл қишлоқ бўйлаб уймау-уй айлантириб хайр-садақа йиғади. Унинг орқасидан беш-олти бола хуржун кўтариб юради. Болалар хонадонларга кириб қўғирчоқни айлантириб, ёмғир ёғишини тангридан тилаб, «чала хотин» қўшиғини куйлайдилар:

Айланади чала хотин,  
Ўргилади чала хотин.  
Онамнинг тўнғичиман,  
Қозоннинг қирғичиман,  
Ёмғирнинг ёғғичиман,  
Худо берса, оби раҳмат ёғаверсин.  
Айланади чала хотин,  
Ўргилади чала хотин.

Маросим охирида жамгарилган нарсалар ҳисобига унинг иштирокчилари бутун қишлоқ ёки маҳалла аҳолисига ис чиқаради. Одатда ис чиқариш қишлоқнинг гузариди ёки сўлим жойларидан бирида ўтказилган.

Худоларнинг рамзий шакллари ҳайкал ёки қўғирчоқ қиёфасида ясаб, унга сиғиниш ҳамда турли маросимлар ўтказиш жуда кўп халқларда, шу жумладан Ўрта Осиё халқларида энг қадимий даврлардан мавжуд эканлигини археологик ва этнографик маълумотлар тасдиқлайди. «Сусти хотин» маросими якунидаги



қўғирчоқни ё куйдириб юбориш ёки эски қудуққа ташлаш удуми узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг қурбонлик қилиш маросимининг қолдиқларидан эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Этнографиядан маълумки, қурбонлик қилиш дастлаб тирик одамлар, асосан қариялар, ҳиндуларда ёш қизлар, кейинчалик (масалан, Иброҳим пайғамбар афсонаси) айрим ҳайвон ёки жонсиз буюмлар ҳисобига ўтказилган. Шу асосда «султ хотин» маросимидаги кекса аёл кўйлаги кийдирилган қўғирчоқнинг ёмғир ёғиш учун куйдириб юборилиши ёки қудуққа ташланишини одамни қурбон қилишнинг рамзий ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Узоқ ўтмишдан сақланиб келган шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросими матриархат даврига оиддир. Сибирь халқлари сўнгги вақтларгача шамолни илоҳийлаштириб, аллақандай тош одамлар вужудга келтиради деб уни чақириш ёки тўхтатиш учун улкан тошларга, қояларга сиғиниб қурбонликлар қилганлар. Айрим халқлар шамолни қандайдир мўъжизавий қудратга эга бўлган аёл пайдо қилади, деб ўйлайдилар. Фарғона водийси ўзбеклари ҳам шамол аллақандай ғордан келиб чиқади, унинг ҳомийси қари аёл сифатида, деб тасаввур қиладилар. Самарқанд, Бухоро, қисман Қашқадарё ва Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар ҳам шамол ҳомийсини кекса аёл образида тасвирлайдилар.

Жанубий Қозоғистондаги ўзбекларда «чой момо» маросими ҳозиргача сақланиб келган. Бу маросим тўғрисида таниқли этнограф А. Диваев асримиз бошларида қисқа маълумот берган. Унинг таърифича, ёз ойларида, айниқса бошоқли экинлар етилган пайтда қаттиқ шамол туриб, арпа, буғдой, тарих каби экинларни пайҳон қилиб ташлайди. Бунинг олдини олиш учун бир неча қари аёллар юзларига қоракуя суркашиб, кели сопини от қилиб минишиб, қўлларига узун гаврон олишиб, унга турли рангдаги латта-путталарни бойлашиб, отга ўхшаб кишиб, сакрашиб «чой момо» қўшиғини айтганлар. Ҳар бир хонадон маросим иштирокчиларига хайр-садақа қилган. Айрим муаллифлар фикрича, «чой момо» қадимий туркий тиллардаги шамол сўзи «чал» шаклида бўлганлигини инobatга олиб, «чал момо» сўзининг фонетик ўзгарган шаклидир, «шамол момо» маъносини англатади. А. Диваев ҳам «чой момо» дегани нотўғри ибора, чунки у ҳеч қандай маънони англатмайди, «чал момо» асли қари, оқсоқ кампир маъносиди,

деб таърифлайди. Аммо у маросим тўғрисида маълумот бермайди.

Б. Саримсоқовнинг тўплаган маълумотларига қараганда, «чой момо» маросими сайрам ўзбеклари орасида қуйидагича ўтказилади. Икки кампир эски-туски кийим кийиб, юзларига қорақуя суркашиб, қўлларида ҳасса билан олдинда юриб «чой момо» қўшиғини айтиб боришади. Бўйи етган беш қиз бошларига қизил шолча ёпиб, кампир кетидан эргашиб ашулага жўр бўладилар. Уларнинг кетидан етти-саккиз яшар ўғил бола катта хуржун ортилган эшакка миниб ўқлоқ, юмшоқ супурги ва кели сопини бирга боғлаб судрайди. Маросим иштирокчилари шу тариқа қишлоқ бўйлаб «чой момо» қўшиғини айтиб кўчама-кўча айланадилар. Ҳар бир хонадон имкониятига қараб буғдой, ун, тухум, нон ёки пул бериши шарт. Йиғилган нарсалар хуржунга солинади. Маросим иштирокчилари қишлоқни бир кунда, баъзан икки-уч кунда айланиб, йиғилган буғдой-ундан чалпак пишириб шамол ота (она)га ис чиқарадилар. Пиширилган чалпакдан ўн иккитасини шамол ҳомийсига атаб ерга кўмишади ёки муқаддас ҳисобланган жойдаги тешикка ташлашади. Бошларига шолча ёпишган қизлар бутун маросим давомида юзларини очишмай юришлари шарт, аксинча шамол яна кучайиб қетар эмиш. Баъзан йиғилган нарсаларни сотишган ва қўй олишиб, шамол чиқадиган жойга бориб қурбоилик қилишган. Қурбонлик гўштидан шўрва пиширилиб аҳолига тарқатилган, ортиб қолганини шамол чиқади деб тахмин қилинган тешикка тўкканлар.

Мазкур маросимнинг аёллар томонидан уюштирилиши ва бажарилиши, шамол ҳомийсининг аёл киши деб тасаввур қилиниши шубҳасиз жамиятда аёллар мавқеининг юқори даражага кўтарилганлигини, «чой момо» маросими илдизининг матриархат даврига оид эканлигини исботлайди. Унда бешта вояга етган қизни бошига қизил шолча ёпинтириб олиб юриш ҳам генетик жиҳатдан энг қадимий урф-одатлардан. Бу қизларни табиатнинг даҳшатли кучлари (сурунқали қаттиқ шамол, сув тошқини ва қурғоқчилик кабилар) олдида ижтимоий қўрқув таъсирида айрим мамлакатларда амал қилинган одамни қурбонликка маҳкум этиш одатининг рамзи, деб тушуниш мумкин. Қизлар сонининг бешта бўлиши ҳам қадимий тасаввурлар билан боғлиқ. Қўн халқларда дастлабки ибтидоий ҳисоблар беш бар-

моқдан бошланиши, дастлаб ҳафтанинг беш кундан иборат бўлиши, одам танасининг беш мучадан (кўз, қулоқ, оғиз, оёқ ва қўл) иборатлиги, беш хил сезгининг мавжудлиги, айрим халқларда қутбларнинг беш қисмга бўлиниши каби тасаввурлар бу рақамнинг муқаддаслигини тасдиқлайди. Маросимда ишлатиладиган буюмлардан ўқлов билан кели сопи ризқ-насиба рамзи сифатида олиб юрилса, супургининг зиён-заҳматни супурувчи деган мақсадда олиб юрилиши асли ибтидоий магик (сеҳргарлик) билан бевосита боғлиқ одатлардан. Ҳозиргача ўзбекларда супурги устидан ҳатлаб ўтиш ёки бирор ерига тегиш кишига зарар етказди деган ирим сақланган. Қари аёлларнинг юзларига қоракуя суртиши ҳам асли магик тасаввурлар билан боғлиқ иримлардан.

«Чой момо» маросимида айтиладиган қўшиқ мазмуни ҳам диққатга сазовор. Этнограф А. Диваев асримиз бошларида ёзиб олган матнда шамол ҳомийсига мурожаат қилишни, етилган дон бошоқлари пайҳон бўлаётганлиги, ем-хашак ва похол ғарамлари сочилиб, қишлоқни безор қилаётганлиги айтилиши билан бирга «чой момо»га қараб, «бўронни тиндираман, емишингни синдираман, бошингга ўлим келтираман», деб дўқ-пўписа ҳам қилинади. Қўшиқ маросим иштирокчиларига сажийлик қилиб, мўл садақалар бериб, худойи қилиб шамолни ҳайдаимиз, деган мурожаат билан тугайди.

Шамол чақириш ёки уни тўхтатиш маросими нафақат ёзда, балки куз фаслида ҳам ўтказилган. Чунки ёз фаслида ҳамма нарса пишиб етишганда сурункали қаттиқ шамол зарарли бўлса, кузда пишқичилик пайтида донни янчиб, сомонни тозалаш учун шамол эсиши талаб этилган. Илгари ўзбекларда ва бошқа туркий халқларда шамолни тўхтатиш ёки чақириш мақсадида ўтказиладиган мазкур маросим кенг тарқалган, аммо ҳозир бутунлай йўқолиб кетган.

Ёз фасли билан боғлиқ ижтимоий мазмундаги сажий ва маросимлар пишқичилик, экин-тўкин ва илк ҳосиллар, қишга тайёргарлик каби ҳаётий муаммоларни ифодалайди. Ёз фаслида кишилар қишнинг ғамини ейдди, дастлабки йғим-теримни бошлайди, айниқса ўрим пайтлари деҳқон учун энг қувончли ва масъулиятли давр ҳисобланади. Қишга тайёргарлик, озиқ-овқат, сабзавот, кийим-кечак, турар жой ва уй-рўзғор ғамлари билан боғлиқ ташвишлар ранг-баранг ва турли маросимларни юзага келтирган. Шулардан бири охириги ту-

гам бугдойни ўриб олиш маросими ҳисобланади. Ўзбекларда бу маросимнинг «Обло барака» (Ғаллаорол атрофларида) деб номланиши ислом таъсирида пайдо бўлган. Хоразмда сўнгги тутам бугдой йиғилиб, хирмон тугатилганда устига кесак қўйилади, шунга қараб уни «барака кесаги» деб атаганлар.

Мазкур маросим асосан бугдой ўримида қатнашган ҳашарчилар иштирокида ўтказилган. Маълумки, ҳашар ўзбек халқининг ижтимоий характерга эга энг ажойиб, кўҳна анъаналаридан ҳисобланади. Ҳашар дастлаб қўни-қўшни, қавму қариндош, ҳамқишлоқларнинг ёрдами билан ўтказиладиган жамоавий ишлар, жумладан, уй қуриш, ариқ қазиш, кўприқ қуриш, ҳовуз ёки қудуқ тозалаш, экинни ўриб олиш кабилардир. Экин ўрими деҳқон ҳаётининг ниҳоятда муҳим ва масъулиятли вақти ҳисобланиб, етилган ҳосилга кўз тегмасин, баракали бўлсин, деб турли расм-удумлар, ирим-сиримлар ва маросимлар ўтказилган. Ўзбекларда илгари ўрим бошладан олдин ҳатто қурбонлик қилиш одати бўлган. Айниқса жамоага тегишли ёки вақф ерларидаги ҳосилни йиғиб олиш тантанали ўтказилган. Масалан, Бухоро амирлигида экиладиган ерларнинг 24,6 фоизи вақф ерлари бўлиб, бу ерлардаги экинлар савоб ҳисобланиб бутунлай ҳашар йўли билан ёрга ишлов берилиб, экин экилиб йиғиб-териб олинган. Маҳаллачиликда ҳам экин ўрими одатда ҳашарчилар иштирокида ўтказилган.

«Обло барака» маросимида ҳашарчилар бугдой ўрмининг охирида бир парча ўрилмаган ер қолгач ҳар томондан ўриб ўша ерга интиладилар. Ҳар бир ҳашарчи охириги бугдой тутамини ўриб олишга ҳаракат қилган ва шу тутамни «она бугдой» деб атаганлар. Кимки биринчи бўлиб охириги тутамга етиб келса, «еттим еттим, еттим, обло барака берсин», деб уни ўриб олади. Она бугдой шу ҳолича боғланиб, уйга олиб борилади ва баҳорги экиш пайтигача сақланади. Экин экиш бошланганда она бугдой тозаланиб, бир қисми уруғлик донга, бир қисми янчилиб хонадондаги тайёр унга аралаштирилиб, ундан нон, патир ёнилади. Епилган нон-патир далага олиб чиқилиб, дон сепишга чиққан деҳқонларга улашиб берилган.

Тарихий-этнографик маълумотларнинг аксариятида туркий халқларда, жумладан ўзбекларда об-ҳавони ўзгартириш, баҳор ёки кузда ёмғир ёғдириш, қишда ҳавони иситиш учун қўлланиладиган сеҳрли тошлар

мавжуд бўлиб, уларнинг яда (жада), сата («Авеста»да «дъата») деб номланиши ҳақида хабар берилади. Бундай тошлар гўёки от, сигир, буғу каби ҳайвонлар ҳамда карқур номли қушнинг ошқозонидан топилган. Яда (жада) сўзининг этимологияси қадимги туркий тилдаги жодугарлик сўзидан олинган магик қудратга эга бўлган тошни ифодаловчи мустақил атама ҳисобланади. Бу сўз билан боғлиқ бўлган махсус маросим ўтмишда Урта Осиё ва Шарқий Туркистонда яшовчи барча туркий халқларда мавжуд эканлиги аниқланган. Яда тоши ёрдамида нафақат об-ҳавони ўзгартириш, балки кишилар ва уй ҳайвонларининг айрим касалликларини даволаш каби маросимлар жуда кенг ҳудудга, чунончи, бутун Урта Осиё, Сибирь ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий халқлар орасида тарқалган бўлиб, ҳозир улар бутунлай унутилган.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим анъанавий тартиблардан бири устозларнинг шогирдларга фотиҳа бериш маросимидир. Бу маросим барча касбларда деярли бир хил ўтган. Шогирдликка одатда болани ёшликдан (8—10, айрим пайтларда 6—7 ёшда) ота-онаси олиб келиб муайян устага топширади. Боланинг отаси фарзандини устага топширишда: «Гўшти сизники, суяги бизники», деган ибора билан, яъни бутун тақдири устоз қўлида, нима қилса ихтиёри ўзида, деб қолдиради. Йигит касбини ўрганиб, ўзи мустақил равишда маҳсулот тайёрлаш даражасига етганда ота-онаси (етим бўлса устанинг ўзи) фотиҳа зиёфатини ўтказиши шарт бўлган. Масалан, этикдўз ёки маҳсидўз шогирд усталикни тўла эгаллаб олганлигини исботлаш учун бир жуфт пойабзални тикиб бозорга чиқаради. Бозорда этикдўзлар калантари (оқсоқол) унинг маҳсулотини текширади, яхши, бозорбоп бўлса фотиҳа олишга рухсат беради, акс ҳолда ҳайдаб юборади.

Фотиҳа бериш маросимига катта устозлар, калантар топшириғи билан пайкал орқали таклиф қилинади. Зиёфатга касб (улпагар) раҳбарлари билан домла ҳам чақирилади. Гап-гаштак тарзида ўтказиладиган ўтиришларда дастурхонга ширинликлар, мева-чевалар қўйилади, чой берилади, иссиқ овқат тортилади (шўрва, ош ва ҳоказо). Кейин калантар янги сарполар кийинган шогирдни даврага чақириб, устасига ва шогирдига шундай мурожаат қилади: «Уста, сиз шогирдингизни боқдингиз, кийинтирдингиз, нон, туз ва пул

бердингиз, шунга розимисиз?— Розиман!»— деб жавоб беради уста. Кейин шогирддан сўрайди: «Устага хизмат қилдинг, хизматингга розимисан?— Розиман!» Шундан кейин уста-шогирд ўртасида суҳбат бўлиб ўтади. Шогирд устасига қараб: «Кўп хизматингизни қилдим, кўп тузингизни едим, Уста рози бўлинг!» Уста унга жавобан: «Урдик, сўқдик, койидик, сен ҳам рози бўл!» дейди. Баъзан айрим усталар саволлар бериб, имтиҳонга ўхшаш савол-жавоблар ҳам бўлган. Маросим якунида шогирдга усталикка фотиҳа берилади, шогирд ўз устасига, калантарга, имконияти бўлса ҳурматли катта усталарга ҳам сарпо кийгилади. Айрим касбларда уста шогирдига баъзи иш қуролларини ҳадя қилади.

Асосан чорвадор аҳоли орасида қадимдан ўтказилиб келинган яса-юсун маросими ҳам диққатга сазовордир. М. Ф. Гавриловнинг хабар беришича, бу маросим XVII асргача қимизхўрлик маросими сифатида маълум бўлган, кейинчалик тариқ ва курмақдан тайёрланган махсус ичимлик — бўза ичиш билан алмашган. Ўзбекларда яса-юсун маросими бошқа номлар билан ҳам маълум. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийсида бўзахўрлик, Бухоро, Самарқанд ва Туркистон ҳамда Сайрам атрофларида кўна ўтиришлари деб юритилган. Бўзахўрлик ўтиришлари 30—40 кишидан иборат бўлиб шерда (меҳмонхона) уюштириш йўли билан иштирокчилар томонидан умумий ҳаракат ҳарпона (ҳарифона) ёки навбатма-навбат тартибда ташкил қилинган. Гап-гаштакдагидек, шерданинг раиси, унинг ўнг ва чап оталиқлари (ўринбосарлари), эшик оғаси (шерда ўтадиган уй эгаси), бий ва унинг ўринбосарлари бўлган. Маросимда буйруқларни бажартирувчи ясовул, бўза қуйиб тарқатадиган соқий (косагул) доимо хизматда бўлган. Базм иштирокчилари косагулга тўла бўйсуниб, узатган бўзани бир нафасда ичиши, уни тўкмаслиги, дастлаб чўкка тушиб ўтириб, раис рухсатидан кейин эркин, истаган тарзда ўтириши, маст бўлмай одоб сақлаши, ўтиришни раис ва эшик оғаси рухсатисиз тарк этмаслиги, барча топшириқларни эътирозсиз бажариш каби шерда қоидаларига амал қилиши шарт бўлган. Маросимда айтиладиган қўшиқларда бўзани таърифлаш ва уни тайёрловчиларга мадҳиялар айтиш, ҳазил-мутойиба, хурсандчилик ва кўнгил очишга даъват қиладиган, баъзан ижтимоий адолатсизлик ва бошқа мотивлар ўз ифодасини топган. Масалан,

Бўзанинг асли отаси курмақдир,  
 Майхонада ўйнамоқдир, кулмоқдир.  
 Майхонада ўйнамасанг, кулмасанг,  
 Ким қўйибди майхонага келмоқни ...  
 Бўзани ичган сари кайф ортадур,  
 Барчани бирдек яратсанг нетадур.  
 Бир нечага берибсан тахту давлат,  
 Бир нечанинг умри зое ўтадур ...  
 Бир нечага берибсан боз устига боз давлат,  
 Бизга ҳам бир қўниб ўтсанг нетадур.

Бундай ашула намуналарини қўлига бўза олган киши чилдирма жўрлигида ижро этган. Маросим қўшиқларининг махсус турлари Туркистон, Қарноқ, Йқон, Сайрам атрофларида «Кўналар», «Ҳаққоналар», айрим жойларда «Бўзагарлар қўшиғи» деб юритилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, маросимда ижро этиладиган қўшиқлар ҳам мазмун, ҳам текстуал жиҳатдан, макон ва вақт тафовутига қарамай, асосан бир хилда ўтказилган. Кейинчалик шаҳарларда махсус майхоналар очилиб, бўза билан савдо қилиш кучайиб бўзахўрлик маросими ўзбекларда сақланмаган. Унда айтиладиган шеърлар, куйланадиган қўшиқлар айрим кекса кишилар хотирасидагина қолган, холос.

Ўзбекларда қиш фасли билан боғлиқ бошқа маросим ва расм-русмлар анчагина бўлган. Масалан, биринчи қор ёққанда «қор хат» ташкил қилиб, яқин дўсту биродарларига топшириб, зиёфат қарзини юклаш, кўп қор ёғиб ҳеч тинмаган пайтларда махсус удум ва маросимлар ўтказиш кабилар ҳозир унутилиш арафасида турибди.

Ижтимоий-тарбиявий характерли миллий спорт ва мусобақалар, жисмоний машғулотлар ва ўйинлар ўзбекларда қадимий даврлардан ривожланиб келган. Ёшларни жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, мардонаворлик руҳида тарбиялашга қаратилган турли ўйинлар мавжуд бўлган. Болалар ўйинларида асосан маҳаллий аҳолининг касб-ҳунари ва машғулотлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун болаларнинг ўйинчоқларида уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалиги асбоблари, идиш-товоқлар, аравача, бел кетмон ва болға кабилар намоён бўлган. Қиш пайтлари яхмалак ва қор ўйинлари, ёзда от миниш ва «улоқ», баҳор ва куз пайтлари ошиқ, копток, варрак ва парпарак учуриш, ёғоч-дарахтларга

өсилган арғимчоқ (ҳайинчақ, саринжоқ) учиш каби-лар ўспиринларнинг сеvimли ўйинларидан. Уғил бола-лар орасида латтадан тикилган тўп ўйини, даста ўйин (Фарғонада) ёки чиллик (Тошкент, Самарқанд ва Хо-размда) ўйинлари ниҳоятда қизиқарли ва завқли ўтган. Улар ҳарбий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан ҳам вақт ўтказганлар. Масалан, болалар орасида қўшқамалак ёки чувалак камон, махсус тош солиб отадиган палаҳ-мон ёки сопқон, пуфак найча каби қадимий қурооллар-дан машқлар ўтказиш одат бўлган. Афсуски, бундай халқ ўйинларининг кўпчилиги унутилиб кетган. Ҳозир-гача сақланиб келаётган ўйинлардан миллий кураш, от чопиш ва улоқ ўйинлари ва бошқа анъанавий машқ-лар кенг тарқалган. Ҳозир ўзбек ёшларининг кўпчили-ги замонавий спорт турлари билан шуғулланиб кел-моқдалар.

## ОИЛАВИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИ

Ўзбеклар ўтган аср охирларида феодал-патриархал тузум даражасида турганлиги туфайли оилаларининг тузилиши ва маиший турмуш мазкур тузумга мос кел-ган. Барча ўтроқ аҳоли ва қисман ярим кўчманчи ўз-беклар орасида асосан моногам никоҳ ҳукмронлик қил-са ҳам катта ажралмаган оила кенг тарқалган. Асли бундай оилалар, юқорида қайд қилинганидек, қадимий патриархал оила жамоаси қолдиқ шаклларида ҳисоб-ланади. Агар ибтидоий катта патриархал оилалар асо-сан бир неча авлоддан ташкил топган қариндошлар бирнкмаси сифатида намоён бўлган бўлса, XIX аср-нинг иккинчи ярмида ўзбекларда бундай оилалар анча камайган, катта оила жамоаси емирила бошлаган. Бў-линмаган катта оилалар икки ёки уч никоҳланган ав-лодлардан иборат бўлиб, унга ота-она, уйланган фар-занди, ака-укалар кирган ва улар умумий хўжаликка эга бўлганлар. Мураккаб бўлинмаган оилалар хўжали-ги бир бўлса-да, янги никоҳланган оила айрим хонага ва баъзан қозонини бошқалаб чиқади.

Айниқса XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг капиталистик тузум гирдобига тортилиб, товар-пул му-носабатларининг ривож топиши натижасида вояга етиш-ган ўғилларнинг уйланиб мустақил оила тузиш жараёни анча кучаяди, ота-она оиласидан бўлиниб чиқиб, айрим



хўжалик ташкил қилиш бир оз кўпаяди. Аммо катта оила уклади ўрнига кела бошлаган кичик оилалар ҳали кам бўлган. Бунинг сабаби шуки, катта патриархал оиланинг хўжалиги умумий бўлиб, уларнинг иқтисодий бирлигининг асоси ҳисобланган ерга ва бошқа ишлаб чиқариш қуролларига хўжайинлик фақат оила бошлиғи қўлида бўлган. Оиланинг хўжалик-иқтисодий жиҳатдан энг муҳим хўжайра бўлганлиги барча ўғилларнинг ота билан умумий меҳнат қилишида намоён бўлган. Аммо ўғилларнинг олинадиган даромадни бошқаришга ҳаққи бўлмаган, унга фақат оила бошлиғи тўла хўжайинлик қилган, яъни моддий жиҳатдан ўғиллар отага қарам ҳисобланган. Ер ва бошқа мулк оила бошлиғи вафот этгандан кейин ўғиллар орасида тақсимланган. Катта бўлинмаган оилалар асосан бой хўжаликларда кўпроқ сақланган, чунки улар иқтисодий жиҳатдан умумий хўжалик юритишга манфаатдор бўлганлар. Камбағал, ери кам оилалар иқтисодий замин бўшлиғидан ажралиб чиқишга мажбур бўлган. Бундай жараён ер умумий (жамоа) мулки ҳисобланган жойларда ҳам содир бўлган. Чунки бундай ерларда ер ҳар йили айрим оилага қайта тақсимланган. Кичик оилалар қурама бўлиб ҳар ердан келиб жойлашган элатлар, мардикор ва ёлланма ишчилар орасида ҳам кўпроқ учрайди. Бундай оилалар аста-секин кўпайиб, уйланган ўғиллар патриархал анъанага таяниб бирга яшашни давом қилдириб мураккаб оилани юзага келтирган.

Кўпчилик ўзбек оилаларида, ҳозиргача сақланиб келаётган одат бўйича, катта ўғил уйлангандан кейин уни уй қилиб ажратиб чиқарганлар. Агар уй қилиш имконияти бўлмаса набира вояга етиб никоҳ тўйигача яшаб келган. Оила бошлиғи ўғил туғилиши билан анъанага биноан унинг келажагини ўйлаб имкониятига қараб уй-рўзғорининг ғамини ёшлиқдан еган. Чунки ўғил бола ҳам дастёр иш кучи, ҳам келажакда оила боши. Кўпчилик тўқ оилалар ўғил кўриши билан унга уй қилишни ўйлайди. Она эса қизининг ғамини кўради ва унга ёшлиқдан сеп (мол, бисот) тўплайди. Одат бўйича кенжа ўғил ота билан қолади, ота вафотидан кейин уй ва хўжалик унинг мерос мулкига айланади.

XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида катта оилалар ҳамма ерда мавжуд бўлиб, ер оила жамоасига тегишли бўлса-да, уни сотиш мумкин бўлмаган. Ишчи мол, қишлоқ хўжа-

лиги қурол-аслаҳалари, ердан олинган ҳосил оила жамоаси мулки бўлган. Аммо сепга келган сутли сигир шахсий мулк («мулки мерос») ҳисобланса-да, унинг сут маҳсулотлари, жуни умумий мулк бўлган. Ҳатто қўлда ишланган ҳунар-касб маҳсулотларидан кирадиган даромад ҳам умумий оила бюджетига қўшилган. Бутун оила даромади ва мулки оила бошлиғи (Бухорода «калантари хона») ихтиёрида бўлган. Чекка жойларда қадимги демократик оила жамоалари қолдиқлари сақланиб, ота ўлгандан кейин уйланган ака-укалардан бирини унинг ўриига сайлаб қўйганлар. Оила кенгаши сақланган Жанубий Хоразм ўзбекларида бундай катта оилалар қаср шаклидаги катта, кўн хонали кунгирали ҳовлиларда яшаганлар. Ҳовлида бир неча уйланган ака-укалар айрим хоналарда яшаб, ҳовлида умумий молхона ва меҳмонхонага эга бўлганлар. Бундай оилаларнинг даромади ва ҳовлидаги барча нарса, ҳатто қиз учун олинган қалин ҳам умумий мулк ҳисобланган. Қозон умумий бўлиб, нон бир тандирда ҳамма учун ёпилган. Оилада ота ҳукмрон, унинг иродаси ва обрўси ҳал қилувчи кучга эга. Бундай катта оилалар патриархал жамоа анъаналарини анча мустаҳкам сақлаб келган. Кичиклар катталарга, ҳаммаси оила бошлиғига тўла бўйсунганлар.

Агар оилада ўғиллардан бири бола-чақаси билан бўлиниб чиқиб бошқа хўжалик тузса, кейинчалик унинг болалари катта бўлиб уйланиб бола-чақали бўлса, мазкур кичик ҳисобланган оила ҳам аста-секин мураккаб бўлинмаган оилага айланади. Бундай оилалар асли тўла мустақилликка эга бўлмаган. Улар фақат уй-рўзғори, қисман моли ва «қозон»ни бошқа қилиб, ер, корхона ёки дўкон умумий бўлиб ота қўлида хизмат қилиб, унга иқтисодий қарам ҳисобланган. Бир ота бошчилигида бир неча қавму қариндошларнинг ҳам бирикиб ишлаганлиги оилавий муносабатларни анча мураккаблаштирган. «Қозонни бошқа қилиш» дегани катта патриархал оилаларнинг аста-секин емирида бошлаганлигидан дарак беради.

Этнография фанида қабул қилинган мазкур «бўлинмаган оила»нинг пайдо бўлиши Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар турмушида ўтган аср охирларида жамиятда рўй бера бошлаган жиддий ижтимоий ўзгаришлар оқибатининг рамзи эди. Айрим тадқиқотчиларнинг кичик оила фақат кейинги даврда пайдо бўл-

ган, деган фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Кичик оилаларнинг Урта Осиёда ҳам узоқ ўтмишда, эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида мавжуд бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Археологик қазишмаларда илк Урта асрларда катта патриархал оилаларга оид ҳовлилар билан бир қаторда кичик бир оилага мўлжалланган уй харобаларининг топилиши бу фикрни тасдиқлайди. Утроқ деҳқон оилаларида бўлиниб чиқиш ер ва сув хўжалиги умумий анъаналарининг емирилишига сабаб бўлиб, анча қийинчиликлар ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарган. Шунинг учун қадимий деҳқончилик хўжаликларида катта оиладан ажралиб чиқиш қораланган ва уят ҳисобланган. Шу сабабли ўтроқ аҳоли ичида қавму қариндошлар орасида никоҳ ўрнатиш одат бўлган. Бундай никоҳ ерсувни бўлишга, умумий оила хўжалигининг емирилишига, алмашлаб экишнинг бузилишига йўл қўймаган.

Аммо совет тузуми ўрнатилгач, айниқса ер-сув ислохоти ва коллективлаштириш сиёсати амалга оширилиши туфайли бундай анъана хўжаликни иқтисодий асосидан маҳрум қилиб уларнинг барбод бўлишига олиб келади. Нафақат ўтроқ аҳоли, балки ярим кўчманчи гуруҳлар орасида ҳам аста-секин кичик оилалар кўпая бошлайди. Мустақил томорқа ва ҳовлига эга бўлган, этнография фанида «нуклеар оила» деб номланган кичик оилалар ҳозирги даврда бутун Урта Осиёда кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, 1979 йилги аҳоли рўйхатига биноан Ўзбекистонда эр-хотин ва болали ёки боласиз нуклеар оила ўртача 59,5 фоизни, Тожикистонда — 59,7, Туркменистонда — 60,1 фоизни ташкил қилган. Ўзбек қишлоқларида яшовчи (Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларида) нуклеар типдаги оилалар 60 фоиздан ортиқ эканлиги аниқланган.

Тадқиқотчилар кичик оилани тўрт типга бўладилар: 1) ҳали болалари уйланмаган жуфт эр-хотин, энг кенг тарқалган ва истиқболли типик нуклеар оила; 2) боласиз, энди никоҳланган ёки қари чол-кампирлар. Одатда қарияларнинг болалари мустақил ажралиб чиққан, аммо ота-онасига қараб, хўжалигида ёрдам бериб турилади; 3) тўла бўлмаган оила, яъни боласи билан қолган бева (тул) оила. Урта Осиёда бундай оилалар камчиликни ташкил қилади. 80-йилларда ўтказилган этнографик тадқиқотларга қараганда, Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси орасида тўла бўлмаган оила 12,1 фоиз-

ни, қишлоқда 4—7 фоизни ташкил қилган. Шулардан бешдан тўрт қисми болали бева аёллардир. Илгариги даврларда левират одатига биноан бева қолган аёл қайниси ёки оғасига турмушга чиқиши шарт бўлган. Акс ҳолда ота-онасиникига кетса ёки турмушга чиқмоқчи бўлса, болаларини вафот этган эрининг қариндошларига қолдиришга мажбур бўлган, чунки болалар отага тегишли ҳисобланган; 4) кичик кенгайтирилган оила, яъни болалари ва эрининг, ёки хотинининг ота-онаси билан бирга яшаётган беванинг оиласи. Бундай оилада катта ўғил ишлаб турган бўлса оила бошлиғи ҳисобланади. Қадимий фанда «минорат» деб номланган одатга биноан кичик ўғил ажралмасдан ота-онасини боқиб, уларга қараб туриши шарт бўлган. Анъанага биноан қариялар ўлса, дафн қилиш унинг вазифасига киради. Аммо ҳозир уч авлодли бундай оилалар демографлар томонидан ҳам ҳисобга олинган. Этносоциологик тадқиқотларга қараганда, ҳозир Ўзбекистон қишлоқларидаги 34,5 фоиз оилада эр-хотин билан ота-оналари ва болалари бирга яшайдилар. Янгилик сифатида айтиш мумкинки, энди эрнинг оиласида хотин томон ота-оналаридан ёки қариндошларидан ҳам яшаши мумкин.

Ҳозирги вақтда Урта Осиёга хос мураккаб бўлинмаган оилалар Ўзбекистонда 10,6 фоизни, Тожикистонда — 12,2, Туркменистонда — 9,9 ва Қирғизистонда — 6,2 фоизни ташкил этади. Этнографик дала материалларига қараганда эса мураккаб оилалар ўзбекларда 25—35 фоиз, тожикларда — 21, қирғизларда — 19,5 фоиздан иборат. Оммавий этносоциологик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг қишлоқдаги оилаларида бундай оила типи учдан бир қисмини, шаҳарда тўртдан бир қисмини ташкил қилганлигини кўрсатади. Бунинг боиси шуки, биринчидан, этник анъаналарнинг мустаҳкамлиги, иккинчидан, моддий манфаатдорлик ва умумий фойда ҳамда қишлоқдаги турмуш шароитининг нисбатан оғирлигидир. Бир неча оилалар томорқаларининг қўшилиб бир хўжалик олиб борилиши янги никоҳланган оила учун манфаатли ҳисобланган.

Урта Осиё халқларининг оила сони уларнинг этник хусусиятларига боғлиқ бўлган. Қадимий даврлардан маҳаллий халқлар; жумладан, ўзбеклар ҳам кўп болалиги билан ажралиб туради. 1979 йилги аҳоли рўйхати бўйича ўзбекларда оила ўртача ҳисобда 6,2 киши-

га тўғри келса, этносоциологик тадқиқотларга қараганда (1974—1976 йиллар), қишлоқ аҳолисида ўртача оила сони 6—7, баъзан 11—12 кишидан иборат бўлган. Уша рўйхатга биноан 7 боладан кўпроқ болага эга бўлган оналар ўзбек оилаларида 19,6 фоизни, туркманларда—20, тожикларда—25 фоизни ташкил қилган. Этносоциологик тадқиқотларга қараганда, 70-йилларда Ўзбекистондаги қишлоқ оилаларининг ярмидан кўпи тўрт ва ундан кўпроқ болаларга эга бўлган. Маълумотларга қараганда, ёши катта аёллар ёшроқ аёлларга нисбатан кўп болаликни маъқул кўрадилар. Тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, сўралганларнинг (18—47 ёшдаги аёллар) 1,8 фоизи 2—3 болали бўлишни, 31 фоизи 4—5 болали, 39,9 фоизи — 6—10 болали бўлишни маъқул деб ҳисоблайдилар. Кўпчилик аёллар болалар қанча кўп бўлса, шунча яхши деган фикрда: Қадимий мақоллардан бирида «Болали уй бозор, боласиз уй мозор», деб бежиз айтилмаган. Жамоатчилик фикрича, боласизлик катта фожиа. Шунинг учун бола туғилмаган оилалар кўпинча бузилган, ёки эри иккинчи хотин олишга мажбур бўлган. Халқ орасида кўп болалини маъқуллаб, бола «ўнта бўлса, ўрни бошқа», деб ҳозиргача гапирилади. Болага меҳр қўйиш, кўп болали оилаларни ҳурматлаш, оилага серфарзандликни тилаш кабилар ўзбеклар миллий руҳиятининг ифодасидир. Республикада икки мингдан ортиқ кўп болали оналар «Қаҳрамон она» деган фахрий унвон, «Шарафли она» ордени ва «Оналик медали» билан тақдирланган. Ўзбек оиласини ўрганган айрим тадқиқотчилар ҳақли равишда кўп болали оилаларнинг ижобий томонини қайд қилиб, оилавий жамоаликни мустаҳкамлаш, уй-хўжалик ишлари кооперациясини ташкил қилишга имконият яратиш, бола тарбиясини яхшилаш, уларга меҳнат анъаналарини ва одоб-иқром қоидаларини сингдириш каби фазилатларни шакллантиришда уни муҳим омиллардан деб ҳисоблайдилар. Чунки бундай муҳим вазифаларни бажаришда нафақат катталар, балки ўспирин ва катта ёшдаги болалар ҳам бевоҳита иштирок қилади.

Ўзбек оилаларининг турмуш тарзи, маданий ва маънавий даражаси оила аъзоларининг ижтимоий ҳолатига боғлиқ. Қишлоқ аҳолисининг анча қисми махсус ва ўрта билимга эга бўлиб, малакали мутахассислардан иборат. Оилаларда механизаторлар, агрономлар, ўқитувчилар, муҳандислар, зоотехниклар, врач ва бошқа

замонавий касб эгаларининг бўлиши оилавий-маиший турмуш ва муносабатларнинг моҳиятини ўзгартириб, янгича урф-одат ва маросимларнинг пайдо бўлишига, анъанавийларини такомиллаштиришга муҳим омил бўлмоқда. Агар собиқ Иттифоқ бўйича 1939 йилдан 1981 йилгача, яъни кейинги 40 йиллик давр ичида олий ва ўрта билимли кишиларнинг сони 7 баравар ошган бўлса, Ўзбекистон ва Тожикистонда 15 баравар, Туркменистонда 11 баравар ошган. Бутун Урта Осиёда 40 йил (1939—1979) давомида олий маълумотли аёллар сони 50 баравар кўпайган. Бундай ҳолат, табиийки, оилавий муносабатларда аёлларнинг мавқеини ва ўрнини анча ўзгартирган.

Мазкур ижтимоий-маданий ўзгаришлар миллат ва жамиятни қайта тиклаш, янги оила ташкил қилишнинг энг муҳими ҳисобланган никоҳда ўз ифодасини ёрқин намоён қилади. Никоҳ маросимлари нафақат Урта Осиёда, балки ўзбекларнинг айрим этнографик гуруҳлари орасида ҳам бир оз фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо никоҳ асли ибтидоий жамиятда пайдо бўлган умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ажойиб маросимлардан бўлиб, унда барча элатлар учун зарур қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила қанча соғлом, тўқ ва мустақкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустақкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонуллаштирилган маросимдир. Оилавий ва оммавий байрам ва сайилларда ўтказиладиган қадимий маросимлар ҳам никоҳ масалаларини ҳал қилишга, масалан, ёшларни бир-бири билан учраштириб, ўзаро таништириш ва яқинлаштиришга қаратилган йигит-қиз айтишувлари, сумалақ базмлари, гул ва олма ҳадя қилиш каби ёшларнинг баҳор ўйин ва сайиллари янги оила яратишга хизмат қилиб келган.

Афсуски, биз кейинги вақтларгача никоҳни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ислом одатлари билан боғлаб, уни фақат феодал патриархалчилик тузуми сарқитлари деб камситиб келганмиз. Никоҳ ҳар бир халқнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга қаратилган энг ажойиб ва гўзал маросимлардан ҳисобланади. Ҳатто ислом

ҳам ўз ақидаларида эркак ва аёл орасидаги ижтимоий тенгсизликни патриархал тузум асосида қонунлаштирган никоҳ масалаларида ота ҳуқуқини авторитар қонун-қоидаларига бўйсундирган бўлса-да, Урта Осиёда қадимдан одат бўлиб келган қиз-йигитларнинг ўзаро учрашувлари, эркин севги, муҳаббат туйғуларини изҳор қиладиган миллий урф-одатларни ман қилмаган эди. Аксинча, барча қиз-йигит айтишувлари, ёр-ёрларни, халқ ижод қилган анъанавий никоҳни ва у билан боғлиқ қадимий удумларни бир оз исломлаштиришга мажбур бўлган. Исломи дини тўла ҳукмронлик қилган Бухоро ва Хива хонликларида ҳам ўзбек ва тожик аҳолиси орасида никоҳ маросими билан боғлиқ расм-русмларда, айниқса тўй пайтида йигит-қизларга анча эркинлик берилган.

Ҳозиргача риоя қилиниб келинаётган мусулмончилик никоҳи асли умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилган. Қуръон ва шариат оилада юксак инсоний фазилатлар, одоб-икром, садоқатлик, ғамхўрлик, ўз бурчи ва вазифасини англаш каби туйғуларни сингдириб, оилавий муносабатларни қўриқлаган. Шариат жамоачилик тартибларининг ижобий томонларини мужассамлаштириб, ҳатто ҳозирги замонавий қонунчиликка асос қилиб олинган Рим ҳуқуқшунослигидан устун туриб, оила бошлиғини юқори қўтарган. Шариатга биноан оила ота раҳбарлигида ташкил топган мустаҳкам қон-қариндошлик бирикмаси ҳисобланади. Унинг барча аъзолари бир шахсга — оила бошлиғига ва бирикма қонун-қондасига тўла бўйсунуши шарт. Шунинг учун ҳам оила шажараси, яъни фамилия қўйиш тартиби ушбу бирикманинг ҳаёт бошлиғи исми билан боғлиқ бўлган. Масалан, Абу Али ибн Сино, яъни Абу Али Сино ўғли, ёки Муҳаммад ибн Аҳмад, яъни Муҳаммад Аҳмад ўғли ва ҳоказо. Кейинги авлод кейинги фарзандларни яратган ота номига ўтади. Ҳозирги кўпчилик оилаларда фамилиянинг эркак (ота) томонидан белгиланиши, шу асосда никоҳланган келиннинг ҳам эри фамилиясига ўтиши асл ибтидоий патриархал оилавий муносабатларнинг акс садосидир. Мусулмончилик мазкур расм-русмларни қонунлаштирган ҳолда отанинг оиладаги ҳукмронлигини ўрнатиб, уни шариат орқали қўриқлайди. Шу асосда оиланинг барча аъзолари шахсий масалаларини, жумладан, никоҳла-

нишни ҳам оила бошлиғи маслаҳати билан ҳал қилиш ҳозиргача сақланган.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Осиё шароитида оғир муҳитда оилани боқиш ва уни таъминлаш, табиийки, қадимдан эркакнинг оиладаги мавқеини кўтарган. Айниқса оила бошлиғининг масъулияти ниҳоятда юқори бўлиши ҳам табиий бўлган. Шу туфайли ота оиланинг ички интизомини сақлаш, одоб-ахлоқни мустаҳкамлаш, ташқи тажовузкорликдан қўриқлаш учун катта ҳуқуққа эга бўлиши шарт эди. Бундай шароитда бошқа оила аъзоларининг отага тўла бўйсунуши ва унинг айтганидан қайтмаслиги қонунлаштирилган. Дастлаб бу ҳол бутун Осиёда халқ одати сифатида намоён бўлиб, жамоатчилик томонидан қўриқланса, ислом пайдо бўлгандан сўнг Қуръон ва ҳадислар орқали шариатга кирган. Лекин шариат қонунлари никоҳда ва бошқа масалаларда ота томонидан ўз ҳукмронлигини суиистеъмол қилмаслик, аёлларнинг истаги ва эҳтиёжи билан ҳисоблашиш, уларга иисбатан хушмуомалада бўлиш, ҳатто жинсий жиҳатдан ўз вақтида яқинлашиш ва талабларни қондириш, бола тарбиясига эътибор қилиш, хулқ-атвори мустаҳкамлаш каби умуминсоний қадриятларни қўриқлашга қаратилган.

Никоҳ масалаларида отанинг ҳуқуқи анча баланд. Ҳатто ҳаётимизга сингиб кетган қалин масалалари ҳам шариатда бўлажак янги оиланинг иқтисодий аҳволига қараб ёрдам маъносида баён этилган. Албатта, шариат ўз даврига хос феодал-патриархал тузумга хизмат қилиб келган. Аммо ҳозирги турмушимиздаги туб ўзгаришлар, айниқса бозор муносабатлари, янги иқтисод ва хусусий мулкчилик масалаларининг қондаланг қўйилиши шариатдаги никоҳ меъёрларига ижодий ёндашишни талаб қилади. Узоқ даврлар совет тузуми туфайли бизлар хусусий мулкчиликни инкор қилиб, у билан боғлиқ барча тартиб-қоидаларни рад этиб келдик. Ҳозирги шароитда оила ва никоҳ масалаларида ҳам хусусий мулкнинг тикланishi, бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонунлари кутилмаган йўналиш томон олиб кетиши мумкин. Шариат қонунларини чуқур ўрганиб, ундаги шахс, никоҳ ва оилага оид қонун-қоидаларни замона талабига мослаштириш, барча мусулмон мамлакатларидаги тажрибага таяниб мустақил республикамизда янгича никоҳ муносабатларини ўрнатиш ва оилани ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган урф-одат ва маросим-



ларни яратиш тақозо этилади. Бунинг учун даставвал анъанавий никоҳ тартиб-қоидаларини ўрганиш зарур.

Ўзбекларда ҳозиргача амал қилиниб келинаётган анъанавий никоҳ маросими мустаҳкам, фаровон, серфарзанд оилани яратишга қаратилган. Бу маросим оилавий турмуш ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан бажариладиган урф-одат ва удумларнинг мураккаб мажмуидан иборат. Ундаги кўп элементлар асли реликт шаклида сақланиб келган ибтидоий жамоачилик урф-одатларидан, масалан, сеҳргарлик (магия), табиатга ва ҳосилдорликка сиғиниш, олов ва ўчоқ ибодати, аждодларга сиғиниш, турли демонологик тасаввурлардан иборат. Албатта, бундай илк дин шакллари билан боғлиқ ибтидоий расм-русмлар XX асрга келиб ўз моҳиятини ўзгартира бошлаган, янги ижтимоий муҳитга мослашган. Ҳаттоки, ўз ақидаларига садоқатли ислом дини ҳам бундай ҳолатни ўзгартира олмаган, аммо унга диний тус беришга интилган.

Никоҳ маросими, диний руҳдаги анъаналардан ташқари, ижтимоий ташкилот хусусиятларини ифодаловчи бир қатор урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган. Улар, табиийки, қолдиқ сифатида намоён бўлиб, янги ижтимоий тузум шароитида янги маъно кашф этган. Масалан, Урта Осиёга хос қадимий, фақат муайян этник гуруҳ одамлар орасида ўрнатиладиган экзогам никоҳ тартиби, никоҳлашгандан кейин нафақат келинкуёвларнинг ўзаро учрашмасдан юриши, балки ота-она ва қариндошлардан қочиб яшириниш одатлари, қавму қариндошлик ҳашари, қалин тулаш, келиннинг сеп-сидирғаси ва ҳоказолар асли диний мафкурага ҳеч алоқаси бўлмаган никоҳ маросими мажмуининг ажралмас қисмларидир. Шу тарзда улар ислом дини муқаддаслаштирган ва феодал-патриархал давлати жамоатчилиги фикри томонидан тасдиқланган қадимий маросим сифатида сақланиб келмоқда. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларнинг анъанавий никоҳ маросими бизнинг асримизгача мураккаб, кўп босқичли, келиб чиқиши ва давр (вақти) жиҳатидан ҳар хил характердаги урф-одат ва расм-русмлар мажмуидан иборат бўлган. XX аср бошларига келиб мазкур никоҳ маросими мусулмон одати сифатида расмийлаштирилган.

Маросимдаги барча фаолият, никоҳланаётганлар-

нинг ҳаёти фаровон, эзгули ва бахтли бўлишини таъминлаш, серфарзандликни тилаб амал қилинадиган иримлар авлодни давом қилдиришга қаратилган моҳиятга эга. Диний тусдаги сеҳргарлик элементлари ҳам келин-куёвларнинг серпуштлигини тилаб, уларни турли ёвузликлардан ва ёмон кўздан сақлашга қаратилган иримлардан иборат. Юқорида қайд қилинганидек, маросим иштирокчилари, айниқса ота-оналар томонидан қилинадиган совға-саломлар келажакда ёш оиллага моддий ёрдам сифатида ўтказиладиган урф-одатлардир. Аммо никоҳ маросимининг асосий элементлари генетик жиҳатдан қадимий уруғ жамоа тузуми даврига оид бўлиб, ҳозирги даврда ҳам никоҳ масаласи айрим шахснинг манфаати билан эмас, балки жамият манфаатига боғлиқ муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида сақланиб келмоқда. Чунки ҳеч бир жамият ўзининг жонли хужайраси ҳисобланган янги оиланинг яратилишига бефарқ бўлмасдан, унга зўр масъулият билан қараб жамоатчилик диққатини жалб қилган. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг никоҳ ва бошқа оилавий маросимлари ҳозиргача кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилиб келинмоқда.

Барча шаҳар ва қишлоқларда сақланиб келаётган маҳаллачилик анъаналари ўзбекларнинг маиший турмушида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар қадимий кўшничилик жамоаси манфаати билан узвий боғлиқ бўлибгина қолмай, оилавий муносабатларни ва маросимларни бошқаришда ҳал қилувчи ролни ўйнаб келмоқда. Халқ орасида «уй олма, кўшни ол», деб бежиз айтилмаган. Яхши кўшничилик тўй ва маросимларни ўтказишда анча енгиллик туғдирган. Кўшничилик жамоаси (маҳалла, элат, қавм) ўзининг бошқариш функцияси (вазифаси)ни оқсоқоллар маслаҳати орқали бажарган ва жамоатчилик фикри томонидан назорат қилиб турилган.

Никоҳ маросими айрим вилоятларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, умумий совчиликдан бошланади. Икки томонлама келишилгандан кейин маълум бир вақтда куёв томон қизниқига совчилар юборади. Дастлабки расмий унаштириш — «нон ушатиш» удуми ўтказилиб, кейин маслаҳат (кенгаш) оши берилади. Унда қалин миқдори, тўй харажатлари, иштирокчилар сони, тўй вақти ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Қалин бутунлай тўлангандан кейин катта никоҳ тўйи ўтказилади.

Анъанавий тўйларда амал қилинадиган айрим урф-одат ва примлар нафақат хурсандчилик ва шодиёналик бўлибгина қолмай, балки муайян мақсадга қаратилган сеҳргарлик тусдаги расм-русмлардан ҳам иборат. Масалан, ҳозиргача кўпгина тўйларда ўтказиладиган одатлардан қудаларга оқ ўратиш, тўққиз тортар, келин-куёвга, қудалар ва қавму қариндошларга фалон сидра сарпо қилиш, дастурхонга солинадиган нон-патирларнинг сони, исириқ тутатиш, келиннинг олов атрофидан айланиши (Фарғона водийсида келинли кўшана арвани олов устидан, Тошкент ва Хоразмда ўтга яқин келтириб ёки айлантириб ўтказиш), куёв тиззасига ўғил болани ўтқазиш, келин-куёв устига пул-чақа ва ширинликлар сочиш, уларни кўзгуга қаратиш ва тухум егизмоқ кабилар гарчи ўз моҳиятини йўқотса-да, қадимдан муайян сеҳргарлик мақсадида ўтказилиб келинаётган примлардир. Кўп жойларда (Фарғона водийси ва Тошкент вилояти) қишлоқ ёки маҳаллага катта ош бергач никоҳ базми дўсту биродар, қавму қариндошлар иштирокида алоҳида ўтказилади. Ҳозирги никоҳ тўйлари (базми) асосан ресторан ёки кафеларда, махсус ажратилган никоҳ уйларида ёки ҳовлиларда нишонланади.

Тўй маросими ҳаминша шод-хуррамлик, ёшлиқ, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ғоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисобланса-да, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган. Албатта, айрим этник гуруҳларгина эмас, ҳатто ҳар бир қишлоқ, туман ёки вилоят ҳам анъанавий тўйнинг ўзига хос элементларига эга бўлиши мумкин. Лекин ўзбек тўйларининг бўлиб ўтиши деярли ҳамма жойда бир хилдир.

Ҳозирги вақтда ўзбекларда кенг тарқалган никоҳ тўйлари асосан анъанавий удумларни сақлаган ҳолдан янгича маросимга мувофиқ келин билан куёв-ихтиёри, ота-оналар, яқин қариндош ва дўсту биродарлар маслаҳати билан ўтказилади. Кўп жойларда ҳозиргача амал қилинадиган анъанавий «фотиҳа оши», «сарпо

юбориш», «маслаҳат тўйи», «қуда танишув», «ҳайитлик», «қизлар базми», «падар оши» сингари расм-русмлар ёки тўйдан кейин ўтказиладиган «чимилдиқ йиғди», «келин саломи», «келин кўрди», «чаллар» ёки «куёв чақириқ» каби урф-одатлар ва айниқса катта ва кичик тўйлар ниҳоятда дабдабали ўтказилади. Асосий тўй базми бошланишидан олдин расм-русмлар ўтказилиб янги маросимга мувофиқ тўй куни белгилангач таклиф-номалар тарқатилади. Куёв дўсту биродарлари, келин дугоналари ва бошқа яқин кишилари иштирокида тантанали равишда никоҳ рўйхатидан ўтишади. Шундан сўнг келин-куёв давраси билан бир неча энгил машиналарда шаҳар ёки қишлоқнинг гўзал жойлари, тарихий обидалари ва муқаддас жойларини зиёрат қилиб айланиб чиқадилар. Катта тўй куёв уйида, «Бахт уйи» ёки «Бахт сарой»ларида, баъзан ресторан ёки кафеларда ўтказилади. Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент вилояти ва бошқа жойларда тўй икки жойда—келинники ва куёвникида ўтказилиб, эрталаб нонуштага ёки тушга катта ош тортилиб, кейин кечки никоҳ базмига дастурхон ёзилади.

Албатта, бундай никоҳ тўйлари жуда ҳам катта харажат талаб қилади. Одат тусига кирган мазкур маросимлар кўп болали оилалар учун анча оғир юк бўлиб, кўпинча уларнинг қарзга ботишига олиб келади. Ҳозиргача сақланиб келган қалин эса унинг устига яна ҳам ортиқ харажат бўлиб юкланади. Уни ҳозир «куёв совғаси», «сут ҳақи» деб замонавийлашган шаклда نامойиш қилмоқдалар. Аслида қалин исломгача туркий халқлар орасида кенг тарқалган одатлардан. Масалан, VI асрга оид Ўрхун-Енисей ёзувларида, Маҳмуд Қошғарий асарларида у тилга олинган. Баъзи тадқиқотчилар қалинни аёлларнинг жамиятда қадр-қимматини иш кучи сифатида баҳолаш билан боғлиқ одат деса, айримлари уларнинг ижтимоий тенгсизлиги бошланиши билан юзага келган, деган фикрни билдирадилар. Буни асослаш учун қадимий одат бўйича қалин ҳақи учун ишлаб бериш ёки пул шаклида тўлашга мажбур бўлиш мисол қилиб кўрсатилади. Айрим пайтларда қалин ўрнига ўзаро қиз алмаштириш, яъни қарши қудалик одатига амал қилиб қалин тўланилмаган. Ислом дини пайдо бўлгач қалин тўлаш қонунлаштирилган. Бу одат ҳозиргача сақланиб, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм ва Қорақалпоғистонда катта пул ҳисобланади.

Этносоциологик тадқиқотларга қараганда, қизларнинг кўпчилиги умр йўлдошларини ўзлари танлаб олиб турмуш қуришни истайдилар ва қалинни қоралайдилар, аммо айрим қисми қалинни моддий ёрдам деб қўллаб-қувватлайди. Юқорида қайд қилинганидек, барча никоҳ маросимларида келин ва куёвни «ёмон кўз»дан, назар-нафасдан сақлаш учун эскича иримлардан уларга исиріқ тутатиш, бадавлат ва ширин яшашни тилаб, устидан сочқи (пул ва ширинликлар) сочиш, ували-жували бўлиши учун келин-куёв тиззасига бола ўтқазиш, кўп болали аёлларнинг хизмат қилиши, куёвникига келин келганда уни ўтдан сакратиш каби сеҳргарлик билан боғлиқ амал қилинадиган одатлар ҳозир ўз моҳиятини бутунлай йўқотган эмас.

Албатта, анъанавий никоҳ тўйларининг ҳозиргача катта харажат талаб қиладиган, баъзан ўринсиз исрофгарчиликларга сабаб бўладиган томонлари ҳам бор. Аммо ўзбекларнинг келин-куёв тўйлари ҳамиша шодхуррамлик, ёшлик, гўзаллик, келажак тўғрисидаги ёрқин умид ва эзгу орзулар байрами сифатида ўтказилиб келинмоқда. Келиннинг куёв уйига тантанали безалган никоҳ карвонида, куй садолари остида жозибадор рақслар билан кириб келишидан иборат гўзал қувончли маросим никоҳланаётган ёшлар хотирасида абадий қоладиган ажойиб воқеадир.

Келиннинг янги оилага қўшилиши ҳам бир неча ўзига хос иримлар билан ўтказилган. Масалан, унда келин-куёвга қизнинг айниқса янгаси ва бошқа қариндош аёлларнинг алоҳида эътибор бериши, катта оилалардан бири унинг «мурундуқ ёки вакил онаси» қилиб, оиладаги эркакнинг иккинчи ота сифатида тайинланиши ёшларни оилавий ҳаёт сирларига ўргатишга қаратилган қадимий ажойиб одатлардан ҳисобланади.

Ҳозирги никоҳ тўйи маросимлари ва ундан кейинги оилавий-маиший муносабатлар ўзбек халқининг турмушида жиддий ўзгаришлар рўй берганлигидан, унинг маиший ҳаёти, турмуш тарзи ва ижтимоий онги давр талабига жавоб берадиган даражада замонавийлашиб бораётганлигидан далолат беради. Республикамизнинг мустақиллик шароитида эркаклар билан хотин-қизларнинг иқтисодий, ҳуқуқий тенглигини ўрнатиш, шунингдек, аёлларни камситувчи қалин тўлаш, зўрлаб эрга бериш, кўп хотинлилик, ёш қизларни барвақт турмушга чиқариш каби эскилик тартиб ва удумларини ман

этадиган қонунларнинг мавжудлиги, янги конституция асосида оилавий-маиший муносабатлар ҳамда демократик тартибларни ўрнатиш замонавий турмуш тарзига хос эркин ўзбек оиласининг шаклланишига ижтимоий-сиёсий замин яратиб бермоқда.

Оилавий муносабатларни демократиялаштиришдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан бири жамият ва оилада хотин-қизлар мавқеининг тубдан ўзгаришидир. Маълумки, илгари феодал-патриархал тузум ҳукмронлик қилган даврда хотин-қизларни камситувчи, хўрловчи, ҳақ ҳуқуқини чекловчи ва обрўсизлантирувчи турли-туман қонун-қоидалар ва расм-русмлар кўп бўлган ва улар шариат орқали муқаддаслаштирилган. Ислоҳ ва шариат инсоннинг туғилишидан то умрининг охиригача бутун ҳаётини ўз измига қаратиб, оила, никоҳ, ажралиш, мерос, ҳуқуқ, жазо тартибларини ва бошқа иқир-чиқирларни ақидалар орқали «муқаддас»лаштирган. Шариатда ҳар бир мусулмонга еб-ичишдан ётиш-туриш (ҳатто эр-хотин орасидаги интим муносабатлар ҳам) гача қоидалаб кўрсатилган, айниқса куёв томонни улуғлаб, аёл томоннинг ҳуқуқи анча камситилган, қайнона, қайнота ҳамда келин орасидаги муносабатлар патриархал тартибларга бўйсундирилган. Барча аёллар, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, юридик жиҳатдан ҳуқуқлари чекланган, моддий жиҳатдан эркаклар (ота ёки эр)га қарам бўлган. Айрим оилаларда ҳозиргача сақланиб келаётган тамагирлик, молпарастлик, инсофсизлик, порахўрлик, беандишалик ва бошқа салбий ҳолатлар оилавий-маиший турмушга доғ тушириб, аёллар аҳволини ёмонлаштириб келаётган омиллардандир.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбекларда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат ва ишлаб чиқаришга жалб қилиниб, эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши уларнинг жамиятдаги ўрнининг юксак даражага кўтарганлигидан далолат беради. Ҳозир, масалан, Ўзбекистонда халқ маорифи соҳасида 58 фоиз, маданият соҳасида 61 фоиз, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотда 70 фоиз аёллар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 100 фоизи саводли бўлибгина қолмай, фан ва санъатда, маъмурий ва маданий ташкилотларда фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Аёлларнинг оиладаги мавқеининг ўзгариши уларнинг даромади билан ҳам боғлиқ. Этносоциологик тадқиқотларга қараганда, ўзбек қишлоқларида яшовчи оилаларда 20 фоиз аёллар эр-

ларидан кўпроқ маош олмоқдалар. Демак, анча оилаларда оила бюджетига аёллар ҳам хўжайинлик қилмоқда.

Янги оилавий муносабатларнинг яна бир ижобий томони отанинг тўла ҳукмдорлиги чекланиб, оила аъзолари ўртасида адолатли меҳнат тақсимотини ўрнатилиши, уй-рўзгор ишларининг эр-хотин орасида тўғри йўлга қўйилиши, бола тарбиясида икки томонлама фаол иштирок қилиш кабилардир. Ўзбекистонда ўтказилган этносоциологик тадқиқотларга биноан (М. Бикжанова, Ф. Арипов, Н. П. Лобачева ва ҳ. к.) ҳозирги оила бошлиғи даставвал маслаҳатчи, тарбиячи ва ёрдамчидир. Масалан, илгари у авторитар оила тузуми тартиби асосида барча масалаларни фақат ўзи ҳал қилган бўлса, энди кўпинча оилавий муаммолар, шу жумладан бюджет масаласи ҳам эндиликда хотини ва катта оила аъзолари билан бамаслаҳат ҳал қилинади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқдаги ўзбек оилаларининг 51,7 фоизида эр уй хўжалигида ва бола тарбиясида хотинига ёрдам беради, 21 фоиз оилада вазифалар тенг бўлинган, фақат 6,5 фоиз оилаларда эри хотинига ёрдам бермайди. Бўлинмаган мураккаб ва кўп болали оилаларда уй-рўзгор ишлари кўп бўлиб, улар барча оила аъзолари орасида тенг тақсим қилинади. Бундай оилаларда яқин қавму қариндошлар ҳам хўжаликка ёрдамлашиб туради. Биргаликда овқатланиш (ота-бола, эр-хотин бўлинмасидан, аммо анъанавий ҳурматини сақлаган ҳолда), оила аъзолари ўртасида «сиз-бизнинг» сақланиши ва ўзаро ҳамкорлик кабилар ўзбек оилаларининг ҳозирги даврдаги қиёфасидир.

Албатта, умумий инсоний қадриятлардан ташқари ҳар бир ўзбек оиласида ўз миллатига ва этник хусусиятига қараб бошқаларга ёт бўлган маҳаллий урф-одат ва расм-русмлар ҳозиргача сақланиб, баъзан янги оилаларга салбий таъсир қиладиган томонлари ҳам учрайди. Бундай ҳолат айниқса қишлоқ хўжалигида механизациянинг камлигидан, меҳнатнинг оғирлигидан, уй-рўзгор ишларининг такомиллаштирилмаганидан келиб чиқади. Бола-чақа ишларининг ёмон йўлга қўйилиши, турмуш маданиятининг ҳалигача анча пастлиги ўзбек оилаларида мураккаб, баъзан зиддиятли аҳволни яратиши ва шу асосда айрим пайтларда фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбек оилаларининг энг ажойиб тарихий анъаналаридан бола тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Маълумки, бола тарбияси оиланинг бош вазифаси ҳисобланади ва бу вазифа нафақат оилада, балки ижтимоий жиҳатдан энг муҳим бўлганлиги туфайли давлат ва жамоатчилик томонидан ҳам фаол бажарилиб келинган ва келинмоқда. Афсуски, бу масалага тадқиқотчилар кам эътибор бериб келганлар, унга фақат расмиятчилик билан қаралган, холос. Ваҳоланки, этнопедагогика ва этносоциология жиҳатдан ёндашиб бола тарбияси муаммоларини чуқур тадқиқ қилиш энг олижаноб ва муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги даврда оила ва оилавий муносабатларда демократик тартибларнинг ўрнатилишини, оила аъзолар орасидаги, айниқса ота-она ва болалар, бобо-момолар ва авлодлар, ака-ука ва опа-сингиллар орасидаги анъанавий муносабатларни ўрганиш ниҳоятда долзарб ва фойдали вазифа деса бўлади. Қадимдан ўзбекларда ёшига, жинсига ва табиатига қараб бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Масалан, ўғил болаларга ёшлигидан оталар уруғининг давомчиси, меросхўри, оила ор-номуси ва ифтихори, ҳимоячиси, қизларга нисбатан устун турадиган эркаклик фазилатларини онгига сингдириб, қизларга эса бўлажак она ва уй бекаси вазифасини адо этувчи шахс сифатида тарбия беришган. Аста-секин вояга етиши билан ўғил бола ота таъсирида, қиз бола она таъсирида муайян тартибларга ўргатила бошланган. Одат бўйича болалар 6—7 ёшидан меҳнатга ўргатилиб, даставвал енгил ишларни, 10—12 ёшидан бошлаб оғир хўжалик ишларини бажара бошлаганлар. Бола тарбиясига ота-она ва жамоатчилик алоҳида эътибор берган, айниқса уларнинг одоб-икромли бўлиши кўпчиликнинг диққат-марказида турган.

Оила, мактаб, дам олиш пайтлари болаларнинг ўзаро яқинлашиши ва жипслашиши учун қулай шароит яратиб беради. Уларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топишида, ўзаро дўстона ва биродарлик муносабатларини мустаҳкамлашда, ота-она ва катталарга ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишда, кичкина болаларни катта болаларга қараб тарбиялашда ва бошқа одоб-икром масалаларида ҳозиргача маҳалла ёки қишлоқ жамоачилиги томонидан назоратда бўлиш ўзбек халқининг энг ажойиб анъаналаридан. Шунинг учун ҳам боланинг туғилишидан (фарзанд тўйи, бешик тўйи, суннат



тўйи) то уйланишигача (унаштириш, фотиҳа қилиш, никоҳ тўйи) бўлган барча удумларнинг бевосита жамоатчилик иштирокида ўтказилиши этник гуруҳлар ўртасида энг зарур бўлган миллатий бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кейинги вақтларда деярли барча оилаларда оила аъзоларининг туғилган кунини, янги йилни нишонлаш, ўрта мактаб ёки олий ўқув юртини тугатиш, мукофот олиш ёки диссертация ҳимоя қилиш ва бошқа оилавий хурсандчиликлар муносабати билан зиёфат бериш расм бўлди.

Жамоатчиликнинг фаол иштироки билан ўтказиладиган яна бир қадимий урф-одат дафн маросимидир. Ҳозиргача маҳаллий этнослар, шу жумладан ўзбекларда жамоачилик анъаналарининг сақланиб қолиши нафақат тўйларда, балки ўлим ва у билан боғлиқ маросимларни ўтказишда бошига мусибат тушган оилага ҳам моддий, ҳам маънавий (руҳий) енгиллик туғдиради. Инсон қадимий даврдан ўзининг оғир кунларида мадад истаб қавму қариндош ва дўсту биродарларининг ёрдамига муҳтож. Маълумки, ўзбеклар имконияти борича бир-бирига яқин жойда уй-жой қуришни, қавму қариндошлар ёнма-ён жойлашишни одат қилиб келганлар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача узоқ ўтмишдан қолган қавму қариндош (патронимия)лар гуруҳлари кўп жойда сақланиб келмоқда. Бундай ҳолат айниқса оилавий-маиший урф-одат ва маросимларни ўтказишда катта роль ўйнайди. Айниқса дафн маросимини ўтказиш кўп одамларнинг иштироки билан маҳаллачилик ва қавму қариндошлик анъаналарига таянади.

Дафн маросими асосан ўзининг қадимий кўринишларини сақлаб қолса-да, у ислом дини қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилади. Асли бундай урф-одатлар ниҳоятда мураккаблашган турли удумлар ва иримлардан иборат бўлиб, унинг илдизи ибтидоий анимистик тасаввурларга бориб тақалади. Ҳозиргача амал қилинадиган марҳумнинг учи, қирқи, баъзи ерларда юзи, йили билан боғлиқ ва бошқа кўпдан-кўп расм-русмлар, айниқса ҳар хил худойилар энг ибтидоий диний тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган. Кейинги вақтларда аҳоли ўртасида янги дафн этиш маросими жорий этилиб, фуқаролик митинги (йиғилици)ни ўтказиш, меҳнат жамоаси, жамоатчилик вакиллари ва дўсту биродарларнинг таъзия нутқи, марҳумнинг хотирасини абадийлаштириш, қабр тоши ўрнатиш кабилар билан

бирга ҳамма жойда жаноза ўқиш одати сақланган.

Умумхалқ байрамлари ва сайиллари ҳам, ижтимоий характердаги турли тадбирлар ва тантаналар ҳам айрим оила ва унинг аъзоларининг фаол иштироки билан ўтиши уларнинг жамият олдидаги бурчи ва вазифасини англаб олишга, масъулияти ва тартиб-қоидаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Барча оилаларда байрам ва маросимларга олдиндан тайёргарлик кўрилади, баъзи оила аъзолари янги сарпо-кийимлар киядилар, совға-саломлар инъом қилинади. Барча оилавий-маиший маросимлар ўзининг қувноқлиги, тантанаворлиги, ранг-баранглиги, гўзаллиги, маънавий мазмундорлиги ва эстетик таъсирчанлиги билан кишиларни руҳий жиҳатдан доим рағбатлантириб, миллий маданият ва маиший турмушни бойитиб келган.

## ДИНИЙ ТАСАВВУРЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА ИРИМЛАР

Ўзбек халқининг ижтимоий, оилавий-маиший ва шахсий турмушида диний тасаввурлар муҳим ўринни эгаллаб келган. Дин ибтидоий жамоа тузумидан ҳозиргача халқимиз маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида жамиятнинг, оила ва шахс ҳаётининг барча ҳужайраларигача сиғиб кетган. Унинг илдизи энг қадимий тош даврига бориб тақалади ва бутун кейинги тарихий тараққиёт жараёнида турли шаклда намоён бўлиб келган.

Палеоантропология ва археология фанларининг ютуқларига қараганда, инсоният тарихида жуда узоқ вақт—икки ярим миллиондан ортиқ йиллар давомида дин бўлмаган. Олимларнинг фикрича, неолит, яъни янги тош даврида яшаган одамлар табиатнинг даҳшатли кучлари олдида ожизлигидан бир қатор нотўғри, ҳаёлий тасаввурлар таъсирида бўлганлар. Бундай ҳолат уларни дафн маросимида айрим иримларга риоя қилишга ундаган. Баъзи неандерталь маконларда ўликларнинг муайян тартибда кўмдирилганлиги бунга далилдир. Шунга асосланиб айрим олимлар дастлабки диний эътиқодлар неандерталларда пайдо бўла бошлаган, деган фикрга келганлар. Мазкур фикрни тасдиқлаш учун Жанубий Ўзбекистондаги Тешиктош ғорида кўмилган 8—10 яшар неандерталь бола жасадининг суяклари ва бошқа топилмаларни ҳам кўрсатадилар.

Бу маконда жасад муайян ҳолатда дафн қилинган, ўликнинг бош суяги теварагида эчки шохлари ерга қадалган, қисқа муддат ёқилган олов изи мавжуд. Балки олов ибодат билан боғлиқ маросим туфайли ёқилгандир, деб фараз қилинади. Тешиктошдаги жасад букланиб, ёнбошлаб ухлаётган кишини эслатади, унинг оёқ-қўли боғланган бўлиши ҳам мумкин. Мазкур кўмиш маросими бошқа халқларда ҳозиргача сақланиб келган. Масалан, Янги Гвинея папуаслари ўлик қайтиб келиб уруғдошларига зарар етказмасин, деб жасаднинг қўлоёғини боғлаб дафн қиладилар.

Кейинги даврларга оид ибтидоий маконлар дафн қилиш маросимлари дин билан боғлиқ эканлигини аниқ исботлайди. Қазилиб текширилган неолит ва айниқса бронза (жез) даври гўристонларида ҳар хил буюмларнинг учраши ўша даврдаги кишиларда дастлабки «нариги дунё», охират тўғрисидаги тушунчалар анча шакланганлигидан далолат беради. Демак, археологик кашфиётлар туфайли диннинг қачон пайдо бўлганлиги, унинг илк шакллари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон ҳудудидаги обидалар ҳам исботлайди.

Афсуски, археологик маълумотлар ниҳоятда кам, уларни жонлантириш ва тўлдириш, жонсиз буюмларни гапиртириш учун этнографик тадқиқотларга мурожаат қилишга тўғри келади. Фанда қабул қилинган таснифлашга биноан ибтидоий диннинг энг қадимий шаклларида бири тотемизм бўлиб, у илк уруғчилик жамияти даврида пайдо бўлган. Тотемизм тушунчаси айрим шахснинг ёки бир гуруҳ кишиларнинг, уруғ ёки қабиланинг кўпинча қандайдир бир ҳайвон ёки ўсимлик билан, баъзан жонсиз моддий буюм ёки табиат ҳодисалари билан ғайритабиий яқинлиги, ҳатто қон-қариндошлик алоқаси бор, деган эътиқодни англатади. Бу динга сифинувчилар ўзи ёки уруғнинг барча аъзоларини муайян ҳайвон, ўсимлик ва бошқа нарсадан келиб чиққан деган тасаввурга таянади. Айрим тотемистик тасаввурлар сарқитларини Ўзбекларнинг оилавий-маиший урф-одатларида ҳозиргача учратиш мумкин. Масалан, отга сифиниш ва унинг гўштини истеъмол қилишдаги иримлар, муқаддас қушлар (каптар, мусича ва ҳоказо) ва ҳайвонларнинг суяги (айниқса калла суяги), тирноғи, пари ва ҳоказоларни тумор шаклида ишлатиш, баъзи жониворларнинг номи билан айрим уруғлар ёки қабилалар (така, қурт, серка ва ҳоказо)-

нинг аталиши, уйлар ва тоқларда қўчқор шохининг осиб қўйилиши кабилар тотемистик тасаввурлар қолдиқлари эканлигини тадқиқотчилар қайд қилганлар.

Яна бир қадимий дин шаклларида фетишизм (португалча «фейтишо» сўзидан тумор, сеҳрланган буюм деган маънода) дин тараққиётининг барча поғоналарида ибодатнинг муҳим элементи сифатида оддий илк динлардан то ҳозирги мураккаб жаҳон динларигача ҳаммасида намоён бўлади. Аммо қайси даврда ва қандай шаклда намоён бўлмасин фетишизмнинг моҳияти шундаки, даҳшатли табиат ёки бераҳм ижтимоий кучлар олдида ожизлик қилган одам хурофий қўрқинч туйғулари асосида қандайдир ғайритабиий кучдан мадад кутади, унинг ҳимоясига умид боғлайди. Масалан, мажусийликда қотиб қолган мурдаларга «авлиё» деб сиғиниш ва икона (худо тасвири)га чўқиниш, мусулмон халқларда, жумладан ўзбекларда ҳам «муқаддас» дарахт ва тошлар, ҳар хил авлиё-анбиёларга сиғиниш, турли-туман дуо ва туморлардан мадад исташ, айрим буюмлар (қайчи, болта, пичоқ, исириқ, қалампир)нинг таъсир кучига ишониш, санам, бут кабиларни муқаддаслаштириш, фетишизм билан боғлиқ тасаввурлар эканлиги исботланган.

Ўзбекларда фетишизмнинг энг ёрқин намунаси ёмғир чақириш маросимида қўлланиладиган сеҳрли яда тошидир. Дастлаб бу тўғрида XI асрда Маҳмуд Кошғарий маълумот беради. Унинг таърифича, туркий халқларда «ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди. худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндирди». Бошқа тарихий-этнографик адабиётларнинг аксариятида тарихий халқларнинг кўнчилигида об-ҳавони ўзгартирувчи сеҳрли қудратга эга бўлган тошларнинг яда (жада), сата, дъада деб юритилиши ҳақида хабар берилади. «Яда» сўзи турли фонетик шакллардаги вариантлардан иборат бўлиб, унинг этимологик асослари ҳақида адабиётларда ҳар хил изоҳлар мавжуд. Тадқиқотчилар «яда тоши» сўзининг ўзбек тилида қадим замонлардан буён кенг тарқалганлигини қайд қиладилар. Фольклорист Б. Саримсоқовнинг ёзишича, 1973—1982 йилларда ўтказилган дала изла-

нишлари натижасида кўплаб ахборотчилар яқин пайтларгача ўзбеклар ўртасида ҳам ёмғир ёғдирувчи тошлар бўлганлиги, ҳозир эса уларнинг йўқолиб кетганлиги тўғрисида маълумот берганлар. Хуллас, яда тоши ёрдамида ёмғир ёки қор ёғдириш, кишилар ва уй ҳайвонларида пайдо бўлган айрим касалликларни даволаш каби маросимлар жуда катта ареалда, яъни Ўрта Осиё, Сибирь ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий халқларда ўтмишда кенг тарқалганлиги фетишизм динининг бу ерда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини исботлайди.

Тотемистик тасаввурлар ва фетишизм билан боғлиқ ниҳоятда кенг тарқалган ва ҳозиргача сақланиб келган илк дин шаклларида яна бири магия (сеҳргарлик) ҳисобланади. Магия ёлгон ва кўзга кўринмайдиган сеҳрли алоқа ва таъсирларнинг табиатда мавжудлигига ишонтириш, айрим ҳолларда одам билан табиат ўртасидаги муносабатларга ўзаро таъсир ўтказиш, бир одамнинг иккинчи бир шахсга таъсир қила билиш қобилиятига эга эканлигидан иборат диний эътиқоддир. Бу эътиқод асосида айрим одамлар муайян усул ва воситалар орқали табиатга ва бошқа одамларга ўзи истаганича фойда ёки зарар етказиш мумкин, деган тушунча ҳосил қилганлар. Буюм ва ҳодисаларнинг афсонавий кучга эга эканлигига ишониш бахт ва омад келтирувчи ёки балодан сақловчи ҳар хил тумор ва тилсимларнинг пайдо бўлишига, яхшилиқ ва ёмонликдан иборат турли ирим ва ҳаракатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Сеҳргарлик билан табиий ҳодисаларни ўзига бўйсундириш ёки айрим шахсларга таъсир қилиш мақсадида ўтказиладиган хатти-ҳаракатлар ва шу билан шуғулланадиган шахслар бизнинг давримизга етиб келган. Ҳатто ҳозирги илмий-техника тараққиёти замонида ҳам сеҳргарлик билан кишиларни даволаш, тақдирга таъсир қилиш мумкин деган тасаввурларга эга айрим шахсларни, турли экстрасенсларни, фолбинлик ва дуоғўйлик билан шуғулланувчи фирибгарларни учратишимиз мумкин. Бундай ибтидоий тасаввурлар, бир томондан, инсоннинг қўрқиш ҳисси билан боғлиқ сеҳр-жоду пардасига бурканган муайян мақсад сари йўналтирилган хатти-ҳаракат бўлса, иккинчи томондан, шу хатти-ҳаракатни амалга оширадиган муҳим омиллардан сўз магияси алоҳида ўринни эгаллайди.

Барча шарқ халқларида, шу жумладан ўзбекларда ҳам сўз ва қаттиқ кўз билан боғлиқ сеҳргарлик қадимдан тарқалган ва ҳозиргача кучини сақлаган магия турларидан бири. Инсон ўзининг сўзлаш иқтидорига, сўзининг сеҳр-жоду қудратига доимо ишониб келган. Қадимдан сўз магиясига таянган ўзбеклар ўзини сал ноҳуш сезадими ёки қоқилиб, сурилиб кетадими, омади бўлмай қоладими ёки бир фожиага йўлиқадими — барчасини у ғайритабиий ҳаракат, ёмон кўз ёки ёвуз сўз қудратидан деб билади. Ҳозирга қадар ўзбеклар орасида қўлланилиб келинаётган кинна, бадик, бурей ва аврашлар бевосита сўзнинг сеҳр-жоду қудратига асосланган. Замонамизда кенг тарқалган экстрасенслар ҳам сўз магиясидан зўр маҳорат билан фойдаланадилар. Асли Қуръон ўқиш ёки тиловат қилиш ҳам сўз сеҳри билан боғлиқ.

Маросим фольклори тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борган истеъдодли олим Б. Саримсоқов сўзнинг магия қудратига асосланган ўзбек маросимидаги жанрлар ўзида халқнинг қадимий эътиқодий тасаввурларини, демонологик қарашларини нисбатан тўла акс эттиради, деб ҳақли равишда қайд қилади. Унинг фикрича, ўзбек сўз магияси жанрлари у ёки бу жойдаги ўзига хос анъана ва хусусиятга эга бўлса-да, ягона мақсадга йўналтирилганлиги, ягона мавзуга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Олқиш, қарғиш каби жанрларда сўз қудрати воситасида кишиларга ё яхшилик, ё ёмонлик тилаш мотивлари устун туради, яъни етакчилик қилади.

Сўзнинг жоду қудратига асосланган ўзбек халқ ижодидаги ҳомий руҳлар томонидан танланган, иқтидорли ижро этиладиган жанрлар: шомон айтимлари, кинна, бадик кабилар ёки махсус сеҳргарлар ижро этувчи авраш, бурей-бурей кабилар ва кенг оммавий ижро этилувчи олқиш ва қарғиш каби жанрлар ҳам асли анимистик тасаввурлар билан ҳам боғлиқ. Айниқса биринчи гуруҳга мансуб шомон чақириқлари, кинна, бадик кабилар ҳомий руҳлар билан «алоқада» амал қилишлари анимизмга бевосита тааллуқли. Бу соҳада жиддий тадқиқотлар ўтказган этнограф олимлардан Г. П. Снесарев ва В. Н. Басиловлар мазкур эътиқодлар ва иримлар тўғрисида бой маълумотлар тўплаганлар.

Ибтидоий динларнинг илк шаклларида бири анимизmdir. Бу ном фанга инглиз этнографи Эдуард Тэй-

лор томонидан киритилган (лотинча «анима» — жон, руҳ дегани). Ибтидоий одамларда дастлаб жон ва танинг алоҳидалиги ва жоннинг мустақил яшаши мумкинлиги тўғрисида оддий (примитив) тасаввурлар пайдо бўлган. Улар ўз таналари тузилишини, одамнинг ўлиши ва жасади билан боғлиқ ҳодисаларни тушуна олмай жонни мавжуд бир нарса деб билганлар. Бошқа халқлардагидек ўзбекларда ҳам анимистик тасаввурларнинг туб моҳияти руҳлар ҳақидаги қадимий қарашлар билан боғлиқ.

Одам узоқ даврлардан буён фойдали ва зарарли, яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз кучлар таъсири остида ўзининг ожизлигини сезиб ёки англаб, қўрқув туйғулари таъсирида ҳар хил йўллар билан барча табиат кучлари (кейинчалик ижтимоий кучлар) ни илоҳийлаштириб уларни ҳурматлашга, «жаҳлини чиқармасликка», раҳмдил қилишга, ўз томонига ағдаришга ҳаракат қилиб турли-туман хатти-ҳаракатлар қилган. Ҳозиргача ўзбекларнинг тасавурида руҳлар, ўз табиатига кўра, ёвуз ёки ёмон (шайтоний) ҳамда эзгу ёки яхши (раҳмоний) каби турларга бўлинади. Бундай дуалистик қарашларга кўра, руҳлар инсонга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатади. Ёмон руҳлар, гўёки инсон танасига кириб олиб, унинг ҳаётига хавф солади, соғлиғига зарар еткази, яхши руҳлар эса, аксинча, инсоннинг барча фаолиятига кўмаклашиб унга хизмат қилади, соғлом сақлайди. Руҳлар инсон баданига озиқ-овқат, кийим-кечак ва кишилар орасидаги ўзаро мулоқот орқали ёки руҳлар жойлашган манзилдан ўтиши оқибатида жамият ўрнатган қонун-қоидалар, хилма-хил тақиқларни бузиши натижасида кириб жойлашар эмиш. Шунинг учун ўзбекларда кишиларни ҳушёр бўлишга, эҳтиёткорликка чорлайдиган ҳар хил тақиқ (табу) ирим-сирим, расм-русмлар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг деярли аксарияти анимистик тасаввурлар негизда юзага келган. Бунга айниқса ўзбекларда ва бошқа ўрта осийлик туркий халқларда мавжуд маросим фольклорига оид бадик жанри ёрқин намуна бўла олади.

Маҳмуд Кошғарий «бадик» атамасига изоҳ бериб «бадик — титроқ, ларза», базик безди, яъни қаттиқ титради, деб таърифлайди. Айрим тадқиқотчилар «базик» сўзини «безгак» билан боғлаб изоҳлайдилар. Демак, бадик киши танасига сувчечак, қизилча ёки эшакеми тошганда бемор қаттиқ иситма қилиб қалтирайди, шу

асосда касаллик номи ва уни даф қилиш билан боғлиқ даволаш ва урф-одат юзага келган. Бадикхонларнинг таърифича, бадик ёмон руҳларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, кишиларнинг ўзаро мулоқоти орқали инсон танашига кириб олиши натижасида пайдо бўлади. Халқ тасаввурда у танада пайдо бўлади. Бундай таъсирга тушиб қолишнинг асосий сабаби ёмон руҳга алоқадор нарсалар, объектлар билан мулоқотда бўлишдан иборат. Айрим олимлар бадикнинг киши баданига тошишини нафақат анимистик тасаввурлар, балки одамлар ўртасида доимо бўлиб турадиган мулоқот (контагиоз) магияси билан боғлиқ ҳолда изоҳлайдилар.

Б. Саримсоқов, Г. П. Снесарев, В. Н. Басилов каби олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бадикхонлик ўзбеклар билан бир қаторда Ўрта Осиёлик барча туркий халқларда мавжуд бўлиб, диннинг илқ шаклларида шомонизмга бориб тақалади. «Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки,— дейди ҳақли равишда Б. Саримсоқов,— танланган шахс зиммасига бадикхонликни қабул қилмагунча руҳларнинг таъқибни остида юриши ва оғир хасталикка чалиниши ҳамда ана шундан кейингина ҳомий руҳлар томонидан бадикхон сифатида танланишининг ўзиёқ унинг шомон шахсияти билан алоқадор эканлигини тасдиқлайди...» Бадикхонлар билан учрашув, уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш шуни кўрсатадики, туркий халқларда, хусусан ўзбекларда ҳақиқий бадикхон айна пайтда ҳақиқий шомонлик билан ҳам шуғулланади. Бу нарса, шубҳасиз, бадикхонлик тарихан шомонлик билан алоқадор бўлибгина қолмаедан, балки унинг шомонликдан ажралиб чиқиб кейинчалик мустақил касб сифатида шаклланганлигидан далолат беради. Бундай фикрни этнографик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Бадикхон амал қиладиган усул ва хатти-ҳаракатлар, даволашга ва руҳларга нисбатан ишлатадиган буюмлар унинг шомонийлик ва анимистик тасаввурлар билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Масалан, Фориш бадикхонлари шомонликдек беморни юқорига қараб ётқизиб, унинг устидан оқ мато, матонинг устидан қўй ё сигир териси ёпиб, унинг устидан майдаланган қий ё кул, ёки чорраҳадан олинган тупроқ сепиб даволашга киришади. Гуёки қий, кул, чорраҳа тупроғи ёки сигир гўнги ёмон руҳларни қувувчи восита эмиш. Шундан сўнг бадикхон толдан кесиб олинган етти дона гавронча



билан бадик тошган шахсни аста-секин савалаб беморни даволашга киришади. Айрим жойлар (Нурота ва Шаҳристон) да бадик тошган шахс ётқизилмай кун бо-тиш томонга қарата ўтирғизиб қўйилади. Киши бада-нига жойлашиб олган ёмон руҳлар уч восита — сўз, ҳаракат ва магик қудратга эга, деб тасаввур қилинади-ган буюмлар ёрдамида қувилади.

Бундай воситалардан яна бири дастлабки кунни пи-шириладиган бўғирсоқ бўлиб, у беморларнинг бо-шидан уч марта айлантрилиб, ит, мушук ёки бошқа жониворлар есин, деб ҳовлидан ташқарига чиқариб ташланади, иккинчи кун қовурмоч қилиниб уни томга сепиб ташлайдилар. Анимистик тасаввурларга кўра мазкур ирим, яъни бўғирсоқ ва қовурмоч бемор боши-дан уч марта айлантрилган, бемор баданидаги ёмон руҳларнинг бир қисми ана шу буюмларга ўтади, улар орқали шу нарсаларни истеъмом қилган жониворларга ёмон руҳлар кўчиб бемор касалликдан қутулади. Аммо бу сеҳрли буюмларга ёмон руҳларни кўчириш учун магик кучга эга махсус сўзларни айтиш зарур. Бу сўз-ларнинг асосий мазмуни ёмон руҳларни ҳайдаш, бемор баданидаги тошмаларни даволашга қаратилган. Маса-лан, беморнинг баданига жойлашиб олган бадикнинг ўз маконини тарк этишини қатъий талаб этадиган сатр-лар диққатга сазовор:

Кўч, кўч, кўчасан!  
Қават-қават қулогидан кўч,  
Билқиллаган буйрагидан кўч,  
Сўлқиллаган юрагидан кўч,  
Умуртқанинг уйидан кўч,  
Қобирғанинг зеҳидан кўч,  
Хайр қилган қўлидан кўч,  
Иzzат қилган тилидан кўч,  
Пойтараф оёғидан кўч,  
Ўта турган жойидан кўч.  
Қилатурган ишидан кўч,  
Қирқпоя суягидан кўч!

Шуниси қизиқки, бемор баданидан ёмон руҳларни қува олмаган бадикхон (парихон ёки бахши) ўзи шу ёвуз кучлардан зарар кўришига ишонади. Шунинг учун буйруқ оҳангида бадикни кўчиш жойини кўрса-тиб дўқ қилади:

Кўч, кўч, кўчасан!  
Кўчар еринг мен айтсам,  
Қизиб ётган гўрга кўч,  
Улик ётган мозорга кўч,  
Тегирмоннинг дўлига кўч,  
Ийиқ билан бийикка кўч,  
Тоғда юрган кийикка кўч,  
Қизил эгар нақшига кўч,  
Боқолмаган бахшига кўч.

Узининг қудратли сўзига ишонувчан бадикхон ёмон руҳларга қарата пўписа билан: «кўчирмасам қўймайман, қонинг ичмай тўймайман, бу ўртада қўймайман», деб мурожаат қилади. Яна бир муҳим томони шундаки, бадикнинг кўчиш объектларининг ичида жонсиз буюмлар билан бирга ҳар хил ҳайвонлар ва ҳатто момолар ҳам тилга олинади:

Кўч, кўч, кўчасан!  
Кўчар еринг мен айтсам,  
Момо бўлсанг кўлга кўч,  
Зиён бўлсанг, чўлга кўч,  
Арвоҳ бўлсанг, гўрга кўч.

Мазкур сатрлар бадикхонликнинг Урта Осиёда қадимдан кенг тарқалган момоларга сиғиниш тасаввурлари билан боғлиқлигини кўрсатиб, генетик жиҳатдан унинг нафақат шомонийлик, балки матриархат даврига оид баъзи элементлар билан ҳам алоқадор эканлигини тасдиқлайди. Маълумки, момолар ибодати қадимги аёллар худоси образи, кекса аёллар руҳи билан боғлиқ бўлиб, улар ҳозиргача аёлларга кўз очишда, насл қолдиришда ва бошқа ёвуз кучлардан, касалликлардан сақлаб қолишда ҳомийлик қилган. Аммо ўзбекларда момолар ва аждодлар ибодати (культи) арвоҳлар (анимизм) эътиқоди билан қоришиб кетган. Мазкур бадик матнида момо, арвоҳ ва уларнинг кўчиш объектлари ажратилиб, бу нарса, Б. Саримсоқовнинг фикрича, «қадимги аёллар руҳига бориб тақалувчи момолар кўчтининг кейинчалик мустақил культ даражасига кўтарилганлигидан далолат беради».

Археологик ва этнографик тадқиқотлар Ўзбекистонда энг қадимий даврлардан табиатдаги Фасл ўзгариши билан боғлиқ маросимларда аёл худолар образига сиғиниш урф-одати мавжудлигини тасдиқлайди.

Табиат ҳодисалари ва кучларини илоҳийлаш, ҳамиша тирилиб турадиган табиатнинг абадийлигини ифодаловчи мотам-маърака маросимининг марказий сиймосига айланган худо образи аёлларнинг ҳомийси сифатида бутун Шарқ мамлакатларида, қадимги Миср, Юнонистон, Римда ўтказиладиган махсус байрамларда намойиш қилинган. Ҳозиргача сақланиб келган момолар образи, бир томондан, аёлларнинг ҳомийлигини ифодаловчи ғайритабиий куч (худо)лар образи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, кекса аёллар ибодати (культи) билан боғлиқ анимистик тасаввурларни ифодалайди.

Мазкур урф-одат ва иримларнинг ҳозиргача кўп элементлари сақланиб қолган, айниқса ўлим маросимида намоён бўладиган қадимий диний тасаввурлар асли анимистик характердаги аждодлар арвоҳига сифиниш ибодати билан бевосита боғлиқ. Жон ҳақидаги тасаввурларнинг келиб чиқиши ўликка бўлган муносабатни анча мураккаблаштирган. Ўлим дастлаб ҳеч уйғонмайдиган уйқу, деб тасаввур қилинган (ҳозиргача ишлатиладиган «мангу уйқуда ёт!», деган иборани эслатиш мумкин) ва «ухлаганнинг» қавму қариндошлари унга ёки унинг руҳига ғамхўрлик қилиб, ҳар хил расм-русм ва иримларга риоя қила бошлаганлар. Кейинчалик пайдо бўлган содда тасаввурларга биноан киши ўлгандан сўнг унинг жони яшашда давом этади. Сув ёки ер остида, осмонда, тоғлик ёки чангалзор ўрмонларда арвоҳлар дунёси мавжуд, деган ғоя ва тушунча асосида руҳларни ҳурматлаш, уларни доимо хотирлаш, ғамхўрлик қилиш каби турли маросим, урф-одат ва иримлар пайдо бўлган. Ҳозиргача халқимиз аждодлар арвоҳини эслаб шам ёқиш («ота-боболар чироғини ўчирма» деган иборани эслайлик), ҳайитларда ис чиқариш, махсус таомлар пишириб мазор бошига чиқиш, учи, еттиси, йигирмаси, қирқи ва йилида аза оши бериш кабилар анимистик тасаввурлар асосида пайдо бўлган урф-одатлардир. Аслида ислом пайдо бўлгандан кейин жаноза вақтида, маъракаларда амал қилинадиган жуда кўп иримлар, авлиёларга қурбонлик аташ, домла-имом ва ювғичларга бериладиган пул ва бошқа худойилар ҳамда садақаларнинг барчаси ўтган аждодлар арвоҳини хурсанд қилиш мақсадида ҳозиргача ўтказиладиган урф-одат ва маросимлар ҳисобланади.

Тарихий-этнографик тадқиқотларга қараганда, даст-

лабки диний тасаввурлар мифология билан боғлиқ бўлиб, халқ ижодининг турли жанрларида, айниқса афсона ва ривоятларда, эртақ ва дostonларда, ҳатто халқ ўйинлари ва рақсларида сақланиб келган. Масалан, ўзбекларда нишонланадиган мавсумий сайилларда, Наврўз, «Лола» ёки «Қизил гул» халқ байрамларида ижро этиладиган куй ва рақсларда сеҳргарлик ва тотемистик тасаввурларнинг элементлари ёрқин намоён бўлади. Масалан, Хоразмда ўтказиладиган байрам сайилларидаги ўйин-кулгилар, ёр-ёрлар, қўшиқ айтишлар, кичик жанрдаги халқ оғзаки драмалари, «чағаллоқ» ва «сулгин» ўйинлари ва ҳатто машҳур «лазги» рақсида тотемистик ва сеҳргарлик тасаввурлари билан боғлиқ элементлар аниқ сезилади. Айниқса «чағаллоқ» ўйини пантомимасида раққоснинг балиқчи қушнинг балиқ тутиш пайтидаги ҳаракатларини дўппи ёки пиёла атрофида бўйнини чўзган ҳолда икки қўлини қанот қилиб, пирпиратиб, қушдай овоз чиқариб, ҳаракат ва имо-ишоралар билан ифодалаш ибтидоий тотемистик руҳдаги рақсларни эслатади.

Ўтган аждодлар арвоҳига сажда қилиш, уларни хотирлаш, табиат кучларига сиғиниш натижасида жуда кўп муқаддас жойлар ва авлиёлар вужудга келган. Асли анимистик тасаввурлар билан узвий боғланган авлиё-анбиё, «муқаддас» жойлар, табиат ва аждодларга сиғиниш каби ибтидоий-диний тасаввурлар кейинчалик жаҳон динларининг таркибий қисмига айланган. Ўзбек элида учрайдиган, одатда «мозор» ёки «авлиё» номи билан донғи чиққан муқаддас жойлар турли замонларга тааллуқли бўлиб, ҳар хил диний тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган синкретик (аралаш, қурама) характердаги диний эътиқодлардир. Энг қадимий даврларга оид табиат кучларига сиғиниш билан боғлиқ муқаддас ҳисобланган уюлма ёки ғалати шаклдаги тошлар, ерга қадалган таёқ ёки ҳамма ёғига латта-путталар осилган якка дарахтлар ҳозиргача кўп жойларда учрайди. Ғайритабиий шаклдаги ғорлар ва қоялар, шифобахш булоқлар ва кекса дарахтлар ҳам зиёратгоҳларга айланган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги «Чилон ота», «Чинор бобо», «Анжир ота», «Мурч бобо» каби авлиё дарахтлар, Бойсун ва бошқа тоғ бағридаги «муқаддас» балиқли булоқлар, Фарғона водийси ва Ушдаги «Тахти Сулаймон» номли муқаддас қоялар, Наманган яқинидаги анча масофага чўзилган ғор, Сул-

тон Увайс тоғидаги «муқаддас» тош қоялари, Бухородаги Лесак ҳовузи ва ҳоказола табиатга сифинишнинг ёрқин далилларидан.

Аждодлар эътиқоди билан боғлиқ зиёратгоҳлар ичида машҳур тарихий шахслар ва йирик дин арбоблари номи билан аталган, шуҳрат қозонган мазорлар билан бир қаторда айрим маҳаллий қишлоқ аҳолисининг зиёратгоҳи ҳисобланган кичик авлиёлар ёки номаълум мазорлар ҳам мавжуд. Илмий кузатишлар шунини кўрсатадики, авлиёларни зиёрат қилувчиларнинг бутун хатти-ҳаракати (қурбонлик қилиш, ёғоч ёки дарахтларга латта осиш, дуо ўқитиш кабилар) да исломгача мавжуд бўлган ибтидий фетишистик, анимистик, магик (сеҳргарлик), ҳатто табиат ва аждодларга сифиниш каби диний эътиқодларнинг элементлари муҳим ўринни эгаллайди.

Уруғ-жамоачилик муносабатларининг кейинги тараққиётида, яъни матриархат (она уруғи) даврида дин табиатга сифиниш йўлидан ривожланади. Бу даврда деҳқончилик айниқса ривож топади ва шу асосда она ерга, Қуёшга, Ойга ва бошқа табиат ҳодисаларига сифиниш кучаяди. Табиат кучлари ва айрим элементлар аёллар образи сифатида гавдаланади ва шунга мувофиқ руҳларнинг кўпчилиги аёллар номи билан аталади. Жамоада ва хўжаликда ҳам матриархат анъаналари етакчи роль ўйнайди. Эркак ва аёллар ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти туфайли шу босқичда хўжалик ва жамиятда, аёллар мавқеининг кўтарилиши бунинг сабабидир. Лекин патриархал (ота уруғи) муносабатларнинг пайдо бўлиши аста-секин бутун жамият устқурмасида эркакларнинг ролини кўтарди, натижада диний тасаввурларда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Эркаклар образидаги худо ва руҳлар аёл руҳларни ва худоларни сиқиб чиқарди. Моногам патриархал оила пайдо бўлиши билан эрининг оиласига кўчиб ўтишга мажбур бўлган аёл дастлабки вақтларда ўз ибодатига риоя қилган, кейинчалик эрининг динига ўтган ва унинг худосига сифинган. Бу даврда табиатга ва аждодларга сифиниш яна ҳам ривожланади, оила жамоасининг ўсиши билан уруғ аъзолари ўз уйига, ўчоғига кўпроқ сифина бошлайдилар, яъни «ўчоқ ибодати» кучаяди.

Ибтидий динларнинг синфий жамият динларига ўтиш жараёни даставвал жамоа аъзолари ичидан мус-

тақил қоҳинлар ажралиб чиқишида, махсус ибодатлар ва диний ташкилотларнинг пайдо бўлишида ёрқин ифодасини топган. Уруғ-қабилла бошлиқларини илоҳийлаштириш, курашчан қабиллавий худоларнинг пайдо бўлиши, энди куртак отаётган хусусий мулкчилик ва қулдорлик муносабатларини муқаддаслаштириш, қоҳинликнинг махсус касб сифатида табақаланиши каби муҳим ўзгаришларни ибтидоий жамоа тузумининг охириги босқичида аниқ кузатиш мумкин. Қишилар уруғчилик тузуми емирилиши билан фақат табиат кучларининггина эмас, ижтимоий муносабатларнинг стихияли кучлари олдида ҳам ожизлигини сеза бошлайди. Натижада уруғ, қабилла бошлиқлари, буюк аждодлар илоҳийлаштирилади, илгари номсиз, махфий ҳисобланган арвоқлар табақаланиб, муайян хўжалиқ фаолиятининг ҳомийсидаги худолар образига кира бошлайди.

Қабилалар иттифоқининг пайдо бўлиши қолиб қабилла худоси бошчилигида кўп худолик (политеизм)ни вужудга келтиради. Археологик кашфиётлар, ёзма манба (Авеста)ларга қараганда мулкчий тенгсизлик, яъни бой-камбағаллик нариги дунё, охираат тўғрисидаги тасаввурларда ёрқин намоён бўлади. Қишининг ўлгандан кейинги ҳаёти фоний дунё ҳаётининг давоми деган тасаввурлар асосида дабдабали маросимлар ўтказиш, катта қурбонликлар ва у дунёда зарур, ниҳоятда бой буюмлар, қурол-аслаҳалар билан дафн қилиш синфий жамиятнинг пайдо бўлишидан дарак берувчи эътиқодлардир. Бундай диний тасаввурлар Европа ва Осиёнинг кўп қисмида ўтказилган археологик қазинмалар туфайли ҳам яққол намоён бўлди. Демак, бу даврда табиат кучлари билан бир қаторда ижтимоий кучлар ҳам майдонга чиқади, одамга қарши турувчи бу кучлар ҳам унга тушунилмайдиган, ёт бўлади ва табиат кучлари сингари зоҳирий зарурият сифатида ожиз инсон устидан ҳукмронлик қилади. Албатта, бу жараён ниҳоятда мураккаб ва узоқ даврни ўз ичига қамраб олади. Оқибатда ривожланган қулдорлик жамиятига келиб дин махсус мафкуравий қурол сифатида ўртага чиқади.

Урта Осиё халқларининг қадимги антиқ даври тарихи бу ерда яшаган барча элатларнинг давлат динига айланган зороастризм (зардуштийлик) диний эътиқоди билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг исбот қилишича зардуштийлик дини Урта Осиёда пайдо бўлиб,

Эронга, Озарбайжонга тарқалган ва биринчи минг йиллик ўрталарида давлат динига айланган. Зардуштийлик ёки зороастризм номи бу динга асос солган афсоналарга чулганган пайгамбар Зорогуштра (Зороастр) исми билан боғлиқ. Аммо у фанда бошқа ном билан ҳам аталади: унга бош худо Ахурамазда исми билан маздакизм, бош муқаддас китоб Авеста номи билан авестаизм, асосий эътиқод — оловга сиғиниш бўлганлиги туфайли оташпарастлик ёки кейинги даврларда ундан ажралиб чиққан йирик мазҳаб худо Митра исми билан митраизм деб ном берилган. Бу диннинг асосий асари Авеста Урта Осиё ва қўшни мамлакатларнинг (эрамиздан аввалги II минг йиллик охирларидан I минг йилликнинг кейинги асрларигача бўлган даврни қамраб олган) тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим ёзма манба бўлиб хизмат қилади.

Авеста ривоятларидан бирида афсонавий биринчи одам ва эронийларнинг биринчи подшоси Йима ҳақида унга осмон худоси Ахурамазда берган ерларнинг кенгайтирилганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Йима уч юз қиш ҳукмронлик қилган. Шу давр ичида унинг ерида ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар, чорва ва одамлар шунча кўпайиб кетганки турар жой ҳам қолмаган, ерга ҳам оғирлик тушган. Кейин Йима ўз одамларини янги макон излаб Қуён йўли билан жанубга бошлаган ва у ерда 600 йил ҳукмронлик қилган.

Айрим олимларнинг фикрича, бу афсонавий ўлка муқаддас дарёнинг қуйи оқимида жойлашган кўҳна Хоразм деб ҳисобланади. Археологик тадқиқотлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Беруний берган маълумотларга қараганда, Хоразмга афсонавий қаҳрамон Сиёвуш келиб, дастлаб давлатга асос солган давр — хоразмча йил ҳисобининг бошланиши санаси «буюк кўчиш»лар даврига тўғри келиши диққатга сазовордир. Эрамизнинг X асрига қадар ҳукмронлик қилган мазкур афсонавий сиёвушлар сулоласининг асосчиси Авестада Сиёваршон номи билан тилга олинади, уни образи халқ эпосида, афсоналарда ярим худо қиёфасида гавдаланади. Йима эса Фирдавсийнинг ўлмас эпоси «Шоҳнома»да Жамшид образида намоён бўлади. Жам (Йим) киши исми, шид — нуроний деган маънони англатади. Унинг подшолик қилган даври ёруғлик зулмат устидан, адолат ёвузлик устидан, инсонлар девлар устидан узил-кесил ғалаба қилган, ҳатто ўлим енгилган,

ҳар бир дардга даво топилган замон деб таърифланади, эронийларнинг афсонавий тарихида «олтин давр» ҳисобланади. «Шоҳнома»даги бир афсонага кўра, Жамшид авлоди Ҳушанг Прометей сингари оловни кашф этиб, сада байрамида кишиларга ўргатиб, уни муқаддаслаштиради. Мазкур афсонада зардуштийлик динининг асосий эътиқоди оловга сиғинишнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади. Бу диннинг энг муҳим белгиси унинг дуалистик характерга эга эканлигидадир. Унда ёруғлик, эзгулик худоси Ахурамазда (Ормузд) ва қоронғилик, ёвузлик худоси Ангра Майнью (Аҳримон) ўртасидаги доимий жиддий кураш ғояси ётади. Биринчиси — деҳқончилик, ўтроқ аҳолининг, уй ҳайвонларининг, иккинчиси — жанговар, урушқоқ кўчманчи қабилаларнинг, йиртқич ҳайвонларнинг ҳомийси деб таърифланади.

Зардуштийлик таълимотига биноан келажакда Ахурамазда Аҳримон устидан ғалаба қозонади, бутун инсоният бирикиб ягона давлат ва ягона тил ўрнатилади. Бундай демократик ғоялар зардуштийликнинг узоқ давр халқ орасида сақланиб келишига сабаб бўлган.

Эрамиздан аввалги IV—I асрлар қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу даврга оид ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Хоразмнинг антик даврдаги шаҳарларининг деярли барчаси воҳани даштдаги қўшни қабилалардан мудофаа қилиш мақсадида қурилган. Амударёнинг ўнг томонидан шарқдан ғарбга қараб бирин-кетин чўзилган Кангақалъа, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Кўрғошинқалъа, Қирққиз, Аёзқалъа, Бурлиқалъа ва Тупроққалъа суғориш иншоотларининг этагида бир-бирларига яқин ва қатор қилиб қурилган. Бир режага асосланган мудофаа тизими ва тараққий қилган зўр суғориш иншоотларининг мавжудлиги Хоразмнинг қудратли марказлашган давлат бўлганлигини кўрсатади.

Бу қалъалардан Кангақалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилган қалъаларда топилган буюмлар, бошқа топилмалар қадимги хоразмликларнинг диний эътиқодларини аниқлаш имконини беради. Жонбосқалъа марказий кўчаси охирида жойлашган иморат харобаларини текшириш натижасида ўт ибодатхонаеи бўлганлиги аниқланди. Иморат ўртасидаги супачага қурилган ўчоқда муқаддас ўт доимо ёниб турган. Ибодатхонанинг ички девори тагида узун супа, оташхона ёнида



эса ибодат қилувчиларнинг диний маросимларни ўтказишлари учун айрим хона ҳам мавжуд бўлган. Бу хонада топилган кўп суяк қолдиқлари унда диний маросимлар учун тайёрланган таомлар истеъмол қилинганлигидан дарак беради.

Урта Осиёдаги халқлар илк феодализм даврида ҳам жамоа тўпланган пайтларда умумий маросим таомларини пиширганликлари, одамлар тўпланиши учун махсус уйлар бўлгани, бу уйлардаги ўчоқларда доимо ўт ёниб тургани ҳақида Беруний ва бошқа бир қанча муаллифлар ҳам ёзиб қолдирганлар. Маълумки, яқин вақтларгача Тожикистоннинг айрим тоғли туманларида махсус оташхонали уйлар мавжуд бўлиб, бу ерда эркаклар тўпланишиб гап берганлар. Ўзбекларнинг тўй ва бошқа айрим маросимларида гулхан ёқиш одати ҳали ҳам учрайди. Бутун антик даврда Урта Осиёда ҳукмронлик қилган зардушт (зороастризм) динига биноан, шунингдек эски урф-одатларга эътиқод қилувчиларнинг тушунчасига қараганда, ўтга сиғиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт ва муваффақиятлар келтирар эмиш.

Жонбосқалъа ва бошқа ёдгорликларда ҳам жуда кўп учрайдиган ҳайкалчалар (археологлар тилида терракоталар), идишларга солинган отнинг расмлари қадимги хоразмликларда зардушт динидан ташқари табиат кучларига, ҳайвонлар, чунончи, отга сиғиниш эътиқоди катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Тарихий манбаларда ҳам массагетларнинг отга сиғинганлиги тўғрисида фикрлар бор. Серҳашам кийимли аслзода кишини тасвирловчи жуда кўп ҳайкалчалар унумдорлик худоси, сув ва суғориш иншоотларининг ҳомийси Анахита образи билан боғлиқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Наршахийнинг ёзишича, зардушт динидаги бухороликлар ҳар йили Наврўз байрамида бозордан лойдан ясалган худо ҳайкалчаларини олиб, эскисини синдирганлар. Ёдгорликларда топилган ҳайкалчаларнинг деярли ҳаммасининг синдирилганлиги бу фикрни исботлайди. Беруний асарларида ҳам Наршахий ҳикоясига ўхшаш маълумотлар, ривоятлар мавжуд.

Тасвирий санъат намуналари ичида жимжимали оссиурийлар алоҳида ўринни эгаллайди. Юқорида айтилганидек, бу даврда бутун Урта Осиёда, Эронда, Озарбайжонда зардуштийлик дини ривож топган эди. Зардуштийлик динига биноан ўликларни ерга кўмиш,

сுவга ташлаш гуноҳ деб ҳисобланиб, жасадни ё куй-дирганлар, ёки гўшти ва терисини йиртқич ҳайвон, қушларга едириб суякларини махсус сопол қути (оссуарий) ларга солиб, айрим биноларда сақлаганлар. Шундай қутиларни Ўрта Осиёнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Мана шу ва бошқа фактларга асосланиб, кўп олимлар зардуштнинг ватани Ўрта Осиё деб ҳисоблайдилар.

Қўйқирилган қалъа теварагида учрайдиган оссуарийлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу оссуарийлар қопқоқларининг кўпчилигида ҳайкалчалар ясаб қўйилган. Қўйқирилган қалъадан тахминан бир ярим чақирим шимолда қум тепалар орасидан топилган квадрат шаклдаги оссуарийнинг қопқоғида чордона қуриб ўтирган эркакнинг ҳайкали жуда ажойибдир. У калта мўйловли, соқоли хоразмча қилиб қўйилган, кийими нақшдор қилиб тўқилиб, камари учида қўй бошини тасвирловчи безак борлиги кўриниб турипти. Оссуарийлар ичида от шаклида қилинганлари ҳам учрайди. «Шоҳнома»да учрайдиган айрим қаҳрамонларнинг номи (Лухрасп, Гуштасп, Аржасп ёки хоразмдаги Хазорасп қалъаси) от (асп) билан боғлиқ эканлигини эътиборга олганда бу тасвирлар муайян диний эътиқодлар билан боғлиқ дейиш мумкин.

Қалъалиқирда сўнги йилларда топилган қумтошдан, лойдан ва ганчдан, шунингдек сополдан ясалган турли типдаги оссуарийлар ичида юмалоқ, қопқоғида қуш тасвири берилган квадрат оссуарийлар ажралиб туради. Уларнинг тотемизмга оид эканлиги шубҳасиз. Антропоморф, яъни одамсимон ҳайкаллар бир неча археологик қазинмаларда топилган. Қуёш худоси Митрага бағишлаб ҳар йили махсус байрамлар (митраган) нишонланган. Бу юнонлардаги ўсимлик маъбудаси Дионисга бағишланган вакханалия байрамига ўхшаш кузда, йиғим-терим вақтида ўтказиладиган табиат ҳосилдорлигига бағишланган хушчақчақ байрам ҳисобланган. Қадимги Парфия пойтахти Нисада топилган мрамрдан ясалган ниҳоятда гўзал Родогунда ҳайкали муҳаббат туйғуси, гўзаллик ва мафтунлик худоси ҳисобланган Афродита образини эслатади. Машҳур «Амударё хазинаси»га тегишли жуда кўп олтин, кумуш буюм ва безаклардаги бургут бошли, шер гавдали ва қанотли баҳайбат махлуқ ва бошқа образлар қадимги Шарқ худоларига ўхшайди.

Юнон-Бақтрия кумуш тангаларида тасвирланган, бир томонида маҳаллий подшоларнинг қиёфаси ва иккинчи томонида қанотли отлар, юнон худолари тасвирига ўхшаш ҳомий маъбудалар образи бу даврда синкретизм диний тасаввурларнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Кушон империяси даврида бу анъаналар кучаяди ва чуқурлашади.

Бақтрияни емириб, унинг харобалари ўрнида пайдо бўлган кушонлар империяси жуда қисқа муддат ичида қудратли давлатга айланади. Император Канишка (78—123) ҳукмронлик қилган давр охирларида Кушон давлати ўз ҳудудини ниҳоятда кенгайтиради ва замонасининг буюк давлатлари Рим, Парфия ва Хитой билан бир қаторда туради. Канишканинг дин соҳасидаги сиёсати натижасида Кушон империясида, жумладан Урта Осиёда ҳам то араб истилосигача буддизм дини кенг тарқала бошлаган. Ҳаттоки Хитойга ҳам буддизм Кушон империяси орқали тарқалган. Буддизмнинг энг муҳим асарларидан бири Ами таба Сутра Кушон мамлакатидан Хитойга 147 йилда олиб келтирилганлиги тўғрисида Хитой солномалари хабар беради.

Урта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда буддизм нақадар муҳим ўринни эгаллаганлигини кейинги йилларда ўтказилган археологик қазишмалар ҳам тасдиқлайди. Жанубий Ўзбекистон ва Туркменистонда, Тожикистон ва Афғонистонда археологлар кашф этган будда ибодатхоналарининг харобалари, айниқса зўр маҳорат билан ясалган катта-кичик будда ҳайкаллари бунинг ёрқин далилидир. Қадимги Термиз харобаларидан топилиб, текширилган йирик ибодат маркази (унда 20—25 та будда мажмуи борлиги аниқланган) диққатга сазовордир. Ажойиб санъат ва меъморчилик намунаси бўлган кушон зодагонининг қасри ҳисобланган Холчаёнда будда иншоотлари кашф этилган. Айритом, Болалитепа, Далварзинтепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари мажмуи, марказий будда ибодатхонаси жойлашган Қоратепада топилган археологик материаллар ўша даврдаги истеъдодли аждодларимизнинг юксак моддий маданияти, диний тасаввурлари, умуман дунёқараши ва урф-одатларини кенг тасаввур қилишга имкон беради.

Мазкур обидаларни текшириш узоқ ўтмишдаги аждодларимизнинг моддий ва маънавий маданиятида, шу жумладан диний тасаввурларида ҳам антик маданий анъаналар билан бир қаторда янги анъаналар пайдо

бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, сопол идишларда тасвирланган ҳайвонлар (асосан от, қўй, қўчқорлар, маймун ва фил) кушонликларнинг диний тушунчаларида, бир томондан, Шимолий Қора денгиз бўйларида, Шарқий Европа ва Қозоғистон даштларида яшаган қабилаларнинг таъсири борлиги, иккинчи томондан (маймун ва фил образи), Ҳиндистон халқлари диний мафкурасининг таъсири борлигидан гувоҳлик беради. Топилган буюмларнинг кўпчилиги бу даврда зороастризм ва буддизмдан ташқари ҳар хил тотемистик ва сеҳргарлик (магия) диний тасаввурлари муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Узоқ тарихий давр давомида турли-туман диний тасаввурлар таъсирида бўлиб келган ўзбеклар VIII аср бошларида арабларнинг босиб келиши билан аста-секин ислом динига ўта бошлайдилар. Янги жаҳон динининг маҳаллий элатлар орасида тарқалиши бир неча асрга чўзилган. Ислом дини маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда халқ орасида кенг тарқалган қадимий кўҳна диний тасаввурлар, урф-одат ва маросимлар, ибодат ва ғояларни ўзида мужассамлаштира бошлаган. Натижада Муҳаммад пайғамбарнинг таълимоти Урта Осиё шароитида бир оз қурама (синкретик) характерда намоён бўлади.

Маълумки, ислом дини пайдо бўлгандан кейин, Муҳаммад вафотидан сўнг мусулмонларга бош бўладиган, ҳам диний рутба, ҳам дунёвий ҳокимлик қиладиган муносиб халифа (пайғамбарга — «ўринбосар»)га эҳтиёж юзага келади. Янги феодализм тузуми мустабид ҳукмронларга муҳтож бўлганлиги туфайли энди яратилган араб давлати тож-тахти учун пайғамбар авлодлари ва яқинлари орасида кураш бўлиб, мусулмонлар «шиа» ва «сунна» оқимларига бўлиниб кетадилар. Исломдаги кейинги асрларда пайдо бўлган ҳар хил мазҳаблар асли ўша даврдаги маънавий ва ижтимоий-иқтисодий зиддиятларнинг муҳим оқибати сифатида келиб чиққан эди.

Феодализм тузуми инқирозга учраган қулдорлик тузумининг харобалари ўрнида пайдо бўлар экан, бу жараён ижтимоий онг шакллариининг халқ ҳаракатлари билан чирмашиб кетган ҳар хил йўналишлар ва мазҳабларда, еретиклик таълимотларида ўз ифодасини топади. Мазкур ҳодиса ва оқимлар айниқса истило қилинган мамлакатларда, даставвал, Урта Осиёда ҳам

рўй берган эди. Бунга хоразмлик Ҳурзод ва бухоролик Муқанна қўзғолонлари, қодирийлар ҳаракати, муътазила ва сўфийлик мазҳаблари ёрқин далил бўла олади. Бундай турли таълимот, оқим ва мазҳабларнинг пайдо бўлиши ислом динининг синкретик моҳиятини яна ҳам кучайтирган эди.

Ўзбеклар асосан сунна мазҳабига эътиқод қилиб келмоқдалар. Яқин ўтмишда, совет тузуми ўрнатилишигача ислом дини инсон ҳаёт фаолиятининг барча томонларини қамраб олган: унинг дунёқарашини, маиший ва маданий турмушини, ҳуқуқий ва оилавий тартибларини, бутун турмуш тарзини, шу билан бирга унда қадимий диний эътиқод ва тасаввурларнинг кўп элементлари мужассамланганлиги маҳаллий исломнинг ўзига хос хусусиятларини юзага келтирган. Ҳатто мусулмончиликнинг бешта асосий қондаси (фарз)ни адо этишда ўзбеклар орасида ўзига ҳослик пайдо бўлган.

Даставвал мусулмон бўлиш учун исломнинг энг асосий бош ғояси ҳисобланган калима қайтариш, яъни якка худолик эътиқодини тасдиқловчи сура сўзларини айтиш орқали киши ўзининг шоҳид, итоатгўй эканлигини исботлаши зарур бўлган. Қандай иш бошламасин мўмин киши ягона Оллоҳнинг раҳмдил ва шафқатли эканлигини тасдиқловчи муқаддас сўзлар (Бисмиллоҳу раҳмону раҳийм)ни айтиши шарт.

Мусулмончиликнинг иккинчи асосий вазифаси ҳар кун мажбурий беш вақт намозни ўқишдан иборат. Намоз исломда энг муҳим фарз ҳисобланади. Намоз мачит томи ёки минорадан махсус шахс (азончи, муаззин) орқали жар қилинади. Мачитга бориб намоз ўқиш. Бухоро амирлигида жуда ҳам мажбурий бурч ҳисобланиб, ўқишни бузган киши қаттиқ жазоланган. Айниқса бу ерда тонгда ўқиладиган азон намози мачитда ўқилиши шарт бўлган. Махсус амалдор (раис) эрталаб мачитларни айланиб чиққан, кимки намозга сабабсиз келмаган бўлса қаттиқ огоҳлантирилган ёки жазоланган. Туркистон генерал-губернаторлигида бундай қатъиянлик бўлмаган, аммо мачитга қатнаш жамоатчилик фикри томонидан бошқарилган. Уни бажармаган кишини «кофир бўлди» деб қоралаганлар. Намозни уйда, мачитда ёки далада ҳам ўқиш мумкин, лекин мўмин уни ўқишдан олдин ўзини тозалаши (таҳорат қилиши) шарт. Ҳозир ўзини чинакам мусулмон деб ҳисоблайдиган фуқароларнинг кўпчилиги нафақат беш

вақтли намозни, ҳатто мажбурий бўлган жума намо-  
зини ҳам адо этмайдилар. Хотинлар мачитга намозга  
қатнамайдилар.

Мусулмончиликнинг учинчи муҳим вазифаси рўза  
тутишдир. Бир ой муддат (рамазон оyi) ичида гўдак  
норасталар, сайёҳлар ва касаллардан ташқари ҳар бир  
мусулмон тонг отишдан кун ботгунча ейиш, ичиш, тур-  
ли маишат ва ҳоказолардан ўзини маҳрум қилиши ва  
бутун вужудини Олло таолога бағишлаши шарт. Рўза  
ойида кундалик беш вақт намоздан ташқари қўшимча  
олтинчи намоз ўқилиши тавсия қилинади, яна аҳд қи-  
линса ёки бир одам келса ҳам қўшимча ўқиш савоб ҳи-  
собланади. Рамазон оyi давомида Туркистон ўлкаси  
ва хонлиқларда кечки бозорлар ишлаб сайиллар ўтка-  
зилган, унда созандалар, аскиябозлар, раққос (бачча)-  
лар томошалар кўрсатганлар, турли ширинликлар ва  
таомлар пиширилиб харид қилинган. Кўп оилалар энг  
камида ойда бир марта қавму қариндошлар, ёру би-  
родарлар ва кекса қўшниларни чақриб ифторлик бер-  
ганлар. Рўза тугагач, катта ҳайит сайиллари ўтказилади.  
Рўза байрами (ид-ал-фитр) кунлари мачитда жамоа  
тўпланиб ҳайит намози ўқилади.

Иккинчи катта диний байрам қурбон ҳайити (ид-  
ал-адҳа) ҳам зўр тантаналар билан шаввал оyiда уч  
кун давомида нишонланади. Бу ҳайитда камбағаллар-  
га атаб садақалар берилади, Қуръон ва ҳадислар  
ўқилади, ўз гуноҳларини ювиш учун айрим бандалар  
жарима тўлайдилар ва ҳоказо. Одатда Оллоҳ номига  
қурбонлик қилинади, сўйилган нарсанинг гўшти кам-  
бағалларга ва қисман байрам таомларига ишлатилиб  
жамоага тарқатилади. Ҳайит байрамларида сарполар  
янгиланади, ўзаро меҳмондорчилик кучаяди. Ҳозир  
Ўзбекистон Республикасида иккита ҳайит куни ҳам дам  
олиш куни деб эълон қилиниб, катта байрамлар ўтка-  
зилмоқда.

Қурбон ҳайити мусулмончиликнинг яна бир муҳим  
шарти — ҳажга бориш вақтига тўғри келади. Маккага  
зиёрат (ҳаж)га бориш зулҳижжа ойининг биринчи ўн  
кунлигида бўлиб, Мина водийсида қурбон байрами  
тантаналари билан тугайди. Тарихий манбаларга қа-  
раганда, фақат Урта Осиё ва Қозоғистондан ўтган аср  
охирларида 1500 дан ортиқ киши ҳажга борган. Совет  
мустамлакачилиги даврида Макка зиёратига бориш  
ман қилиниб ниҳоятда чекланиб қўйилган эди. Маса-

лан, 1989 йили фақат Ўзбекистонда қайта қуриш ва демократия эълон қилингандан кейин атиги ўн киши ҳажга борган бўлса, 1990 йили 355 киши борди. Мустақиллик арафасида бу рақам 1200 га етган бўлса, таваллудининг биринчи йили бу рақам ўн баравардан ҳам ошиб кетди.

Мафкуравий жиҳатдан шахнинг бутун ҳаёт фаолияти ва яшаш мақсади, умид-орзулари ҳам ислом динининг ахлоқий нормалари билан белгиланган. Шариат талабларига тўла риоя қилишига қараб шахс ҳаракатига, хулқ-атворига ва одобига жамоатчилик ёки ижтимоий гуруҳ томонидан баҳо берилган. Айниқса, маҳалла ёки қишлоқ аҳолисининг маънавий ҳаётини бошқариб турган ҳамқишлоқлар ёки ҳаммаҳалланинг фикри катта кучга эга бўлган. Одат тусига кирган жамоа гуруҳининг фикри, ҳукмрон диний мафкурадан қатъи назар, ёзилмаган, аммо бажарилиши шарт қонун-қонда ҳисобланган. Илгари кимки шу қонун-қонидани бузса, у жамоатчилик томонидан қаттиқ жазоланган ёки қишлоқ ё маҳалладан ҳайдалган. Одат ва шариат нормалари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирган. Бу тўғрида тарихий-этнографик манбаларда, таниқли ўзбек олимлари, шоир ва ёзувчилари асарларида, халқ оғзаки ижодида жуда кўп далиллар келтирилган. Одат ва шариат нормаларининг ўзаро боғлиқлиги асримиз бошларидаги этнографик асарларнинг бирида шундай таърифланади: «динга одат деб қаралган, унга риоя қилмаганлар жамоатчилик фикри билан қораланган. Сарт учун бу фикр худо ғазабидан ҳам қўрқинчли ҳисобланган».

Ижтимоий-руҳий жиҳатдан жамоатчилик фикри ислом дини таъсири остида шаклланган ва ривожланган оддий кундалик онг таъсирида бўлган. Шунинг учун кишиларнинг хатти-ҳаракати, ишлари ва хулқ-атвори ёмонликка йўналса, дўзахда жазоланадиган гуноҳ деб қораланган, яхшиликка йўналган эзгу характерга эга бўлса, савоб ҳисобланган ва нариги дунёда юксак баҳоланиб, жаннатга йўлланма билан қадрланган. Аммо шариат ва жамоатчилик фикри гуноҳ билан жиноятни фарқламайди, улар худо яратган ислом нормаларига, яъни Қуръон қоидаларига қарши қаратилган ҳаракат деб ҳисобланган. Масалан, рўза тутмаслик ёки ўғирлик, фоҳишалик ёки даҳрийлик, диндан қайтиш ёки одамни ўлдириш мусулмончиликда ҳам гуноҳ, ҳам жи-

ноят деб қораланиб, бир хил жазоланган. Лекин одатга асосланган жамоатчилик фикри баъзан шариятдан ҳам устун турган. Унинг таъсирида ҳатто ислом ақидаларига зид бўлган айрим маросим ёки расм-русмлар амалга оширилган. Масалан, Қуръон ақидаларида фарз бўлмаган баъзи оилавий-маиший урф-одатлар, айниқса анъанавий тўйлар жамоатчилик фикри таъсирида жуда кўп сонли кишиларга мўлжалланган тантанавор равишда катта харажатлар сарф қилиниб ўтказилган ва ҳозир ҳам ўтказилмоқда. Элга, маҳаллага катта ош бериш ислом динида кўрсатилмаса-да, қарз ҳисобланган. Утмиш тўйлари тўғрисида ўтган асрдаги рус этнографи И. С. Ликошин бундай деб ёзади: «Қадимдан одат тусига кирган барча оилавий тантаналарни маҳаллий аҳоли «тўй» билан нишонлайди, тўйда таниш-билишларга катта зиёфат ва совға (чопон)лар инъом қилинади. Тўй қилмаслик — уят, умуман тежамкор сарт уятга қолмаслик учун қарзга ботиб, баъзан хонавайрон бўлса ҳам, ўша одатга риоя қилади... Тўйга маҳалла аъзолари, қўшни маҳаллалардан бутун шаҳар билсин учун бир неча кишидан иборат вакиллар таклиф этилади. Катта қозонда ош дамланади, меҳмонларга сарпо учун арзон чопонлар харид қилинади ва таклиф қилинганларнинг мавқеи ва бойлигига қараб тақсимланади». Муаллиф қайд қилганидек, оилавий байрам зиёфати маҳалладошлари олдида ўз бурчини адо этиш характерига эга. Жамоатчилик фикри томонидан қораланмаслик учун маҳаллага ош бермаслик мумкин эмас, акс ҳолда илгари ошга чақирган таниш билишлар ва қўшнилар хиёнат қилган хасис деб ҳисоблайди.

Инсоннинг барча маиший ва маънавий фаолиятини қамраб олган ислом мустамлака даврида капиталистик муносабатлар шароитида ҳам жамият тараққиётига катта таъсир қилиб келган. Аммо Урта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ўша даврда асосан феодал-патриархал муносабатлар ҳукм сурганлиги туфайли иқтисодий ва этник алоқалар, маданият ҳам ривожланган, шахс қарамлиги анча кучли бўлганлиги учун миллий бирликка нисбатан диний бирлик устун турган. Юқорида қайд қилинганидек, дин маънавий ва маиший турмушда ҳукмрон бўлганлиги учун бутун ижтимоий ва оилавий-маиший муносабатларни бошқарувчи ҳуқуқ-ахлоқ механизми вазифасини бажариб келган, диний,



этник бирлик ўзаро узвий боғлиқ бўлган. Шу сабабли ёш миллий буржуазия ва унинг мафкураси феодал-патриархал заминдан тўла ажралмаган ҳолда ҳукмрон ислом мафкураси таъсирида ўз манфаатини дин байроғи остида ҳимоя қилган эди. Утган асрнинг 90-йиллари Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жадидизм, панисломизм, пантуркизм ғоялари кенг тарқала бошлайди, бу ғоялар мазкур ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт асосида юзага келган.

— Даставвал бу ғояларни мусулмон руҳонийларининг ақидапараст қисми тарғиб қила бошлади. Бундан ташқари, ўша даврда Урта Осиёда кўплаб пайдо бўлган Туркия тарғиботчилари дин арбобларининг паноҳида панисломизм ва пантуркизм ғояларини ҳар томонлама кучайтириб, маҳаллий халқларни «кофирлар»га, яъни русларга қарши курашга чақирганлар. Бундай ташвиқотчиларнинг бир қисми Туркистон ўлкаси ва Бухорога юборилган. Бу тўғрида Туркистон генерал-губернатори Духовский ҳам подшога ахборот беради. «Маълумотларга кўра,— деб ёзади у,— турк эмиссарлари халиф ғойдасига садақа тўплабгина қолмай, баъзан ғазовот ғоясини ҳам тарғиб қилмоқдалар... Бизнинг мусулмонлар орасида ҳозир бизга энг зарарли панисломизм ғояларининг кенг тарқалганлиги ва бизнинг зиёлиларнинг ислом билан мутлақо нотаниш бўлганлиги туфайли турк эмиссарларигина эмас, бизнинг татарлар ҳам шариатни билмайдиганларга ҳар хил бемаъни, нотаниш йўллар билан, матбаа орқали ва бошқа тадбирларни қўллаб, бизнинг ҳукуматга ва бизнинг жамиятга исломни ғайридиндагиларга қарши, умуминсоний тараққиёт ғояларига бемурса эканлигини исбот қилиш тасаввурини тарқатиши хавfli». Духовский таърифича, айрим маҳаллий Тошкент китобфурушлари панисломизм ва пантуркизм ғояларини ҳамда Туркия қудратини кўкка кўтариб мақтайдиган адабиётларни яширин равишда тарқатганлар. Бундай ғояларни ташвиқот қилишда айниқса сўфий мазҳаб вакиллари — шайхлар, эшонлар ва уларнинг кўп сонли муридлари фаолият кўрсатганлар.

Сўфизм ўз издошларида ниҳоятда кучли диндорлик ва фанатизм туйғуларини, пирига қатъиян бўйсуннишни ва ўз иродасидан тўла кечишни тарбиялаган. Сўфийлар даврасида тарқалган иборага биноан «му-

рид ўлик ювручи қўлидаги мурдага ўхшаши керак». Шунинг учун ҳам мусулмон руҳонийлар минглаб итоат-гўй издошлари — муридлари билан қудратли кучга эга бўлганлар. Ўзбекларнинг маиший-турмушини жиддий ўрганган олим Н. Маллицкий таърифича, йирик эшонлар минглаб издошларини шаҳарларда, айниқса паст табақалар орасида топганлар. «Ҳозирги даврда, — деб ёзган эди у ўтган аср охирларида, — мусулмон давлатларида сўфийлик халқнинг маънавий-ахлоқий ҳаётига раҳнамо кишилар ҳисобланади». Шунинг учун қудратли ғоявий оқимга айланган сўфизм ижтимоий-сиёсий ҳаётгагина эмас (айниқса ҳонликларда), балки халқнинг бутун маиший турмуши ва маънавий ҳаётига ҳам зўр таъсир ўтказган.

Уша даврдаги ижтимоий оннинг таркибий қисмига айланган Урта Осиё сўфизмининг ўзига хос хусусияти унинг ниҳоятда синкретик характерга эга бўлиши, яъни унда турли фалсафий таълим элементлари, ортодоксал исломнинг асосий ақидалари ва маросимлари, ҳар хил қадимий маҳаллий диний эътиқод, ибодат ва ғояларнинг аралашиб кетганлигидадир. В. П. Наливкиннинг таърифича: «Тасаввуф (сўфизм, европаликлар тилида — дарвишизм ёки муридизм) мазҳаб сифатида юзага келиб, исломнинг биринчи асарларида унга зид ва қарама-қарши бўлган. Чунки ислом жиддий монотеизмни тарғиб қилса, сўфизм кенг маънодаги пантеизм тарафдори. Ундан ташқари, сўфизм мистик йўналиш сифатида ўз издошларига Қуръон инкор қиладиган христианлик ва буддизм таъсирида пайдо бўлган дайди дарвишлик ва зоҳидликни тавсия қилади».

Сўфизм мафқураси ва ибодати аслида пантеистик характердаги таълимот бўлиб, генетик жиҳатдан анимизм, шаманийлик, сеҳргарлик ва дуохонлик каби ибтидоий эътиқодлар билан узвий равишда боғлиқ бўлган. Масалан, арвоҳлар билан мулоқот қилиш шаманийликдаги сингари баланд чўзиқ овоз чиқариб диний шеърлар ва Қуръон сураларини ўқиб зикрга тушиш орқали амалга оширилган. Зикр маросими кўпчилик орасида иштирокчилар, томошабинларга қизиқарли ва эмоционал жиҳатдан таъсирчан усулда ўтказилган ва шуидай қилиб уларнинг диндорлигини анча кучайтирган ҳамда мустаҳкамлаган. Театрлашган бу маросимга асосан эзилган меҳнаткаш аҳоли қатнашган.

Сўфизм ғояларини тарғиб қилишда ёзма адабиётдан ташқари ҳар хил оғзаки ижод жанрлари — эртак, афсона, ривоят, эпик асарлар, мақол ва масаллардан ҳам кенг фойдаланилган. Сўфий шоирлар ва ислом назариётчилари яратган кўплаб афсона ва ҳикояларда, дoston ва эртакларда дунёвий лаззатлардан кечган, ammo кучли, иродали ва худога яқинлиги туфайли қудратли пиру авлиёлар, саҳий дарвишу девоналар куйланган. Бундай асарларда пирига садоқатли шахслар доимо бахтга эришади, мурод-мақсадига етади, унинг дуоסי билан турли ғояларни ва қийинчиликларни енгиб чиқади, бўйсунмай ўзбошимчалик қилганлар эса, аксинча, шармандаларча ҳалок бўлади, дейилади. Бадий тасвирланган мазкур образлар ё саҳрода ташналикда ўлаётган мусофирни қутқаради, ё душманлардан шаҳарни ёки мамлакатни озод қилади, ё адолатсиз подшони ёки ёлғончи судхўрни қаттиқ жазолайди. Бундай ижод маҳсулотлари шубҳасиз меҳнаткаш оммани ижтимоий зулм шароитида анча овутадиган муҳим восита бўлган.

Диний адабиётни, мусулмон афсоналари ва ривоятларини, авлиёлар тўғрисидаги турли тўқималарни халқ орасида ташвиқот қилувчи махсус оғзаки профессионал ҳикоячилар — маддоҳлар меросий касб эгаси бўлган. Ислом ташвиқотчиларидан Қуръонни ёддан биладиган қорилар (одатда кўзи ожиз кишилардан) ҳам махсус мактабларда — қорихоналарда яшаб таълим-тарбия олганлар. Улар қорибоши раҳбарлигида Қуръон сураларини (айримлари бутун Қуръонни) ёдлаб, қироат билан ўқиш санъатини эгаллаб, турли диний оилавий-маиший маросимларга, жанозага ва бошқа оилавий урф-одатларга таклиф қилинганлар.

Кенг омма орасида эшонларга сиғиниш шунчалик кучли бўлганки, улар ўлгандан кейин авлиё даражасига кўтарилиб, образлари турли афсона, ҳикоя ва ривоятларга кирган, сўфий шоирлар ижодида куйланган, уларнинг устав (рисола)ларига кирган. «Паст табақадаги сартлар, айниқса ҳунармандлар, — деб ёзади Н. Маллицкий, — ўз касбларининг «пирлари» деб мусулмон оламида қачонлардир дунёдан ўтган «машхур» авлиёларни тилга оладилар. Сартлар орасида умуман ахлоқий жиҳатдан бош бўладиган айрим чинакам авлиё, кароматли донишманд эшонлар бор, лекин кўпчилик эшонлар мурид қалбли эмас, балки пул овлайди-

ган ёлгончи ва мунофиқ шахслардан иборат, деган тушунча тарқалган». Бу фикрни тасдиқлайдиган намуналар халқ ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

Касал даволайдиган дуохонлик қилувчи эшонлар махсус тоифани ташкил қилган. Улар асосан оилавий турмуш билан алоқада бўлиб, оилавий-маиший муносабатларга таъсир қилган, айримлари таъмагирлик, ахлоқсизлик, ножўя хатти-ҳаракатлари билан ёмон ном қолдирган, Бедил, Машраб, Муқимий, Мунис Хоразмий, Аваз Утар ва бошқа демократ ёзувчи ва шоирларнинг асарларида мутаассиб, чирик, эски ижтимоий ва маиший ҳаётнинг барча иллатлари, феодал жамиятнинг малайлари ҳисобланган хурофотчи сўфий эшонларнинг кирдикорлари ва найранглари фош этилади, қаттиқ танқид қилинади.

Аҳолининг оилавий-маиший муносабатларига кўп сонли авлиёлар ва муқаддас жойлар ҳамда уларда хизмат қилувчи махсус руҳонийлар — шайхлар катта таъсир ўтказган. Кўпчилик шайхлар ўзларини ушбу мазор ёки авлиёда дафн қилинган шахснинг авлоди деб ҳисоблаган. Ҳар бир муқаддас жой муайян касалликларни даволайдиган авлиё сифатида «мутахассислашган», яъни у ерларда муайян касалликларни «даволайдиган» махсус авлиёлар бўлган. Меҳнаткаш халқ но-донлиги туфайли турли ижтимоий зулм ва сон-саноқсиз офат келтираётган ҳар хил касалликларнинг сабабини билмаслигидан сохта хурофий даволаниш усулларига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Ушбу мазор ёки муқаддас жой тўғрисидаги афсона ва ривоятлар муҳим маънавий қуллик воситаси сифатида руҳонийлар ва ҳокимлар томонидан тўқилиб кенг тарқатилган.

Шундай қилиб, октябрь тўнтаришидан олдин ислом дини маҳаллий аҳоли ижтимоий ва оилавий ҳаётининг бутун ҳужайраларига сингиб кетиб, бир томондан, эски қолоқ турмуш ва оилавий-маиший муносабатларнинг барҳам топишига тўсқинлик қилса, иккинчи томондан, тафаккурда мутаассиблик, турмуш тарзида консерватизм ва биқикликни сингдириб, ҳаётда замонавий, янгича, баъзан фойдали нарсаларнинг тарқалишига ва янгиликларни ўзлаштиришга қарши чиққан. Асрлар давомида ўрнатилган диний қоида ва расм-русмлардан ҳар қандай чекиниш жиноят деб ҳисоблаган ислом фақат маиший турмуш ва маданият-

нигина эмас, ҳатто иқтисодий тараққиётни ҳам маълум даражада чеклаб қўйган.

Шунинг учун миллий буржуазия вакиллари — жадидлар эски мактабни ислоҳ қилиш ва бошқа айрим янгиликлар киритиш ташаббуси билан чиқа бошлаган. Бундай интилишлар фақатгина ўқитиш усулига тааллуқли бўлса ҳам, асл моҳияти билан маҳаллий аҳолининг маданият ва турмуш соҳасидаги ўзгаришларга муҳтож эканлигини ифодалайдиган тadbирлар эди. Туркистон жадидларининг бошлиғи М. Беҳбудий бундай деб ёзган эди: «Бизлар ҳозирги маданият асосида мактаблар, устахоналарни ва бошқа эски турмуш билан боғлиқ соҳаларни ислоҳ қилишимиз зарур». Унинг фикрича, маориф соҳасидаги ислоҳот феодал-маиший турмушни тубдан ўзгартириб, маҳаллий буржуазиянинг «нормал» ўсишига имкон яратиб беради.

Миллий буржуазия янги шароитда халқ оммасининг маърифатга интилишини сезиб, ғоявий таъсир воситаларини ўз қўлига олиш мақсадида ўзларини янгилик тарафдори қилиб кўрсатишга интилган. Миллий буржуазия мафкурачилари — жадидлар ўз газетасини чиқара бошлаган, у орқали фан ва исломни яқинлаштиришга интилиб, пантуркизм ва панисломизм ғояларини тарғиб қилганлар, халқни чоризмга қарши чиқишдан огоҳлантирганлар. Биринчи рус инқилобининг тарқалишидан қўрққан жадидлар рус империалистик буржуазияси билан бирлашиш ва чоризм билан иттифоқ тузиш йўллари ахтара бошлаган эди.

М. Беҳбудий ислом ақидаларининг иқтисодий ва мафкуравий заминида буржуазия партиясини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқади. Жадидлар пантуркизм ва панисломизм шиорлари остида бутун мусулмонларни бирлаштирувчи ягона мусулмон партиясини чоризмга ва рус империалистик буржуазиясига қарши курашиш учун эмас, балки меҳнаткашлар орасида марксистик мафкуранинг тарқалишига қарши ташкил этишни мақсад қилганлар. Бундай биринчи сиёсий ташкилот 1917 йили март ойида Тошкентда «Шўрои исломия» номи билан пайдо бўлган ва унинг теварагида маҳаллий феодал-клерикал ва буржуазия элементлар бирлашган.

Темир йўл транспортининг пайдо бўлиши, тош йўл ва ободонлашган рус шаҳарчаларининг қурилиши,

қишлоқ хўжалигида баъзи рационал усуллар ва янги экинларнинг жорий қилиниши, деҳқончиликда ва хўнармандчиликда анча такомиллашган қурулларни ишлатиш каби ўзгаришлар маҳаллий халқларнинг хўжалик-маданий ривожига ва маиший турмуш тарзига аста-секин ижобий таъсир кўрсата бошлаган. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Жиззах каби шаҳарларда бой табақа вакиллари рус турар жой иншоотларига ўхшаш ёғоч полли ва кўчага қаратилган ром деразали уйлар қура бошлаган. Айрим хонадонларда ёғ чироқ ўрнига керосин лампалар, сандал ўрнига голландча чўян печкалар, самовар, тикув машинаси, европача идиш-товоқлар, каравот, стол ва стуллар, рус завод ва фабрикаларида ишланган қайчи, игна, темир сирли идишлар, газлама ва бошқа буюмлар пайдо бўлган. Маҳаллий аҳолининг кийим-кечагида ҳам анча ўзгаришлар рўй берган: камзул ва тик ёқали кўйлақлар, бешмет ва резина калишлар, эчки чармли маҳси ўрнига американча фабрика чармидан тикилган лакли этиклар даставвал бой табақалар, кейин бошқалар томонидан қабул қилинган.

Ўзгаришлар фақат моддий-маданий соҳадагина эмас, халқ оммасининг онгида ҳам рўй бера бошлаган. Илғор рус маданияти маҳаллий аҳолининг оилавий муносабатларига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Айниқса рус аёл врачларининг туб аҳоли билан яқиндан алоқада бўлиб, уларнинг ички ҳаётига кириб, мусулмон оилаларини янги турмушга қадам ташлашга йўл очиб берганлиги диққатга сазовор.

Аерлар давомида жабр-зулм, оғир ҳаёт, қашшоқлик ва нодонликда яшаб келган кенг меҳнаткаш омма турли ижтимоий касалликларга ҳукм қилиниб бевақт ўлим ва бедаво қирғинликлар туфайли жуда қисқа умр кўрган. Хурофот тўрига чулганган беморлар ҳар хил касалликларни даволашга «ихтисослашган» турли «муқаддас» жойлар — авлиё-анбиёларга, асосан хурофий йўл билан даволайдиган табиб, фолбин, ромчи, бахши, шайх ва муллаларга мурожаат қилишга мажбур бўлганлар. Бундай «шифокорлар» фол очиб, «арвоқлар» ва «парилар» билан «сўзлашиб» турли тумор ва дуолар ёзиб, беморни ҳар хил авлиёларга рўпара қилиб, баъзан зикр тушиб, савалаб даволаганлар. Авлиё «урган» бемор касалликдан қутулиши учун ўша авлиёнинг арвоҳини хурсанд қилиш мақсадида худойи аташи ва

диний маросимларга риюя қилиши зарур деб тушунтирилган.

Ўлимнинг кўплиги аҳолининг нодонлигини кучайтирган. Халқ шифо ахтариб хурофий ва ибтидоий усулда даволайдиган табибларга, бахши, фолбин, дуохон, эшон-муллаларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Улар сеҳргарлик йўли билан ишлатадиган кўчирик, кинна, ром очиш, амал, дам солиш, азойимхонлик, тумор тақиш, авлиё-анбиёлар тупроғи, «муқаддас» сувлар каби даволаш усуллари кенг тарқалган ижтимоий касалликларни тугата олмас, Ўлим сонини камайтирмас эди, албатта.

Адолат нуқтаи назаридан шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, совет даврида тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Айниқса урушдан кейинги йилларда соғлиқни сақлаш масаласи биринчи даражали вазифага айланди. Ҳозир мустақил Ўзбекистонда нафақат тиббиёт соҳасида, балки маънавий маданиятнинг барча соҳаларида янги мафкура яратиш мақсадида жиддий ҳаракатлар бошланиб, унинг бош ғояси инсон тақдири, унинг фаровон ҳаёти билан боғлиқдир.

Энг қадимий даврлардан Шарқ мутафаккирлари инсон мавқеини ниҳоятда улуғлаб келганлар. Уни жамият моҳияти билан боғлаб шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, инсон фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизимида эканлигини алоҳида қайд қилганлар. Инсон моҳияти масаласини унинг маънавий дунёсининг ўзаро узвий боғланган ҳуқуқ, адолат, бурч каби умуминсоний қадриятлари орқали тўғри идрок этиш мумкин. Улуғ донишманд Умар Хайём маънавий тараққиётнинг марказида доимо инсон тақдири ва камолоти ётади, деб алоҳида қайд қилган эди. Унинг таърифича, «дунёнинг тилаги, самари ҳам, ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам, тўғарак жаҳонни узук деб билсак, шаксиз, унинг кўзи — гавҳари ҳам инсондир». Жамиятнинг пойдевори ахлоқий поклик ва ҳақиқат, адолатни эса оламнинг тожи деб ҳисоблаган ажойиб мутафаккир Носир Хисрав ўзининг жўшқин шеърларида инсон ақл-идрокини, меҳнати, одоби, истеъдоди ва эркини ниҳоятда улуғлаб нодонлик ва зўравонликни, ёвузлик ва хурофотни, зулм ва адолатсизликни аёвсиз қоралайди.

Инсон камоли муайян эътиқод, орзу-умидга таянган, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган шахс эркинлиги-

нинг ривожи, унинг онгли ва эркин ижодий фаолияти билан узвий боғлиқ. Ўзбекларда «ноумид шайтон» деб бежиз айтилмаган. Ҳаётда яхши орзу-ниятлар, эзгу умидлар, бахт-саодат, адолат ва ҳақиқат, тинчлик ва фаровонлик даставвал ҳалол меҳнат, фаол ижод орқали рўёбга чиқиши мумкинлигини, шахс эркинлиги билан боғлиқлигини, уларсиз ижтимоий тараққиёт бўлмаслигини тарих исботлаган. Эркин шахс яшаш мақсадини, жамиятда тутган мавқеини тўғри аниқлаб олишга, ўз ақл-идроки ва куч-ғайратига, эътиқоди ва виждонига таяниб, ҳалол меҳнат ва фаолият билан турмуш шароитини яхшилашга интилади. Аммо кишилар орасида эркисиз ва иродасиз шахслар ҳам борки, улар турмуш қийинчиликлари олдида ожиз бўлиб, ахлоқсизлик ва нодонлик тўрига тез илинадилар. Барча ифлос сарқитлар шундай ожиз, бўш, лапашанг, қўрқоқ, нодон кишиларга ёпишади. Халқимизда «ориқ отга чанг юқар» дейилганидай, барча ёвуз ниятли шахслар айниқса ижтимоий ўзгаришлар пайтида ўзини намоён қилади.

Бизнинг ёш мустақил республикамиз янги жамият қуришга киришди. Аммо бундай тарихий жараён ниҳоятда оғир мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда ўтмоқда. Совет Иттифоқи бир зумда парчаланиб, деярли унинг ҳамма ерида нафақат иқтисодий ва маънавий қашшоқлик, балки ёвузлик ва тўқнашувлар, зўравонлик ва қон тўкишлар, кутилмаган зиддиятлар ва ижтимоий оқибатлар халқларни гаранг қилиб қўймоқда. Афсуски, бундай жараённинг қудратли тўлқинида даҳшатли ахлатлар, хатарли чиқиндилар ҳам қалқиб чиқмоқда. Улар айрим пайтларда ўзларининг ёвуз ниятларига етишга, ўз ҳукмини ўтказишга, турли шиорлар ва ниқоблар билан мустақиллик туфайли эришган демократик қонуний давлатга доғ туширишга интилмоқдалар.

Шундай мураккаб бир вазиятда конституцион давлат ўз кучини кўрсатиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, конституцион тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган шахслар ва жамоа ҳаракатлари қонундан



ташқари бўлиши лозим. Конституциямизда ҳурфикр-лилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилганлиги ҳам бежиз эмас.

Албатта, бундай ниҳоятда мураккаб ва оғир бир шароитда тараққиёт қутилмаган томонга йўналиши, ижтимоий оқибатлар яратиши мумкин. Бундай ижтимоий оқимнинг қудратли тўлқинида халқимизнинг ва ҳар бир шахс, фуқаронинг иродаси, сабр-тоқати, кучи ва ақл-идроки катта синовдан ўтади. Омма қанча донолик ва ақл-заковат билан иш тутмасин, унинг умидорзулари, эътиқоди, диёнати ва ишончини инobatга олиб, уни оқлайдиган сиёсат ва амалий тадбирлар ўз вақтида бажарилмаса, уларнинг моҳияти инсон онги ва қалбига етказилмаса, албатта, ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар юз бериши мумкин. Катта сиёсатда буни доимо инobatга олиш зарур.

Ачинарли томони шуки, сиёсатда ва амалий фаолиятда бизлар ё ўнг, ё сўлга чекиниб, ўзимизни ўзимиз қоралаб, тарихни сохталаштира бошладик. Наҳотки, 70 йил давомида ҳеч қандай ютуқларга эришмадик, кечаги кунимизни бутунлай унутиб, фақат қанча қурбонлар билан қўлга киритган ғалабаларни бир гуруҳ қонунбузар, ёвуз ҳукмдорларнинг хатосини рўкач қилиб, тарихий ютуқларимизни бутунлай ўчириб ташласак? Ўзбек элида «Агар чўпондан чиқиб подшо бўлсанг ҳам, уйнинг тўрига чоринггни осиб қўй», деган ибора бор. Бунинг маъноси кимлигингни ҳеч вақт унутма деганидир.

Ўтмишда ва ҳозир ҳам маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми ҳисобланган ислом динимизнинг, албатта, хулқ-атворимизни, анъанавий турмуш тарзимизни мустаҳкамлашда хизмати катта. Аммо катта сиёсат, давлат ишларида замонавий халқаро муносабатларни самарали бошқаришда умуминсоний дунёвий қонун-қоидаларга риоя қилиш давр талабидир. Шунинг учун янги Конституциямизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб ёзилиши жуда ўринли ва замонавий руҳдаги қоидадир.

## МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ ВА ГУЗАЛЛИК

Ўзбек халқининг миллий маданияти узоқ тарихий даврни қамраб олади. Шарқ мамлакатлари ичида энг қадимий ёзув намуналарини ўлкамизда яшаган аж-додларимиз яратганлиги фанда аниқланган. Хоразм тупроғида жойлашган Қўйқирилган қалъа харобалари-дан топилган сонол идишларга ўйиб ёки тушь билан битилган аромей типигаги ёзув эрамиздан аввалги IV—I асрларга оиддир. Бундан ташқари хоразмшоҳ-лар пойтахти Тупроққалъада кашф этилган эрамизнинг III асрига мансуб архив ҳужжатлари, Нисодан топил-ган ҳамда эрамиздан аввалги I асрга оид Парфия ар-хиви ҳужжатлари ўрта осиеликларнинг илк антик за-мондаёқ саводли бўлганлигини исботлайди. Афсуски, коммунистик мафкуранинг «қудратли» кучини ва со-циалистик тузумнинг «афзаллигини» кўрсатиш учун яқин даврларгача Ўрта Осие халқлари, шу жумладан ўзбеклар ҳам бутунлай саводсиз бўлган, деган фикр-лар илгари сурилди. Халқ маорифи тарихига оид бар-ча адабиётларда бу гоё ҳукмрон бўлиб қолди. Ваҳ-ланки, совет тузумидан илгари бутун элат оқсуяк зода-гопларга хос ёки дунёвий билимларга эга бўлмаса-да, кўпчилик аҳоли ёзиш-ўқишни билган. Айниқса шаҳар аҳли (уларнинг асосий қисми хунармандлар, ишбилар-мон ва савдогарлар)нинг кўпчилиги саводли ва ўқи-мишли бўлган. Бунга ёрқин далиллардан бири барча қишлоқ ва маҳалла мачити қошида савод чиқаради-ган бешланғич мактаб мавжудлиги, ҳар бир касб-ҳу-нар эгаси ва савдогарининг ўзининг ёзма рисоласи (устаи)га эга бўлганлиги, катта-кичик шаҳарларнинг бозорларида ҳатто китоб сотиладиган раста ёки дўкон-ларнинг бўлганлигидир. Демак, бизнинг миллий маъ-навий маданиятимизнинг тарихи ниҳоятда узоқ давр-ларга оид ва кенг тарқалган ёзувли маданият анъана-ларига эга, халқимизнинг азалдан юксак маданият яратган, жаҳон фанини бойитган, сон-саноксиз билим-дон фарзандлар етиштирганлиги тарихдан аён.

Барча замонларда ҳар бир жамиятнинг бош омили дунёдаги энг олий мавжудот бўлган инсон ҳисоблана-ди. Инсон моҳияти жамият моҳияти билан боғлиқ шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, у фаолият кўр-сатаётган ижтимоий муносабатлар тизимида. Инсон

моҳияти масаласини унинг маънавий дунёси ўзaro узвий боғланган жамият билан бирга, ўзга шахслар ва муҳит, умуман инсон маданияти билан бевосита алоқадор эканлигини аниқлаш орқали тўғри тушуниш мумкин. Инсон ўз халқининг фарзанди сифатида фақат жамият яратган ва яратаётган моддий ва маънавий бойликлар таъсири остидагина эмас, балки ўша муносабатлар мажмуи сифатида, ўз миллати ва халқи олдидаги фуқаролик бурчини адо этиш орқали намоён қилади. Ҳар бир миллат аъзоси ўзининг моҳияти ва ролини оламни билиш, ўтмиш сирларини ўрганиш, эски хатоларни бартараф қилиб, янги ҳаёт бунёд этишда тўхтовсиз изланишлар, жиддий курашлар орқали аниқлаб олади. Утмиш хотираси маънавий ва маданий тараққиёт учун муҳим омиллардан бири бўлса, асрлар давомида тўпланиб келган тажриба инсоннинг камол топишида, элат ва халқнинг тарихий ривожига энг зарур замин ҳисобланади. Ахлоқий камолот фақат маънавий бойликларда, амалий бунёдкорлик фаолиятида, ижодий меҳнатда намоён бўлади ва унинг миллий руҳиятида ифодаланади.

### МАЪРИФАТ ВА ИЛМ-ФАН

Маънавий маданиятнинг негизини ташкил қиладиган илм-маърифат, унинг даражаси ва таъсири ҳар бир даврнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми билан белгиланади. Урта Осиё капиталистик муносабатлар гирдобига тортилишидан илгари бу ерда феодал-патриархал тузум тўла ҳукмрон бўлган, унга хизмат қилувчи устқурма бутун маънавий ва маданий ҳаётни белгилаган. Улкамизнинг яқин ўтмишида ҳукм сурган ижтимоий тузум ўзига хос маориф тизимини яратди. Бу тизим асли асрлар давомида шаклланиб келган феодал-патриархал тузум негизини мустаҳкамлаш ва унга мос ижтимоий муносабатларни қарор топтиришга, шахсни ўз замони руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган кўп тармоқли аппаратнинг таркибий қисми эди. Мазкур тизим бир неча хилдаги диний таълим ва араб ёзувини ўрганувчи бошланғич мактаблар, Қуръон сураларини ёдлаб овоз чиқариб ўқишга ўргатадиган қорихоналар, ўрта ва олий типдаги мадрасалардан иборат бўлган.

Хонликларда ва чор Туркистондаги ҳар бир қиш-

лоқ ва шаҳардаги мачитларда диний бошланғич мактаб бўлган. Унда ўғил болаларга ўқиш мажбурий ҳисобланган. 1894 йили Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 3500 та эски мактаб ва мадраса бўлган бўлса, уларнинг сони биринчи жаҳон уруши арафасида 5300 га етган. Бухорода 200 та мачит, Туркистон ўлкасининг учта вилоятида эса 12 мингга яқин мачит бўлган. Бошқа маълумотларга қараганда, 1899 йили губернаторликка оид Туркистоннинг уч вилояти (Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона)да 4632 та мактаб бўлган. Бутун Туркистондаги мактабларда ҳаммаси бўлиб 44773 бола ўқиган, яъни ўрта ҳисобда ҳар бир мактабда ўқиган болаларнинг ўртача сони ўнтадан ошмаган. Истеъдодли болалар ўқиш-ёзишни билгач, билим доирасини оширишга интилиб ўқишни мадрасаларда давом қилдирган ёки ажнабий мамлакатларга бориб таълим-тарбия олиб келган. Маҳаллий мактабларда диний китоблардан ташқари хаттотлик (қаллиграфия), арифметикадан билим берилган. Ўқиш муддати ўртача 7—8 йилга етган. Умуман, Туркистон ўлкасида (хонликларсиз) ўтган аср охирларида, статистик маълумотларга қараганда, 5 мингдан ортиқ мактаб қайд қилинган. Айрим шаҳарларда махсус ўқитувчи (мактабдор)лар шахсий мактаблар очганлар, баъзи бойлар уй мактабига ҳам эга бўлганлар. Домлалар болаларга ўрта аср руҳида таълим берар эдилар. Мазкур бошланғич мактабларда алифбе ўрнида тушь билан ҳарфлар ёзилган махсус тахталар бўлган, унда ҳарфлардан ташқари сўз бўғинлари ёзилиб ёдланган, кейин китоб ўқишга ўтилган.

Атоқли ўзбек олими Т. Н. Қори-Ниёзий хотираларида таърифланганидек, мактабда ўқиш муддати аниқланмаган, ҳар бир бола ўз лаёқатига қараб таълим олган. Унинг таърифича, дастлабки сабоқ «Ҳафтияк» (Қуръоннинг еттидан бир қисмидан иборат арабча китоб)дан бошланиб, унинг маъносига ҳеч ким тушунмас эди. Кейин савол-жавоб тарзида ёзилган диний ақидалар баён этилган форсча «Чор китоб» ўқитилган, ундан сўнг баъзи болаларга авлиё-анбиёлар ва худони мақташга бағишланган ўзбек тилида ёзилган «Сўфи Оллоёр» ёки «Хўжа Хофиз» шеърлари ўқитилган. Т. Н. Қори-Ниёзийнинг ёзишича, шу тариқа ўргатилган сабоқларни жойларида ўтирган болалар овоз билан қичқириб такрорлар ва мактабда доимо шовқин

бўларди. Домла эса буни кузатиб борар, бола шўхлик қилса уни бақириб огоҳлантирар ва бунинг билан тийилмаса, унга қаттиқ танбеҳ берарди. Агар у ҳам таъсир қилмаса, энг оғир жазо — «фалоқ»га осиларди. Фалоқ тақрибан бир метр узунликдаги ёғоч бўлиб, ундаги ўйилган иккита ҳалқасимон тешикдан арқон ўтказиб, боланинг икки оёғини ҳалқага солиб бураб осмон ҳалқа қилинган. Домланинг амри билан икки ҳалифа (катта пешқадам шогирдлар) гуноҳкор бўлган боланинг оёғини ҳалиги икки ҳалқадан ўтказиб баланд кўтариб туради... Шу ҳолда домла калтак билан боланинг товонларини савайлай бошлайди.

Ўғил болаларнинг бошланғич мактабларда ўқиши мажбурий бўлса, қизлар ота-онасининг розилиги билан ўқиши мумкин бўлган. Улар учун айрим махсус уй мактаблари мавжуд бўлиб, уларда саводли аёллар, одатда мактабдор ёки имомларнинг хотинларидан чиққан отин-бибилар дарс берганлар. Бундай мактаблар айниқса Фарғона водийсида кўп тарқалган.

Махсус мактаб бинолари фақат Бухорода бўлган, улар айрим маҳаллаларнинг мачитига яқин жойдаги эски иморатда жойлашган. Баъзи ерларда мактаб учун мачит биносидан бир хона ажратилган. Ўқувчилар чипта ёки бўйра тўшалган ерда ўтирганлар, айрим мактабларда ўтиришга қулай ўра қазилган. Кўп жойда ғишт ва лойдан қурилган, ёғоч ёки тахтадан ясалган махсус китоб кўядиган буюм бўлган.

Олий ва ўрта таълим ўчоғи ҳисобланган мадрасалар асосан руҳонийларни, ўқув юртлари учун домлаларни, қозиларни ва идора ишлари учун мирзаларни тайёрлаб етиштирган. Бир вақтлар, айниқса Ўрта асрларда Шарқнинг Уйғониш (Ренессанс) даврида жаҳонга буюк сиймоларни етказиб берган мадрасалар кечки феодализм ва мустамлака даврига келиб анъанавий дунёвий илмларнинг кўпчилигини сиқиб чиқариб, асосан илоҳиётни ўқитишга ўтган. Бундай ҳолларни кўрган Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларидан бири Мирза Бедил: «Мадрасаларда энди зиё чироғи сўнди..., миясиз аҳмоқлик даври келди», деб замонидан додфарёд қилиб куйиб ёзган эди.

Мадраса бинолари анча ҳашаматли бўлиб пишган ғиштан қурилган, кўпчилиги кошинлар билан безатилган. Улар одатда икки қаватли бўлиб, кичкина ҳужралар ва дарсхоналардан иборат. Ҳар бир мадра-

са ўзининг мачити ва таҳоратхонасига эга бўлган. Катта шаҳарларда ўнлаб мадрасалар жойлашган. Масалан, йирик маърифат маркази ҳисобланган Бухорода 200 га яқин мадраса бўлиб, унинг кўпчилигида мулла-ваччалар (талабалар) яшаган. Ҳар бир мадраса ҳужрасининг эгаси уни сотишга ҳақли бўлган. Хужрага эга бўлган муллавачча ўз истаги билан мударрис танлаган. Кичик мадрасаларда битта, катталарида бир неча мударрислар бўлган. Масалан, Бухородаги Кўкалдош мадрасасида битта, Улуғбек мадрасасида доимо икки мударрис таълим берган. Мадрасалар ўз ер мулкига — вақфларга эга бўлган. Мударрисларнинг сони ўқитиладиган дарслар билан эмас, балки вақф ҳажми, яъни ундан келадиган даромад билан белгиланган. Жанубий Фарғонада мактаблар ҳам ўз вақфига эга бўлган. Утган аср охирларида бутун вақф ерларининг ярмиси мадрасаларники ҳисобланган.

Чоризм мустамлакаси даврида халқ маорифи соҳасида бир оз ўзгаришлар рўй беради. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб диний мактаб ва мадрасалар кўпчиликни ҳосил қилса-да, аста-секин янгича услубдаги дунёвий ўқув юртлари юзага кела бошлайди. Дастлаб ўзбекларнинг айрим қисми рус мактабларида таълим олиб, ўрта маълумотга эга бўлади. Бундайлар жуда оз бўлган. 1885 йилларда пайдо бўла бошлаган рус-тузем мактаблари қисқа муддат ичида маҳаллий аҳоли диққатини ўзига жалб қилади. Октябрь тўнтарыши арафасида рус-тузем мактабларида икки мингга яқин ўзбек болалари таълим олган. Рус тилини ўрганиш мақсадида ўша даврда катталар учун махсус мактаблар ва кечки курслар очилган. 1885—1916 йиллар давомида мазкур курсларни тугатганлар сони 2—3 мингга етган. Тошкент ва Қўқон мадрасаларида рус тили ўқитила бошлаган.

Албатта, бундай тадбирлар мустамлака маъмурияти ҳамда маҳаллий ва рус капиталистларига зарур амалдорлар ва хизматкорлар етказиб бериш мақсадида амалга оширилган. Мазкур тадбирларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар мустамлакани идора қилиш мақсадида рус капитали манфаати нуқтаи назаридан амалга оширилганлигини жуда кўп ҳужжатлар тасдиқлайди. Масалан, Туркистон генерал-губернатори ташаббуси билан уюштирилган Халқ маорифини ташкил қилиш махсус комиссияси олдига шундай вазифа

қўйилган: «Улкада халқ маорифи масаласини ҳал қилишдан асосий мақсад уни русларнинг манфаатларига хизмат қилдиришдан иборат». Аммо мустамлака ҳокимияти диний тусдаги эски ўқув юртларининг фаолиятига мутлақо аралашмай уларни ўзича қолдирди, маҳаллий болалар билан рус болаларини қўшиб ўқитиш асли руслаштиришга қаратилган. К. П. Кауфман таърифича: «...босиб олинган ўлкани ассимиляция қилишда жиддий манфаатдор» православликлар ва мусулмонларни «Россияга тенг фойда келтирадиган фуқаролар қилиб тайёрлашдан иборат» бўлган. Лекин туб аҳоли болаларини янги мактабларга жалб қилиш анча чекланган. Кейинчалик чор ҳокимияти бутун маориф соҳаларига, шу жумладан эски мактаб ва мадрасаларга ҳам ўз назоратини кучайтирган. Шу билан бир қаторда, рус мактаб таълими ва мусулмонча ўқув усулини ўзида мужассамлаштирган рус-тузем мактабини очишга қарор қилинган эди. Генерал-губернатор «ҳукумат маҳаллий мактаб ва мадрасаларни, янги услуб деб номланган мактабларни ҳам ўз қўлига олиб, улардан туб аҳоли орасида бизга мақбул ғояларни тарқатувчи восита сифатида фойдаланиш зарур», деб очиқ-ойдин мустамлакачилик мақсадини ифода этган эди.

Биринчи рус-тузем мактаби 1874 йили Чимкент шаҳрида очилган. 1913 йилга келиб рус-тузем мактабларининг сони 167 тага етган ва унда етти минг (тўрт юзга яқин ўқувчи таълим олган. Уларда 6969 та ўзбек ва бошқа маҳаллий халқ вакиллари ва 346 рус ўғил болалари ҳамда 13 та рус қизи ўқиган. 1916 йили бундай мактаблар сони 212 тага етган. Рус-тузем мактабларида ўқитиш усули эски мактабларга нисбатан анча устун турса-да, асосий таълим маҳаллий аҳоли болаларини кенг билимдон қилиб тарбиялаш эмас, балки фақат рус тилини эгаллашга қаратилган эди. Умуман, рус-тузем мактабларида таълим олаётган маҳаллий халқ болалари дунёвий рус мактабларига қараганда анча паст билимли, мактаб ёшидаги болалар сонига нисбатан жуда ҳам кам жалб қилинган эди.

XX аср бошларида чор ҳокимияти янги очилаётган барча мадрасаларда рус тили ўқитишни мажбурий қилиб киритган. Ўзбек рус-тузем мактабларида эса рус болалари учун ўзбек тилидан дарс киритилган. 1883 йили Тошкент шаҳар ўқув юртида, 1901 йилда Шарқ-

шунослик жамияти қошида ўзбеклар учун махсус рус тилини ўрганиш курслари очилган.

Рус-тузем мактаблари учун махсус дарсликлар — «Ўқиш китоблари» тузилган бўлиб, унда табиат, одамлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳаётидан энг оддий бошланғич маълумотлар, рус адабиёти классиклари — Пушкин, Лермонтов, Крилов, Толстой, Некрасов ва бошқаларнинг қисқача шеър ва ҳикоялари, масал ва эртаклари келтирилган. Айниқса С. Граменецкийнинг 1898—1899 йилларда нашр этилган учта дарсликдан иборат «Ўқиш китоблари» ва «Мисол ва масалалар тўплами» қўлланмасидан кенг фойдаланилган.

Ўзбекча биринчи дарсликни тошкентлик Саидрасул Азизий (Саид Азизов) яратган. Унинг «Устоди аввал» номли қўлланмаси даставвал 1900 йилда нашр этилиб, кейинчалик қисқа муддат ичида 17 марта босилиб чиққан. Азизий эски мактаб ва мадрасани тугатиб, рус-тузем мактабида дарс берган. Унга мадраса домлалари ва мутаассиб руҳонийлар нафрат билан «кофир» деб лақаб қўйганлар. Азизий рус тили ва маданиятига қизиққан, илғор рус зиёлилари билан яқин алоқада бўлган (айниқса машҳур рус шарқшуноси А. Н. Самойлович билан), 1910 йил ёзида Петербург ва Москвага саёҳат қилган. Уни ҳатто Тошкент ўқитувчилар семинариясига ишга жалб қилганлар. Академик В. В. Бартольд Азизийни «ўқитиш ишларига баъзи ислоҳот киритган» маҳаллий ўқитувчилардан бири деб юксак баҳолаган.

Урта Осиё маърифати ва адабиёти тарихида самарқандлик Саидахмад — Хўжа Сиддикий («Ожизий») ва Абдуқодир Шуқурийлар муҳим ўринни эгаллайдилар. Улар истеъдодли педагог бўлибгина қолмай, шеърятда ва дарсликлар яратишда ҳам фаол ижодкор бўлиб танилганлар. Сиддикий Самарқанд шаҳрида ва тева-рак-атрофдаги қишлоқларда янги услубдаги мактабларни очишда ташаббускор бўлган. У рус классиклари (И. А. Крилов, Н. В. Гоголь, Л. Н. Толстой ва ҳ. к.) нинг асарларини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилган.

Ажойиб ўзбек педагоги Шуқурий ҳам ўз қишлоғида янги услуб мактабини очиб, ўзбек ва тожик болаларига диний дарслардан ташқари география, табиатшунослик, арифметика ва рус тилидан бошланғич маълумотлар берган. У ўзи ёзиб, ўз маблағига нашр этган



Ўқув қўлланмаларига шарқ классиклари Жомий, Низомий, Саъдий, Фирдавсий кабиларнинг асарларидан, Европа классиклари асарларидан ҳам парчалар киритган.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, ўзбек маърифатчилигининг ривожида миллий буржуазия мафкурачилари — жадидлар алоҳида ўринни эгаллайди. Улар ўлкада эски мактабни ислоҳ қилиш, маиший турмушни янгилаш ва бошқа муҳим ташаббуслар билан чиқа бошлаганлар. Бундай янгиликлар асосан ўқитиш усулига тааллуқли бўлса-да, асл моҳияти билан маҳаллий аҳолининг маданият ва турмуш соҳасидаги ўзгаришларга муҳтож эканлигини ифодаладиган тадбирлар эди. Туркистон жадидларининг раҳбари М. Беҳбудий шундай деб ёзган: «Бизлар ҳозирги маданият асосида мактаблар, устахоналарни ва бошқа эски турмуш билан боғлиқ соҳаларни ислоҳ қилишимиз зарур». Унинг фикрича, маориф соҳасидаги ислоҳот феодал маиший турмушни тубдан ўзгартириб, маҳаллий буржуазиянинг нормал ўсишига имкон яратиб беради. Ўз навбатида миллий буржуазия ҳам янги шароитда халқ оммасининг маърифатга интилишини сезиб, ғоявий таъсир воситаларини ўз қўлига олиш мақсадида ўзларини янгилек тарафдори қилиб кўрсатишга интилиб, жадидларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар.

Тўқувчи оиласидан чиққан Абдулла Авлоний, камбағал боғбон ўғли Исматулла Раҳматуллаев, форс тили дарслиғи ва «Болалар боғчаси» номли қўлланма яратган Муҳаммад Расулий, Хивада рус-тузем мактабини очиш ташаббускори, шоир Комил Хоразмий кабилар маърифат тарқатишда жасурлик кўрсатдилар. Шулар қаторига ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб гимназияни тугатган Ойшахон опа Қори-Ниёзий ҳам кирди.

Туркистон жадидлари биринчи жаҳон уруши арафасида вақтли матбуот соҳасида анча самарали фаолият кўрсатди. Улар қисқа муддат ичида 15 га яқин газета ва журналлар чоп этдилар. 1905 йили подшо сийёсий эркинлик беришга ваъда қилиб, манифест чиқариши билан жадидлар ўзбек тилида газета чиқаришга Туркистон генерал-губернаторидан ижозат олиб, «Ўрта Осиёнинг умр гузорлиғи» деган янги газета нашр қила бошладилар. 1906 йилнинг бошларида Ис-

моил Обидий муҳаррирлиги остида чоп этила бошлаган «Тараққий» номли газетада мактабларни ислоҳ қилишга бағишланган, мусулмонларнинг миллий бирлиги ва синфий ҳамкорлигини тарғиб қилган, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қатор мақолалар чиқа бошлаган эди. Жадидларнинг бундай танқидий мулоҳазалари ва ҳурфикрлиги чор ҳокимиятига ёқмайди. Подшо газетани исёнкор деб атаб, уни чиқаришни ман қилиб, ҳукм чиқаради. Аммо жадидлар «Хуршид» номли янги газета чиқаришга ижозат олиб, унинг саҳифаларида мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни танқид қилмай, балки унга хайрихоҳлик кайфиятини билдиришга ҳаракат қилганлар. Шундай бўлса-да, Туркистон маъмурияти бу газетани ҳам ёпиб қўяди. Бир йил ичида иккита газетанинг ёпилиши жадидларнинг бу йўлдаги ҳаракатларини янада кучайтиради. Улар 1907 йилнинг декабрида «Шуҳрат» номли янги газета чиқаришга эришадилар. Унинг саҳифаларида рус буржуазияси билан ҳамкорлик қилиш, инқилобий ҳаракатга қарши курашиш ғоялари очиқ изҳор қилинса-да, бу газетани ҳам ярим йилга етмасдан чор ҳокимияти ёпиб қўяди. «Шуҳрат» газетасидан қолган маблағ ҳисобига чоп этила бошлаган «Осиё» номли газетанинг умри қисқа бўлди, чор маъмурияти уни ҳам ман қилади.

Тошкентнинг энг катта бойларидан Саидкарим Саидазимбой Туркистонда биринчи марта нашр қилган шахсий тижорат газета «Туджор» («Савдогар») ҳам ўзини оқлай олмасдан ёпилади. Миллий буржуазия манфаатини ифодалайдиган вақтли матбуотга муҳтожлик зўр бўлганлиги туфайли янги газеталар чиқиши тўхтамади. Эндиликда вақтли нашрлар ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам чоп этила бошлади. Чунончи, 1913 йили Самарқандда Беҳбудий томонидан «Самарқанд» номли, 1914 йили Қўқонда «Садои Фарғона», Бухорода «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталари нашр қилина бошлаган эди. Шулар ичида 1914 йили Тошкентда чиқа бошлаган «Садои Туркистон» газетаси ўзининг оташин ва ўткир мақолалари, дадил сатирик ва шеърий нашрлари билан кенг омма ичида обрў қозонган эди.

Ўзбек тилида ўша даврларда бир неча журналларнинг пайдо бўлиши жадидларнинг матбуот соҳасида жиддий ҳаракатининг маҳсули эди. Масалан, 1913 йи-

ли Самарқандда «Ойна» журнали чоп этила бошлади, 1915 йили Тошкентда «Алислоҳ» журнали чиқарилди.

Улкамизда матбуотнинг ривожланиши ўз навбатида ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларнинг шаклланиш жараёнига, адабий ва илмий тафаккурнинг ўсишига жиддий туртки бўлиб, уларни бирмунча юқори поғонага кўтарди. Айниқса ўзбек тилида чиқа бошлаган «Садои Туркистон» газетаси тил ва имло масаласига алоҳида эътибор берган эди. Бу муаммога бағишланган махсус бир мақолада шундай ёзилган: «Тил ва имлони муайян бир изга қўйиш матбуот ва адабиёт учун энг муҳим бўлган бир масаладир. Тили ва имлоси лойиқинча ислоҳ этилмаган миллатнинг матбуоти, адабиёти асрларга аралашиб келган кирлар ила қораланган ҳолда бўлур».

Ўзбек тилининг ниҳоятда бойлигини алоҳида қайд қилиб, унинг узоқ тарихий анъанага эга бўлган туркунисей ёзувларига бориб тақалиши ва қадимий уйғур тили билан яқинликда соф туркча она тилимизни араб-форс сўзлари билан аралаштирилиб юбораётганимиздан ўша даврдаёқ матбуотчиларимиз жуда афсусланган. Бундай ачинарли ҳолатни сезган ажойиб шоир ва адабиётчи Абдулла Авлоний мазкур журналнинг 1914 йил 28 майда чиққан сониди куйиниб бундай деб ёзган эди: «Биз туркистонликлар миллий тилни сақламоқ бир тарафда турсин, кундан-кун унутмоқ ва йўқотмоқдадирмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий уланган, илмоқ қилиб бир четига рус тилини ҳам ёпиштирмоқдадурмиз ... Еҳу! Бизга не бўлди! Боболаримиз йўлидан четга чиқиб кетдик. «Яхши қўшнингдан олгунча, ёмон қўшнингдан қидир», демишлар. Боболаримизга етишган ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз ўйимизни қидирсак, ахтарсак йўқотганларни ҳам топармиз. «Йўқолса йўқолсин, ўзи бошимга тор эди», деб Европа қалпоғини кийиб кулги бўлмоқ зўр айб ва ориятдир ...». Доно башорат қилган шоирнинг таърифича, она тилимиз ва у орқали ифодаланадиган «сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фозилини ўлчаб кўрсатадиган тарозусидир. Соҳиблари кишининг дилидаги фикр-ниятини, илму қувватини, қадру қимматини сўзлаган сўздан билурлар». Шу билан бирга жадидлар ўз матбуотида она тилидан ташқари замон талабига мувофиқ бошқа ажнабий тилларни ҳам ўрганиш зарурлигини алоҳида қайд қилганлар. «Рус тилининг аҳамияти» сарлавҳали

бир мақолада таърифланганидек, ҳар бир халқ қайси бир миллатнинг тахту ҳимоясида турган бўлса, ул халқга миллатнинг асл тилини билмоқ ҳар жиҳатдан зарур ва лозимдур.

Республикамызда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши бу ерда яшовчи барча халқ ва элатларга тааллуқли эканлигини ва улар маҳаллий ҳукуматнинг тахту ҳимоясида бўлганлиги учун ўзбек тилини ўрганиши лозимлигини аждодларимиз ҳам қайд қилган. «Бу асарда,— деб ёзади муаллиф,— ҳар ким ўз она тилидан ғайри бирор маданий ёки тирикликда ғоят зарур бўлган ажнабий бир тилни ўрганмоқлик албатта лозимдир. Масалан, Расул акромимиз ҳадиси шарифларида «атлабу-илм ва ловби-син» деганлар, яъни илм Хитойда бўлса ҳам бориб ўрганишлар ... Демакки, фойдаси билиниб турган ғайри бир тилни ўрганмоқликнинг динимизга ҳеч бир хилоф жойи йўқ. Балки Расул акром ўзлари бунга амр этубдурлар». Бундай башорат доно аждодларимиз биздан ҳам донишманд эканлигидан далолат беради. Афеуски, жумҳуриятимиз мустақилликка эришиши билан бизлар ажнабий тилларни ўрганишимиз нақадар зарурлигини пайқаб, қанча нарсаларни ютқазганлигимиз энди аён бўлмоқда. Афсуски, ҳозир ҳам бошқа тилларни ўрганиш, шу жумладан, энди бизга ажнабий бўлган рус тилини ҳам билиш зарурлигини ҳалигача тушуна олмайдиган арбоблар кам эмас, улар бизнинг тараққиётимизга муайян бир ғовдир.

Шарқ мамлакатларида биринчи марта Туркистон жадидлари ўз нашрларида хотин-қизларни озодликка чиқариб, тараққиёт йўлига, илм-фан ва маърифатга жалб қилишга чорлаганлиги ҳам уларнинг муҳим тарихий хизматидир. «Садои Туркистон»да чоп этилган бир неча мақола ва шеърлар бунга далил бўла олади. Бухоролик Зуҳриддин Фахриддинзода номидан чоп этилган бир мақолада: «Ҳар бир миллатнинг тарих китобларига боқилар, аввал миллатнинг тараққий ва ётаданнаси хотунларнинг олима ёки жоҳила бўлганлигидан эканлиги оп-очиқ кўринур ... Чунки тараққий қилмоқнинг биринчи сабаби илмдир. Олим бўлмоқнинг биринчи йўли волидаларимизнинг олима ва тарбия соҳиб бўлмоқларига боғлиқдир», деб ёзилган. Унда халойиққа қуйидагича мурожаат қилинади: «Эй, туркистонлик ватандошларим! Биз мунча хотун-қизларимизга

ёмон кўз билан қараймиз. Биз мунча хотунлар ҳақиға шафқат ва марҳаматсизлик қиламиз. Етар энди бу бечораларни асорат занжирида тутмоқ, етар жаҳолат чуқурига ирғитмоқ. Агарда бизлар хотун-қизларимизни бу ҳолда илм ва тарбиядан маҳрум қилаверсак ўзимизга зўр зарарлар келтирамиз. Келажак замонларда булардан вужудга келадирғон ва буларнинг қучоғида ўсадирғон авлодларимизнинг жоҳил ва нодон қолишига ўзимиз сабаб бўлурмиз. Келинг энди ғафлат кўрпасини устимиздан ирғитиб, бирлик ва иттифоқ ила бир миллат оналарини жаҳолат панжасидан қутқарайлик, адолат ва инсоният юзасидан бу ватан оналарига мактаблар очиб берайлик. Мана, келажакда биз садоқат ва бахтиёрлигимиз шул хотун-қизлар тарбиясига келиб териладур».

Маҳаллий аҳолининг маънавий тараққиётига ўтган аср охирларида ташкил топган ҳар хил ҳунар-касб ўқув юртлари, чунончи, қишлоқ ва сув хўжалигига оид мактаблар, эркак ва аёл гимназиялари, дунёвий мактаблар ижобий таъсир ўтказган. Маърифат тарқатишда айниқса 1879 йили Тошкентда очилган Туркистон ўқитувчилар семинарияси муҳим роль ўйнаган. Масалан, мазкур семинарияда 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб рус-тузем мактаблари учун кадрлар тайёрлашга киришилиб, унда маҳаллий тилларни ўрганиш шарт бўлган. Натижада уни тугатган кадрлар ўзбек ва бошқа маҳаллий халқлар билан эркин гаплашиб, яқиндан алоқа қилиш имкониятига эга бўлган. Унда таълим олганларнинг анча қисми туб аҳоли орасида маърифат тарқатишда, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантиришда фаол иштирок қилганлар.

Жадидларнинг ўз халқи маърифати ва маданияти учун кураши зое кетмади. Улар социалистик ғоя ва тузум нуқтаи назаридан қанча қораланмасин, ўзбек элининг кейинги ижтимоий тараққиётига зўр замин яратган эди. Илғор капиталистик муносабатлар тарафдори ва ҳатто мафкурачиси сифатида жадидлар советлар даврида рўй берган маданият ва маърифий ўзгаришларнинг дебочаси бўлди.

Ўзбекистонда биринчи марта пайдо бўлган турли маданий-маърифий муассасалар — кутубхона, клуб, театр, ҳар хил оммавий ахборот воситалари ва шу сингарилар халқимизнинг маънавий камол топишида катта роль ўйнаганлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Ҳозирги даврда ўнлаб журнал ва газеталар, телевидение ва радио республика миқёсида кенг оммага зарур маънавий озуқа етказиб бермоқда. Агар 1929 йили республикада атиги 187 та, шу жумладан қишлоқларда 74 та кутубхона (китоб фонди 44 минг нусха) мавжуд бўлган бўлса, эндиликда кутубхонасиз туман, қишлоқ, мактаб ёки ташкилот йўқ деса бўлади.

Ўзбекистонда жуда ҳам кўп ноёб қўлёзмалар тўпланган бўлиб, уларнинг асосий қисми Республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик ва қўлёзмалар институтларида сақланмоқда. Бой тарихий-адабий ва илмий меросимизни ўрганишда олимларимиз зўр жасорат кўрсатмоқда. Буюк мутафаккирларнинг қўлёзма асарларини илмий жиҳатдан ўрганиб, кенг оммага етказиб бериш анча мушкул иш бўлса-да, бу соҳада анча ютуқларга эришилди. Тилшунос олимлар ҳам ўзбек тилини ўрганишда кўп хизмат қилиб, она тилимизга оид жиддий илмий асарлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, кўп жилдлик лугатлар яратишга муяссар бўлдилар. Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклористикасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди, катта монографик тадқиқотлар ва дарсликлар, халқ ижоди яратган бой эпик асарлар нашр қилинди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида ўзбек халқининг маиший турмуши ва маънавий маданиятини юксалтиришга катта зарар етказилган эди. Ўзбек олимлари ва адибларининг кашфиётлари, бадий асарлар, шунингдек маҳаллий тилларга таржима қилиниб, кенг омманинг маънавий мулкига айланган жаҳон классиклари асарлари ўзбек халқининг маданий савиясини ошириш, фикр доирасини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш каби олижаноб вазифани бажаришда муҳим роль ўйнади.

Ўзбек адабиётининг тарихий илдизи аجدодларимиз яратган ёзув ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан боғлиқ. Бизгача етиб келган ўзбек халқининг этногенезида иштирок қилган туркий қабилаларнинг энг қадимий ёзувлари VI—VIII асрларга, бадий асарлар намунаси эса XI асрларга оид бўлса-да, фан ҳали ечиб улгурмаган муаммолар ичида антиқ замон маънавий меросимиз, ўша даврда яратилган ёзма асарлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Афсуски, бизгача етиб келган юзлаб тилсиз тарихий обидалар, ажойиб қурилиш иншоотлари ва бу-

юмлар узоқ аждодларимизнинг дунёқараши, жонли ҳаёти ва маънавий турмушини тасаввур қилиш имконини бермайди.

## ФОЛЬКЛОР ВА АДАБИЁТ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган тадқиқотлар бу ерда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда юксак маданиятли, катта ирригация ва қурилиш иншоотларини яратган, ажойиб ҳунармандчилик сирларини билган, зўр маънавий қадриятларга эга бўлган этносларнинг қўшни давлатларга ўз таъсирини ўтказганлигидан гувоҳлик беради. Антик давр муаллифларининг ёзувларига қараганда, бу халқлар нафақат ёзма асарлар, балки бир неча жанрдаги оғзаки ижод намуналарини ҳам яратганлар. Кўҳна обидалардан топилган буюмларда тасвирланган турли афсонавий образлар ўша даврда мифологик жанрда халқ ижоди намуналари мавжудлигидан дарак беради. Шарқ халқларининг классик дурдонаси бўлмиш Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида куйланган айрим ривоятлар ҳам асли «Авеста»да келтирилган афсонавий образларни эслатади. Зардуштийлик динининг бу муқаддас китобидаги кўпгина мифологик сюжетлар халқ оғзаки ижодининг маҳсули десак хато бўлмайди. Геродот, Страбон ва бошқа қадимги муаллифлар таърифлаган, жаҳон адабиётининг ажойиб дурдоналаридан бири «Роланд ҳақида қўшиқ» номли француз эпосида тилга олинган сак-массагетлар, сўғдий ва бақтрийларнинг бой оғзаки ижодга эга эканлиги тўғрисида баъзи маълумотлар мавжуд.

Буюк адабиёт танқидчиси В. Г. Белинский таърифлаганидек, «халқ поэзияси унинг тарихи билан узвий боғлиқдир: поэзияда ҳам, тарихда ҳам халқнинг сирли руҳияти мужассамланган, шу сабабли унинг тарихини поэзия билан, поэзиясини эса тарихи билан тушунтириш мумкин». Бу фикрни тасдиқлагандай А. М. Горький ҳам «халқ оғзаки ижодини билмай туриб, меҳнаткаш халқнинг чинакам тарихини билиш мумкин эмас», деб бежиз айтмаган. Чунки фольклор халқ маънавий маданиятининг муайян қисми ҳамда унинг коллектив психикаси ва дунёқараши сифатида тарихий воқеликни

халқнинг эстетик идеаллари таъсирида бадий образлар орқали ифодалайди.

Тарихий манбалар ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи элатлар эрамиздан аввалги V—IV асрларда бой оғзаки поэтик ижодга эга эканлиги тўғрисида хабар беради. Бундай маълумотларнинг Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи оғзаки ижоди яратган баъзи асарларда акс садоси сезилади. Масалан, ўзбек дostonларида қадимги сак-массагет қабилалари эносидаги баъзи элементлар сақланган. «Ойсулук» номли ўзбек дostonининг сюжети эрамиздан аввалги VI асрда рўй берган Эрон истилочиларига бош бўлган шоҳ Кирга қарши массагетлар қаҳрамони Тўмариснинг курашини эслатади. 1928 йили атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Роҳия ва Сухонгул» номли ўзбек дostonида ҳам Тўмарис тўғрисидаги ривоятнинг айрим эпизодлари келтирилган.

Ўзбек фольклористлари ёзиб олган айрим дostonларда Каспий денгизидан то Сирдарёгача бўлган катта ҳудудни эгаллаган мамлакатнинг ҳокими Зариандра ва унинг сак подшосининг қизи Одотидага севгиси тўғрисида милетлик Харес ёзиб олган сак эпоси ҳам ўз аксини топган. «Авеста»нинг қадимий қисмида тасвирланган мамлакатни вайрон қилган даҳшатли дев Ажи-дахака билан муқаддас китоб қаҳрамонининг кураш эпизодлари ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида ҳам кўп учрайди. Ўзбек эпосига ўзининг чексиз жасурлиги ва буюк олижаноблиги билан халқ онига сингиб кетган Рустам образи сак ривоятларидаи ўтган бўлса ажаб эмас. Атоқли шарқшунос олим В. В. Бартольд тадқиқотлари шуни кўрсатадики, «Шоҳнома»нинг муаллифи Фирдавсий ўзининг бу ўлмас асарини яратишда сўғдлар ва саклар яшаган Чоч (Тошкент)да истиқомат қилувчи бир деҳқон тўплаб берган материаллардан фойдаланган. Кўпгина ўзбек дostonларининг қадимги илдизларини, масалан «Ширин ва Шакар» даги сюжет элементларини ўгай она таъйиқларига чидай олмай ўз ватанини тарк этиб, бир қанча қаҳрамонликлар кўрсатиб мусофирликда ўлиб кетган Сиёвуш образи тасвирланган афсоналардан топиш мумкин. Археологик тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, мазкур образ Ўзбекистоннинг тасвирий санъат обидаларида ўз аксини топган. X асрда яшаган тарихчи олим



Наршахий ўрта асрларда Бухорода Сиёвушга бағишланган ашулалар борлигини қайд қилади.

Сиёвуш образининг Турон афсонавий қаҳрамони Афросиёб образига жуда яқинлиги ҳам тасодифий эмас. Ўзбек фольклорида машҳур бўлган Афросиёб тўғрисидаги (уни яна Алп Артунг деб ҳам атаганлар) ривоятлар XI асрга оид туркий тиллардаги манбаларда учрайди. У тўғрисидаги маълумотлар атоқли тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» ва Юсуф Бўласоғуннинг «Қутадғу билик» асарларида сақланган. Мазкур қадимий асарларда ўзбек халқининг маиший турмуши ва маданияти хусусиятлари, унинг асрий ўй-фикрлари ва орзу-умидлари, юксак умуминсоний қадриятлари ва миллий ҳис-туйғулари акс эттирилган.

Ўзбек фольклори ниҳоятда бой ва турли жанрларга эга. Барча жанрларда халқимизнинг маиший турмуши ва кўп қиррали маданияти, унинг одамгарчилик хосияти ва эзгу-ниятлари, озодлик, эркинлик, биродарлик, ватанпарварлик ғоялари, эзгулик билан ёвузлик орасидаги мурасасиз кураш, олий инсонпарварлик ва душманга чексиз нафрат каби олижаноб фазилатлар куйланади. Халқ орасида кенг тарқалган Насриддин Афанди ва бошқа латифалар, мақол ва масаллар, сатирик ва кулги афоризмлари ўзбекларнинг жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий, ахлоқий ва ғоявий ҳодисаларга бефарқ бўлмасдан ўз муносабатларини билдирадиган ажойиб оғзаки ижод намуналаридир.

Халқ орасида энг кенг тарқалган ва севимли жанрлардан бири эпик асарлар — дostonлар бўлиб, улар бизнинг давримизгача узоқ ўтмиш замонлардан оғзаки поэзия анъаналари туфайли етиб келган. Дostonларни авайлаб сақлаб келган ва зўр санъат билан ижро этувчи шоирлар ёки бахшилар асли меҳнаткаш аҳоли орасидан чиққан деҳқон ёки чўпонлардир. Улар, табиийки, меҳнаткаш халқнинг ўй-фикрлари ва орзу-ниятларини зўр маҳорат билан ифодалаб келганлар. Ҳозирги ўзбек халқ шоирлари гўзал ва бой эпик меросимизни ота-боболардан ўрганиб, уларнинг сақлабгина қолмай, балки давр талабига ҳамоҳанг бўлиб ўзларининг жўшқин ижодларида импровизация қилувчи истеъдодли ажойиб куйчилар ҳамдир. Машҳур бахши ва шоирлардан Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1936), Фозил Йўлдош ўғли (1872—1955), Муҳаммад Жамрад

ўғли Пўлкан (1874—1941), Ислоҳ Назар ўғли (1874—1953), Абдулла шоир Нурали ўғли (1870—1975), Қурбон Исмоил ўғли (1869—1940) кабилар жуда бой эпик меросни қолдирганлар.

Ўзбекистонда қадимдан бир қатор истеъдодли бахшиларни яратган машҳур қишлоқлар мавжуд. Шулардан бири Самарқанд вилояти Нурота туманидаги Қўрғон қишлоғи бўлиб, унда XIX аср ўрталарида 20 дан ортиқ эркак ва аёл халқ дostonчилари яшаган. Бу қишлоқдан чиққан атоқли бахши Пўлкан шоир 70 дан ортиқ дostonни ёддан билиб куйлаган. Аёл бахшилардан Эргаш Жуманбулбулнинг катта бувиси Тиллакамбир жуда машҳур бўлган. Яна бир эпик ижод маркази Булунгур туманининг Лайқа қишлоғи ҳисобланган. Бу ердан энг йирик бахши Фозил Йўлдош ўғли ярим кўчманчи қирқ қабиласидан чиққан. Унинг отаси Йўлдош шоир ҳам бахши бўлган ҳамда кўпгина бахшилар яратган устоз сифатида танилган. Фозил шоирнинг репертуарида 43 та дoston бўлиб, уларнинг кўпчилиги ёзиб олинган, баъзилари чоп этилган.

Кейинги даврларда халқ шоирларининг ижоди гуллаб-яшнади. Улар эски дostonларни қайта тўплаб тақомиллаштирибгина қолмай, замон талабига мос келадиган янги асарлар ҳам яратдилар. Замонавий халқ шоирларидан Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев), Ёрлақаб Бекназаров, Эгамберди Оллабергенов, Тошмаир Чоршанба ўғли, Отахон Матёқубов, Шоберди бахши, Қодир бахши ва бошқалар халқимиз орасида катта обрўга эга бўлганлар.

Маълумки, дostonлар назмий баён этилган, насрий изоҳлар билан дотор ёки рубоб жўрлигида ижро қилинадиган яхлит бир асардан иборат. Унда қаҳрамонлик ва романтик мавзулар чатишиб узвий боғланган. Ўзбек дostonларининг кўпчилиги халқнинг тарихий ўтмишини акс эттиради. Аммо асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган дostonлардаги тарихий фактлар халқнинг ижодий хаёли (фантазия)дан ўтиб умумлаштирилган ва шоирона типиклаштирилган. Хarakterли томони шуки, ундаги узоқ ўтмиш қаҳрамонларини назмий идеаллаштириш мақсадида афсонавий фантастика элементларидан фойдаланилган. Бунга ёрқин мисол сифатида «Алпомиш» дostonини олиш мумкин. Унинг ғоявий мазмунини ярим кўчманчи ўзбек элатларининг илк феодализм даврида ижтимоий ва

оилавий маиший укладида патриархал-феодал муносабатлар ҳукмронлик қилган бир вақтда шаклланган турмуш хусусиятлари белгилаб берган. Мазкур халқ достонининг асосий сюжетини баҳодир қаҳрамон Алпомиш билан жасур қиз Барчиной орасидаги шиддатли синовлардан ўтган катта муҳаббат ташкил этади. Алпомиш ва Барчинойнинг ўлмас образлари орқали соф севги, жасурлик, биродарлик, ўз бурчига садоқатлик ва буюк ватанпарварлик каби фазилатлар зўр маҳорат билан куйланган. Бу ажойиб асарда қадимий аجدодларимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий аҳволи ва муносабатлари, никоҳ ва оила, урф-одат ва маросимлари, диний тасаввурлари каби тарихий-этнографик маълумотлар ҳам сақланиб келган.

Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги чет эл истилочилирига қарши қаҳрамонона кураши «Юсуф ва Аҳмад», «Маликаи Айёр», «Интизор», «Райҳон араб», «Орзигул», «Ширин ва Шакар», 40 га яқин Гўрўғли циклига кирган бир қатор қаҳрамонлик ва романтик достонларда акс эттирилган. Бундай ажойиб оғзаки ижод намуналари Урта Осиё туркий халқлари ўртасида жуда кенг тарқалган. Барча эпик асарларда халқнинг ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўравонликка қарши чексиз нафрати ифодаланади.

Ўтмишда халқимизнинг маиший турмуши ва ижтимоий ҳаёти жуда кенг тарқалган оғзаки ижод жанри — халқ қўшиқларида ҳаяжонли ва жўшқин тасвирланган. Уларда инсоннинг юксак туйғулари, пок севгиси, садоқатлилик, дўстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулмлар, бевафолик, тушкунлик, алам-ситамлари қайғули равишда куйланади. Айниқса хазин қўшиқлар хотин-қизлар аҳволига оид бўлиб, уларнинг оилада ва жамиятдаги фожиали турмуши тасвирланган. Кенг тарқалган ашулаларда ижтимоий жабр-зулм ва адолатсизликлар ўз ифодасини топган. Масалан, ўтган асрда хонликларда яратилган ашулаларда «еганим заққум, ичганим заҳар, кийганим кафан» ёки «Исфандиёр хон бўлди, халқнинг бағри қон бўлди» каби ибораларнинг пайдо бўлиши тасодифан эмас эди. «Ботир хон», «Хон зулми», «Қонхўр золим» каби ўзбек халқ ашулаларида адолатсиз ижтимоий тузумга нисбатан қаҳр-ғазаб, нафрат, ғам-ғусса, алам туйғулари изҳор қилинади. Масалан, Хоразмда ўтмишда кенг тарқалган «Хон зулми» халқ ашу-

ласидаги надоматли ва қайғу-ҳасратли сатрлар кишини ларзага келтиради:

Умрим ўтди қон ютиб,  
Қобирғам ерларга ботиб ...  
Қулбам-айвоним йиқилди,  
Уйимга қора тикилди,  
Болаларим етим қолди ...  
Дунёда иззат кўрмадим,  
Завқи сафо ҳеч сурмадим,  
Гуноҳим надир билмадим,  
Найлайин армонли ўтдим ...

Шу билан бирга инсоннинг оптимистик руҳдаги ижобий тилак-орзулари, яхши фазилатларини куйловчи ашулалар ҳам халқ орасида қадимий даврлардан бери сақланиб келган.

Бизгача етиб келган жуда кўп мақол ва латифаларда, масал ва термаларда барча ижтимоий адолатсизликлар ва зулм, хурофий тасаввурлар ва иллатлар очикдан-очик масхараланади ва фош қилинади. Масалан, «Бой ҳам бойга, худо ҳам бойга». «Шариатда шарм йўқ, шариатнинг йўли кўп» ёки «Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма» кабилар хурофий тасаввурларнинг ижтимоий моҳиятини сезган ўзбек халқининг ҳурфикрли эканлигидан далолат беради. Айрим дин пешволарининг шариатни рўкач қилиб, ваъзлар, панд-насиҳат ўқиб амалда ўз нафси кетидан югуриб, ҳийла-найранглар ва ҳаёсиз ишлар қилганликлари «Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма», «Қийшиқ арава йўл бузар, қози-мулла эл бузар» каби мақолларда дадил фош этилган. Фақат пок қалбли меҳнаткаш халойиқ жамиятдаги текинхўр фирибгарларни очик қоралайди, уларнинг очкўзлиги, хасислиги ва таъмагирлигини, ҳар хил кирдикорларини кўрқмай ўткир сатира нишонига олади. Айниқса доимо ҳукмдор табақалар хизматида бўлган эшон, пир, имом ва шайхлар халқнинг кулги объектига айланган. Масалан, «Бой бойга боқар, сув сойга оқар», «Эшоннинг қорни бешдир, бири ҳамиша бўшдир», «Фатво ҳам пулингга берилади», «Пулинг кучли бўлгунча билиминг кучли бўлсин» кабилар ижтимоий муносабатлар ва халқ ҳисобидан кун кечирадиган текинхўр табақа вакилларининг табиати ва хулқ-атворини аниқ таърифлайди. Шу билан бирга

жуда кўпгина масал ва мақолларда, афоризм ва латифаларда инсон бахтини ва тақдирини ўз меҳнати ва ақл-идроки билан яратиши, ғойибдан келадиган куч ва мадад хаёлий эканлиги очиқ-ойдин ифодаланади.

Халқ доимо адолат ва ҳақиқат тарафдори, риёкор ва разолатнинг ашаддий душмани бўлиб келган. Унинг иродаси ва ақл-идрокини, оғзаки ижоди орқали ифодаланган тафаккур эркинлигини ёвуз кучлар, таъқиб ва қувғинликлар бўғиб қўйганлиги кейинги тарихимиздан маълум. Халқимизнинг адолат ва ҳақиқат йўлидаги ижобий ўй-фикрлари ва тинимсиз курашлари латифа ва дostonларда, эртак ва ашулаларда зўр маҳорат билан ифода этилган. Масалан, адолатни фoш қилувчи афанди латифалари, ижтимоий моҳиятли афсона ва эртаклар, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Шоҳсанам» каби ўнлаб дostonлардаги барча ёвузликларни ва иллатларни енгиб устун чиқувчи, буюк инсоний фазилатларни куйловчи мотивлар, нафратли сарқитлар ва риёкорликларни фoш қилиб, инсон ғурурини кўтарувчи ғоялар ҳозиргача халқимизнинг диққатини ўзига жалб қилади. Теран халқчиллик билан ажралиб турган ўзбек фольклорининг ғоялари халқнинг кундалик маиший турмуши ва маънавий ҳаёти билан узвий боғланган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва барқарор жанрларидан бири маросим фольклоридир. Бу жанр ўзининг ҳаётий йўналиши ва мақсади жиҳатидан икки катта туркумга — мавсумий ҳамда оилавий-маиший маросимлар фольклорига бўлинади. Ўз навбатида бу икки туркум вазифаси, тузилиши ва поэтик табиати билан ҳар хил жанрларни қамраб олади. Биринчи туркумга оид мулоҳазалар юқорида қайд қилинган эди.

Оилавий-маиший маросим фольклори этнографик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бунга кирадиган маросимлар вазифаси ва мазмуни бўйича бир неча хилга бўлинади: а) сўзнинг сеҳргарлик қудратига асосланган кинна, бадиқ (гулафшо), бурей-бурей, аврош, олқиш ва қарғиш каби қадимий урф-одатлар; б) болаларнинг бешикдаги даври билан боғлиқ — бешикка солиш, чилла қочириш каби удумлар фольклори; в) тўй маросимлари фольклорини ифодаловчи ёр-ёр, ўлан, лапар, келин саломи, тўй олқишлари, ойна кўрсатар қўшиқлари кабилар; г) мотам маросими фольклорига мансуб йиғи-йўқловлар.

Ўзбек адабиётининг шаклланиши қадимий аждодларимиз яратган ёзув обидалари билан боғлиқ. Бизгача етиб келган турк қабилалари тилидаги энг қадимий ёзув обидалари VI—VIII асрларга, адабий асарлар XI асрга оиддир. Уша даврдаги адабий йўналишлардан энг асосий бизгача қисман етиб келган намуналардан Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат», Сулаймон Боқирғонийнинг «Охир замон» диний-мистик асарлари диққатга сазовор.

Шу билан бирга дунёвий йўналишга эга бўлган айрим асарлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Масалан, Алининг «Севги қиссаси» ва Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони дунёвий мавзуга бағишланган қадимий ўзбек адабий асарлари намунасидир. 1330—1336 йилларда шоир Қутб озарбайжон адабиёти классиги Низомийнинг «Ҳисрав ва Ширин» номли ажойиб асарини, шоир Сайфи Саъдийнинг машҳур «Гулистон» поэтик достонини форсийдан ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбек адабиётининг кейинги ривожини XV асрларда яшаган атоқли шоирлар Атоий, Сайфи, Аҳмад Ҳусайни, Амири каби катта ижод эгаларининг номи билан боғлиқ. Улар ўзларининг жўшқин ғазалларида инсоний олий ҳис-туйғулар, севги ва муҳаббатни куйлаганлар. Ўзбек адабиётида биринчи бўлиб қасида яратган шоир Саккокий ўз асарларида маърифатпарвар подшолик ғояларини тарғиб қилган ва ўрта асрнинг энг буюк мутафаккир олимларидан Улуғбекни шарафлаган.

XV аср ўрталарига келиб адабиётда мунозара жанри юзага келади. Аҳмаднинг «Танбур ва чанг», Юсуф Амирининг «Чоғир ва банг» каби мунозара жанридаги ажойиб асарларида аллегория шаклида ўз даврининг маиший ҳаёти, чунончи, айрим темурий ҳукмдорларнинг зўравонлиги ва ахлоқсизлиги акс эттирилган. Мустабдликнинг ашаддий душмани, ҳаётнинг чинакам куйчиси, лирик шоир Лутфий ўзбек тилида энг ажойиб ғазаллар яратган. Уни буюк Навоий юксак баҳолаб «шеърят шоҳи» деб атаган эди.

Албатта, ўзбек адабиётининг ўрта асрларда энг баланд чўққига кўтарилиши Алишер Навоийнинг жўшқин ижоди билан боғлиқ. Узининг ўлмас асарларидаги теран ва юксак ғоялари, жозибадор ва ёрқин образлари билан бутун жаҳон адабиётига, айниқса Яқин ва Урта Шарқ халқлари адабиётига зўр таъсир кўрсатган Алишер На-

вой энг буюк адиблар қаторида туради. У ўзининг «Муҳакаматул-луғатайн» номли асарида ўзбек тилининг бойлиги ва ихчамлигини таъкидлаб, шу тилда адабий асарлар яратиш зарурлигини қайд қилади.

Навойнинг машҳур «Ҳамса»си «Ҳайрат-ул аброр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Саббаи сайёр» ва «Садди Искандарий»дан иборат. Шулар қаторига олтинчи — «Лисон-ут-тайр» («Қушлар тили») номли гўзал достони ҳам киради. Юксак бадиият намунаси ҳисобланган мазкур асарларида буюк мутафаккир шоир бир қатор ажойиб образлар яратибгина қолмай, ўзбек этнографиясига оид ноёб маълумотлар ҳам келтиради. Бу дostonларда мазмун жиҳатдан энг долзарб ижтимоий муаммолар кўтарилиб, олий инсонпарварлик ғоялари қуйланган, зўравонлик, зулм ва адолатсизликлар нафрат билан қораланган. Аммо у адолатли жамиятни ақл-идрок йўли билан донишманд ҳукмдор орқали яратиш, шундай қилиб халқнинг оғир аҳволини енгиллаштириш мумкин, деган утопистик ғояни илгари суради.

XV аср охири — XVI аср бошлари наср ва назм осмонида ярқираб найдо бўлган яна бир йирик сиймо Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди. Унинг ижоди ҳукмдор подшоларга хос айрим қарама-қаршиликлардан иборат. Чунки у ўзининг айрим асарларида феодал тузумни ёқласа, бошқаларида ўша тузум тартибларини танқид қилади, ҳукмрон ғояларга зид ҳолда жуда ҳам илғор инсонпарварлик фикрларни баён қилади. Бобурнинг лирик тўпламларида ўз миллатига хос ватан ишқи, олижаноб инсоний фазилатлар, нозик ҳис-туйғулар зўр маҳорат билан қуйланади. Унинг жаҳонга танилган «Бобурнома» асари ўзининг бадиийлиги, тарихий ҳаққонийлиги ва ўзига хослиги билан кишини мафтун қилади. Унда муаллифнинг ҳаёт йўли, Афғонистон ва Ҳиндистонга қилган юришлари, бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг маиший турмуши ва маданияти, табиати ва баъзи тарихий-сиёсий воқеалар юксак бадиият билан таърифланган. «Бобурнома» нафақат тарихий-этнографик жиҳатдан, балки ўзбек мемуар адабиёти намунаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу асарнинг жуда кўп ҳорижий тилларга таржима қилиниши унинг нодир асар эканлигидан далолат беради.

XVII—XVIII асрларда ўзбек хонликларининг пойтахтларида адабий марказлар пайдо бўла бошлайди.

Улардаги адибларнинг кўпчилиги мадрасаларда таълим олган, анъанага кўра, ўзбек ва тожик тилларини билган, шунинг учун ҳам икки тилда ижод қилганлар. Бухоро, Хива ва Қўқонда ўша даврда маҳаллий шоирлар асарлари асосида пайдо бўлган шеърӣ анталогиялар ўзбек адабиётининг ривожланганлигидан дарак беради. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон (1865—1910) саройида ташкил топган адабий марказга кирган Хоразм шоирларининг асарлари асосида шоир Табибий тўплаган анталогия ўз замонасини тасаввур қилишга имкон берадиган муҳим адабий манбадир. Табиийки, сарой шоирлари яратган асарларда хон ва амалдорлар, сарой ҳаёти мадҳ этилган.

Сарой шоирлари ва мистик адибларга зид ҳолда ўзбек адабиётида халқ ичидан чиққан демократик дунёқарашли адиблар алоҳида ўринни эгаллайди. Улар ўз асарларида ўткир сатирик назм ва насрлари билан феодал тузум иллатларини, ёвуз хон ва бекларнинг кирдиқорларини дадил фош қилганлар. Бундай адибларнинг кўпчилиги оғир ижтимоӣ шароитда кун кечириб, доимо қувғинда бўлганлар. Шулардан бири халқ кўзғолони тарафдори бўлган, Субҳонқулихон (1680—1702) зулмига, меҳнаткаш оммани эзиб хўрлаган ва талаган ҳукмдорларга очик қарши чиққан Турди (Фирогий) эди.

Демократик руҳдаги адиблар ичида ўзининг ниҳоятда теран ва мазмундор фалсафӣ асарлари билан танилган шоир Бобораҳим Машраб (1657—1711) ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўринни эгаллайди. Халқ орасида яшаб, дайдичилиқ ва мусофирчиликда кун кечирган бу улуг зот ўзининг сатирик сатрларида золим феодаллар, беклар ва уларнинг лаганбардорларини қоралаб кулган.

Меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволини объектив тасвирлаган адиблардан Махмур ва Гулханий ҳам ўз давридаги адолатсизлик ва жабр-зулмларга қарши чиққанлар. Гулханийнинг аллегория назмида ёзилган ҳикояларида қуш ва ҳайвонлар образи орқали феодал тузум иллатлари фош қилинади.

Ўзбек адабиётининг хонлик давридаги йирик намояндаларидан бири ажойиб шоир, таржимон ва тарихчи олим Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809—1874) ҳам ўзининг демократик ғоялари билан катта обрў қозонган. Унинг халқпарварлиги жўшқин шеърларида, меҳнат аҳлининг ижтимоӣ аҳволини тасвирлаб ҳукмдорларнинг



адолатсизликларини фош қиладиган сатрларида ўз ифодасини топган.

Хурофот ва нодонлик ҳукмронлик қилган бир даврда, яъни XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётида аёллардан Маҳзуна, Увайсий, Нодира каби шоирларнинг пайдо бўлиши ниҳоятда катта бир воқеа эди. Улар ўзларининг шеърларида алоҳида бир жўшқин руҳ билан ички кечинмалари ва нозик ҳис-туйғуларини изҳор эта билганлар. Увайсий ва Нодира шеърларининг анча қисми куйга солинган ва ҳозиргача халқнинг севимли ашулаларидан ҳисобланади.

Чор Россияси Туркистон ўлкасини босиб олгандан кейин икки томонлама зулми бошдан кечираётган Урта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар ҳам ўз адиблари орқали теварак-атрофдаги ижтимоий муҳит, иқтисодий ва сиёсий аҳволга муносабатини билдирган. Уша даврда яшаган ва ижод қилган Муқимий, Фурқат, Комил Хоразмий, Завқий, Аваз Утар, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний ва бошқалар ўз асарларида ижтимоий тенгсизлик ва зулми қоралаганлар, амалдорлар, бойлар, судхўрлар, заводчи ва фабрикантларни сатирик образларда ёрқин тасвирлаганлар. Демократик руҳдаги ўзбек адабиёти мустамлакачилик шароитида миллий ўзлигини англаган халқнинг иродасини, унинг миллий ва ижтимоий озодликка, давлат мустақиллигига эришиш йўлидаги барча ҳис-туйғуларини ифодалашга интилиб келган.

XX аср бошларида ўзбек адабиётида янги истеъдодли адиблар пайдо бўлди. Дастлабки «инқилоб» ва «социалистик» ғояларни куйлаган Садриддин Айний, Аваз Утар ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар ижоди маҳаллий адабиётнинг йўналишига таъсир ўтказган эди. Айниқса инқилобий руҳ, янги ҳаёт, бунёдкорлик ғоялари Сўфизода, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби ажойиб шоир ва ёзувчиларнинг фаол ижодида ўз аксини топган эди. Ўзбек халқининг XIX асрдаги ҳаёти Қўқон хонлиги ва Тошкент беклигида рўй бераётган воқеалар фонида Отабек ва Кумушбидининг фожиали севгиси орқали ниҳоятда зўр бадиий маҳорат билан ёзилган Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романида ҳаяжонли тасвирланган эди. Унинг иккинчи ажойиб насрий асари «Меҳробдан чаён»да бераҳм хонларнинг зулми ва адолатсиз амирлик тартиблари фош этилади.

1920 йиллардан бошлаб ўзбек адабиётига ўзларининг асарлари билан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Ғайратий ва бошқалар кириб келди. Улардан бир оз кейинроқ Зулфия, М. Шайхзода, Туйғун, А. Пўлат, Ш. Рашидов, Миртемир, А. Умарий, С. Жўра кабилар ҳам ўзларининг жўшқин ижодлари билан чуқур из қолдирдилар. Айнқса урушдан сўнгги ўн йилликларда ўзига хос истеъдодли бир қатор ёзувчи ва шоирлар пайдо бўлди. Улар ичида Шукрулло, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Саъдулла Кароматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Ўткир Ҳошимовлар ўзбек халқининг замонавий куйчилари бўлиб етишдилар.

### ХАЛҚ ТЕАТРИ ВА МИЛЛИЙ РАҚСЛАР

Маънавий маданиятда муҳим ўринни эгаллаган ўзбек халқининг театр ва мусиқа санъати узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Республикамизда ўтказилган археологик тадқиқотлар узоқ аجدодларимиз юқори даражадаги мусиқа санъатига эга эканлигини исботлаб берди. Расмларда тасвирланган флейта, найсимон асбоб, най, арфа, лютиа, шох, доира каби мусиқа асбобларининг мавжудлиги бу ерда мазкур санъат ривожланганлигининг ёрқин далилидир. Буюк мутафаккир олимлар Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий каби сиймоларнинг мусиқа соҳасига оид асарлар яратганлиги ҳам Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг энг қадимий мусиқали элатлардан эканлигини тасдиқлайди.

Археологик ва этнографик тадқиқотлар Ўзбекистонда рақс ва театр санъати илк намуналари ибтидоий жамиятда найдо бўлганлигини исботлайди. С. П. Толстов кашф қилган неолит даврига оид Хоразмдаги Қалтаминорликлар маданияти манзилгоҳида жамоа майдонида ибтидоий рақслар ва театрлаштирилган маросимлар ўтказилган деб фараз қилинади. Сурхондарё ва Зарафшон водийларининг тоғли районларида топилган минглаб қадимий расмларда тош даврида яшган аجدодларимизнинг махсус ниқобланган овчилик маросимларини бажараётганлигининг тасвирланганлиги ҳам халқ театри ва рақслари тарихи ниҳоятда қадимий эканлигини кўрсатади. Шуниси қизиқки, айрим

тадқиқотчиларнинг «Хоразм лазги» сини Страбон ва Геродот тасвирлаган қадимги массагетларнинг маросимларида кечаси гулхан ёқиб «қўшиқ айтиб рақсга тушганлиги»ни, уни ҳозирги Хоразм тўйларида қиш кунлари ўт ёқиб ижро этиладиган ашулага жўр бўлиб лазги ва бошқа рақсларга қиёс қилишларини мантиқий асосли деса бўлади. Этнограф Тўра Қиличевнинг фикрича, «Лазги» ўйини ибтидоий жамиятдаги хоразмликларнинг қаҳрамонлик ҳаракатини ўзида акс эттирадиган элементларга эга бўлиши, жанговар ҳарбийлик характерини сақлаб қолиши жуда кўп ибтидоий қабилаларда ўтказиладиган зафар тантаналаридаги ҳарбий рақсларни эслатади.

Ўзбекларнинг оммавий театрлаштирилган сайилларида, айниқса Наврўз каби йирик халқ байрамларида ўтказиладиган тантаналарда халқ ижодининг барча намуналари кенг намойиш қилинган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, халқнинг энг сеvimли ва гўзал байрами ҳисобланган Наврўз эрамиздан аввалги XI—X асрларда вужудга келган бўлиб, ўша даврлардан бутун ўрта асрларда Хоразм, Фарғона, Тохаристонда ниҳоятда катта тантана ва дабдабалар билан ўтказилган. Этнограф олим К. Шониёзовнинг кўрсатишича, бу байрам маросимлари кейинчалик ўтроқ деҳқонлар орқали кўчманчи ва ярим ўтроқ турк элатлари турмушига ҳам сингиб кетган.

Ўтган асрда Хоразмда халқ театри ва ашула-рақслар тараққий қилганлигини бу ерга келган сайёҳ ва ҳарбийлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, XIX аср бошларида Хивага келган рус офицери Николай Муравьёв бундай ҳикоя қилади: «Халқ орасида бой-бадавлат кишиларнинг яқинлари ичида аҳволи ночор кишилар қўшиқ айтиши, эртақ сўзлаши, соз чалиши, ўйин билан ўз хўжайинига завқ-шавқ бериши, бурунги замонда ўтган қаҳрамонларнинг мардликларини мақташи зарур экан. Қўшиқ айтиш кечаси билан давом этади...» Хоразм хонандаларини ҳатто қўшни давлатларга ҳам таклиф қилганлар. Қўқон хони Умархон ўз пойтахтига хивалик машҳур созанда ва баъстакор Худойберди устозни, Мадалихон эса таниқли хонандалардан Солиҳбек ва Мўминбекларни Қўқонга олдиради. Хива хони Муҳаммадхон (1856—1864) саройида масхарабоз созанда ва гўяндалар кўп бўлганлигини машҳур сайёҳ А. Вамбери ҳам хабар беради. «Кечки овқатдан

кейин, — деб ёзади у, — ашулачилар, созандалар ёки қизиқчилар келиб хоннинг кўнглини очадилар. Хивада ашулачиларга катта ҳурмат билан қарайдилар. Ёлғиз Туркистондагина эмас, балки ислом Шарқида ҳам улар машҳурдирлар». 1870 йилда Хивага асир тушиб икки йил яшаган Илья Ильичков бозор майдонларида, кўчаларда, шаҳар ташқарисида сайил ва байрамларда жуда кўп созанда, гўянда, раққос, актёрлар иштирокида томошалар ташкил қилинганлигининг гувоҳи эканлиги тўғрисида ёзиб қолдирган.

Бундай аҳвол Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида, бутун Туркистон ўлкасида намоён бўлган. Бу ерда ҳам халқ байрамлари ва сайилларида, тўй ва зиёфатларда доимо оммавий халқ ўйинлари, саҳналаштирилган аскиябозлик ва қўғирчоқ театри, дорбоз, созандагўянда ва масхарабозлик санъати намоён қилинган, қиз ва йигитлар иштирокида «қиз қувиш» ўйини, лапарлар айтишиш ташкил қилинган.

Ўзбек халқ театри ўтган асрда асосан икки хилда намоён бўлган: масхарабоз-қизиқчилар ҳамда қўғирчоқ театри. Биринчи хили асли бир неча жанрлардан: кичик сатирик мазмундаги саҳналарни бажарувчи масхарабоз-қизиқчилардан, саҳналаштирилган чиқишлар бажарувчи йирик вакиллардан, яъни аскиябоз, дорбоз, муаллақчи, найрангбоз (фокусчи), ёғочоёқ ва мусиқачилар қурамасидан иборат бўлган. Иккинчи хили қўғирчоқ театри ёки қўғирчоқ ўйин ҳамда қўл қўғирчоғи, яъни қўл билан бошқарилган чиқишлар ҳамда ип билан бошқариладиган қўғирчоқ ўйин (чодир хаёл)дан ташкил топган.

Барча халқ театри санъаткорлари — масхарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқ ўйинчилари, созандалар бир уюшмага бирикканлар. Бир уюшма «меҳтарлик» ёки «корхонаи созанда» деб номланган ва ўзининг рисоласига эга бўлган, унинг бошида махсус сайланган оқсоқол — меҳтарбоши турган. Уларнинг рисоласида айрим санъат турларининг келиб чиқиши тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, санъаткорнинг хулқ-атвори ва айрим касб-ҳунар маслаҳатлари баён этилган.

Халқ театри актёрларининг чиқишлари ҳар хил вазиятда бўлиб ўтган. Баъзан оилавий маросимлар, тўй-томоша, байрам ва сайиллар оғир шароитга тўғри келган. Одатда бу чиқишларга кўп томошабинлар тўпланган. Айниқса қизиқчи театрида ижро этилади-

ган импровизация ўткир сатирали сюжетга эга бўлиб, хасис бой, судхўр қози ва бошқа мансабдорлар устидан аччиқ кулги билан томошабинларни жуда мамнун қилган. Актёрлар ҳукмрон синфларни тасвирлаганда уларнинг таъмағирлиги, юлғичлиги, хасислиги, мунофиқлиги, нопоклиги ва бошқа иллатларини дадил фош қилганлар. Масалан, «Ҳасан-Ҳусан» номли кичик пьесада қизғанчиқ бой, бир молни икки марта пуллашга ҳаракат қилган алдамчи савдогар образи тасвирланган. «Тол савдоси» номли пьесада халқнинг оғир аҳволи ва мансабдорларнинг зўравонлиги ва мунофиқлиги очиб берилган. «Эшон» каби кичик драматик асарлар томошабинларга доимо манзур бўлган. Бундай сюжетдаги кўп пьесалар исёнкорлик ғоялари билан суғорилган бўлиб, оқибатда золимларни пўстақлаш билан тугайди. Қўғирчоқ театри намойиш қилган пьесаларнинг ҳам кўпчилиги мазкур мазмунда бўлган. Масалан, бир неча вариантда ижро этилган «Қачал полвон» шундай ўткир сюжетли асарлардандир. Бу пьесада ҳар хил импровизация қилиш, ижро жараёнида қўшиб, ўткир диалоглар киритиш имконияти кенг бўлган. Аммо маҳаллий ҳукмрон синф вакиллари, айниқса руҳонийлар халқ театри вакилларини қувғин қилганлар. Айрим актёрлар сатирик чиқишлари учун тақибланиб шафқатсиз жазоланганлар. Албатта, халқ ўзларининг сеvimли актёрларини ҳимоя қилган, уларнинг сафлари истеъдодли ёшлар билан тўлдирилган.

Кейинги ярим асрдан ортиқ давр ичида халқ театрлари янгича мазмун ва шаклларда ривожланди ҳамда профессионал театрлар пайдо бўлди. Масхарабоз-қизикчилар, дорбозчилар миллий циркнинг яратилишида, қўғирчоқ ўйинчилари, ашулачи ва раққосалар янги драматик театрлар пайдо бўлишида зўр ҳисса қўшдилар. Дастлаб Тошкентда, кейин Қўқон, Фарғона, Андижон, Хива, Урганч ва бошқа шаҳарларда профессионал театрлар пайдо бўла бошлаган эди. Улар нафақат миллий мавзуда, балки жаҳон классиклари асарлари билан ўз репертуарларини бойитганлар. 1939 йили А. Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри, 1943 йили Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри ва бошқа янги театр санъати марказлари пайдо бўлди. Уларнинг сахналарида ниҳоятда кенг репертуардаги жаҳон ва айниқса Европа ва Шарқ классик-

лари яратган ажойиб асарлар қўйилиб, ўзбек театр санъати юксак даражага кўтарилган эди.

Ўзбек халқининг мусиқа маданиятида қадимдан профессионал созандалик анъанаси сақланган. Ҳаётда кенг тарқалган халқ ашулаларидан ташқари, анча мураккаб, зўр маҳорат талаб қиладиган қўшиқлар кўп бўлган. Созандачилик санъати оғзаки йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб кетган халқ куйларини, шеър ва рақсларни устознинг шогирдига етказиши орқали намоён бўлади. Профессионал созандалар асосан шаҳарларда жойлашган. Уларнинг кўпчилиги ашулаларни жуда ўйчан ва дид билан, ажойиб овози ва мусиқа асбобларини зўр маҳорат билан чалиб ижро этиб келганлар.

XIX аср охири—XX аср бошларида халқ ижрочиларидан бухоролик созанда ашулачи Ота Жалол Носиров ва танбурчи Ота Ғиёс Абдулғани, самарқандликлардан созанда ва дуторчи Хўжа Абдулазиз Расулов ва хонанда Леви Бобохонов, хоразмлик танбурчи Матюсуф Харротов ва хонанда Худойберди Қурбонов, Абдулла болобончи ва Бобожон болобончилар, марғилонлик созанда Беркинбой Файзиев, тошкентлик хонанда Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ва бошқалар халқ орасида жуда катта обрўга эга бўлганлар.

Энг характерли профессионал мусиқа жанрларидан оғзаки ижро қилиниб, баъзан дутор ва танбуллар билан жўр қилиниб келинган мақом куйи ҳисобланади. Созанданинг истеъдоди ва маҳорати мана шу вокал куйини ижро этишига қараб баҳоланган. Чунки бундай мураккаб катта куйни ижро этиш учун зўр санъат талаб қилинади. Бизгача етиб келган ашула матнларидан маълумки, илк тўла мақом XVI асрга оид Бухоро «Шашмақоми»дир. Мақомлар анча такомиллашган («мақомига етган» деган ибора шундан келиб чиққан). У куйи, мураккаб шакли ва жиддий тузилган ритми (усули) билан бошқа ашула ва куйлардан ажралиб туради. Унинг асосий мазмуни лирик севги ва дидактик шеърлардан бўлиб, одатда энг машҳур шоирлар яратган асарлар басталанган. Масалан, ҳозиргача энг севимли мақомлар Умар Хайём, Жомий, Румий, Навоий, Бедил, Огаҳий каби классик шоирларнинг ғазал ва шеърлари асосида куйга солинган.

Амирлик, хонлик ва бекликларнинг ҳукмдорлар саройида махсус ашулачилар, раққослар ва мақомчилар

ансамбли сақланган. Масалан, Хоразм хони Муҳаммад Раҳим II (Феруз) (1865—1910) Хивада созанда, шоир ва ҳофизларни, масхарабоз ва раққосларни тўплаб ижод қилдирган. Хоннинг ўзи шоир ва бастакор бўлганлиги учун вақт-вақти билан Хоразм ашулачилари, созанда ва масхарабозларининг кўригини ўтказиб, голиб чиққанларга қимматбаҳо совринлар топширган. Хон саройида махсус мақомчилар ансамбли хизматда бўлган. Айрим ижодкор созандалар ҳатто саройда девонлик хизматини адо этиб ансамблда иштирок қилганлар. Уша вақтда ижод қилган шоир ва бастакор Полвон Ниёз Муҳаммад Мирзабоши Комил Хоразмий (1829—1899) биринчи бўлиб «Хоразм танбур нотаси»ни ёзиб, илмий асослаб берган. Унинг ўғли Мирзо ҳам отаси каби шоир, қўшиқчи ва бастакор бўлиб етишади. Мирзо «Сабо» ва «Уфари» каби ажойиб куй басталаб, «Шашмақом»нинг «Рост» мақомига қўшади. Ҳазал бўйитиш, уни мусиқага солиб куйлаш, ашула ва рақс билан боғлиқ санъат турларини яратишда катта хизмат кўрсатган Комил Хоразмий, Сафо Муғанний Оллаберганов, Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Ёқуб ўғли Чокар, Исмоил Понаевлар билан бир қаторда Муҳаммад Ёқуб дорчи, Аваз дорчи, Ёқуб позочи, Абдурахмонбек каби бастакорлар, мақомчи ашулачилар, машҳур ўйинчи раққослар ўзга жойларда ҳам ном чиқарганлар. Халқ орасида, тўй-томошаларда ва сайилларда ўз санъатини намойиш қилган масхарабозлардан хивалик Худойберган кўр билан Матчан кўр, Бўважон тўқ-тўқ билан Ёпирди масхарабоз, урганчлик Навзолим бобо, гўрланлик Бўважон сори, шаббозлик Қувват калта билан Матёқуб кўр, Бўважон манғитли каби санъаткорлар бутун Хива хонлигида танилган.

Ўзбек театр ва рақс санъатининг ривожига қадимий мусиқа асбобларининг роли ниҳоятда катта. Ўзбек халқи жуда ҳам кўп ва хилма-хил мусиқа асбобларини яратиб, ажойиб куйларни басталаган истеъдодли санъат усталарига эга бўлган. Ҳозирги мусиқа асбобларининг анъанавий турларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ торли каманча билан чалинадиган ғижжак, қўбиз, сато, чертиб чалинадиган торли дутор, танбур, дўмбира, рубоб ва уриб чалинадиган торли чангдан иборат. Иккинчи гуруҳга пуфлаб чалинадиган ёғочдан ишланган най, сурнай, қўшнай, болабон ва мисдан ясалган карнай киради. Учинчи гуруҳ

уриб чалинадиган асбоблар — доира, ноғора, сафоил, қайроқ ва қошиқлардан иборат.

Ҳар хил мусиқа асбобларида ўйнайдиган созанда-лар ўзига хос ансамблларни ташкил қилган. Уларнинг кўпчилиги айрим хонандалар билан бирга тўй ва сайилларда жўр бўлиб чиққанлар. Хоразмда ўтган аср охирларидан бошлаб гармонь (соз) ишлатила бошлаган. Бу асбобни асосан халфалар ишлатган. Ҳозир эса аккардеон, гитара, балалайка ва электрон мусиқа асбоблари ҳам ансамблларнинг таркибий қисмига айланган.

Ҳозир созанда ва ашулачилар ҳамда рақослар шахсий тарзда эмас, балки махсус мусиқа мактабларида, консерваторияда таълим олиб, замонавий хонанда ва рақослар бўлиб етишмоқда. Анъанавий куй ва рақслар замонавий оркестр ва ансамблларда, телевидение ва радио, кино ва театр соҳаларида янгича мақом ва руҳда жарангламоқда. Ўзбек театр, ашула ва рақс санъати жаҳон маданиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

### АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Ўзбек халқи аجدодлари тасвирий санъат соҳасида ибтидоий жамият давридан бошлаб ажойиб асарлар яратганлигини археологик кашфиётлар тасдиқлайди. Республикамизнинг жуда кўп жойларида, айниқса Бойсун, Қурама тоғ тизмалари, Самарқанд тевагагидаги тоғларда топилган қоя тошларга битилган ибтидоий расмлар ўзининг реаллиги ва ранг-баранглиги билан ҳозиргача кишиларни ҳайратда қолдиради.

Моддий ва маънавий маданият билан бевосита боғлиқ бўлган санъат намуналари, ибтидоий чизма расмларда антик давр ва ўрта асрларда яратилган монументал бадиий обидалар минтақада яшаган турли элат ва қабилалар томонидан ижод қилинган. Ўзбек этногенезида иштирок қилган элатларнинг кўп асрлар давомида шаклланиб келган маданий мероснинг умумий ижодкорлари сифатида намоен бўлиши Ўрта Осиёликларнинг маънавий замини ҳам бир бўлганлигининг далилидир. Айниқса антик даврда яратилган турли хилдаги амалий безак санъати намуналари қадимий хоразмликлар, бақтрияликлар, сўғдийлар, марғиёна-



ликларнинг юксак маданиятга эга эканлигини намоён қилади.

Урта Осиёликларнинг мазкур аждодлари яратган ажойиб обидалар бизларгача етибгина қолмай, уларнинг ишлаб чиқариш анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб моҳир усталар томонидан ривожлантирилган. Ҳозиргача сақланиб келган ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қozoқ усталарининг ганч, ёғоч ва мрамрдан яратилган чиройли ўймакорлик буюмлари, нақшли сопол идишлари, ранг-баранг тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари, мискарлар ва заргарлар яратган ажойиб буюмлар ва безаклар умумий характерга эга бўлиб, ҳар бир этноснинг ўзига хос хусусиятларини ҳам намоён қилади.

Амалий безак санъати ҳар бир халқнинг маиший турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар оша шаклланиб келган миллий хусусиятларини ўзида муҳасамлаштирган. Аммо бизгача етиб келган соҳалар ўзининг ишлаб чиқариш услубини ва зўр санъатини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан ва шакл жиҳатдан анча ўзгарган. Археологик кашфиётлар туфайли аниқланган исломгача бўлган обидаларда топилган ганчдан ва сополдан ясалган буюмларда, металл ва олтин безакларда, деворий санъат намуналарида тасвирланган жозибадор образларда бутун бир маиший турмуш соҳаси (айрим одамлар ва турли жониворлар иштирокида ўтказилаётган маросимлар ва ҳаёт тасвири берилган панноларда) намоён қилинган бўлса, мусулмончилик тарқатилгандан кейин барча бинокорлик амалий безак санъатида мазмун ва шакл ўзгариб кетган. Илгари зўр маҳорат билан одамлар, турли ҳайвонлар ва бутун бир воқеалар тасвири берилган обидалар ўрнига геометрик ва ўсимликлар шаклидаги безаклар асосий ўринни эгаллаган. Оддий маиший буюмлар ва безакларда ҳашаматли меъморчилик иншоотларида ислом ақидалари туфайли жонли образлар тасвири деярли йўқолиб кетган.

Ҳозиргача сақланиб келган амалий санъат соҳаларидан ганч ўймакорлиги кенг тарқалган. Тарихий обидаларда топилган қадимги ганч ўймакорлиги асосан ҳажмий бўлиб, реалистик тасвирлар билан ажралиб туради. Масалан, III—IV аср обидаси бўлмиш Тупроққалъанинг серҳашам сарой меҳмонхоналаридаги ўймакорлик расмлар, ўша даврга оид Варахша шаҳарчаси-

да кашф этилган ганчга битилган ўсимликсимон нақшлар, пальметта, бўрттириб ишланган балиқ тасвирида ўйилган ганч, геометрик шакллар, қушлар, ҳайвонлар ва балиқларнинг тасвирлари ажойиб санъат намуналаридан. Қадимий усталар мураккаб нақшларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларидан олиб стиллаштириб ишлаганлар. Ганч деворга, устун ва пештоқларга қалин қилиб сувалиб, нақш тасвири ганчнинг ўзига ахта (улги) сиз тўппа-тўғри чизиб ўйилган.

Илк ўрта асрлардан бошлаб ганчкорлик санъати яна ҳам ривожланади. Мовароуннаҳрда ганчкорлик меъморчиликнинг асосий беағи даражасига кўтарилиб, уларда афсонавий ҳайвонларнинг тасвирини ҳам учратамиз. Айниқса, Жанубий Ўзбекистонда ўрганилган мақбараларнинг интерьерини, девор пештоқлари, равоқлари ниҳоятда нафис ўйма нақшлар билан безатилган. Масалан, XII асрда Термиз мақбараларида янгича услуб ишлатила бошланганлиги, яъни муқарнаслар (стилактитлар)нинг пайдо бўлиши ва кўпгина биноларда қўлланилиши ганчкорликнинг ўсганлигидан гувоҳлик беради.

Кейинги асрларда Афросиёбда топилган ажойиб ганч намуналари бу соҳада янги-янги нақшлар яратилганлигини, биноларда ганч ўймакорлиги, узвий боғланган кошинлар ва тошдан ясалган безаклар, ганч ишлатила бошланганлигини кўрсатади. Ганчкорликнинг гуллаб-яшнаши XVIII—XIX аср бошларига тўғри келади. Бу соҳада ўзбек усталарида айрим минтақага (вилоятга) хос бадий услуб ва белгилар сақланиб қолган. Улар ўзига хос ўймакорлик мактабларини яратишга қолмай, ўзаро тарихий давр жиҳатидан ҳам фарқланадилар. Агар қадимги ганч ўймакорлигида деярли ҳажмлик реалистик мазмун ва орнаментал мотивли расмлар характерли бўлса, ўрта асрларда асосан ўсимлик ва геометрик шаклдаги чуқур ўйиб ясалган ҳашаматли безаклар пайдо бўлади.

Бизнинг асримизга келиб ганчкорлик санъатида майда рельефли, нозик ва рангли текис фонда ясалган меъморчилик намуналари кенг тарқала бошлаган. Ҳозирги даврда бинокорликда кўпроқ безакли рангли гуллар ва расмлар билан ганч ўймакорлигини биргаликда ишлашга ҳаракат қилинмоқда. Шунинг учун усталарнинг кўпчилиги нафақат ўймакор, балки шу билан бирга рассомчиликни ҳам эгаллаган. Улар ганч-

дан ташқари бинокорликда ишлатиладиган ҳар хил карнизлар, устун ва кронштейнлар, панжара ва бошқа деталларни ясаш ва бўяшни ҳам биладилар.

Усталарнинг моҳирлиги туфайли кичик хоналарга майда, текис ўймакор ва унга мос пардоз тури, катта хоналарга эса йирик ёйма, ўзига хос нақшлар берилди. Ганч ўймакорлигида йирик ўйма, чуқур ўйма, ясси ўйма, қирма, замини кўзгули ўйма, замини рангли ўйма, чизма пардоз, занжира, ҳажмли ўйма каби услублар ҳозиргача ишлатилмоқда.

Бинокорлик (меъморчилик)да ишлатиладиган анъанавий орнамент геометрик ва ўсимлик шаклида. Ўзбек халқи санъатининг барча соҳаларида ўсимлик орнаменти устун туради, аммо у доимо геометрик нақшлар билан бирга ишлатилади. Ганчкор усталар ҳар хил турдаги ўйма ишлатадилар: замин-кори, чока-пардоз, лўли-пардоз ва табақа-пардоз. Кейинги тури энг охириги ва янги ҳисобланади. Улар ўзаро орнаментларининг ўйилиш услуби, чуқурлиги ва катта-кичиклиги билан фарқланадилар, аммо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ганчкор нақшлар катта корхоналар, маъмурий иморатлар, маданий ва санъат саройларини безабгина қолмай, кейинги йилларда жуда кўп фуқароларнинг уйларига ҳам ҳусн бағишламоқда. Йирик иншоотлар, монументал обидалар, кенг савдога мўлжалланган ўймакор ганч нақшлар муайян мотивдаги миллий орнаментлар тасвирланган қолипларда қуйилиб ишланади. Бундай ажойиб миллий безаклар Тошкентдаги Навоий номидаги опера ва балет театрида, Муқимий номли театрда, катта санъат ва маданий саройларда, жуда кўп маъмурий ва жамоатчилик биноларида, ошхоналар ва дўконларда кенг ишлатилган бўлиб, улар шаҳар ҳуснига-ҳусн бағишламоқда. Ерқин майин бўёқлар билан анъанавий ўймакорлик нақшларининг биргаликда ишлатилиши айниқса чирой кашф этади. Машҳур бадий ганчкор усталардан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ширин Муродов, Халқаро мукофотлар совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдулла Болтаев, элда катта ҳурматга сазовор бўлган моҳир усталар Тошпўлат Арслонқулов, Усмон Икромов, Анвар Қулиев, Шамсиддин Ғофуров, Қули Жалилов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси Юсуф Али Мусаев

ва бошқалар яратган ўймакорлик ва меъморлик санъати халқимизнинг бадий бойлигидир.

Ёғоч ўймакорлиги ҳам Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қадимдан кенг тарқалган. Мазкур ўймакорликка оид бўртиқ (горельеф) нақшлар уй-рўзгор буюмларида ва меъморчилигида, айниқса эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, хонтахта, қутича, қаламдон, эгар кабиларда ишлатилган. Моҳир усталар яратган бизгача етиб келган айрим буюмлар ҳозиргача ўзининг нафислиги, табиийлиги ва мураккаблиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ёғоч ўймакорлиги намуналари илк ўрта асрларга оид Сурхондарё воҳасидаги Юмалоқтепадан, Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа жойлардаги қазилмалардан топилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, араблар келишидан олдин ёғочдан ясалган маъбуда (худо)ни ҳар бир хонадонда учратиш мумкин. Одатда бундай маъбуда эшик тепасига қўйилган ва у эскирса хонадон соҳибини янги маъбуда харид қилиб, алмаштириб турган. Араб истилосидан кейин ислом ақидаларига биноан тасвирий санъатнинг бундай турлари, айниқса ҳайкалтарошлик бутунлай барҳам топади. Эндиликда уста наққошлар ёғоч буюмларга геометрик шаклда оддий чизиқлардан мураккаб шакллар ясашга, табиат манзараси ва ўсимликлар аксини ифодалашга ўтдилар.

IX—X асрларда Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлиги яна ҳам ривож топади. Бу даврга хослик шундан иборат эднки, ўймакор усталар яратган нақш заминида қандайдир рамзий маъно, эзгу тилак, орзу ва гўзал ниятлар ифодаланган. Уларнинг нақшларида ҳатто тимсол, дуо-афсунлар, тасбеҳ ва таносиблар анча кўп бўлган.

Кейинги даврда (XI—XIII асрлар) халқ амалий санъатида мураккаб геометрик нақш, яъни гириҳ нақши асосий ўринни эгаллаб, уй-рўзгор буюмлари, меъморчилик нақшлари янада бадийроқ ва нафисроқ бўлиб сезилади. Бунга мисол қилиб XI—XII асрларга оид Самарқанддаги Шоҳи-Зинда деворининг орасидан топилган ёғоч ўймакорлик намунасини, Кўҳна Урганч обидаларидаги нақшли эшик ва устун намуналарини келтириш мумкин. Темурийлар даврида яратилган ёғоч буюмларда ҳаттоки тирик мавжудотлар ўйиб тасвирланганлигини кўриш мумкин. Самарқанддаги Рухобод мақбарасининг эшигидаги балиқ тасвири, айрим

буюмлардаги қуш, илон каби жонзотларнинг тасвири бунга далилдир.

Ўзбек хонликларида ҳам ажойиб халқ амалий санъати намояндалари, чунончи, ёғоч ўймакор усталар етишиб чиққан. Утган аср охирларига келиб ҳар бир хонликда ўзига хос турли услубдаги ўймакорлик мактаблари пайдо бўлган. Масалан, Бухоро ёғоч ўймакорлиги нақшнинг жозибадорлиги, жимжима безакларнинг олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминидан ранглардан фойдаланиш билан ажралиб туради. Хива усталари ёғоч ўймасининг монументаллиги, табиий рангининг мустақамлиги билан бошқалардан фарқланади. Қува ўймакорлари эса калта бўртмали, ясси ўйма нақшлар яратганлар. Пештоқда ҳам нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Марғилон усталари чуқур замиңли ўймани қўллаб келганлар. Қўқондаги Худоёрхон саройи, Бухородаги Ситораи Моҳи-Хоса, Хивадаги Тошҳовли, Марғилондаги Саидахмадхўжа мадрасаси, Тошкентдаги Н. К. Романовлар саройи ва А. А. Половцев уйи, Қувадаги Зайниддинбойнинг уйи ва бошқаларда ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо намуналари яхши сақланиб келган.

Ўзбек халқи амалий безак санъатининг ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналари халқаро миқёсдаги ҳар хил кўргазмаларда муваффақият билан кўп марта намойиш қилинган. Масалан, Ўзбекистоннинг моҳир усталари ўз ишлари билан 1925 йилда Парижда, кейин Лейпцигда, 1927 йилда жаҳон бўйича, 1937 йилда Парижда «Санъат ва техника ҳозирги кунда» деган кўргазмаларда қатнашиб иккита «Гран при», иккита кумуш медаль билан мукофотланганлар. 1939 йилда Нью-Йоркда бўлган «Келажак олам» кўргазмасига ҳам қатнашиб ўзбек усталари диплом олганлар. 1938 йили январда Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги Ўзбекистон павильонларини Тошкент, Бухоро, Хива, Фарғона ганч ва ёғоч ўймакорлари ажойиб санъати билан безадилар.

Республика пойтахтида қад кўтарган барча маъмурий, жамоат ташкилотлари, театр, ресторан, дўкон ва бошқа йирик иморатларнинг ўймакорлик санъати билан безатилган ганч ва ёғоч қисмларини яратишда ўзбек усталари ўзларининг зўр маҳоратларини намойиш қилганлар.

Республикада танилган ўймакорлардан Сулаймон Хўжаев, Олимжон Қосимжонов, Мақсуд Қосимов, Ортиқ Файзуллаев ва бошқалар ўзига хос ўймакорлик мактабини яратганлар ва жуда кўп истеъдодли шогирдлар етиштирганлар. Уста Сулаймон Хўжаевга 1932 йилда Ўзбекистон халқ усталари ичида биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Хива мактаби усталаридан Ота Полвонов, Сапо Боқбеков ва бошқалар ўзига хос ўймакорлик санъатини яратганлар. Уларнинг нақшлари майдалиги, юзалиги, заминининг камлиги, нақшларнинг зичлиги ва бадий тузилиши билан ажралиб туради. Хива ўймакор усталари асосан қайрағоч (гужум), терак, чинор дарахт ёғочларини кўпроқ ишлатадилар ва улар ёғочнинг табиий кўринишини сақлашга ҳаракат қилиб янги ўйма юзасини силлиқлаш, бўёқ суришни қўлламаганлар. Самарқанд ёғоч ўймакор усталари ҳам ўзига хос мактаб яратиб, бошқа мактабларга қараганда жуда майда ўйма нақшлар, мураккаб композиция, яъни геометрик, ўсимликсимон ва гулли гириҳ услубига лак берилган буюмлар билан ажралиб туради. Бу мактабнинг намоёндаларидан Уста Асатилла, М. Жумабой, Уста Насрулло, Нурали Назруллаев кабилар жуда танилган. Қўқон ўймакор усталари яратган турли буюмларида (курси, ром, қутича ва ҳоказо) ясси, калта бўртмали ўймани, яъни паргари услубини ишлатиб келганлар, улар меъморликда эшик ва устунларга йирик чуқур нақшлар ўйиб ясаганлар. Марғилон ўймакорлари ҳам шу услубда ишлаганлар. Улар кўпинча терак, ёнғоқ ва бук ёғочидан фойдаланиб, ўйилган нақш юзига тўқроқ ранг бериб, кейин локлаганлар.

Ҳозир ҳеч бир шаҳар ёки қишлоқ йўқки, ажойиб ёғоч ўймакорлик санъати намуналари бўлмаса. Бу соҳада, айниқса Хоразм усталари ном чиқарганлар. Барча ўймакорлик санъати намуналари меъморчиликда, чунончи, йирик ижтимоий, маданий ва маъмурий иморатларда, ресторан ва кафеларда, шахсий уйларда кўплаб ишлатилмоқда. Айниқса, устун, карниз ва панжаралар чиройли ўсимлик ва геометрик нақшлар билан безатилган. Анъанавий ўймакорлик услуби ҳар хил уйрўзгор буюмлари ва жиҳозларида ҳам ишлатилади.

Амалий безак санъати турларидан Ўзбекистонда кенг тарқалган соҳаси бўёқли расмлар чизишдир. Одатда бу соҳа икки хилда: ганч сувоқли деворга расм

солиш ва ёғоч буюмларга рангли нақш беришдан иборат. Мазкур касбни наққошлик санъати деб ҳам атайдилар. Утмишда юксак дид билан бунёд этилган нақшли муҳташам бинолар ҳозиргача кишини ўзига мафтун қилиб келмоқда. Ниҳоятда бой, мазмунли миллий нақшларимиз турар жой ва йирик иморатларнинг девор ҳамда шифтларида, оддий идиш-товоқлар, сандиқ ва кўрпачалар, беланчак, чолғу асбоблари ва бошқа буюмларда жиҳваланиб инсонни ҳайратга солади. Илгари бадавлат ўзбек оилалари турар жойларининг ҳар бир меъморий қисми ўзига хос нақшлар билан безатилган. Унинг интерьерни, яъни хона девори узунасига уч қисмга бўлинган — пастки изора (панел), ўрта қисми ва тепа қисми фриз. Деворнинг ўрта қисми манзаралар, катта-кичик нақшлар, унволи ёзувлар ва бошқа орнаментлар билан безатилган. Тепа фриз қисмига ҳар хил геометрик ва ўсимлик шаклидаги нақшлар ишланган. Деворнинг тепа қисми билан шифт ўртасига одатда ганчдан ясалган ажойиб карнизлар ўрнатилган (унга шарафа деб ном берилган), шифтнинг ўртаси эса ўйиб ишланган ганчли қуббалар билан безатилган ва унга ҳовузак деб ном берилган. Бу ҳовузакларга ислимий ёки геометрик нақшлар ёки турунжлар ишлатилган. Бундай безаклар ўзбек хонадонининг анъанавий зийнати ҳисобланади. Деворлардаги тоқчалар, тахмонларнинг чети, китоблар ажойиб нақш намуналари билан безатилган. Тоқчалар ҳар хил идиш-товоқлар билан, чиройли тахмонлар кўрпа-ёстиқлар билан жиҳозланган. Ўзбек хонадонларидаги сергул гиламлар, рангбаранг кўрпа ва чойшаблар, нақшинкор хонтахталар, қаламдонлар, қутичалар, рангин безакли деворий нақшлар, ҳашамдор шифтлар миллатнинг нозик дид ва олий ҳис-туйғуларга эга эканлигини исботлайди. Бунинг яна бир тасдиғи мазкур деворлар ва шифтларга берилган нақшларнинг мутаносиблиги, пухталиги, рангларнинг уйғунлиги, нафислиги ва юксак бадийлигидир. Миллий наққошлик санъатининг ривожланиши Фарғона, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа туман ва вилоятларда ўзига хос наққошлик мактабларини юзага келтирган эди.

Анъанавий наққошлик ноёб бадий санъат турларидан бири тош ва суяк ўймакорлиги ҳисобланади. Бу санъатни халқ орасида тоштарошлик ва сангтарошлик деб ҳам атайдилар. Ниҳоятда катта истеъдод, зўр сабр-

тоқат ва оғир меҳнат талаб қиладиган бу касб қадимдан ривожланиб келган. Маълумки, дастлабки ишлаб чиқариш қуруллари тошдан ясалган. Ибтидоий аждодларимиз тошнинг турли навларидан ва суякдан ҳар хил қурул-асбоблар, уй-рўзғор буюмлари, безаклар тайёрлаганлар. Эрамизнинг биринчи асрларига оид обидалар (Фаёзтепа, Айритом, Қоратена, Тупроққалъа)-да ҳарсангтош ва мрамрдан безак ишларида кенг фойдаланилган. Айниқса, ўрта асрларда тоштарошлик юксак даражада ривожланиб такомиллашган. Бунга мисол сифатида Амир Темур ва Аҳмад Яссавий мақбаралари, Бибахоним масжиди, Хива, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанддаги ҳашаматли масжид ва мадрасаларнинг жозибадор ўймакорлик тошлар билан безатилганлигини келтириш мумкин.

Бинокорликда ишлатиладиган ранг-баранг кошинлар ва турли хилдаги бадий аҳамиятга эга уй-рўзғор буюмларини асрлар давомида яратиб келган кулолчилик ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекларнинг бу қадимий амалий санъати ўзининг бой анъаналари, нозик ва майин нақшлари, майший турмушда ишлатиладиган кундалик идиш-товоқларнинг турли хиллиги ва ўзига хос миллийлиги билан узоқ даврлардан бери узоқ-яқин халқларни ҳам ўзига мафтун қилиб келган. Ҳозирча бинокорликда майолика ва мозаика тарзида ишлатиладиган, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон каби шаҳарлардаги масжид-мадрасалар, карвонсаройлар ва қабрларни безатиб турган ранг-баранг кошинлар бу санъатнинг ажойиб намуналари ҳисобланади. XIX аср охирларига келиб бир оз инқирозга учраган кошинчилик кейинги йилларда таъмирчилик ишлари туфайли қайта тикланиб яна жонланди.

Ўзбек кулолчилигидаги бадий услуб узоқ давр давомида шаклланиб, айрим туманларда идиш-товоқлар турлари ва нақшларининг ўзига хослиги сақланиб келмоқда. Идишларга бериладиган нақшлар асосан қалами, чизма ёки харрожи услубида амалга оширилган, баъзан улар биргаликда ишлатилган.

Кулолчилик Ўзбекистоннинг ҳамма жойида учрайди. Аммо бадий буюмлар яратишда энг йирик марказлардан Риштон, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Хива, Хонқа, Самарқанд, Тошкент қадимдан машҳур бўлган. Масалан, Риштон кулоллари яратган сирли идиш ва сопол буюмлар ўзининг нозик ва мураккаб нақшлари, бўёқлар коло-



рити, айниқса, очиқ кўк кобальти ва феруза рангли бир неча оҳанглилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги Риштон буюмларидаги қалами услубида яратилган нақшлар йирик ва декоратив хилдаги орнаментли. Ёғдудов сопол идишлари ўзининг ранг бойлиги ва қатламлилиги билан кўзга ташланади. Уларда ҳам қатлами услубида тўқ жигарранг фонида яшил, тўқ сариқ, тўқ кўк ва қизил ёшт рангли нақшлар бир неча қатламда берилган бўлиб, бўрттирилгандек сезилади. Ҳозирги Шаҳрисабз усталари йирик орнаментли қизил-жигарранг фонда яшил, сариқ, қизғиш ва баъзан кўк ранглар билан идиш-товоқларни безайдилар. Самарқандлик кулоллар катта декоратив шаклдаги олтин ёки саккиз қиррали юлдуз, доирасимон, ўсимлик орнаментли нақшлари билан ўз маҳсулотларини бегаганлар. Тошкентликларда икки хил сопол идишлар фарқланади: ёски хилда ясалган суяқлик оқимига ўхшаш яшил, сариқ ва жигарранг бўёқли ва ҳозирги даврга оид очиқ фонга битилган чеккаси гравировкали, майда ўсимлик орнаментли, полихром беақли намуналар. Фарғона кулоллари сопол идишларга оқ, кўк, қизил, яшил, сариқ ва ҳоказо тусда сир берадилар. Андижонда сирни кўпроқ оқ тусда берадилар. Идишга таг сир берилганидан сўнг унинг устидан рангли бўёқ билан турлича чизиқлар, ҳоллар, гуллар чизилади. Кулолчиликнинг энг қадимги маркази ҳисобланган Хоразм идиш-товоқларининг шакли, айниқса катта овқат идиши — бодия ва лаганлари, сувдонлари (хумлари) билан ажралиб туради. Идишларга бериладиган гулли ва геометрик нақшлар асосан тўқ яшил ва феруза, бир оз кўк ва оқ ранглардан иборат. Ўзбек кулоллари ясайдиган ҳар хил фигурали ўйинчоқлар, айниқса хуштак чаладиган ўйинчоқлар қадимий даврлардан маълум.

Чинни идишлар Урта Осиёда яқин даврлардан ишлаб чиқила бошланган. Ўзбекистонда кечки феодализм даврида пайдо бўлган чиннисозлик ҳозир тез суръатлар билан ривожланиб, анъанавий бадий санъат намуналарини яратишни давом қилдирмоқда. Утган асрда чиннисозлик Фарғона водийсида, Андижон, Қўқон, Риштон каби шаҳарларда ривож топган. Аммо XIX аср охирларига келиб Россия чинни корхоналарида ишланган идишларнинг Урта Осиё бозорларига кўплаб кира бошлаши туфайли маҳаллий чиннисозлар рақобатга чидаёлмай инқирозга учрайдилар. Оқибатда асримиз бош-

ларида бу касб кўп шаҳарларда тўхтади ва йўқолиб кетади. 1954 йилда республикада чиннисозлик қайтадан тикланиб ривожлана бошлайди.

Ўзбек кулолчилик санъати ҳам амалий санъатнинг бошқа соҳалари сингари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нарса унинг хом ашё, ишлаб чиқариш қуролларининг турлари, меҳнат тақсимоти, буюмларнинг шакли ва нақшлари кабиларда кўринади. Сопол идишга солинадиган гуллар ва нақшларнинг номлари баъзан бир хил, баъзан ўзаро фарқланади. Фарғона водийси кулоллари, айниқса машҳур Риштон усталари ижод этган нақш намуналари 300 га яқин. Шуларнинг ичида нақш элементларини ифодаловчи қўйидаги сўзларни учратамиз: аноргул, қалампир, тож, қаноти мурғ, қўчқароқ (қўчқор шоҳи), гули афшон, нон севат, сада, гултожикўроз, меҳроба, зар пўчак, булбулзор, туморча, ошпичоқ, оптовагул, чойдиш, четангул, туябўйин, ғўзанак, каптар қанот, ошиқча, риштагул, печак ўт, санама, писта, барг, занжира, осма гул, кошин гул, чор япроқ, гулли гажак. Сопол идишларга туширилган нақшлар ҳаммаси бир-бирини тўлдиради, мукаммаллаштиради ва ўзига хос ҳусн бағишлайди.

Таниқли наққош ва олим, Ўзбекистон халқ рассоми М. Р. Раҳимов сопол идишларни сир бўёқларига қараб қўйидагиларга ажратади: 1) оқпаз идишлар — бунга ишқор билан сирланган лаган, тавоқ, коса, пиёла кабилар киради; 2) ложувард — бунга суюқ овқатлар қўйиладиган, осмон рангли идишлар ва сиёҳдонлар киради; 3) қалағи ва чинни идишлар — бунга қалай қўшилган қўрғошин бўёғи билан сирланган ўртача катталиқдаги фаянс идишлар киради; 4) тағи сиёҳ-қўрғошиндан ишланган тўқ жигарранг сирли идишлар, асосан Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида учрайди; 5) қўрғошин — бунга қўрғошин билан сирланган, умумий туси кулранг, сарғиш оқ рангдаги идишлар, чунончи, кўзагарлик, косагарлик буюмлари киради.

М. Раҳимов кулолчилик ҳунарини илмий жиҳатдан ўрганибгина қолмай, ўз ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий сополчиликни уйғунлаштиради. Унинг дастлабки фаолиятида яратган буюмларида ёрқин заминдаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция намоёиш қилади. Моҳир уста анъанавий безакли лаган, гулдон ва янги шаклли идишлар билан бирга портрет, совға буюмлар яратган, улар-

нинг беагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирларни ишлатган. У кўп йиллар мобайнида сопол материали ва бўёқларини ўрганиш йўлида самарали хизмат қилиб, бир неча жиддий асарлар яратди. Унинг кулолчилик соҳасида оригинал ясалган бадий буюмлари турли музейларда сақланмоқда.

Ўзбек амалий безак санъатини дунёга танитган яна бир муҳим соҳа кандакорлик, яъни металлдан ясалган бадий буюмларга ўйиб ёки бўртик қилиб нақш ишлаш касбидир. Бу бадий ҳунармандчилик ҳам ўлкамизда қадимий даврлардан маълум бўлиб, у ўз қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Маҳаллий кандакор усталар олтин, кумуш, мис, жез ва бошқа металллардан узоқ ўтмишдан буён турли буюмлар ясаб келмоқдалар. Бадий металл буюмларни ишлашнинг илк намуналари Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда эрамыздан аввалги I минг йиллик ўрталаридан кенг тарқала бошлаган. Дастлабки тўғнағичларда кичик воқеалар, ҳайвонлар ва бошқа мазмундор тасвирлар акс эттирилган. Масалан, ўша даврга оид Фарғонада топилган маросим қозони кандакорликда «ҳайвонот услуби» мавжудлигидан дарак беради. Сўнги антик ва илк ўрта асрларда маҳаллий кандакор усталар қимматбаҳо металллардан ҳокимлар ва зодагонлар учун тўй-томоша, тахтга ўтириш, ов қилиш, шикор ва кураш манзаралари, афсонавий ва эпик қаҳрамонлар образи, ҳаётги мавжудот, парранда ва бошқа дунёвий тасвирлар ўз аксини топган кўпгина буюмлар ясаганлар. Ислонгача ўтган даврда Мовароуннаҳр аҳолиси уй-рўзгор бадий буюмларида дунёвий воқеалар ифодаланган нақшларнинг кўп топилганлиги мазкур касбнинг ниҳоятда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда нафақат олтин ва кумуш буюмларнинг зўр маҳорат билан безатилиши, балки ҳашаматли биноларнинг беақларига ҳам олтин суви югуртирилиши диққатга сазовордир. Бу даврда мис ва унинг қоришмаларидан янги-янги буюмлар пайдо бўлади, тўғри тўртбурчакли баркашлар, шар шаклидаги юмалоқ бўйнига нақш солинган кўзалар, чиройли сиёҳдонлар, ҳовонча ва бошқалар кандакорликнинг юксак даражада ривожланганлигини исботлайди. Кўп металл идишларга ҳар хил мазмундаги, масалан, шахсни шарафлайдиган,

омад, тан-сиҳатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилаб ёзилган нақшли матнлар «куфий» ва «насх» услубида битилган. Ривожланган феодализм даврига оид (XIV—XV асрлар) Регистон майдони яқинида қазиб олинган хазиналардаги турли-туман идишлар, пиёла-лар, тагликлар, қопқоқлар, кўзалар, қозонлар ўзбек қандакорлигининг яна ҳам ривож топганлигидан далолат беради.

Бадий санъат касбларидан мискарлик ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Сариқ ва қизил тахта мислардан турли идиш-товоқ ва хўжалик буюмлари ясалган, уларнинг кўпчилиги нозик ўйма нақшлар билан безатилган. Мискарликнинг бошқа металлсозлик касбларидан фарқи шуки, мис тоб берилмай, яъни ўтда қиздирилмай совуқ ҳолида ишланади. Аммо мискарлар ичи чуқур мис идишларнинг қисмларини бир-бирига ёпиштиришдагина уларни қиздирадилар. Одатда мискарликда меҳнат иккига тақсимланган: ясаш ва безаш. Идишларни безовчи уста наққош мискар деб номланган.

Буюмлардаги нақш композицияларининг ҳар бирида нақш ўйиш техникасининг турлича усули қўшилиб кетган бўлиб, улардан нақш қондаларининг мазмунини англаб олиш мумкин. Ўзбек наққош мискарлари яратган мис идишлардаги нақш композицияларининг ниҳоятда мураккаблиги, мавзу ва элементларининг рангбаранглиги мазкур санъат соҳасининг узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтганлигини кўрсатади. Масалан, идишларга ўйилган нақшлардан мадохил, ислими ва намоён номли услубларда яратилган ўнлаб нақш турлари ўзбек наққошлик маданиятига хос бўлган классик нақш намуналаридир. Бу нақшлар халқимиз бошидан кечирган баъзи тарихий воқеаларни, унинг дунёқарашини ва орзу-истакларини, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ифодаловчи ҳолатларни айрим-айрим нақш элементлари ёки уларнинг бирикмалари тарзида намоён қилади.

Айрим элементлар ва номларга қараганда маҳаллий усталарнинг ўтмишда чет эл вакилларининг буюртмаларини бажарганлиги ёки ўз ишларида баъзан бошқа юртлар услуби ва стилларидан фойдаланганлиги сезилади. Масалан, нақш номлари орасидаги ислими машади, ислими афғон, ислими араби каби атамаларнинг учраши чет мамлакатлардаги истеъмолчиларнинг талаб ва дидлари ҳисобга олиниб, маҳаллий усталарнинг ўз

санъатини бойитганлигидан дарак беради. Баъзи буюмларда, нақшларда афсонавий тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ турли жониворлар (илон, қуш, ҳайвон, ҳашарот) ларни ифодаловчи шаклларни очиқ сезамиз.

Ҳозирги даврда эса мискарлик санъатига янгича мазмунда ва услубда одамлар, меҳнат фаолияти, юлдуз ва ўроқ-болға, пахта гули ва барглари, герб ва бошқа рамзий тасвири композициялар кирган. Айниқса, нозик ўйма нақшларни қумғон, жом, мисчойнак, мискоса, миспиёла, мисчилим, тунг ёки мис-кўза (кўпинча қонқоқсиз, жўмаксиз) ва кўзача, мистовоқларда учратиш мумкин. Айрим нухаларига ташқи томонидан ўйма нақшлар билан хат битилган, ичи оқартирилган, баъзан феруза ёки мунчоқлар қадалган.

Ўзбек нақшош мискарларнинг лексикасида ишлатиладиган нақш элементларининг номлари бу соҳадаги юксак санъатни ва бой тарихни намойиш қилибгина қолмай, маҳаллий элатнинг дунёқараши, маданияти ва турмуш даражасини ҳам ифодалайди. Масалан, кўҳна нақш элементларидан қуйидаги намуналар диққатга сазовордир: 1) Ислими нақшнинг турлари — ислими араби, ислими афшон, ислими бодомбарги, ислими даврон, ислими доира, ислими мева, ислими муғжа, ислими муқаррарий, ислими таноб, ислими ҳованда, ислими қавс, ислими чорқубба, ислими ҳумо ва ҳоказо; 2) ўсимлик барги ва гули билан боғлиқ нақш номлари: барги аннос, барги мушак, барги муғилон, барги бодом, толбарги, га-жакгул, гули афшон, гули носира, гули санжари, гули сармуғон, гули хуршид, гули тожихўроз ва ҳоказо; 3) идишларга ўйилган нақш тури мадохил элементларининг номлари ҳам юқоридаги қўшимча сўзларга тўғри келади; 4) бошқа турлича намуналаридан атиргул, курмак, булбул, бодомча, нақши ганжа, нақши гулхан, нақши гардиш, ой нақши, ўрдагул, нақши сўмбула, тўғма нақш, чекмагул, чортахт, юлдузгул, нақши кўзойнак, нақши чорбўта, чашма зебор ва ҳоказолар.

Мазкур атамалар нафақат ўзбек тилининг бойлиги, балки безак берилган буюмларнинг хилма-хиллиги ҳамда мискарлик санъатининг юксаклигидан дарак беради. Масалан, турли ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан нафис қилиб безатилган мис лаганларнинг лавҳўри, дулава ва қошиғлик турлари, юз-қўл ювишда ишлатиладиган қумғон, дастшўй ва офтобалар, сув идишларидан тунг, сатил ва сархумлар, ниҳоятда

кенг тарқалган мис чойнак, мис кўза, чойдиш (чойжўш), кашкил (мис чойнак), селобча, чилолчин, туфдон ва бошқа уй-рўзгор асбоблари ҳам мискарликнинг муҳим-бадий соҳа эканлигини кўрсатади.

Мискарлик касби ҳар бир вилоятда ўзига хос буюмлар ва уларга бериладиган нақшлар билан ўзаро фарқланади. Масалан, қўл ювиш учун ишлатиладиган идиш Бухорода офтоба дейилса, Самарқанд, Тошкент вилоятларида обдаста, Хоразмда қумғон деб юритилади ва улар шаклан ҳар хил бўлади. Тадқиқотчилар таърифи-ча, улар қадимги афғон офтобаларига ўхшаш нафис, кўркам ва силлиқ пардозланган. Хивада офтоба (қумғон) лар ясси, бўғзи узун ва ингичка бўлиб дастаси бўлмайдди. Шаҳрисабз усталари офтобаларга рангли ойначалар, рангли сўғичлардан ва сирланган бўёқлардан гуллар солишган. Бухоро мискарлари яратган офтобалар бўйи пастроқ, катта ва ингичка бўғизли, гул солинган, оғзи қабарик бўлиб, кунгурали қопқоқча билан бекитилган. Қарши офтобаси алоҳида ясалган жўмракли, бироз юқорига эгилган ҳолда тик ўрнатилган. Бухоро мискарлари Қарши усталари тайёрлаган офтобалар бўғзига, жўмраги атрофига нақшлар, ўйма гуллар, рангли ойналар, қорнига эса оқ металлдан чиройли безаклар ўйган. Анъанавий буюмлардан дарвешларнинг челақка ўхшаш идиш (кашкил) лари чиройли нақшлар билан безатилган. Хон ва беклар овга чиққанда ишлатиладиган дўмбир (довул) лар ҳам ажойиб қилиб безатилган. Ҳар хил шамдон, ўсма тўшак, сурмадон, қалам солинадиган мисчилим, манқалдон, мис коса, шарбат коса, мис қозонлар, чўмич, капгир ва бошқаларга ажойиб нақшлар берилган.

Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона кандакорлик мактаблари ўзига хос миллий характерга эга бўлиб, улар безак бериш услуби, шакли ва орнаментлари билан ҳам ўзаро фарқланган. Ҳар бир мактаб буюмларининг нафосатлилиги, гўзаллиги, умумийлиги билан ҳам бир-биридан ажралиб турган.

Ўзбек оғзаки ижоди намуналарида, айниқса эртақ ва дostonларда темир ва пўлатдан ясалган ҳар хил кескир қурооллар тилга олинади. Шулар ичида ҳозиргача эъозланиб келаётган қуроол пичоқдир. Қадимий тош давридан мис ва темир давригача пичоқчилик ривожланиб келган. Ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг

турли хиллари Навоий, Бобур ва бошқа ўрта аср адибларининг асарларига ишланган миниатюраларда тасвирланган. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа каби обидларда топилган деворга ишланган расмлардан ҳам пичоқ уй-рўзғордан ташқари ҳарбий қуроли сифатида ишлатилганлигини кўриш мумкин. Кейинчалик пичоқчилик касби ривожланиб, ўзига хос мактаблар яратилган. Қадимдан Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё мактаблари мавжуд бўлган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашига қараганда Ўзбекистонда йигирмага яқин пичоқчилик марказлари бўлган. Улар ўзининг ишлаш технологияси, ясашиш усули, шакли, катта-кичиклиги ва безаклари билан ўзаро фарқ қилган. Масалан, ясашиш усулига қараб чуст (тус) пичоғи, пойтуғ пичоғи, қорасув пичоғи, шаҳрихон пичоғи, қўқон пичоғи, хива пичоғи кабиларга бўлинган. Маълумки, ҳунармандлар қадимдан бир-бири билан уюшиб, муайян маҳаллаларда яшаганлар. Одамларнинг касби номи билан маҳаллалар танилган. Ҳозиргача катта-кичик шаҳарларда ёки қишлоқларда пичоқчилар маҳалласини учратиш мумкин. Чунки пичоқ ўзбек оилаларида кесувчи асбоб сифатидагина ишлатилмай, бутун минтақада эркакларнинг энг зарур иш қуроли ва ҳатто сарпобезаги сифатида ҳам хизмат қилиб келган. Бундай ҳол унинг ниҳоятда чиройли безалишини талаб қилиб, пичоқчиликни нозик нақшли санъат соҳасига кўтарган.

Андижон вилоятининг Қорасув қишлоғида яратилган пичоқ намуналари ўзининг ўткир тиғи ва бежирим безаги билан бутун Марказий Осиёда машҳур бўлган. Қорасувлик пичоқсозлар ўтмишда қилич, ханжар, шоп ва пичоқ ясашда ном қозонганлар. Чуст усталари ясаган пичоқнинг дастаси ҳамда тиғи узунроқ бўлиб, тиғининг учи ташқарига, дастасининг учи ичкарига томон қайрилган ва ўзига хос безатилган. Хива пичоқлари ўз шакллариининг нозиклиги, безакдорлиги, металининг моҳирона қайта ишланганлиги, тиғи юзининг ислимий нақшлар билан безатилганлиги, «қинбоғи»нинг бадий нақшлари билан машҳур. Шаҳрихон ва Қўқон усталари яратган пичоқлар суқма сопли, тиғи катта ҳамда қалин, ихчам, дастаси сарбастали, гулсиз ёки камгулли.

Заргарлик ҳам энг қадимий зеб-зийнат яратадиган ҳунармандлик соҳаси ҳисобланади. Археологик кашфиётлар жуда кўп сонда турли хилдаги заргарлик буюмларини фанга етказиб берган. Ўзбек заргарлари

яратган маҳсулотлар ассортменти кўп ва хилма-хил, айримлари ниҳоятда ноёб санъат дурдоналаридан. Асримиз бошларида маҳаллий усталар яратган ажойиб безаклардан турли хилдаги зираклар (тошкент зирак, самарқанд зирак, нўғой зирак, хоразмча зиракка сирға деб, қулоқсирға, бурунсирға кабилар), узук, билағузук, сочпопук, баргак, зебигардон, балогардон, баргоҳ, тиллақош, тумор, бўйинтумор, наранжитугма, шингила кабилар зўр маҳорат билан ясалган.

Заргарлар ишлаб чиқарадиган зеб-зийнатларни фойдаланилишига қараб бармоққа, қулоққа, кўкракка, бурунга, қўлтиққа, чаккага, пешонага, бошга, сочга, белга тақиладиган безакларга бўлиш мумкин. Масалан, ўтган асрда ясалган Фарғона водийси безак ашёларидан бўйинга тақиладигани зоғара баргак, кундалли баргак, пешовуз, аёллар сочларига тақадиган нуқра дўмбоқ ёки тилла чачвоқ, пешонага тақиладиган тиллақош, пешонага жажак, биқинга тақиладиган тавшадил, чаккага тақиладиган тиллагажак кабилар шулар жумласидан. Улар Ўзбекистоннинг маиший турмуши нақадар ранг-баранг эканлигини кўрсатади. Бу фикрни тасдиқлаш учун яна бир мисолни келтириш мумкин. Фарғона заргарлари яратган узук ва зираклар турларини эслайлик: узуклардан авғонча узук, румча узук, айрибанд узук, қозоқча узук, кума узук, ўрама узук, танга кўзли узук, хожи узук ва ҳоказо. Баъзи зеб-зийнатлар бир умр ечилмасдан тақиб юрилган. Зирак ёки исирға турларидан канозира ёки татарча зира, туркистонзира, туркистонбалдоқ, зулукзира, қўнғироқли зира, қашқар балдоқ, кўзлик зира, ойбалдоқ, фарғона балдоқ, тошкент балдоқ, арава балдоқ, шардироқ балдоқ, анжир балдоқ ва ҳоказолар ҳам ўзбек хотин-қизларининг эстетик жиҳатдан юксак дидли эканлигини намён қилади. Бошқа зеб-зийнат буюмларининг турлари ҳам маҳаллий аҳолининг турмуш маданияти ва дунёқарашини аниқлашга ёрдам берадиган намуналардан. Заргарликда безак ашёларни ўйма ва қолип усулда ясаб, ҳал, чодиш, совог, мийна ва турли рангдаги тошлар, маржон, шиша, садаф кабиларни ўрнатиш йўли билан безайдилар. Жавоҳирлар заргарликда қимматбаҳо тош ҳисобланиб, ўзининг чиройлилиги, рангининг тиниқлиги, бир хиллиги, ялтироқлиги, товланиши, қаттиқлиги, турли хилда ўзгариши каби хусусиятларга эга. Заргарлик санъати айниқса Бухоро ва Хивада машҳур бўлган. Бу ерда ҳозиргача танилган заргар



усталар ишлаб шогирдлар етиштирмоқдалар. Кўп шаҳарларда заргарлик тикланиб, ҳатто фабрикалар пайдо бўлган. Айрим усталарни ҳар бир вилоятда учратиш мумкин. Замонавий техника билан жиҳозланган заргарлик фабрикалари кейинги вақтларда Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон ва бошқа шаҳарларда пайдо бўлган.

Бизнинг давримизгача етиб келган энг муҳим амалий санъатлардан бири бадий тўқимачилик ва каштачиликдир (каштадўзлик). Бундай ҳунармандчилик соҳалари Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Китоб, Хива, Тошкент каби шаҳарларда анча ривожланган. Ўзбек тўқимачилари икки хил бадий газлама тўқиганлар: пахта ипидан ва ярим ипак йўл-йўл матолар ҳамда ранг-баранг ипак газламалар. Шулардан энг кўп тарқалгани йўл-йўл арқоқи пахта ипидан тўқилган ипак асосли беқасам, эски фарғона (хўжанд) нақшли бинафша, яшил ва оқ аралаш, қисман тўқ қизил ва сариқ рангдаги газлама. Кўк ва тўқ яшил беқасам Фарғона ва Тошкентда кенг тарқалган.

Рангли ипак газламалардан ҳозиргача энг сеvimли бўлган хонатлас нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё ва бошқа чет элларда ҳам катта обрўга эга. Унинг безаклари доимо ўзгариб, бойиб турган. Кейинги йилларда атласнинг гўзаллиги ва ранг-баранглиги шунча бойиб кетдики, унинг айрим нусхаларини алоҳида ажратиш қийин. Хонатлас тўқувчилар давр талабига қараб муайян мазмунда турли нақшдаги газламалар яратганлар. Аммо барча нақшларнинг асосида ҳар хил ўсимлик элементлари, геометрик безаклар, қора, тўқ қизил ва кўк, яшил, сариқ ва оқ рангларнинг аралашмасидан тўқилиб, ўзига хос гўзаллик кашф этади. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида асосан тўқ яшил ва оқ, сариқ нақшли қизил рангдаги атласни афзал кўрадилар. Ҳозир ўзбек усталари атласнинг шахмат атлас, товус нусха каби янги хилларини ҳамда канауз типидagi ипак газламаларни кўплаб ишлаб чиқармоқдалар.

Қадимий тўқимачилик маҳсулотларидан ҳозиргача ниҳоятда кенг тарқалган ва узоқ элларга манзур бўлган жуда ҳам чиройли турли нақшли шоҳи чойшаблар ва ёпинчиқлар, ажойиб безакли дастурхон ва сўзаналар амалий бадий санъатнинг ёрқин намуналаридир. Айниқса, читгарлар яратган босма гулли газламалар, чойшаблар ва бошқа уй-рўзғор безаклари кишини ўзига мафтун қиладиган даражада юксак дид билан яратил-

ган. Ажойиб ранг-баранг гуллар ва нақшлар туширилган газламаларга босиладиган ёғоч қолипларни маҳаллий наққош усталар яратганлар. Читгарлик санъати узоқ даврлардан сақланиб келган.

Бадий каштачилик ҳам ўзбекларда қадимдан тарқалиб, энг сеvimли касб ҳисобланади. Каштачилик касбини билмайдиган оила йўқ деса бўлади.

Ўзбек каштачилиги безак буюмларининг анъанавий турлари жуда кўп. Масалан, палак, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, гулкўрпа, бугълама, парда, белбоғ, ёстиқ, устига ёпиладиган такяпўш, дўппи, кўйлак, дастрўмол, жойнамоз, нимча, маҳси кавуш ва бошқалар зўр бадий дид билан безатилган буюмлардир. Ўзбек усталари ишлатадиган кашта усулларидан тўлдириб гул солиб тўқиладиган босма, кандахаёл, ироқи, занжир кашта, тагдўзи, гулдўзи ва ҳоказо орқали яратилган ажойиб маҳсулотлар ҳозир ҳам кенг тарқалган. Кейинги вақтларда тикув машинасида ҳар хил деворга осадиган безаклар, турли чойшаб, белбоғ, дастурхон, жияклар, йўлаклар ва бошқа уй жиҳозлари маиший турмушни безаб келмоқда. Моҳир ўзбек каштачилари яратган гўзал сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб каби саноат буюмлари Германия, АҚШ, Бельгия, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатларнинг музейларида доимий экспозицияларга айланиб қолган.

Қўлда ва машинада тўқилган сўзаналар занжир кашта ёки керги чамбарак усули билан жуда гулдор қилиб ясалган. Сўзаналарни деворларга осганлар, чойшаб қилиб кўрпа-тўшак ва тахмон-токчаларга ёлганлар. Сўзаналар асосан йирик шаҳарларда тўқилган, аммо айрим вилоятларда ўзига хос услуб ва нақшлар яратилган. Тикув машинаси каштачилиги билан ҳозир жуда кўп усталар шуғулланмоқда, уларнинг маҳсулотлари янги мазмунда, ҳатто пейзаж ва меъморчилик нақшлари билан кашталанган. Никоҳ тўйларида келинкуёвлар уйи ва кўрпа-тўшаклари сўзаналар билан тўла безатилган. Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари — бўлажак келинчақлар ўзларининг сеплари (ҳар хил каштачилик буюмлари) ни ўзлари тайёрлаши лозим бўлган. Кашталар қанчалик нозик ва чиройли бўлса қайлиқ шунчалик юқори баҳоланган. Қизлар 7—8 ёшидан бошлаб кашта тикшишга ўргатилган.

Дўппи каштачилиги ўзбек халқининг ғурури ҳисобланади. Бошқа амалий санъат соҳалари сингари дўппи-

созликда ҳам ҳар бир жойнинг ўзига хос услуб ва нақшлари ўзаро фарқланган. Бутун Ўзбекистон ва қўшни ўлкаларда машҳур Чуст дўпписи ўзининг шакли, одми услуби, марказий қалампирли орнаменти, қора ва оқ нақшларининг мутаносиблиги билан характерлидир. Дарахт кўчати ва барглари эслатадиган ёрқин кўп рангли нақшлар ипак иплар билан кашталанган чакматўр дўппилари ажойиб санъат намуналаридан. Шаҳрисабзда тўла ва бой нақшлар билан безатилган очиқ рангли дўппилар, Қарши, Бойсун, Челак ва бошқа туманларда тарқалган каштали ўзига хос нақшли қавим қилиб тўқилган пилтадўзи ажралиб туради. Хоразм дўппи (тахъя) лари ҳам ўзининг кашта услуби, шакли ва нақшлари билан алоҳида ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳозиргача Тошкент, Чуст, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар ўзига хос нақшлар билан безатилган. Дўппиларнинг миллий турлари асосан ироқи, чуст дўппи, гилам дўппи, чакма бўр, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи деб номланган. Дўппи тикишда кейинги йилларда янги мазмундаги нақшлар пайдо бўлди. Масалан, зўр каштакор усталар «канал», «самолёт», «парашут», «каптар» каби нақшлар, исм ва рақамлар битилган дўппиларни тикиб сотувга чиқарганлар.

Ҳеч бир бадий-амалий санъат касби зардўзлик сингари катта обрў ва ҳурматга эга бўлмаган. Бундай серҳашам санъат намуналари узоқ ўтмишда жуда кўп тилга олиниб кўйилган. Археологик ва тарихий маълумотларга қараганда, Урта Осиёда зарбоф кийимлар ва безакли бадий буюмлар эрамизнинг биринчи асрларидан маълум. Масалан, Тошкент вилоятининг Вревский қишлоғида қазиб топилган аёл кишининг зарбоф кийими I—II асрларга оид. Урта аср ёзма манбаларидан Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарнома»сида 1442 йили Шохруҳ замонида Ҳиндистон билан Ҳирот орасида турган элчиларнинг совғалари ичида зарбоф кийимларнинг бўлганлиги тўғрисида хабар бор. Уша даврга оид «Ишратхона» мақбараси ҳақидаги ҳужжатларда зарбоф кийимлар ҳақида баён этилади. Ҳиротлик шоир Васифийнинг рисолаларида ҳам зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида маълумотлар келтирилган. XVII асрда яшаб ижод этган атоқли самарқандлик шоир Фитрат асосан зардўзлик билан шу-

гулланган, у кийим ва матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан.

Асримизнинг бошларига келиб зардўзликнинг ўзига хос мактаблари Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда яратилган. Чиройли қилиб безатилган қимматбаҳо матодан тикилган зардўзи сарполар маҳаллий аҳолининг турли табақалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан зодагонлар, амир саройдагилар ва бой табақалар учун юзлаб қўли гул моҳир усталар томонидан юқоридан буюртириб тикилган. Отабоболаридан мерос бўлган бу касб эгалари зардан безатилган камзул, чакмон, чалвир, белбоғ, салла, дўппи, қулоҳ, жул ва ийафзал тикканлар. Тадқиқотчиларнинг таърифича, ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан бирортаси ҳам мазкур сарполарни ўзига буюртириб кийишга ҳаққи бўлмаган, улар амир томонидан совға сифатида тикилиб инъом қилинган. Зарбоф кийимларни хон ёки унинг яқинлари томонидан биронта оилавий тантана ёки байрам муносабати билан тайёрлаш буюрилган ва кейин совға инъом қилинган. Бухорода дўн-таришгача ҳукмдорлик қилган манғитларнинг охириги сулоласига онд зарбоф кийимлар музейларда сақланмоқда. Зардўзларнинг ғойибона ҳомийси Ҳазрати Юсуф пир ҳисобланиб, у тўғридаги афсона ва ривоятлар махсус рисолада ҳикоя қилинади. Бизнинг замонамизгача фақат Бухорода сақланиб келган бир ноёб амалий безак санъати намунаси хонлик даврида подшо саройларида махсус дўконларда ишлатилган. Уша даврда Бухорода 350 га яқин зардўз усталар бўлган. Ҳозир зардўзликни бадий санъат корхоналарида моҳир усталар давом эттирмоқда. Зардўзлик икки хилда бўлади: умум фони ёппасига яхлит кашталанган заминдўзи ва махсус қалин қоғоз картон мато устига қўйиб гул (нақш) берилган расм устига ялли зар ип тўқиш гулдўзи. Зардўзлик маҳсулотлари асосан ўсимлик орнаменти билан безатилган, аммо замонавий руҳда юлдуз, пахта гули каби нақшлар ҳам учрайди. Шу билан бирга моҳир усталар тематик катта паннолар ҳам яратганлар. Ўзига хос каштачилик санъатини ташкил қилган ипак ҳамда зар тасма ва жияклар илғари кўплаб ишлаб чиқарилган. Уларнинг нақшлари тўқилиш ёки тикиш жараёнида битилган, баъзилари яхлит матога туширилган.

Ўзбек ҳунармандчилигида кейинги йилларда айниқса

қайта тикланиб ривожлана бошлаган бадий амалий санъат соҳаларидан гиламдўзлик узок тарихий анъаналарга эга. Гилам ва шолча тўқиш, археологик маълумотларга қараганда, эрамиздан аввалги I минг йиллик даврларидан бизгача етиб келган касб бўлиб, унинг маркази Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда жойлашган. Серҳашам гуллар билан безатилган ўзбек гилам ва шолчалари саккиз-тўққиз бўёқли рангда бўлиб, шулардан энг кўп ишлатиладиган тўқ ва очиқ қизил рангдир. Илгари маҳаллий гиламдўзлар гилам ва шолчадан ташқари нақшли безатилган хўржун, осма халта ва бошқа буюртма маҳсулотлар тўқиганлар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда асосан уч хил гиламдўзлик мактаблари ажралиб туради: Самарқанд, Андижон, Хоразм. Андижон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиқлиги, аниқ қизил-кўк ранглари ва гуллари билан фарқ қилади. Фарғона тўқ кўк гаммада ва геометрик нақшли, қисқа патли, марказида турунж, четига алоҳида-алоҳида нақшлар ишлатилган. Бу мактабга кирадиган Бухоро гиламлари ўзининг рангбаранглиги, узун патлилиги, катталиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Дастгоҳда тўқилган бундай гиламлар ўзининг чидамлилиги, нафислиги, табиийлиги ва сифатлилиги билан кўзга ташланади. Унда ҳошиядор эстетик жиҳатдан чиройли, қалқон деб номланган турунж нақшн кўпроқ ишлатилади. Хива, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тайёрланадиган тўқима гиламлар ўзининг геометрик ўсимликсимон нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва зўр сифати билан машҳур. Гиламнинг тўқима, тикма ва босма хиллари бўлади. Ўзбек гиламлари асосан тўқима хилда ишланган. Улар ёпиқ ҳолда ўрнатилган пастак, содда дастгоҳда тўқувчи аёллар томонидан туя тивити, қўй жуни, пахта толаси ва ипақдан тайёрланган. Утган аср охириларигача гилам тўқишда ўсимликлардан тайёрланадиган бўёқлардан, ҳозир эса кимёвий усулда тайёрланган анилин бўёқлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг чорвачилик ривожланган районларида қадим замонлардан кигиз босиш амалий санъати кенг тарқалган. Маҳаллий аҳоли кигизни илгари ерга бўйра (чипта) устига солишган, ўтовларни ўрашган, қалпоқ, пайма, айрим ҳолларда бадий буюм сифатида ишлатилган. Гулдор, чиройли кигизлар оқ, қизил, қора рангдаги нақшлар билан безатилган, баъзан гулсиз бо-

силган. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қора қўй ва чайдим кигизлар, Хоразмда таъянамат хиллари маълум. Кигиз қўйнинг кузги жунидан ёки эски жунидан тайёрланган. Жун титиб тозаланади, ювиб қуритилади, сўнг махсус савағичлар билан титилиб, ранги ва сифатига қараб юзлик ва оралиққа сараланади. Танлаб ажратилган жун юзига махсус ранг билан тўқилган майин жунлардан шоҳ, юлдуз, ромб, булут ва оддий геометрик шаклдаги нақшлар билан кигиз босилади. Кигизни махсус чий шолча ёки қалинроқ матога ўраб арқон билан маҳкам боғлаб устидан тез-тез қайноқ сув сепиб кўп марта думалатилади. Уни уч-тўрт киши ўтириб қўлда думалатиб, уқалаб, билаклаб тайёрлайди. Ҳозир кигизлар махсус машиналарда ишлаб чиқарилмоқда. Кигизчиликда ишлатиладиган мураккаб нақшлардан гажара услуби, Самарқандда бешкамта услуби кенг тарқалган. Ҳозир ҳам безакли, бир неча рангга бўялган жунлардан ажойиб кигизлар босиб чиқарилмоқда.

Бадий амалий санъатнинг ноёб турларидан бири ҳисобланган сават ва бўйра тўқиш ҳам ўзбекнинг азалий ҳунар-қасби бўлган. Сават ва бўйрани ота-боболаримиз қадимдан томорқа ва ҳовли атрофларидаги ариқ ва кўлларда ўсадиган қамишлар, шох-шабба ва ҳар хил новдалардан тўқиганлар. Улар ўзининг шакли ва ишлатилишига қараб ҳар хил номда бўлган. Масалан, қадимдан кажава сават, гулдор сават, нон сават, элама сават, дастурхон сават, узум сават, тўр сават, босма сават кабилар тўқилиб, махсус дўконларда сотилган. Ҳар хил шакл ва ҳажмдаги саватлар турли мақсадларда, қурилишда йирик новдалардан тўқилган махсус саватлар тупроқ, қум, ганч, ғишт, тош ташишда, нозик новдалардан тўқилганлари эса меза-чева, нон ва бошқа нарсалар солишда ишлатилган. Сават тўқишда дуб, терак, тол, туранғил, юлғун новдалари ёки қамиш, буғдойпоя каби материаллардан фойдаланилган. Айниқса, қоратол новдаларидан тўқилган саватлар анча чидамли ҳисобланган.

Бўйрачилик санъати маҳсулотларидан ҳам уй-рўзғор ишларида кенг фойдаланилган. Бўйра гилам, намат, палослар тагидан солинган, тўй ва маросимларда, меваларни қуриштишда ва қишда сақлашда ишлатилган. Ундан, шунингдек қоп ўрнида, деразаларни қоронғилатишда парда ўрнида, дафн маросимида, иморат томини

ёпишда (лўмбоз босишда) ва бошқа ҳолатларда фойдаланганлар. Кўп шаҳарларда ва катта қишлоқларда бўйрачи маҳаллалари бўлган. Масалан, Бухородаги Олимхўжа маҳалласида 120 та оиладан 70 таси бўйра тўқиш билан шуғулланган. Бўйралар турли номлар билан юритилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқининг узоқ тарихий тараққиётида ҳар томонлама ривожланиб келаётган кўп қиррали ва бой анъаналарга эга амалий безак санъати ниҳоятда ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб, бемисл ва бетакрор намуналарини яратиб келган. Бадий тафаккур ва шу билан бирга шаклланиб келган бадий ижод ўзбек миллий ҳаётининг муҳим соҳаси ҳисобланган халқ амалий санъатида айниқса намоён бўлди. Миллий эстетик таъб ва диднинг ўзига хослиги нафақат мазкур соҳада, балки мусиқада, рақсларда, миллий кийим ва безакларда, меъморчилик қурилишларида, рассомчиликда ва бошқа маънавий маданият соҳаларида ўз ифодасини топди.

Ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланиши ва доимо такомиллашиши жаҳонга машҳур меъморчилик обидаларимиздаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, ҳаттотлик, тоштарошлик, каштачилик ва бошқа турларининг афсонавий даражада уйғунлашган мужассамлигида ўз ифодасини топган. Халқимизнинг табиий истеъдоди ва катта меҳнати туфайли пайдо бўлган ажойиб меъморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари бўлмиш аجدодларимиз яратган баркамол, бебаҳо ва ноёб санъат асарларининг намуналари ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган зўр ҳиссаси деса бўлади. Айни замонда мазкур анъанавий санъат янги турлар ва соҳалар билан бойимоқда. Айниқса, амалий санъат безаги билан бир қаторда янги мазмун ва шаклларда ўз ифодасини топган тасвирий санъатнинг гуркираб ўсиши диққатга сазовордир. Республикаимизнинг мустақилликка эришиб истиқлол йўлига ўтиши нафақат халқ амалий санъати, балки барча санъат соҳалари, шу жумладан тасвирий санъатда ҳам тараққиётимизнинг янги даражасига кўтарилиб янада юксак самараларга эришиш имкониятини яратиб бермоқда. Келажакда буюк давлатнинг маънавий маданияти ҳам буюк бўлади.

## МУНДАРИЖА

Этнография фани: моҳияти ва муаммолари (муқаддима ўрнида) . . . . .	3
Ўзбек этнографияси тарихи ва истиқболи . . . . .	21
Ўзбеклар шажараси ва авлод-аждоғлар муаммоси . . . . .	52
Анъанавий машғулотлари ва хўжалик фаолияти . . . . .	83
Деҳқончилик ва сув хўжалиги . . . . .	87
Зироатчилик хўжалиги ва анъанавий агротехника . . . . .	99
Чорвачилик . . . . .	109
Хунармандчилик ва уй-рўзғор касблари . . . . .	113
Транспорт воситалари ва савдо . . . . .	
Ўзбекларнинг моддий маданияти намуналари . . . . .	139
Уй-жойлар ва жиҳозланиш анъаналари . . . . .	143
Кийим-кечак ва сарпо, безаклар ва пардоз-андозлари . . . . .	149
Миллий таомлар, пазандачилик ва меҳмоннавозлик . . . . .	158
Ижтимоий муносабатлар ва маҳаллачилик анъаналари . . . . .	177
Халқ байрамлари, ўйин ва маросимлари . . . . .	191
Оилавий-маиший турмуш анъаналари . . . . .	208
Диний тасаввурлар, урф-одатлар ва иримлар . . . . .	226
Миллий маданият, маънавият ва гўзаллик . . . . .	258
Маърифат ва илм-фан . . . . .	259
Фольклор ва адабиёт . . . . .	271
Халқ театри ва миллий рақслар . . . . .	282
Амалий безак сайъати . . . . .	288

## ИСО ЖАББОРОВ

### ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГРАФИЯСИ

*Тошкент «Ўқитувчи» 1994*

Таҳририят мудири С. Мўминов

Муҳаррир И. Шоймардонов

Бадий муҳаррир Т. Қаноатов

Техник муҳаррир Т. Скиба

Мусаҳҳиҳ Л. Мирзахмедова

ИБ № 6424

Теринга берилди 7.02.94. Босинга рухсат этилди 13.06.94. Формати 84×108/32. Литерат. гарнитураси. Ҳағли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16,38. Шартли кр.-отт-17,01. Нашр. л. 15 5. Ти-ражи 11000. Буюртма № 43.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент —700129. Навоий кўчаси, 30. Шарт-нома № 07—177—93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижа-ра китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1994.